ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

(2-чи қайта ишланган нашри)

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан
дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ
«IQTISOD-MOLIYA»
2020

УДК 336.71:657
КБК 65.262.
Т-46

Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Дарслик, (2-чи қайта ишланган нашри) / А.К.Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р.Ҳотамов., Н.К.Ризаев. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2020 – 560 б.

Тақризчилар: *Жумаев Н.Х.* - ЎР БМА "Банк иши" кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори
Сайфиддинов И.Ф. - ТМИ "Банк ҳисоби ва аудит" кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

Дарслик Олий таълим Давлат таълим стандартлари талаблари асосида тайёрланган бўлиб, 5А 233705 - "Банк ҳисоби, аудити ва назорати" магистратура мутахассисликлари тингловчилари учун мўлжалланган.

Дарсликда молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари (МҲХС Фонди)нинг ташкил топиши, унинг ривожланиши, бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделлари, МҲХС асосида тижорат банкларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, банкларда лизинг, депозит операциялари ҳисоби, даромадлар ва ҳаражатларни ҳисобга олиш, молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тамойиллари ёритиб берилган.

УДК 336.71:657
КБК 65.262.

ISBN 978-9943-13-857-5

© А.К.Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р.Ҳотамов, Н.К.Ризаев, 2020
© «IQTISOD-MOLIYA», 2020

Сўз боши

Мамлакатимизни инновацион иқтисодиётга ўтишида янги босқичида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар доирасида Марказий банк ва тижорат банкларининингнинг мақсад ва вазифалари, институционал тузилиши тубдан қайта кўриб чиқилди. Пул-кредит сиёсати мантиқан янги тамойиллар асосида юритиладиган бўлди. Хусусан, мамлакатда ички нархлар барқарорлигини таъминлаш вазифаси Марказий банк фаолиятининг устувор мақсади сифатида белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишдаги бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берилди. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқлаштиришни талаб этади.

Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Энди банклар ресурс жалб этиш бўйича «ўз аравасини ўзи тортиши» керак. Шундагина бозор шароитига мос, замонавий бошқарув тизимига эга молиявий институтга айлана олади..»[1].

"...миллий валюта билан боғлиқ муносабатлар. Фикримча, Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)га аъзо мамлакатларнинг иқтисодиётининг жорий ҳолати бу масалани кўтариш имконини бермайди. Аммо, ЕОИИга аъзо бўлиш орқали ўзаро ҳисоб-китобларнинг самарасини ошириш, долларга (долларизация оқибатларини) қарамликни юмшатиш мумкин"[2]. Демак, бугунги кунда Ўзбекистонни халқаро даражада эътироф этилишида тижорат банкларидаги бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) талаблари бўйича ташкил этиш ва юритишни тақозо этади. Юқоридаги масалаларни ўз ичига олган

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 25 октябрдаги Банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқидан. https://president.uz/uz/2961

[2] Жумаев Н.Ҳ. "Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи орасидаги муносабатлар хусусидаги мулоҳазалар". @bankers_uz

мазкур қўлланма ўн битта бобдан иборат бўлиб, унда банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари асосида тузиш ва шакллантириш концепциясининг назарий-услубий асослари ёритилган.

Қўлланмани яратишда банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга оид халқаро ва миллий меъёрий ҳужжатлар ҳамда бошқа тегишли манбалардан кенг фойдаланилди. Қўлланмадан олий таълимнинг иқтисодиёт йўналишидаги магистратура мутахассисликлари тижорат банкларидаги бухгалтер ходимлар ва аудиторлар фойдаланишлари мумкин. Қўлланмани юзага келишида амалий маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган тижорат банклари ("Ўзмиллийбанк", "Ўзсаноатқурилишбанки" АТБ ва "Ипотекабанк" АИТБ) нинг бош бухгалтер (аудитор) мутахассисларига ўз миннатдоргимизни билдирамиз.

Муаллифлар

I БОБ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1.1. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ҳақида умумий тушунча

Маълумки, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ҳар доим ҳам республикамиз ҳисоб ва ҳисоботида ислоҳотларни амалга оширишда асосий инструмент сифатида қараб келинган. Ахборотнинг фойдали тавсифига эришиш учун ёки бевосита МҲХС тамойилларини жорий қилинади ёки миллий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини қуришда асос сифатида қабул қилинади. Сир эмас мамлакатимизда иккинчи йўл танланган.

Миллий бухгалтерия ҳисобини МҲХСнинг принцип ва талабларига мос ҳолга келтириш бўйича ислоҳотларни давом қилдириш жараёнида амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритишни талаб қилади.

Замонавий бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлинади. Бошқарув ҳисоби ички фойдаланиш учун мўлжалланган ички (бошқарув) ҳисоботларини шакллантириш имконини беради. Компания менежерлари бошқарув ҳисоботи ахборотларидан фойдаланиш орқали тезкор ва ташқи муҳитга мос бошқарув қарорлари қабул қилишлари осон бўлади: биринчи навбатда бизнеснинг қаси сегментини (соҳасини) ривожлантириш керак, қабул қилинган буюртмани қайси ускуналарда бажариш фойдалироқ, ишлаб чиқариш дастурини қандай режалаштириш лозим, нархни қандай белгилаш лозим ва бошқалар. Молиявий (бухгалтерия) ҳисоби тизимида тайёрланган ахборот негизида энг аввало бухгалтерия ахборотидан ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланган ташқи молиявий ҳисобот шаклланади.

Ҳисоб у юритилаётган муҳит билан боғлиқ: маданий анъаналар, иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар, шунингдек мамлакатнинг сиёсий уклади миллий ҳисоб принциплари шаклланишини олдиндан белгилаб беради. Шундай бўлсада, халқаро тажриба шундан далолат берадики, молиявий ҳисоботларнинг шаклланиш тартиби ва таркибига қизиқувчи фойдаланувчиларнинг талаблари кўпроқ таъсир кўрсатади. Тарихан

турли мамлакатларда эркин капитал бозорларда фойдаланувчиларнинг турли гуруҳларининг ҳукмронлик қилиши бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимларида фарқларнинг вужудга келишини таъминлаб берди. Кўрсатилган фарқлар ривожланиши натижасида, кўпинча ҳудудий жиҳатдан таснифланадиган, бухгалтерия ҳисоби моделлари шаклланди.

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби "бизнес тили" деб қабул қилинган. Чунки, иқтисодий субъектлар бир-бири билан иқтисодий алоқада бўлар эканлар улар ўз шерикларнинг молиявий ҳолатини яхши билишлари шарт. Молиявий ҳолатини ўрганиш учун эса унинг молиявий ҳужжатларини тушуниш керак бўлади. Ёки ҳамкорликдаги субъектлар бир-бирига зид келмайдиган бир хил тамойил ва қоидалар асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш зарур. Бир сўз билан айтганда, молиявий ҳисобот тиниқ ва аниқ ҳамда энг асосийси ишончли бўлиши лозим.

Биз юқорида, бухгалтериянинг халқаро моделлари бир-биридан фарқини санаб ўтдик. Бундай фарқлар нафақат моделлар, балки айрим мамлакатлар ўртасида ҳам йўқ эмас. Масалан, Америка қўшма штатлари молиявий ҳисоботларида актив ва мажбурият бошланғич – тарихий қийматда акс эттирилади, Мексикада эса уларга баҳолар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилади. Америка қўшма штатларида номоддий активларнинг аморитизацияси даври 40 йилгача рухсат берилган, Германияда эса бу талаб 5 йил қилиб қаътий белгиланган. Америка қўшма штатларида даромадларни ихтиёрий ҳисобга олишга йўл қўйилмайди, Японияда эса хўжалик субъектлари хатто фойдаларига ҳам ўзгартиришлар киритиш мумкин. Биз юқоридаги мамлакатлар бухгалтерияси ўртасидаги мавжуд бир нечта фарқлар кўрсатдик холос. Ана шундай фарқларни бартараф этиш ва барча мамлакатлар учун бир хил (стандарт) молиявий ҳисоботларни тузиш қоидаларини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келган.

Шу муносабат билан 1973 йили 10 та йирик мамлакат АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Канада, Австралия, Ирландия, Голландия ва Мексика малакатларининг бухгалтер ва аудиторлар уюшмаси томонидан Молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиладиган бухгалтерия тамойилларини бир шаклга келтириш мақсадида молиявий ҳисоботларнинг халқаро

стандартлари бўйича Қўмитаси (МҲХСҚ) тузилган. Бугунги кунда Қўмита 112 мамлакатнинг 153 та шундай уюшмани ўзига жамлаган. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича Қўмитаси (МҲХСҚ) маълумотларига кўра, бухгалтерия ҳисоби "иқтисодий қарорларни кабул қилишда энг кенг доирадаги фойдаланувчиларга фойдали бўлган" молиявий маълумотлар билан таъминлаш каби хаётий муҳим вазифани бажаради.

МҲХС – асосий мақсади дунёда барча мамлакатларнинг молиявий ҳисоботларининг энг яхши жихатларини инобатга олган ҳолда, уларни такомиллаштириб ҳамма учун мақбул бўлган молиявий ҳисоботларнинг универсал стандартларини яратиш ва ҳаётга жорий қилиш йўлларини излаб топишдир. Шунингдек, қабул қилинган стандартларни доимий равишда бир-бири билан мослаштириш ҳамда уларни такомиллаштириб бориш бўйича умумий иш олиб боришдан иборатдир. МҲХС – бу бухгалтерия ҳисобининг халқаро эталонидир. Бугунги кунда 40 дан ортиқ шундай стандарт ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

1.2. БҲХС Қўмитаси-халқаро ташкилот сифатида ва унинг вазифалари

Жаҳонда бухгалтерия ҳисобининг ҳақаро стандарти сифатида иккита эталон - Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари - МҲХС (International Financial Reporting Standards - IFRS) ҳамда АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган қоидалари - БҲУҚ (Generally Accepted Accounting Principles - GAAP) тан олинган. Халқаро фонд бозорларида листингдан ўтиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот айнан шу икки стандарт талаблари асосида тайёрланади ва тақдим қилинади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, АҚШ фонд бозори листингига кириш учун GAAP (БҲУҚ) талаблари, қолган фонд биржалари учун эса МҲХС талаблари асосида молиявий ҳисобот тақдим қилинади. АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган қоидаларида “стандарт” сўзи мавжуд эмас. Лекин юқоридаги стандартларга берилган таърифларга мувофиқ, GAAPни бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти сифатида қарашимиз мумкин. Кўпгина хорижий олимлар томонидан ҳам GAAP халқаро стандарт сифатида тан олинади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти ҳисобланган GAAPни яратилишида Англо-саксон бухгалтерия ҳисоби қоидалари катта манба бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга, унинг назарий асосларини ишлаб чиқишда мамлакатнинг, нафақат бухгалтерия ҳисоби билан бевосита шуғулланувчи олимлари, балки барча иқтисодий йўналишда фаолият юритувчи машҳур олимлар ўз ҳиссаларини қўшишган. Лекин GAAPнинг ривожланишида қанчалик кўп омиллар ўз изини қолдирмасин, у позитивизм таъсири доирасида шаклланди (позитивизм-фаннинг ролини фактлар ва ҳодисаларни ёзиб боришдангина иборат деб чеклаб қўяди, уларнинг моҳиятини тушунтириб беришдан бош тортади, у асосан амалиётга ва тажрибага таянади). Ишонч билан айтиш мумкинки, GAAP АҚШ иқтисодиётининг эллик йиллик амалий тажрибасининг мевасидир.

Амалдаги GAAP Америка молиявий ҳисоби стандартлари бўйича Кенгаш - FASB томонидан ишлаб чиқилмоқда. Унда 7 эксперт фаолият юритади. Шу билан бирга, GAAPни ишлаб чиқишда ва қабул қилишда Америка қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссияси (SEC) катта таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ушбу жараёнларда Америка ижтимоий дипломли бухгалтерлар институти – AICPA, Америка бухгалтерлар ассоциацияси – AAA ва Давлат ташкилотлари ҳисоби учун стандартлар Бошқармаси – GASB ҳам фаол иштирок этишади.

GAAP жаҳоннинг бошқа мамлакатлари бухгалтерия ҳисоби стандартларига қанчалик сезиларли таъсир кўрсатмасин, у барча мамлакатларни қамраб ололмайди. У, асосан АҚШ фонд бозори листингига кирадиган мамлакатлар учун талаб ўрнатади. Табиийки, бундай шароитда, дунёнинг бошқа мамлакатлари учун бухгалтерия ҳисобининг янги халқаро стандартлари яратилиши зарурияти туғилади.

Ана шундай омиллар таъсири остида, ҳозирда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўмитаси (МҲХСҚ) деб номланган Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қўмитасига (БҲХСҚ) асос солинди. Ушбу қўмиталар томонидан Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС) ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ишлаб чиқилган. Ўқувчи тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун, биз БҲХСҚ ва МҲХСҚнинг фаолияти тўғрисида батафсилроқ маълумотлар берамиз.

- 1973 йилнинг 29 июнида 10 та йирик мамлакатларнинг (Австралия, Канада, Франция, Германия, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия, Ирландия ва Америка Қўшма Штатлари) бухгалтер ва аудиторлар уюшмаси томонидан БҲХСҚга асос солинди.

- 1975 йилда илк стандартлар ҳисобланган 1-БҲХС (1975 й.) "Ҳисоб сиёсати ёритилиши" ва 2-БҲХС (1975 й.) "Товар-моддий захираларни тарихий қиймат бўйича ҳисоб тизими доирасида баҳоланиши ва тақдим этилиши"ларнинг якуний вариантлари чоп этилган.

- 1989 йилда Европа бухгалтерлар федерацияси (ЕБФ) бухгалтерия стандартларининг халқаро уйғунлашувини ва БҲХСҚ фаолиятида Европа мамлакатларининг янада фаол қатнашишини қўллаб-қувватлайди. Европа бухгалтерлар федерацияси Кенгаши (IFAS) давлат сектори корхоналари учун давлат тижорат корхоналари томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда БҲХСдан фойдаланиш мажбуриятини юклайдиган кўрсатмаларни тасдиқлайди.

- 1994 йилда БҲХСҚни назорат қилиш ва молиялаштириш масалалари билан шуғулланувчи Маслаҳат Кенгашига асос солинди.

- 1995 йилда Европа Комиссияси (ЕК) БҲХСҚ ва ҚҚКХТ (Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти) ўртасидаги асосий стандартларни ишлаб чиқишни якунлаш тўғрисидаги битимни қўллаб-қувватлайди ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларига БҲХСни қўллаш мажбуриятини юклайди.

- 1996 йилда Қимматли қоғозлар ва АҚШ биржалари бўйича Комиссияси қимматли қоғозларни халқаро бозорларда жойлаштиришни амалга ошириш мақсадида молиявий ҳисоботни тайёрлашга доир стандартларни тезкор ишлаб чиқиш борасидаги БҲХСҚнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

- 1998 йилда "Катта еттилик" мамлакатларининг Молия вазирлари ва Халқаро валюта фонди (ХВФ) "Халқаро молиявий архитектурани мустаҳкамлаш" мақсадида БҲХСни қўллаб-қувватлашга чорлайди.

- 2000 йилда ҚҚКХТ ўз аъзоларига трансмиллий компаниялар томонидан қимматли қоғозларни халқаро фонд бозорларига жойлаштирилишида БҲХСҚ стандартларидан фойдаланишга рухсат беришни тавсия этади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти ҳисобланган GAAPни яратилишида Англо-саксон бухгалтерия ҳисоби қоидалари катта манба бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга, унинг назарий асосларини ишлаб чиқишда мамлакатнинг, нафақат бухгалтерия ҳисоби билан бевосита шуғулланувчи олимлари, балки барча иқтисодий йўналишда фаолият юритувчи машҳур олимлар ўз ҳиссаларини қўшишган. Лекин GAAPнинг ривожланишида қанчалик кўп омиллар ўз изини қолдирмасин, у позитивизм таъсири доирасида шаклланди (позитивизм-фаннинг ролини фактлар ва ҳодисаларни ёзиб боришдангина иборат деб чеклаб қўяди, уларнинг моҳиятини тушунтириб беришдан бош тортади, у асосан амалиётга ва тажрибага таянади). Ишонч билан айтиш мумкинки, GAAP АҚШ иқтисодиётининг эллик йиллик амалий тажрибасининг мевасидир.

Амалдаги GAAP Америка молиявий ҳисоби стандартлари бўйича Кенгаш - FASB томонидан ишлаб чиқилмоқда. Унда 7 эксперт фаолият юритади. Шу билан бирга, GAAPни ишлаб чиқишда ва қабул қилишда Америка қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссияси (SEC) катта таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ушбу жараёнларда Америка ижтимоий дипломли бухгалтерлар институти – AICPA, Америка бухгалтерлар ассоциацияси – AAA ва Давлат ташкилотлари ҳисоби учун стандартлар Бошқармаси – GASB ҳам фаол иштирок этишади.

GAAP жаҳоннинг бошқа мамлакатлари бухгалтерия ҳисоби стандартларига қанчалик сезиларли таъсир кўрсатмасин, у барча мамлакатларни қамраб ололмайди. У, асосан АҚШ фонд бозори листингига кирадиган мамлакатлар учун талаб ўрнатади. Табиийки, бундай шароитда, дунёнинг бошқа мамлакатлари учун бухгалтерия ҳисобининг янги халқаро стандартлари яратилиши зарурияти туғилади.

Ана шундай омиллар таъсири остида, ҳозирда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўмитаси (МҲХСҚ) деб номланган Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қўмитасига (БҲХСҚ) асос солинди. Ушбу қўмиталар томонидан Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС) ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ишлаб чиқилган. Ўқувчи тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун, биз БҲХСҚ ва МҲХСҚнинг фаолияти тўғрисида батафсилроқ маълумотлар берамиз.

- 1973 йилнинг 29 июнида 10 та йирик мамлакатларнинг (Австралия, Канада, Франция, Германия, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия, Ирландия ва Америка Қўшма Штатлари) бухгалтер ва аудиторлар уюшмаси томонидан БҲХСҚга асос солинди.

- 1975 йилда илк стандартлар ҳисобланган 1-БҲХС (1975 й.) "Ҳисоб сиёсати ёритилиши" ва 2-БҲХС (1975 й.) "Товар-моддий захираларни тарихий қиймат бўйича ҳисоб тизими доирасида баҳоланиши ва тақдим этилиши"ларнинг якуний вариантлари чоп этилган.

- 1989 йилда Европа бухгалтерлар федерацияси (ЕБФ) бухгалтерия стандартларининг халқаро уйғунлашувини ва БҲХСҚ фаолиятида Европа мамлакатларининг янада фаол қатнашишини қўллаб-қувватлайди. Европа бухгалтерлар федерацияси Кенгаши (IFAS) давлат сектори корхоналари учун давлат тижорат корхоналари томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда БҲХСдан фойдаланиш мажбуриятини юклайдиган кўрсатмаларни тасдиқлайди.

- 1994 йилда БҲХСҚни назорат қилиш ва молиялаштириш масалалари билан шуғулланувчи Маслаҳат Кенгашига асос солинди.

- 1995 йилда Европа Комиссияси (ЕК) БҲХСҚ ва ҚҚКХТ (Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти) ўртасидаги асосий стандартларни ишлаб чиқишни якунлаш тўғрисидаги битимни қўллаб-қувватлайди ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларига БҲХСни қўллаш мажбуриятини юклайди.

- 1996 йилда Қимматли қоғозлар ва АҚШ биржалари бўйича Комиссияси қимматли қоғозларни халқаро бозорларда жойлаштиришни амалга ошириш мақсадида молиявий ҳисоботни тайёрлашга доир стандартларни тезкор ишлаб чиқиш борасидаги БҲХСҚнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

- 1998 йилда "Катта еттилик" мамлакатларининг Молия вазирлари ва Халқаро валюта фонди (ХВФ) "Халқаро молиявий архитектурани мустаҳкамлаш" мақсадида БҲХСни қўллаб-қувватлашга чорлайди.

- 2000 йилда ҚҚКХТ ўз аъзоларига трансмиллий компаниялар томонидан қимматли қоғозларни халқаро фонд бозорларига жойлаштирилишида БҲХСҚ стандартларидан фойдаланишга рухсат беришни тавсия этади.

- 2000 йилда БҲХСҚ аъзолари бўлган ташкилотлар БҲХСҚни қайта ташкил этишни ва унинг янги низомини тасдиқлайди.

- 2001 йилда МҲХСҚ таркиби ва қўмитанинг янги номи эълон қилинади. БҲХСҚ Фонди ташкил этилади. 2001 йил 1 апрелда МҲХСҚ БҲХСҚдан стандартларни чоп этиш ва қабул қилиш масъулиятини қабул қилиб олади. МҲХСҚ амалдаги БҲХС ва Шарҳлаш бўйича Доимий қўмитани (ШДҚ) тасдиқлайди.

- 2002 йилда Европа Иттифоқи томонидан Европа Фонд биржасида муомалада бўлган компаниялар акциялари учун 2005 йилдан бошлаб МҲХСни қўллаш мажбуриятини ўрнатилиши белгиланди.

- 2002 йилда МҲХСҚ ва Америка молиявий ҳисоби стандартлари бўйича Кенгаш - FASB ўртасида конвергенция (бирлаштириш) тўғрисида битим имзоланди.

- 2004 йилдан бошлаб МҲХСҚ мажлислари Интернет орқали узатилмоқда.

- 2004 йилда МҲХСларнинг якуний вариантлари ва ШДҚнинг биринчи лойиҳаси чоп этилган.

- 2005 йилда МҲХС ва Америка молиявий ҳисоби стандартлари ўртасидаги фарқларни тушунтириш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилиш тўғрисида SECнинг Ҳаракат режаси қабул қилинган.

- 2008 йилда ҚҚКХТ молиявий ҳисоботларни тайёрлашда МҲХСҚ томонидан қабул қилинган стандартларга қатъий риоя қилиш тўғрисида кўрсатма берди.


- 2008 йилда МҲХСҚ ва FASB 2014 йилда кўпгина мамлакатлар, шу жумладан АҚШ ҳам МҲХСни қабул қилишлари муносабати билан конвергенция бўйича қўшма лойиҳаларни тезлаштиришга қарор қилишди.

- 2008 йилда Америка ижтимоий дипломли бухгалтерлар институти – AICPA, ўзининг "Ахлоқ кодекси"да МҲХСКни бухгалтерия стандартларини ўрнатувчи ташкилот сифатида тан олди.

- 2009 – йилда МҲХСК давлатлар ва давлатлараро ташкилотлар вакилларидан иборат Кузатув кенгашини таъсис этди.

- 2010 – йилда Васийлар иккинчи марта Низомни қайта кўриб чиқишди. Олдинги БҲХСҚ Фонди номи МҲХСҚ Фонди номига ўзгартирилди.

Бундан ташқари, ўтказилган ислоҳотлардан сўнг, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўмитасининг таркибига МҲХС Фонди ва МҲХС Кенгаши (кейинги матнда Кенгаш) киритилди. Бундан ташқари, унинг таркибида Стандартлар бўйича маслаҳат кенгаши (IFRS Advisory Council), Стандартлар бўйича Шарх бериш бўйича Қўмита (IFRIC, IFRS) ҳамда МҲХСни жорий этиш бўйича тезкор хизмат фаолият юритишади. Янги ташкил топган МҲХС қўмитасининг таркибий тузилиши қуйидаги расмда келтирилган:



1-расм. **МҲХС Фондининг ташкилий тузилмаси**

Ўтказилган ислоҳотлардан сўнг, стандартлар Кенгаш томонидан ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Бугунги кунга қадар Кенгаш томонидан 13 та янги стандартлар (International Financial Reporting Standards – IFRS) ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинмоқда.

Кенгаш 16 аъзога эга бўлиб, МҲХС Фондига ҳисобдор ҳисобланади.

МҲХС Фонди– хусусий секторнинг жамият манфаатлари мақсадида ишлайдиган, мустақил, нотижорат ташкилот бўлиб, унинг асосий мақсади:

- МҲХС стандартларни ўрнатадиган идора - Кенгаш томонидан юқори сифатли, тушунарли, амалда кучга эга ва халқаро миқёсда тан олинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ягона тўпламини ишлаб чиқиш;
- ушбу стандартларнинг жорий қилиниши ва қатъий қўлланилишини илгари суриш;
- ривожланаётган мамлакатлар ҳамда кичик бизнеснинг молиявий ҳисобот бўйича эҳтиёжларини ҳисобга олиш;
- Кенгаш томонидан чиқариладиган стандартлар ва тушунтиришлар бўлмиш Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартларини миллий стандартлар ва МҲХСни конвергенцияси (бирлашиши) орқали илгари суриш ва уларнинг қабул қилинишини жадаллаштиришдан иборатдир.

МҲХСҚ томонидан стандартларни қабул қилиш бўйича қатъий тартибот тизими ишлаб чиқилган. МҲХСҚ стандартларни қабул қилиш ва ишлаб чиқишда қатъий ва ошкоралик тартиботларга риоя қилади. МҲХСҚ ва Шарх бериш бўйича Қўмита мажлислари веб-трансляция орқали ошкора ўтказилади. Стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш қуйидаги босқичлардан иборат:

- ишлаб чиқилиши лозим бўлган мавзу билан боғлиқ саволларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, молиявий ҳисобот тузиш қоидаларини ушбу саволларга нисбатан қўллаш масаласини кўриб чиқиш;
- бухгалтерия ҳисобининг миллий қоидалари ва амалиётини ўрганиш, миллий стандартлар ўрнатувчи идоралар билан фикрлар алмашиш;
- Кенгаш мажлиси кун тартибига ушбу масалани киритиш бўйича Маслаҳат Кенгаши ва васийлар билан келишиш;
- Кенгашни маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш учун маслаҳат гуруҳини тузиш;
- мунозарали ҳужжатлар бўйича шархлар олиш учун уларни нашр қилиш;
- кўпчилик овоз (60%) билан тасдиқланган стандарт лойиҳасини шархлар олиш учун, МҲХСҚ аъзолари ўртасидаги тафовутли фикрларини илова қилган ҳолда нашр қилиш;
- Стандарт лойиҳасини маъқуллашга асос бўлган омилларни нашр қилиш;

- мунозарали ҳужжатлар ва стандарт лойиҳаси муҳокамаси бўйича олинган шарҳларни ошкора кўриб чиқиш;

- зарур ҳолларда оммавий маълумотларни олиш ва аниқ вазиятларда тестлар ўтказиш;

- МҲХСҚ аъзоларининг камида 8 овози билан стандартни тасдиқлаш;

- стандартни қабул қилишда қўлланилган асослар ва стандарт лойиҳаси бўйича олинган шарҳлар муҳокамаси ёритилган ҳолда нашр қилиш.

МҲХС Фонди фаолиятини бошқариш ва молиялаштирилишини таъминлаш учун жавобгар бўлган МҲХС (IFRS Foundation Trustees) Фонди васийлари (кейинги матнда Васийлар) томонидан амалга оширилади. Васийлар ошкора равишда давлат идораларининг мониторинги бўйича Кенгашига ҳисоб берадилар. Шунингдек, улар МҲХС Фондининг билан халқаро капитал бозорини тартибга солувчи органлар билан расмий ҳамкорлигини таъминлайди.

Бундан ташқари, Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини яратиш ўта муҳим ва мураккаб вазифа ҳисобланган сабабли қуйидаги беш нуфузли халқаро ташкилот ҳам унинг фаолиятида фаол иштирок этишмоқда.

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (UNO), қошидаги халқаро ҳисоб ва ҳисобот стандартлари бўйича "Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи".

2. Иқтисодий ҳамкорлик ривожланиш ташкилоти (OECD).

3. Европа Иттифоқи - European Union (EU).

4. Халқаро бухгалтерлар федерацияси - International Federation of Accountants (IFAC).

5. Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссия халқаро ташкилоти (IOSCO).

2012 йилдан бошлаб Васийлар жаҳоннинг барча мамлакатлари вакилларини қамраб олиш мақсадида Европа, Шимолий Америка, Осиё/Океания ва бошқа барча қолган дунё регионларига бўлинган ҳолда фаолият юритишмоқда.

Юқоридаги далилларга асосан айтишимиз мумкинки, 2001 йилдаги Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Қўмитасида ўтказилган ислоҳотлар натижасида БҲХСнинг номи МҲХСга ўзгартирилди. Шунга мос равишда Қўмитанинг номи ҳам ўзгарган. Бу эса, айрим иқтисодчи олимларимиз томонидан БҲХС

ва МҲХСларни алоҳида стандартлар сифатида хато талқин қилинишига сабаб бўлмоқда. БҲХС ва МҲХС ягона стандартлар бўлиб, бугунги кунда улар – қуйидагилардан иборат:

а) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари;

б) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари;

в) МҲХСларни Шархлаш бўйича Қўмита (МҲХСШҚ) томонидан чиқарилган Шархлар;

г) Шархлаш бўйича Доимий Қўмита (ШДҚ) томонидан чиқарилган Шархлар.

Бу ерда яна шуни таъкидлаш лозимки, Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси стандарт ҳисобланмайди. Концептуал асос молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилиш асосларини ташкил қиладиган қоидаларни белгилайди, яъни:

- Кенгашга янги стандартларни ишлаб чиқиш ва амалдаги стандартларни қайта кўриб чиқишда ёрдам беради;

- бухгалтерия ҳисоби бўйича муқобил ёндашувларни камайтириш ва уларни уйғунлаштириш учун асослар билан таъминлайди;

- аудиторларга молиявий ҳисоботнинг МҲХСга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги хулосани шакллантиришда ёрдам беради;

- молиявий ҳисобот тайёрлайдиган хўжалик субъектларига МҲХСни қўллашда ёрдам беради.

Бизнинг фикримизча, МҲХСҚда амалга оширилган ислоҳотлардан яна бир мақсад, шакл билан мазмунни мослаштиришдан иборат бўлган. Маълумки, бухгалтерия ҳисоби ҳисоб цикли билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни, яъни бухгалтерия ҳисобига оид маълумотларни дастлабки тан олиш, зарур ҳоллада уларни бирламчи ҳужжатларда расмийлаштириш, маълумотларни ҳисобварақларда ва ҳисоб реестрларида қайд этиш ва молиявий ҳисобот тайёрлаш босқичларини қамраб олади. Албатта, фойдаланувчига молиявий ҳисобот тақдим қилинади. Шу боис, МҲХСҚ асосан, молиявий ҳисоботга нисбатан талаблар ўрнатади. Лекин бундан стандартлар бирламчи ҳужжатлар, ҳисобварақлар ва ҳисоб реестрларини инкор қилади деб хулоса қилиш нотўғри. Масалан, трансформация усулида миллий ҳисоботни МҲХСга ўгиришда ҳисобварақларда йиғилган маълумотлардан фойдаланишнинг ўзи ҳам юқорида айтилган фикрни тасдиқлайди. Бирламчи ҳужжатлардаги маълумотларсиз,

нафақат молиявий ҳисобот, балки оддий ҳисобчиликка асосланган ҳисоботларни ҳам тузиш мумкин эмас.

Ҳозирда МҲХС – бу бухгалтерия ҳисобининг халқаро эталони ҳисобланади, Халқаро капитал бозорининг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда Молиявий Барқарорлик Форуми (Financial Stability Forum) томонидан МҲХС глобал иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши учун зарур бўлган 12 глобал стандартнинг бири сифатида тан олинди. Шу сабабли, МҲХСни қабул қилаётган мамлакатлар кундан-кунга кўпайиб у 150 дан ортиқ касбий уюшмаларни қамраб олди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги ПҚ-1438-сонли Қарорига мувофиқ, банк-молия тизими бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўлиқ МҲХСга мослаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Иқтисодий адабиётларда "Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари" ва "Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари" каби атамалар ёки шу номдаги мавзуларда илмий мақолалар берилмоқда. Айрим олимлар уларни айнан бир хил стандартлар деб баҳолашса, айримлари эса уларни бир-биридан фарқ қилувчи турли стандартлар, деб талқин қилишади. Қолаверса, уларни моҳияти тўғрисида ҳам турлича фикрлар ҳукм суради.

Стандарт инглизча сўз бўлиб, ўзбек тилида меъёр, намуна ёки ўлчам маъносини англатади. Шунингдек, у ўхшаш объектларни таққослаш учун асос ҳисобланган эталон сифатида ҳам эътироф этилади. Стандарт сўзининг ҳуқуқий маъноси эса, маълум объектга нисбатан қўлланиладиган меъёрлар, қоидалар ва талаблар мажмуи мужассамлашган расмий меъёрий ҳужжатдир.

Юқоридаги стандарт сўзининг луғавий ва ҳуқуқий мазмунларидан келиб чиқиб, "Бухгалтерия ҳисоби стандартлари"га бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи аниқ қоидалар тўплами деб таъриф беришимиз мумкин. "Қоида" сўзи қонун ҳужжатларида белгиланган қатъий нормалар ёки жамАТчилик томонидан қабул қилинган асосий тамойиллар бўлиши мумкин. Стандарт бухгалтерия ҳисоби объектига ёки молиявий ҳисобот элементига нисбатан аниқ талаблар ўрнатиши билан, у бухгалтерия ҳисобининг

умумий йўналишларини белгиловчи бухгалтерия ҳисоби моделларидан фарқ қилади.

Жаҳон олимлари томонидан Стандартлар, Бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини ёритади, Стандартлар тўплами эса бухгалтерия ҳисоби асосларидир, деб изоҳ бериш одат тусига айланган. Масалан, АҚШ олимлари Стандартлар молиявий ҳисоботни тузиш қоидалари бўлиб, умумқабул қилинган тамойилларни акс эттиради, деб ҳисоблашса, Алан Пиззей (Россия Федерацияси Бухгалтерия хисобини ислоҳ қилиш халқаро маркази) молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим қилиш учун ишлатиладиган норма ёки стандартлар Бухгалтерия ҳисоби стандарларидир, деб хулоса берган. Кўриниб турибдики, олимлар ўртасида "Бухгалтерия ҳисоби стандарлари"нинг моҳиятини ёритиш бўйича жиддий зиддиятлар мавжуд эмас. Маълумки, Бухгалтерия ҳисоби стандарлари миллий ва халқаро стандартларга бўлинади. Барча мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ва аниқ юритиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи тамойиллар ва қоидалар, яъни миллий стандартлар ишлаб чиқилган. Глобал интегралашган иқтисодиёт шароитида турли мамлакат хўжалик субъектлари, банклари ва бошқа молиявий корпорациялар ўртасида иқтисодий алоқалар ўрнатилади. Бу эса, халқаро ҳамкорликдаги субъектлар бир-бирига зид келмайдиган бир хил тамойил ва қоидалар асосида молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун ягона "бизнес тили"га бўлган халқаро стандартлар яратиш талаб этилади.

1.3. Ўзбекистон банк тизимида бухгалтерия ҳисобини МҲХСга мослаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги ПҚ-1438-сонли Қарорига мувофиқ банк-молия тизими бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўлиқ МҲХСга мослаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Умуман, республикамиздаги мавжуд қандай омиллар ва хусусиятлар МҲХСга ўтиш тадбирларига таъсир этмоқда? Маълумки, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби соҳасида ўтказилган

ислоҳотларга қарамасдан ҳали бухгалтерия ҳисобига континентал модел бўйича ёндашиш, яъни қатъий қонунчиликка асосланган ҳисоб юритиш қоидалари сақланиб турибди. Табиийки, МҲХС талаблари Континентал моделдан катта фарқ қилади.

Ушбу саволни ёритишда бухгалтерия ҳисобига республикада қарор топган ёндашиш билан МҲХС ўртасидаги асосий фарқларни ёритишга ҳаракат қилинган.

Бундан ташқари, Марказий банк ва Жаҳон банки мутахассислари ҳамкорликда олиб борган таҳлилий ишлар натижасида республика банк тизимида қўлланилаётган Марказий банкнинг норматив ҳужжатларидаги бухгалтерия ҳисоби ва пруденциал талаблар билан амалдаги МҲХС ўртасида катта фарқлар мавжудлиги аниқланди. Улар ўртасидаги асосий номувофиқликлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Активлар қадрсизланишининг баҳоланиши.
2. Облигацияларга ва улушли инструментларга қўйилган инвестицияларни баҳолаш.
3. Кредитлар бўйича комиссион ҳақнинг тан олиниши ва баҳоланиши.
4. Муддати узайтирилган солиқлар.
5. Жамлаш (консолидация).

Масалан, активлар қадрсизланишининг баҳоланиши Марказий банкнинг "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"да (2015 йил 14 июлда 2696-сон) белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

1-жадвал

МҲХС талабларига умумий ёндашув

Кўрсаткичлар	Ўзбекистонда	МҲХСда
Тартибга солувчи органлар	Давлат органлари (Молия вазирлиги, Марказий банк)	Мустақил касбий уюшмалар (IASB)
Капиталнинг шаклланиш усули	Давлат, кредиторлар, акциядорлар	Майда акциядорларнинг кенг қатлами
Молиявий ҳисоботни солиқ қонунчилиги билан боғлиқлиги	кучли	кучсиз
Молиявий ҳисоботни тузишга малакавийлик ва давлат назорати	Молиявий ҳисоботни тузиш давлат томонидан кучли назоратга олинади	Молиявий ҳисоботни тузишда касб мутахассисларининг малакавий муҳокамасига асосланади

Кўрсаткичлар	Ўзбекистонда	МҲХСда
Ҳисобварақлар режаси ва молиявий ҳисоботлар шаклига қўйилган талаблар	Ҳисобварақлар режаси ва молиявий ҳисоботлар шакли, шунингдек, ҳисобот даври бўйича ҳаммага бир хил талаб ўрнатилган	Ҳисобварақлар режаси ва молиявий ҳисоботлар шакли, шунингдек, ҳисобот даври касб мутахассисларини малакавий муҳокамасига асосланади
Фонд бозори	Кучсиз ривожланган	Дсярли жаҳондаги барча фонд бозорлари

Молиявий активлар ҳисобини белгиловчи МҲХСнинг 39-сонли "Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш" стандартида активларнинг қадрсизланиши бўйича аниқ нормалар ўрнатилмаган. МҲХСнинг қадрсизланиш бўйича тегишли қоидаларининг таъсири турли банкка турлича бўлади, чунки бу уларнинг кредит портфелларининг таркибига ва улар берадиган маълумотнинг турига боғлиқ. Активлар ҳаққоний қийматда баҳоланганда, фойда ёки зарар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга ёки резервларга таъсир қилиши мумкин. Агарда амортизацияланган қийматда баҳоланган молиявий активлар бўйича қадрсизланиш зарари мавжудлиги тўғрисида объектив далил мавжуд бўлса, кўрилган зарар суммаси молиявий активнинг баланс қиймати билан унинг дастлабки эффектив фоиз ставкаси бўйича келгуси пул оқимларининг дисконтлаган ҳолда баҳоланган қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Марказий банкнинг "Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида Низом" (2004 йил 24 январь, рўйхат рақами 1304) қоидалари ҳам Базель 1 талаблари асосида ўрнатилган бўлиб, МҲХС талабларидан фарқ қилади. Маълумки, 1304-сонли Низомга асосан банклар кредитлар, қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активлар бўйича фоизлар ҳисоблашни қуйидаги ҳолларда тўхтади:

- актив Марказий банкнинг 2696-сонли тартибига кўра қониқарсиз, шубҳали ва умидсиз тоифалар бўйича таснифлаганда;
- актив МҲХС бўйича қадрсизланганда;
- қисқа муддатли кредитлар бўйича асосий суммани қайтариш ва актив бўйича ҳисобланган фоизлар тўлов муддати 60 кундан кечиктирилганда;
- узоқ муддатли кредитлар бўйича асосий суммани қайтариш ва актив бўйича ҳисобланган фоизлар тўлов муддати 90 кундан кечиктирилганда.

Активга нисбатан "Фоизлар ўстирмаслик" мақоми берилгандан сўнг, мазкур актив бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси қайтадан даромаддан чиқарилади ва кейинги фоиз ҳисоблашлар балансдан ташқари ҳисобварақларда олиб борилади.

Банкларда "Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад" МҲХС-18 бўйича, даромад бўлғуси иқтисодий фойданинг олиниш эҳтимоли мавжуд бўлганида ва ушбу фойда ишончли даражада баҳоланиши мумкин бўлганда тан олинади. Агар, иқтисодий фойданинг олиш эҳтимоли мавжуд бўлмаса ёки паст бўлса ва олдин даромад сифатида тан олинган сумманинг келиб тушиш эҳтимоли бўйича ноаниқликлар вужудга келса, ўша сумма ҳаражат сифатидан тан олинади. Даромадга тузатишлар киритилмайди.

Худди шундай зиддиятлар кредитлар бўйича воситачилик ҳақларини ҳисоблашда ҳам мавжуд. Хусусан, "Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида Низом"га (рўйхат рақами 1435, 2004 йил 17 декабрь) мувофиқ, кредит бўйича воситачилик ҳақлари олдин муддати кечиктирилган даромадга олиниб, сўнгра кредитнинг муддатга мос равишда банкнинг "Кредитлар бўйича воситачилик даромадлари" ҳисобварағига олиб борилади. МҲХСга биноан, кредит шартномаси билан боғлиқ барча хатарлар каби комиссион ҳақлар ҳам капиталлаштирилиши ва тегишли кредитларнинг сўндириш муддати давомида амортизация қилиниши лозим.

МҲХСнинг молиявий инструментларни баҳолаш стандарти, БҲХС 39-"Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш" банкдан қарз ва улушли инструментларга жойлаштирилган молиявий инвестицияларни 4 тоифага ажратишни талаб қилади. Ҳар бир тоифанинг ҳисобга олиниши ёндашуви бир-биридан фарқ қилади. Инвестициялар ҳаққоний қийматда ёки таннархда баҳоланиши мумкин. Актив ҳаққоний қийматда баҳоланганда, ундаги ўзгаришлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ёки захираларда ўз аксини топади. МҲХС 39 "Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш"нинг қадрсизланиш бўйича талабларининг таъсири шундан иборатки, бу банкларнинг молиявий ҳисоботларида захираларни аниқ белгиланган нормаларига асосланган ҳолда эмас, балки ҳақиқатда кўрилган зарарларга асосланган ҳолда шакллантиришни кўзда тутади.

"Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Йўриқномага (рўйхат рақами

1434, 2004 йил 17 декабрь) мувофиқ, банклар МҲХСда рухсат берилган бир неча усулларда амортизация ишларини амалга оширишлари мумкин. Лекин банклар асосий воситалар амортизациясини фақат тўғри чизиқли усулда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширишга мажбур. Бундан ташқари, 1434-сонли Низомда ўрнатилган асосий воситаларни мажбурий қайта баҳолаш МҲХС қоидаларига тўла зиддир. Бундан ташқари, миллий қонунчиликка мувофиқ асосий восита тўла амортизация қилингандан сўнг, ундан яна фойдаланишга қарор қилинган ҳолларда амортизация қилиш тўхтатилади. МҲХСга мувофиқ эса, бундай ҳолларда асосий воситанинг хизмат қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

МҲХС билан солиқ қоидалари ўртасида ҳам фарқлар мавжуд. Аслида, бундай фарқлар ҳар доим мавжуд бўлади. Республика банк тизимида солиқ қоидаларидан айрим ҳолларда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида фойдаланилади. Бу халқаро амалиётга мос келмайди, чунки молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби стандартларига асосланган бўлиши керак ва солиқ қоидаларидан фақат солиқ органларига солиққа оид молиявий ҳужжатларни топширишда фойдаланилади. Марказий банкнинг амалдаги қоидалари банкнинг солиқ мажбуриятларини ҳисоблаш учун бухгалтерия ҳисобига тузатиш киритилишини талаб қилмайди. Натижада, фарқлар пайдо бўлиши мумкин, чунки солиқ мажбурияти тегишли операция тўғрисида ахборот берилган даврдан бошқа даврда вужудга келади.

Жами солиқ суммаси банкнинг тегишли давр бўйича молиявий ҳисоботига асосланиши учун жорий солиқ ҳаражатларига ўзгартириш киритиш талаб этилиши мумкин. Бундай ўзгартириш МҲХСда солиқ активлари ва/ёки мажбуриятларини тан олиниши деб аталади. Лекин тижорат банкларига солиқ солиш қоидалари миллий қонун ҳужжатларига, аввало Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Марказий банкнинг юқоридаги норматив ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади. Агар, банклар МҲХС талаблари бўйича кредитларни баҳолашса ва захиралар шакллантирсалар ва уларнинг миқдори Марказий банкнинг 2692-сонли Тартибда белгиланган нормалардан кўп бўлса, табиийки, бу солиқ қонунчилигига зид бўлиб қолади.

Маълумки, республика банклари тўлиқ ёки қисман назорат қиладиган шўъба корхоналарга ёки тасарруфида бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга эгалар. Бундай ҳолларда, банклар гуруҳ таркибига кирадиган субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қай тарзда жамланиши лозимлигини кўрсатиб берадиган МҲХС талаблари бўйича жамланган (консолидацияланган) ҳисоботлар тузишлари лозим. Чунки, бу ўз навбатида молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга банк гуруҳи ичида молиявий хатарлар бўйича тўлиқ маълумот беради. Шу мақсадларда МҲХС Кенгаши томонидан 2011 йилда учта янги стандарт чиқарилди.

Марказий банкнинг жамлаш бўйича амалдаги қоидалари МҲХСнинг жамлаш бўйича талабларига қараганда анча тор бўлиб, фойдаланувчилар учун зарур барча маълумотларни ўзида мужассамлаштира олмайди. Шу сабабдан, гуруҳнинг бошқа қисмларида вужудга келадиган хатарлар Марказий банкнинг қоидаларига биноан тузилган молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаслиги мумкин. Ҳатто кредит риски республика банклари учун асосий рискни ташкил этса ҳам, унга нисбатан бозор риски ва ликвидлик риски камроқ бўлса ҳам, молиявий ҳисоботларда кредит риски тўғрисида маълумот бериш хали минимал даражада.

Албатта, МҲХСга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботлар инвесторлар ва рейтинг агентликлари томонидан яхшироқ иқтисодий қарорлар қабул қилинишига ёрдам беради. Банк секторини назорат қилиш учун ва ўз вақтида назоратга тегишли тўғри чораларни кўриш учун, регулятор ҳам кўпроқ ўринли бўлган ахборотга эга бўлади.

Кўриниб турибдики, Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари қоидалари билан МҲХС дан анча фарқ қилади. Ҳисоботлар тарихий қийматда эмас, ҳаққоний қийматда тузилиши, бунда, пулнинг вақт давомидаги қийматидан фойдаланиш лозим. Бундан ташқари, республика банк тизимида пруденциал назорат бўйича ҳали Базел I талаблари қўлланилмоқда. Базел қўмитаси томонидан чоп этилган, қайта кўриб чиқилган Базел асосий принциплари бевосита ёки билвосита корпоратив бошқарув, молиявий ҳисобот, аудит ва шаффофлик билан боғлиқ бўлган тўрт принципни ўз ичига олади.

Марказий банкнинг қоидалари ва амалиётлари бу тамойиллар билан фақат қисман хамоҳанг. Масалан, Марказий банк аудиторлик қўмитасининг вазифалари, бошқарув раҳбариятининг тажрибаси,

ички аудитнинг вазифалари ва молиявий ҳисоботларнинг чоп этилиши ва бухгалтерия ҳисобининг юритилиши бўйича қоидаларни тўғри ўрнатган.

Лекин шаффофлик, ошкоралик, халқаро тан олинган молиявий ҳисоботлар, кенгаш аъзолари ва раҳбариятнинг тажрибаси ва билимлари масалаларида номувофиқликлар мавжуд.

Марказий банк қоидалари Базел асосий принципларига тўла мос келишини таъминлаш учун янгиланиши ва уларни амалда қўллаш учун мукаммаллаштириш талаб этилади.

Маълумки, мамлакат иқтисодиёти ёки унинг бирор катта соҳасининг бухгалтерия ҳисобини МҲХСга тўла ўтказиш катта моддий ва интеллектуал ресурслар ҳамда ҳуқуқий шароитлар мавжуд бўлишини талаб қиладиган тадбир бўлиб, у узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Жаҳон мамлакатларининг МҲХСга ўтиш тажрибаси ҳам шундай хулоса қилишга асос бўлади. Агар МДҲ мамлакатлари ичида ушбу ислоҳотларни энг муваффақиятли олиб бораётган Қозоғистон Республикасини мисол тариқасида келтирсак, бу мамлакатда молия ташкилотлари (шу жумладан, банклар ҳам) учун мазкур жараён 1995 йилдан то 2003 йилгача давом этди. Россия Федератив республикасида кредит ташкилотлари (шу жумладан, банклар ҳам) учун бу муддат 2004 йил қилиб белгиланганига қарамасдан, бу вазифа бугунги кунгача ҳали уддаланган йўқ.

Европа Иттифоқи томонидан фақат Европа Фонд биржасида муомалада бўлган компаниялар акциялари учун 2005 йилдан бошлаб МҲХСни қўллаш мажбурияти ўрнатилди. Айни пайтда, Европа мамлакатларида МҲХС ҳар бир мамлакатнинг миллий стандартлари билан биргаликда (параллел) юритилмоқда.

Республика банк тизими бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини МҲХСга мослаштиришнинг иккинчи босқичидан учинчи босқичгача бўлган даврда, яъни 2003-2010 йиллар оралиғида республика банк тизими МҲХСҚ билан алоқа ўрнатмаганлиги сабабли, ундан узилиб қолди. Шу даврда МҲХСК томонидан 13 та янги стандатлар (International Financial Reporting Standards – IFRS) ишлаб чиқилган ва бошқа стандартларга жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Марказий банкнинг бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи норматив ҳужжатлари эса деярли ўзгармаган. Натижада, ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ишлаб чиқилган норматив ҳужжатлар МҲХС талабларига мос келмай

қолди ёки улар бизнинг миллий стандартларимизга айланиб улгурди. Республика банклари шу йиллар давомида ўша давр норматив ҳужжатлари талаблари асосида бухгалтерия ҳисобини юритиб, молиявий ҳисоботларни тузиб келмоқда. Жаҳон банки вакиллари томонидан (А.Бусуйок, Ш.Дауоман) таъкидлаганидек, бугунги кунда МҲХС бўйича ҳисоботлар банкларнинг, шу жумладан Марказий банкнинг молиявий ҳисоботлари ҳам ташқи аудит ходимлари томонидан тузилмоқда.

МҲХСнинг концептуал асосларига кўра, молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун хўжалик субъектининг ўзи жавобгардир. У молиявий ҳисоботни тайёрлашни учинчи томонга топширмаслиги керак. Молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёни бошдан охиригача ҳисоботни тайёрлайдиган хўжалик субъекти томонидан амалга оширилиши лозим, ташқи аудитор томонидан эмас. Шундай талаблар миллий қонун ҳужжатларимизда ҳам ўрнатилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 16-моддасига мувофиқ аудит текшируви ўтказилаётган хўжалик субъектига аудиторлик ташкилоти томонидан молиявий ҳисобот тузиш тақиқланади.

Демак, ташқи аудиторнинг молиявий ҳисоботни тайёрлашга дахли бўлмаслиги керак. Ташқи аудитор молиявий ҳисобот ишончлилиги ва объективлиги тўғрисида хулоса чиқаради. Тартибга солувчи идоралар молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган хўжалик субъектлари ва аудиторлар ўз вазифасини самарали бажариши учун институционал ва ҳуқуқий асос мавжуд бўлишини таъминлайдилар. Тартибга солувчи идоралар молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби стандартларининг мумкин бўлган бузилишини текшира оладилар. Шунингдек, улар молиявий ҳисоботни аудиторлар аудитни қонунчиликга мувофиқ равишда ўтказишини таъминлаш учун текширишлари мумкин.

Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида молиявий ҳисоботни такомиллаштириш: Мамлакат стратегияси ва чора-тадбирлар режаси"да Марказий банк МҲХСни банк тизимида ўзбек тилидаги расмий варианти асосида жорий этишини таъминлаш, Марказий банк у томонидан чиқарилган низом ва йўриқномаларни пруденциал мақсадларда қайта кўриб чиқиши ва келгусида Марказий банк бирорта ҳам бухгалтерия ҳисобига доир низомни ишлаб чиқармаслиги таклифи берилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" қонунининг 5-моддаси учинчи қисмида банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Шу муносабат билан, юқорида айтилган Республика Президентининг ПҚ-1438-сонли Қарори талабларини амалга ошириш шакли сифатида Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари ва асосий масъул ижрочи сифатида табиийки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кўрсатилган. Демак, Марказий банкнинг асосий вазифаси Ўзбекистоннинг банк тизимда МҲХС ни жорий этиш ва унинг қўлланишини тартибга солишдан иборат бўлади ва бу борада Марказий банк томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республикада бухгалтерия ҳисобини МҲХСга мослаштириш бўйича манфаатдор бўлган Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси каби давлат идоралари ҳамда Ўзбекистон банклар ассоциацияси, Ўзбекистон бухгалтерлар ассоциацияси ва Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси каби касбий ташкилотлар борлиги қувонарли ҳолдир. Республикада фаолият олиб борувчи халқаро аудиторлик ташкилотлари ҳам бу тадбирларда фаол иштирок этиши лозим бўлган манфаатдор томонларнинг биридир. Бу ташкилотлар банкларни аудит текширувидан ўтказадилар ва ҳозирда банкларнинг МҲХСга мос келадиган молиявий ҳисоботларини тузадилар.

Тижорат банклари бу тадбирларнинг муҳим иштирокчиси ҳисобланади, чунки улар ўз молиявий ҳисоботларини тузиш учун жавобгардирлар. Уларнинг манфаатдорлигисиз, иштирокисиз ва кучли кўмагисиз Марказий банк бу чора-тадбирлар режасини самарали уддалаши қийин. Бундан ташқари, ҳар бир банк улар МҲХСни қай тарзда қўллашларини тушунтириб берадиган аниқ режа қабул қилишлари лозим бўлади. Бундай режа қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

- банклар ўз молиявий ҳисоботларини такомиллаштириши учун ўзларининг бухгалтерия ҳисоби бўлимларига тегишли ўзгартиришлар киритиш чораларини кўриши;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаларида операцион ходимларни ўқитиш режасини тузиш;

- МҲХСни қўллаш ва унга риоя қилиш учун янги бошқарув ахборот тизимлари ва ички назорат хизматларини ташкил этиш;

- банк ходимларини, аудиторлик қўмитаси ва бошқарув аъзоларини МҲХС ва бошқарув соҳаларида ўқитиш ва тайёрлаш.

Шу имкониятларидан фойдаланган ҳолда юқоридаги манфаатдор бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ҳукумат доирасида доимий фаолият кўрсатувчи "Кенгаш" тузиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шунингдек, Республиканинг амалдаги қонун ҳужжатларини, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги ва "Аудит тўғрисида" ги қонунларининг молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқ янги таҳririни ишлаб чиқиш, солиқ қонунчилига тегишли ўзгартиришлар киритиш, бунда МҲХС қонун ҳужжати сифатида қабул қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Банкларнинг бош бухгалтерлари ҳар бир банкда МҲХСни қўллашда асосий ҳаракатга келтирувчи куч сифатида муҳим рол ўйнайдилар. МҲХС қўлланилиши учун банкларнинг бош бухгалтерлари етарли имкониятларга эга бўлишлари лозим. Ҳозирги вақтда, барча ҳисоботлар – молиявий, солиқ ва бошқарув ҳисоботлари бухгалтерлар томонидан тайёрланади. Бош бухгалтерларнинг вазифалари ва иш ҳажми одатда, бош бухгалтер роли ва вазифаларига кирмайдиган иш ва вазифалар билан ошиб-тошиб кетган. Шу сабабли, бош бухгалтерлардан кредит қўмиталари аъзоси бўлиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёнига тааллуқли бўлмаган ҳужжатларни тасдиқлаш ва имзолаш, шу билан бирга, айрим банкларда активлар ва мажбуриятларни бошқариш каби уларга бириктирилган қўшимча вазифалар камайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўп мамлакатларда МҲХСнинг қўлланиши тажрибаси шуни кўрсатадики, тўлиқ шаффофлик ва ошкоралик маданият соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида техникавий малака ва МҲХСларга мос келадиган тегишли ахборот технологиялари тизимларининг мавжудлигига қўшимча равишда, молиявий ҳисоботни тузувчиларнинг тафаккурига боғлиқ. Бундан ташқари, корпоратив бошқариш, аудиторларнинг мустақиллиги, аудиторлик қўмиталарининг, бошқарув кенгашларининг роли ҳамда аудиторлар фаолиятининг назорати ва аудиторлик хизматлари сифатининг назоратини таъминлаш

соҳаларида самарали механизмлар талаб қилинади. Молиявий ҳисоботларда ошкор қилинадиган маълумотлар сифатини ошириш жараёни ва МҲХСга тўлиқ риоя қилишга эришиш узоқ давом этадиган ва қийин жараёндир.

МҲХСга киритилган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низомга ҳам тааллуқли ҳисобланади, лекин Марказий банк, Банклар ассоциацияси ёки тижорат банки томонидан МҲХСни сотиб олиш ва янги қабул қилинаётган ўзгартириш ва қўшимчалар билан тижорат банкларини таъминлаш бўйича шартнома расмийлаштирилмаган. Чет эл капитали иштирокидаги хусусий банклар ва бошка айрим банклар МҲХСни сотиб олишган ва фойдаланишмоқда.

Бунда муаммо шундан иборатки, тижорат банклари МҲХСдан фойдаланишда мураккабликларга дуч келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси банклар ассоциацияси томонидан Молиявий Ҳисоботнинг халқаро Стандартлари (МҲХС)ни ўзбек тилига таржима қилинган. Ушбу амалиётнинг иккита асосий сабаби мавжуд:

биринчидан, эскирган маълумотнинг мажбурий қўлланилиши;

иккинчидан, таржима жараёнида маъно ўзгаришига дуч келиниши.

Кенгроқ изоҳ бериладиган бўлса, бугунги кунда таржима қилинган МҲХСлари 2008 йилда рус тилига таржима қилинган нусхага асосланади. Умуман олганда, энг сўнгги асл инглиз тилидаги нусхаси олиниб таржима қилинган ҳолатда ҳам то таржима варианти, тасдиқлангунига қадар ўзгаришлар вужудга келади.

Бухгалтерия ҳисоби тизимини иқтисодиётнинг шифокорига қиёс қилса бўлади. Шифокор ўз мижозини хатти-ҳаракатини кузатиб боради ва касал бўлмаслиги учун йўл-йўриқ кўрсатади. Агар ушбу йўл-йўриқ нотўғри таъсир этса, дарҳол муолажани ўзгартиради. Шунга ўхшаб МҲХС бозор иқтисодиётидаги ўзгаришлар, инқироз ва йўқотишлар натижасида мукаммаллашиб бормоқда.

МҲХСларига сўнгги йилларда кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. МҲХСларини таржима қилиш жараёнидаги маънонинг ўзгариши ҳақида тўхталадиган бўлсак,

ўзбек тилига таржима қилиниши, стандартлардан фойдаланувчилар сони кўпайишига олиб келади ва енгиллаштириб келмоқда.

Шундай бўлсада, глобаллашув жараёни иқтисодий ва молиявий вазиятларда янги атамаларни вужудга келтирмоқда, баъзи сўзларнинг қўлланилиши қамровини кенгайтирмоқда ва ёки тор маънода қўлланилишига олиб келмоқда.

МҲХС олимлар уюшмаси, яъни IASB қўмита аъзолари матнни инглиз тилида ёзган бўлиб, уни таржима қилиш жараёнида маъно ўзгаришига дуч келиш эҳтимоли юқори.

Маълумки, тижорат банклари ҳисоботларидан фойдаланувчилар ушбу ҳисобот маълумотларига асосан молиявий қарорлар қабул қилади. Ҳисоботнинг ҳаққонийлиги ва шаффофлиги қабул қилинаётган қарорларга таъсир кўрсатади.

МҲХСларнинг вужудга келиш тарихи. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини яратиш ғояси ўтган асрнинг 30-йилларида АҚШда туғилган. 1929 йилдаги АҚШ фонд бозорининг таназзулга учраши ва буюк иқтисодий депрессиянинг бошланиши ушбу мамлакатда молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигига бўлган талабни кучайтириб юборди.

Иккинчи жаҳон уришидан сўнг АҚШ жаҳон иқтисодиётининг асосий етакчисига айланди. Барча давлатларга АҚШ инвестицияси оқиб кела бошлади. Натижада жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни тезлашиб, турли мамлакат хўжалик субъектлари банклари ва бошқа молиявий корпорациялар ўртасида иқтисодий алоқалар вужудга келди. Ҳозир эса, жаҳон иқтисодиётини халқаро муносабатларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда 47 минг трансмиллий компаниялар фаолият кўрсатиб, 6.5 трлн. АҚШ доллари ҳажмида миллий даромад яратилмоқда.

Жаҳон олимларининг иқтисодий изланишлари натижасида қарор топган хулосаларга асосан, муайян мамлакат бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг шаклланишига қуйидаги умумий омиллар таъсир кўрсатади:

- асосий фойдаланувчилар ҳисобланган кредитор ва инвесторлар ҳусусиятлари;
- капитални шакллантириш жараёнида жалб қилинган юридик ва жисмоний шахслар;
- фонд ва бошқа молиявий бозорларнинг ривожланганлик даражаси;

- халқаро бизнесда иштирок этиш даражаси.

Шунингдек, XX аср охирларида маданий ривожланиш даражасининг ҳам мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий шароитларига таъсир этиш тўғрисида фикрлари пайдо бўлди. Масалан Г.Ховстед биринчилардан бўлиб дунёни қуйидаги маданий ҳудудларга бўлишни таклиф қилди:

1. *Юқори даражада ривожланган роман давлатлари* (Бельгия, Франция, Аргентина, Бразилия, Испания, Италия);

2. *Паст даражада ривожланган роман давлатлари* (Колумбия, Эквадор, Мексика, Венесуэлла, Коста – Рика, Чили, Гватемала, Панама, Перу, Португалия, Сальвадор, Уругвай);

3. *Юқори даражада ривожланган Осиё мамлакатлари* (Япония);

4. *Африка мамлакатлари* (Шарқий ва Ғарбий Африка)

5. *Паст даражада ривожланган Осиё мамлакатлари* (Индонезия, Покистон, Тайвань, Ҳиндистон, Малазия, Филиппин);

6. *Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлари* (араб мамлакатлари, Греция, Эрон, Туркия)

7. *Осиё мамлакатлари* (Гонконг, Сингапур);

8. *Роман – герман тилларида гаплашувчи мамлакатлар* (Австрия, Германия, Швецария, Исроил);

9. *Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар* (Австралия, Канада, Ирландия, Янги Зерландия, Буюк Британия, АҚШ, ЖАР);

10. *Скандинавия мамлакатлари* (Дания, Финландия, Норвегия, Швеция, Нидерландия).

Олимлар томонидан бухгалтерия ҳисоби моделларини шакллантиришга таъсир этувчи омилларга баҳо берувчи бундай назарий фикрларни кўплаб келтириш мумкин. Бундай таҳлил натижалари, аксарият ҳолларда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини яратиш бўйича халқаро ташкилотлар тузиш зарурияти билан якунланади. Ҳозирда бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделларини такомиллаштириш бўйича 10 дан ортиқ халқаро миқёсдаги ташкилотлар шуғулланмоқда.

Ўзбекистоннинг МҲХСни қабул қилиш бўйича тутган ўрни ижобий, бироқ МҲХСни қўллашни жадаллаштириш ва интеграция жараёнида фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ташкилотларнинг вазифалари молиявий ҳисоботлар ундан фойдаланувчиларга молиявий ва бошқа қарор қабул қилишлари учун ҳаққоний ва шаффоф маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ

тақдим этишдан иборат. Унинг статистика ҳисоботи ёки бошқарув ҳисоботидан фарқи ана шунда.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банки фаолияти Марказий банк томонидан тартибга солинади, Марказий банк тижорат банкининг соғлом фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш учун ундан маълум ҳисоботлар талаб қилади.

Ушбу ҳисобот фақат банкнинг соғлом фаолиятини назорат қилишга йўналтирилганлиги боис, ушбу ҳисоботни статистик ҳисобот сифатида таснифлаш мумкин.

Худди шу каби Солиқ қўмитаси томонидан ҳам солиқлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланилишини назоратга олиш учун ҳисоботлар талаб қилинади, ушбу ҳисобот фойдаланувчи ва фойдаланиш қамрови тор доирада бўлганлиги сабабли ушбу ҳисоботни тўлақонли молиявий ҳисобот сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ эмас.

2-жадвал

МҲХСни банкларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларини тузишда қўллаш тартиби

Т/р	Молиявий ҳисобот элементлари	Тартибга солувчи стандартлар (МҲХС)	Изоҳ
1	Активлар	МҲХС №9 Молиявий инструментлар МҲХС №16 Асосий воситалар МҲХС №36 Активларнинг қадрсизланиши МҲХС №40 Инвестицион мулк МҲХС №17 Ижара МҲХС №38 Номоддий активлар МҲХС №32 Молиявий дастаклар МҲХС №21 Валюта курсидаги ўзгаришлар	Банк активларининг баҳоланиши, уларни тан олиш, киримга олиш, ҳисобдан чиқариш, амортизация ҳисоблаш, курсдаги фарқлар ва уларни молиявий натижаларга олиб бориш тартибини ёритиб беришда қўлланилади.
2	Хусусий капитал	МҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш МҲХС №20 Давлат субсидияси ва грантлари	Банк капиталининг таркиби: устав, қўшилган ва резерв капитал, тақсимланмаган фойда ҳисобга олиш.
3	Мажбуриятлар	МҲХС №37 Шартли мажбуриятлар ва шартли активлар, мажбуриятларнинг баҳоланиши МҲХС №26 Пенсия таъминоти ҳисоби ва ҳисоботи МҲХС №23 Заёмлар бўйича ҳаражатлар МҲХС №19 Ходимларни рағбатлантириш	Банк мажбуриятларининг юзага келиши, пенсия таъминотини ҳисобга олиш ва ходимларни рағбатлантириш, мажбуриятларни потенциал баҳолаш учун қўлланилади.
4	Даромадлар	МҲХС №33 Акцияга ҳисобланган даромадлар МҲХС №18 Тушум	Банкларда даромадларни шакллантириш ва уларнинг ҳисобини юритишда, шунингдек,

			бир акцияга тўғри келадиган даромадларни ҳисобга олишда
5	Ҳаражатлар	МҲХС №12 Даромадлан солиқлар МҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш	Банкларда ҳаражатларни пайдо бўлиши ва уларнинг ҳисобини юритишда, шунингдек, даромадлан солиқларни ҳисоблашда аҳамиятли
Молиявий ҳисоботларни тузишда			
МҲХС №1 Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш МҲХС №34 Оралик молиявий ҳисоботлар МҲХС №29 Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот МҲХС №27 Консолидациялашган молиявий ҳисобот МҲХС №8 Ҳисоб сиёсати ва ундаги ўзгаришлар МҲХС №7 Пул маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот			Банкларда молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини белгилайди Молиявий ҳисобот тамойилларини тушунтиради

Тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган МҲХСга асосланган ҳисобот кенг қамровли бўлиб, ундан фойдаланувчилар-акциядорлар, инвесторлар, банк мижозлари, депозитор ва кредиторлар, Марказий банк ва бошқа юқори ташкилотлар, банк рақобатдошлари ва ҳамкорлари, банк ходимлари ва бошқа манфаатдор шахслар ушбу ҳисобот маълумотларига таянган ҳолда молиявий, бошқарув ва бошқа соҳалардаги қарорларни қабул қилади.

Шу боис, тижорат банкларининг МҲХСга асосланган ҳисоботи кенг қамровли ва қарор қабул қилишга таъсир қилувчи маълумотларни қамраб олиши лозим. Умуман олганда, тижорат банкининг ҳисоботи бу банкнинг юзи ва реклама воситаси ҳисобланади. Бироқ ҳисоботда фақат ютуқлар эмас, балки қарор қабул қилишда таъсир қиладиган барча ҳолатлар акс эттирилиши лозим. МҲХС тамойилларига асосланган стандартдир, унинг моҳиятига чуқур кирилмаса ҳатоликка йўл қўйилиши мумкин. Қуйида тижоратбанкнинг икки йиллик (2017 ва 2018 йил якуни бўйича) ҳисоботи ёрдамида таҳлил қилинади.

Маълумки, Ўзбекистонда ҳар уч йилда камида бир маротаба ташқи аудиторни алмаштириш лозим. Қуйидаги икки жадвалда банкнинг “Deloitte & Touche” аудиторлик ташкилоти ва “PWC” аудиторлик ташкилоти томонидан молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни текшириш жараёни таққосланган. Ушбу икки ҳисоботнинг 31.12.2018 йил ҳолатидаги маълумоларни солиштирсак, катта таффовутлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

3-жадвал

Халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан текширув натижаларининг таққосланиши

in thousands of Uzbekistan Sums	Баланс моддалари	Deloitte & Touche 31 December 2017	PWC 31 December 2018 Restated	Фарқи
ASSETS	Активлар			
Cash and cash ecuivalents	нақд пул ва пул эквиваленти	553,170,015	1,310,638,816	757,468,801
Due from other banks	Бошқа банклардаги пул	1,009,644,077	252,175,276	757,468,801
Loans and advances to customers. including				
france lease receivables	Кредит қўйилмаси	3,229,833,220	3,229,833,220	-
Investment securities available to sale	Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар	20,498,524	11,578,524	8,920,000
Investment securities held to maturity	Сўндиришга қадар сақланадиган қимматли қоғозлар		8,920,000	- 8,920,000
Investment in associates	Шуъба корхоналарга инвестициялар	2,798,501	2,798,501	-
Deffared income tax asset	Солиқ бўйича бўнак тўловлари	4,321,178	7,962,900	- 3,641,722
Property, aquipment and intangible assets	Асосий воситалар ва номоддий активлар	126,780,437	126,780,437	-
Other assets	Бошқа активлар	23,898,771	23,898,771	-
Non-current assets held to sale				
(or disposal groups)	Сотишга мўлжалланган бошқа активлар	40,447,617	37,701,549	2,746,068
TOTAL ASSETS		5,011,392,340	5,012,287,994	- 895,654
LIABUTIES	Мажбуриятлар			
Due other banks	Банклардан жалб қилинган	117,539,685	117,539,685	-
Customer accounts	Мижозларнинг ҳисобрақамлари	2,221,450,163	2,174,236,746	47,213,417
Debt securities n issue	Қарз қимматли қоғозлари		46,141,596	- 46,141,596
Other borrowed funds	Бошқа фондлардан жалб қилинган маблағлар	2,344,356,962	2,348,606,962	- 4,250,000
Other liabilities	Бошқа мажбуриятлар	26,098,236	26,098,236	-

Liabilities direct associated with disposal				
groups held for sale	Сотишга мўлжалланган мажбуриятлар	168,493	244,297	- 75,804
TOTAL LIABUTIES		4,709,613,539	4,712,867,522	- 3,253,983
EQUITY				
Share capital	Устав капитал	265,010,820	259,550,820	5,460,000
Treasury shares	қайта сотиб олинган акциялар	-4,972,344	-4,972,344	-
Investmants aviable for sale fair value reserve	сотишга мўлжалланган инвестиция бўйича резерв	1,848,658		1,848,658
Retained earnings	таксимланмаган фойда	38,579,674	42,993,338	- 4,413,664
Other reserves	бошқа резервлар		1,848,658	- 1,848,658
Non-controlling interest	миноритар улуш	1,311,993		1,311,993
TOTAL EQUITY		301,778,801	299,420,472	2,358,329
TOTAL LIABUTIES AND EQUITY		5,011,392,340	5,012,287,994	- 895,654

Ушу икки ҳисобот тафовутларини ўрганар эканмиз, охирги тасдиқланганини тўғри деб қабул қилиш мумкин. Маълумотлардан кўриниб турибдики, Deloitte & Touche аудиторлик ташкилоти ҳисоботни текширишда қуйидаги хатоликларга йўл қўйган:

Биринчидан, пул ва пул эквиваленти унинг қаерда сақланишидан қатъий назар, пул бандида акс эттирилиши лозим эди. 757,468.8 млрд. сўм эквивалентида хорижий банкларда вакиллик ҳисобрақамида сақланаётган пул маблағи бошқа банклардаги маблағлар ҳисобрақамида акс эттирилган. Ушбу маблағнинг ликвидлилик даражаси инобатга олинмаган, шаклга эътибор қаратилган. Бироқ, шунингдек, ҳисоботнинг 14 иловасида вакиллик ҳисобрақамидаги 957.2 млрд сўм маблағларни пул ва пул эквиваленти сифатида таснифланган.

Иккинчидан, сотишга мўлжалланган инвестиция билан сўндирилгунига қадар сақланадиган инвестиция алоҳида кўрсатилмаган. МҲХСга кўра ушбу икки турдари инвестициялар баҳоланиши бўйича фарқ қилади ва балансда алоҳида акс эттирилиши лозим. Барча инвестиция сотишга мўлжалланган инвестиция сифатида акс эттирилган. Аслида 8.9 млрд. сўм бошқа банклар облигациялари (сўндиришга қадар сақланаётган қимматли қоғоз) ва 11.6 млрд. сўм сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлардан иборат бўлган.

Ушбу ҳисоботлар банк томонидан тасдиқланган бўлсада, банк тақдим этган маълумотлар асосида ташқи аудиторлик компанияси томонидан тузилган. Яъни масалан, PWC аудиторлик ташкилоти томонидан текширилган бошқа банкнинг ҳисоботини таҳлил қилсак, ўхшаш жиҳатлар мавжудлиги яққол кўзга ташланади. Аслида эса йиллик молиявий ҳисобот бу тижорат банкининг юзи ҳисобланиши ва турли банкларда турлича бўлиши лозим эди.

Келгусида банк тизмини МҲХСга мослаштиришда қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ҳар бир тижорат банки асл ва сўнгги нусхадаги МҲХС тўпламини ёки Марказий банк ва бошқа ташкилот томонидан марказлашган ҳолда стандартлар тўпламини сотиб олиши ва тижорат банклари МҲХСга киритилаётган ўзгаришлар билан таъминланиб туриши лозим. Шунингдек, МҲХСнинг аслини инглиз тилида ўқиш ва ишлатиш малакасини ошириш учун банк ходимлари мунтазам равишда ўқитиб борилиши керак.

2. Тижорат банклари йиллик ҳисоботларини ўзлари мустақил равишда МҲХСга асосланган ҳолда тузишлари лозим, ташқи аудитор хизматидан фойдаланилган тақдирда ушбу ҳисоботни бошқа аудиторлик ташкилоти томонидан қайта текширилишини таъминлаши, банклар томонидан тайёрланаётган йиллик ҳисобот имкон қадар кенг таҳлилий маълумотларни қамраб олиши ва банк мижоз ва конрагентларининг тижорат сирларини ошкор қилмаслиги лозим. Бу борада иқтисодиёти ривожланган банкларнинг ҳисоботларидан ўрганиш ва андоза сифатида фойдаланиш зарур.

3. Тижорат банкларида ҳисоботларни МҲХСлари асосида шакллантириш имконини берувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилиши лозим. Зеро, айрим ҳолларда инвестор ёки бошқа манфаатдор шахс учун нафақат якуний, балки йил ўртасидаги жорий маълумотлар керак бўлади. Тижорат банкларида МҲХСни мувофиқлаштириш бошқармаларини ташкил қилиш (банкнинг катта кичиклигидан келиб чиққан ҳолда департамент, бўлим ёки сектор) лозим.

4. Ҳисоботнинг шаффофлигини янада ошириш мақсадида МҲХСнинг қайси стандартлари айнан қабул қилинганлиги ва қайсилари ўзгартиришлар билан қабул қилинганлиги (ўзгартиришлар мазмуни ошкор қилинган ҳолда) Марказий банк ёки бошқа юқори ташкилот томонидан эълон қилиниши лозим.

Қабул қилинмаган стандартнинг қабул қилиниши ва жорий қилиниши бўйича муддат белгиланиши керак. Шунингдек, Ўзбекистонда МҲХСлари бўйича етук мутахассис ҳисобланаётган ташқи аудиторлик ташкилоти ходимлари билан ўқув-амалий семинарларни ташкил этиш лозим. Ушбу ўқув амалий-семинарларни марказлашган тартибда Марказий банк, Молия вазирлиги ёки Банклар ассоциацияси томонидан ташкил қилиш ёки тижорат банки ва аудиторлик ташкилоти томонидан шартнома асосида, қўшимча хизмат сифатида ташкил қилиш мумкин.

5. МҲХСларини қўллашда вужудга келаётган муаммоларни муҳокама қилиш йўли билан ечимини топиш мақсадида Марказий банк, Молия вазирлиги, Банклар ассоциациясининг интернет сайтида ёки бошқа алоҳида сайтда муҳокама саҳифаси очилиши ва тижорат банклари ва аудиторлик ташкилотларининг етук ходимларидан иборат гуруҳга ушбу интернет саҳифасини юритилиши шартнома асосида топширилиши мумкин.

Тижорат банкларининг МҲХСлари асосида тайёрлайдиган ҳисоботларини Марказий банк учун тақдим этиладиган ҳисобот, Солиқ қўмитаси учун тақдим этиладиган ҳисоботлардан алоҳидалаштирилиши лозим. Зеро, Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисобот Базель қўмитаси тавсияси асосида тузилади. Яъни активларнинг рискка тортилганлик даражаси таҳлил қилинганда ёки капитал етарлилиги ҳисобланганда бевосита Базель қўмитаси талабларига таянади. МҲХС бўйича тузиладиган ҳисоботда эса активларнинг рисклилик даражаси, ушбу активнинг ҳусусияти, концентрация даражаси ва бошқа кўплаб омиллар инобатга олинади.

II БОБ. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделлари ва уларнинг зарурияти

Маълумки, бухгалтерия ҳисобининг мустақил фан сифатида шаклланганлигига 500 йилдан ошиб кетди. Дунёда рўй бераётган туб сиёсий, иқтисодий ва техник ўзгаришлар, глобал алоқаларнинг ўрнатилиши бухгалтерия ҳисобининг ижтимоий ҳаётдаги ролини ўзгартириб юборди. Иқтисодиётнинг глобал асосда ривожланиши ягона "бизнес тили" ҳисобланган бухгалтерия ҳисобининг жаҳон бўйича ягона тамойилларини ёки бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини яратиш заруриятини вужудга келтирди.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини яратиш ғояси ўтган XX асрнинг 30-йилларида туғилган. 1929 йилдаги АҚШ фонд бозорининг синиши ва буюк иқтисодий депрессиянинг бошланиши, ушбу мамлакатда молиявий ҳисоботларнинг ишончли тақдим қилиниш тамойилига бўлган талабни кучайтириб юборди. Иккинчи жахон урушидан сўнг АҚШ жаҳон иқтисодиётининг de facto локомотивига айланди. Социалистик тузум мамлакатларидан бошқа барча мамлакатларга АҚШ инвестицияси оқиб кела бошлади. Натижада, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви жараёни тезлашиб, турли мамлакат хўжалик субъектлари, банклари ва бошқа молиявий корпорациялар ўртасида иқтисодий алоқалар вужудга келди. Ҳозир эса, жаҳон бозорини халқаро муносабатларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда 37 минг трансмиллий компаниялар фаолият кўрсатиб, 5,5 трл. дол. ҳажмида миллий даромад яратилмоқда.

Лекин бухгалтерия ҳисоби ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб, табиийки у, мавжуд ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғликдир. Мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларнинг ўзгариши, албатта бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Шу сабабли, турли мамлакатларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари ҳали турличадир. Баъзи мамлакатларда (Россия, Япония) бухгалтерия ҳисоби тамойиллари устувор равишда

макроиқтисодий мақсадларга хизмат қилишга йўналтирилган бўлиб, бунда режалаштирилган миллий даромаднинг ўсиш суръатини аниқлаш, инфляция даражасини пасайтириш, самарали солиқ сиёсатини юритиш каби мақсадлар ҳисобга олинади. Баъзи мамлакатларда эса (АҚШ, Буюк Британия), инвестор ва кредиторлар манфаатлари инобатга олинган ҳисоб сиёсати юритилади. Бирор мамлакатнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш даражасига қатъий тарзда яхши ёки ёмон деб, баҳо бериш мумкин эмас. Ҳар бир мамлакат ўзининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитларидан келиб чиққан ҳолда Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидаларини белгилайди.

Жаҳон олимларининг иқтисодий изланишлари натижасида қарор топган хулосаларга асосан, муайян мамлакат бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг шаклланишига қуйидаги умумий омиллар таъсир ўтказади:

- асосий фойдаланувчилар ҳисобланган кредитор ва инвесторларнинг хусусиятлари;
- капитални инвестиция қилиш жараёнига жалб қилинган юридик ва жисмоний шахслар сони;
- фонд ва бошқа молиявий бозорларнинг ривожланиш даражаси;
- халқаро бизнесда иштирок этиш даражаси.

Шунингдек, XX аср охирларида мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий шароитларига уларнинг маданий ривожланиш даражаси ҳам таъсир этиши тўғрисида фикрлар пайдо бўлди. Масалан, Г.Ховстед биринчилардан бўлиб дунёни қуйидаги маданий ҳудудларга бўлишни таклиф қилган:

- юқори даражада ривожланган роман мамлакатлари (Бельгия, Франция, Аргентина, Бразилия, Испания, Италия);
- паст даражада ривожланган роман мамлакатлари (Колумбия, Эквадор, Мексика, Венесуэла, Коста-Рика, Чили, Гватемала, Панама,

Перу, Португалия, Сальвадор, Уругвай);

- юқори даражада ривожланган осиё мамлакатлари (Япония);
- Африка мамлакатлари (Шарқий ва Ғарбий Африка);
- паст даражада ривожланган Осиё мамлакатлари (Индонезия, Покистон, Тайвань, Ҳиндистон, Малайзия, Филиппин);
- Яқин Шарқ мамлакатлари (араб мамлакатлари, Греция, Эрон, Туркия, Югославия);

- Осиё мустамлака мамлакатлари (Гонконг, Сингапур);
- герман тилида гаплашувчи мамлакатлар (Австрия, Германия, Швейцария; Исроил);
- инглиз тилида гаплашувчи мамлакатлар (Австралия, Канада, Ирландия, Янги Зеландия, Буюк Британия, АҚШ, ЖАР);
- Скандинавия мамлакатлари (Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция; Нидерландия).

Г.Хофстед томонидан билдирилган фикрларни олимлар янада чуқурлаштирмоқчи бўлишади ва бухгалтерия ҳисоби тизимига қўшимча равишда бошқа омиллар, ҳатто мамлакат аҳолиси қабул қилган диннинг таъсири муҳим эканлигини таъкидлашмоқчи бўлишади. Бундай қарашлар россиялик мутахассислар томонидан ҳам билдирилмоқда.

Америка бухгалтерлар ассоциацияси бухгалтерия ҳисоби модделлари шаклланишига таъсир этувчи қуйидаги саккизта малака белгисини ажратиб кўрсатади:

- мавжуд сиёсий ва иқтисодий тизим;
- иқтисодий ривожланиш даражаси;
- молиявий ҳисоботларнинг тузиш мақсади;
- ҳисоб стандартларининг муалифлликка оидлиги;
- касбий тайёрлаш даражаси;
- сертификациялаш тамойиллари;
- стандартларга касбий ва ахлоқий (этик) жиҳатдан риоя қилиш устидан назорат тизими;
- бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар таснифи ва таркиби.

Олимлар томонидан бухгалтерия ҳисоби модделлари шаклланишига таъсир этувчи омилларга баҳо берувчи назарий фикрларни кўплаб келтириш мумкин. Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби назариясини ривожлантириш мақсади, шундай қарашларни таҳлил қилиш ва халқаро муҳитга мос бўлган бухгалтерия ҳисобининг янги тамойил ва қоидаларини яратишдан иборатдир. Турли мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби модделларини тадқиқ қилиш бухгалтерия ҳисобидаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишга ва унинг халқаро моделларини такомиллаштиришга ҳамда шу соҳадаги илмий-амалий изланишларни бойитишга ёрдам беради.

Иқтисодчи олимлар М.Мэтьюс ва М. Перера амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизимлари ва ҳисоб юритиш усулларининг қиёсий таҳлили, бухгалтерия ҳисоби намунавий модделларининг

мавжуд муҳит омиллари таъсири остида ўзгариш имкониятларини ҳамда шундай муаммоларга дуч келишини олдиндан аниқлашда муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблашади.

Бундай таҳлил натижалари, аксарият ҳолларда бухалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини яратиш бўйича халқаро ташкилотлар тузиш зарурияти билан якунланади. Ҳозирда бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделларини такомиллаштириш билан халқаро миқиёсдаги қуйидаги ташкилотлар шуғулланишмоқда:

1. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгаши – Covet International Financial Reporting Standards (IFRS) (Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Қўмитаси - International Accounting Standards (IASC) ўрнида ташкил топган);

2. Халқаро бухгалтерлар федерацияси - International Federation of Accountants (IFAC);

3. Жаҳон Банкининг молиявий ҳисоботни ислоҳ қилиш маркази - World Bank Centre for Financial Reporting Reform (CFRR);

4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (UNO) қошидаги халқаро ҳисоб ва ҳисобот стандартлари бўйича "Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи";

5. Иқтисодий ҳамкорлик ривожланиши ташкилоти (OECD);

6. Европа Иттифоқи - European Union (EU);

7. Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссиянинг халқаро ташкилоти (IOSCO);

8. Евросиё сертификатланган бухгалтерлар ва аудиторлар кенгаши - Eurasian Council of Certified Accountants and Auditors (ECCAA);

9. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантириш институти - Institute for Accounting and Auditing Development (IAAD);

10. Англиядаги ва Уэлсдаги маслаҳатчи бухгалтерлар институти - Institute of Chartered Accountants in England and Wales (ICAEW);

11. Халқаро аудит ва ишонч билдириш стандартлари бўйича кенгаш - International Auditing and Assurance Standards Board (IAASB);

12. Кичик ва ўрта бизнес учун Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари кенгаши - International Financial Reporting Standards for Small- and Medium-Sized Entities (IFRS for SMEs);

13. Сертификатланган профессионал бухгалтерлар уюшмаси (ACCA);

14. Америка бухгалтерлик ассоциацияси (AAA);

15. Америка молиявий ҳисоби бўйича Кенгаши (FASB);

16. АҚШ "Қимматли қоғозлар бўйича Комиссияси" (SEC)

Бир хил ижтимоий-иқтисобий шароитларга эга мамлакатлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил қилишда умумий қоидалар қўлланилиши табиий ҳолдир. Бу ўз ўрнида, бир-бирига ўхшаш бухгалтерия ҳисоби моделларини вужудга келтиради.

Лекин аксарият олимлар, бухгалтерия ҳисоби айнан бир хил қоидаларга асосланган ҳатто иккита мамлакат ҳам мавжуд эмас деб ҳисоблашади. Биз қуйида, бугунги кунда дунё мамлакатларида айрим жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилувчи бухгалтерия ҳисоби моделлари тўғрисида қисқача маълумот берамиз.

Жаҳон олимлари томонидан бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги халқаро моделлари эътироф этилган:

1. Британ-Америка;
2. Континентал модел;
3. Жанубий Америка модели;
4. Ислом модели.

Британ-Америка (Нидерланд) модели, Буюк Британия, АҚШ ва Нидерландия каби етакчи мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган

Бугунги кунда мазкур модел Австралия, Багама, Барбадос, Буюк Британия, Венесуэла, Гонконг, Доминикан Республикаси, Замбия, Зимбабва, Исроил, Ҳиндистон, Индонезия, Ирландия, Канада, Кипр, Колумбия, Малайзия, Мексика, Нигерия, Нидерландия, Янги Зеландия, Покистон, Панама, Пуэрто-Рико, Сингапур, АҚШ, Тринидад Тобаго, Уганда, Фиджи, Филиппин, айрим Марказий Америка мамлакатлари, Жанубий Африка Республикаси, Ямайка ва бошқа мамлакатларда қўлланилмоқда.

Ушбу модел ўта ривожланган бозор муносабатлари ва юқори ахборот таъминоти технологиясига таянади. Унинг асосий мақсади инвестор ва кредиторларни ишончли ва тушунарли маълумотлар билан таъминлашдан иборат. Асосан, фонд биржалари орқали пул оқимлари айлангани учун биржа манфаатларига мувофиқлаштирилган. Ушбу модел демократик модел ҳисобланади.

Бухгалтерия фаолияти амалдаги қонунчилик талаблари билан чегараланмаган, фақат бухгалтер учун "нима қилиш мумкин эмас"

деган қоида амал қилади. Шунинг учун, бу мамлакатларда бухгалтерия ишларини юритиш тартиблари давлат ҳокимияти органлари томонидан эмас, асосан бухгалтерлик касби жамоатчилик ташкилотлари томонидан белгиланади. Масалан, АҚШ да жуда кўп профессионал бухгалтерлик жамиятлари фаолият юритади. Айнан улар томонидан мамлакатда барча компаниялар учун қўлланилиши зарур бўлган "Бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган қоидалари" (GAAP) ишлаб чиқилган ва уни жорий қилиш бўйича доимий иш олиб борилади. Бундан ташқари, Қимматли қоғозлар бўйича Комиссия (SEC) ва Америка бухгалтерлик ассоциацияси (ААА) ҳам бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш ишларида иштрок этишади.

Ушбу моделнинг ижобий томонларини дунёнинг барча мамлакатлари эътироф этишган ва ҳисоб юритишда унинг асосий қоидалари инобатга олинган. Шу боис, ушбу модел қоидалари МҲХСнинг асосий тамойилларини ташкил этади.

Биз, Британ-Америка (Нидерланд) моделини таҳлил қилар эканмиз, унинг тимсолида Буюк Британия мамлакати бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш билан чегараланамиз. Чунки, айнан Буюк Британия бухгалтерия ҳисоби Британ-Америка (Нидерланд), Англо-саксон, қолаверса АҚШ GAAP каби замонавий бухгалтерия ҳисоби моделларини шаклланишида катта манба бўлиб ҳисобланган.

Континентал модел, Европа мамлакатларининг бухгалтерия ҳисоби модели ҳисобланади.

Ундан Австрия, Бельгия, Германия, Греция, Дания, Миср, Испания, Италия, Марокко, Норвегия, Португалия, Россия, Франция, Швейцария, Швеция, Япония каби мамлакатлар фойдаланишади.

Ушбу моделнинг хусусияти шундан иборатки, бухгалтерия ишлари Ҳукумат ва банк манфаатларига мослаштирилган ва қатъий қонунчилик талаблари асосида консерватив тартибда ҳисоб юритилади. Агар, Британ-Америка (Нидерланд) моделида "Сиз бундай қилишингиз шарт эмас" деган қоида амал қилса, Континентал моделда эса "Сиз шундай қилишингиз шарт" деган қатъий қоида ҳукмронлик қилади.

Жанубий Америка модели Аргентина, Боливия, Бразилия, Гайана, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили, Эквадор ва бошқа мамлакатларда қўлланилади.

Ушбу мамлакатларда иккинчи жаҳон урушидан сўнг узоқ давом этиб келаётган сурункали инфляция бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ҳам ўз ҳукмини ўтказмай қолмади. Натижада, ушбу қитъанинг испан тилида гаплашувчи мамлакатларда инфляция таъсирини инобатга олган ҳолда ҳисоб юритиш бухгалтериянинг асосий тамойили бўлиб хизмат қилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби умуммиллий Ҳисобварақлар режаси асосида юритилади. Шу билан биргаликда, бухгалтерия ҳисоби мазкур мамлакатлар Ҳукуматларининг иқтисодий сиёсати ва топшириқлари ижросини таъминлаш учун ҳам хизмат қилиб келмоқда. У шу икки жиҳати билан бошқа моделлардан фарқ қилади. Биринчидан, бухгалтерия ҳисоби инфляция таъсирини инобатга олган ҳолда ҳисоб юритиш, иккинчидан эса Ҳукуматларининг иқтисодий сиёсати ва топшириқлари ижросини таъминлашга йўналтирилган ҳисоб сиёсати юритилмоқда. Охирги пайтларда иккинчи жиҳатнинг роли ошиб бормоқда.

Лекин 2011 йилнинг июнь ойида Лотин Америкаси мамлакатлари бухгалтерия ҳисоби Молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартларига мос равишда ривожлантириш бўйича GLASS (Groupof LatinAmerican Accounting Standard Setters)нинг тузилганлиги, бу ҳудуд мамлакатлари бухгалтерия ҳисобини ижобий ривожланиш истиқболларига умид уйғотади.

4. Жаҳон бозорида ислом дини қонунчилиги билан бошқариладиган мамлакатларнинг банклари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг пайдо бўлиши билан бухгалтерия ҳисобини шариат қоидалари билан тартибга солинувчи *Ислом модели* яратилди. Ислом модели – мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлган Қуръон каримнинг талабларини инобатга олган ҳолда юритилади. Бундай қоидалар асосида инсон қадр-қимматини улуғлаш ва чайқовчилик йўли билан олинган даромадларни қоралашга бўлган ахлоқий даъват ётади. Шу сабабли, бухгалтерия ҳисобида фоизли даромадлар ва дивидендлар мавжуд эмас. Бизнес натижасида ҳосил қилинган фойда иштирокчиларнинг қўшган улушига қараб, адолатли тақсимланади. Шу аснода, ислом модели иқтисодий манфаатга бўлган интилиш билан маънавий қадрият бўйича туйғуларни уйғунлаштиради.

Биз юқорида бухгалтерия ҳисобининг мавжуд халқаро моделлари хусусиятларини санаб ўтдик. Бундай фарқлар нафақат моделлар, балки айрим мамлакатлар ўртасида ҳам йўқ эмас.

Масалан, Америка Қўшма Штатлари молиявий ҳисоботларида актив ва мажбурият бошланғич – тарихий қийматда акс эттирилади, Мексикада эса уларга баҳолар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилади. Америка Қўшма Штатларида номоддий активларнинг аморитизацияси даври 40 йилгача деб рухсат берилган, Германияда эса бу талаб 5 йил қилиб қатъий белгиланган. АҚШда гумонли даромадларни ихтиёрий ҳисобга олишга йўл қўйилмайди, Японияда эса хўжалик субъектлари ҳатто фойдаларига ҳам ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби моделларининг таҳлили натижасида аниқланган, уларнинг фарқ қилувчи асосий хусусиятларини қуйидаги жадвалдаги қиёсий маълумотларда кўриш мумкин.

4-жадвал

Бухгалтерия ҳисоби моделларининг фарқ қилувчи асосий хусусиятлари

Бухгалтерия моделлари	Фарқ қилувчи асосий хусусиятлари
Британ-Америка, (нидерланд)	Инвестор ва кредиторларни ишончли маълумотлар билан таъминлашга йўналтирилган Капитал оқими биржалар орқали айланганлиги сабабли, унинг тамойиллари биржа манфаатларига мувофиқлаштирилган Солиқ ҳисоби алоҳида юритилади. Ҳисобварақлар режаси тармоқ ва соҳалар хусусиятларига мос ҳолда қўлланилади (юритилмаслиги ҳам мумкин).
Континентал	Қатъий қонунчилик талаблари асосида ва Солиқ сиёсатига мос ҳолда консерватив тартибда ҳисоб юритилади Капитал оқими Ҳукумат назорати остида банклар орқали айланганлиги учун, унинг тамойиллари Ҳукумат ва банк манфаатларига мослаштирилган Ягона Ҳисобварақлар режаси амал қилади.
Лотин Америкаси	Ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати ижросини таъминлашга йўналтирилган. Инфляция таъсирини инобатга олган ҳолда ҳисоб юритилади.
Ислом	Шариат қоидалари билан тартибга солинади. Иқтисодий манфаат билан маънавий қадриятлар уйғунлаштирилган.

Қўшимча равишда яна шуни айтиш мумкинки, бухгалтерия ҳисобининг етакчи намунавий шакллари ҳисобланган Континентал ва Британ-Америка моделлари ўзининг қуйидаги тўрт асосий хусусияти билан бир-биридан фарқ қилади.

1. Хўжалик субъекти фаолиятига Ҳукумат бошқарув тизимининг таъсири;
2. Капитал ҳаракати шакллари;
3. Бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг солиқ сиёстига боғлиқлиги;

4. Бухгалтерия ҳисоби юритилишининг техник талаблари (Ҳисобварақлар режаси, ҳисоб реестрлари бирламчи ҳужжатлар ва ҳисобот шакллари). Бухгалтерия ҳисобининг замонавий моделлари бухгалтерия ҳисобининг асосий элементлари ҳисобланган иккиёқлама ёзув, Ҳисобварақлар режаси, ҳисоб реестрлар ва ўрнатилган молиявий ҳисобот турлари каби қоидаларга асосанган ҳолда ривожланмоқда. Айни пайтда, ҳисоб юритиш бўйича белгиланган техник талаблар ўртасида фарқлар сақланиб қолмоқда.

5-жадвал

Бухгалтерия ҳисоби моделлари ўртасидаги техник талаблар бўйича мавжуд фарқлар

Бухгалтерия ҳисоби моделлари	Белгиланган техник талаблар
Континентал модел	Континенталь модель - Бирламчи ҳужжатлар, Ҳисобварақлар режаси, Бош ва Ёрдамчи китоблар, Бош журнал, Кириш баланси ва Якуний баланс
Британ-Америка модели	Бирламчи ҳужжатларни расмийлаштиришга талаблар, Соҳа ва тармоқларга хос Ҳисобварақлар режаси, Бош ва Ердамчи китоблар, Бош журнал, Синов баланси ва Молиявий ҳисоботлар.

Биз юқоридаги бухгалтерия ҳисоби моделлари ўртасидаги мавжуд бир нечта фарқларни кўрсатдик, холос. Бундай фарқларни бартараф этиш ва барча мамлакатлар учун бир хил (стандарт) молиявий ҳисоботларни тузиш қоидаларини ишлаб чиқиш зарурияти бухгалтер мутахассисларнинг келажак орзусига айланиб бормоқда. Шу истак туйғуси, немислардек метин менталитетга эга Германия, ўта консерватив тизимга эга Италия каби мамлакатларни забт этиб, ҳатто "Буюк Хитой девори"ни ҳам бузиб ўтмоқда. Шу боис, иқтисодчи олимлар, бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби асосий модделлари сифатида иккита модел, - Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ҳамда АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умум қабул қилинган қоидалари (GAAP) устида иш олиб бормоқдалар.

2.2. АҚШ ва Буюк Британия бухгалтерия ҳисоби тизими

Буюк Британияида бухгалтерия ҳисоби Ҳукумат ва қонунчиликдан мустақил равишда, бизнес манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шаклланган. Маълумки, Буюк Британияда

конституция амал қилмайди. Мамлакат ижтимоий ҳаёти парламентнинг қонунчилик ҳужжатларига ва Британия судининг қарорларига асосланган ҳолда тартибга солинади. Шу боис бўлса керак, бухгалтерия ҳисоби ҳам Ҳукумат томонидан батафсил тартибга солинмайди, Ҳукумат унинг айрим умумий қоидаларини белгилаш билан кифояланади. Бу ҳолатни тўғри тушуниш учун, бухгалтерия ҳисобида операциялар мазмунининг шаклдан устуворлигини таъминлаш қоидасига изоҳ бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бухгалтерия ҳисобида операциялар, агар уларнинг мазмуни тўғри деб қабул қилинган ҳолларда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга зид келган тақдирда ҳам, тан олинади.

Буюк Британия мамлакати бухгалтерия ҳисобини тартибга солишда бухгалтерлик касбий ташкилотларининг роли беқиёсдир. Миллий бухгалтерия стандартларини яратиш ташаббускори бўлиб 1969 йилда Англиядаги ва Уэлсдаги Маслаҳатчи бухгалтерлар институти - Institute of Chartered Accountants in England and Wales (ICAEW) майдонга чиққан ва бир йилдан сўнг SSAP 1- Бухгалтерия операциялари стандартлари "Шўъба ташкилоти" ишлаб чиқилган.

Ҳозирги пайтда, мамлакатдаги олтита йирик маслаҳатчи бухгалтерлар уюшмаси Бухгалтерия ҳисобининг маслаҳат қўмитаси – ССАВга бирлаштирилган. Ҳатто, 1980 йилда ташкил топган ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича миллий стандартлар ўрнатувчи орган ҳисобланган Бухгалтерия стандартлар қўмитаси (ASB) ҳам шу ташкилот таркибида фаолият юритади.

Буюк Британиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши мамлакатда бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш бўйича қарор топган юқоридаги айрим тамойилларни қайта кўриб чиқишга мажбур қилмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқининг кўрсатмаларига мувофиқ мамлакат корхоналари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тартибга солиш қоидаларини қонунчилик ҳужжатларига киритиш чораларини кўрмоқда. Лекин мамлакатда фаолият юритаётган бухгалтерлик касбий ташкилотларининг нуфузи юқори бўлганлиги учун Европа Итттифоқининг 4-Директивасига Буюк Британия бухгалтериясининг тамал тоши ҳисобланган- "молиявий ҳисоботларни ишончли ва ҳаққоний - "true and fair view" тақдим қилиш қоидаси" киритилишига эришилди, холос.

Шу билан бирга, Европанинг бошқа мамлакатларида бухгалтерия ҳисоби соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича ҳосил бўлаётган йўналишлар Буюк Британияда ҳам пайдо бўлмоқда.

2.3. Европа ва Осиё давлатларида бухгалтерия ҳисоби тизими

Бухгалтерия ҳисобини тартибга солишда Ҳукумат ҳал қилувчи рол ўйнайди, бухгалтерлик касби жамоатчилик ташкилотлари эса уларни амалга татбиқ этишда маслаҳатчи сифатида хизмат қилади. Бухгалтериянинг ҳар бир тамойили солиқ, банк ва савдо қонунчилиги талаблари билан боғлаб қўйилган.

Масалан, *Немис бухгалтерия ҳисоби*, нафақат Европа мамлакатларида қўлланилаётган Континентал моделни, балки дунёнинг бошқа мамлакатлар бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришда ҳам ҳақли равишда етакчи ўринни эгаллайди. Қонунчиликка мойил немис характери бухгалтерия ҳисобини аниқ ва қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга қатъий риоя қилган ҳолда юритиш қоидаларини яратди ва ундан жаҳоннинг кўпгина малакатлари ҳанузгача фойдаланилмоқда. Жумладан, у Россия орқали бизнинг ватанимизга кириб келган ва бугунги кунда амалга жорий этилган Миллий стандартларни ишлаб чиқишда тамал тоши бўлиб хизмат қилган.

6-жадвал

Германия бухгалтерия ҳисобига хос бўлган мезонлар ва талаблар

Мезонлар	Талаблар
1. Тўлиқлик	Хўжалик операцияларини тўлиқ ва ёппасига қайд этиш
2. Операция мазмунининг тўғрилиги	Хўжалик операцияларини, уларнинг мазмунига мос равишда қайд этиш
3. Вақт бўйича чекловлар	Хўжалик операцияларини улар содир бўлган вақтда қайд этиш
4. Аниқлик, текшириш учун яққол тасаввур қилиш имкониятлари мавжудлиги	Бухгалтерия ҳисоби шундай аниқ ва тиниқ далиллар асосида юритиладики, у учинчи шахсларга қисқа фурсатларда яққол намоён бўлади
5. Шакл тўғрилиги	Операцияларнинг дастлабки қайд этилган мазмуни ўзгартирилмайди. Масалан, чизиш, бўяш ёки ўчириш.

6. Хронологик тартиб	Хўжалик операцияларини, улар содир этган вақт кетма-кетлигида қайд этилади.

Маълумки, иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган Германия иқтисодиёти бир неча ўн йиллар давомида АҚШ назорати остида бошқарилди. Табиийки, бундай шароитда, албатта АҚШ ўз назорати остидаги мамлакат бухгалтерия ҳисобини ўзининг бухгалтерия моделига мослаштиришга ҳаракат қилган, акс ҳолда назорат кутилган самарали бермаслиги мумкин эди. Лекин немис менталитети мужассамлашган иқтисодиётда америкача бухгалтерия модели томир ота олмади. Ҳатто, бугунги кунда ҳам Германия Европа Иттифоқининг асосчиси ва энг фаол иштирокчиларидан бири бўлишига қарамасдан, иқтисодиётга молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш немис модели билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Ҳозир ҳам Германияда "Тижорат (Савдо) кодекси", "Даромад айланмасидан солиққа тортиш, Даромад солиғи ва "Корпорацияни солиққа тортиш" каби қонунчиликлар асосида бухгалтерия ҳисоби тартибга солинади. Асосий қонун ҳужжати бўлиб, албатта "Тижорат (Савдо) кодекси" хизмат қилади.

Бухгалтерия ҳисобини расман назорат қилувчи асосий субъект сифатида Иқтисодиёт вазирлиги қошидаги Германия аудиторлик палатаси (Wirtschaftsprüfer Kamer) хизмат қилади, 1931 йилдан бошлаб эса Маслаҳатчи аудиторлар институти (Institut der Wirtschaftsprüfer) кўнгилли ассоциацияси фаолият юритмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий фойдаланувчилари сифатида ҳозир ҳам банклар сақланиб қолмоқда. Йирик банклар ўзларининг хусусий аудиторлик ташкилотларига эга бўлганлиги сабабли, мижозлар молиявий ҳисоботларининг сифат ва таркибига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда. 1937 йилда қабул қилинган "Акциядор корпорациялар тўғрисида"ги қонун 1985 йилда Европа Иттифоқининг кўрсатмаларига мувофиқ қайта ишланиб, Германиянинг ҳуқуқий тизимини тубдан ўзгартириб юборди, бу ўз ўрнида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказиш қоидаларини ҳам мос равишда такомиллаштириб боришга олиб келмоқда. Лекин қонунчиликда ўтказилаётган ислоҳотлар учун Олий солиқ суди масъуллигича қолмоқда.

Немис бухгалтерия ҳисоби қанчалик мустаҳкам бўлмасин, Германия Европа Иттифоқининг асосчиларидан бири бўлганлиги сабабли, унинг кўрсатмалари асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Францияда Миллий ҳисобварақлар режаси, Савдо кодекси, Солиқ қонунчилиги, Савдо-саноат корхоналари тўғрисида қонун, Миллий компаниялар тўғисидаги қонунлар орқали бухгалтерия ҳисоби тартибга солинади. Францияда бухгалтерия ҳисоби бўйича биринчи қонун 1673 йилда Людовик XIV асридаги министр Кольбер томонидан қабул қилинган, кейинчалик эса унинг ўрнини Наполеон кодекси эгаллаган. Ушбу Кодекс француз жаҳонгири томонидан забт этилган барча мамлакатлар бухгалтерия ҳисобини ривожланиш ҳолатига таъсир этган.

Италия "Бухгалтерия ҳисоби фани бешиги" ҳисобланади ва шу мамлакатда ушбу фаннинг тарихи бошланган. Лука Пачолининг "Арифметика, геометрия суммаси, мутаносиблик ва нисбатлар" китоби 1494 йилда ёзилган. Лекин бухгалтерия ҳисоби 1861 йилда жаҳон жамАТчилиги томонидан мустақил фан сифатида тан олинган. Айнан шу йилларда, Италияда бир-биридан ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан фарқ қилувчи учта катта бухгалтерлик (ломбардча, тосканча ва венециянча) мактаблари фаолият кўрсата бошлаган.

Италия қонунчилигига 1808 йилда француз императори Наполеон томонидан Тижорат кодекси жорий қилингандан сўнг, мазкур мамлакат қанчалик даражада консерватив тизимга эга бўлмасин, 1861 йилгача бухгалтерия ҳисоби француз модели асосида ривожланган. Ушбу Кодекс 1952, 1975, 1983, 1990 ва 1991 йилларда қайта кўриб чиқилган.

Италияда бухгалтерия ҳисобининг кейинги ривожланишига мамлакат иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг ҳал қилувчи ўрин тутиши катта таъсир ўтказмоқда. Мамлакатда бор-йўғи 213 та очиқ акциядорлик жамиятлари мавжуд бўлиб, улар асосан ўз акцияларини Милан фонд биржасида сотиш билан кифояланишади. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолятининг кўлами нисбатан кичик бўлганлиги сабабли, мустақил ташқи аудит текширувига бўлган эҳтиёж ҳам чегараланган. Молиявий ҳисоботлар таснифи ва сифатига солиқ органлари ва банкларнинг таъсири катталигача сақланиб қолмоқда.

Мазкур мамлакатда бухгалтерлик касбининг амал қилиши ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бу мамлакатда иккита касб эгаси ҳисоб ишлари билан шуғулланишга ҳақли. Булар, бухгалтер ва тижорат директори бўлиб, улар корхона лавозимида ўтирмайди, балки ҳисоб ишлари бўйича мустақил экспертлик вазифасини бажаришади. Ўз ўрнида, аудиторларга бухгалтерия ишлари билан шуғулланишга рухсат берилмайди.

Лекин 1990 йилда Италия Европа Иттифоқига аъзо бўлиши муносабати билан унинг кўрсатмаларини ҳам бажаришга мажбур бўлмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқига аъзо бошқа мамлакатлар каби Италия ҳам Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича ўз тақдирини белгилади.

Испанияда бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш тарихи унинг ўрта асрлардаги қудратли давлатчилик даврларига бориб тақалади. Лекин бухгалтерия ҳисобининг расман жорий этилиши 1885 йилда қабул қилинган Тижорат кодекси билан боғлиқдир. Албатта, бу мамлакатда ҳам бухгалтерия ҳисобини ривожланишига Француз Ҳисобварақлар режаси катта таъсир этган. У 1990 йилда Испаниянинг "Умумий Ҳисобварақлар режаси" жорий қилингунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

1990 йилда Испания Европа Иттифоқига аъзо бўлиши билан унга аъзо бошқа мамлакатлар каби бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарталарида секин-асталик билан асосий йўналишни белгиламоқда. Испанияда 1991 йилдан бошлаб Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланган талаблар мажбурий қўлланилмоқда.

Японияда дастлабки ҳисоб ишлари тўғрисдаги тарихий маълумотлар 1520 йилда қайд этилган. Айнан шу йилларда Ҳисоб китобини юритиш тартиби жорий этилган. Японияда 1865 йили иккиёқлама ёзувга асосланган бухгалтерия ҳисоби хушхабар сифатида қабул қилинган, амалётга эса фақат 1872 йилда Япония Миллий банки ва Молия вазирлигининг "Банкларда бухгалтерия ҳисоби усуллари" (Ginko Boki Seiko) норматив ҳужжати эълон қилингандан сўнг, инқилобий равишда қўлланилган.

Японияда бугунги кунда бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари сифатида Тижорат, Солиқ ва Биржа фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатлари амал қилиб турибди. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Японияда бухгалтерия ҳисобининг ҳам Континентал, ҳам Британ-Америка моделлари

тамойили қўлланилиб келинган. Масалан, 1872 йилда Англия варианти, 1890 йилда Германия қонунчилик ҳужжатлари, 1948-йилда Америкача биржа ҳуқуқи қабул қилинган. 1950 йилда қабул қилинган "Назорат нормалари ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги қонун асосида корхоналарда ички назорат ташкил қилинади, бу бевосита бахгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масаларига тегишлидир. Японияда бухгалтерия ҳисоби солиқ сиёсати талаблари остида ривожланар экан, аксарият олимлар уни Континентал моделга тааллуқли деб ҳисоблашади.

Бундан ташқари, ушбу мамлакатда корхона бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш мақсадида Ижтимоий коллегия фаолият кўрсатади. У, бухгалтерия ҳисоби ва стандартлари тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилган. Қўшимча равишда яна шуни айтиш мумкинки, дунёда фақат Японияда молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга икки марта тақдим қилинади.

Сўз бухгалтерия ҳисоби моделлари устида кетар экан, бунда *Хитой мамлакати* тарихини четлаб ўтиш адолатсизликдир. Биз юқорида, ҳақли равишда Италияни "Бухгалтерия ҳисоби фани бешиги" ва Лука Пачолини эса унинг асосчиси сифатида қайд этиб ўтдик. Агар, Италия "Буюк ипак йўли"нинг ғарб нуқтасида жойлашган бўлса, Хитой эса унинг шарқий нуқтасини эгаллаган. Ўзининг узоқ тарихий ўтмишига эга бўлган (690 минг йиллик) бу мамлакат нафақат жаҳон тараққиётига, балки иқтисодий фанлар, жумладан бухгалтерия ҳисоби фанига ҳам салмоқли ҳисса қўшган мўйсафид мамлакатлардан биридир.

Ўзларини "Осмон остидаги ернинг қоқ марказида яшовчи одамлар" деб атаган хитойликлар эрамиздан 2000 йил олдин биз ўрганётган фанга тегишли бўлган - "чжэн" (мулк, кирим) ва "фу" (қарз, чиқим ва камомад) каби тушунчалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб ишларини юритган. Ҳатто, дастлабки ҳисоб воситалари ҳисобланган "абак"нинг ҳам ватани шу буюк мамлакатдир. Дастлабки ҳуқуқий тартибга солиш қоидалари "Чжоули-Тянь-гуань" эрамиздан олинги 771-йилда кучга кирганлиги инсон ақлини лол қолдиради. Ушбу қоидаларга киритилган, кунлик ва ойлик таққослаш маълумотлари, йиллик ҳисоботлар ҳамда Хитой менталитетига хос бўлган, ҳисоб ишларига жавобгар амалдорга нисбатан қўйилган талаблар силсиласи тўғрисида фикрлар эканмиз, улар бизни беихтиёр бухгалтерия ҳисоби бўйича бугунги кунда ўз ечимини кутиб турган долзрб масалалар томон етаклайди.

Хитой давлатчиликка эга бўлгандан бошлаб, ўз бошидан императорлик даври, коммунистик режим ёки бугунги ривожланган бозор иқтисодиёти тузумини кечирган бўлишига қарамасдан, бухгалтерия ҳисоби Ҳукуматнинг қатъий назорати остида ривожланган.

Хитойда "Бухгалтерия тўғрисида"ги қонун дастлаб 1914 йилда қабул қилинган ва бугунги кунда, унинг 1985 ва 1993 йилларда қайта ишланган таҳрири амал қилмоқда. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи турли норматив ҳужжатлар билан бир қаторда 1927 йилда "Бухгалтерлар тўғрисида"ги қонун жорий этилган. 1951 йилдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш Молия вазирлиги зиммасига юклатилди.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари нафақат бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тузиш тамойилларини, балки бухгалтернинг касбий ва ахлоқий малакасига қўйилган ҳуқуқий талабларни ҳам ўз ичига олади. Хитой қонунчилигига асосан бухгалтер қонунчиликка зид бўлган бирор маълумотни ошкор қилган ҳолларда, бу ҳақда маъмуриятга дарҳол хабар бериши лозим, акс ҳолда унинг маъмурий жазога тортилиши муқаррар. Борди-ю, бухгалтерининг айби билан давлат ёки корхонага моддий зиён етказилса, уни жиноий жавобгарлик жазолари кутиб туради. Мазкур мамлакат бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш анъаналарини ўрганар эканмиз, сўзсиз у Континентал бухгалтерия ҳисоби моделига тааллуқли эканлигини эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Лекин глобал иқтисодиётнинг асосий иштирокчиларидан бўлганлиги сабабли, хитойликлар мамлакатда қарор топган бухгалтерия ҳисоби тамойилларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлмоқдалар. Хитой бухгалтерия стандартлари қўмитаси (CASC) томонидан 2006 йилда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисобининг 38 та янги стандартлари қабул қилдинди. Шундай қилиб, азалий тарихга ва буюк маданиятга эга бўлган мамлакат бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши оқими Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари уммонига қўшилиб бормоқда.

III БОБ. БАНКЛАРДА КРЕДИТ, ЛИЗИНГ ВА ФАКТОРИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ

3.1. Кредит операцияларини ташкил қилиш ва улар ҳисоби

Тижорат банклари фаолиятини ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига асосланади. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга эътибор бериш лозим:

•банкларнинг фаолиятини белгиланган меъёрда ўз ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириш – бунда, тижорат банкларининг ўз маблағлари банк ресурслари ичида кам салмоқни ташкил этади. Тижорат банклари аҳолининг, хўжалик юритувчи субъектларининг ҳамда давлатнинг маблағларини ўзига жалб қилиб олиб, уни трансформация қилади. Яъни, маблағларга эҳтиёж сезаётган банк, корхона, ташкилот, муассаса, аҳоли ва давлатга қарзга бериб туради ёки улар фаолиятига инвестиция қилади.

•арзонроқ олиб, қимматроқ сотиш – бунда, банклар ресурсларни жалб қилаётганда уларга маълум бир миқдорда ҳақ тўлайди, уларни ўз номидан маълум бир ҳақ эвазига жойлаштиради, олинган ва берилган тўлов ўртасида фарқ мусбат бўлиши лозим.

•ўз маблағлари билан риск қилган ҳолда мижознинг маблағлари билан риск қилиш мумкин эмас – бу тамойилда банклар жалб қилган маблағлар билан иш кўриб уларни қайтиб келмаслик ҳолатида йўқотишлари мумкин. Банк ўз маблағларини рискли операцияларга жойлаштиришлари мақсадга мувофиқ.

•барчаси мижоз учун, унга ҳар доим тез ва сифатли хизмат кўрсатиш – банк фаолияти мижозларнинг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, чунки мижоз бўлмаса банк ҳам бўлмайди. Мижоз фаолияти даромадли бўлган тақдирдагина банк ҳам, даромад олиш имкониятига эга бўлади. Банк мижознинг даромад олиш имкониятини яратар экан, у фақат мижознинг манфаатларини эмас, балки ўз манфаатларини ҳам амалга оширади.

•банкнинг мижоз билан муносабати ўзаро тенглик, манфаатдорлик тамойили асосида ташкил этилиши лозим – мижоз банкка мурожат қилганда унга ишонч билан шерикчилик муносабатларини ўрнатишга ҳаракат қилади. Бу ўз навбатида

банкнинг мижозлари сони кўпайишини ва унинг банкларараро рақобатда ютиб чиқишда ёрдам беради.

Юқорида кўриб ўтилган банк фаолияти тамойиллари жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётни модернизация қилиш орқали ривожлантиришда, банкнинг ўз фаолиятини ривожлантиришда ўз аҳамиятини йўқотмайди. Банкнинг ушбу қоидаларга риоя қилиши банк фаолияти самарадорлигида намоён бўлади.

Банклар ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида қандай натижага эришгани, маблағлари ҳаракати, уларнинг манбаи тўғрисида тезкор ва сифатли маълумотга эга бўлиши лозим. Ушбу маълумотларни бухгалтерия ҳисоби таъминлаб беради.

Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисоботни тузишдан иборатдир[3].

Банк бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги иқтисодий ривожланиши босқичида банк мулкининг ҳолати ва ҳаракати, пул маблағлари, кредитлар, фондлар, молиявий натижалар ва бошқа бир қанча амаллар тўғрисидаги ахборотлар оқимини ифодалаб, банк фаолиятини бошқариш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш мақсадида шакллантирилади.

Тижорат банклари фаолиятининг асосий тамойилларини тизимлаштирилган ҳолда бухгалтерия ҳисобини асосий вазифаларини қуйидагича гуруҳлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан:

– ўз ва жалб қилинган маблағлардан унумли фойдаланиш ва улар устидан назоратни таъминлаб бериш;

– олинган даромад ва қилинган ҳаражатлар тўғрисидаги маълумотлар асосида режалаштирилган ликвидлилик ва рентабеллик даражаси орқали банк даромадлигини таҳлил қилиш ва назорат қилиш;

– банк мулки ҳолати ва ҳаракати устидан назоратни ўрнатишни таъминлаш;

– бажарилган операциялар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ҳамда аниқ акс эттирилишини таъминлаш;

---

[3] Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни 2016 йил 13 апрель, ЎРҚ-404-сон

– бухгалтерия ҳисоботининг ички ва ташқи фойдаланувчилари учун банк муассасасининг фаолияти ва мулкий ҳолати тўғрисида батафсил, аниқ ва мазмунли маълумотни шакллантириш.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишда ушбу вазифаларнинг тўлиқ ва тўғри бажарилиши банк фаолиятини ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.

Банклар ўз фаолиятини асосан четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириши банк бухгалтериясига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли банк бухгалтерия ҳисобварақлари режасидаги ҳисобварақларнинг аксарияти мижозлар маблағларни ҳисобга олишга мўлжалланган.

Банклар банклараро бозорда рақобатнинг кучайиши, банк операцияларнинг кўпайиши, хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, ҳар бир мижоз учун кураш кетаётганлиги ўз фаолиятини доимий равишда назорат қилиш, таҳлил қилиш асосда янги банк хизматларини таклиф қилиш, янги банк филиалларини очиш, самарасиз фаолият кўрсатаётганларини эса ёпиш, мини банкларни очиш ҳамда банкни ривожлантириш учун барча чора–тадбирлар кўрилади.

Тижорат банклари фаолияти таҳлил қилинаётганда маълумотлар тезкорлик билан олиш имконияти мавжудлиги бевосита таҳлил услубиётига таъсир кўрсатади. Шунингдек, банк бухгалтерия ҳисоби компьютерлаштирилганлиги маълумотларнинг тез қайта ишлаш имкониятини яратади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган айрим тижорат банклари маълумот узатиш учун ўз ички тизимлари мавжуд бўлиб, жумладан, IABS, ASBT, Globus, NCI ва бошқалар, улар орқали банк ходимлари банк ҳолати ҳақида керакли бўлган маълумотларни олади, ундан таҳлил қилишда фойдаланади.

Банк маълумотларидан ташқи фойдаланувчилари эса, айниқса банк мижозлари йил якунланиб, акциядорлар умумий йиғилиши бўлиб ўтгандан сўнгина матбуотда эълон қилинадиган ҳисоботдан фойдаланишлари мумкин.

Банк бухгалтер ходимларига нисбатан операцияларни амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш тўғрисидаги талаблар барча банклар учун мажбурийдир. Банклар учун белгиланган асосий қоидалар доирасида ўзларининг иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички бухгалтерия ҳужжатларини юритиш тартибини белгилашлари мумкин. Банк

ходимлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган банк сирига оид маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда сир сақлашлари лозим.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

банк амалиёт куни - банк иш кунининг бир қисми бўлиб, банкка келиб тушган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун ажратилган вақт;

банк бухгалтерия аппарати - пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш, банк операцияларини ички назоратдан ўтказиш ҳамда уларни ҳисоб регистрларида қайд этиш билан шуғулланувчи ходимлар гуруҳи;

банк иш куни - қонун ҳужжатлари билан белгиланган кун ичида ўрнатилган иш вақти;

банк операциялари ички назорати (бундан кейинги ўринларда ички назорат деб юритилади) - банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан кунлик банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қонунчиликка мослиги, самарадорлиги, юқори малакада бажарилиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш тизими;

Ички назорат маълум ёки аниқ вақт мобайнида амал қилиниши лозим бўлган тартиб ёки қоида бўлмасдан, балки у банкнинг барча бўғинларида кунлик банк операцияларининг бошланишидан тортиб тугагунга қадар доимий юритиладиган банк фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Ички назорат ўз навбатида дастлабки назорат, жорий назорат ва якуний назоратга бўлинади;

Бош китоб - ҳисобварақлар режасидаги иккинчи тартибли ҳисобварақлар қолдиқларининг рўйхати;

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари - иккиёқлама ёзув усулида операциялар қайд этиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар ва тасдиқланган бланклар;

Бэк-офис - банкнинг таркибий қисми бўлиб, Фронт-офис томонидан дастлабки назоратдан ўтган ва ижро учун тақдим қилинган операцияларни жорий назоратдан ўтказиш ва банк операцияларини амалга оширувчи бухгалтерлар гуруҳи.

Бэк-офиснинг асосий вазифаси Фронт-офис томонидан дастлабки назоратдан ўтказилиб, маъқулланган барча банк операцияларини қайтадан жорий назоратдан ўтказиб, уларни иккиёқлама ёзув ёрдамида бухгалтерия регистрларида қайд этиш ва тегишли ҳисоботлар тайёрлашдан иборат.

Бэк-офис мижозлар билан бевосита мулоқотда бўлмайди. У, мижозлар операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича Фронт-офис билан, банкнинг ички молиявий-хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича банк маъмурияти билан алоқада бўлади.

Бэк-офисга Бэк-офис бошлиғи раҳбарлик қилади ва у ўз навбатида банк раҳбарига бўйсунади;

дастлабки назорат - Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган назорат;

Ёрдамчи китоб - Бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек, алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журналлар;

жорий назорат - Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер маъқуллаган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослигини аниқлаш мақсадида қайтадан амалга ошириладиган назорат. Жорий назорат пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларининг бир-бирига мослигини текширишни ҳам ўз ичига олади;

масъул ижрочи бухгалтер - мижозларнинг пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилганлиги ва банк операцияларининг қонунийлигини дастлабки назоратдан ўтказиб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга тайёрловчи бухгалтер;

минибанк - банк филиали биносидан ташқарида, лекин ўзи жойлашган вилоят-шаҳар ҳудудида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритувчи банк филиалининг таркибий тузилмаси;

назоратчи бухгалтер- масъул ижрочи бухгалтер томонидан дастлабки назоратдан ўтказилган барча банк операцияларини жорий назоратдан ўтказиб амалга оширувчи бухгалтер;

Фронт-офис - банкнинг таркибий қисми бўлиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган банк операцияларини амалга оширишда банк мижозлари билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда уларга барча банк хизматларини кўрсатувчи ходимлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Фронт-офис бошлиғи раҳбарлик қилади.

Фронт-офиснинг асосий вазифаси мижозлар топшириғи ҳамда банк ички фаолияти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган операцияларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга тайёрлашдан иборат;

якуний назорат - амалиёт куни тугагандан сўнг, кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер ва Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан бажарилган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослиги ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат;

Якуний назорат банк Бошқаруви ташкил қилган Якуний назорат хизмати томонидан амалга оширилади ва у фақат банк Бошқарувига бўйсунади. Якуний назорат хизмати бухгалтерия аппарати бир бутун, яхлит бўлган банкларда бухгалтерия аппарати ичида, Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинган банкларда эса Бэк-офиси таркибида алоҳида бўлим сифатида ташкил қилинади.

Бухгалтерия операцияларини дастлабки назоратдан ўтказиш

Дастлабки назорат Фронт-офис ходимлари (агар, банк таркибий тузилмаси Фронт-офис ва Бэк-офисга бўлинган бўлса) ёки масъул ижрочи бухгалтер (агар, бухгалтерия аппарати бир бутун яхлит бўлган тақдирда) томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг самарадорлигини, банкнинг ички сиёсатига ҳамда амалдаги қонунчиликка мос эканлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар, операциялар хорижий валютада халқаро шартномалар асосида амалга оширилса, шартнома шартларига риоя қилиниши лозим.

Мижозлардан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган шаклдаги бланкда ёзилиб, тўғри расмийлаштирилганлиги, барча реквизитлар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлиги, ушбу пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлиги, шу жумладан ҳисобварақни тасарруф этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи тақдим этилган намуналарга мос келиши текширилади.

Банк операцияларини амалга оширишда жавобгарлик

Банк операцияларини амалга ошириш учун асос бўладиган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштирган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, белгиланган муддатларда ижро учун топширилиши, шунингдек, операцияларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш бўйича жавобгардирлар.

Банкларда кредит операциялари "Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги" низом талаблари асосида ташкил этилади (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1435). Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига (МҲХС) асосланган бўлиб, тижорат банклари (бундан буён матнда - банклар) томонидан кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисобини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ (бундан буён матнда - МҲХС) юритиш тартибини белгилайди.

Банклар активларидаги кредитлар Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) талабларига мувофиқ таснифланади.

Фоизларни ўстирмаслик мақоми берилган кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби Фоизларни ўстирмаслик тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январь) мувофиқ амалга оширилади. Фоизларни ҳисоблаш, шунингдек кредитлар бўйича ундирилмаган фоизларни бекор қилиш Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь) мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу Низом мақсадида қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

кредитлар ва олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари - фаол бозорда котировка қилинмайдиган, қатъий белгиланган ёки

ўрнатилган тўловлар билан нохосилавий молиявий активлар бўлиб, қуйидагилар бундан мустасно:

1) банк зудлик билан ёки яқин келажакда сотмоқчи бўлган ва шу сабабли сотишга мўлжалланган деб таснифланиши лозим бўлган ёки дастлабки тан олишда сотиб олиш ва сотиш учун деб таснифланган молиявий активлар;

2) банк томонидан дастлабки тан олинишида сотиш учун мавжуд деб таснифланган активлар;

3) эгаси ўзининг бошланғич инвестиция суммасини амалда ундириб ололмайдиган активлар, активлар сотиш учун мавжуд деб таснифланиши лозим бўлган кредитнинг қадрсизланиш ҳолатлари бундан истисно.

реал фоиз ставка усули - активнинг (мажбуриятнинг) хизмат муддати давомида муддати узайтирилган фоизли тўловларни тақсимлаш орқали (масалан, ҳар ойда эмас, ҳар йилда олинадиган ёки тўланадиган) дисконт ёки мукофотни фоизли даромадга (ёки ҳаражатга) амортизациялаш йўли билан доимий фоиз ставкасини тан олинишига олиб келадиган усул;

реал фоиз ставкаси - бу молиявий активнинг мўлжалланган хизмат муддати давомида ёки мақбул бўлган ҳолда, қисқароқ даврда кутилаётган келажакдаги пул тўловлари ёки тушумлари оқимларини унинг соф баланс қийматигача аниқ дисконтлайдиган ставка;

қадрсизланишдан кўриладиган зарар (ёки кўрилиши мумкин бўлган зарар) - кредитнинг баланс қиймати унинг қопланадиган миқдоридан ошиб кетган суммаси. Бу қарздор кредитнинг тўлиқ суммасини (асосий қарз ва фоизларни) қайтара олмаслигини ва банкда зарарнинг юзага келиши мумкинлигини билдиради.

қопланадиган қиймат - кредитнинг баланс қиймати ва кредитнинг дастлабки реал фоиз ставкаси бўйича дисконтланган кутилаётган пул оқимларининг жорий қийматидан энг каттаси.

Банк томонидан берилган кредитлар ҳақиқий қиймати бўйича акс эттирилади ва у қарздорга берилган пул маблағлари суммасини ифодалайди. Банк томонидан кредит берилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 11900 — 15500 (тегишли ссуда ҳисобварағи)

Кт 10301 — «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи — Ностро» (агар маблағ олувчига бошқа тижорат банки томонидан хизмат кўрсатилса), ёки

Кт — маблағ олувчининг талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобварағи (агар маблағ олувчига мазкур банкда хизмат кўрсатилса).

Кт 10100 — «Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари» (кредит нақд пулда берилганда).

Кредит бериш муносабати билан банк томонидан олинадиган воситачилик ҳақи қарздорнинг молиявий ҳолатини ва инвестиция лойиҳаларини қопланишини баҳолаш, кафолатларни баҳолаш ва акс эттириш, гаров ва бошқа таъминотларни ташкиллаштириш бўйича тадбирлар, ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни қайта ишлаш ҳамда битимни якунлаш билан боғлиқ банк ҳаражатлари компенсациясини ўз ичига олади. Шу каби воситачилик ҳақлари кредит бериш ва келгусида кредит муносабатларида қатнашишнинг ажралмас қисми бўлиб, ва уларга тегишли тўғридан-тўғри ҳаражатлар билан бирга, муддати узайтирилади ва реал даромадни тузатиш (корректировка қилиш) сифатида тан олинади. Бундан ташқари, банклар кредит бериш бўйича ёзма мажбурият учун воситачилик ҳақи олишлари мумкин.

Банклар томонидан кўрсатилган хизматлар учун потенциал қарз олувчилардан воситачилик ҳақи олинаётганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - Қарз олувчининг талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобварағи

Кт 22896 - «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар»

Кредит бериш бўйича ёзма мажбурият бергани учун олинган воситачилик даромадлари, кредит шартномасини тузиш эҳтимоли мавжуд бўлганда, банкнинг кредит бериш жараёнида узлуксиз иштирок этганлиги учун тўлов (компенсация) сифатида қаралади. Банк томонидан олинган воситачилик даромадлари улар билан боғлиқ бевосита ҳаражатлар билан биргаликда узайтирилади ва улар реал даромадни тузатиш (корректировка) сифатида тан олинади.

Агар кредит бериш бўйича мажбурият муддати тугаб, кредит талаб қилиб олинмаган бўлса, у ҳолда кредит бериш мажбурияти учун воситачилик ҳақи ушбу муддат тугагандан кейин даромад сифатида тан олинади.

Агар қарздор томонидан банкка бозорда кредит шартномасида белгиланган фоиз ставкасига нисбатан шаклланган юқорирок фоиз ставкасига муқобил тарзда маълум бир комиссияни тўланиши тўғрисида банк ва қарздор ўртасида келишувга эришилган тақдирда, ушбу комиссия тўлови кредит муддати давомида тўланиши лозим, яъни узайтирилади ва реал даромадни тузатиш (корректировка) сифатида тан олинади.

Қарздор томонидан кредит муддатидан олдин қайтарилса ёки бошқа шахс фойдасига воз кечилса, банк мазкур кредит билан боғлиқ ҳар қандай муддати узайтирилган воситачилик ҳақини кредит қайтарилган ёки бошқа шахс фойдасига воз кечилган санасига даромад сифатида тан олади.

Кредитнинг қадрсизланиши

Баланс ҳисоботини ҳар бир тузиш санасига (ҳар ойда) банк томонидан Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) ва Фоизларни ўстирмаслик тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1304, 24 январь 2004 йил), шунингдек МҲХСга мувофиқ кредитлар таснифланади, мавжуд ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захиралари шакллантирилади.

Кредит қадрсизланишини тасдиқловчи объектив далиллар ва шароитлар аниқланган тақдирда, зарар суммаси қуйидаги икки миқдордан энг юқориси бўйича баҳоланади:

тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) мувофиқ аниқланган сумма бўйича; ёки

кредитнинг баланс қиймати ва кредитнинг дастлабки реал фоиз ставкаси бўйича дисконтланган кутилаётган келажакдаги пул оқимларининг жорий қиймати ўртасидаги фарқ бўйича.

Банк кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашни қуйидагича акс эттиради:

Дт 56802 - «Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш»

Кт - Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган

зарарлар захираси - Кредитнинг тегишли категорияси (контр-актив)

Агар кредит портфелининг кейинги таҳлили натижасида унинг захиралари мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган талаблардан ошса, банк захира суммасини охирги сана ҳолати бўйича аниқланган, кўрилиши мумкин бўлган зарарлар суммасига мувофиқлаштириши лозим. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - Кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси - Кредитнинг тегишли категорияси (контр-актив)

Кт 56802 - «Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш».

Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш аввал кредит қайси валютада берилган бўлса, ўша валютада амалга оширилади. Шу тарзда, биринчи навбатда, ҳар қандай эҳтимолий зарарларни баҳолаш чет эл валютасида амалга оширилади, кейин ушбу сумма Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида акс эттирилади.

Кредитларни қайтарилиши қарз олувчининг асосий, шунингдек иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дт - Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

Кт - Ссуда ҳисобварағи

Агар кредит кафолат берувчи (кафил) томонидан қайтарилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - Кафолат берувчи (кафил)нинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, ёки

Дт 10301 - «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи — Ностро» (агар маблағ олувчига

бошқа тижорат банки томонидан хизмат кўрсатилса)

Кт — Ссуда ҳисобварағи

Кредитлар нақд пулда қайтарилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10100 - «Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари»

Кт - Ссуда ҳисобварағи

Агар кредитга фоиз ўстирмаслик мақоми берилмаган бўлса, унда кредитлар бўйича фоизлар тушуми қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дт - Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

Кт 16309 - «Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар».

Фоизларни ўстирмаслик мақоми берилган кредитлар бўйича фоизлар ҳисоби Фоизларни ўстирмаслик тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январь) мувофиқ амалга оширилади.

Қарздор томонидан гаров билан таъминланмаган кредит қайтарилмаса ёки тўлиқ қайтарилмаганда, уларни шакллантирилган захира ҳисобидан ҳисобдан чиқариш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дт - Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси — Кредитнинг тегишли категорияси (контр-актив)

Кт - Ссуда ҳисобвараги

Гаров билан таъминланган кредит қарздор томонидан қайтарилмаса ёки тўлиқ қайтарилмаган ҳолда, банк кредитни қайтариш учун ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли. Ундирувга қаратилган гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш ким ошди савдоси орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан маблағлар келиб тушганда 10301 - «Марказий банкдаги вакиллик ҳисобвараги — Ностро» ҳисобвараги дебетланади ва 29801 - «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобвараги кредитланади.

Кредитлар бўйича асосий қарзни ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоизларни сўндириш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

а) Асосий қарз қайтарилганда:

Дт 29801 - «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар»

Кт - Ссуда ҳисобвараги.

б) Асосий қарз тўлиқ қайтарилгандан кейин, фоизлар сўндирилганда:

Дт 29801 - «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар»

Кт 41400 - 44600 — Кредитлар бўйича фоизли даромадлар

Кредит гаровга олинган мол-мулкни ўз эгалигига олиш йўли билан қайтарилган тақдирда, кредитнинг баланс қиймати ва гаровга

қўйилган мол-мулкнинг ҳаққоний қийматидан қайси бири кам бўлса, ўша қиймат бўйича, уни сотиш бўйича қилинган харажатларни чегирган ҳолда, лекин қайта савдодаги дастлабки сотув баҳосидан 10 фоиз кам бўлмаган суммада қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 16701 - «Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк»

Кт - Ссуда ҳисобвараги.

Қарздор етарли миқдорда пул маблағларига эга бўлмаган тақдирда, банк кредит бўйича қарзни қарздорнинг розилиги билан унинг ликвид мол-мулки ҳисобидан, агар қарздор норози бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд қарори асосида ундирувни қарздорнинг ликвид мол-мулкига қаратиш йўли билан қайтариш ҳуқуқига эга.

Кредитлар бўйича асосий қарз ва ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоизлар қарздорнинг ликвид мол-мулкини сотишдан тушган маблағлар ҳисобига қайтарилганда, тегишли бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захирасидан фойдаланиш Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль) мувофиқ амалга оширилади.

Берилган ёки олинган кредитлар ва улар бўйича фоизли даромадлар ёки харажатларни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари Режаси"га ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда 1435-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Кредитлар бўйича фоизлар 365 кундан иборат йиллик таянч даврдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади (келишувлар асосида тузилган халқаро ёки хорижий молиявий ташкилотлар жалб қилинган кредит линияларининг ажратилган кредитлари бўйича 360 кунлик даврдан фойдаланилади)

Ҳисоблаш кредит шартномасида ўрнатилган фоиз ставкасига асосланиши керак.

Қарздор "Очиқ кредит линияси" бўйича фоизларни, ушбу линиянинг амалда фойдаланган қисми учун тўлайди.

Фоизларни ҳисоблаш учун "Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар" ҳисобварағи дебетланади ва "Фоизли даромад" ҳисобварағи кредитланади

Банк Молиявий кўрсаткичларини Банкнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида, қайтарилиши шубҳали бўлган кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2004 йил 24 январида 1304-сон билан рўйхатга олинган "Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида"ги Низомга мувофиқ фоизларни ўстирмаслик тамойилига амал қилади

Кредит таснифланиши бўйича (субстандарт, шубхали, умидсиз) бўлиши билан ёки асосий суммани қайтариш ёки унинг фоизини тўлаш муддати 60 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда (қайтариш муддати бир йилгача бўлган фоизли активлар бўйича), муддати 90 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда (қайтариш муддати бир йилдан кўп бўлган фоизли активлар бўйича), ёки актив МҲХС га мувофиқ қадрсизланганда кредит ушбу туркумга киритилиши лозим

Барча ҳисобланган, лекин олинмаган фоизли даромадлар баланс ҳисобварақларидан кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига ўтказилиши лозим ва кредитга «ўстирмаслик» мақоми берилгандан сўнг кейинги фоизлар ҳисобланиши кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида амалга оширилади

Кредитга «ўстирмаслик» мақомини берилиши, қарздорни ушбу қарзлар бўйича ҳисобланган фоизларни, шунингдек, кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобланган фоизларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди

Банкнинг "очиқ кредит линияси" кредитларидан фойдаланганлик учун корхоналар ва ташкилотлар кредит шартномасида кўзда тутилган миқдорда фоизлар тўлайдилар, лимитнинг фойдаланилмаган қисми учун эса – кредит шартномасига мувофиқ устама ҳақ тўлайдилар

Банк томонидан берилган кредит ҳисобига олинадиган воситачилик ҳақлари қарздорнинг молиявий ҳолати ва инвестицион лойиҳаларини ўзини-ўзи оқлашини баҳолаш, кафолатларни баҳолаш, гаровлар ва бошқа таъминотларни ташкиллаштириш

бўйича тадбирлар, ҳужжатларни тайёрлаш ва қайта ишлаш ҳамда битимни ниҳоясига етказиш каби банк харажатларини ўз ичига олади.

Заҳираларни ҳисоблаш тартиби (Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун заҳиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида") ва қарздор таваккалчилигини баҳолаш тизими асосида филиаллар мустақил тарзда кредитлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун заҳираларни яратадилар.

Махсус заҳира банк харажатлари ҳисобига яратилади ва "Кредитлар ва лизинглар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни баҳолаш" ҳисобварағининг дебетида ва "Кредитлар ва лизинглар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун заҳира" ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади.

Филиаллар томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган кредитлар ва улар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун заҳираларни таснифлаш тўғрисидаги ҳисоботлар асосида Бош банк ҳисоботлар таҳлилини ўтказади ва зарур бўлган ҳолларда филиалларга улар томонидан ўрнатилган кредитлар ва яратилган заҳиралар таснифларига ўзгартиришлар киритиш бўйича кўрсатмалар беради.

Қарздор томонидан қарздорлик қайтарилган ҳолларда, актив бўйича аввалроқ кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун заҳира яратилиб, қарз эса баланс ҳисобварақларидан кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига ўтказилмаган бўлса, "Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун заҳира" ҳисобварағи дебетланади ва "Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш" ҳисобварағи - жорий йилда яратилган заҳира миқдорида ва/ёки "Ҳисобдан чиқарилган маблағларни қоплаш" ҳисобварағи - олдинги даврларда яратилган заҳиралар миқдорида кредитланади.

Актив "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварағига ўтказилганидан кейин, қарздор томонидан ушбу актив бўйича қарзлар сундирилганда банк томонидан "Эҳтимолий зарарларни қоплаш учун захиралар" ҳисобварағи кредитланади, тегишли актив ҳисобварағимасалан, қарз тўланишида пул олинишини акс эттириш учун касса ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағидебетланади ва оқибатда банк томонидан "Эҳтимолий зарарларни қоплаш учун

захиралар" ҳисобвараги дебетланади ва 56800-"Эҳтимолий зарарларни қоплаш учун захираларга ажратмалар" ёки 45921-"Ҳисобдан чиқарилган маблағларнинг қайтарилиши" ҳисобвараги кредитланади,шу билан бирга "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварағига ўтказилган зарарлар банк даромадлари оқимига қайтарилади.

Филиал томонидан кафиллик бўйича олинган мажбуриятлар, суғурта полиси бўйича суғурта тўлови ҳамда гаров ҳуқуқини тасарруф қилишдан олинган маблағлардан фойдаланиш орқали.

Банк кредити таъминоти учун гаров мулклари, қимматли қоғозлар, кредит олган қарздор банкидаги кафиллик сифатида қабул қилинган ҳужжатлар 94502-«Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар», 94501 - «Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар», 94503–«Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар», 94504–«Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар» кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади ва гаров таъминотининг ушбу ҳисобварақларидан фақат кредитлар ёки лизинглар ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар тўла қайтарилганидан кейингина ҳисобдан чиқарилади.

Кредит бўлимининг фармойиши бўйича алоҳида ссуда ҳисобварақлари орқали берилган кредитлар муддатли мажбуриятлар билан расмийлаштирилади, улар тўла қайтарилгунларича кредитлаш муддатларига боғлиқ равишда 91901 – «Қарздорларнинг қисқа мудатли кредитлар бўйича мажбуриятлари», 91905 – «Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари» ва 91907 «Қарздорларнинг Ҳукуматдан олинган узоқ муддатли кредитлари ва лизинглар бўйича мажбуриятлари» кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Қайтариш муддати келган ва қарздорда пул маблағлари бўлмаган ҳолларда кредит, муддати ўтган кредитлар ҳисобвараги орқали ундиришга тақдим этилади, у бўйича мажбуриятлар эса 91900 «Қарздорларнинг кредит ва лизинг мажбуриятлари» балансдан ташқари ҳисобварақдан ҳисобдан чиқарилади ва 90963 «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» балансдан ташқари ҳисобварақдаги 2-Картортекага жойлаштирилиб, ўрнатилган тартибида ундирилиши лозим.

Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун заҳира суммаси етарли бўлмаган ҳолларда қўшимча ажратмалар амалга оширилади.

Ўтказилган вақтдан бошлаб актив ва ҳисобланган фоизлар беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақларида акс эттирилиши лозим.

Бунда банк филиали томонидан мунтазам равишда ойига камида 1 марта қарздорга кредит бўйича қарздорликни ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш ҳақида асосий қарз ва олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар бўйича қарздорликнинг мавжудлигини тасдиқловчи "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақларидан кўчирмалар илова қилинган ҳолда эътироз хати юбориб турилиши керак .

Банк томонидан умидсиз қарзларни ундириш бўйича кўрилган барча чораларга қарамасдан қарздорлик сўндирилмаса, ушбу қарздорлик (асосий қарз ва фоизлар) сўндирилмай қолса, уни "Кўзда тутилмаган ҳолатлар" ҳисобварақларидан фақатгина Банк Кенгашининг қарори асосида кейинчалик акциядорларнинг Умумий йиғилишида тасдиқлаш орқали ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

Кредитни тўла ёки қисман сўндириш учун қабул қилинган таъминот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ 3 йилдан кўп бўлмаган вақт давомида сотилиши керак.

Агар актив 12 ой давомида сотилмаган бўлса активнинг баланс қиймати ошириб кўрсатилганлиги аниқ бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бундай активларни мустақил баҳоловчи томонидан ҳар йили баҳолатиб туриш зарур. Агар янги баҳоланган қиймати (активни сотишда қилинган ҳаражатлар чегириб ташланганда) жорий қийматидан камроқ бўлса, банк активни янги реал қийматида ҳисобдан чиқарилиши, ҳаражатлар эса "Бошқа фоизсиз ҳаражатлар" ҳисобварағида ҳисобга олиниши керак. Агар актив кейинчалик юқорироқ нархларда сотилса, фойда фақатгина сотиш ҳақиқатда амалга оширилганда ҳисобга олинади.

Банк филиаллари бошқа кўчмас мулклар ўрнатилган муддат (3 йил) давомида сотилмай қолган ҳолларда хат билан Бош банкка мурожаат қиладилар, Бош банк эса ўз навбатида Марказий банкка мурожаат қилади ва Марказий банк томонидан бошқа кўчмас мулкка эгалик қилиш даврини қўшимча равишда икки йилгача бўлган муддатга узайтириши мумкин.

3.2. Тижорат банклари томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби

Банкларда лизинг операциялари ҳисобини ташкил қилишда бухгалтерия ҳисобида умумқабул қилинган тамойиллардан фойдаланилади: бухгалтерия ҳисобининг икки ёқлама ёзув усулини юритиш; узлуксизлик; хўжалик операциялари, активлар ва пассивларни пулда баҳоланиши; аниқлик; ҳисоблаш; олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик); мазмуннинг шаклдан устунлиги; кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги; молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги; ҳисобот даври даромадлари ва ҳаражатларининг мувофиқлиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Лизинг операциялари ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари ҳамда бошқа бухгалтерия ҳисобини юритишнинг амалдаги меъёрий хужжатларига мувофиқ ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасида лизинг операциялари қуйидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида амалга оширилади:

- 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқорлик кодексининг 587-599 – моддалари;
- Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги "Лизинг тўғрисида" ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фолияти тўғрисида" ги қонуни;
- Марказий банкнинг "Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида " ги Низоми;
- 2001 йил 1-февралда кучга кирган "Халқаро молиявий лизинг тўғрисида" ги Конвенция;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилда қабул қилинган "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3122-сонли Фармони;
- Ўзбекистрон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26-ноябрдаги ПҚ-1438-сонли "2011-2015 йилларда республика молия – банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макро иқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида" ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 майдаги 143-сонли " Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисда" ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октиябрдаги №ЎРҚ-301-сонли "Кредит ахбороти тўғрисида" ги қонуни;

- Ўзбекистрон Республикаси Президентининг 2012 йилнинг 10 май кунидаги "2012-2016 йилларда Ўзбекистрон Республикасида Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида" ги Қарори.

Лизинг операциялари молиявий барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга тўловга қодир, таъминланганлик, банк томонидан лизинг объектини сотиб олишга инвестиция қилинган кредит маблағларини қайтаришлик ва мақсадга мувофиқ фойдаланишлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

Лизинг операцияси лизинг объекти лизинг олувчи томонидан бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ишлатилиши кўзда тутилган ҳолларда кўрсатилади.

Қиморхоналар ва биллиардхоналарни ташкил этишда лизинг объектини қўллаш кўзда тутилган ҳолларда лизинг хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Лизинг бўйича молиявий ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши, йўқолиши, ўғирланиши, шикастланиши, бузилиши ва барвақт эскириши хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан бажарилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро келишган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг объектини жадал амортизация қилишни қўллаш ҳуқуқига эга.

Томонларнинг келишувига кўра лизинг шартномаси уч томонлама(сотувчи-лизинг берувчи-лизинг олувчи) ёки икки томонлама(лизинг берувчи–лизинг олувчи) тузилиши мумкин.

Лизинг шартномаси имзолангандан сўнг, лизинг берувчининг ҳисобварағидан лизинг объектини сотиб олиш учун пул маблағлари чиқиб кетгунга қадар, лизинг олувчи томонидан лизинг шартномасини айрим шартларини ўзгартириш истаги бўлса, ваколат доирасида Кредит комиссияси ёки Кредит қўмитаси ушбу ўзгаришларни кўриб чиқиши мумкин. Барча қилинадиган ўзгартиришлар лизинг шартномасига қўшимча ёзма равишда келишув орқали расмийлаштирилади.

Агар лизинг шартномаси имзолангандан сўнг, айрим жиддий сабабларга кўра лизинг олувчи ёки лизинг объекти ўзгартирилса, ваколат доирасига қараб Кредит қўмитаси ёки Кредит комиссиялари томонидан ушбу ўзгаришлар кўриб чиқилиши мумкин.

Лизинг шартномаси муносабати билан сарфланган маблағларнинг қайтарилиши кафолати сифатида лизинг берувчи лизинг олувчидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган таъминотини (депозит кўринишда гаров, кўчмас мулк гарови, банк ёки суғурта компанияларининг кафолати, суғурта компанияларининг суғурта полиси, молиявий барқарор учинчи шахс кафиллиги ва қонунчиликда белгиланган бошқа таьминотлар) тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилиши кўзда тутилган барча лизинг операциялари бўйича ҳисоб-китоблар миллий валютада амалга оширилади. Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан хорижий валютада лизинг ажратиши фақат банк Бошқаруви (Кредит қўмитаси қарори асосида) рухсати билан амалга оширилади, бунда қилинадиган барча лизинг операциялари бўйича ҳисоб-китоблар хорижий валютада амалга оширилади.

Миллий ва хорижий валютада лизинг хизматлари кўрсатилишида фоиз ставкалари амалдаги банк фоиз сиёсатига асосан лизинг олувчи ва лизинг берувчи банк ўртасидаги ўзаро келишувбилан ўрнатилади.

Лизинг тўловлари ўз ичига лизинг объекти учун тўланган сумма, лизинг фоиз суммаси ва дастлабки бевосита ҳаражатлардан (лизинг олувчи томонидан лизинг объектини фойдаланишга топшириш далолатномаси имзолангунга қадар қайтарилмаган тақдирда қўшилади) ташкил топади.

Лизинг тўловларини қайтариш жадвалини тузишда камайиб бориш услубидан фойдаланилади. Лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан тўлов жадвали асосида тўланади. Тўлов жадвали тарафлар келишуви билан тузилиб, лизинг шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Лизинг тўловларини қайтариш жадвали тузилаётган пайтда, лизинг олувчи ўз хоҳишига кўра дастлабки бевосита ҳаражатларни олдиндан тўлаб бериши мумкин. Лизинг тўловларини қайтариш жадвали ойма-ойга тенг миқдорда тақсимланган, аванс тўловларини акс эттирган бўлиши ва қуйидагилар алоҳида акс эттирилиши шарт:

1. Лизинг тўлови муддатлари аниқ кўрсатилиши;
2. Асосий қарз тенг миқдорда тақсимланиши;
3. Лизинг бўйича фоизлар ҳисоб китоби.

Агар лойиҳа бўйича имтиёзли давр назарда тутилса, аванс тўловлари лизинг тўловларини қайтариш жадвалида имтиёзли даврдан олдин ўрнатилади. Лизинг тўловларини қайтариш жадвали 12 ойдан ортиқ муддатга тузилиши шарт.

Аванс тўловлари суммаси, давр комиссияси ва комиссион тўлов суммаси лизинг олувчи томонидан очиладиган алоҳида депозит ҳисобварағида жамланади. Лизинг бўйича фоизли даромадларни банк балансида ҳисоблаб бориш лизинг дастлабки тан олинган кундан бошлаб (лизинг обьектини лизингга бериш вақтида) амалга оширилади.

Яъни лизинг суммаси 19909 – "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағидан лизинг 15600 – "Лизинг (молиявий ижара)" ҳисобварағига ўтказилган вақтдан бошлаб банк томонидан 19909– "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар" ҳисобварағидан лизинг объекти учун сотувчининг ҳисобварағига маблағлар ўтказилган кундан лизингни дастлабки тан олингунгача бўлган даврга лизинг шартномасида келишилган фоизларда давр комиссияси ҳисобланади ва лизинг олувчидан ундирилади.

Лизинг объекти билан боғлиқ дастлабки бевосита харажатларга давр комиссияси ҳисоблаш ҳам ушбу тўловлар ўтказилган кундан ва суммасидан ҳисобланади ва лизинг олувчидан ундирилади.

Тижорат банкида лизинг объекти лизинг олувчи томонидан танланган бўлиб, сотувчи томонидан олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилмасдан, пул маблағлари лизинг берувчига қайтарилганда ушбу давр учун лизинг шартномасида келишилган фоиз миқдорида давр комиссияси ҳисобланади ва лизинг олувчидан ундирилади. Ушбу шарт лизинг шартномасида кўрсатиб ўтилиши лозим.

Банкларда давр комиссияси автоматлаштирилган банк дастурларида "Расмийлаштириш даврида лизингнинг ҳисоби" тизимида автоматик тарзда амалга оширилади. Ушбу тизимга маълумотлар тўғри ва ҳаққоний киритилишига филиал кредит бўлими бошлиғи ва масъул ходим жавобгардирлар. Бунда ҳар бир лизинг олувчи учун алоҳида 19909....222 ҳисобварақ очилади ва ҳисоби алоҳида юритилади.

Лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзолангунга қадар, банк томонидан сотувчига ва бошқа лизинг объекти учун харажатларга ўтказилаётган маблағлар лизинг олувчи хабардорлигида амалга оширилади. Банклар маблағлар бўйича лизинг олувчи билан ўзаро ҳисоб-китоблар далолатномасини олиб боришлари лозим. Ушбу талаб лизинг шартномасида алоҳида кўрсатилиши шарт.

Давр комиссиясини тўғри ҳисоблаш, ўзаро ҳисоб китоблар далолатномасини ўз вақтида амалга ошириш ушбу лойиҳага масъул кредит ходими томонидан амалга оширилади. Лизинг бўйича фоизлар ҳисоб китобида имтиёзли давр ўрнатиш тақиқланади. Лизинг объекти аввал лизинг берувчи банк балансига кирим қилиниб, сўнгра лизинг олувчига лизингга берилса, лизинг бўйича фоиз ҳисоблаш, лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини имзолангандан сўнг фоиз ҳисобланади. Лизинг объектини аввал лизинг берувчи банк балансига кирим қилиш фақат банк Бош офиси рухсати билан амалга оширилади.

Лизинг ҳужжатларини йиғиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ банкнинг комисссион тўлови лизинг объекти қийматининг 0,5 фоизи миқдорида ундирилади.

Коммиссион тўлов лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзолангунга қадар лизинг олувчининг

ҳисобварағидан ёки алоҳида депозит ҳисобварақида жамғарилган маблағлардан ундирилади.

Лизинг бўйича аванс тўловлар, комиссион тўлов ва давр комиссияси учун етарли маблағлар алоҳида депозит ҳисобварағига лизинг олувчи томонидан бирданига ўтказилиши ёки лизинг объекти келтирилиши даврига мос равишда ойма-ой ўтказилиши мумкин. Лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва тузилган лизинг тўловларини қайтариш жадвали имзолангач, алоҳида депозит ҳисобварақда сақланаётган маблағлар аванс тўловлар ва давр комиссиясига йўналтирилиши лозим.

Комиссион тўловлар ва давр комиссиясида асосий қарзга қўшиб, лизинг тўловларини қайтариш жадвалини тузиш тақиқланади.

Лизинг учун масъул кредит ходими тегишли лизинг ҳисобварақларини очиш ва имзоланган лизинг тўловларини қайтариш жадвалига асосан тўловларни амалга ошириш учун бухгалтерия бўлимига фармойиш тайёрлайди. Лизинг операциясига тегишли лизинг ҳисобварақлари фақат лизинг объектини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва тузилган лизинг тўловларини қайтариш жадвали имзолангач очилиши шарт.

Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда активга "Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида"ги Низомга (2003 йил11 октябрда 25/7-сон билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган, 2004 йил 24 январда 1304-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган) асосан фоиз ўстирмаслик мақоми берилади ва активнинг келгуси ҳисоби мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Лизинг "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида" (2015 йил 14 июл 2696-сон) талабларидан келиб чиққан ҳолда таснифланади.

Тижорат банкларида лизингни ҳисобга олиш учун «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»да келтирилган ҳисобварақлардан фойдаланилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк операцияларини ҳисобга олиш бўйича чиқарилган меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Тижорат банклари юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз ишчи ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқади ва шу асосида ўзларида амалга оширилаётган операциялар бўйича актив моддасига шахсий ҳисобварақлар очади, зарур бўлганда қўшимча журнал ҳисоби ва реестрлар юритилиши мумкин.

Ҳисобварақлар режасидаги 10000 – «Активлар» бўлимидаги ҳисобварақлар банк ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Шунинг учун, тижорат банклари Марказий банк талаблари ва ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисобварақларда аналитик ҳисобни қандай юритишни ўзлари белгилайдилар. Банк активларининг аналитик ҳисоби банк фаолиятини бошқариш ва солиққа тортиш тартибини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Тижорат банкларида лизингга берилган активлар хисоби 15600- "Лизинг (молиявий ижара)" хисоб варағида юритилади.

Ҳисобварақ лизинг олувчи турига кўра қуйидагича бўлади:

15601 - Бошқа банкларга берилган лизинг.

15605 - Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг.

15607- Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган лизинг.

15609- Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган лизинг.

15611 - Нодавлат нотижорат ташкилотларига берилган лизинг.

15613- Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган лизинг.

15615 - Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган лизинг.

15617 - Муддати ўтган лизинг.

15619 - Шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг.

15699 - Лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив).

15601-15615 ҳисобварақларда банк томонидан берилган лизинг ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақларнинг дебетида лизинг бўйича соф инвестиция суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақларнинг кредитида асосий қарз сўндирилганда келиб тушган пул маблағлари, шунингдек, 15617- "Муддати ўтган лизинг" ва 15619 – "Шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг" ҳисобварақларига ҳамда Марказий банк меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳисобварақларга ўтказилган сумма акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб

ҳар бир лизинг шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

15617 - Муддати ўтган лизинг ҳисобварағда лизинг бўйича муддати ўтган қарз ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг дебетида қайта таснифланган ва 15601- "Бошқа банкларга берилган лизинг", 15605- "Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг", 15607- "Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган лизинг", 15609- "Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган лизинг", 15611-"Нодавлат нотижорат ташкилотларга берилган лизинг", 15613-"Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган лизинг" ва 15615-"Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган лизинг" ҳисобварақларидан ушбу ҳисобварақка ўтказилган лизинг бўйича асосий қарз суммаси бўйича вужудга келган муддати ўтган қарз суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг кредитида лизинг олувчи ёки учинчи шахс томонидан тўланган қарз суммаси, қайта таснифланган ва бошқа тоифага ўтказилган ва ёки 15699-"Лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси" (контр-актив) ҳисобварақни дебетлаш орқали ҳисобдан чиқарилган сумма акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир лизинг шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

15619 – "Шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг" ҳисобварағида лизинг шартномаси ва унга қўшимча келишувга мувофиқ асосий шартлари ўзгартирилган лизинг ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг дебетида қайта таснифланган ва 15601-"Бошқа банкларга берилган лизинг", 15605-"Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган лизинг", 15607-"Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларига берилган лизинг", 15609- "Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга берилган лизинг", 15611-"Нодавлат нотижорат ташкилотларга берилган лизинг", 15613-"Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган лизинг" ва 15615-"Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган лизинг" ҳисобварақларидан ушбу ҳисобварақка ўтказилган шартлари қайта кўриб чиқилган лизинг суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг кредитида лизинг бўйича тўланган қарз суммаси, қайта таснифланган ва/ёки 15699-"Лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси" (контр-актив) ҳисобварағини дебетлаш орқали ҳисобдан чиқарилган сумма

акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир лизинг шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

15699 – "Лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)" ҳисобварақда банк томонидан ундириб олинмаслик эҳтимоли мавжуд бўлган лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида ташкил этилган захира суммаси ва/ёки захиранинг ўсиш суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида захиранинг камайиш суммаси ва/ёки бекор қилинган суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир лизинг шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Тижорат банкларида лизинг операциялари бухгалтерия ҳисобининг мақсади ҳисоб тизими ва фойдаланувчилар учун банкнинг лизинг операциялари тўғрисидаги маълумотларни тан олиш, ўлчаш, уларни жамлаш ва уларни аниқ етказиб беришдир.

Бухгалтерия ҳисоби вазифаларини тизимлашган ҳолда банкларда лизинг операциялари ҳисоби вазифалари ҳам алоҳида гуруҳланди:

-банкнинг лизинг операциялари асосий кўрсаткичлари бўйича режанинг бажарилишини назорат қилиш;

-банкнинг лизинг операцияларини амалга оширишни ўз вақтида ва тўғри белгилаш;

-банк берган лизингни тан олиш ва уларни ҳисобда акс эттириш тўғрилигини таъминлаш;

-банкнинг лизинг операциялари ҳисобини тўғри юритиш ва молиявий ҳисоботлар тайёрлаш учун маълумот билан таъминлаш;

-замонавий такомиллашган ҳисоб тизимини татбиқ қилиш, банк лизинг операциялари кўрсаткичлари услубиёти ва молиявий ҳисобот шаклларини такомиллаштириш;

-банк фаолияти самарадорлигини ошириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ўтказилган таҳлил ва тезкор назоратга зарур ишончли ва аниқ маълумотларни шакллантириш;

-банк активлари бутлигини ва улардан самарали фойдаланишни ҳисобга олинишини тўлиқ таъминлаб бериш.

Лизинг берувчи банкда лизинг операциялари ҳисоби

Тижорат банкларида лизинг операциялари ўзининг ҳисоб сиёсати ва лизинг ҳамда бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий ҳужжатлари асосида ҳисобга олинади.

Дастлабки тан олиш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг берувчи банк лизингга берилган лизинг объектини ўз балансида соф инвестицияси қиймати, яъни лизинг объектини сотиб олиш, уни лизинг олувчига етказиб бериш ва фойдаланишга шай ҳолга келтириш билан боғлиқ ҳаражатлар йиғиндиси ёки унинг ҳаққоний қийматида, уларнинг қайси бири кичик бўлса, ўша суммада актив сифатида тан олади. Лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб бериб лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса, лизинг берувчи банк фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, қуйидаги бухгалтерия амалларини бажаради. Лизинг олувчи томонидан лизинг объектини олишда аванс тўлови, давр комиссияси, комиссион тўловлар ва бошқа ҳаражатлар учун алоҳида ҳисобрақам очилади:

Дт– Лизинг олувчининг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобрақами ёки 10101.. «кассадаги нақд пуллар»;

Кт–29801- лизинг олувчининг уникал коди билан очилган ҳисобрақами;

Лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига тўлаб бериб, лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса, лизинг берувчи банк фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, қуйидаги бухгалтерия амалларини бажаради:

Дт– 19909...222 -Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;

Кт– лизинг объекти сотувчининг ҳисобрақами ёки банкнинг вакиллик ҳисобрақами;

Дт- 15600 Лизинг(молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобрақам);

Кт- 19909...222 Товар моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар.

Лизинг объекти аввал лизинг берувчи банк балансига кирим қилиниб, сўнгра лизинг олувчига лизингга берилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт– 16561 Омбордаги асосий воситалар;

Кт- 19909...222 Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;

Дт- 15600 Лизинг(молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобрақам);

Кт- 16561 Омбордаги асосий воситалар.

Лизинг берувчи - банк томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчи томонидан қопланадиган дастлабки бевосита харажатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади:

Дт– 19909...222 -Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар;

Кт– лизинг олувчининг(мижоз) ҳисобраками ёки банкнинг вакиллик ҳисобраками.

7-жадвал

Тижорат банкининг лизинг портфели

№	Кўрсаткичлар	2014		2015		2016		2017		2018		2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши	
		млрд сўм	% да	млрд сўм	% да	млрд сўм	% да	млрд сўм	% да	млрд сўм	% да	млрд сўм	% да
1	Саноат	3,52	13,4	3,08	12,3	2,89	14,9	3,73	14,2	2,96	13,9	-0,56	-15,99
2	Курилиш	4,10	15,6	4,48	17,9	3,78	19,5	5,68	21,6	0,40	1,9	-3,70	-90,14
3	Қишлоқ хўжалиги	7,26	27,6	7,18	28,7	5,78	29,8	8,57	32,6	7,43	34,9	0,17	2,41
4	Транспорт ва алоқа	4,08	15,5	3,53	14,1	2,66	13,7	3,76	14,3	2,41	11,3	-1,67	-40,96
5	Моддий-техник таъминот ва маиший хизматлар	2,21	8,4	2,10	8,4	1,80	9,3	1,95	7,4	1,32	6,2	-0,89	-40,22
6	Бошқа тармоқлар	5,13	19,5	4,65	18,6	2,48	12,8	2,60	9,9	6,77	31,8	1,64	32,07
7	Жами	26,3	100	25,0	100	19,4	100	26,3	100	21,3	100	-5,00	-19,01

Банкнинг лизинг портфели тармоқ хусусиятига эътибор берсак, қишлоқ хўжалигига берилган лизинг кредитлари 2017 йилда 7,43 млрд. сўмни ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 0,17 млрд. сўм ортиқ берилган. Қолган соҳаларга берилган кредитлар 2013 йилга нисбатан камайган.

Лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли қайтариб олинганида, лизинг берувчи ушбу активнинг тақдирини ҳал этгунга қадар уни ўз балансига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали қабул қилади:

Дт- 16705 Банкнинг бошқа кўчмас мулклари;

Кт- 15600 Лизинг(молиявий ижара) (мос ҳисобрақам).

Фоизларни ҳисоблаш ва ҳисобланган фоизларни ундириш қуйидаги тарзда амалга оширилади:

Дт– 16323... (лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар);

Кт– 45100... (лизинг бўйича фоизли даромадлар).

Дт- Лизинг олувчининг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобрақами;

Кт- 16323 (лизинг бўйича ҳисобланган фоизлар).

Лизинг берувчи-банкнинг даромадлари лизинг тўловлар графиги асосида ҳисобот даврига ҳисобланади (лизинг олувчининг лизинг тўловларини тўлашидан қатъий назар).

Лизинг бўйича асосий қарзни ундириш қуйидаги тарзда амалга оширилади:

Дт- Лизинг олувчининг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобрақами;

Кт- 15600 Лизинг(молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобрақам).

Лизинг амалиётини ташкиллаштирилгани учун лизинг олувчи бир марталик комиссион тўловини тўлайди:

Дт– 16401... «Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун комиссион тўловлар»;

Кт– 45233...222 «Лизинг бўйича комиссион даромад».

Дт– Лизинг олувчининг ҳисобрақами;

Кт– 16401... «Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун комиссион тўловлар».

Лизинг шартномасига асосан лизинг берувчи - банк 19909... ҳисобрақамидан амалга оширилган тўловлардан лизинг объектини қабул қилиб олгунга қадар давр комиссияси ҳисобланади:

Дт– 16413... «Бошқа ҳисобланган фоизсиз даромад ёки лизинг бўйича давр комиссияси»

Кт– 45233...103 «Комиссион даромад-лизинг бўйича давр комиссияси»

Қабул қилиш далолатномаси орқали лизинг объекти лизинг олувчига берилганда қуйидаги бухгалтерия амалиётлари амалга оширилади:

- лизинг объектининг тан олиниши.

Дт- 15600 Лизинг(молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобрақам);

Лизинг берувчи - банк томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчи томонидан қопланадиган дастлабки бевосита харажатларни олдиндан тўлаб берганда қуйидаги тарзда амалга оширилади:

Дт- 29801... Лизинг олувчининг уникал коди билан очилган ҳисобрақами.

Кт- 15600 Лизинг(молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобрақам).

- Ҳисобланган комиссион тўловларни ундириш.

Дт– 29801... Лизинг олувчининг уникал коди билан очилган ҳисобрақам;

Кт-16413... «Бошқа ҳисобланган фоизсиз даромад ёки лизинг бўйича давр комиссияси».

Лизинг олувчи ўз хоҳишига кўра лизинг объектини расмийлаштириш билан боғлиқ дастлабки бевосита харажатларни олдиндан тўлаб берганда қуйидаги тарзда амалга оширилади:

Дт- лизинг олувчининг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобрақами ёки 29801... лизинг олувчининг уникал коди билан очилган ҳисобрақами;

Кт– 19909...222 (товар моддий қимматликлар учун ўтказилган тўловлар)

Лизинг бўйича муддатли мажбуриятномаларни балансдан ташқари ҳисобрақамда юритиш:

Дт– 91905 Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари ҳисобрақами:

Кт– 96349 Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари контр ҳисобрақами.

Гаров таъминотининг (мулкларнинг) балансдан ташқари ҳисобрақамида юритиш:

Дт- 94502 Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкий ҳуқуқлар(талаблар)

Кр- 96381 Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқлар(талаблар) бўйича контр-ҳисобрақами;

Кафолат ва кафилликларнинг балансдан ташқари ҳисобрақамида юритиш:

Дт- 94503 - гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар

Дт– 16323... (лизинг бўйича ...
...қўйилган талаблар) бўйича контр-ҳисобрақами.

Лизингга олинган кўчмас мулкларнинг кадастр ҳужжатлари банк номига расмийлаштирилиб, 93609 ҳисобрақамда "донаси 1 сўм" бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади ва қуйидаги бухгалтерия амалиётлари амалга оширилади:

Дт– 93609 Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича ҳисобрақам:

Кт– 96379 Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобрақам.

Хулоса қилиб айтганда, лизинг берувчи банкда лизинг объекти икки хил тартиб бўйича ҳисобга олинади: лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб, лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилади ёки ўз балансига қабул қилгандан сўнг, лизинг олувчига етказиб берилади; лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига бериб, сотувчи лизинг объектини олиб, уни объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб беради ёки ўз балансига қабул қилгандан сўнг, лизинг олувчига етказиб беради кейин тўловни амалга оширади.

Лизинг олувчи банкда лизинг операциялари ҳисоби

Банклар лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи сифатида иштирок этган тақдирда лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 - Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқининг, лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100 - Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварақларида юритилади.

Лизинг лизинг олувчи банкнинг молиявий ҳисоботларида ҳам актив ҳам мажбурият сифатида тан олинади. Ушбу дастлабки тан олиш лизинг шартномаси муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг олувчи банк лизинг объектини ўз балансида соф инвестиция қиймати ёки унинг ҳаққоний қийматининг қайси бири кичик бўлса, ўша суммада акс эттиради. Лизингни дастлабки тан олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дт - 16515 Объектларни лизингга олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

Кт– 19909...222 «Товар моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар- лизинг».

- Лизинг олувчининг лизинг бўйича аванс тўлови лизинг суммасини сўндирилишига йўналтирилади.

Дт– 29801... Лизинг олувчининг уникал коди билан очилган ҳисобрақами.

Кт- 15600 Лизинг(молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобрақам).

- Ҳисобланган комиссион тўловларни ундириш.

Дт– 29801... Лизинг олувчининг уникал коди билан очилган ҳисобрақам;

Кт-16413... «Бошқа ҳисобланган фоизсиз даромад ёки лизинг бўйича давр комиссияси».

Лизинг олувчи ўз хоҳишига кўра лизинг объектини расмийлаштириш билан боғлиқ дастлабки бевосита ҳаражатларни олдиндан тўлаб берганда қуйидаги тарзда амалга оширилади:

Дт- лизинг олувчининг талаб қилиб олгунча депозит ҳисобрақами ёки 29801... лизинг олувчининг уникал коди билан очилган ҳисобрақами;

Кт– 19909...222 (товар моддий қимматликлар учун ўтказилган тўловлар)

Лизинг бўйича муддатли мажбуриятномаларни балансдан ташқари ҳисобрақамда юритиш:

Дт– 91905 Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари ҳисобрақами:

Кт– 96349 Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари контр ҳисобрақами.

Гаров таъминотининг (мулкларнинг) балансдан ташқари ҳисобрақамида юритиш:

Дт- 94502 Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкий ҳуқуқлар(талаблар)

Кр- 96381 Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқлар(талаблар) бўйича контр-ҳисобрақами;

Кафолат ва кафилликларнинг балансдан ташқари ҳисобрақамида юритиш:

Дт- 94503 - гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар

Кт- 96381 - Гаров сифатидаги қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқлар(талаблар) бўйича контр-ҳисобрақами.

Лизингга олинган кўчмас мулкларнинг кадастр ҳужжатлари банк номига расмийлаштирилиб, 93609 ҳисобрақамда "донаси 1 сўм" бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади ва қуйидаги бухгалтерия амалиётлари амалга оширилади:

Дт– 93609 Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича ҳисобрақам:

Кт– 96379 Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобрақам.

Хулоса қилиб айтганда, лизинг берувчи банкда лизинг объекти икки хил тартиб бўйича ҳисобга олинади: лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб, лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилади ёки ўз балансига қабул қилгандан сўнг, лизинг олувчига етказиб берилади; лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига бериб, сотувчи лизинг объектини олиб, уни объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб беради ёки ўз балансига қабул қилгандан сўнг, лизинг олувчига етказиб беради кейин тўловни амалга оширади.

Лизинг олувчи банкда лизинг операциялари ҳисоби

Банклар лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи сифатида иштирок этган тақдирда лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 - Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқининг, лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100 - Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварақларида юритилади.

Лизинг лизинг олувчи банкнинг молиявий ҳисоботларида ҳам актив ҳам мажбурият сифатида тан олинади. Ушбу дастлабки тан олиш лизинг шартномаси муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг олувчи банк лизинг объектини ўз балансида соф инвестиция қиймати ёки унинг ҳаққоний қийматининг қайси бири кичик бўлса, ўша суммада акс эттиради. Лизингни дастлабки тан олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дт - 16515 Объектларни лизингга олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

Кт - 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварағи.

Лизинг олувчи банк томонидан амалга оширилган лизинг объектини сотиб олиш, етказиб бериш ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ ҳаражатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади.

Лизингга олинган объектлар асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади.

8-жадвал

Тижорат банкининг асосий воситалари таркиби

Х/в	Асосий воситалар	2014		2015		2016		2017		2018		2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши	
		млрд сўм	% да	млрд сўм	% да	млрд сўм	% да	млрд сўм	% да	млрд сўм	% да	млрд сўм	% да
16505	Тугалланмаган қурилишлар	1,5	3,6	2,3	3,7	3,9	3,9	4,7	4,2	4,8	4,0	3,4	0,4
16509	Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар	22,0	54,2	33,0	53,1	51,4	51,4	58,3	52,3	62,5	51,6	40,5	-2,6
16515	Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи	0,5	1,2	0,8	1,3	1,1	1,1	1,4	1,3	1,2	1,0	0,7	-0,2
16529	Транспорт воситалари	0,5	1,2	0,7	1,2	1,3	1,3	1,6	1,4	1,5	1,2	1,0	0,0
16535	Мебель, мослама ва жиҳозлар	7,1	17,6	11,1	17,8	17,9	17,9	20,2	18,1	21,3	17,6	14,2	0,0
16541	Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналари	0,5	1,3	0,7	1,2	1,4	1,4	1,7	1,5	1,6	1,3	1,0	0,0
16549	Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар	7,2	17,9	11,3	18,2	17,5	17,5	17,4	15,6	20,7	17,1	13,5	-0,8
16561	Омбордаги асосий воситалар	1,2	3	2,2	3,5	5,5	5,5	6,2	5,6	7,5	6,2	6,3	3,2
16500	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	40,5	100	62,1	100	100	100	111,5	100	121,1	100,0	80,6	0,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики банкда 2018 йилда 121,1 млрд. сўмлик асосий воситалар бўлиб, улар 2014 йилга нисбатан 80,6 млрд. сўмга кўпайган. Банк асосий воситалари таркибида банкнинг иморатлари 2018 йилда 51,6 фоизни, 2014 йилда 54,2 фоизни ташкил қилган. Тугалланмаган қурилиш 2018 йилда 4,8 млрд. сўмга тенг бўлиб, бу ҳам банкнинг иморатлари таркибига ўтказилади. Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича олинган асосий воситалар 2018 йилда 1,3 млрд. сўмни ташкил қилган. Банкнинг транспорт воситалари суммаси 2018 йилда 1 млрд. сўмни ташкил қилган. Мебель, мослама ва жиҳозлар ҳам асосий воситалар таркибида юқори салмоқга эга.Улар 2018 йилда жами асосий воситалар таркибида 17,6 фоизни ташкил қилган. Тўлов карточкалари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ускуналари ҳам 1 млрд. сўм атрофида. Омбордаги асосий воситалар 2018 йилда 7,5 млрд. сўмни ташкил қилган. Омбордаги асосий воситаларнинг салмоғи камайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Лизинг объекти лизинг олувчи банк балансида актив ва мажбуриятларнинг алоҳида моддалари сифатида акс эттирилиши лозим. Лизинг бўйича мажбуриятни актив суммасидан чегириб ташлаган ҳолда (контр-актив ҳисобварақ сифатида) кўрсатишга рухсат этилмайди.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг дастлабки тан олингандан сўнг кейинги ҳисоб мажбурият бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва лизинг бўйича фоизлар тўлаш ҳисобини юритишдан иборат. Кейинги ҳисоб, лизинг билан боғлиқ барча хавф-хатарлар лизинг олувчига ўтганлиги сабабли лизинг олувчи банк томонидан лизинг объектини баҳолаб бориш, амортизация ажратмаларини ва шартномада кўзда тутилган бошқа ҳаражатларни амалга ошириш ишларини ҳам ўз ичига олади.

Дастлабки тан олишда ёки объектни лизингга олиш вақтида лизинг олувчи банкнинг лизинг фоизи бўйича ҳаражатлари бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмайди.

Лизинг шартномасида лизинг олувчи банк ва лизинг берувчи лизинг тўловлари жадвалини келишиб олади, унда лизинг олувчи банкнинг фоизли ҳаражатлари, лизинг объектининг қийматини

қоплаш бўйича мажбуриятлар ва уларнинг лизинг муддати давомида тақсимланиши кўрсатилади.

Лизинг тўловлари жадвалида лизинг олувчи банкнинг фоизли харажатлари лизинг шартномасининг амал қилиш муддати давомида даврлар бўйича тенг тақсимланиши акс эттирилиши лозим. Бунда, лизинг шартномасининг хар бир даврида қопланмаган мажбуриятлар қолдиғига доимий фоиз ставкаси қўлланилади.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ лизинг бўйича фоизли харажатлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дт - 54198 Бошқа банклардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар

Дт - 54199 Бошқа лизинг берувчилардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар;

Кт - 22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт - 22408 Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар;

Дт - 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар;

Кт - Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобварағи.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг объекти бўйича амортизация ажратмалари "Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Йўриқнома" (2004 йил 17 декабрь, рўйхат рақами 1434) талаблари асосида амалга оширилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бабарилади:

Дт- 56626 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси;

Кт- 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив).

Аниқ бир даврдаги лизинг олувчи банкнинг лизинг объекти бўйича амортизация ажратмаси ва молиявий харажатлари (лизинг бўйича фоизлари) суммаси мазкур даврда тўланиши керак бўлган лизинг тўловлари суммасига тенг бўлмаслиги мумкин.

Лизинг объектини йиллик қайта баҳолаш лизинг олувчи банк томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Лизинг олувчи банк томонидан охирги тўловлар амалга оширилганидан кейин 16515, 16519, 22100 ва 22408 - баланс ҳисобварақларида мазкур лизинг операциялари бўйича очилган шахсий ҳисобварақлар (аналитик ҳисоб) қолдиғи нолга тенг бўлади ва мулкка эгалик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади.

Лизинг объектини лизинг олувчи банкка ўтказиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт - 16500 Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварақ);

Дт - 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив);

Кт - 16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

Кт - 165хх Йиғилган эскириш суммаси (тегишли мос ҳисобварақ).

Лизинг шартномаси муддати охирида лизинг олувчи банкка лизинг объектининг сотиш санасидаги ҳаққоний қийматидан паст нархда сотиб олиш ҳуқуқи берилган бўлса, сотиб олиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дт - 22100 Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар;

Кт - Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобварағи;

22100 - Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар ҳисобварағи ёпилганидан сўнг, лизинг обектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади.

Лизинг шартномаси унинг амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилиб, лизинг берувчи томонидан лизинг объекти шартнома шартларида белгиланган тартибда олиб қўйилган тақдирда, лизинг объектини лизинг берувчига қайтариш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тўхтатилган санадаги лизинг объектининг қопланмаган қиймати суммасида амалга оширилади ва бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дт - 16519 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив);

Кт - 16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи.

Лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) лизинг объектининг қолдиқ (баланс)

қиймати ва лизинг тўловлари жадвали бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ сифатида лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Лизинг объектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқлаганда, олдинги қайта баҳолашлардаги лизинг объекти қийматининг кўпайган суммаси, яъни олдинги баҳолашлар натижасида 30908 - "Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси" ҳисобварағининг кредит қолдиғи лизинг объектининг чиқиб кетишидан кўрилган даромад таркибига қўшилади ва бир вақтнинг ўзида ушбу ҳисобварақ бўйича резерв капиталини камайтиради.

Банклар лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи сифатида иштирок этган тақдирда лизингга олинган активлар ҳисоби 16515 - Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқининг, лизинг бўйича юзага келган мажбуриятлар эса 22100 - Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварақларида юритилади.

Лизинг лизинг олувчи банкнинг молиявий ҳисоботларида ҳам актив ҳам мажбурият сифатида тан олинади. Ушбу дастлабки тан олиш лизинг шартномаси муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг олувчи банк лизинг объектини ўз балансида соф инвестиция қиймати ёки унинг ҳаққоний қийматининг қайси бири кичик бўлса, ўша суммада акс эттиради.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида лизинг операцияларини ташкил этиш, уни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш лозим. Лизингни ҳисобга олишда халқаро амалиётда, асосан 2 та концепциядан фойдаланилади:

- мулкдорларнинг юридик ҳуқуқи;
- мулкдорларнинг иқтисодий ҳуқуқи.

Биринчи концепцияда мулкдорлик ҳуқуқи лизинг олувчига ўтмагунча ушбу активни бухгалтерия балансида ҳисобга олинмаслиги ва капиталлаштирилмаслиги лозим. Демак, ижарадаги воситалар лизинг берувчининг балансида акс эттирилади.

Иккинчи концепцияда ижара молиявий ва тезкор турларга бўлинади. Молиявий лизингда мулкдорликнинг иқтисодий ҳуқуқи лизинг олувчига ўтади, тезкор лизингда лизинг берувчида қолади.[4]

[4] Международные стандарты финансовой отчётности -М.: «Аскери», 2007. -С. 832-837.

Халқаро амалиётда лизинг (молиявий ижара) жараёнлари ҳамда улар ҳисоби ва ҳисоботига молиявий ҳисоботларнинг асосан қуйидаги учта халқаро стандарти таъсир кўрсатади:

- № 1 - «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш»;
- № 16 - «Асосий воситалар»;
- № 17 - «Ижара».

Ўзбекистон Республикасида лизингни ҳисобга олишда мулкдорларнинг иқтисодий ҳуқуқи концепциясига алоҳида аҳамият берилади ва ушбу концепция миллий стандартларда ҳам ҳисобга олинган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳисоб тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос келишини таъминлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимида ислоҳотларни амалга ошириш ва уларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари даражасига кўтариш бўйича бир қатор чора - тадбирлар белгилаб олинган ва халқаро стандартларга тенглаштирилган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Банкларда лизинг операциялари ҳисобини такомиллаштиришда унинг бошланғич қийматини тўғри шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунда 15600 Лизинг(молиявий ижара) тегишли мос ҳисобрақамида лизингнинг бошланғич қиймати шакллантирилади. Тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасида ушбу ҳисобварақнинг таърифини кўрадиган бўлсак унда банк томонидан берилган лизинг ҳисоби олиб борилиши ва ҳисобварақнинг дебети бўйича лизинг бўйича соф инвестиция суммаси акс эттирилиши қайд этилган[5]. Лизинг бўйича соф инвестиция суммаси ўз ичига лизинг объекти учун тўланган сумма ва дастлабки бевосита ҳаражатларни олади.

Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш даврида юзага келадиган ҳаражатлар икки гуруҳга бўлинади, яъни дастлабки бевосита ва билвосита ҳаражатлар. Дастлабки бевосита ҳаражатлар — лизинг объектини етказиб бериш, уни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшиладиган ҳаражатлар.

[5] ЎзРес Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773–17–сон 2004 йил 13 август.

Дастлабки билвосита харажатлар — лизинг шартномасини тузиш ва лизингни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшилмайдиган харажатлар.[6]

Лизинг операциясини амалга ошириш даврида юзага келадиган харажатларни бевосита ва билвосита харажатларга тўғри ажратиш банк ва мижоз ўртасида муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши, банк даромади ва харажатларининг тўғри хисобга олинишини таъминлайди.

Дастлабки бевосита харажатларни хисобга олиш хисобварақлар режасидаги 19907 - Хизматлар учун олдиндан тўланган харажатлар хисобварағи орқали хисобга олинади.

Дебет - 19907 - Хизматлар учун олдиндан тўланган харажатлар

Кредит - Хизмат кўрсатувчилар ёки суғурта компаниясининг талаб қилиб олингунча депозит хисобвараги. Лизинг шартномасида лизинг объектини етказиб бериш, ўрнатиш ва бошқа харажатлар, шунингдек, суғурта тўлови лизинг берувчи банк томонидан амалга оширилса, ушбу харажатлар лизинг объектининг баланс қийматига олиб борилади.

3.3. Факторинг операциялари хисобини ташкил қилиш

Иқтисодиётда таркибий ва сифат ўзгаришлар давом этаётган хозирги шароитда банклар ресурс капиталининг кўпайиши, банк хизматлари доирасининг янада жадал кенгайиши, инновацион технологиялардан фойдаланиш эвазига рақобатнинг кучайиши, жаҳон молия-банк тузилмалари билан алоқаларнинг ривожланиши ва банк-молия инновациялари сегментида лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши Ўзбекистон замонавий банк тизимининг энг муҳим тавсифи сифатида намоён бўлмоқда. Банк муассасалари тармоғининг кенгайиб бораётгани банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошиб боришига имкон берди.

Ўзбекистон тадбиркорлари учун янги банк хизматларидан бири – факторингдир. Мазкур хизматнинг мазмуни шундан иборатки, банк томонидан товарлар, иш ва хизматлар етказиб берувчиларидан тўлов талабномаларини сотиб олиш амалга оширилади. Бу банк кредитининг бир туридир. 1988 йилда қабул қилинган халқаро

[6] Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия хисобини юритиш тартиби тўғрисида"ги 1648-сонли Низоми 2006 27.12.

факторинг тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ, операциялар камида тўрт белгига мос тушган тақдирдагина факторинг ҳисобланади:

1) кредитлашнинг мавжудлиги;

2) мол етказиб берувчининг бухгалтерия ҳисобини юритиши;

3) унинг қарзини инкассациялаш;

4) кредит рискидан суғурталаш.

Ҳозирги босқичда факторинг мол етказиб берувчига бухгалтерия, ахборот, сотиш, суғурталаш, кредит, юридик тавсифдаги хизмат кўрсатиш универсал тизимида ривожланмоқда.

Бозор барқарорлиги, товар-пул оқимларининг секинлашиши шароитида мол етказиб берувчилар оғир аҳволда қоладилар. Улар жўнатилган товарлар негизида банк кредитларини олишлари мумкин, аммо ҳисобланган суммаларни олиш хатари шубҳасиз сақланиб қолади.

Иқтисодий адабиётларда тижорат банклари ва фактор компанияларининг факторинг операциялари ва уларни ривожлантириш йўналишлари хусусида хилма-хил илмий-назарий қарашлар мавжуд. Ушбу параграфда мазкур қарашларни қиёсий таҳлил қиламиз ва уларнинг амалий аҳамиятига баҳо берамиз.

Факторинг сўзи инглизча сўз бўлиб, "воситачи", "агент" деган маъноларни англатади. Факторинг операцияларида доим 3 томон иштирок этади: фактор – воситачи (тижорат банки ёки фактор компанияси); мол етказиб берувчи; қарздор (маҳсулотларни сотиб олувчи).

Таниқли иқтисодчи олим О.И.Лаврушин таҳрири остида чоп этилган "Пул, кредит, банклар" дарслигида банкларнинг факторинг операциялари учун асос бўлиб, банк томонидан мол етказиб берувчи томонидан жўнатилган товарларнинг ҳужжатларини сотиб олиниши ва дебитордан тўлов суммасини ундириш ҳуқуқини банкка берилиши ҳисобланади.[7] Аммо, ушбу талқинда товар ҳужжатларини регресс ҳуқуқи билан ёки регресс ҳуқуқисиз сотиб олиниши ўз ифодасини топмаган.

Мазкур манбада факторинг операцияларига хос бўлган қуйидаги афзалликлар эътироф этилган:

– мол етказиб берувчига тўловни олишни тезлаштиради;

– тўловни кафолатлайди;

– счёт-фактураларнинг ҳисоби бўйича ҳаражатларни камайтиради;

[7] Деньги, кредит, банки. Учебник. Под ред. проф. Лаврушина О.И. – М.: КНОРУС, 2009. – С. 452.

– сотиб олувчида молиявий қийинчилик юзага келган шароитда мол етказиб берувчиларга тўловларни ўз вақтида олинишини таъминлайди;

– мол етказиб берувчининг молиявий кўрсаткичларини яхшилайди[8].

Факторинг операциялари сотиб олувчида молиявий қийинчилик юзага келган шароитда мол етказиб берувчиларга тўловларни ўз вақтида олинишини таъминлайди, деган хулосаси мунозаралидир. Бунинг сабаби шундаки, товар ҳужжатлари регресс ҳуқуқи билан сотиб олинганда, сотиб олувчида молиявий қийинчилик юзага келган шароитда мол етказиб берувчига тўлаб берилган сумма тижорат банки томонидан қайтариб олинади.

Е.Жарковскаянинг фикрига кўра, факторинг очиқ счётлар бўйича ҳисоблашиш шароитида мол етказиб берувчининг фаолиятида юзага келадиган кассавий фарқларни қисқартиришнинг қисқа йўли ҳисобланади[9].

Фикримизча, Е.Жарковскаянинг мазкур хулосаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки ушбу мамлакатларда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тўловсизлик муаммоси мавжуд. Кассавий фарқ муаммоси мазкур тўловсизлик муаммосининг намоён бўлиш шаклларидан бири ҳисобланади. Компанияларда пул оқимининг заифлиги юзага келган кассавий фарқ муаммосини қисқа муддатли даврий оралиқларда бартараф этиш имконини бермайди.

Шу билан бирга Жарковскаянинг факторинг хусусидаги айрим фикр ва мулоҳазалари мунозаралидир. Масалан, унинг фикрига кўра, факторинг берилган тижорат кредити устидан назорат қилиш имконини беради.

Фикримизча, факторингда тижорат кредити устидан реал назорат қилишнинг иложи йўқ. Чунки товар сотиб бўлинган, факторинг хизмати эса мол етказиб берувчига кўрсатилган. Факторингнинг ўз вақтида қайтиши эса товарни сотиб олувчининг тўловга қобиллигига боғлиқ.

В.Бородиннинг хулосасига кўра, факторинг бўйича цессия шартномаси асосий шартномага нисбатан ҳосилавий ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, дебитор қарздорликни ён бериш учун дебитор қарздорлик мавжуд бўлиши керак. Ёки ҳеч бўлмаса,

---

[8] Деньги, кредит, банки. Учебник. Под ред. проф. Лаврушина О.И. – М.: КНОРУС, 2009. – С. 452.

[9] Жарковская Е.П. Банковское дело. – М.: Омега – Л. 2006 – 276-278 б.

келгусида юзага келиши аниқ бўлган дебитор қарздорлик тўғрисида ишончли маълумот бўлиши лозим[10]. Ҳақиқатдан ҳам дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаса факторинг муносабати ҳам юзага келмайди. Демак, цессия шартномасига ҳам зарурият туғилмайди.

З.Ширинскаянинг фикрига кўра, тижорат банклари фаолиятида факторинг операцияларини ташкил этиш ҳозирги замон банк амалиётида илғор ва самарали хизмат кўрсатиш шакли сифатида алоҳида таъкидланаётган бўлса-да, унинг миқёси ва имкониятлари маълум объектив ва субъектив омилларга кўра чеклангандир[11].

Т.Маслюкованинг фикрича, "факторинг" мижоз томонидан банкка бир қатор комиссион – воситачилик операцияларини ўтказиш ҳуқуқини тақдим этилишидир[12].

Г.Гамиров фикрига кўра, факторинг бу – "товар ва хизматларни қайта сотиш ва улар бўйича тўловлар қабул қилишни кафолатловчи ва қарзларни ундириш бўйича ҳуқуқни сотиб олишдир. Одатда бу ерда қисқа муддатли талаблар тўғрисида гапириш мумкин. Фактор томонидан мижознинг кредит ва валюта рискларини бўйнига олади"[13].

Хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан факторингга берилган таърифларда товар ҳужжатларини тижорат банки ёки фактор компанияси томонидан регресс ҳуқуқи билан ёки регресс ҳуқуқисиз сотиб олиниши ўз ифодасини топмаган. Факторинг операцияларидаги кредит риски даражаси бевосита товар ҳужжатларини қайси шарт асосида сотиб олинаётганлигига боғлиқ (товар ҳужжатлари регресс ҳуқуқисиз сотиб олинганда тўловни ундириш билан боғлиқ бўлган риск тўлиқ банкнинг ёки фактор компаниясининг зиммасида бўлади). Бундан ташқари, банкнинг ёки фактор компаниясининг факторинг операцияларидан оладиган даромадига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб, товар ҳужжатларини қайси шарт асосида сотиб олиниши ҳисобланади. Одатда, товар ҳужжатларини регресс ҳуқуқисиз сотиб олишга асосланган факторингда комиссион тўлов ставкаси нисбатан юқори бўлади). Шу сабабли, факторингга таъриф беришда товар ҳужжатларини сотиб олиш шартларининг эътироф этилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

---

[10] Бородин В.И. Международный факторинг как внешнеэкономическая сделка//Международные банковские операции. – Москва, 2008. - №1. - С. 31.

[11] Ширинская З. Операции коммерческих банков в условиях рыночных реформ. М.: Банки и биржи, 2003 69.

[12] Маслюкова Т.Д. Современные банковские операции. М.: Консультант, 2008. № 3. –С. 57-68.

[13] Гамиров Г.М. Банковское и кредитное дело. –М.: ЮНИТИ, 2011. -384 с.

Ш.Абдуллаева факторинг компаниялари томонидан кўрсатиладиган факторинг хизматини таҳлил қилган. Унинг фикрига кўра, "харидордан қарзни ундириш ва кредит рискининг олдини олиш билан бирга, факторинг компанияси саноат фирмаси экспорт операциялари билан боғлиқ бўлган жараёнларни тижорат банки ва суғурта компанияси функцияларини ҳам бир пайтда бажаради"[14].

Т.Бобакуловнинг илмий изланишларида республикамиз хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида дебитор-кредитор қарздорлик муаммосининг мавжудлиги эътироф этилган ва унинг асосий сабаби сифатида монетизация коэффициенти даражасининг паст эканлиги кўрсатилган. Унинг таъкидлашича, "монетизация коэффицентининг паст эканлиги иқтисодиётда ўзаро тўловсизлик муаммосини чуқурлаштиради, хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимини заифлаштиради, тўлов қобилиятини рағбатлантиришга тўсқинлик қилади ва пулнинг айланиш тезлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради"[15].

З.Умаровнинг фикрича факторинг – маҳсулот етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчилар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича тўлов муддати етиб келмаган ва ҳақи тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз, олиш ҳуқуқини берувчи молиялашга доир банк - молиявий агент хизматларининг бир тури[16].

Ушбу таърифда факторинг операциясини бажариш учун шартномада етказиб берилган товар, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат учун тўлов муддати кечиктирилган ҳолатлар асос бўлиши алоҳида қайд этиб ўтилаяпти. Сабаби ҳозирги кунда айрим банк филиалларида ушбу операцияни бажаришда тўлов муддати етиб келган тўлов талабномалар сотиб олинмоқда.

Шу билан бирга З.Умаровнинг факторингга берган таърифи Ўзбекистон Республикаси учун хосдир.

Факторинг компанияларининг ва банклар факторинг бўлимларининг фаолияти тўловларни тўлиқ ва ўз муддатида тўлаш хатарлари муаммосини ҳал қилишга қаратилган. Айланма

---

[14] Абдуллаева Ш З. Пул, кредит ва банклар – Тошкент: Молия, 2000 – Б. 159

[15] Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари и.ф.д. илм. дар. ол. у-н дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 74-75.

[16] Умаров З.А. Факторинг моҳияти, унинг банкларда ҳисобга олиниши // Бозор, пул ва кредит –Т.: 2017. 3-сон

маблағлардан самарали фойдаланишда вақт омили катта аҳамиятга эга. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг тўпланиши фақат тўловлар муаммосини чуқурлаштиради, холос.

Факторинг операцияларининг мазмуни нимадан иборат? "Фактор" сўзи инглиз тилидан таржима қилинганда, маклер, воситачи, агент маъносини билдиради. Иқтисодий нуқтаи назардан факторинг – бу мижознинг қарздорлигидан пул маблағларини ундириш бўйича компаниялар ёки бундай операциялар билан шуғулланувчи банк томонидан олиб бориладиган даврий операциялардир.

Бу мол етказиб берувчига қуйидаги устунликларни беради:

1) 100 фоизли кафолат, уни барча ҳисоблар бўйича олади;

2) унча катта бўлмаган компаниялар кредит билан бошқариш компанияларининг ўзига қараганда, яхшироқ таъминланади. Маъмурият бу мажбуриятдан озод этилади ва компания фаолиятини яхшилаш масалаларига қаратилиши мумкин;

3) пул маблағларининг тез ва олдиндан аниқ оқимлари кафолатланади;

4) компания ўсиб бориши билан қўшимча молиявий маблағларга кириш ҳам кучаяди. Чунки факторинг келишувига кўра, молиявий маблағларнинг мавжудлиги сотиш ҳажмларининг ўсишига мутаносиб равишда ўсади;

5) мол етказиб берувчи – корхонанинг барқарор молиявий ҳолати таъминланади.

Факторинг туфайли мол етказиб берувчида ишлаб чиқариш фаолияти негизида кучларни марказлаштириш шароити яратилади. Молиявий ҳолат янада барқарор ва тўлаолмаслик хатаридан озод бўлинади.

Факторинг тижорат кредитининг, яъни сотилган товарлар учун тўловларни кечиктириш кўринишида сотувчилар томонидан ҳаридорларга товар шаклида тақдим этиладиган кредитнинг мавжудлигини кўзда тутади. Аммо бу ерда доимо ҳаридор томонидан тўловларнинг ушланиб қолиши кўринишидаги хатар мавжуд бўлади.

Бу муаммонинг ҳал қилинишини таъминлаш фирма ва факторинг компаниялари ўртасида шерикчилик алоқаларининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир.

Факторинг фирмаси мижозларни тўловга қобил ҳаридорлар тўғрисида хабардор қилади. Хоҳиш бўлганда, жумладан, хорижий

мамлакатларда тўловлар учун кафолатларни ўз зиммасига олиниши мумкин. Одатда факторинг фирмаси қарздорнинг тўлаолмаслик қўшимча хатарини ҳамда мижознинг фойдасига қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олади (бухгалтерия дебиторлик қарздорлиги ҳисоби, молиялаш вазифалари ва ҳоказо).

Факторинг фирмаси хизматларидан фойдаланиб, корхона келаси қарзларини керакли пайтда нақд пулга айлантириш имкониятига эга бўлади. Корхонанинг молиявий аҳволи яхшиланади, дебиторлик ҳисобларини юритиш ва кредиторлик назорати бўйича ҳаражатлар қисқаради. шунингдек, корхона учун энг муҳими, ахборотлар тақдим қилиш бўйича факторинг фирмаси хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлинади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда факторингнинг динамик ривожланиши кредит-молия муассасаларининг ўзгариб бораётган хўжалик юритиш шароитларига юқори мослашувчанлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, факторингнинг ривожланиши дунёнинг бironта мамлакатида ҳозирги пайтгача факторинг тўғрисида қонун қабул қилинмаганлиги билан маълум даражада чекланмоқда. Ушбу операциялар одатда хўжалик фаолиятининг у ёки бу жиҳатларини рўйхатга оладиган миллий хужжатлар билан тартибга солинади.

Банк ишининг ривожланиш жараёни факторингнинг 2 та кўриниши шаклланишига олиб келди. Булар конвенцион (кенг, очиқ) ва конфиденциал (чекланган, ёпиқ) факторинглардир. Тарихан, биринчи марта конвенцион (кенг, очиқ) факторинг вужудга келган. Замонавий шароитларда конвенцион факторинг мижозларга молиявий хизмат кўрсатишнинг мукаммал шакли ҳисобланади. Конвенцион факторингда етказиб берувчи ўз счётларида мажбуриятлар банкка сотилганлиги тўғрисида кўрсатади, шу билан бирга факторинг бўлими ишлаб чиқариш функцияларидан бошқа функцияларни ҳам бажаради (молиялаш, бухгалтерия, юридик хизмат ва бошқалар). Конфиденциал (чекланган, ёпиқ) факторинг хусусияти шундан иборатки, мижознинг контрактлари фактор фирма томонидан унинг сотувларини кредитлаш ҳақида маълумотга эга эмасдир. Бу факторинг турида мол етказиб берувчининг контрагентлари факторинг компаниясига мажбуриятларини ўтказганлиги тўғрисида хабар бермайди; етказиб берувчи бозор билан муносабатни узмайди; факторинг бўлими баъзи функцияларни бажаради, холос

сотиб олувчилардан пулни олишга ҳуқуқларни сотиб олиш, қарзларни тўлаш ва ҳаказо. Конфиденциал факторинг риски ҳамда ўз навбатида нархи ҳам конвенцион факторингга нисбатан юқори бўлади.

Факторингнинг ҳуқуқий асослари "Фуқаролик кодекси"да ўз аксини топган. Жумладан, мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин.

Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди.

Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинган бўлмаса, янги кредитор шу туфайли келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Мазкур ҳолда мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажариш деб ҳисобланади.

Кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши ҳақидаги қоидалар регресс талабларга нисбатан қўлланилмайди.

Кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган ҳуқуқларнинг, хусусан алиментлар тўғрисидаги ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабларнинг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди.

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтади. Хусусан янги кредиторга мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар, шунингдек талаб билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фоизларга ҳуқуқ ҳам ўтади.

Ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечган кредитор талаб қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни унга бериши ва талабни амалга ошириш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни билдириши керак.

Қарздор талаблар янги кредиторга ўтганлигини исботловчи ҳужжатлар ўзига тақдим этилмагунича унга нисбатан мажбуриятни бажармасликка ҳақли.

Қарздор мажбурият бўйича ҳуқуқлар янги кредиторга ўтганлиги ҳақида огоҳлантириш олган пайтида дастлабки

кредиторга қарши эътирозларини янги кредиторнинг талабига қарши қўйишга ҳақли.

Кредиторнинг мажбурият бўйича ҳуқуқлари бошқа шахсга қуйидаги ҳолларда ўтади:

1) кредитор ҳуқуқларидаги универсал ҳуқуқий ворислик натижасида;

2) кредитор ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг қарорига мувофиқ;

3) қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўювчи томонидан бажарилиши оқибатида;

4) суғурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳуқуқларининг суғурта қилувчига суброгацияси (ўтиши) натижасида;

5) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Кредиторнинг ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечишига, башарти у қонунларга ёки шартномага зид бўлмаса, йўл қўйилади.

Кредиторнинг шахси қарздор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мажбурият бўйича талабдан қарздорнинг розилигисиз бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ўша шаклда амалга оширилиши керак.

Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу битимни рўйхатга олиш учун белгилаб қўйилган тартибда рўйхатга олиниши керак.

Ордерли қимматли қоғоз бўйича талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу қимматли қоғозга индоссамент (талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш ёзуви) йўли билан амалга оширилади.

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган дастлабки кредитор янги кредитор олдида унга ўтказилган талабнинг ҳақиқий эмаслиги учун жавоб беради, бироқ қарздор бу талабни бажармаганлиги учун жавоб бермайди, дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун ўз зиммасига кафолатни олган ҳоллар бундан мустасно.

Қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Янги қарздор кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни кредитор талабига қарши қўйишга ҳақли.

Агар кафил ёки гаровга қўювчи янги қарздор учун жавоб беришга рози бўлмасалар, қарз бошқа шахсга ўтказилиши билан кафиллик ёки учинчи шахс томонидан белгиланган гаров бекор бўлади.

Қарздорни қарзни тўлаш мажбуриятидан озод қилмаган ҳолда қарзни ёки унинг қисмини бошқа шахсга ўтказишга рухсат берилади. Бу ҳолда ҳар иккала қарздор мажбуриятнинг бажарилиши учун солидар жавобгар бўлади.

Қарздорнинг учинчи шахс билан шартномаси асосида учинчи шахс мажбуриятнинг бажарилиши бўйича кредитор олдида эмас, балки фақат қарздор олдида бурчли бўлади.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (қарздорга) товарлар беришидан, унинг ишларини бажаришидан ёки унга хизматлар кўрсатишидан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади.

Мижоз ўзининг молия агенти олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам қарздорга нисбатан пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиши мумкин.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича молия агентининг мажбуриятлари мижоз учун бухгалтерия ҳисобини юритишни, шунингдек мижозга бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномалари билан боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўрсатишни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаларини молия агенти сифатида банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, шунингдек бундай турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномаси (лицензияси) бўлган бошқа тижорат ташкилотлари ҳам тузиши мумкин.

Тўлов муддати келган пул талабномаси ҳам (мавжуд талабнома), шунингдек келажакда вужудга келадиган пул маблағларини олиш ҳуқуқи (бўлажак талабнома) ҳам молиялаш

эвазига бошқа шахс фойдасига воз кечиладиган нарса бўлиши мумкин.

Молиялаш эвазига бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномаси мижознинг молия агенти билан тузадиган шартномасида шундай белгиланган бўлиши керакки, мавжуд талабнома шартнома тузиш пайтига монанд бўлсин, бўлажак талабнома эса - кечи билан талаб вужудга келган пайтга монанд бўлсин.

Бўлажак пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечилганида, у шартномада назарда тутилган талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул маблағларини қарздордан олиш ҳуқуқи вужудга келганидан кейин молия агентига ўтган ҳисобланади. Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш маълум воқеага боғлиқ бўлса, бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу воқеа юз берганидан кейин кучга киради. Бундай ҳолларда пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни қўшимча расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мижоз бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномасининг ҳақиқийлиги учун молия агенти олдида жавобгар бўлади.

Агар мижоз пул талабномасини топшириш ҳуқуқига эга бўлса ва ушбу талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш пайтида у қарздор бу ҳуқуқни бажармасликка ҳақли бўладиган вазиятлардан бехабар бўлса, бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномаси ҳақиқий ҳисобланади.

Агар мижоз билан молия агенти ўртасидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, молия агенти бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган талабномани ижрога тақдим этганида қарздор бу талабномани бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун мижоз жавобгар бўлмайди.

Мижоз билан унинг қарздори ўртасида талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақида келишув бўлган тақдирда ҳам, пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиш ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгилаб қўйилган қоида талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш ҳақида мижоз билан қарздор ўртасидаги келишувни бузган ҳолда талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечилиши муносабати билан мижозни қарздор олдидаги мажбуриятлар ёки жавобгарликдан озод қилмайди.

Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, молия агентининг пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечишига йўл қўйилмайди.

Шартномада пул талабномасидан ўз навбатида бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилган ҳолларда унга нисбатан ушбу модданинг қоидалари тегишли суратда қўлланади.

Қарздор мижоздан ёки молия агентидан пул талабномасидан ушбу молия агенти фойдасига воз кечилганлиги ҳақида ёзма билдиришнома олган ва унда ижро этилиши керак бўлган пул талабномаси белгиланган, шунингдек тўлов амалга оширилиши керак бўлган молия агенти кўрсатилган тақдирда қарздор тўловни молия агентига амалга ошириши шарт.

Қарздорнинг илтимосига кўра молия агенти оқилона муддатда қарздорга пул талабномасидан ҳақиқатан ҳам молия агенти фойдасига воз кечилганлигининг исботини тақдим этиши керак. Агар молия агенти ушбу мажбуриятни бажармаган бўлса, қарздор ушбу талабнома бўйича тўловни мижозга нисбатан амалга ошириб, унинг олдидаги ўз мажбуриятини бажаришга ҳақли.

Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси шартларига кўра молия агенти мижоздан бу талабни сотиб олиб, шу йўл билан уни молияласа , молия агенти қарздор талабни бажариш учун тўлайдиган ҳамма суммани олиш ҳуқуқини қўлга киритади, мижоз эса молия агенти олган суммалар у сотиб олган талабноманинг баҳосидан кам бўлиб чиққанлиги учун агент олдида жавобгар бўлмайди.

Агар мижознинг мажбуриятлари молия агентига бажарилишини таъминлаш мақсадида пул талабномасидан унинг фойдасига воз кечилган бўлса ва талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, молия агенти мижозга ҳисобот тақдим этиши ҳамда мижознинг талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан таъминланган қарзидан ортиб қолган суммани

мижозга бериши шарт. Агар молия агенти қарздордан олган пул маблағлари мижознинг молия агентига талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан таъминланган қарзи суммасидан кам бўлиб чиқса, мижоз қарзининг қолдиғи учун молия агенти олдида жавобгар бўлиб қолаверади.

Молия агенти қарздорга мурожаат этиб, тўловни амалга оширишни талаб қилган тақдирда, қарздор ушбу Кодекснинг 343-345-моддаларига мувофиқ, ўзининг мижоз билан тузилган шартномага асосланган, қарздор талабномадан молия агенти фойдасига воз кечилганлиги ҳақида билдириш олган пайтда ихтиёрида бўлган ўз пул талабномаларини инобатга олиш учун тақдим этишга ҳақли.

Мижоз талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечишни тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисидаги келишувни бузганлиги муносабати билан қарздор мижозга қўйиши мумкин бўлган талаблар молия агентига нисбатан кучга эга эмас.

Мижоз қарздор билан тузган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузган тақдирда, қарздор молия агентига ўтган талабнома бўйича тўланган суммаларни, агар қарздор бундай суммаларни бевосита мижоздан олишга ҳақли бўлса, ундан қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Қарздор талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш натижасида молия агентига тўланган суммаларни бевосита мижоздан олиш ҳуқуқига эга бўлишига қарамай, агар молия агенти талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан боғлиқ ваъда қилинган тўловни мижозга тўлаш мажбуриятини бажармаганлиги ёки мижоз талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан боғлиқ тўловни олиши керак бўлган қарздор олдидаги мажбуриятини бузганлигини била туриб, бундай тўловни амалга оширганлиги исбот қилинган бўлса, ушбу суммалар молия агенти томонидан қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

Банкларда факторинг операциялар ҳисобини ташкил қилишда бухгалтерия ҳисобида умумқабул қилинган тамойиллардан фойдаланилади: бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усули юритиш; узлуксизлик; хўжалик операциялари, активлар ва пассивларни пулда баҳоланиши; аниқлик; ҳисоблаш; олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик); мазмуннинг шаклдан устунлиги; кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги; молиявий ҳисоботнинг

бетарафлиги; ҳисобот даври даромадлари ва ҳаражатларининг мувофиқлиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Банкларда факторинг операциялари ҳисоби "Тижорат банклари томонидан ўзбекистон республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида" низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 августда 953-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) асосида ташкил этилади.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 313 — 323 ва 749 — 758-моддаларига, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-837-сон, 2000 йил 2 июндаги «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-2612-сон фармонларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Низом тўлов катта қисмини дарҳол компенсациялаш, қарзлар тўлиқ сўндирилишини кафолатлаш, ҳисобварақларни юритиш ҳаражатларини пасайтириш (факторинг) имконияти билан учинчи шахслардан пул талаб қилиш ҳуқуқини берган ҳолда банк томонидан ўз мижозларини молиялашга доир операцияларни ўтказиш тартибини белгилайди.

Факторинг – бу хўжалик юритувчи субъектлар - етказиб берувчиларни (матн давомида - мижоз) молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб, бунда улар банк - молиявий агентга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар (матн давомида - тўловчи) томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз, олиш ҳуқуқини берадилар.

Банклар факторинг операцияларини уларнинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақлари жойлашган ердаги мижозлар билан шартномалар асосида амалга оширадилар. Факторинг хизматларини кўрсатиш асосида тўловчи томонидан молия агентига пул талабини бажариш муддатлари 90 кундан ошмаслиги керак. Банклар тўловчилардан қарзни ундириш бўйича

ушбу муддатда тўланмаган мажбуриятларга доир чораларни қонунларда белгиланган тартибда кўришлари керак.

Факторинг операциялари:

бюджет ташкилотларига тақдим этиладиган талаблар бўйича;

жисмоний шахсларнинг қарз мажбуриятлари бўйича;

тўловга ноқобил деб эълон қилинган корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича;

зарар кўриб ишлайдиган корхоналар бўйича;

капитал қўйилмаларни молиялаш бўйича;

экспортга оид консигнация контрактлари бўйича;

компенсация ва бартер битимлари бўйича;

ишга босқичма-босқич ёки бўнак билан ҳақ тўлаш бўйича;

тўловчи шартномада шартланган вақт мобайнида, шунингдек, сотиш хизмати кўрсатилганидан кейин маҳсулотни қайтариш ҳуқуқига эга бўлган олди-сотди шартномалари бўйича амалга оширилиши мумкин эмас.

Факторинг операциясини ўтказиш чоғида банк пул маблағларини улар ҳақини тўлаш ҳуқуқи факторинг шартномасида кўрсатилган суммада банкка тақдим этилган тўлов талабномалари бўйича мижознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига ўтказади. Банк томонидан ўтказилган сумма билан шартнома бўйича тўлов талабномаси суммаси ўртасидаги фарқ банк дисконтини ташкил этади. Тўловчида муддати ўтган кредиторлик қарзининг йўқлиги факторинг хизматларини кўрсатишнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Агар шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, банк томонидан пул талаби ҳуқуқининг кейин берилишига йўл қўйилмайди.

Факторинг шартномасини тузиш.

Мижоз шартнома тузилгунга қадар банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва тўловчи томонидан имзоланган олди-сотди, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартномаси;

моддий бойликлар берилгани, ишлар бажарилгани ва хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (товар-транспорт юкхатлари, ишончномаларнинг кўчирма нусхалари, ишларни қабул қилиш далолатномалари ва ҳоказо);

тўловчи томонидан бошқа банкларда очилган ҳисобварақлар рўйхати;

тўловчининг тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган, сўнгги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сон шакл), шунингдек 90 кундан ошган қарздорлик бўйича солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сон шакл) - янги ташкил этилган юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.

Банкнинг мижоз билан факторинг хизмати кўрсатишга доир шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

уларга нисбатан пул талабининг берилиши амалга оширилаётган ҳаридорлар;

берилаётган талабларнинг умумий суммаси;

дисконт суммаси;

шартноманинг амал қилиш муддати;

тарафлар томонидан шартнома шартлари бузилгани учун даъволарни баён этиш муддатлари;

шартнома шартлари бузилгани учун тарафларнинг масъулияти;

шартномани бекор қилиш шартлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар.

Факторинг хизматларини кўрсатиш шартномасини тузиш чоғида мижоз ва банк-молиявий агент тўловчини ушбу битим тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши керак. Тўловни амалга ошириш учун тўловчининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағида маблағлар етишмаган тақдирда тўловчининг банки банк - молиявий агентга тўлов талабномасининг 2-сон картотекага қабул қилинганини маълум этади.

Шартнома:

тарафларнинг ўзаро келишувига;

банк шартнома шартларини бузган тақдирда етказиб берувчининг ташаббусига;

етказиб берувчи шартнома шартларини бузган тақдирда банкнинг ташаббусига;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартларга биноан бекор қилиниши мумкин.

Бунда тарафлар шартноманинг амал қилишини шартномада белгиланган муддатларда бекор қилиш тўғрисида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

Шартнома бир тараф томонидан бекор қилинган тақдирда ўзаро даъволар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Банклар томонидан экспорт операциялари бўйича хорижий валютада факторинг хизматлари кўрсатилиши.

Экспорт маҳсулотлари бўйича факторинг хизматларини тижорат банклари хорижий валютада талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварағи бўлган, фақат ўзлари хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотларга кўрсатадилар. Улар томонидан факторинг хизматлари кўрсатилиши чоғида банк даромадлари деганда хорижий валютада тўлов ҳужжатининг номинал қиймати билан унинг шартномага мувофиқ банкка берилиш суммаси ўртасидаги фарқ бўлган дисконт тушунилади. Етказиб берувчи тегишли хорижий шерик билан тузган, илгари Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимига киритилган экспорт контрактлари бўйича етказиб берувчи корхонада муддати ўтган дебиторлик қарзининг йўқлиги экспорт операциялари бўйича факторинг хизматлари кўрсатилишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

Тижорат банклари фақат белгиланган тартибда Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимига киритилган экспорт контрактлари бўйича ва хорижий корреспондент банкларнинг банк кафолатлари олинган ёки мазкур контрактлар бўйича очиқ чақириб олинмайдиган аккредитивлар суммасидан ошмайдиган суммада факторинг хизматларини кўрсатади. Тижорат банки экспорт контрактлари бўйича факторинг операциясини ўтказиш чоғида мижознинг талаб қилиб олингунча транзит депозит ҳисобварағига хорижий валютадаги маблағларни, шартномада келишилган дисконт суммасини чегирган ҳолда, етказиб берувчи томонидан бошқа шахс фойдасига воз кечилаётган суммада ўтказади.

Пул талаби ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин мижоз бу хусусда хорижий контрагент ва унинг кафили (кафолатчиси) ни хабардор қилиши ва ушбу тўлов ҳужжатлари бўйича тўловни амалга ошириш учун уларга банк - молиявий агентнинг банк реквизитларини маълум этиши шарт. Агар тўлаш шакли сифатида аккредитив қабул қилинса, бу ҳолда мижоз банк - молиявий агент фойдасига аккредитивни қайта расмийлаштириш амалини ўз вақтида амалга ошириши, сўнгра банкни қайта расмийлаштириш ҳолатидан хабардор қилиши шарт.

Банкларнинг факторинг операциялари бўйича ҳисоби ва кейинги назорати

Факторинг операциялари ҳисоби «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби хисобварақлар режаси»га (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17) мувофиқ юритилади. Факторинг операциялари бўйича тўлов ҳужжатлари ҳисобини юритиш учун банк томонидан кутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида 90966 - «Ҳарид қилинган дебиторлик қарзлари — Факторинг» шахсий ҳисобварағи очилади. Ушбу ҳисобварақ дебети бўйича ҳарид қилинган дебиторлик қарзларининг тўлиқ суммаси акс эттирилади, кредит бўйича эса тўловчилар тўлиқ сўндирган ҳарид қилинган дебиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилади.

Тарафлар томонидан факторинг (пул талабини бериш) тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин банк-молиявий агент маблағларни мижознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига, дисконт суммасини чегирган ҳолда, ўтказишни амалга оширади. Маблағларни мижознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига ўтказишни банк мемориал-ордерлар билан амалга оширади, улар икки нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия операциялари амалга оширилганидан кейин банкнинг кун ҳужжатларига жойлаштирилади, иккинчи нусхаси белгиланган тартибда мижозга юборилади. Мижоз ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиришга қўйиладиган барча талабларга риоя этилиши, шунингдек, у томонидан банкка берилган пул талаблари бўйича унинг банк ҳисобварағига бирор-бир сабаблар билан ҳисоблаб ёзилган маблағларни ўз вақтида ўтказиш учун (кейинги банк кунидан кечиктирмай) жавобгардир.

Факторинг операцияларида мижоз тўлов талабномасининг юқори қисмида штамп қўйиши ёки «Факторинг» деб ёзиб қўйиши ва кредит бўйича банк-молиявий агент факторинг ҳисобварағининг рақамини кўрсатиши керак. Факторинг операцияларига хос бўлган юқори даражадаги хатар муносабати билан банклар ҳар ойда Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга (2015 йил 14 июль, рўйхат рақами 2696)

мувофиқ факторинг операциялари сифатини таснифлашлари керак бўлади.

Тижорат банкларида факторинг операцияларни ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлардан фойдаланилади:

11100 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг

11101 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг

11103 - Муддати ўтган сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг

11105 - Суд жараёнидаги сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг

11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив)

11199 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираси (контр-актив)

45217 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар- Факторинг

56814 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари-Факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

90966 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг

96331 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари-Факторинг бўйича контр-ҳисобварақ

Молиявий ҳисобот элементларидан ҳисобланган банк активларни ҳисоботларда тўғри акс эттириш ёки уларни тан олиш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Банк томонидан амалга оширилган факторинг операциялари амалдаги қийматида акс эттирилади ва у қарздорга берилган пул маблағлари суммасини ифодалайди.

Банк молиявий восита бўйича шартнома шартлари татбиқ этиладиган томонлардан бири бўлгандагина молиявий актив банк томонидан баланс ҳисоботида тан олинади.

Активдан фойдаланиш натижасида келажакда келадиган иқтисодий самара, банк томонидан ундан фойдаланиш натижасида юзага келган хизматларни сотишдан тушадиган тушумни, ҳаражатларни тежаш ва бошқа фойдаларни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу иқтисодий нафларни олиш эҳтимоли юқори бўлганда банк актив билан боғлиқ манфаатларни ва таваккалчиликларни ўз зиммасига олиши аниқ бўлишини талаб этади. Бундай аниқлик ушбу манфаатлар ва таваккалчиликлар

банкка ўтгандагина мавжуд бўлади. Ушбу вақтга қадар активни олиш билан боғлиқ операция ахамиятли бўлмаган жарима чоралари билан бекор қилиниши мумкин, шунинг учун актив тан олинмайди.

Тан олишнинг иккинчи шарти осонлик билан бажо келтирилади, чунки активларни сотиб олинганлиги тўғрисида далил бўлган айирбошлаш операцияси натижасида унинг қиймати аниқланади. Актив ўз кучи билан барпо этилган тақдирда унинг баҳоси материалларни сотиб олиш билан боғлиқ, ташқи томонлар билан операциялар, иш кучи ва қурилиш жараёнида амалга оширилган бошқа ҳаражатлар асосида аниқланади.

Тижорат банкларида факторинг операциялари бухгалтерия ҳисобининг мақсади ҳисоб тизими ва фойдаланувчилар учун банк фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тан олиш, ўлчаш, уларни жамлаш ва уларни аниқ етказиб беришдир.

Хозирги кунда тижорат банкларида факторинг операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 03.08.2000 йилдаги "Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида" 953-сонли низомга мувофиқ олиб борилади.

Факторинг - хўжалик юритувчи субъектлар - етказиб берувчиларни (матн давомида - мижоз) молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб, бунда улар банк - молиявий агентга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар (матн давомида - тўловчи) томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз, олиш ҳуқуқини берадилар.

Банклар факторинг операцияларини уларнинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақлари жойлашган ердаги мижозлар билан шартномалар асосида амалга оширадилар.

Факторинг хизматларини кўрсатиш асосида тўловчи томонидан молия агентига пул талабини бажариш муддатлари 90 кундан ошмаслиги керак. Банклар тўловчилардан қарзни ундириш бўйича ушбу муддатда тўланмаган мажбуриятларга доир чораларни қонунларда белгиланган тартибда кўришлари керак.

Факторинг операциялари:

- бюджет ташкилотларига тақдим этиладиган талаблар бўйича;
- жисмоний шахсларнинг қарз мажбуриятлари бўйича;
- тўловга ноқобил деб эълон қилинган корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича;

- зарар кўриб ишлайдиган корхоналар бўйича;
- капитал қўйилмаларни молиялаш бўйича;
- экспортга оид консигнация контрактлари бўйича;
- компенсация ва бартер битимлари бўйича;
- ишга босқичма-босқич ёки бўнак билан ҳақ тўлаш бўйича;
- тўловчи шартномада шартланган вақт мобайнида, шунингдек, сотиш хизмати кўрсатилганидан кейин маҳсулотни қайтариш ҳуқуқига эга бўлган олди-сотди шартномалари бўйича амалга оширилиши мумкин эмас.

Ўтган йилларда АТИБ "Ипотекабанк" корпоратив мижозлар билан муносабатларни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтди. Бу борадаги иш услуби ҳар бир мижозга индивидуал ёндашув ҳамда структураланган банк хизматларини, жумладан факторинг хизматини таклиф этади.

Ҳар бир мижознинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини максимал даражада қондириш, фаолиятнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш, шунингдек ўзаро манфаатли ҳамкорлик – банкнинг ҳам корпоратив, ҳам хусусий мижозлар билан ишни ташкил этишдаги асосий тамойилларидир.

Мижозлар билан ишлаш услубларини мунтазам такомиллаштириш ва банк хизматларининг энг замонавий илғор шаклларини амалиётга жорий этиш йўлида банк ходимларининг қилган барча ҳаракатлари натижасида мижозларнинг банк билан ҳамкорлиги катта самаралар берди ва қулай бўлди.

Факторинг операциясини ўтказиш чоғида банк пул маблағларини улар ҳақини тўлаш ҳуқуқи факторинг шартномасида кўрсатилган суммада банкка тақдим этилган тўлов талабномалари бўйича мижознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига ўтказади.

Банк томонидан ўтказилган сумма билан шартнома бўйича тўлов талабномаси суммаси ўртасидаги фарқ банк дисконтини ташкил этади.

Тўловчида муддати ўтган кредиторлик қарзининг йўқлиги факторинг хизматларини кўрсатишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Агар шартномада бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, банк томонидан пул талаби ҳуқуқининг кейин берилишига йўл қўйилмайди.

Мижоз шартнома тузилгунга қадар банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва тўловчи томонидан имзоланган олди-сотди, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш шартномаси;

- моддий бойликлар берилгани, ишлар бажарилгани ва хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (товар-транспорт юкхатлари, ишончномаларнинг кўчирма нусхалари, ишларни қабул қилиш далолатномалари ва ҳоказо);

- тўловчи томонидан бошқа банкларда очилган ҳисобварақлар рўйхати;

- тўловчининг молиявий ҳолатини белгилаш учун зарур ҳужжатлар.

Банкнинг мижоз билан факторинг хизмати кўрсатишга доир шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

- уларга нисбатан пул талабининг берилиши амалга оширилаётган ҳаридорлар;

- берилаётган талабларнинг умумий суммаси;

- дисконт суммаси;

- шартноманинг амал қилиш муддати;

- тарафлар томонидан шартнома шартлари бузилгани учун даъволарни баён этиш муддатлари;

- шартнома шартлари бузилгани учун тарафларнинг масъулияти;

- шартномани бекор қилиш шартлари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар.

Факторинг хизматларини кўрсатиш шартномасини тузиш чоғида мижоз ва банк-молиявий агент тўловчини ушбу битим тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши керак.

Тўловни амалга ошириш учун тўловчининг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағида маблағлар етишмаган тақдирда тўловчининг банки банк - молиявий агентга тўлов талабномасининг 2-сон картотекага қабул қилинганини маълум этади.

Шартнома:

- тарафларнинг ўзаро келишувига;

- банк шартнома шартларини бузган тақдирда етказиб берувчининг ташаббусига;

- етказиб берувчи шартнома шартларини бузган тақдирда банкнинг ташаббусига;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартларга биноан бекор қилиниши мумкин.

Бунда тарафлар шартноманинг амал қилишини шартномада белгиланган муддатларда бекор қилиш тўғрисида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

Шартнома бир тараф томонидан бекор қилинган тақдирда ўзаро даъволар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Экспорт маҳсулотлари бўйича факторинг хизматларини ваколатли банклар хорижий валютада талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварағи бўлган, фақат ўзлари хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотларга, 90 кундан ошмайдиган муддат билан кўрсатадилар.

Улар томонидан факторинг хизматлари кўрсатилиши чоғида банк даромадлари деганда хорижий валютада тўлов ҳужжатининг номинал қиймати билан унинг шартномага мувофиқ банкка берилиш суммаси ўртасидаги фарқ бўлган дисконт тушунилади.

Етказиб берувчи тегишли хорижий шерик билан тузган, илгари ҳисобга қўйилган экспорт контрактлари бўйича етказиб берувчи корхонада муддати ўтган дебиторлик қарзининг йўқлиги экспорт операциялари бўйича факторинг хизматлари кўрсатилишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

Ваколатли банклар фақат белгиланган тартибда ўзлари ҳисобга қабул қилган экспорт контрактлари бўйича ва хорижий корреспондент банкларнинг банк кафолатлари олинган ёки мазкур контрактлар бўйича очиқ чақириб олинмайдиган аккредитивлар суммасидан ошмайдиган суммада факторинг хизматларини кўрсатади.

Ваколатли банк экспорт контрактлари бўйича факторинг операциясини ўтказиш чоғида мижознинг талаб қилиб олингунгача транзит депозит ҳисобварағига маблағларни, шартномада кўрсатилган дисконт суммасини чегирган ҳолда, етказиб берувчи томонидан бериладиган талаблар суммасида эркин алмаштириладиган валютада ўтказади. Мижознинг транзит ҳисобварағига ҳисоблаб ёзилган валюта маблағларидан мажбурий сотишни мижоз тўлиқ ҳажмда, дисконт суммасини чегирмасдан амалга оширади.

Пул талаби ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин мижоз бу хусусда хорижий контрагент ва унинг кафили (кафолатчиси)ни хабардор қилиши ва ушбу тўлов ҳужжатлари бўйича тўловни амалга ошириш учун уларга банк - молиявий агентнинг банк реквизитларини маълум этиши шарт.

Агар тўлаш шакли сифатида аккредитив қабул қилинса, бу ҳолда мижоз банк - молиявий агент фойдасига аккредитивни қайта расмийлаштириш амалини ўз вақтида амалга ошириши, сўнгра банкни қайта расмийлаштириш ҳолатидан хабардор қилиши шарт.

Дунё амалиётида факторинг хизматларининг нархи 2 элементга боғлиқ:

1) Хизмат кўрсатиш учун ҳақ. У ўртача счёт-фактура нархининг 0,5-3,0%ини ташкил қилади, аммо баъзилари 5% гача ҳам боради.

2) Берилган кредит маблағлари учун ҳақ. Унинг миқдори мижозининг факторинг бўлимидан пул олишдан ҳамда тўловчидан пул келиб тушишигача бўлган вақт ичидаги мижозининг кундалик дебет сальдоси миқдорига қараб белгиланади.

Факторинг хизмати мижозига шартнома асосида кўрсатилади. Шартномада етказиб берувчига регресс ҳуқуқи брилгани ёки йўқлиги кўрсатилади.

Регресс ҳуқуқига эга бўлган шартномада банк етказиб берувчига ҳар қандай тўланмаслик қарздорлик мажбуриятини сотиш ҳуқуқига эга ва аксинча регресс ҳуқуқига эга бўлмаган шартномада банк тўланмаслик рискини ўз бўйнига олади, агар мажбуриятлар ноқонуний деб топилмаса.

Жаҳон амалиётида факторинг операциялари бўйича чегаравий суммаларни белгилашнинг уч хил усули мавжуд:

1) Кредитлаш лимитини ажратиш. Факторинг хизмати шартномасида, агар қарздор суммаси белгиланган лимитдан ошиб кетса, банк етказиб берувчига барча қўшимча счётларни қайтариб бериш ҳуқуқига эга, тўловчининг тўловга қобилиятсизлигида эга барча унинг қарздорлик тўловлари банкнинг етказиб берувчига тўлаган суммани ундиргунча қадар банкка келиб тушади.

2) Ҳар ойлик юк жўнатиш лимитини жўнатиш. Етказиб берувчи мижоз қарзининг миқдоридан қатъий назар, шубҳали қарзлардан суғурталанади. Лимит ҳафта, ой, чораклларда белгиланиши мумкин.

3) Алоҳида шартномалар бўйича суғурта. Бу усул бир мижозга бир неча товар етказиб бериш эмас, балки алоҳида ҳолатларда, катта суммаларда шартномалар имзоланганда қўлланилади.

Маълум ҳолатларда эса буларнинг комбинацияси ҳам қўлланилиши мумкин.

Факторинг хизмати тўғрисида банк етказиб берувчи билан шартнома имзолашдан олдин етказиб берувчи банкка тўловчининг номи ва адреси, у билан келишув шартлари, барча қарздорлик тўловлари суммаси, ҳар бир қарздорнинг суммаси, у билан орасидаги муносабат ва бошқа тур маълумотларни тақдим этади. Барча маълумотларни ўрганиб чиқиб, банк келишув шартлари тўғрисида қарор қабул қилади. Факторинг хизматлари тўғрисидаги келишув, одатда, 1-4 йилга тўзилади. Конвенцион факторингда келишув тўлиқ хизмат амалга оширилиши, конфиденциал факторингда эса келишув фақат счёт-фактуралар ҳисобини (дисконтировка) юритишга тўзилади.

Тўлиқ хизмат кўрсатиш тўғрисидаги келишувда келишув регресс қилиш ҳуқуқи билан тўзилади (маълум вақтга асосан, тўлов муддатидан сўнг 90 кун), алоҳида ҳолатларда эса, етказиб берувчи банкнинг ишончини қозонган бўлса, регресс ҳуқуқи бўлмаслиги ҳам мумкин. Давлатлараро савдо-сотиқ қиладиган корхоналарга хизмат кўрсатишда экспорт ва импорт факторингидан ҳам фойдаланилади.

Факторинг келишувида факторинг туридан ташқари шунингдек, қуйидагилар кўрсатилади:

- сотиб олувчилар, тақдим этиладиган мажбуриятлар;
- тақдим этиладиган мажбуриятларнинг назорат суммаси;
- аванс миқдори;
- ушлаб қолишлар;
- мажбуриятларни тўлаш муддатлари;
- факторинг операцияларини бажаргани учун тўлов миқдори;
- етказиб берувчи томонидан олинадиган қўшимча хизматлар;
- факторинг операциялари бўйича чегаравий сумма;
- регресс ҳуқуқи;
- сотиб олувчи тўлашининг охирги муддати;
- тўловчи тўловни тўғри Ўз вақтида амалга оширмаганда кўриладиган чоралар;
- шартнома шартларини бўзганликлари учун томонлар жавобгарлиги;

- факторинг бўлимига операциялар бўйича шикоят муддатлари;

- келишувнинг амал қилиш муддати;

- келишувнинг бекор қилиниш шартлари.

Келишувда банк ва мижоз ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилади.

Банк мажбуриятлари:

- унга тақдим этилган қарздорлик мажбуриятларини ўз вақтида тўлаш;

- мижозга ҳисоб-китоблар тўғрисидаги холатни ёки маълум тўловчилар билан қийинчиликлар тўғрисидаги ахборот тақдим этиши.

Мижоз мажбуриятлари:

- банкка барча етказиб берган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақидаги ҳужжатларни шунингдек, клиент товар ва хизматларни акцептлангани тўғрисидаги ҳужжатларни, шартнома шартлари ҳамда товар миқдори ва сифатлар тўғрисидаги ҳужжатларни.

- унинг товар ва хизматларни сотиб олувчилари билан ўз вақтида мавжуд бўлган келишмовчиликларни бартараф этиши;

- банкка номақбул ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида маълумот бериш, улар банкнинг факторинг операцияларига таъсир этиш доирасини белгилаш;

- арбитражда ишларни кўриб чиқишда банк билан бирга иштирок этиш.

Факторинг операциялари банк балансида акс эттирилиб, дебет томонида банк етказиб берувчига тўлаган сумма, кредит томонида эса тўловчи банкка тўлаган сумма акс эттирилади.

Факторинг бўлими ишларни амалга ошириш учун кейинги молиявий йил учун режа тўзади:

- тахмин қилинаётган факторинг операциялар ҳажми;

- режалаштирилган миқдорлар, кредитларни тақдим этиш ва уларни тўлаш шартлари;

- факторинг операцияларини кўпайтириш учун фойдадан ўтказмалар миқдори.

Факторинг бўлимлари банкнинг бош бўлимларида ҳамда банк филиалларида ташкил қилиши мумкин. Унинг фаолияти банк маъмурияти томонидан кўзатилиб боради. Факторинг мижоз-етказиб берувчи учун фойдалидир. Биринчидан, у умумий сумманинг асосий қисмини шу вақтда олади ва ўзининг етказиб

берувчилари билан ҳисоб-китобда иктисод килади. Иккинчидан, банк тўланмаган мажбуриятларни ўзига олгандан сўнг, уларнинг тўланмаслик рискини олади. Учинчидан, етказиб берувчи ўз мажбуриятларини олишининг аник муддатини билиб, ўз режаларини амалга ошириши мумкин. Тўртинчидан, банк мижозга тўлик суммани тўлагунча бошка хил хизматларни ҳам кўрсатади: информация, аудит, суғурта, статистика маълумотлар ва бошкалар.

Факторинг хизматлари кичик ва ўрта ташкилотларга кўл келади, чунки уларнинг ишлаб чикаришни кенгайтириш имконияти бор, аммо ўз вақтида тўланмаган дебитор қарзлари ҳисобига молиявий жиҳатдан бироз қийналадилар.

Аммо ҳар бир етказиб берувчи факторинг операциялари субъекти бўла олмайдилар:

- қарздорлари кўп, аммо қарз суммалари кам;
- постандарт ва тор доирадаги товарларни етказиб берувчилар;
- ўз маҳсулотлари сотилгандан кейин хизмат кўрсатиш шарти билан ёки бартер орқали сотадиган ташкилотлар;
- субподрядчиклар билан ишловчи-курувчи ва бошқа фирмалар;
- ўз махсулотларини ўзоқ муддатли шартномалар ҳамда счётлар босқичма-босқич тақдим этадиган ёки аванс тўловларини олувчи ташкилотлар.

Бундан ташқари, қуйидаги холатларда қарз мажбуриятлари ўтказилмайди: ташкилотлар тўловга қобилиятсиз деб топилганда, жисмоний шахслардан, шунингдек, ташкилот филиалларидан ва ташкилот бўлимларидан. Буни банкнинг ўзи риск даражасига қараб белгилайди.

Факторинг хизматлари чуқур таҳлилдан сўнг қуйидагиларга кўрсатилади. Улар юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб ҳамда бозорда талабга эга бўлган хизматлар кўрсатади, ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ва фойдани ҳам оширишни кўзда тутадилар; молиявий маблағлар етишмаслиги буларда вақтинчалик ҳол бўлади.

Факторинг операциялари ҳисоби банкларда бошқа барча операциялар сингари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 13 августда 773-17 сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси"га мувофиқ юритилади.

11101 – Сотиб олинган дебитор қарздорлик ёки факторинг. Бу ҳисобварақда кўрсатилиши мумкин бўлган операциялар қуйидагилардир:

– ҳисобрақам дебетида сотиб олинган ёки мижозга тўлаб берилган сумма ва дисконт суммаси ётади.

– ҳисобрақам кредитида эса тўловчидан ундириб олинган сумма, муддати ўтган факторинг, судда кўрилаётган факторинг ва бошқа қонунда кўзда тутилган ҳолатлар бўлиши мумкин.

11103 – Муддати ўтган факторинг.


11105 – Суд томонидан кўрилаётган факторинг.

11195 – Сотиб олинган дебитор қарз бўйича дисконт суммаси, кейинчалик у 45217 ҳисоб рақамига олиб борилади.

11199 – Сотиб олинган дебитор қарздан қутилиши мумкин бўлган зарарга ажратилган (резерв) заҳира, ушбу сумма 56814 - ҳисобварақга олиб борилади.

Бу схемани босқичма-босқич кўриб чиқамиз:

Нормал ҳолатда амалга оширилган икки корхона орасидаги муносабатлар ва ушбу ҳолатни факторинг операцияси билан тугатилишини куйидаги схема орқали таҳлил қилиб чиқиш мумкин.



2-расм. Факторинг операциясини ўтказилиш тартиби[17]

Биринчи босқични шартнома деб атасак чунки бу босқичда иккита корхона ўртасида бирон-бир товар ёки хизматлар учун ўзаро шартнома тўзилади. Албатта кейинги иккинчи – босқичда олдиндан қисман тўлаш жараёни яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йилдаги 12 май 1154 – фармонига асосан 15% дан кам бўлмаган тўловдир. Учинчи босқич, бу етказиб берилган

[17] Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: "IQTISOD – MOLIYA ", 2009 й. – 548 бет., 470 Б.

товар ёки кўрсатилган хизматлар ва туртинчи босқич эса мол етказиб берувчи томонидан тўловчининг хисобрақамига қўйилган тўлов талабномаси. Юқоридаги тўртта босқичдан сўнг шартлар бажарилса факторинг жараёнини амалга ошириш учун қулай шароит юзага келади.

Бешинчи босқич факторинг операциясини амалга ошириш учун мол етказиб берувчи ва унинг банки билан шартнома, 90966 – Факторинг. Кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича ушбу ҳисобрақамда факторингни балансдан ташқари ҳисоби олиб борилади. Ушбу счёт дебетида сотиб олинган дебитор қарз суммаси, кредитида эса тўлиқ ёпилган факторинг туради.

Ушбу шартнома тўзилиши учун мол етказиб берувчи банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим бўлади:

– тегишли тартибда расмийлаштирилган ва тўловчи томондан имзоланган олди-сотди, ишларни бажариш ёки хизматни кўрсатиш тўғрисидаги шартнома;

– моддий бойликларни берилганлиги, ишларни бажарилганлиги, хизмат кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– тўловчига жўнатилган тўлов талабномаси нусхаси ва тўловчини ушбу талабномани тўлашга розилик хати;

– бошқа банкларда очган ҳисобрақамлар рўйхати ва тўловчини молиявий холатини ўрганиш учун керакли ҳужжатлар.

Олтинчи босқичда банк шартнома асосида мемориал ордер билан қуйидаги бухгалтерия ёзувларини амалга оширади:

1. Ушбу ёзув умумий қарз суммасидан банкка қоладиган дисконт чегириб ташлашдан қолган қисми мол етказиб берувчининг асосий депозит ҳисобрақамига тушириб берилади ва ушбу ҳисоб рақамдан қонунда белгиланган тўловлар амалга оширилади.

Тарафлар томонидан факторинг (пул талабини бериш) тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин банк-молиявий агент маблағларни мижознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига, дисконт суммасини чегирган ҳолда, ўтказишни амалга оширади.

Дебет – 11101 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг – қарз суммасига

Кредит – мижознинг ҳисобварағи

Дебет – 11101 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг – дисконт суммасига

Кредит - 11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив)

Маблағларни мижознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварағига ўтказишни банк мемориал-ордерлар билан амалга оширади, улар икки нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия операциялари амалга оширилганидан кейин банкнинг кунлик ҳужжатларига жойлаштирилади, иккинчи нусхаси белгиланган тартибда мижозга юборилади.

Шунингдек, факторинг суммаси балансдан ташқари ҳисобварақда ҳисобга олинади:

Дебет –90966 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг

Кредит -96331 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари-Факторинг бўйича контр-ҳисобварақ

2. Ушбу ёзув дисконт суммаси бўлади ва бу дисконт факторинг асосий қарзи келиб тушиши давомида банк даромадлари ҳисоб рақамига олиб борилади. Унда ушбу ёзувлар амалга оширилади;

Тўловчи томонидан тўлов амалга оширилгандан кейин дисконт даромад сифатида тан олинади:

Дебет- 11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив)

Кредит - 45217 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар- Факторинг

Шу билан бирга факторинг балансдан ташқари ҳисобварақдан ҳисобдан чиқарилади:

Дебет –96331 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари-Факторинг бўйича контр-ҳисобварақ

Кредит - 90966 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг

Юқоридаги амаллар бажарилгандан сўнг, қарздорлик мол етказиб берувчидан банк номига ўтади. Демак, тўловга мол етказиб берувчи томонидан қўйилган талабномадан пул маблағларини олувчи, яъни мол етказиб берувчи номидан кўчирилиб (7.) дебитор қарзни сотиб олган банк номига ўтади. Албатта, бунда асос бўлиб, банк ва мол етказиб берувчи ўртасида факторинг операциясини амалга ошириш учун тўзилган шартнома тўғрисида тўловчини хабардор этиш учун юборилган банк ва мол етказиб берувчи томонидан имзоланган ёзма ахборот хизмат қилади. Шу йўсинда

талабнома банк номига ўтказилади (8.). Схеманинг 9. – босқичи факторингни ёпилиши бўлиб, у қуйидагича бўлиши мумкин.

Факторинг хизматларини кўрсатиш шартномасини тузиш чоғида мижоз ва банк-молиявий агент тўловчини ушбу битим тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади. Банк факторинг операцияларида мижоз тўлов талабномасининг юқори қисмида штамп қўйиши ёки "Факторинг" деб ёзиб қўйиши ва кредит бўйича банк-молиявий агент факторинг ҳисобварағининг рақамини кўрсатиши керак. Тақдим этилган тўлов талабномаси асосида тўловчи тўловни амалга оширганда қуйидаги ўтказма бажарилади:

Дебет – тўловчининг ҳисобвараги

Кредит - 11101 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг

Юқори бандда айтиб ўтилганидек, энди тўловчини ҳисобрақамига келиб тушаётган маблағлар ҳисобидан картотека 2 да турган тўлов талабномасига асосан маблағлар банкда очилган факторинг ҳисоб рақамига келиб туша бошлайди. Бироқ ҳар қандай сабаблар билан ушбу қарздорлик бўйича тўлов мол етказиб берувчининг хисоб рақамига келиб тушиши мумкин, бундай холатларни олдини олиш учун Адлия Вазирлигидан 953 - рақам билан рўйхатдан ўтган йўриқноманинг 4 – бўлими 4.4 - бандида мол етказиб берувчига, келиб тушган маблағларни факторинг ҳисоб рақамига ўтказиб қўйиш мажбурияти юкланади. У ерда шундай дейилади: «Мол етказиб берувчи ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштиришга қўйиладиган барча талаблар, шунингдек, банкка ўтказиб берилган талабномалар бўйича маълум бир сабаблар билан унинг ҳисобрақамига келиб тушган маблағларни факторинг ҳисобрақамига ўз вақтида (кейинги кундан кечиктирмай) ўтказилишини бажарилишига жавобгардир».

Албатта, бу схема ёрдамида кўриб чиқилган ҳоллар бу факторинг операциясини содда бир муаммосиз кўриниши эди. Аслида факторинг юқори даромад келтирувчи операция бўлиши билан бир қаторда, ўзига яраша риск талаб қилади. Банк шартнома шартларига мувофиқ, операцияларни амалга ошириши, етказиб берувчи ва тўловчи билан амалга оширилган операцияларнинг батафсил ҳисобини юритиши, етказиб берувчини шахсий ҳисоб варағи ҳолати тўловчи томонидан тўлов талабномалари тўланиши ва қарзни қайтарилиш ҳолати тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот тайёрлаши ва муддати ўтказиб юборилган тўлов талабномаларнинг таҳлилини амалга ошириши талаб этилади.

IV БОБ. БАНКЛАРДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

4.1. Банкларда ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва унинг моҳияти

Ривожланган хорижий давлатлар ҳисоб сиёсати МҲХС 8 асосида ишлаб чиқилган. 1993 йил таҳририда бўлган БҲХС 8 - "Давр соф фойдаси ёки зарари, фундаментал хатолар ва ҳисоб сиёсатларидаги ўзгаришлар" номли стандартнинг ўрнига 2005 йил 1 январидан бошлаб "Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар" номли янги таҳрирдаги стандарт ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этиш учун МҲХСҚ томонидан тавсия этилди.

Мазкур стандартда ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: *"Ҳисоб сиёсати - тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир"*.

Демак, банклар ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлашда ҳамда тегишли ташкилотларга тақдим этиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган тамойиллар (масалан, узлуксизлик ёки таққосланувчанлик) ва қоидалар (иккиёқлама ёзув ёки баҳолаш)ни ҳисоб сиёсати сифатида шакллантиради.

Юқоридаги 8-сон МҲХСда қуйидаги атамалардан фойдаланиш тавсия этилган: жумладан, *ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгариш* - активлар ва мажбуриятларнинг жорий ҳолатини ҳамда улар билан боғлиқ бўлган, келгусида кутилаётган манфаат ва мажбуриятларни баҳолаш натижасида, актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматини ёки активдан даврий фойдаланиш суммасини тузатишдир. Ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгаришлар янги маълумотлар олиниши ёки янги ҳодисалар рўй бериши натижасида юзага келади ва шу сабабдан, хатоларни тузатиш бўлиб ҳисобланмайди.

Муҳим тушириб қолдиришлар ёки бузиб кўрсатишлар– моддаларнинг тушириб қолдирилиши ёки бузиб кўрсатилиши, агар фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар асосида қабул қилинадиган иқтисодий қарорларига алоҳида ёки биргаликда, таъсир эта олса муҳим ҳисобланади. Муҳимлик тушириб қолдириш

ёки бузиб кўрсатишнинг, улар содир бўлган шароитларни ҳисобга олган ҳолда, аниқланадиган катталиги ва хусусиятига боғлиқ бўлади. Модданинг катталиги ёки хусусияти, ёки иккаласининг бирикмаси ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин.

Олдинги давр хатолари тадбиркорлик субъектининг бир ёки ундан ортиқ олдинги даврлар учун молиявий ҳисоботлардаги бузиб кўрсатишлар ва тушириб қолдиришлардир; улар ишончли ахборотдан фойдаланмаслик ёки нотўғри фойдаланиш натижасида юзага келади ва ушбу ахборот:

1) мазкур даврлар учун молиявий ҳисоботлар эълон қилиниши учун тасдиқланганида мавжуд бўлган;

2) мазкур молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш чоғида олиниши ва ҳисобга олиниши оқилона равишда кутилиши мумкин бўлган ахборотдир.

Бундай хатолар математик янглишишлар, ҳисоб сиёсатини қўллашда йўл қўйилган хатолар, эътиборсизлик ёки фактларни нотўғри талқин этиш оқибатларини ҳамда фирибгарликни ўзичига олади.

Рестроспектив қўллаш - янги ҳисоб сиёсатини операциялар, бошқа ҳодисалар ва вазиятларга нисбатан ушбу сиёсат олдин ҳам ҳар доим қўлланилганидек тарзда қўллаш.

Ретроспектив қайта ҳисоблаш - молиявий ҳисоботлардаги элементлар суммаларининг тан олиниши, баҳоланиши ва очиб берилишини олдинги даврда хатога ҳеч қачон йўл қўйилмаганидек тарзда тузатиш.

МҲХСларни қўллашда банкларга ёрдам бериш мақсадида қўллаш бўйича кўрсатмалар илова қилинади. Бундай кўрсатмаларда улар МҲХСларнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги таъқидланади. МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган кўрсатмаларни қўллаш мажбурийдир. МҲХСнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланмайдиган кўрсатмалар молиявий ҳисоботларга нисбатан талабларни ўз ичига олмайди.

Агар қандайдир МҲХС моддаларнинг ҳар хил ҳисоб сиёсатлари тўғри келиши мумкин бўлган тоифаларга бўлинишини алоҳида талаб этмаса ёки рухсат этмаса банклар ўхшаш операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларга тегишли ҳисоб сиёсатларини изчил равишда танлаши ва қўллаши керак. Агар қандайдир МҲХС моддаларнинг бундай тоифаларга бўлинишини

талаб этса ёки рухсат этса, бундай ҳар бир тоифага тегишли бўлган ҳисоб сиёсати изчил равишда танланиши ва қўлланилиши керак.

Банкларда ҳисоб сиёсати фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши керак:

а) агар ўзгартириш МҲХС томонидан талаб этилса;

б) агар ўзгартириш натижасида молиявий ҳисоботларда банкнинг молиявий ҳолатига, молиявий натижаларига ёки пул оқимларига операцияларнинг, бошқа ҳодисаларнинг ва шароитларнинг таъсири тўғрисида ишончли ва ўринлироқ маълумотлар акс эттирилса.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар банкларнинг ҳар хил даврларга тегишли молиявий ҳисоботларини унинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларидаги тенденцияларини аниқлаш учун таққослаш имкониятига эга бўлишлари керак. Шунинг учун, бир давр мобайнида ҳамда даврдан-даврга бир хил ҳисоб сиёсатлари қўлланилади.

Банк ҳисоб сиёсатида қуйидагилар ўзгариш бўлиб ҳисобланмайди:

а) олдин содир бўлган операциялар, бошқа ҳодисалар ёки шароитлардан моҳияти бўйича фарқланадиган операциялар, бошқа ҳодисалар ёки шароитларга нисбатан қандайдир ҳисоб сиёсатини қўллаш;

б) олдин содир бўлмаган ёки аҳамиятсиз даражада бўлган операциялар, бошқа ҳодисалар ёки шароитларга нисбатан янги ҳисоб сиёсатини қўллаш.

Банклар томонидан МҲХС 16 “Асосий воситалар” ёки МҲХС 38- “Номоддий активлар”га мувофиқ активларни қайта баҳолаш сиёсатини биринчи марта қўллаш– мазкур стандартга мувофиқ эмас, балки МҲХС 16- ёки МҲХС 38-га мувофиқ қайта баҳолаш сифатида қараладиган ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

Банклар ўз ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришнинг тақдим қилинган бир ёки ундан ортиқ олдинги даврлар учун қиёсий маълумотга нисбатан бирор-бир даврга тегишли бўлган таъсирини аниқлашни амалий имкони бўлмаганда, янги ҳисоб сиёсатини ретроспектив қўллашни амалий имкони бўлган даврлардан энг биринчи даври, бу жорий давр ҳам бўлиши мумкин, бошланишига бўлган активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматига нисбатан қўллаши керак ҳамда ушбу даврдаги капиталнинг таъсир қилинган ҳар қандай

таркибий қисмининг бошланғич қолдиғига тегишли тузатиш киритиши лозим.

Маълумки, жорий даврнинг бошида янги ҳисоб сиёсатини ҳамма олдинги даврларга нисбатан қўллашнинг йиғилган таъсирини аниқлашнинг амалий имкони бўлмаса, банк янги ҳисоб сиёсатини қўллашни амалий имкони пайдо бўлган энг дастлабки санадан бошлаб истиқболли қўллаш мақсадида, қиёсий маълумотларга тузатиш киритиши керак.

Банклар янги ҳисоб сиёсатини ретроспектив тарзда қўллаганида, у янги ҳисоб сиёсатини олдинги даврлар учун қиёсий маълумотларга нисбатан имкони борича энг дастлабки давридан бошлаб қўллайди. Олдинги даврга нисбатан янги ҳисоб сиёсатини қўллашни амалий имкони йўқ, токи ушбу давр учун молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботларда акс эттирилган суммаларининг бошланғич ва якуний қолдиқларига бўлган йиғилган таъсирни аниқлашни амалий имкони бўлмагунча, молиявий ҳисоботларда тақдим қилинган олдинги даврларга тегишли бўлган, келиб чиқадиган тузатишнинг суммаси тақдим қилинган олдинги даврлардан энг дастлабки давридаги капиталнинг таъсир қилинган ҳар бир таркибий қисмининг бошланғич қолдиғига олиб борилади.

Одатда, тузатиш тақсимланмаган фойдага киритилади. Аммо, тузатиш банк капиталининг бошқа қисмига қилиниши ҳам мумкин (масалан, МҲХСга риоя қилиш мақсадида). Олдинги даврларга тегишли ҳар қандай бошқа ахборот, масалан молиявий маълумотларнинг олдинги даврлар учун умумлашмаси ҳам имкони борича олдинроқ даврдан бошлаб тузатилади.

Агар банклар янги ҳисоб сиёсатини ҳамма олдинги даврларга нисбатан қўллашнинг йиғилган таъсирини аниқлай олмаганлиги сабабли ушбу сиёсатни ретроспектив тарзда қўллашни амалий имкони бўлмаса, унда янги ҳисоб сиёсатини қўллашни амалий имкони бор бўлган энг дастлабки даврнинг бошидан бошлаб истиқболли равишда қўллайди. Шунинг учун у активлар, мажбуриятлар ва капиталга бўлган, ушбу санадан олдин юзага келадиган йиғилган тузатишнинг қисмини ҳисобга олмайди. Агар ушбу сиёсатни ҳар қандай олдинги даврга нисбатан истиқболли қўллашни амалий имкони бўлмаса, ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритишга рухсат этиладиянги ҳисоб сиёсатини бир ёки ундан кўпроқ олдинги даврларга нисбатан қўллашни амалий имкони бўлмаслиги бўйича кўрсатмалар келтирилади.

Республикамиз банкларида ҳисоб сиёсатини тузиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар жаҳон ҳамда Ўзбекистон миқиёсида етарли даражада ўрганилмаган. Ҳисоб сиёсатига халқаро стандартларда берилган таърифлар билан бирга иқтисодчи олимларнинг фикрларига ҳам эътиборни қаратиш зарур.

Хорижий иқтисодчи олимлардан Л.Смирнова ўзининг илмий асарида, "Тижорат банкларининг ҳисоб сиёсатида ҳисобнинг муҳим вариантларини ҳар хил операцияларда тўғри қўллай билиши керак, шунингдек, тижорат банкларининг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда узвий боғлиқ солиқларни режалаштириш ва баҳолай билишдир" деб таъкидлайди.[18]

В.Астахов тадқиқот ишида ҳисоб сиёсатини қуйидаги учта қисмга ажратган ҳолда ўрганади:

1. Бухгалтерия ҳисобининг методикаси ҳисоб объектларини тан олиш, ўлчаш ва ҳисоб рақамларида акс эттиришнинг танлаб олинган усулларини ифодаловчи ҳолатларни кўрсатиш, методологик жиҳатларни баланс ва ҳисоботнинг бошқа шаклларининг ҳар бир элементи бўйича ифодалаши лозим деб ҳисоблайди.

2. Бухгалтерия ҳисобини юритиш техникаси. Бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун зарур бўлган ишчи счётлар режасини, ҳисоб регистрларини счётларга бириктирилишини, ҳужжатлар шаклларининг альбомини, инвентаризация ўтказиш муддатлари ва тартибини, замонавий компьютерлар ва бошқа ташкилий техника воситаларини, уларни қўллаш учун зарур бўлган классифкатор ва кодификаторларни киритилади.

3. Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бухгалтерия ишини танлаб олинган ташкилий шаклини, ҳисоб ходимлари мехнатини ташкил қилиш усулини, функционал мажбуриятларни бухгалтерлар ўртасида тақсимлашнинг танланган вариантини, ҳужжатлар айланишининг ташкил қилинишини, бош бухгалтерни тайинланиши, ишдан бўшатилиши, ҳуқуқлари, мажбуриятларини кўрсатган.

Ж.Қурбонбоевнинг ҳисоб сиёсатига берган таърифи қуйидагича: «Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисобини тузиш ва топшириш учун муқобил тамойиллар, шарт ва қоидаларга асосланиб, хўжалик

[18] Смирнова Л.Р. «Банковский учёт» - М.: 2000 - 55 б.

юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуасидир".[19]

Ҳисоб сиёсати корхона бухгалтерия ҳисобининг аналитик жиҳатини ҳам ички, ҳам ташқи ахборотлардан фойдаланувчилар манфаатларига мос келтиришга қаратилиши кераклигини олимлар бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалаларига бағишланган ўз илмий ишларида белгилаб берган.

Банкларнинг ҳисоб сиёсати ҳисоб менежменти учун самарали иш қуроли ҳисобланади. Ҳисоб сиёсати банк ходимларининг ҳисоб юритиш, банкнинг молиявий ҳисобини тузиш билан боғлиқ объектив стандартларни ва мезонни аниқлаб беради. Уни тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушунилиши банк бошқарувига ҳисоб стандартларни тўғри олиб боришга, рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади. Ҳар томонлама аниқ ва пухта ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати, банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартибини такомиллашувига олиб келади.

Банкларда банклар томонидан белгиланган ҳисоб сиёсати уларнинг молиявий фаолиятини мустаҳкамлигини кўрсатиб беради ва, шунингдек, банкларнинг биринчи муҳим ҳолатдаги кўрсаткичларидан ҳисобланади. Банкларнинг ҳисоб сиёсати билан танишмасдан банкга баҳо бериш ва бошқа банклар билан таққослаш ва тегишли хулосалар қилиш мумкин эмас. Юқоридаги МҲХС-8га асосан, банклардаги ҳисоб сиёсатини қуйидагича англаш мумкин: "Бунда банк раҳбарияти томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тузиш учун қабул қилинадиган усулларнинг йиғмаси тушунилади". Ҳисоб сиёсатида белгиланган ҳисоб тамойил ва қоидалари ҳисоб юритишнинг самарасини юқори даражада таъминлаши лозим, бунда самара деб, молиявий ва бошқарув ахборотларини ўз вақтида шакллантириш кенг доирадаги фойдаланувчилар учун ишончлилиги, равонлиги ва фойдали бўлишини таъминлаш тушунилади.

Ҳисоб сиёсати – бу банк томонидан операцияларни акс эттириш, назоратни таъминлаш ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун қабул қилинган аниқ бир тамойиллар, асослар, шартлар, қоидалар ва амалиётлардир.

---

[19] Қурбонбоев Ж "Корхоналарда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, юритиш ва ривожлантириш истиқболлари" - Т., 2005 - 18 бет

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 70-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банкларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот қоидаларини ўрнатади. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳисобланади. Банклар томонидан нашр қилинадиган молиявий ҳисобот, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи жараёнида банклар томонидан фойдаланиладиган асосий принциплар (қоидалар), концепциялар ва таърифлар Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига ва МҲХСга мувофиқ бўлиши шарт

Банкнинг тасдиқланган ҳисоб сиёсати банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши мажбурийдир ва улар томонидан асосланмаган қарорларни қабул қилишни олдини олиш мақсадида тегишли бухгалтерия тамойилларини қўллашларида кўмаклашиши керак

Банкларда банк бухгалтерия сиёсатига хўжалик фаолияти фактларини гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини ҳисобдан чиқариш, ҳужжат айланиши ва инвентаризацияни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби счётларини қўллаш, ҳисоб тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва бошқа тегишли усуллар киради. Банклар кейинги ҳисобот йили учун ишлаб чиққан ҳисоб сиёсати олдиндан муассасаларнинг Раислар кенгаши томонидан кўриб чиқилиши ва маъқулланиши, шундан сўнг банк раҳбари томонидан тасдиқланиши лозим. Тасдиқланган ҳисоб сиёсати юридик ҳужжат мақомига эга бўлади.

Банк фаолиятидаги муомалаларда ноаниқликлар мавжуд бўлиши натижасида, молиявий ҳисоботлардаги кўпгина моддалар аниқ баҳоланмай қолади ёки фақат тахминий (ҳисоблаб чиқиб) баҳоланиши мумкин. Тахминий баҳолашлар энг сўнгги ишончли ахборотга таянган ҳолда иш кўришни талаб қилади. Масалан, қуйидагиларни тахминий баҳолаш зарур бўлиши мумкин:

- умидсиз қарзлар;
- товар-моддий захираларнинг қадрсизланиши;
- молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қиймати;

- эскирадиган активларнинг фойдали хизмат муддати ёки уларда мужассамланган келгуси иқтисодий наф қай тарзда олиниши;

- кафолат мажбуриятлари.

Банкларда асосланган тахминий баҳолашлардан фойдаланиш молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг муҳим қисми бўлиб, натижада уларнинг ишончлилигини камайтирмайди. Тахминий баҳолашни улар асосланган шароитларда ўзгаришлар рўй берганида ёки янги маълумотлар олиниши ёхуд кўпроқ тажриба тўпланиши натижасида қайта кўриб чиқиш зарур бўлиши мумкин. Ўз моҳияти бўйича, тахминий баҳолашни қайта кўриб чиқилишининг олдинги даврларга алоқаси бўлмайди ва у хатони тузатиш ҳисобланмайди.

Банкларда қўлланилаётган баҳолаш асосининг ўзгариши ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришдир ва у ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгариш бўлиб ҳисобланмайди. Агар ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришни ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгаришдан фарқлаш қийин бўлса, бундай ўзгариш ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

Банкларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари буйруқ чиққан йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан қўлланилади. Бунда бўлинмаларининг жойлашган жойларидан қатъий назар, банкнинг барча структуравий бўлинмалари томонидан ҳам қўлланилади. Республикамизда банк ҳисоб сиёсати календар йили ичида ўзгармайди, МҲХС-8 тегишли бандларига мувофиқ, ҳисоб сиёсатига қуйидаги ҳоллардагина ўзгартириш киритилиши мумкин:

-тижорат банки қайтадан ташкил этилса, яъни бирлашса, ажралса;

-раҳбар ўзгарганда;

-Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарса ёки Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий тизимларда ўзгариш бўлса;

-бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилса.

4.2. Банкларда ҳисоб сиёсатининг тамойиллари.

Банкларнинг ҳисоб сиёсати олдига қуйидаги асосий талаблар қуйилади:

- фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамияти юқори бўлиши;
- ишончлилик;
- тушунарли ва оддий;
- тўлиқлик, яъни фактларни ҳисобда тўлик акс эттиришни таъминлаш;
- эҳтиёткорлик.

Банкларда ишлаб чиқилаётган ҳисоб сиёсати "Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида шаклантирилади (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1834-3- сон билан рўйхатдан ўтган. 2013 йил, 15 июль).

Янги ташкил этилаётган банк ўзи қабул қилган ҳисоб сиёсатига йил давомида риоя қилиши ва зарурат туғилганда, ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиши мумкин, лекин факат янги ҳисоботга тушунтириш хатида бу албатта, кўрсатилади.

Банкларда танланган ҳисоб сиёсати нафақат бухгалтерия ҳисоби усуллари ва услубиятини руёбга чиқаришнинг самарадорлик даражасига, балки банкнинг молиявий ҳолатига, маблағлардан оқилона фойдаланишга, бошқарув қарорларининг тезкорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Банкнинг ҳисоб юритиш сиёсатини танлаш ва асослашга қуйидаги омиллар таъсир этади:
- мулк шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл;
- фаолият тури ёки тармоқ бўйсунуви;
- солиққа тортиш тизими билан муносабат;
- молиявий-хўжаликнинг ривожланиш стратегияси;
- бошқарув фаолиятининг техник жиҳатидан жиҳозланганлиги;
- банкни маълумотлар билан таъминлашнинг самарали тизими мавжудлиги;
- бухгалтерия ходимининг малака даражаси, банк раҳбарларининг ташаббускорлиги, талабчанлиги ва тадбиркорлиги;
- банк иши самарасидан моддий манфаатдорлик ва мажбуриятлар учун моддий жавобгарлик тизими.

Банк раҳбари таъсир этувчи барча омилларни эътиборга олган ҳолда ҳисоб юритиш сиёсатини асослашга тўғри ёндашиши зарур. Ўз ваколати доирасида банк раҳбари:
- бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг шу каби масалалар бўйича талаблар ва кўрсатмаларини;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳар қандай бошқа ахборотни;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва ҳаражатлар учун уларни аниқлаш, акс эттириш ва ўлчаш баҳоларини;

- капиталнинг жаҳон молиявий бозорлари томонидан қабул қилинган асосий тармоқ амалиётини кўриб чиқади.

Банк биринчи ҳисоботини эълон қилгунга қадар, ушбу қисмга асосан ўзи танлаган ҳисоб юритиш сиёсатини расмийлаштиради, уни юридик шахс мақомини олган вақтдан - давлат рўйхатидан ўтганидан бошлаб, 90 кундан кечиқмасдан амалга оширади. Банк томонидан танланган ҳисоб юритиш сиёсати юридик шахс мақомига эга бўлган вақтдан - давлат рўйхатидан ўтганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар асосли бўлиши ва белгиланган тартибда расмийлаштирилиши лозим. Ҳисоблаш тамойили асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга нафақат пул маблағларини тўлаш ва олиш бўйича аввалдан ўтказилган муомалалар тўғрисида, шунингдек, келгусида пул маблағларини тўлаш мажбуриятлари тўғрисида ҳам тегишли иқтисодий қарорлар қабул қилишида зарур бўладиган ахборотлар беради.

Ҳисоб юритиш сиёсати тегишли ташкилий - фармойиш ҳужжатлари, яъни буйруқ, фармойиш ва ҳ.к. билан расмийлаштирилиши керак ва қуйидаги "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асослари"да келтирилган асосий тамойилларга асосан аниқланиши мумкин:

- ҳисоблаш тамойили;
- икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш.

Ҳисоблаш тамойилига асосан активлар, пассивлар ўз капитали, даромадлар, ҳаражатлар, хўжалик муомалалари ва ҳодисалар содир этилган ёки нақд олинган пайтда бухгалтерия ҳисобида кўрсатилади, улар бўйича пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти олинган ва тўланган вақт бундан мустасно.

Бухгалтерия ёзувлари ҳисоблаш тамойилидан фойдаланилган ҳолда, хўжалик муомалаларининг содир бўлиши вақтида амалга оширилади. Бу тамойилга мувофиқ, маҳсулот ҳаридорга берилгандан кейингина реализация қилинган ҳисобланади, яъни юкланган маҳсулотнинг қиймати реализациядан олинган даврдаги

ҳаражат сифатида ижарачининг бухгалтерия регистрларида мос равишда акс эттирилиши лозим.

Ҳисоблаш тамойили асосида тайёрланган молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга нафақат пул маблағларини тўлаш ва олиш бўйича аввалдан ўтказилган муомалалар тўғрисида, шунингдек, келгусида пул маблағларини тўлаш мажбуриятлари тўғрисида ҳам ахборот беради. Улар тегишли иқтисодий қарорлар қабул қилинишида зарур бўлади.

Икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш қоидаси банкларда бухгалтерия муомалаларини икки ёқлама ёзув тизими асосида юритиш кераклигини билдиради. Икки ёқлама ёзув тизими бир хил муомала бўйича айнан бир хил суммани бухгалтерия ҳисобининг икки счёти- биринниг дебет ва бошқасининг кредитида акс эттирилишидан иборат бўлади.

Ҳисоблаш тамойили, банкнинг даромадлари ва ҳаражатлари тегишли бўлган келиб тушиш санасидан қатъий назар, ҳисобот даврида акс эттирилишини билдиради.

Банкларда ҳисоб снёсати шундай ташкил қилиниши керакки, фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботлар қулай тарзда тузилсин, яъни:

- фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамиятли;
- қуйидаги маънода ишончли, яъни у:

а) банк фаолияти ва молиявий ҳолатининг барча натижаларини ишончли ёрита олсин:

б) фақат юридик шаклнинг ўзини эмас, балки воқеа ва муомалаларнинг иқтисодий моҳиятини ҳам ёритсин;

в) бетараф бўлсин ва мажбурий бўлмасин;

г) бетарафликка зарар етказмаган ҳолда эҳтиёткорлиги бўлсин;

д) барча муҳим жиҳатларда тўлиқ бўлиши ва банк фаолиятининг барча масалаларини тўлиқ ёритсин;

- айнан шундай фаолият юритувчи бошқа банкларнинг молиявий ҳисоботларини қиёслаш имкониятини берсин;
- тушунарли ва оддий бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклари режаси банк операциялари ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, гуруҳлаш ва уларга доир ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган Бош китоб ҳисобварақлари рўйхатидан иборатдир.

Ҳисоб сиёсатидаги хатолар банк молиявий ҳисоботининг элементларини тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш ёки маълумотларни очиб беришда пайдо бўлиши мумкин. Банкларнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ёки пул оқимларининг ўзгача тақдим этишга эришиш мақсадида атайлаб қилинган муҳим хатолар ёки муҳим бўлмаган хатолар мавжуд бўлса молиявий ҳисоботлар МҲХСларга мувофиқ тақдим қилинмаган бўлади. Жорий даврда топилган эҳтимолли хатолар молиявий ҳисоботларни чиқаришга рухсат этилишидан олдин тузатилиши керак. Аммо, муҳим хатолар баъзида кейинги давр келмагунча топилмайди ва ушбу олдинги даврларга тегишли хатолар мазкур кейинги даврнинг молиявий ҳисоботларида тақдим этилган қиёсий маълумотларда тузатилади.

4.3. Ҳисоб сиёсатининг таркибий қисмлари

Банклар томонидан тузиладиган ҳисоб сиёсатининг таркиби қуйидаги 4 та бўлимни ўз ичига олади:

1. Умумий қоидалар

Ушбу бўлимда ҳисоб сиёсатини юритиш ва ҳисоб фаолиятини тартибга солиш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий база ёритилади. У умумий шаклда бўлиб, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- давлатнинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда асосий йўриқнома бўлиб хизмат қилган қонун ва меъёрий ҳужжатлари, Марказий банк ва бошқа молия ташкилотларининг меъёрий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотни;
- ҳисоб сиёсатининг ичида кўриб чиқилган масалаларни (бухгалтерия ҳисобини юритиш ва шу билан боғлиқ ишларни ташкил қилиш, молия ҳисоботини ташкил қилиш, рискларни таснифлаш ва улар устидан назорат ўрнатиш) амалга ошириш билан боғлиқ аниқ кўрсатма ва йўриқномалар тўғрисида умумий маълумотни;
- банкнинг ички низом ва йўриқномаларини ишлаб чиқиш учун асос бўлувчи маълумотни;
- ҳисоб сиёсати банкнинг қайси бўлимларига тегишлилигини аниқ кўрсатган маълумотни;
- ҳисоб сиёсатини амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотни.

2. Ҳисоб услубининг танланган варианти

Бу бўлимда ҳисоб сиёсатининг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича қуйидаги асосий томонлари белгиланиб, унинг ишлаш механизми аниқ кўрсатиб берилади:

- бухгалтерия ҳисоби тамойиллари;
- балансдаги ва балансдан ташқари счётлар бўйича бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизими;
- пул маблағини ҳисоби; банклардан олинган маблағлар ҳисоби;
- молиявий воситалар ҳисоби; кредитлар ҳисоби;
- ижара ҳисоби (лизинг ҳисоби).

3. Молиявий ҳисоботларни шакллантириш

- молиявий ҳисоботга маълумотларни тақдим қилиш;
- молиявий ҳисоботнинг мақсади; молиявий ҳисоботни даврий шаклланиши ;
- молиявий ҳисоботнинг таркиби; молиявий ҳисоботнинг масъуллиги;
- пул оқимининг ҳисоби;
- фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот; оралиқ молиявий ҳисоботни тузиш;
- консалтинг молиявий ҳисобот; молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни ёритилиш ҳолати;
- бухгалтерия баланси тузилган кундан сўнг ҳодисаларни ҳисобга олиш;
- тарафлар билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотни ёритиш ҳолати; фундаментал ҳолатлар ҳисоби;
- ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ҳисоби; фаолиятнинг тўхтатиш ҳисоби;

4. Ҳисоб-Операция фаолиятини юритиш

- операция риски; бухгалтерия назорати.

Ҳисоб сиёсатига мувофиқ, банкларда бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, бухгалтерия ишининг тўғри ташкил этилиши ва назоратнинг аниқ олиб борилиши банкнинг ўз вазифаларини тўғри бажаришини, мавжуд ва бўлғуси инвесторлар, кредиторлар, ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар, шунингдек, банк раҳбарияти ва ходимлари учун банк фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш имконини яратадиган аниқ ва фойдали ахборот олишни таъминлайди.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш ва бухгалтерия аппаратини ташкил қилиш тамойиллари, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҳужжатлар айланмасини йўлга қўйиш усуллари тўғрисида кўрсатмалар берилган, банк операциялари ҳисобини юритиш ва уларни назорат қилиш қоидалари ҳамда бажарилган банк операцияларининг қонунийлиги бўйича жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, ҳисоб сиёсатида қуйидагиларни таъминлаш мақсад қилиб қўйилган:

- ҳисоб-китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ва аниқ акс эттириш;

- банк активлари, мажбуриятлари, даромадлари ва ҳаражатлари ҳамда капитали ҳолати ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумотлар тўплаш;

- банкнинг молиявий ҳолати, молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва молиявий натижалари тўғрисидаги ва банк раҳбарияти фаолиятига баҳо берувчи молиявий ҳисоботларни тузиш учун хизмат қилувчи ахборотлар тизимини яратиш;

- банк иш куни тартибига қатъий риоя қилиш, мижозларга тез ва аниқ хизмат кўрсатиш;

- ҳисоб-китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш;


- банкдан чиқаётган ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштириш ва бунинг натижасида улардан фойдаланишни осонлаштириш, шунингдек, бошқа банкларда ушбу ҳужжатлар билан операциялар бажарилишини ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатувчи мижозларнинг операциялари ҳисобини юритишни белгиланган талабларга мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

- банкдаги пул маблағлари, моддий қимматликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турувчи бланклар камомади ёки ортиқчалигига йўл қўймаслик ҳамда уларнинг сақланишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

- операцияларнинг қонунийлиги ҳамда тўғрилигини доимий равишда ички назорат ва аудитдан ўтказиш, уларнинг натижалари бўйича маълумотномалар тузиш ва расмийлаштириш имкониятини яратиш;

- замонавий компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда банк операциялари ҳисобини дастурий амалга ошириш, ҳисоб ишларини юритиш ҳамда ҳисоботлар тузишда меҳнат ва маблағ сарфини қисқартириш.

Банкларда белгиланган операцияларни амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш тўғрисидаги талаблар барча банклар учун мажбурий бўлиб, уларбелгиланган асосий қоидалар доирасида ўзларининг иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички бухгалтерия ҳужжатларини юритиш тартибини белгилашлари мумкин.



3-расм. **Банк ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш мақсади**

Банк томонидан ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш масалалари мураккаб ва масъулиятли бўлганлиги сабабли кўп ҳолларда мол – мулк, мажбуриятлар ва хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобига олишда хато ва чалкашликларга йўл қўйилада. Тўғри танланган ва асосланган ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобининг барча – ташкилий, методик ва техникавий элементларини қамраб олади.

Банкларда банк ҳисоб сиёсати қонуний белгиланганлиги ва ушбу жараённинг асосий элементлари мавжудлиги қуйидагилар билан аниқланади:

- банкнинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғи мавжудлиги;
- бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режаси;
- ички бухгалтерия ҳисоботи учун бирламчи ҳужжатлар шакллари рўйхати;
- ҳужжатлар айланиши қоидалари ва ҳисоб ахборотининг қайта ишланиши технологияси;
- банк ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғига айрим кўрсаткичлар бўйича тасдиқланган услублар ва бошқа иловалар;
- банкнинг ҳисоб сиёсатига доир маълумотларни очиб берадиган тушунтириш хати;

- бухгалтерия ҳисобини юритишнинг олдинги йиллардан фарқ қиладиган, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда танланган услублар;

- ҳисобот санасидан кейинги воқеалар ва хўжалик фаолиятининг шартли фактлари, битта акцияга тўғри келадиган фойда ҳақидаги қўшимча маълумотлар базаси мавжудлиги.

Ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатида банк муассасаси бухгалтериясида ҳисоб юритиш жараёнида қўлланиладиган бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ва услубий қоидалари акс эттирилади. Республикамиз банклари фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда банкларнинг даромадлари ва ҳаражатларини солиқ базасига қўшиладиган ва қўшилмайдиган гуруҳларга ажратилиши ҳам бюджет билан бўладиган ҳисоб – китобларда у ёки бу вариантни мустақил танлаш имкониятини беради. Ҳисоб сиёсатининг методологик жиҳатда бюджет билан бўладиган ҳисоб – китобларининг қуйидаги масалалари ўз аксини топган:

- фойда (даромад) солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб – китоблар даврини белгилаш;

- қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб – китоб вариантларини аниқлаш;

- кредит операциялари ҳисобининг солиқ жиҳатлари;

- қимматли қоғозлар операциялари ҳисобининг солиқ жиҳатлари;

- валюта операциялари ҳисобининг солиқ жиҳатлари.

Ҳисоб сиёсатининг методологик жиҳати акс эттириладиган бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ва услубий қоидаларини ҳисоб сиёсатида шакллантиришда қуйидаги асосий масалаларни ечимлари кўрсатилиши зарур:

- асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш тартиби;

- асосий воситалар ва арзон баҳоли тез эскирувчан буюмларни чегаралаш;

- банк фаолияти учун зарур бўлган материаллар ва банк анжомларини сотиб олиш, сақлаш ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби;

- банк фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни ҳисобга олиш ва тан олиш тартибини белгилаш;

- асосий воситаларни таъмирлашни молиялаштириш ва уни ҳисобга олиш тартиби;
- келгуси давр сарфларини қоплаш муддатлари;
- келгусидаги тўловлар ва ҳаражатлар учун захиралар;
- қайтарилиши мавҳум бўлган қарзлар бўйича захиралар;
- банк фаолиятидан олинадиган даромадларни тан олиш тартиби;
- келгуси давр даромадларини ҳисобга олиш ва тан олиш тартиби;
- соф фойдани аниқлаш ва тақсимлаш тартиби;
- дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилаш ва ҳисобда акс эттириш;
- берилган ва олинган кредитлар бўйича фоизларни ҳисоблаш, тўлаш ва уларни ҳисобда акс эттириш;
- олинган кредитларни баҳолаш тартиби.

Ҳисоб сиёсати ташкилий жиҳатдан банк муассасасида ташкил қилинган бухгалтерия хизматининг ташкилий шакиллари, бухгалтерия хизматининг таркиби ва ҳисобнинг марказлаштирилган даражаси, банк бўлинмаларини алоҳида балансга ажратиш ва ички назоратни ташкил қилиш масалаларини ўз ичига олади. Ҳисоб сиёсатининг техник жиҳати эса куйидаги масалаларни ўз ичига олади:

- марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган счётлар режаси асосида ишлаб чиқилган ишчи счётлар режаси;
- дастлабки ҳужжатларнинг ҳисоб шаклларидан фойдаланиш тартиби;
- бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар айланиши ва уларни қайта ишлаш тартиби;
- мулк ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш.

Банкларда ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ташкилий жиҳатида банкда ташкил қилинадиган бухгалтерия хизматининг тузилиши ва таркиби аниқланган ва уларнинг лавозими бўйича ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари белгиланган. «Бухгалтерия ҳисоб тўғрисида» ги қонунга мувофиқ, банк бошқарувчиси бош бухгалтер лавозимига тайинланадиган шахс номзодини банкнинг юқори ташкилоти раҳбариятига тавсия қилади. Банк раҳбари банк бухгалтериясининг нормал ишлаши учун етарли шароит яратилиши учун жавобгар ҳисобланади. Бош бухгалтер бухгалтерия аппаратига раҳбарлик қилади ва ҳисоб-китобларнинг аниқлигига,

тўғрилигига ва ўз вақтида бажарилишига жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, ҳисоб сиёсатининг ташкилий жиҳатида банк бухгалтериясининг иш графиги ҳам кўрсатилади. Унда бухгалтерия ходимларининг иш куни тақсимланиши, иш кунлари мобайнида келиб тушган ҳисоб-китоб пул ҳужжатларини ўз вақтида қабул қилиш, қайта ишлаш, бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш ва кундалик балансни белгиланган вақтга тузишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Иш кунини тақсимлашда банк ўз мижозларига хизмат кўрсатиш вақтини аниқ белгилаб қўяди. Ҳар бир банк бўлинмалари мижозларга хизмат кўрсатиш графигини мустақил белгилайди. Миллий банкида амалга оширилган операцияларнинг қонунийлигини назорат қилиш банкда ташкил қилинган ички назорат ходимлари орқали амалга оширилади.

Банкларда ҳисоб сиёсатининг техник жиҳатидаги асосий масалалардан бири Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган счётлар режаси асосида ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Аммо ишчи счётлар режасини ишлаб чиқишда банк фақат иккинчи тартибли счётлар рўйхатига ўзгартириш киритишга ҳақли ва уларнинг рўйхатини келтириши зарур. Иккинчи тартибдаги янги иш счётларини киритишда аввало, банкда бажариладиган операцияларнинг иқтисодий мазмунини ҳисобга олган ҳолда банк операцияларини бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳисобга олишнинг усули ва услубий тамойилларига амал қилинади. Миллий банкда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, банк операцияларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун банк раҳбари жавобгар ҳисобланади.

Банк ҳисоб сиёсатининг солиқ тизими банк муассасасида содир бўлган хўжалик жараёнларининг солиқларни ҳисоблаш методикаси ва улар бўйича бюджет билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоб масалаларини ўз ичига олади. Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳисоб сиёсатининг у ёки бу элементларини белгилашда уларнинг солиқлар соҳасидаги оқибатларини ҳам олдиндан кўра билиши керак. Ҳисоб сиёсатининг солиқ тизимида, даромад солиғи ва қўшилган қиймат солиғи сингари солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш варианти банк томонидан қонунда белгиланган нормага асосланиб, мустақил танланади ва ўз ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйилади. Банк ҳисоб сиёсатининг яна бир муҳим солиқ тизими банкнинг барча ҳаражатларини (даромадларини) солиққа

тортиш мақсадларида ҳисобга олинувчи ҳаражатларга (даромадларга) ажратишдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси тасдиқлаган Йўриқномага мувофиқ, ҳар бир ташкилот ёки банклар (бюджет ташкилотлари ва кичик корхоналардан ташқари) даромад солиғи тўлашнинг даврийлигини ўзлари танлаш ҳуқуқига эгадирлар: ҳар ойда, кечи билан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20- кунигача, амалда олинган даромаддан келиб чиқиб ёки бўлмаса ҳар чоракда, ҳар ойда аванс (бўнак) тўловларини амалга ошириш йўли билан. Бюджетга даромад солиғи тўлаш тартиби банк томонидан белгиланади ва бу тартиб календарь йилининг охиригача ўзгаришсиз амал қилади. Бу ҳолатлар банк ҳисоб сиёсатида назарда тутилиши лозим. Даромад солиғини ҳар ойда тўлаш Давлат солиқ инспекциясига ҳар ойда «Амалда олинган даромад ҳисоб-китоби» ва «Ҳисоб-китоблар»да акс эттирилган маълумотлар ҳақида маълумотнома, бинобарин, «Даромад ва ҳаражатлар ҳақида ҳисобот» тақдим этишни ҳам назарда тутади. Бу ҳолда молиявий натижаларни ҳам ҳар ойда шакллантириш назарда тутилиши лозим. Даромад солиғини чоракда, ҳар ойда аванс тўловларини амалга ошириш йўли билан тўлаш ҳар чоракда амалда олинган даромад билан аванс тўловлари ўртасидаги тафовутни бюджетга тўлашни ҳам назарда тутади. Бу эса, табиийки, банк айланма воситаларидан қўшимча ажратмалар қилишни талаб этади ва ҳисобот тузишда иш ҳажмини камайтиради. Даромад солиғини ҳар чоракда тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолда молиявий натижаларни ҳам ҳар чоракда шакллантириш назарда тутилиши лозим.

Банкларнинг қимматли қоғозлари қийматини аниқлаш усулларидан бирини ўз ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйиши лозимлиги юқорида айтиб ўтилди. Аммо солиқ органлари бу масалада бошқача фикрда бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам қимматли қоғозлар қийматини аниқлаш усулини ҳисоб сиёсатида белгилашдан олдин солиқ идоралари билан келишиб олган маъқул. Банк портфелидаги қимматли қоғозларни реализация қилиш операцияларини солиқ ҳисобига олишда катта ўзгаришлар рўй берди, яъни:

- қимматли қоғозлар, фьючерс ва опцион контрактларини реализация қилишдан кўрилган зарарлар қимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчиларида қабул қилиниши белгилаб қўйилади;

- ташкил этилган қимматли қоғозлар бозорида иштирок этувчи барча акциялар ва облигациялар бўйича кўрилган зарарлар уларнинг бозор баҳоси доирасида тан олинади;

- қимматли қоғозлар, фьючерс ва опцион контрактларини реализация қилиш натижаси реализация нархи билан ҳарид нархи ўртасидаги тафовут тарзида аниқланиб, бунда уларни сотиб олиш ва сотиш ҳаражатлари ҳисобга олинади. Демак, натижани аниқлашда қайта баҳолаш ҳисобга олинмайди, бу эса даромад солиғи бўйича солиққа тортилувчи асосга қўшимча тузатиш киритишни талаб этади.

Банк фаолиятида пул маблағларининг ҳаракати ва уларнинг манбалари ҳақида маълумотларни йиғишда бухгалтерия ҳисоби катта роль ўйнайди. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланган ҳолда банкнинг актив ва пассив операциялари режалаштирилади. Молиявий ҳисоботларнинг натижаси банкнинг молиявий ҳолатини кўрсатади ва банк раҳбарининг банк ишини ривожлатиришда аниқ чора - тадбирлар ишлаб чиқишига шароит яратади. Қабул қилинган сиёсат асосида тадбирларни амалга ошириш механизми яратилади, бу фаолият банк ходимларининг кундалик иш жараёнларида ҳамда операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда ўз ифодасини топади.

Республикамиз банкларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва унга амал қилишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, жумладан "Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар" номли 8-сон МҲХСнинг ўз ўрни ва аҳамияти каттадир. Сабаби, мазкур стандартда белгиланган қоидалар ва кўрсатмаларга мувофиқ, банклар ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши мумкин бўлади. Албатта, ушбу халқаро стандартларда белгиланган талаблар ва меъёрлар тавсия кўринишга эга бўлиб, жаҳондаги ҳар бир мамлакат ўзининг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумдавлат ёки тармоқ миқиёсида ҳисоб сиёсатини яратади.

Бугунги кунда МҲХСларини қўллаш юзасидан мамлакатлар уч тоифага ажратилади: МҲХСларини тўғридан тўғри тан оладиган ва қабул қиладиган мамлакатлар, МҲХС асосида ўзининг миллий стандартларини ишлаб чиқадиган мамлакатлар ҳамда МҲХСни тан олмайдиган мамалакатлар. Ўзбекистон МҲХС асосида ўзининг миллий бухгалтерия қоидаларини ишлаб чиқадиган мамалакатлар қаторига киритилади. Лекин ушбу стандартлар (Бухгалтерия

ҳисобининг миллий стандартлари - БҲМС) банк тизими учун татбиқ этилмайди. Натижада республика банк тизимидаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлар талабларига тўлиқ мувофиқлаштирилмоқда. Жумладан, Республикамизда бухгалтерия ҳисобини МҲХСларига мувофиқлаштириш бўйича қуйидаги ташкилот ва муассасаларда ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси; Ўзбекистон Банклар ассоциацияси; Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси; Ўзбекистон Бухгалтерлар федерацияси.

Шунингдек, республикамизда фаолият юритиб келаётган "катта тўртлик" деб ном олган халқаро аудиторлик ташкилотлари (Deloite, PwC, EY) томонидан ҳам халқаро стандартлар талаблари асосида молиявий ҳисоботларни шакллантиришга катта ҳисса қўшиб келинмоқда.

Ўтган йиллар давомида ушбу белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни МҲХСга тўлиқ мослаштириш борасида қуйидаги вазифалар белгилаган:

- банклар томонидан молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш бўйича амалдаги йўриқномаларни МҲХСга мос равишда такомиллаштириш;
- МҲХСни жорий этиш ва қўллаш бўйича банк ходимларини қайта тайёрлаш;
- республика бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишга асос бўлган барча қонун ҳужжатларини, шу жумладан, Марказий банкнинг банк тизимига оид меъёрий ҳужжатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш;
- МҲХСга мос равишда янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- МҲХС талабларига мос бўлган Банк автоматлаштирилган тизимини Ташқи аудиторлик ташкилотларининг сертификатига эга бўлган ходимлар билан ҳамкорликда янгилаш бўйича тавсияларни тайёрлаш.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни МҲХСга мувофиқлаштириш жараёнлари ўтган асрнинг 90-чи

йилларига бориб такалади. Ушбу йиллар давомида Марказий банк томонидан босқичма-босқич ўтиш тамойиллари қўлланилди. Жумладан:

1-босқич; Жаҳон банки билан ҳамкорликда МҲХСга мос бўлган Марказий банк ва тижорат банклари учун алоҳида ҳисобварақлар режаси ишлаб чиқилди (1994-1997 йиллар);

2-босқич; АҚШнинг USAID халқаро ташкилоти билан Марказий банк ўртасидаги Меморандумга асосан МҲХСга мос бўлган 20 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди (2003-2010 йиллар);

3-босқич; Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарорига асосан МҲХСга ўтишни янада такомиллаштириш вазифаси белгиланган (2010 йилдан кейинги даврлар).


Ўзбекистонда МҲХСни банк тизимига жорий этиш асосан, трансформациялаш усули бўйича амалга оширилмоқда.

Мазкур усулга кўра, миллий стандартлар ёки меъёрий ҳужжатлар асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларга тузатишлар киритилиб, МҲХСга мувофиқлаштирилди. Мазкур усул содда (оддий) ва қиймати жиҳатидан арзонроқ (қулай) ҳисобланади. Бироқ йил охирига келиб, тўпланган молиявий ҳисобот маълумотларини МҲХСга ўгириш жараёнида уларнинг шаффофлиги ва ишончлилик даражасига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Банклар ўз ҳисоб сиёсатларини тузишда аввало, МҲХС қоидалари ҳамда Марказий банк томонидан ишлаб чиқилаётган барча қонун-қоидаларни ўрганиб чиқиб, ўз ҳисоб сиёсатларини тузишлари ва ушбу ҳисоб сиёсатларида танланган йўлни аниқ кўрсатишлари керак.

Банклар томонидан ишлаб чиқилаётган ҳисоб сиёсати халқаро стандартда белгиланган мақсадларни ўз ичига олиши лозим. Ҳисоб сиёсати бўйича стандартнинг мақсади, ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш учун мезонларни ўрнатиш ҳамда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатишни ҳисобга олиш тартибини ва уларга тегишли

очиб бериладиган маълумотларни белгилашдан иборатлиги кўрсатилган.Ушбу 8-сон МҲХС банкларнинг молиявий ҳисоботларида акс эттирилган ахборотнинг ўринлилиги ва ишончлилиги ҳамда бу молиявий ҳисоботларнинг даврлараро ва бошқа банкларнинг молиявий ҳисоботлари билан қиёсланувчанлигини оширишга қаратилган.



4-расм. **Банкларда ҳисоб сиёсатини тузиш тартиби**

Банкларнинг ҳисоб сиёсатини тузиш амалиётини таҳлили, уни шакллантириш жараёнида айрим муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Банкларда ҳисоб сиёсатини тузишда банкнинг барча бўлинмалари иштирок этишлари, бўлимлардаги ҳар бир мутахассиснинг қонунчиликдан келиб чиққан холда, фикрларини тинглаш, мухокама қилиш ва овозга қўйиш лозим. Ҳар бир ходим ҳисоб сиёсатини қай тартибда тузилганлигидан хабардор бўлиши ва буни иш жараёнида қўллай олиши лозим.

Банкнинг ҳисоб сиёсатини тузишда бухгалтерия бўлими томонидан берилган Ҳисоб сиёсати лойиҳаси муҳокамага қўйилиши ва уни тасдиқлаш кўзда тутилган, лекин банкнинг бошқа бўлимлари, жумладан, кредит бўлими, пул муомаласи бўлими ва бошқа бўлимлар лойиҳаси ҳисоб сиёсатини тузишда иштирок

этмайди. Ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнини оптимал ташкил қилиниши банкнинг амалий фаолияти самарасини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Агар ушбу муаммо ижобий ҳал қилинмаса, тижорат банклари ҳисоб сиёсатини шакллантиришда ва унга амал қилишда муаммолар вужудга келиши муқаррар. Бу эса банклар фаолиятини самарали бошқариш учун зарур бўлган маълумотлар тўпламини вужудга келтириш имкониятлари чекланишига олиб келади. Шу сабабли ҳам айрим банкларда баъзан мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобига олишда хато ва чалкашликларга йўл қўйилмоқда. Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда уни асослаш ва тўғри танлаш ҳамда унинг ташкилий услуб ва техникавий элементларини такомиллаштириш зарур.

МҲХС га мувофиқ банк раҳбарияти мазкур стандарт талабларига жавоб берувчи молиявий ҳисоботни олиб борувчи тегишли ҳисоб сиёсатини танлаши мақсадга мувофиқ. Агар уларда махсус талаблар мавжуд бўлмаса, ҳисоб сиёсатини танлаш ва амалга оширишда ҳисоб маълумотларининг ўринлилиги, аниқлиги, мазмуннинг шаклдан устунлиги, бетарафлиги, муҳимлиги ва эҳтиёткорлик сингари қоидаларга амалга қилиш тавсия этилади. Муайян халқаро стандарт ва талқин қилиш бўйича Мунтазам комитетнинг тушунтиришлари бўлмаган ҳолларда банк ташкилоти раҳбарияти молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни энг фойдали маълумотлар билан таъминлайдиган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ўз тартиб-қоидаларидан келиб чиқади.

МҲХС бухгалтериянинг муҳим таркибий қисмидир, шунинг учун ҳам мазкур стандарт бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисобот тайёрлаш жараёнида амал қилиш лозим бўлган бир нечта асосий қоидаларни таклиф этади. Бу қоидалар кўпгина мамлакатларда қўлланилади ва бухгалтерия ҳисоби амалиётида фойдаланиш учун мақбул деб эътироф этилган. Банк ташкилоти молиявий ҳисоботга берилган изоҳда ўз ҳисоб сиёсатининг манфаатдор фойдаланувчилар молиявий ҳисоботини баҳолаши ва қарорлар қабул қилишига жиддий таъсир этувчи қоидаларини очиб бериши керак.

Аудит банклар ҳисоб сиёсатининг ташкилий-техникавий жиҳатида кўриладиган масалалар, яъни банк операциялари, олиб бориладиган ҳисоб-китобларни такомиллаштириш бугунги кунда

тижорат банкларининг ривожланишида катта ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларини аудит қилувчи ташкилотлар зиммасига тижорат банкини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг аҳволини ўрганиш мажбуриятини юклайди.

Текширувни режалаштириш ва ўтказиш жараёнида аудитор текширилаётган тижорат банкидаги бухгалтерия ҳисоби тизимини тушуниб етиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби тизими билан танишиш ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий қоидалари, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ҳисоботини тайёрлаш учун масъул бўлинманинг ташкилий тузилмаси, ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тайёрлашда иштирок этувчи ходимлар ўртасида мажбуриятларнинг тақсимланиши, банк томонидан амалга оширилган операциялар акс эттирилган ҳужжатларни тайёрлаш, уларнинг айланиши ва сақланишини ташкил этиш, амалга оширилган операцияларни бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш тартиби, бундай регистрлардаги маълумотларни умумлаштириш шакллари ва усуллари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида даврий бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш тартиби, ҳисобни юритиш ва ҳисоботлар тайёрлашда ҳисоблаш техникасининг роли ва аҳамияти, ҳисобга олиш тизимининг алоҳида участкаларида назарда тутилган назорат воситалари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, таҳлилдан ўтказиш ва баҳолашни ўз ичига олади. Бошланғич ҳисоб ҳужжатларида операцияларнинг ҳисоб ва ҳисобот учун муҳим деталлари акс эттирилган, барча операциялар бухгалтерия ҳисобида тўғри даврда, тегишли бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида, амалдаги меъёрий ҳужжатларга ва банкда қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ қайд этилган, фирибгарлик ҳолатларининг пайдо бўлиши имкониятлари чекланган бўлса, бухгалтерия ҳисоби тизими самарали деб топилади.

Банкларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда қўлланма бўладиган услубиёт асосларини пухта ишлаб чиқиш зарур, жумладан банкларнинг ҳисоб сиёсати танлашда таъсир этувчи омилларни белгилаб олиш ва ҳисоб сиёсатини таркибини такомиллаштириш муҳим.

Банкларнинг ҳисоб сиёсатини самарали шаклланишида ҳамда уни амалга оширишда ахборот таъминоти муҳим ўрин эгаллайди. Унга жиддий ёндашув талаб қилинади, чунки бугунги куннинг

эришиш мақсадида уларнинг таҳлилини амалга ошириш мумкин. Шунигдек, бухгалтерия ҳисобини компьютерлашганлик даражаси самарали ҳисоб сиёсатини шаклланиш жараёнига катта таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, автоматлаштириш усулида ахборотларни қайта ишлаш тижорат банкининг ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйилади.

Банк ҳисоб сиёсатини шакллантиришда маълумотни муҳофаза қилиш масаласи муҳим ҳисобланади. Автоматлаштирилган ахборот таъминоти бир томондан, маълумотларни ўз вақтида олиш, ишлатиш ва қайта ишлаш имкони яратсада, иккинчи томондан, маълумотларнинг нолегал фойдаланувчиларга тушиб қолиш хатари мавжуд. Ахборот ресурслари тоифалари бўйича ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларига ва фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларига бўлинади. Чекланмаган доирадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборот ресурслари ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсларидир. Банк ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишнинг пировард мақсади, бошқарув ҳисоби ва таҳлилнинг самарали, интеграциялашган тизимини яратишдан иборат.

АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Ҳисоб сиёсати (намуна)

1-бўлим Умумий қоидалар. Бухгалтерия ҳисоби сиёсати Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги ва "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунлари, "Тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель), "Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида"ги (рўйхат рақами: 943, 2000 йил 5 июн), "Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлари тўғрисида"ги (рўйхат рақами: 1270, 2003 йил 3 сентябр), "Тижорат банклари томонидан жамланма молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби тўғрисида"ги (рўйхат рақами: 1445, 2005 йил 18 январ) Низомларга, Молиявий Ҳисоботнинг халқаро Стандартлари (МҲХС) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 41-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банкларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот қоидаларини ўрнатади. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби

тўғрисида"ги Қонуни ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги матнда - МҲХС) ҳисобланади. Банклар томонидан нашр қилинадиган молиявий ҳисобот, шунингдек бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи жараёнида банклар томонидан фойдаланиладиган асосий принциплар (қоидалар), концепциялар ва таърифлар Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунига ва МҲХСга мувофиқ бўлиши шарт.

Бухгалтерия ҳисобига асос бўлувчи тамойиллари мақсадларини амалга ошириш учун Банк Кенгаши, Банк Бошқаруви, Банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти ва Ички аудити департаментининг аниқ мажбуриятлари белгиланган.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 25 октябрда 1419-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида Низом"га мувофиқ чоп этиладиган молиявий ҳисоботларнинг қуйидаги шакллар белгиланган:

а) жамланма баланс ҳисоботи;

б) фойда ва зарарлар тўғрисида жамланма ҳисобот;

в) пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида жамланма ҳисобот;

г) акциядорлик капиталидаги ўзгаришлар тўғрисида жамланма ҳисобот;

д) асосий ҳисоб сиёсатлари ва тушунтирувчи изоҳлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 21.01.2004 й.да 1301-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидаги хатоларни тузатиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан банкнинг молиявий ҳисоботларидаги хатоларни тузатиш Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва МҲХСга мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу тартиб фақат Бош банк томонидан тақдим этилаётган молиявий ҳисоботларга қўлланади.

Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ ҳар йили бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботларида акс эттирилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилигини текшириш учун активлар ва мажбуриятлар йўқламадан ўтказилади. Йўқламадан ўтказиш 19-сонли Ўзбекистон

Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартининг "Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш" талабларига мувофиқ ўтказилади.

2-бўлим. Ички назоратни шакллантириш. Банк операцияларининг ички назорати – банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан кунлик банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қонунчиликка мослиги, самарадорлиги, юқори малакада бажарилиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш тизими;

Ички назорат дастлабки назорат, жорий назорат ва якуний назоратга бўлинади. Банк, бухгалтерия ҳужжатлари, бланкалари, муҳрлари ва штампларини қатъий тарзда сақланишини таъминлаши шарт. Бухгалтерия ҳужжатларини, бланкалари, муҳрлари ва штампларини сақлашни тўғри ташкиллаштирилиши ва ўрнатилган тартибга амал қилиниши учун жавобгарлик банкларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари зиммасига юклатилади.

3-бўлим. Махсус функциялар. Берилган ёки олинган кредитлар ва улар бўйича фоизли даромадлар ёки харажатларни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари Режаси"га ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда 1435-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ амалга оширилади. Лизинг операциялари ҳисоби "Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (рўйхат рақами 1648, 2006 йил 27 декабр) асосан амалга оширилади.

Банк томонидан факторинг операциялари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 августда 953-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида амалга оширилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш Адлия Вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатга олинган "1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низом" га асосан амалга оширилади. Талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит

ҳисобварақларини очиш «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги Йўриқномага (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрел) ва «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тугрисида»ги йўриқномага мувофиқ тартибга солинади.

Банклар устав капиталининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

VI БОБ. БАНКЛАРДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ (МҲХС 32, 39)

6.1. Банкларда молиявий активлар: туркумлаш ва баҳолаш тартиби

Ўзбекистон банк тизимида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни қўлланишидан асосий мақсад, мамлакатда қабул қилинган ҳисоб, ҳисобот ва аудит қоидаларини халқаро стандарт талабларига мослаштириш ҳисобига банк тизими фаолиятининг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлашдир. Мутахассисларнинг фикрича, банк тизимида МҲХСни муваффақиятли қўллаш барча молия муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини фаол жорий этишга кўмаклашади. Банк тизимида МҲХСни қўллаш банклар томонидан ҳам назорат мақсадида, ҳам бошқарув мақсадларини кўзлаб, ишончли молиявий ахборот беришини таъминлаши лозим. Ўзбекистон тижорат банкларида МҲХСни қўллашда ўз ҳисоб ахбороти тизимини (аввало бошқарув мақсадидаги ҳисобни ва ички назоратни) такомиллаштириш учун имконият пайдо бўлади. Шуни таъкидлаш мумкинки, молиявий активлар ҳисобини ташкил этишда халқаро қоидалари ҳам ишлаб чиқилган. Масалан, 32 МҲХС "Молиявий воситалар: ошкор қилиш ва тақдим қилиш", 39 МҲХС - "Молиявий воситалар: тан олиш ва баҳолаш" ва 7 - "Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот" деб номланган стандартларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

МҲХС 39 стандарт пул маблағлари ёки бошқа молиявий воситалар билан соф асосда ёки молиявий воситаларни айирбошлаш орқали, шартномалар молиявий воситалар бўлганидек, ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлган номолиявий моддани сотиб олиш ёки сотиш шартномалари учун қўлланилиши мумкин бўлади.

Ушбу стандартда қуйидаги операцияларда фойдаланилади:

- ҳисобдан чиқариш;
- деривatив;
- улушли восита;
- ҳаққоний қиймат;
- молиявий актив;

• молиявий кафолат шартномаси;

• молиявий восита;

• молиявий мажбурият ва ушбу таърифларни қўллаш бўйича қўлланма.

Халқаро стандартга мувофиқ, молиявий активларни тан олиш ва баҳолашга тегишли таърифлар қуйидагилардан иборат.

Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати- бу молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг дастлаб тан олинганда баҳоланган қиймати минус асосий қарз тўловлари, плюс ёки минус самарали фоиз ставкасини қўллаган ҳолда бошланғич қиймат билан сўндириш қиймати орасидаги аниқланган ҳар қандай фарқнинг йиғилган амортизацияси ҳамда минус қадрсизланиш ёки умидсиз қарзлар бўйича ҳар қандай камайиш суммаси (бевосита ёки резерв ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда).

Самарали фоиз усули- бу молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг (ёки молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар гуруҳининг) амортизацияланган қийматини ҳисоблаш ва фоизли даромад ёки фоизли ҳаражатни тегишли даврда тақсимлашдир.

Самарали фоиз ставкаси- бу молиявий воситанинг кутилган хизмат муддати ёки ўринли бўлганда, қисқароқ муддат давомида баҳоланган келгуси пул тўловлари ёки тушумларини молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг соф баланс қийматигача мутлақо тўғри дисконтлайдиган фоиз ставкаси. Самарали фоиз ставкасини ҳисоблашда, тадбиркорлик субъекти молиявий восита шартномасининг барча шартларини (масалан, олдиндан тўлов, "колл" ва шунга ўхшаш опциопларни) инобатга олган ҳолда пул оқимларини баҳолаши, аммо келгуси кредит зарарларини эътиборга олмаслиги лозим. Ҳисоблаш шартнома томонлари ўртасида тўланган ёки олинган ҳамда самарали фоиз ставкасининг ажралмас қисми ҳисобланадиган барча ҳақлар ва йиғимларни, битимга доир ҳаражатларни ва бошқа барча мукофотлар ёки дисконтларни қамраб олади. Бунда шундай фараз мавжудки, пул оқимлари ва ўхшаш молиявий воситалар гуруҳининг кутилган хизмат муддати ишончли баҳоланади. Бироқ, пул оқимларини ёки молиявий воситанинг (молиявий воситалар гуруҳининг) кутилган хизмат муддатини ишончли баҳолаш имкони бўлмаган айрим ҳолатларда, тадбиркорлик субъекти молиявий воситанинг (молиявий воситалар

гуруҳининг) тўлиқ шартномавий муддати давомидаги шартномавий пул оқимларидан фойдаланиши лозим.

Битимга оид ҳаражатлар - бу молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг ҳариди, эмиссияси ёки чиқиб кетиши билан бевосита боғлиқ қўшимча ҳаражатлардир.

Қўшимча ҳаражат бу агар тадбиркорлик субъекти молиявий воситани сотиб олмаганда, эмиссия қилмаганда ёки чиқиб кетишини амалга оширмаганда сарфланмайдиган ҳаражатдир.

Хеж ҳисобига тегишли таърифлар эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

қатъий келишув- бу белгиланган келгуси сана ёки саналарда белгиланган нархда ресурсларнинг белгиланган миқдорининг алмашинуви бўйича мажбурият юклайдиган келишув.

Режалаштирилган операция бу мажбурий бўлмаган, аммо кутилган келгуси операциядир.

Хежлаш инструменти бу белгиланган дериватив ёки(фақат хорижий валюта курсидаги ўзгариш рискининг хеджи учун) белгиланган но-дериватив молиявий актив ёки белгиланган нодериватив молиявий мажбурият бўлиб, уларнинг ҳаққоний қиймати ва пул оқимлари белгиланган хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришларни қоплаши кутилади.

Хежланган модда - бу актив, мажбурият, қатъий келишув, юқори эҳтимолли режалаштирилган операция ёки хориждаги бўлинмага соф инвестиция бўлиб, бунда у тадбиркорлик субъектини ҳаққоний қийматдаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришлар рискига дучор этади ва хежланадиган сифатида белгиланади.

МҲХС-39 дан фойдаланиб, молиявий активлар ва мажбуриятларни тавсифлайдиган бир қанча белгиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, мажбурият ҳозирги пайтда мавжуд бўлса ва хўжалик фаолиятининг олдинги фактлари оқибати бўлса; бўлажак тўловларнинг зарурлиги билан боғлиқ бўлса, у кредиторлик қарзи ҳисобланади ва уни бажариш муддати кўрсатилган бўлса ҳам, ҳозирги пайтда бажарилиши керак.

МҲХС-39да молиявий воситалар кейинчалик улардан банклар қандай фойдаланишига қараб, қуйидаги йирик гуруҳларга бўлинган:

- сотиш учун мўлжалланган молиявий активлар ва мажбуриятлар;

- банк томонидан берилган қарзлар ва дебиторлик қарзлари тўлангунга қадар ушлаб туриладиган инвестициялар;

- сотиш учун мавжуд бўлган нақд молиявий активлар.

Бундай тасниф активларни ва мажбуриятларни уларнинг турларига қараб чегаралашга имкон беради, лекин қарзларни тўлаш муддатлари бўйича бир турдан иккинчисига ўтиши (градацияси) кўзда тутилмаган.

МҲХС-7 «Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» деб номланган бўлиб, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг барча тоифасига, хусусан, тижорат банкларининг пул маблағларига бўлган талабини, пул маблағлари ва унга тенглаштирилган эквивалентларни яратиш имкониятини баҳолашга ёрдам беради. Бундан ташқари, фойдаланувчиларга пул оқимларини яратишнинг вақти ва аниқлиги зарурдир.

Шу боис, МҲХС-7дан тижорат банклари йиллик молиявий ҳисобот тузиш ва тайёрлашларда фойдаланишга мажбур. Чунки, унинг мақсади, ушбу номдаги ҳисоботда пул маблағлари ва унга тенглаштирилган маблағлар суммаларининг ўзгариши ҳақидаги ахборотни тақдим этишдан иборат. Стандартга мувофиқ, пул маблағлари ҳаракати қуйидаги уч йўналишда: операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятга бўлиб, таснифланади. Молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларидан пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг фарқи шундаки, унда фойдаланувчиларга қуйидагиларни баҳолашга ёрдам берилади:

1. Банкнинг соф активларининг ўзгариши;

2. Банк молиявий структурасининг ўзгариши (жумладан, ликвидлилик ва тўлов қобилияти);

Иқтисодий ўзгарувчан вазият ва ҳолатларда банкнинг мослашувчанлиги, пул оқимлари ҳажми(муддати)га таъсир этиш имконияти.

Банк кредитлари, одатда молиявий фаолиятга киритилади. Бироқ, бир қатор давлатларда банк овердрафтлари (талаб бўйича тўловлар)га ташкилот пул оқимларини бошқаришда унинг ажралмас бир бўлаги сифатида қаралади ҳамда пул маблағлари ва унинг эквивалентлари таркибига киритилади. Бундай банк счётларининг ўзига хос хусусияти, унинг дебетидаги сумманинг кредитига нисбатан тез ўзгаришидир.

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ҳар қандай молиявий муассаса ҳисоб тизимининг муҳим қисми ҳисобланади. Буюк Британия ва АҚШ бухгалтерия ҳисоби мажбурий қоидаларида ана шундай ҳисобот тузиш талаб қилинади. Мамлакатимизда ҳам Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига шу талаб қўйилган. Маълумки, барча банклар молиявий ҳисоботнинг асосий шакллари, яъни бухгалтерия балансини ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тўлдиради. У бирор банк пулни қандай олганлиги ва бу маблағ қандай мақсадларга сарфланганлигини кўрсатади. Банкнинг молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар ўша ҳисобот ёрдамида унга талаб қандайлигини, тўлов қобилиятини, молиявий аҳволини ва қанча фойда келтиришини баҳолаш имкониятига эга бўладилар

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий субъектлар фаолиятини чуқур интеграллашиб кетган инвестицион фаолиятисиз тассавур этиб бўлмайди. Бугунги кунда инвестиция (молия) бозори нафақат бир мамлакат доирасида, балки жаҳон иқтисодиёти субъектлари билан чамбарчас ҳолда ривожланиб, транс-миллий шаклини эгаллаб улгурган. Ҳар бир субъект бошқа бир субъктга инвестиция киритиб, инвестор бўлиши, ўз ўрнида эса айнан шу субъект фаолияти бошқа субъектлар учун инвестиция объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Инвестициялар иқтисодий манфаат олиш мақсадида маълум давр мобайнида қайсидир манбага сармоя капитал қўйиш ҳисобланади.

Тижорат банклари инвестицияларни турли сабаблар билан амалга оширади. Баъзида йил мобайнида банк жорий мажбуриятларни тўлаш учун зарур бўлгандан кўпроқ пул маблағларига эга бўлиши мумкин. Пул маблағларини айлантиришга йўналтириш, айниқса юқори фоиз ставкалари қўлланилиши даврида фойда келтиришини ҳисобга олиб, банк ортиқча пулларни муддатли депозитларга, депозит сертификатларга, давлатнинг бошқа қимматли қоғозларга қўйиши мумкин. Бундай омонатлар қисқа муддатли инвестициялар ёки бозорда айланадиган қимматли қоғозлар деб аталади, уларни айланма маблағлар сифатида жорий мажбуриятларни тўлаш мақсадида ишлатиш мумкин.

Айрим банклар учун инвестициявий фаолият уларнинг фаолиятини муҳим таркибий қисми ва корхона фаолияти натижаларини баҳолаш юқори даражада ёки умуман, инвестициявий фаолият натижаларига боғлиқ бўлиши мумкин.

Баъзи банклар меъёрдан ортиқ маблағлар захиралари сифатида сақлаш учун қимматли қоғозларга эга бўлиши мумкин, бошқалари эса - савдо инвестицияларини ўзаро тижорат муносабатларини мустаҳкамлаш ёки тижорат устунлигига эга бўлиш учун сақлайди.

Банк ихтиёрида бўлган барча қимматли қоғозларни мажмуи инвестициявий портфел дейилади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ, хўжалик субъектлари ўз балансларида инвестицияларни жорий ва узоқ муддатли инвестицияларга туркумлашади.

Сўнгги ўн йилликда молиявий воситалар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан сезиларли даражада ўсиб, унинг хатар (риск) лар билан боғлиқ янги мураккаб турлари вужудга келмоқда. Фикримизнинг далили сифатида ҳосилавий воситаларни мисол келтиришимиз мумкин. Бу сўзсиз инвестиция воситаларининг инвестицион бозор иштирокчилари молиявий ҳолати ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ичида аҳамияти ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Маълумки, молиявий ҳисоботлар тузишнинг асосий мақсади иқтисодий субъектнинг молиявий ҳолати ва ундаги ўзгаришларни ҳамда унинг молиявий натижаларини тўғри ва ҳаққоний акс эттиришдан иборатдир. Молиявий воситаларнинг иқтисодий субъектларнинг молиявий ҳолатига таъсирини тўғри аниқлаш мақсадида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўмитаси (МҲХСҚ) томонидан, молиявий воситаларнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда бирданига иккита: “Молиявий воситалар: маълумотларни тақдим қилиш ва ошкор қилиш” бўйича МҲХС-32 ва “Молиявий воситалар: тан олиш ва баҳолаш” бўйича МҲХС-39 стандартлар ишлаб чиқилган.

Агар, МҲХС-32 молиявий воситаларни ҳисоботларда тан олишнинг айрим жиҳатлари, бозор хатарлар рискини бошқариш молиявий воситаларни ўзаро мувофиқлаштириш ва уларни ошкор қилиш бўйича қўйиладиган умумий талаблар билан боғлиқ масалаларни ўзида ёритса, 39- МҲХС эса молиявий воситаларнинг ҳаққоний қиймати бўйича тан олиш, уларни кейинчалик баҳолаш ва уларни ҳисоботларда акс эттиришни тўхтатиш ҳамда хеджирлаш каби мураккаброқ бўлган масалаларни ўз ичига олган. Ҳар иккала стандартнинг ҳам мақсади молиявий воситаларни тан олиш қоидаларини белгилашдан иборатдир.

Молиявий воситаларнинг ҳисобига бағишланган мазкур МҲХС-32 ва МҲХС-39 лар доимий равишда такомиллаштирилиб

борилмокда. Жумладан, 2005 йил уларга қўшимча равишда янги - IFRS-7 стандарти ишлаб чиқилиб, 2007 йилнинг 1 январидан амалга жорий этилган.

Янги 7-сонли халқаро стандартда ҳар бир молиявий воситанинг бозор ўзгаришларига бўлган таъсирчанлик даражаси таҳлили натижаларини ошкор қилиш талаби қўйилган. Масалан, жорий йилда кредитларнинг бозор фоиз ставкаси 2% га ўзгариши эҳтимоли мавжуд бўлса, фоиз ставкасининг бундай ўзгариши активнинг ҳаққоний қийматига, фойда ва зарарлар ҳисоботига таъсир даражаси таҳлил қилиниб, унинг натижаси ошкор қилиниши лозим.

Мазкур молиявий операциялар молиявий бозорларда уларнинг иштирокчилари томонидан шартномалар асосида амалга оширилади. Шартнома иштирокчиларининг бирида молиявий активлар вужудга келса, иккинчи иштирокчида эса молиявий мажбурият юзага келади. Бир тарафда молиявий актив, иккинчи тарафда эса молиявий мажбурият юзага келадиган шартномалар асосида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар молиявий воситалар (инструментлар) дейилади.

Молиявий воситалар ўз ичига дебитор ва кредитор қарздорликлар, улушли қимматли қоғозлар каби базисли воситалар билан бир қаторда, форвард, фьючерс, опцион, варрант ва своп сингари ҳосилавий воситаларни ҳам олади. Ҳосилавий воситалар балансга кирим қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъи назар, улар молиявий воситалар таърифига мос келганлиги сабабли, молиявий ҳисоботларда молиявий воситалар сифатида муҳокама қилиниши лозим.

Молиявий воситалар – бир хўжалик юритувчи субъектда молиявий активнинг ва бошқа бир хўжалик юритувчи субъектда эса молиявий мажбурият ёки улушли воситаларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи ҳар қандай шартномадир.

Ҳосилавий воситаларда иштирокчилар молиявий воситаларни кейинчалик етказиб бериш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари асосида битим тузишади. Бунда иккита мезон инобатга олиниши лозим:

1. Шартнома тузиш санаси.

2. Ҳисоб-китоб (тўлов) санаси.

Албатта, бу ерда шартнома сўзи иқтисодий муносабатларнинг юридик шаклини англатади. Лекин бу фақат шартнома шартларидан келиб чиқадиган соф юридик оқибатларга эътибор қаратиб,

масалага фақат юридик тус бериш дегани эмас. Аксинча, шартнома шартлари унинг иштирокчилар томонидан албатта, бажарилади ёки унинг ижроси муқаррар эканлигини тан олган ҳолда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар сифатида қаралиши лозим.

Молиявий воситани тўлароқ ва аниқ тушуниш учун унинг элементларига, яъни молиявий актив, молиявий мажбурият ва улушли воситаларга тушунча берилиши лозим.

Молиявий актив – нақд пул маблағлари, шартномадан келиб чиқиб, бошқа хўжалик субъектларидан пул маблағларини ёки молиявий активларни олиш ва алмаштириш ҳуқуқи ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг улушли воситалари.

Молиявий активлар қуйидаги шаклларда бўлади:

1. Молиявий активнинг пул моддалари – тасарруфдаги (эгалик ҳуқуқидаги) пул маблағлари, шунингдек, қайд қилинган ёки ўрнатилган миқдордаги пул маблағлари суммасида олиниши лозим бўлган активлар ва мажбурият. Барча молиявий активлар ҳам пул моддалари бўлавермайди.

Валюта (пул маблағлари) — бу айирбошлаш воситаси бўлганлиги учун, молиявий ҳисоботда барча битимларни баҳолаш ва тақдим этиш асоси бўладиган молиявий активдир. Банкдаги ёки бошқа молиявий муассасадаги пул депозити молиявий актив ҳисобланади, чунки у ушбу муассасадан пулни олиш ёки чек ёзиб бериш ёхуд кредитор фойдасига молиявий мажбуриятни қоплаш юзасидан ҳисобварақ қолдиғига пул қўювчининг шартномавий ҳуқуқини ифодалайди.

2. Шартномадан келиб чиқиб, пул маблағларини ёки молиявий активларни олиш ҳуқуқи. Келгусида шартнома бўйича пул маблағларини олиш ҳуқуқини ифодалайдиган молиявий активларнинг, шунингдек, шартнома бўйича келгусида тўловни амалга оширишни кўзда тутган молиявий мажбуриятларни умумий мисолларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) савдо операциялари бўйича дебиторлик қарздорликлари;
б) олинадиган векселлар;
в) олинадиган займлар бўйича қарздорлик;
г) олинадиган облигациялар бўйича қарздорлик суммалари.

Ҳар бир ҳолатда шартномада кўзда тутилган пул маблағларини талаб этиш ҳуқуқи (ёки тўлов бўйича мажбуриятлар) бир томондан, тўлов бўйича тегишли мажбурият билан, бошқа томондан, пул маблағларини **олиш ҳуқуқи** билан таъминланади.

Захиралар, асосий воситалар, шунингдек, патентлар ва савдо русумлари каби номоддий активлар моддий активлар, молиявий активлар деб ҳисобланмайди. Бундай моддий ва номоддий активлар олиб бориладиган назорат пул маблағлари ва бошқа активларни тушумини таъминлаш имкониятини яратади, бироқ пул маблағлари ва бошқа молиявий активларни олиш учун ҳақиқий ҳуқуқни пайдо бўлишига олиб келмайди.

Шунингдек, келгусида иқтисодий наф олиш учун товарлар ва хизматларни ҳарид қилиш бўйича юзага келган келгуси давр харажатлари каби активлар, пул маблағлари ва бошқа молиявий активларни олиш учун ҳуқуқдан фарқли равишда молиявий активлар деб ҳисобланмайди.

Молиявий активлар уч тоифага бўлинади:

1) олди-сотди қимматли қоғозлари;

2) сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар;

3) сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар.

Олди-сотди қимматли қоғозлари қаққоний қиймати ўзгариши фойда ва зарарларда акс эттирилувчи савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ва банк баланс ҳисоботида дастлабки тан олишда "олди-сотди қимматли қоғозлари" деб таснифланган молиявий активларни ўз ичига олади.

Бинобарин, олди-сотди қимматли қоғозлари тоифасида таснифланган молиявий активларнинг 2 та ички тури мавжуд.

Молиявий актив яқин келажакда бевосита сотиш мақсадида олинган бўлса ёки молиявий активлар портфели таркибига киритилган бўлиб, бунда банк томонидан битта гуруҳ сингари бошқарилса ва яқинда қисқа муддатли фойда кўришнинг ҳақиқий белгилари кузатилса, у савдога мўлжалланган активлар сингари таснифланади.

Банк бирор-бир бошқа қимматли қоғозларни сотиб олишда, уларнинг ҳисобини ҳаққоний қиймати бўйича юритиш мақсадида бўлиб, ҳаққоний қийматини ишончли аниқлаш мумкин бўлса ва ҳаққоний қийматидаги ўзгаришини фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш мақсадида бўлса, банк уларни “олди-сотди қимматли қоғозлари” тоифасида таснифлаши мумкин. Бунда банкнинг ушбу қарори кейинчалик ўзгармаслиги лозим.

Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозлари қайд қилинган ёки ўрнатилган миқдордаги тўловлар ва қайд қилинган тўлаш муддатига эга бўлган молиявий активлар бўлиб, бунда банк уларни сўндириш муддатигача сақлаш мақсади ва имкониятига эга бўлиши лозим.

Банклар фақат сўндириш муддатигача сақлаш мақсади ва имконияти мавжуд бўлсагина, қарз воситаларини "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифада таснифлаши лозим.

Банклар улушли воситаларни "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифада таснифламаслиги лозим. Чунки, улушли воситалар тўлаш муддатига эга бўлмайдилар.

Банклар жорий ёки ўтган икки молиявий йил давомида катта миқдордаги сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларни қоплаш муддати келгунга қадар сотган ёки қайта таснифлаган бўлса, уларга ушбу молиявий активларни "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифада таснифлаш тақиқланади. Аммо, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

1) молиявий активнинг сўндириш санасига қадар оз вақт қолганда амалга оширилса. Чунки бозор фоиз ставкасининг ўзгариши мазкур молиявий активнинг қолган сўндириш муддатигача бўлган давр давомида унинг ҳаққоний қийматига сезиларли таъсир қилмаган бўлиши мумкин;

2) банк режалаштирилган тўловлар асосида дастлабки асосий қарз суммасини тўла ундиргандан кейин амалга оширса;

3) банк томонидан олдиндан огоҳлантиришлар бўйича банкка боғлиқ бўлмаган ва фавқулодда характерга эга бўлган муҳим ҳодисалар сабабли ҳеч қандай асосли ҳаракат қила олмаган ҳолда амалга оширса.

Банклар "олди-сотди қимматли қоғозлари" ёки "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифаларда таснифланмаган барча молиявий активларни "сотиш учун мавжуд" қимматли қоғозлар тоифасида таснифлашлари лозим.

Банклар молиявий активни бир тоифадан бошқа бир тоифага ўтказишда (мисол учун, "сотиш учун мавжуд" тоифадан "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифага) ушбу актив янги турдаги ҳисобварақда акс эттирилади.

5.2. Банкларда молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш

Банклар томонидан қимматли қоғозларни ҳарид қилиш бўйича юзага келадиган бухгалтерия ҳисоби "Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" Низом асосида амалга оширилмоқда. Мазкур Низом, тижорат банкларининг барча қимматли қоғозлар бўйича юзага келадиган операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилаб, молиявий активлар ҳам, молиявий мажбуриятлар ҳам, шунингдек, банк капитали билан боғлиқ операцияларни ҳам ўз ичига олган универсал ҳужжат ҳисобланган. Бугунги кунда эса, молиявий актив сифатида юзага келадиган қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича алоҳида меъёрий ҳужжат зарурлиги маълум бўлмоқда.

Бундан ташқари, ушбу Низом амалга киритилгандан сўнг молиявий активларнинг халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича жуда катта ўзгаришлар рўй берган. Хусусан, молиявий активлар 2001 йилгача асосан икки тоифада таснифланган бўлса, ҳозирги кунда улар уч тоифада таснифланмоқда. Шунингдек, молиявий активларнинг дастлабки тан олиш, кейинчалик ушбу активлар бўйича юзага келадиган ҳодисаларни баҳолаш, ҳисобдан чиқариш ҳамда уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш бўйича катта ўзгартиришлар киритилган.

Шу сабабли, 2004 йилда "Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси" (Рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) ни қайта ишлаб чиқишда бу масалалар ҳисобга олинган ҳолда, молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини МҲХСга мос равишда юритиш учун зарур ҳисобварақлар киритилган эди.

Кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини МҲХСга асосан юритиш бўйича "Банкларда кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиб тўғрисида Низом" ишлаб чиқилиб 2004 йил 27 декабрда Адлия вазирлигида 1435-сон билан давлат рўйхатига олинган. Банк капитали бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича ҳам алоҳида меъёрий ҳужжат лойиҳаси тайёрланган.

Маълумки, тижорат банклари инвестиция бозорининг энг актив иштирокчилари ҳисобланади. Банклар капиталини шакллантирувчи

акциялар, шунингдек, банклар қўшимча ресурс топиш учун эмиссия қиладиган облигация, вексель ва бошқа қимматли қоғозлар молиявий бозорларда сотилади. Бундан ташқари, қимматли қоғозларни ҳарид қилиш, сотиш ва уларни ушлаб туриш банкнинг асосий даромад манбаига айланиб бормоқда.

Тижорат банкларининг молиявий активлар билан операциялари бошқа иқтисодий субъектлар томонидан бажарилаётган операциялардан бирмунча фарқ қилганлиги ҳамда молиявий воситалар бўйича операцияларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар бўлмаганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида Низом" (Рўйхат рақами 1528, 2005 йил 30 ноябрь) ишлаб чиқилган.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ва "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида (кейинчалик матнда "банклар") молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳолда юритиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари банкнинг ўз акцияларига, кредит ҳамда олиниши лозим бўлган маблағлар ҳисобварақларига, шунингдек, қимматли қоғозларнинг ҳосилаларига нисбатан қўлланилмайди.

"Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Низом" (Рўйхат рақами 1885, 2009 йил 19 январь).

Тижорат банкларида олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қиймати ўзгариши фойда ва зарарларда акс эттирилувчи савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ва банк баланс ҳисоботида дастлабки тан олишда "олди-сотди қимматли қоғозлари" деб таснифланган молиявий активларни ўз ичига олади Бинобарин, олди-сотди қимматли қоғозлари тоифасида таснифланган молиявий активларнинг 2 та ички тури мавжуд.

Молиявий актив яқин келажакда бевосита сотиш мақсадида олинган бўлса ёки молиявий активлар портфели таркибига киритилган бўлиб, бунда банк томонидан битта гуруҳ сингари

бошқарилса ва яқинда қисқа муддатли фойда кўришнинг ҳақиқий белгилари кузатилса, у савдога мўлжалланган активлар сингари таснифланади.

Банк бирор-бир бошқа қимматли қоғозларни сотиб олишда, уларнинг ҳисобини ҳаққоний қиймати бўйича юритиш мақсадида бўлиб, ҳаққоний қийматини ишончли аниқлаш мумкин бўлса ва ҳаққоний қийматидаги ўзгаришини фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш мақсадида бўлса, банк уларни "олди-сотди қимматли қоғозлари" тоифасида таснифлаши мумкин. Бунда банкнинг ушбу қарори кейинчалик ўзгармаслиги лозим.

Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозлари - бу қайд қилинган ёки ўрнатилган миқдордаги тўловлар ва қайд қилинган тўлаш муддатига эга бўлган молиявий активлардир. Банклар фақат сўндириш муддатигача сақлаш мақсади ва имконияти мавжуд бўлсагина, қарз воситаларни "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифада таснифлаши лозим. Банклар улушли воситаларни "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифада таснифламаслиги лозим. Чунки, улушли воситалар тўлаш муддатига эга бўлмайдилар.

Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар – булар, сотиш учун банк тассаруфида мавжуд бўлган ва банк томонидан «сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар» ва «олди-сотди қимматли қоғозлари» деб таснифланмаган, шунингдек, ҳаққоний қиймати ўзгаришини банк капитал ҳисобварағида акс эттириш мақсадида бўлган молиявий активлардир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, банк молиявий восита бўйича шартнома шартлари татбиқ этиладиган томонлардан бири бўлгандагина, молиявий актив банк томонидан баланс ҳисоботида тан олинади. Банклар молиявий активни баланс ҳисоботида битим санаси бўйича юритиладиган ҳисобдан келиб чиққан ҳолда тан олишлари лозим. Молиявий актив ҳам, актив учун тўлов мажбурияти ҳам битим санаси бўйича акс эттирилади.

Банклар сотиб олинган молиявий активни дастлабки тан олишда унинг ҳақиқатдаги қийматини акс эттирган ҳаққоний қиймати бўйича баҳолайдилар.

Сотиш учун мавжуд ёки сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар деб таснифланган молиявий активлар бўйича уларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар

ҳам актив сифатида акс эттирилади ва қимматли қоғознинг "амортизация қиймати"га киритилади.

"Олди-сотди қимматли қоғозлари" сифатида таснифланган молиявий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ҳаражатлар банкнинг жорий ҳаражати сифатида тан олиниб, фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади.

Молиявий активнинг амортизацияланадиган қиймати – активнинг баланс ҳисоботда дастлабки тан олингандаги баҳоланган суммаси (яъни активнинг ҳисобварақдаги акс эттирилган суммаси, плюс/минус мукофот/дисконт ҳисобварағидаги акс эттирилган сумма, плюс активнинг сотиб олиш учун кетган ҳаражатларнинг ҳисобварақдаги суммаси, плюс ҳар қандай сотиб олинган, олиниши лозим бўлган ва алоҳида олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисобварағида акс эттирилган ҳисобланган фоизлар), минус тўланган асосий қарз суммаси, плюс/минус реал фоиз ставкаси методини қўллаш билан мукофот/дисконтларнинг йиғилган амортизация суммаси ва минус сотиб олиш учун кетган ҳаражатлар амортизацияси ва минус кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасидир.

Сотиб олинган, олиниши лозим бўлган фоизлар – қарз қимматли қоғозлар бўйича ҳар қандай ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар. Улар қимматли қоғозни тақдим этувчига тўланиши лозим бўлиб ва сотиб олиш санасидан бошлаб, сотиб олувчига ўтадиган фоизлардир.

Банклар молиявий активларни сотиб олишда уларнинг таснифига мувофиқ, номинал қиймати тижорат банкларининг бухгалтрия ҳисоби ҳисобварақлари режасининг мос баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. Бунда, мукофот, дисконт ва бошқа ҳар қандай сотиб олинган ҳисобланган фоизлар алоҳида ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

Банклар "олди-сотди" ёки "сотиш учун мавжуд" қимматли қоғозлар сифатида таснифланган улушли қимматли қоғозларни сотиб олишда уларни ҳақиқий қиймати бўйича тегишли баланс ҳисобварағида акс эттиришлари лозим.

"Сотиш учун мавжуд" ёки "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифаларда таснифланган қарз қимматли қоғозларини сотиб олиш билан боғлиқ ҳаражатлар 10889-"Сотиш учун мавжуд қарз қимматли қоғозларни ҳарид қилиш бўйича ҳаражатлар" ёки 15989- "Сўндириш муддатигача сақланадиган

қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар" баланс ҳисобварақларида акс эттирилади. "Олди-сотди қимматли қоғозлари" тоифасида таснифланган қарз қимматли қоғозларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ва барча улушли қимматли қоғозларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар 55110-"Қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари" баланс ҳисобварағида акс эттирилади.

Масалан, "ААА" банк ҳисобот йилининг 1 февралида номинал қиймати 1.000.000 сўм бўлган давлат облигациясини сотиб олди. Ушбу облигация 1 январда чиқарилган бўлиб, сўндириш муддати 31 декабрда келади. Фоизлар ҳар чоракда (облигация эгасига) йиллик 14% ҳисобида тўлаб борилади. Банк учун харид нархи 911.890 сўмни ташкил этади. Харид нархига 11.890 сўм (1.000.000 х 14% х 31/365) миқдоридаги сотиб олинган, олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар қўшилган. Мазкур харид билан боғлиқ операция бўйича харажатлар 10.000 сўмга тенг.

Қуйида, банк бўйича молиявий активларнинг уч тоифаси бўйича юқоридаги шартлар асосида облигацияни сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмалари ва дисконтни ҳисоблаш амаллари келтирилган:

1. Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича:

Дисконт = 1.000.000 - (911.890 - 11.890) = 100.000

Сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмаси:

9-жадвал

Тижорат банкида молиявий активлар бўйича муомалалар

Муомала мазмуни	Дебет	Кредит
Дт - 10705 -Давлат облигациялари	1.000.000	
Дт - 16305 -Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар	11.890	
Кт - 10791 - Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт (контр-актив)		100.000
Кт - Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобвараги		921.890
Дт - 10705 -Давлат облигациялари	1.000.000	
Кт - 10791 - Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт (контр-актив)		88.110
Кт - Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобвараги		911.890
Дт - 16305 - Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар	11.890	
Кт - 10791 - Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт (контр-актив)		88.110

Тижорат банкида харид қилишдаги харажатлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дт - 55110 -"Қимматли қоғозлар олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик харажатлари" 10.000

Кт - Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи 10.000

Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар бўйича:

Дисконт = 1.000.000 - (911.890 - 11.890) = 100.000

Сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмаси (харид қилишдаги харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда):

Дт - 10805 -"Давлат облигациялари" 1.000.000

Дт - 16307 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар" 11.890

Дт - 10889 -" Сотиш учун мавжуд қарз қимматли қоғозларини харид қилиш бўйича харажатлар" 10.000

Кт - 10891 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича дисконт (контр-актив)" 100.000

Кт - Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи 921.890

2. Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича:

Дисконт = 1.000.000 - (911.890 - 11.890) = 100.000

Сотиб олишдаги бухгалтерия ўтказмаси (харид қилишдаги харажатлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда):

Дт - 15905 -"Давлат облигациялари" 1.000.000

Дт - 16311 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар" 11.890

Дт - 15989 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларини харид қилиш бўйича харажатлар" 10.000

Кт -15991-"Сўндириш муддати гача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт" 100.000

Кт - Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи 921.890

Дт - 15905 -"Давлат облигациялари" 1.000.000

Кт -15991-"Сўндириш муддати гача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт" 88.110

Кт - Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи 911.890

Дт - 16311 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар" 11.890

Кт -15991-"Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт" 1.890

Дт - 16311 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган нвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар" 11.890

Кт -15991-"Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт" 11.890

Дт - 15989 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматлии қоғозларини ҳарид қилиш бўйича ҳаражатлар" 10.000

Кт - Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи 10.000

Банклар "олди-сотди" ёки "сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлари сифатида таснифланган улушли қимматли қоғозларни сотиб олишда уларнинг ҳақиқий қиймати бўйича тегишли баланс ҳисобварақда акс эттиришлари лозим.

Тижорат банклари фаолиятининг асосий мақсади даромадни максимал даражада олишдан иборатдир. Шу нуктаи назардан олганда, банк активларининг даромадлилигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Буни қуйидагича таснифлаш мумкин.

Тижорат банки активлари фаолият натижасида даромад келтирадиган активлар ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади. Даромад келтирувчи активларни баҳолаш муҳим акамиятга эга. Улар кредит салоҳиятининг асосини ва банкнинг кредит портфелини ташкил этади.

Даромад таҳлили сифат кўрсаткичига нисбатан миқдор кўрсаткичига кўпроқ тегишлидир, шу сабабдан у банк фаолиятини баҳолашда катта аҳамиятга эга. Банк капиталини ошириш ва кредит потенциалини мустаҳкамлаш унинг мустаҳкамлигига боғлиқдир. Банкнинг даромади, асосан, кредитлар бўйича фоиз ставкаси, кредит қўйилмалари ҳажми ва банк ликвидлилигига боғлиқ.

Банкнинг даромад келтирадиган активларига:

- барча турдаги турли хил кредитлар беришга сарфланган маблағлар;
- ДҚМО ва бошқа қимматли қоғозларга сарфланган маблағлар;
- қимматли қоғозлар, лизинг ва факторинг операциялри ва бошқалар киради.

Тижорат банки активларининг асосий қисмини, одатда мижозларга бериладиган кредитлар ва банкларараро кредитлар ташкил этади. Банк амалиётида банк кредити банк оладиган даромадларнинг асосий қисмини таъминлайди. Банк кредити иқтисодиётда кредит муносабатларининг кенг тарқалган шакли бўлиб, бунда пул маблағлари кредит объекти бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, тижорат банкларида даромад келтирувчи активлар каторида кредитлардан ташқари, қимматли қоғозлар, чет эл валютасига жалб қилинган маблағлар ҳам мавжуд. Албатта, ушбу активларнинг ҳам таркибини ўрганиб чиқиш муҳим. Активларнинг мақсадга мувофиқ жойлашиши бўйича умумий кўрсаткич даромад келтирувчи активларнинг умумий активлар суммасига нисбати билан аниқланади. Тижорат банкларининг даромад келтирувчи асосий активлари мижозларга берилган кредитлардир. Банкларнинг иккинчи даромад келтирувчи актив тури давлатнинг қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО)га жалб қилинган активлардир. Банкларнинг даромад келтирувчи активлари қаторида банкларараро кредитлар ва инвестициялар кичик салмоқни ташкил қилади.

Тижорат банкларининг актив операцияларида даромад келтирувчи активларни кўпайтириш, яъни банк ликвидлигини сақлаган ҳолда аҳамият касб этади. Даромад келтирувчи активларнинг асосий даромад таркиби фоизли даромадлардир. Фоизли даромад манбаи кредитларни бир соҳа ёки тармоққа эмас, балки бир нечта тармоққа жойлаштириши керак. Банкларда даромадлар таркибини кўпайтириш учун эса банк даромад келтирувчи хизматлар турини кўпайтириш керак.

Банкнинг даромад келтирмайдиган активларига қуйидагилар киради:

- кассадаги нақд пуллар ва бошқа пул маблағлари;
- асосий воситалар ва номоддий активлар;
- капитал ва бошқа жорий ҳаражатлар;
- марказий банкдаги вакиллик ва захира фонди ҳисобрақамлар қолдиғи.

Бунда активлар гуруҳига касса, марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар, асосий воситалар киради. Банк активлари ҳажмида даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг юқори бўлиши банкнинг ресурслар базасидан самарасиз фойдаланганини билдиради.

Банк ўз раҳбарияти учун тузиладиган ишончли ҳисоботларни тайёрлашда сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларни ҳар ойда қайта баҳолайди. Қайта баҳолаш, ҳаққоний қийматнинг ўзгариши рўй берган ойда тегишли равишда баланс ҳисоботда ҳисобга олиниши учун ҳар ойнинг охирида ўтказилади.

Банклар "олди-сотди қимматли қоғозлари" тоифасида таснифланган молиявий активларни дастлабки тан олишдан кейин, уларнинг ҳаққоний қиймати бўйича, банкларнинг мазкур активлар бўйича сотишда ёки ҳисобдан чиқаришда қилиши мумкин бўлган ҳаражатларини ҳисобга олмаган ҳолда, баҳолайдилар.

Банклар ҳаққоний қиймат ўзгариши натижасидаги тўғрилаш суммаларини портфел ёки ҳар бир алоҳида қимматли қоғоз асосида ҳисоблаш ҳуқуқига эга. Ушбу ихтиёрий усуллар натижасидан тўғрилашнинг бир хил бўлган якуний суммаси келиб чиқади.

Тўғрилашлар бевосита фойда ва зарарлар ҳисоботи орқали амалга оширилади. Ҳаққоний қиймат ўзгариши натижасидаги тўғрилаш суммасининг ҳисоб-китоби қуйидагича амалга оширилади:

Ҳаққоний қиймат – Баланс қиймати = Тўғрилаш суммаси.

Мазкур формулани қўллашда ҳосил бўладиган мусбат фарқ ҳаққоний қийматнинг ўсишини, манфий фарқ эса ҳаққоний қийматнинг камайишини кўрсатади.

Тижорат банкида ҳаққоний қиймат ўзгаришини тўғрилаш, камида ҳар ойда молиявий ҳисоботни тайёрлашдан олдин амалга оширилади. Ҳаққоний қиймат ўсишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10795- "Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши"

Кт 45609- "Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда" ёки

Кт 45611-"Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда" (сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)

Ҳаққоний қиймат камайишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 55610- "Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар" ёки

Дт 55614- "Олди-сотди қимматли қоғозлар ҳаққоний

қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар" (Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)

Кт 10795- "Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши"

Масалан, Тижорат банк 2019 йил 1 декабрда номинал қиймати 100.000.000 бўлган 12 ойлик давлат хазина векселларини 93.000.000 га сотиб олди. Сўндириш муддати 2020 йил 30 ноябрь.

Мазкур қимматли қоғозлар кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олинган бўлиб, шунинг учун улар "савдога мўлжалланган" туркумда таснифланади.

Савдога мўлжалланган қимматли қоғозларнинг ҳисоби 10700 - "Олди-сотди қимматли қоғозлари" ҳисобварақлар гуруҳида акс эттирилади. (Қимматли қоғозлар қанчалик савдога мўлжалланган бўлишига қарамасдан, уларни сотиб олиш билан боғлиқ ҳаражатлар 55110 - "Қимматли қоғозларнинг олди-сотди операциялари бўйича тўланадиган хизмат ва воситачилик ҳаражатлари" ҳисобварағига олиб борилади ва шунинг учун, мазкур мисолда кўриб ўтилмайди).

Сотиб олиш амалиёти қуйидагича акс эттирилади:

Дт - 10701 -"Давлат хазинаси векселлари"	100.000.000	
Кт - 10791 - "Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт"		7.000.000
Кт - Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи		93.000.000

Тижорат банки 2019 йил 31 декабрда қимматли қоғозларни ҳаққоний қиймати бўйича қайта баҳолади. 2020 йил 31 декабрь ҳолатига ушбу хазина векселларининг ҳаққоний қиймати 92.500.000 сўмни ташкил қилган. Қайта баҳолашдаги тўғрилаш суммасини аниқлаб олиш учун, ҳаққоний қийматни қолдиқ қиймат билан таққослаш зарур, агар керак бўлса:

биринчидан, дастлаб баланс қиймати ҳисобот даврига реал фоиз ставкаси услубини қўллаш орқали дисконтни амортизациялаб қайта ҳисобланиши лозим. Дисконтни амортизациялаш бўйича бухгалтерия ўтказмаси қуйидагича амалга оширилади:

Дт - 10791 -"Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт"	564.127	
Кт - 40601 - "Давлат хазинаси векселлари бўйича фоизли даромадлар"		564.127

Талаб қилинадиган тўғрилаш суммасини аниқлаш учун баланс қийматини ҳаққоний қийматга тенглаштириш зарур.

Масалан, тижорат банк 2019 йил 31 декабрь ҳолатига қимматли қоғозларининг баланс қиймати 93.564.127 сўмни ташкил этган. (100.000.000 - 6.435.873 = 93.564.127).

Бунинг натижасида зарар қуйидагини ташкил этган:

92.500.000 - 93.564.127 = (1.064.127)

Ҳаққоний қийматни тўғрилаш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дт - 55610 -"Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар"		1.064.127
	Кт - 10795 -"Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳақиқий қийматининг ўзгариши"	1.064.127

иккинчидан, дастлабки тан олишдан кейин АТИБ "Ипотекабанк" "сотиш учун мавжуд" тоифасида таснифланган молиявий активларни ҳаққоний қиймати бўйича баҳолайди. Бунда банкнинг мазкур активлар бўйича сотишда ёки ҳисобдан чиқаришда қилиши мумкин бўлган ҳаражатлари ҳисобга олинмайди.

Бунда тўғрилашлар бевосита банкнинг фойда ва зарарларига олиб борилмасдан, балки унинг капитал ҳисобварағида амалга оширилади.

Юқоридаги бандда қўйилган талаблар истисно тариқасида бозор нархида котировка қилинмайдиган ва ҳаққоний қиймати ишончли баҳоланмайдиган улушли воситаларга нисбатан қўлланилмайди. Бундай активлар, агар улар "сотиш учун мавжуд" молиявий активлар тоифасида таснифланган бўлган тақдирда ҳам, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини чегириб ташлагандаги ҳақиқатдаги қиймати бўйича акс эттирилади. Агар, кейинчалик активнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш имконияти ишончли бўлган тақдирда, банклар бундай активларни ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олишлари лозим.

Агар улушли қимматли қоғоз ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олиниб, кейинчалик ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш имконияти мавжуд бўлмай қолса, у ҳолда ушбу актив ҳақиқатдаги қиймати бўйича акс эттирилади. Бундай ҳолатда ушбу бандда баён этилган ҳисоб услуби қўлланилади, фақат алоҳида капитал ҳисобварағида акс эттириладиган ўзлаштирилмаган фойда

ва зарарлар амортизация қилинмайди. Бунда улар капитал ҳисобварағида мазкур актив сотилмагунча сақланиб қолади.

Молиявий активларнинг ҳаққоний қиймати ўзгариши билан боғлиқ тўғрилаш суммалари портфел ёки ҳар бир алоҳида қимматли қоғоз асосида аниқланади. Мазкур усуллар натижасидан тўғрилашнинг бир хил бўлган якуний суммаси келиб чиқади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳаққоний қиймат ўзгаришидан келиб чиқиб, тўғрилаш суммасини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

Ҳаққоний қиймат – Баланс қиймати = Тўғрилаш суммаси.

Мазкур формулани қўллашда ҳосил бўладиган мусбат фарқ ҳаққоний қийматнинг ўсишини, манфий фарқ эса ҳаққоний қийматнинг камайишини кўрсатади.

Ҳаққоний қиймат ўсишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10895 –"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳаққоний қийматининг ўзгариши"

Кт 30907 – "Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳаққоний қийматини ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ва зарарлар (актив-пассив)"

Ҳаққоний қиймат камайишини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30907 – "Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳаққоний қийматини ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ва зарарлар (актив-пассив)"

Кт 10895 – "Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳаққоний қийматининг ўзгариши"

Банк 2019 йилнинг 31 мартида Марказий банк облигациясининг ҳақиқий қиймати 992.000 сўм, баланс қиймати (ҳисобланган фоизлар билан бирга) эса 963.739 сўм эди. Қайта баҳолашдаги тўғрилашни акс эттириш бўйича қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

2019 йил 31 март.

Дт - 10895 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши"	28.261	
Кт - 30907 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган		28.261

фойда ёки зарарлар (актив-пассив)"

"Сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифасида таснифланган молиявий активлар молиявий ҳисоботда кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини чегирган ҳолдаги амортизация қиймати бўйича акс эттирилади.

Бундай активлар бўйича ҳаққоний қийматдаги ўзгаришлар билан боғлиқ тўғрилаш (корректировка)лар амалга оширилмайди.

Хорижий валютада ифодаланган "олди-сотди қимматли қоғозлари" ёки "сотиш учун мавжуд қимматли қоғозлар" тоифасида таснифланган молиявий активлар бўйича банклар дастлаб хорижий валюта асосида ҳаққоний қийматининг тўғрилаш суммасини аниқлаб олишлари лозим. Кейин эса валюталарни айирбошлашнинг Марказий банк курси бўйича очиқ валюта позициясини қайта баҳолаш йўли билан курс фарқи ҳисобидан олинган ҳар қандай фойда ва зарарлар аниқланади.

Банк молиявий активни тан олишни қуйидаги ҳолларда тўхтатади:

1) мазкур активдан келиб тушадиган пул оқимини олиш юзасидан тузилган шартномада белгиланган ҳуқуқ муддати ўтиб кетганида;

2) банк молиявий активни берганда ва ушбу ҳолат тан олишни тўхтатишни талаб қилувчи ҳолатга тўғри келганда.

Банк молиявий активни беришда мазкур активни бошқариш билан боғлиқ бўлган хавф-хатар ва мукофотлар даражасини баҳолай билиши лозим Банк молиявий активни бошқариш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотларни берадиган бўлса, у ҳолда у мазкур активни ҳисобдан чиқариши ва уни беришда пайдо бўладиган ва сақланган ҳар қандай ҳуқуқ (ёки мажбуриятлар)ни алоҳида актив (мажбурият) сифатида тан олиши керак.

Банк молиявий активни бошқариш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотларни ўзида сақлаб қоладиган бўлса, у ҳолда у молиявий активни ҳисобдан чиқармаслиги лозим.

Банклар тан олишни тўхтатиш талабларига жавоб бермайдиган операциялар давридаги ҳар қандай тушумларни мажбурият сифатида 22896 - "Бошқа муддати узайтирилган даромадлар" ҳисобварағида акс эттиради.

"Олди-сотди қимматли қоғозлари" тоифасида таснифланган молиявий активни сотиш ёки ҳисобдан чиқаришдаги фойда ёки зарарлар суммаси қуйидагича ҳисобланади:

Ҳаққоний қийматни тўғрилаш суммаси молиявий активни сотишдан олдин акс эттирилган бўлса, у ҳолда юқоридаги формула фойда ёки зарарлар нолга тенглигини кўрсатади. Бироқ, бунда кунлик асосда ҳаққоний қийматни тўғрилаш талаб этилмайди. Агар сотиш натижасида фойда ёки зарарлар пайдо бўлса, у ҳолда мазкур фойда ёки зарарлар ҳаққоний қийматни тўғрилашдан келиб чиққан фойда ва зарарлар акс эттириладиган ҳисобварақларда акс эттирилади.

Масалан, банк "олди-сотди қимматли қоғозлари" тоифасида таснифланган давлат облигацияларини сотаётганда фойда қуйидагича ҳисобланади:

Банкда Давлат облигацияларини сотиш бўйича бухгалтерия ўтказмаси

Сотишдан келиб тушган тушум		885
Минус: Баланс қиймати:		
10705 -"Давлат облигациялари"	1.000	
10791 -"Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт (контр - актив)"	(100)	
10795 -"Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши"	(20)	
10799-"Олди-сотди қимматли қоғозларидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)"	0	
16305 -"Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар (купонлар бўйича)"	3	
Баланс қиймати =		883
Сотишдан олинган фойда		2

"ААА" банкда фойдани акс эттириш бўйича бухгалтерия ўтказмаси

Дт - Пул маблағларининг мос ҳисобварағи	885	
Дт - 10791 -"Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича дисконт (контр - актив)"	100	
Дт - 10795 -"Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳаққоний қийматининг ўзгариши"	20	
Кт - 10705 -"Давлат облигациялари"		1.000
Кт - 16305 -"Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар"		3
Кт - 45609 -"Савдога мўлжалланган қимматли қоғозлар ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда"		
Кт - 45611 -"Олди-сотди қимматли қоғозлари ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида олинган фойда (савдога мўлжалланган қимматли қоғозлардан ташқари)"		2

"Сотиш учун мавжуд" тоифасида таснифланган молиявий активни сотишдан ёки ҳисобдан чиқаришдан кўрилган фойда ёки зарарлар қуйидагича ҳисобланади:

Сотишдан келиб тушган тушум - "Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳаққоний қийматининг ўзгариши" сифатида акс эттирилган суммани чегирган ҳолдаги баланс қиймати = Фойда (зарар)

Масалан, банк "сотишга мўлжалланган" тоифада таснифланган давлат хазина векселларини сотаётганида, фойда қуйидагича ҳисобланади:

Сотишдан келиб тушган тушум		1.150
Минус: Ҳаққоний қийматни тўғрилашдаги суммани чегириб ташлагандаги Баланс қиймати		
10801 -"Давлат хазина векселлари"	1.000	
10889 -"Сотиш учун мавжуд қарз қимматли қоғозларини ҳарид қилиш бўйича ҳаражатлар"	10	
10893 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича мукофот"	100	
10899 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси"	0	
16307 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар (купонлар бўйича)"	0	
Ҳақиқий қийматни тўғрилашдаги суммани чегириб ташлагандаги Баланс қиймати =		1.110
Сотишдан олинган фойда		40

"Сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифада таснифланган молиявий активларнинг сотилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши натижасидаги фойда ёки зарарлар қуйидагича ҳисобланади:

Сотувдаги тушум - Амортизацияланган қиймат = Фойда (зарар)

Банкда "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифада таснифланган давлат хазина векселларини сотаётганда фойдани ҳисоблаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Сотишдан олинган тушум		1.020
Минус: Амортизацияланган қиймат		
15901 -"Давлат хазина векселлари"	1.000	
15991 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт"	(20)	
15989 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларини ҳарид қилиш бўйича ҳаражатлар"	10	

15999 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)"	0	
16311 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар (купонлар бўйича)"	0	
Амортизацияланган қиймат =		990
Сотишдан олинган фойда		30

Фойдани акс эттиришнинг бухгалтерия ўтказмаси эса қуйидагича амалга оширилади:

Дт - Пул маблағларининг мос ҳисобвараги	1.020	
Дт - 15991 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)"	20	
Кт - 15901 -"Давлат хазина векселлари"		1.000
Кт - 15989 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларини ҳарид қилиш бўйича харажатлар"		10
Кт - 45805 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда"		30

5.3. Банкларда молиявий активлар амортизацияси ва қадрсизланиши ҳисоби

Банклар ҳар бир ҳисобот санасига молиявий активнинг ёки молиявий активлар гуруҳининг қадрсизланишини тасдиқловчи объектив далиллар бор-йўқлигини баҳолаши ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини оширишга зарурат бор-йўқлигини аниқлаштириши лозим.

Фоиз ставкасининг ўзгариб туриши қарз қимматли қоғозларининг ҳаққоний қийматига таъсир қилади. Бироқ, фоиз миқдорининг ўзгариб туриши билан боғлиқ ҳаққоний қийматнинг ўзгариши қадрсизланишга олиб келмайди.

Банк мазкур бўлимда белгиланган талаблар, шунингдек, тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга (2015 йил 14 июль, 2696-сон) мувофиқ, молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича қоидаларидан фойдаланган ҳолда молиявий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган

зарарлар суммасини баҳолайдилар. Банклар кўрсатилган тартиб асосида аниқланган катта миқдордаги зарарга тенг бўлган кўрилиши мумкин бўлган зарарни баҳолашни акс эттиради.

Банкларда амортизация қиймати бўйича акс эттирилган сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг қадрсизланиши тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлса, у ҳолда ушбу зарар мазкур активнинг баланс қиймати билан актив бўйича кутилаётган пул оқимининг жорий қиймати ўртасидаги фарк сифатида баҳоланади. Мазкур жорий қиймат ушбу актив бўйича дастлабки реал фоиз ставкаси (яъни дастлабки тан олишда ҳисобланган реал фоиз ставкаси)га тенг бўлган дисконт ставкасини қўллаш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Сўндириш муддатигача сақланадиган молиявий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этиш бўйича қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - 56826 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"

Кт - 15999 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)".

Банкларда "Сотиш учун мавжуд" тоифасида таснифланган молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисида объектив далиллар мавжуд бўлганда, у ҳолда ҳаққоний қийматни тўғрилаш билан боғлиқ бўлган ва илгари тўғридан - тўғри капиталда акс эттирилган ихтиёрий кумулятив зарар ғисобдан чиқарилади ва фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади. Бунда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Ҳақиқий қийматни тўғрилаш суммасини бекор қилиш учун:

Дт - 10895 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши"

Кт - 30907 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)"

Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этиш учун:

Дт - 56808 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга

қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"

Кт - 10899 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)"

Капиталдан ҳисобдан чиқариладиган ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган кумулятив зарар суммаси активнинг баланс қиймати (ихтиёрий ҳақиқий қийматни тўғрилаш суммасини чегириб ташлаган ҳолда) билан жорий ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқ суммага тенгдир.

Агар кўрилиши мумкин бўлган зарар суммаси илгари капиталда тан олинган ҳақиқий қийматнинг салбий (манфий) тўғрилаш суммасидан ошиб кетадиган бўлса, у ҳолда банклар қўшимча кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш суммасини қуйидагича акс эттиради:

Дт - 56808 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"

Кт - 10899 -"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)"

Банкда "Олди-сотди қимматли қоғозлари" тоифасида таснифланган қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси камдан-кам ҳоллардагина ташкил этилади. Албатта бунда молиявий активнинг қадрсизланиши тўғрисидаги объектив далиллар борган сайин аниқлашиб бориши, шу билан бирга, ушбу қимматли қоғознинг жорий ҳаққоний қиймати мазкур қадрсизланишни акс эттирмаган бўлиши лозим.

"Олди-сотди қимматли қоғозлари" тоифасида таснифланган қимматли қоғозлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини ташкил этишда қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - 56806 -"Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"

Кт - 10799 -"Олди-сотди қимматли қоғозлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)"

Банкларда реал фоиз ставкаси ҳисоб-китобидан кейин амортизация бўйича жадвални тайёрлаш мумкин. "Соф қолдиқ

қиймат" устуни ўзида ҳисобланган фоизларни ҳисоблаган ҳолда акс эттиради, чунки фоизлар облигация эгасига тўланади. Шу сабабли, ҳақиқий қийматни тўғрилаш мақсадида олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар қийматини ҳисобга олиш зарур.

10-жадвал

Банкда реал фоиз ставкаси

(Суммалар яхлитланган ҳолда келтирилган)

Сана	Номи-нал қиймат	Олиниши лозим бўлган ҳисоблан-ган фоизлар ҳисобва-рагидаги қолдиқ	..... дан олинган йиллик фоизли даромад		Дисконт қолдиғи	Соф баланс қиймат (в)
		(а)	Купон-лар бўйича ҳисоб-лан-ган	Дисконт Амортиза цияси (б)		
1.03.x9 - ҳарид қилинган	1 000.000	19 397			40 000	979 397
31.03.x9	1 000.000	0	10 192	3 739	36 261	963 739
30.04.x9	1 000.000	9 862	9 862	3 846	32 415	977.447
31.05.x9	1 000.000	20.054	10 192	3 711	28 704	991.350
30.06.x9	1 000.000	0	9 863	4 238	24 466	975.534
31.07.x9	1 000.000	10 192	10 192	3 684	20 782	989 410
31.08.x9	1 000.000	20 384	10 192	3 881	16 901	1 003.483
30.09.x9	1 000.000	0	9 863	4 410	12 491	987.509
31.10.x9	1 000.000	10.192	10 192	3 854	8 637	1.001.555
30.11.x9	1 000.000	20.055	9 863	4 383	4 254	1.015.801
31.12.x9	1 000.000	0	10 192	4 254	0	1.000.000
31.12.x9 сўндири л-ган	0	0				0
Жами			**100.603**	**40.000**		

Купонлар бўйича фоизлар ҳар чоракнинг охирги кунига келиб тушиши тахмин қилинади.

Дисконт амортизацияси = Соф баланс қиймати (олдинги қатор) х Ойлик реал фоиз ставкаси (1,4223570%) минус купонлар бўйича ўша ойга ҳисобланган фоизлар).

Соф баланс қиймати ўз ичига олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизларни ҳам олади, лекин ҳақиқий қиймати

ўзгариши натижасида илгари қилиниши мумкин бўлган тўғрилаш суммаларини акс эттирмайди.

Масалан, 2019 йил 1 январь куни банк 12 ой муддатга, 2019 йил 30 июнь куни сўндириш муддати билан давлат облигацияларини сотиб олади (сўндиришгача 6 ой қолганда).

Номинал суммаси	1.000.000
+ Ҳарид қилишдаги ҳаражатлар	18.000
- Дисконт	(50.000)
=	968.000

Облигациялар бўйича йиллик 12 фоизли тўловлар ҳар ой охирида амалга оширилади.

Фоизли даромад реал фоиз миқдори усулида ҳисобланиши лозим. Дисконт амортизацияси фоизли даромадни оширади, ҳарид қилишдаги ҳаражатлар амортизацияси эса фоизли даромадни камайтиради. Мазкур мисолдаги ҳисоб-китоблар "сотишга мўлжаллаган" ёки "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифаларда таснифланган облигациялар учун ўринли. "Олди-сотди қимматли қоғозлари" туркумида таснифланган облигацияларни ҳарид қилишдаги ҳаражатлар дарҳол банк ҳаражатига олиб борилади.

Ҳарид қилишдаги ҳаражатлар амортизацияси бухгалтерия ҳисобини енгиллаштириш учун тўғри чизиқли услубда кўрсатилган. Моҳияти бўйича ушбу услуб самарали фоиз миқдоридан фойдаланган ҳолда ҳисобланган умумий соф амортизацияни ҳисобга олади ва бухгалтерия ҳисобини енгиллаштириш учун уни иккита суммага бўлади, ва бу суммалар облигацияларни сўндириш муддати етиб келган вақтда дисконт ва ҳарид қилишдаги ҳаражатлар суммалари тўлиқ миқдорда амортизацияланиб бўлинади. Мазкур ҳолат реал фоиз ставкаси услубининг ишончлилигини шубҳа остида қолдирмайди, чунки умумий ойлик фоизли даромадлар облигациялар соф баланс қийматининг реал фоиз ставкасига кўпайтирилганлигига тенг.

Банкда январь ойи учун умумий фоизли даромадлар қимматли қоғозларикуйидагилардан иборат:

Шартнома бўйича фоизлар	10.192
Минус ҳарид қилишдаги ҳаражатлар амортизацияси	(3.000)
Плюс дисконт амортизацияси	7.854
Январь ойи учун жами фоизли даромадлар =	15.046

Юқорида келтирилган умумий фоизли даромад суммаси ҳам қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

Ой бошига баланс қиймати	968.000
х Ойлик реал фоиз ставкаси	х 1.5543787%
Реал фоиз ставкаси услубини қўллаган ҳолда январь ойи учун ҳисобланган фоизли даромадлар	15.046

Агар облигациялар "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифасида таснифланган деб тахмин қилинса, у ҳолда январь ойи учун фоизли даромад қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дисконт амортизацияси қуйидагича акс эттирилади:

Дт - 15991 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)"	7.854	
Кт - 44805 -"Давлат облигацияларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар"		7.854

Ҳарид қилиш ҳаражатлари амортизациясини акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - 44805 -"Давлат облигацияларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар"	3.000	
Кт - 15989 -"Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларини ҳарид қилиш бўйича ҳаражатлар"		3.000

Шартнома бўйича фоизларни (фоизлар ой охирида олинади деб фараз қилинади) акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобварағи	10.192	
Кт - 44805 -"Давлат облигацияларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар"		10.192

VI БОБ. БАНКЛАРДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ (МҲХС 16)

6.1. Асосий воситалар стандартининг амал қилиш соҳаси ва мақсади

Банкларда моддий активлар дейилганда кўпроқ асосий воситаларга урғу берилади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида ушбу узоқ муддатли активларни ҳисобга олиш қоидалари "Асосий воситалар" номли 16-сон МҲХСда ўз ифодасини топган.

"Асосий воситалар" 16-сон МҲХСнинг мақсади, молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар банкнинг асосий воситаларига қилган инвестицияларини ва бундай инвестициялардаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни тушуниши учун асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибини белгилаб беришдан иборатдир. Асосий воситаларни ҳисобга олишда активларни тан олиш, уларнинг баланс қийматини аниқлаш ва улар бўйича эскириш ҳаражатларинива қадрсизланиш бўйича зарарларни тан олиш асосий масалалар ҳисобланади.

МҲХС 16 - асосий воситаларни ҳисобга олишда қўлланилиши лозим, бироқ бошқа МҲХСлар асосий воситаларни ўзгача ҳисобга олишни талаб этган ёки рухсат этган ҳоллари бундан мустасно[20].

Мазкур МҲХС 16 қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

МҲХС 5 "Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият" га асосан сотиш учун мўлжалланган деб таснифланадиган асосий воситалар;

қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активлар (БҲХС 41 "Қишлоқ хўжалиги");

фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлашда ушбу фойдали қазилмаларнинг тан олиниши ва баҳоланиши (МҲХС 6 "Фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлаш" ;

нефть, табий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурслар каби фойдали қазилмаларга ҳуқуқлар ва фойдали қазилмаларнинг захиралари.

---

[20] Халқаро амалиётда МҲХС (молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари) ва БҲХС (бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари) тушунчаси бир хил маънога эга. Улар бир-биридан фарқ қилади деган тушунча мутлақо маъносиздир (М.Д-таҳрири)

Ушбу стандарт активларни қазиб олиш ёки ишлатишда фойдаланиладиган асосий воситаларга нисбатан қўлланилади. Шунингдек, бошқа стандартлар асосий воситалар объектининг ушбу стандартдаги ёндашувдан фарқ қиладиган ёндашув асосида тан олинишини талаб этиши мумкин. Масалан, БҲХС 17 "Ижара" субъектдан, жумладан банкларда ижарага олинган асосий восита объектининг у билан боғлиқ бўлган рисклар ва мукофотлар бир томондан бошқа томонга ўтказилиши асосида тан олинишини талаб этади. Бироқ, бундай ҳолатларда ушбу активларни ҳисобга олишдаги бошқа жиҳатлар, шу жумладан эскиришни ҳисобга олиш, ушбу стандартда белгиланган.

БҲХС 40 "Инвестицион мулк" га мувофиқ инвестицион мулкни таннарх бўйича ҳисобга олиш моделини қўллайдиган банклар МҲХС 16 да белгиланган таннарх бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

"Асосий воситалар" 16-сон МҲХСда қуйидаги атамалардан фойдаланиш тавсия этилади:

Баланс қиймати– бу ҳар қандай жамғарилган эскириш ва йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарлар чегириб ташланганидан сўнг активнинг тан олинадиган суммаси.

Таннарх – бу активни унинг ҳариди ёки қурилиши пайтида сотиб олиш учун тўланган пул маблағи ёки пул маблағи эквивалентидаги қиймат ёки бошқа турдаги унинг эвазига берилган товоннинг ҳаққоний қиймати ёки, масалан БҲХС 2 тегишли ҳолларда, бошқа БҲХСларнинг, "Акцияга асосланган тўлов" нинг аниқ талабларига мувофиқ ушбу активнинг дастлабки тан олинишидаги қийматдир.

Эскириш ҳисобланадиган қиймат – бу активнинг тугатиш қиймати чегирилгандаги танннархи ёки таннарх ўрнига акс эттириладиган бошқа қийматдир.

Эскириш – бу активнинг эскириш ҳисобланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида систематик тарзда ҳаражатларга олиб боришдир.

Банкларга хос қиймат – бу банк томонидан активдан давомий фойдаланишдан ва фойдали хизмат муддати охирида балансдан чиқаришдан ёки мажбурият сўндирилганида кутиладиган пул оқимларининг келтирилган (дисконтланган) қийматидир.

Ҳаққоний қиймат – бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиниши

мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нарх. (МҲХС 13 "Ҳаққоний қийматни баҳолаш").

Қадрсизланиш бўйича зарар – актив баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошадиган қисми.

Асосий воситалар – қуйидагилар учун мўлжалланган моддий активлар:

маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатиш ёки бошқа томонларга ижарага бериш, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжаланган;

бир даврдан узоқроқ муддат давомида фойдаланилиши кутилган.

Қопланадиган қиймат – бу активнинг қуйидаги қийматларидан юқорироғи: сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланишдаги қиймати.

Активнинг тугатиш қиймати – бу активнинг чиқиб кетиши бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда, банк айни пайтда худди актив фойдали хизмат муддати охирида кутилган муддати ва ҳолатида бўлганидек, активнинг чиқиб кетишидан оладиган баҳоланган қийматидир.

Фойдали хизмат муддати бу:

активнинг банк томонидан фойдаланиши учун яроқли бўлиши кутилган давр;

субъект томонидан активдан олиниши кутилган ишлаб чиқариш ҳажми(миқдори) ёки шунга ўхшаш бирликлар сони.

"Асосий воситалар" - МҲХС 16да асосий воситалар объектининг таннархи қуйидаги шартлар бажарилганда, актив сифатида тан олинади:

банк томонидан асосий восита билан боғлиқ келгуси иқтисодий наф олиниши эҳтимоли мавжуд бўлса;

активнинг таннархи ишончли баҳолана олса.

Эҳтиёт қисмлар, ёрдамчи ва таъмирловчи жиҳозлар каби моддалар асосий воситалар таърифига мос келганида ушбу МҲХСга мувофиқ тан олинади.Аксинча ҳолларда бундай моддалар товар-моддий захиралар сифатида таснифланади.

МҲХС 16 тан олиш учун ўлчов бирлигини, яъни асосий восита объекти нимадан ташкил топишини белгилаб бермайди. Шунинг учун, банкнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиқиб тан олиш мезонларини қўллаш талаб этилади. Қолиплар, асбоблар ва мосламалар каби алоҳида аҳамиятли бўлмаган моддаларни

бирлаштириш ва тан олиш мезонларини ушбу бирлаштирилган қийматга нисбатан қўллаш ўринли бўлиши мумкин.

Банк барча асосий воситалар билан боғлиқ харажатларни уларнинг келиб чиқиш пайтига қараб ушбу тан олиш мезонлари асосида баҳолайди. Бундай харажатлар асосий восита объектини сотиб олиш ёки қуриш билан боғлиқ бошланғич харажатларни ҳамда асосий воситани кейинчалик кенгайтириш, қандайдир қисмини алмаштириш ёки унга техник хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган харажатларни қамраб олади.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим меъёрий ҳужжати сифатида тан олин, банклар ва компанияларнинг молиявий фаолиятини юритиш ҳамда молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни шакллантирувчи асосий стандартлардан бирига айланди. Бугунги кунда 1 дан 41 рақамгача бўлган МҲХС (ёки БҲХС) таркибида номоддий активларга тегишли бўлган стандарт 38-сон билан рўйхатдан ўтган бўлиб, мазкур стандарт номоддий активларнинг баланс қийматини баҳолайди ва улар тўғрисида муайян маълумотларни очиб беради.

Номоддий активларга берилган таърифларда МҲХС ва БҲМС (Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти) ўртасида ўхшашлик ва фарқларни кузатиш мумкин. Халқаро амалиётда у моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган аниқланадиган номонетар актив сифатида талқин этилса, миллий стандартда корхона томонидан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари кўринишида ифодаланади.

Ушбу таърифлар ҳар доим ҳам мазмунига тўғри келмаслиги мумкин, масалан, МҲХСда таъкидланишича, айрим номоддий активлар моддий кўринишда сақланиши мумкин, масалан, компакт диск (компьютер дастури), ҳуқуқий ҳужжатлар (лицензия ёки патент) ва тасма (фильмлар). Шунингдек, номоддий ва моддий жиҳатларга эга активларни IAS 16 "Асосий воситалар" бўйича ҳисобга олиниши ёки IAS 38 га мувофиқ номоддий активлар сифатида ҳисобга олиниши лозим бўлади. Масалан, компьютер дастурисиз фаолият кўрсатмайдиган компьютер-назорат-қиладиган ускуна учун компьютер дастури тегишли эҳтиёт қисмнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва у асосий восита сифатида акс эттирилади. Айнан шу ёндашув компьютернинг операцион

тизимига нисбатан ҳам қўлланилади. Агар дастур ускунага тегишли бўлмаса, у ҳолда, компьютер дастури номоддий актив сифатида ҳисобга олинади.

БҲМСда асбоб-ускунанинг ажралмас қисми ҳисобланган дастурий таъминот асбоб-ускунанинг таннархига киритилади. Лекин, дастурий таъминотни белгиланган муддатларда янгилаб борилиши вазиятни мураккаблаштиради. Асосий воситаларга оид стандартда ҳисоб юритишнинг турли объектларида иқтисодий хизматнинг муддатлари турлича ва уларни идентификациялаш мумкин бўлса, объектларни бўлиш лозимлиги кўрсатилган. Яъни, ушбу ҳолатда дастурий таъминот асосий воситанинг таркибий қисми бўлиб, унумли фойдаланиш муддати даврида амортизацияланишга тегишли бўлган алоҳида инвентарь объекти сифатида қайд этилиши керак.

Шунингдек, дастурий таъминотни номоддий актив сифатида эътироф этишнинг асосий мезони мулкий ҳуқуқ ҳисобланади. Натижада у фойдаланувчига берилса, сотиб олиш номоддий актив сифатида таснифланади. Аксинча бўлса, барча ҳаражатлар келгуси даврлар ҳаражатлари сифатида акс эттирилиб, иқтисодий нафларни олиш муддатига мутаносиб равишда жорий ҳаражатларга олиб борилиши кўзда тутилган.

Номоддий активларни баланснинг энг тушунарсиз моддаси эканлигининг яна бир ҳолати шундаки, МҲХСга мувофиқ қилинган ҳаражатлар натижаси номоддий активларни ҳосил қилиш имкониятини берсада, лекин унга нисбатан ғоя ёки билимлар берилганлиги таъкидланади. Масалан, реклама, тренинг, бизнесни бошлаш, тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш фаолиятлари бўйича ҳаражатларни келтириш мумкин. Тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш фаолиятлари билимни ривожлантиришга йўналтирилади, демак ушбу фаолият натижаси моддий кўринишдаги активга (масалан, саноат намунаси ёки товар белгиси) олиб келишига қарамасдан, активнинг моддий жиҳати унинг номоддий қисмига иккиламчи сифатида қаралиб, улар негизида илмий изланишлар ётганлиги таъкидланади.

Банклар ёки компаниялар ўз фаолиятида илмий, техник билим, янги жараёнлар, тизимлар, дизайн, лицензиялар, интеллектуал мулк, бозор билими ва савдо мулкларини (бренд ва чоп этиш номлари) сотиб олишда, такомиллаштиришда ҳамда сақлашда доимий равишда ресурсларни кенгайтириб борадилар. Бу фаолият

ёки жараёнлар номоддий активлар бўлиб, уларнинг энг кўп учрайдиганларига қуйидагилар киритилади: компьютер дастури, патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, тасвирий фильмлар, мижозлар рўйхати, ипотекага хизмат кўрсатиш ҳуқуқи, турли ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун лицензиялар, импорт квоталари, франчайзинглар, мижоз ёки таъминотчи алоқалари, мижоз содиқлиги, бозор улуши ва маркетинг ҳуқуқи кабиларни келтириш мумкин.

Номоддий активларнинг аниқ бир фойдали хизмат муддати мавжуд эмас, шунинг учун халқаро стандартда қуйидаги икки ҳолат билан унинг фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкин деб қаралади, биринчидан, номоддий активлар фойдаланиш учун яроқли бўлиши ёки кутилган давр, иккинчидан, манашу активлардан олиниши кутилган ишлаб чиқариш ҳажми (миқдори) яъни маҳсулот бирликлари сони.

Номоддий активларни бухгалтерияда ҳисобга олиш унинг фойдали хизмат муддатига асосланади. Фойдали хизмат муддати аниқ бўлган номоддий актив амортизация қилинади, фойдали хизмат муддати аниқ бўлмаган номоддий активлар эса амортизация қилинмайди. Номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини аниқлашдаги омилларга қуйидагилар киритилади: номоддий активлардан фойдаланиш мумкинлиги, эскиришнинг техник ва технологик турлари, фойдаланадиган соҳанинг барқарорлиги, фойдаланишда ишлаб чиқилган маҳсулотларга бўлган бозор талабининг ўзгариши, рақобатчилар томонидан кутилган ҳаракатлар, номоддий активларни назорат қилиш даври, фойдаланиш бўйича ҳуқуқий чекловлар ҳамда номоддий активлар фойдали хизмат муддати бошқа активларнинг фойдали хизмат муддатига боғлиқлиги.

Номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатлари бўйича қуйидаги мисолларда тушунчалар берилган:

1. Фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкинлиги. ***Банк*** *200000$ га дастурий маҳсулот сотиб олади. Унинг фойдали хизмат муддати 5 йил, тахминий тугатилиш қиймати нолга тенг деб баҳоланди. Натижада бухгалтер ҳар йили сотиб олинган дастурий маҳсулот бўйича 40000$ миқдордаги амортизацияни кўрсатади.*

Кўрсаткичлар	Ҳисобот шакллари	Ўтказмалар	
		Дебет	Кредит
Амортизация харажатлари (тегишли объектлар бўйича)	Фойда ва зарарлар тўғрисида	40000	-
Жамғарилган амортизация	Бухгалтерия баланси	-	40000

Номоддий активлар қуйидаги ҳолатларда банкнинг балансига қабул қилинади, яъни киримга олиниши мумкин: сотиб олиш (харид қилиш), ҳадя кўринишида, устав капиталига улуш сифатида, бошқа активларга алмаштириш ва ҳ.к.

Халқаро стандартда номоддий активларни кирими бўйича алоҳида харид қилиб олиш тартибига кўпроқ эътибор қаратилган. Номоддий активни алоҳида сотиб олишда тўланаётган суммалар ёки бошқача қилиб айтганда, унинг нархи келгусида албатта иқтисодий наф келтириши керак бўлади, натижада унинг таннархи одатда, ишончли тарзида баҳоланади. Алоҳида сотиб олинган номоддий активнинг таннархи қуйидагиларни қамраб олади:

1. Савдо чегирмаларини ва имтиёзларини чегирган ҳолда, унинг сотиб олиш нархини, жумладан импорт божлари ва сотиб олиш билан боғлиқ қопланмайдиган солиқлар;

2. Активдан фойдаланиш учун сарфланган бевосита ҳаражатлар:

- активларни ишчи ҳолатига келтириш бўйича ходимларга тўланадиган ҳақ;
- активларни ишчи ҳолатига келтириш бўйича профессионал ҳақлар;
- активларни тўғри ишлаётганлигини текшириш бўйича ҳаражатлар.

3. Банк муаллифлик ҳуқуқини алоҳида харид қилиб олиш учун 10 млн $ миқдоридаги акцияларни чиқаради. Лекин, шу даврдаги акцияларнинг бозор қиймати 12000000$ миқдорида баҳоланган. Натижада бухгалтер муаллифлик ҳуқуқининг ҳаққоний қийматини 12 млн. $ да акс эттиради.

Кўрсаткичлар	Ҳисобот шакллари	Ўтказмалар	
		Дебет	Кредит
Номоддий актив(муаллифлик ҳуқуқи)	Бухгалтерия баланси	12000000	-
Акционерлик капитали	Бухгалтерия баланси	-	12000000

"Номоддий активлар" 38-сонли халқаро стандартнинг мақсади бошқа МҲХС қамраб олмаган номоддий активлар учун бухгалтерия ҳисобининг ёндашувини белгилашдан иборат. Ушбу стандарт банкдан номоддий активни у фақат белгиланган мезонларга жавоб берганида тан олишни талаб этади.

МҲХС - 38 номоддий активларнинг баланс қийматини қандай баҳолашни белгилайди ва номоддий активлар тўғрисида муайян маълумотлар очиб берилишини талаб этади.

Ушбу Стандарт номоддий активларни ҳисобга олишда қўлланиши лозим, бундан қуйидагилар мустасно:

а) бошқа Стандарт қўллаш доирасидаги номоддий активлар;

б) БҲХС - 32 "Молиявий инструментлар: тақдим этиш" да таърифланган молиявий активлар;

в) активларнинг қидируви ва баҳоланишини тан олиш ва баҳолаш (МҲХС - 6 "Фойдали қазилмаларни қидириш ва захираларини баҳолаш");

г) фойдали қазилмалар, нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурсларни қайта ишлаш ва қазиб олиш ҳаражатлари.

Агарда бошқа стандарт номоддий активнинг маълум тури учун бухгалтерия ҳисоби тартибини белгиласа, банк мазкур МҲХС ўрнига ўша стандартни қўллайди. Масалан, мазкур стандарт қуйидагилар учун қўлланилмайди:

а) банк томонидан оддий бизнес фаолиятида сотиш учун эгалик қилинаётган номоддий активлар (БҲХС - 2 "Товар - моддий захиралар" ва БҲХС - 11 "Қурилиш шартномалари").

б) муддати узайтирилган солиқ активлари (БҲХС - 12 «Фойда солиқлари»).

в) БҲХС - 17 «Ижара» нинг қўллаш доирасидаги ижаралар.

г) Ходимларга ҳақ тўлашдан юзага келадиган активлар (БҲХС - 19 «Ходимларнинг даромадлари»).

д) БҲХС- 32 да таърифланган молиявий активлар. Баъзи молиявий активларнинг тан олиниши ва баҳоланиши МҲХС- 10 "Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар",

БҲХС - 27 «Алоҳида молиявий ҳисоботлар" ва БҲХС - 28 «Қарам тадбиркорлик субъектларидаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар" да қамраб олинган.

е) Бизнес бирлашувида сотиб олинган гудвилл (МҲХС - 3 «Бизнес бирлашувлари»).

ж) МҲХС - 4 «Суғурта шартномалари» нинг қўллаш доирасидаги суғурта шартномалари асосидаги суғуртачининг шартномавий ҳуқуқларидан келиб чиқадиган муддати узайтирилган ҳарид ҳаражатлари ва номоддий активлар. МҲХС - 4 ушбу номоддий активлар учун эмас, балки ушбу муддати узайтирилган ҳарид ҳаражатлари учун аниқ маълумотлар очиб берилиши талабларини белгилайди. Шу туфайли, мазкур стандартдаги маълумотларни очиб бериш бўйича талаблар ушбу номоддий активлар учун қўлланилади.

з) МҲХС - 5 «Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият»га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган (ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига киритилган) узоқ муддатли номоддий активлар.

Баъзи номоддий активлар моддий кўринишда сақланиши мумкин, масалан, компакт диск (компьютер дастури мисолида), ҳуқуқий ҳужжатлар (лицензия ёки патент мисолида) ёки фильм.

Номоддий ва моддий жиҳатларга эга активни БҲХС - 16 "Асосий воситалар" бўйича ҳисобга олиниши ёки мазкур стандарт бўйича номоддий активлар сифатида ҳисобга олинишини аниқлаш учун, банк қайси жиҳат аҳамиятлироқлигини баҳолашда фойдаланади. Масалан, аниқ бир компьютер дастурисиз фаолият кўрсатмайдиган компьютер-назорат қиладиган ускуна учун компьютер дастури тегишли эҳтиёт қисмнинг ажралмас қисмидир ва у асосий восита сифатида ҳисобга олинади. Айнан шу ёндашув компьютернинг операцион тизимига нисбатан қўлланилади. Қачонки дастур тегишли эҳтиёт қисмнинг ажралмас қисми бўлмаса, компьютер дастури номоддий актив сифатида ҳисобга олинади.

Шунингдек, МҲХС - 38 реклама, тренинг, бизнесни бошлаш, тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш фаолиятлари бўйича ҳаражатлар учун қўлланилади. Тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқариш фаолиятлари билимни ривожлантиришга йўналтирилгандир.

Ушбу фаолиятлар натижаси моддий кўринишдаги активга (масалан, намуна) олибкелишига қарамасдан, активнинг моддий жиҳати унинг номоддий қисмига иккиламчидир, яъни унда билим сингдирилгандир.

Молиявий ижара ҳолатида, актив моддий ёки номоддий бўлиши мумкин. Дастлаб тан олингандан сўнг, ижарага олувчи молиявий ижара келишуви асосида эгалик қилинаётган номоддий активни мазкур стандартга мувофиқ ҳисобга олади. Тасвирий фильмлар, видео тасмалари, ёзма асарлар, қўлёзмалар, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари каби моддалар учун лицензиялаш келишувлари асосидаги ҳуқуқлар БҲХС - 17 қўллаш доирасидан чиқарилган ва мазкур стандарт қўллаш доирасидадир.

Агар фаолиятлар ёки операциялар махсуслаштирилиб, бошқача ёндашув зарур бўладиган бухгалтерия ҳисобини қўллашга олиб келса, мазкур Стандартнинг қўллаш доирасида истисно бўлиши мумкин. Бундай масалалар қазиб олиш соҳасида нефть, газ ва минерал депозитларни қидирув ёки қайта ишлаш ва қазиб чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олишда ҳамда суғурта шартномалари ҳолатларида юзага келади. Шу туфайли, мазкур Стандарт бундай фаолиятлардаги ҳаражатлар ва шартномалар учун қўлланилмайди. Бироқ, мазкур Стандарт қазиб олиш соҳаларида ёки суғуртачилар томонидан фойдаланилган бошқа номоддий активлар (масалан,компьютер дастури) ва сарфланган бошқа ҳаражатлар (масалан, бизнесни бошлаш ҳаражатлари) учун қўлланилади.

Банкларнинг моддий активлар таркибига товар-моддий захиралар ҳам киритилади. Ушбу айланма маблағлар кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар номи билан ҳисоботда акс эттирилади. Халқаро амалиётда эса МҲХС - 2 "Захиралар" стандартида асосий тушунчалар ва баҳолаш тартиби баён этилади.

МҲХС - 2 "Захиралар" стандартининг мақсади товар-моддий захираларни (ТМЗларни) ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборатдир. ТМЗларни ҳисобга олишда асосий масала ТМЗларнинг таннархи қандай суммада актив сифатида тан олиниши ва улар билан боғлиқ бўлган даромадлар келгуси даврларда тан олингунча ҳисобга олиниши кераклигидир. Ушбу стандарт таннарх ва унинг кейинчалик ҳаражат сифатида тан олиниши, шу жумладан унинг ҳар қандай соф сотиш қийматигача камайтирилиши бўйича кўрсатмалар беради. Шунингдек,товар-моддий захираларнинг таннархини аниқлашда қўлланиладиган таннархни ҳисоблаш формулалари бўйича кўрсатмаларни келтиради.

Стандартда қуйидаги атамалардан фойдаланилади: Товар-моддий захиралар– бу қуйидаги активлардир:

одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган;

сотув учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган;

ишлаб чиқариш жараёнида ёки хизматлар кўрсатилишида фойдаланилиши кўзланган хом ашё ва материаллар кўринишидаги активлар.

Соф сотиш қиймати- бу одатдаги фаолият давомида ишлаб чиқаришни охирига етказиш бўйича ҳаражатлар ва сотишни амалга ошириш учун зарур бўлган ва тахминий баҳоланган ҳаражатлар чегириб ташланган сотиш баҳосидир.

Ҳаққоний қиймат- бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишдан олиниши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши керак бўлган нархдир (МҲХС - 13 "Ҳаққоний қийматни баҳолаш").

Соф сотиш қиймати тушунчаси банкнинг одатдаги фаолияти давомида товар-моддий захирани сотишдан олиниши мўлжалланган соф суммани англатади.

Ҳаққоний қиймат– баҳолаш санасида, ТМЗни худди шундай ТМЗ сотиладиган асосий бозорда(ёки энг катта манфаат келтирадиган бозорда) сотиш бўйича бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операция амалга оширилиши мумкин бўлган баҳони акс эттиради. Биринчиси- тадбиркорлик субъектига хос қиймат; иккинчиси эса йўқ. Товар-моддий захираларнинг соф сотиш қиймати уларнинг сотиш ҳаражатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматига тенг бўлмаслиги мумкин.

Товар-моддий захиралар сотиб олинган ва қайта сотиш учун мўлжалланган товарларни қамраб олади, масалан чакана савдо ташкилоти томонидан сотиб олинган ва қайта сотиш учун сақланадиган товарлар, ёки қайта сотиш учун мўлжалланган ер ва бошқа мулклар.

6.2. Банкларда асосий воситаларни баҳолаш ва ҳисобга олиш

Асосий воситалар - бир йилдан кўпроқ хизмат қилиш муддатига эга бўлган, ишлаб чиқариш ёки товарларни етказиб бериш, маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган ёки ижарага бериладиган активлар.

Кўчмас мулк, ускуналар ва жиҳозлар - бир йилдан ортиқ муддат фойдаланишга мўлжалланган, ишлаб чиқариш ёки товарларни етказиб бериш, маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган ёки ижарага бериладиган моддий активлар. Улар, асосий воситалар

таркибига киради. Шунинг учун улар кўпроқ асосий воситалар деб аташади.

Бошланғич (тарихий) қиймат - асосий воситани сотиб олиш ёки уни қуриш (қуриш ва қурилишни тугаллаш) билан боғлиқ барча ҳаражатлар, шу жумладан, тўланган солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари ҳамда етказиб бериш, монтаж, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ бевосита активлардан белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар суммасидир. Шунинг учун бошланғич қиймат асосий воситанинг таннархи деб ҳам аталади.

Асосий воситаларни бошланғич қиймати қайта баҳоланган санага нисбатан ҳаққоний баҳони акс эттириш учун олдиндан қайта баҳоланади;

Баланс қиймати - бу активнинг баланс ҳисоботида жамғарилган эскириш ва қийматини йўқотишдан келадиган зарарни чиқариб ташлагандан кейинги қолган сумма.

Ликвидацион(тугатилиш) қиймат – актив эскириб, ўзининг фойдаланиш хизмат муддати охирида эга бўладиган, яъни шу вақтда банк ушбу активни тугатиш билан боғлиқ ҳаражатларни чиқариб ташлагандан сўнг, уни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган, баҳоланган сумма.

Ҳаққоний (реал) қиймат – бу активнинг жорий бозор қиймати ёки ўзаро манфаатдор томонлар ўртасида активларни алмаштириш мумкин бўлган суммадир.Мазкур активнинг фаол бозори мавжуд бўлмаган тақдирда ҳаққоний қиймат қонунчиликка мувофиқ, баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мустақил экспертлар томонидан аниқланган қийматдир.

Қайта тикланган қиймат – бу асосий воситанинг банк бухгалтерия балансидаги қайта баҳоланган қиймати.

Фойдали хизмат муддати – бу банк томонидан активлардан фойдаланиш мўлжалланаётган давр ёки ушбу активдан фойдаланишдан банк қўлга киритишни кутаётган иш ва хизматлар миқдори.

Амортизация (эскириш) - активнинг иқтисодий ҳаёти мобайнида унинг эскириш ҳисобланадиган қийматини муттасил ва оқилона равишда тақсимланиши.

Амортизацияланадиган қиймат – активнинг таннархи ёки таннархни алмаштирадиган бошқа қийматидан тугатилиш қиймати чегирилган суммадир.

Қийматни пасайиши (қадрсизланиш) дан олинган зарар - активнинг баланс қийматини унинг қопланиш қийматидан ошган суммаси. Қопланадиган сумма - активни соф сотиш ва унинг фойдаланиш қийматидан энг катта бўлган қиймат.

Фойдаланиш (қимматлилик) қиймати – активнинг фойдаланиш хизмати муддати мобайнида олинииниши кўзда тутилаётган ва ушбу активни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган пул тушумларининг дисконтланган қиймати.

Соф сотиш қиймати - ўзаро бир-бирига қарам бўлмаган томонлар ўртасида тузилган битим асосида активларни сотилишидан олиниши мумкин бўлган, активни чиқиб кетиши билан боғлиқ ҳаражатларни чегирган сумма.

Айирбошлаш - корхоналар орасида активларни бериш ёки бошқа турдаги хизматларни бажариш ёхуд бошқа активларни бериш эвазига мажбуриятларни қоплаш юзасидан ўзаро бир-бирига етказиб бериш.

Бир тарафлама бериш - активлар ёки хизматларни бир тарафлама бериш, банкдан унинг мулкдорларига ёки тескариси, мулкдорлар ва бошқа ташкилотлардан муайян банкка.

Тугатиш қиймати - асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муддати охирида асосий воситаларни тугатишдан олинадиган қийматдан тахмин қилинаётган чиқиб кетиш ҳаражатларини айиргандан кейинги қолган қиймати.

Ўхшаш ишлаб чиқариш активлари - бир умумий турга мансуб бўлган, бир хил вазифаларни бажарадиган ёки худди ўша хўжалик фаолиятида ишлатиладиган ишлаб чиқариш активлари.

Асосий воситалар ҳисобида тўрт асосий масала мавжуд:

асосий воситалар қабул қилинишида дастлабки рўйхатдан ўтказиш суммаси ёки унинг таннархини аниқлаш. Бу қиймат асосий воситанинг бошланғич-тарихий қиймати бўлади.

асосий воситалар қийматини келгуси даврларга тақсимлаш учун аниқланган эскириш усули ва ставкасини белгилаш.

асосий воситалар олингандан кейин қийматининг ўзгариши, шу жумладан қийматининг кўпайиши ёки мумкин бўлган камайиши, камайишининг оқибатлари ҳисобварақларда қандай қилиб акс эттирилиши.

асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни рўйхатга олиш.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини 16-МҲХС "Асосий воситалар" номли стандарт бўйича тартибга солиш тавсия

этилади. Асосий воситалар банкда ҳам, бошқа корхона ва ташкилотларда ҳам бир хил аҳамиятга эга.

Лекин, банкларда асосий воситаларнинг ҳисоби билан боғлиқ бухгалтерия ўтказмалари Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш "Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида"ги йўриқнома (Рўйхат рақами 1434, 2004 йил 17 декабр) талаблари асосида амалга оширилади. Ушбу йўриқнома юқорида қайд этилган МҲХС 16 га мувофиқ ишлаб чиқилган ёки унинг қоидалари тўла халқаро стандартларга мос келади.

Банкларда асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобини тушунтиришда ушбу йўриқнома қоидаларидан фойдаланилади.

Асосий воситалар объекти актив сифатида МҲХСнинг умумий қоидалари асосида тан олиниши керак, яъни:

- актив билан боғлиқ бўлган келгуси иқтисодий нафлар банк томонидан олиниши эҳтимоли юқори даражада деб тасдиқланганда; ва

- корхона учун активнинг таннархи ишончли баҳоланиши мумкин бўлганда.

Активдан фойдаланиш натижасида келажакда келадиган иқтисодий самара, банк томонидан ундан фойдаланиш натижасида юзага келган хизматларни сотишдан тушадиган тушумни, ҳаражатларни тежаш ва бошқа фойдаларни ўз ичига олиши мумкин. Ушбу иқтисодий нафларни олиш эҳтимоли юқори бўлганда банк актив билан боғлиқ манфаатларни ва таваккалчиликларни ўз зиммасига олиши аниқ бўлишини талаб этади. Бундай аниқлик ушбу манфаатлар ва таваккалчиликлар банкка ўтгандагина, мавжуд бўлади. Ушбу вақтга қадар активни олиш билан боғлиқ операция аҳамиятли бўлмаган жарима чоралари билан бекор қилиниши мумкин, шунинг учун актив тан олинмайди.

Тан олишнинг иккинчи шарти осонлик билан бажо келтирилади, чунки активларни сотиб олинганлиги тўғрисида далил бўлган айирбошлаш операцияси натижасида унинг қиймати аниқланади. Актив ўз кучи билан барпо этилган тақдирда унинг баҳоси материалларни сотиб олиш билан боғлиқ ташқи томонлар билан операциялар, иш кучи ва қурилиш жараёнида амалга оширилган бошқа ҳаражатлар асосида аниқланади.

Асосий восита қиймати ишончли тарзда баҳолангандагина, у банкнинг бухгалтерия ёзувларида акс эттирилиб, тан олинади. 16-сонли БҲХС: Актив сифатида тан олинадиган асосий воситалар объекти дастлаб таннархи бўйича баҳоланиши керак.

Сотиб олинган асосий воситалар балансда бошланғич (тарихий) қиймати ёки агар, кейинчалик қайта баҳоланган бўлса, демак у қайта баҳоланган қиймати бўйича акс эттирилади.

Сотиб олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, қуйидаги ҳаражатларни ўз ичига олади:

- активни етказиб берувчиларга ва шартномага асосан қурилиш-монтаж ишларини бажарилиши учун ижарачиларга тўланган сумма;
- асосий воситаларни объектини сотиб олиш учун тўланган рўйхат бўйича йиғимлар, давлат божи (божхона божи, йиғимлар ва бошқалар) ва бошқа ўхшаш тўловлар;
- асосий воситалар объектини сотиб олиш (яратиш) билан боғлиқ солиқлар ва йиғимлар (агар улар қайта қопланмаган бўлса);
- асосий восита объектини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ахборот ва маслаҳат хизмати учун тўловлар суммаси;
- объектни етказиб бериш бўйича суғурта риски ҳаражати;
- асосий воситани олишда ўртада турганларга мукофот пули;
- етказиб бериш, монтаж, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар;
- бевосита активдан белгиланган мақсадда фойдалана олиш учун уни ишчи ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳаражатлар.

Хорижий валюта ҳисобига сотиб олинган асосий воситалар балансда давлат божхона декларацияси расмийлаштирилган кундаги Марказий банкнинг курси бўйича миллий валютада акс эттирилади ҳамда хорижий валютанинг курси ўзгариши муносабати билан улар қайта баҳоланмайди.

Маълум ҳолларда актив билан боғлиқ ҳаражатларнинг умумий суммасини алоҳида қисмларга бўлиш ва ҳар бир қисмни алоҳида ҳисобга олиш лозим. Бундай ҳисоб юритиш ушбу объектнинг алоҳида қисмлари ҳар хил фойдали хизмат қилиш муддатига эга бўлган ҳолда амалга оширилади.

Текинга олинган асосий воситалар, уларни сотиб олишда кўрсатилганидек аввалига балансда ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобига олинган санага нисбатан хаққоний

қийматда тан олинади. Асосий воситаларнинг бошланғич қийматига келгусида аниқ ҳаражатлар қилинганда, улар қайта баҳоланганда, чиқариб ташланганда ва асосий восита объекти ёки унинг айрим бўлаги сотилганда, тузатишлар киритилиши мумкин.

Банкнинг балансига асосий воситалар қуйидаги ҳолларда олинади:

Нақд пулга, тўлов эвазига сотиб олиш;

Объектларни қуриш ёки реконструкция қилиш йўли билан;

Пулга оид бўлмаган операциялар орқали (айирбошлаш);

Текинга олиш ёки субсидия йўли билан;

Молиявий ижара (лизинг) шартномасига кўра;

Ортиқча чиққан (ҳисобга олинмаган) асосий воситалар.

Асосий воситалар, лойиҳа-тадқиқот ишлари, қурилиш материаллари, меҳнат, бино (иншоот)лар қурилиши (таъмирланиши) билан боғлиқ ҳаражатлар ва асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ бошқа капиталлаштирилган ҳаражатлар қийматини олдиндан тўлиқ ёки қисман тўлаш қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дебет - 19909 «Товар-моддий қимматликлари тўланган маблағлар ҳисобварағи»

Кредит - Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг (мол етказиб берувчининг) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, агар уларга ушбу банк хизмат кўрсатса

Сотиб олинган бинолар (иншоотлар) балансда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

Дебет - 16509 «Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар».

Кредит - 19909 «Товар-моддий қимматликлари тўланган маблағлар ҳисобварағи».

Сотиб олинган бошқа асосий воситаларни балансда акс эттириш:

Дебет - 165** - «Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи».

Кредит - 19909 «Товар-моддий қимматликлари тўланган маблағлар ҳисобварағи».

Асосий воситаларни омборга кирим қилиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дебет - 16561 «Омбордаги асосий воситалар».

Кредит - 19909 «Товар-моддий қимматликлари тўланган маблағлар ҳисобварағи».

Таъмирлашни талаб қиладиган сотиб олинган бинолар таъмирлаш ишлари тугагунга қадар 16505 - «Тугалланмаган қурилишлар» баланс ҳисобварағининг алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади. Бунда биноларни (иншоотларни) қуриш (таъмирлаш) ишлари билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар, лойиҳа-тадқиқот ишлари, қурилиш материаллари ва меҳнат ҳаражатлари қабул қилиш далолатномаларига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобварақларда акс эттирилади:

Дебет - 16505 «Тугалланмаган қурилишлар»

Кт - 19909 «Товар-моддий қимматликлари тўланган маблағлар ҳисобварағи»

Агар кейинги ҳаражатлар чет эллик ҳамкор билан тузилган шартномага асосан чет эл валютасида амалга оширилса, ҳаражатларнинг ҳисоби 16505 - «Тугалланмаган қурилишлар» ҳисобварағида операция бажарилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмдаги эквивалентда амалга оширилади.

Йил охирида банкнинг барча филиалларига очилган 16505- «Тугалланмаган қурилишлар» ҳисобварақларидаги қолдиқ Бош банкда тугалланмаган қурилишнинг ҳажмига мос келиши керак ва у кейинги йилга ўтказилади.

Бинолар (иншоотлар) фойдаланишга тайёр бўлган ҳолда уларнинг қиймати тегишли қабул қилиш далолатномасига асосан 16509 - «Банк иморатлари-бинолар ва бошқа қурилган иморатлар» ҳисобварағига кирим қилинади. Агар қурилиш ёки таъмирлаш ишларининг ҳаражатлар сметасида мебел ва жиҳозларни сотиб олиш кўзда тутилган бўлса, унда қабул қилиш далолатномасида уларнинг қиймати умумий қийматдан ажратиб кўрсатилади ва тўлиқ рўйхати илова қилинади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари расмийлаштирилади:

а) бинонинг қиймати суммасига:

Дебет - 16509 «Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа қурилган иморатлар»

Кредит - 16505 «Тугалланманган қурилишлар».

б) мебел ва жиҳозларнинг қиймати суммасига:

Дебет - 16535 «Мебель, мослама ва жиҳозлар».

Кредит - 16505 «Тугалланманган қурилишлар».

Агар банк тўловни моддий активлар кирим қилингандан кейин амалга оширса, тегишли кирим ҳужжатларига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Моддий активлар келиб тушганда балансда акс эттириш:

а) агар асосий воситалар келиб тушгандан дарҳол фойдаланишга берилса:

Дебет - 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи, ёки

16505 - «Тугалланманган қурилишлар» (агар қайта таъмирлашни талаб қиладиган бино, тугалланмаган қурилиш ёки қурилиш учун материаллар сотиб олинаётган бўлса).

Кредит - 29802 «Товар - моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»

б) асосий воситалар омборга кирим қилинганда:

Дебет - 16561 «Омбордаги асосий воситалар»

Кредит - 29802 «Товар - моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматларга тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»

2) Активларнинг қиймати тўланганда:

Дебет - 29802 «Товар - моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»

Кредит - Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи

3) Асосий воситаларни омбордан фойдаланишга топширганда:

Дебет - 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

Кредит - 16561 «Омбордаги асосий воситалар»

Асосий воситалар бепул олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади. Бепул олинган асосий воситаларнинг реал қийматига:

Дебет - 165** асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи, ёки 16561 - «Омбордаги асосий воситалар» (агар омборга кирим қилинса)

Кредит - 45994 «Бошқа фоизсиз даромадлар»

Бунда юзага келадиган ҳаражатлар жорий ҳаражатларнинг ҳисобига олинади.

Агар асосий воситалар субсидия йўли билан олинган бўлса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет - 165** асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи,

Кредит - 22896 - «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар»

Муддати узайтирилган даромадлар тижорат банкларининг грант бухгалтерия ҳисоби қонунига (21.01.2004 йилда 1300-сон

билан рўйхатга олинган) келгусида 22896 ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Агар (амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджетга солиқлар тўлашдан озод қилинган) банклар асосий воситаларни банк инфратузилмасини ривожлантириш доирасида солиқдан озод қилинган маблағлар ҳисобидан сотиб олишган бўлса, уларнинг қийматини 30903 - "Умумий захира фонди" баланс ҳисобварағининг "Банк инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган маблағлар" шахсий ҳисобварағига кирим қилиш қуйидаги кўринишдаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дебет - 30903 «Умумий захира фонди»

«Банк инфратузилмасини ривожлантириш фондига йўналтирилган маблағлар» ш/ҳ.

Кредит - 30903 «Умумий захира фонди»

«Банк инфратузилмасини ривожлантиришга сарфланган маблағлар».

Асосий воситалар ёки уларнинг айрим қисмлари кўп ҳолларда бошқа пул бўлмаган активларга айирбошланиши мумкин. Бундай усулда олинган асосий воситалар ҳаққоний қиймати билан балансда акс эттирилиши ёки тан олиниши лозим. Фақат қуйидаги икки ҳолатдан ташқари ҳолларда:

1. Айирбошлаш тижорат мақсадида эга эмас ёки фойда олишни кўзламаган.

2. Айирбошланаётган асосий воситаларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш имкони йўқ.

Айирбошлашнинг биринчи шарти, яъни у тижорат тавсифига эга ёки йўқлиги бир неча усулларда аниқланади, лекин асосий шартларидан бири бу жараённи амалга оширишдан кўзланган мақсадга тўғри ёндашишдан иборат.

Бундан ташқари айирбошланаётган асосий воситанинг хусусиятлари ҳам инобатга олинади.

Айирбошлашнинг иккинчи шарти, яъни айирбошланаётган асосий воситаларнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш имкони йўқ бўлса, унда улар баланс қиймати билан тан олинади ёки бошқача айтганда уларнинг шу бугунгача балансда қандай суммада акс эттирилган бўлса, уларни шу суммада яна балансга қабул қилинади.

МҲХС - 16 бўйича асосий воситаларни пулсиз айирбошланганда қуйидаги қоидаларига амал қилиш тавсия этилган:

1. Қийматни аниқлаш учун айирбошлашда олинган актив қиймати ва унинг ўрнини тўлдириш учун товон сифатида бериладиган актив қиймати бир-бири билан солиштирилади ва бунда олинган ёки тўланган ҳар қандай пул маблағлари бўйича тузатишлар ҳисобга олинади.

2. Агар корхона томонидан айирбошлаш учун берилган активларда худди шу мақсадларда ва худди шу усулларда фойдаланиш учун мўлжалланган бир хилдаги активлар иштирок этса, айирбошлаш даромад олиш жараёни сифатида кўрилмайди, демак на фойда, на зарар тан олинмайди. Янги актив айирбошлашда берилган активнинг баланс қиймати бўйича рўйхатга олинади ва бунда олинган ёки тўланган ҳар қандай пул маблағлари бўйича тузатишлар ҳисобга олинади.

3. Агарда ҳар хил турдаги активлар алмаштирилса, унда айирбошлаш натижасида олинган асосий воситанинг қийматига унинг ҳаққоний қийматига изоҳ бериш йўли билан аниқланади. Одатда алмаштириш учун берилган асосий воситаларнинг ҳаққоний қиймати олинган ёки тўланган ҳар қандай пул маблағлари бўйича тузатишлар киритилади. Айирбошлаш даромад олиш воситаси сифатида тан олинади ва ҳар қандай фойда ҳам, зарар ҳам пул олиниши ёки тўланишидан қатьи назар, ҳисобга олинади (агар айирбошлашда иштирок этган активларни қийматида фарқ мавжуд бўлса).

4. Акциялар эвазига олинган асосий воситалар.

Акциялар асосий воситаларни олиш учун чиқариладиган бўлса, активларнинг ҳаққоний қиймати бўйича ёки чиқарилган акцияларни ҳаққоний қиймати бўйича акс эттирилади, бунда қайси қиймат аниқроқ ва ишончлироқ бўлса, шуниси қўлланилади.

Банклар амалиётида кредит олган мижозларнинг кредити тўлиқ ёки қисман қайтарилмаганда уни таъминот сифатида қўйилган гаров мулкини ундириш орқали қопланади. Ушбу тартиб халқаро амалиётда кенг қўлланилади.

Республикамиз қонунчилигида ҳам қарздор мулк гарови остида олган кредити бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда, банк (гаров эгаси) ўзининг гаров ҳуқуқидан фойдаланиши ва гаров мулкини сотиши ёки ўз мулкига айлантириб олиши мумкинлиги

кўзда тутилган. Сотиш учун мўлжалланган гаровга қўйилган мулк бошланишида ундириб олинадиган мулк ва бошқа кўчмас мулк ҳисоб-китоби тўғрисидаги меъёрий ҳужжатда акс эттирилади.

Агар, банк ҳисобига ўтадиган мулкдан ўзининг асосий воситаси сифатида фойдаланишга қарор қилса, унда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет - 165** асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи,

Дебет - 16799 – Банкнинг бошқа хусусий мулклари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)

Кредит - 16701 Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундириладиган мулк.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш учун қуйидаги усуллар қўлланилади:

- индекс усули;
- тўғридан – тўғри қайта баҳолаш усули.

Индекс усули. Қайта баҳолашнинг индекс усулида асосий воситаларнинг баланс қиймати ва қайта баҳолаш кунидаги шу активларнинг жамғарилган амортизацияси маълум индексдан фойдаланган ҳолда қайта баҳоланади. Шундан кейин активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамғарилган эскириши билан таққосланади ва ўртадаги фарқ суммасига тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

1)Агар активнинг қайта баҳоланган қиймати унинг баланс қийматидан ортиқ бўлса, ушбу ошган сумма 30908 - «Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади:

а) Дебет - 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

Кредит - 30908 «Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси»

б)қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейинги жамғарилган эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммасига:

Дебет - 30908 «Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси»

Кредит - 165** Асосий воситаларнинг тегишли жамғарилган эскириш ҳисобварағи

в) қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг ўсган қиймати, ушбу актив бўйича олдинги қайта баҳолаш натижасига

кўра ҳаражат сифатида ҳисобга олинган қисми миқдорида даромад сифатида ҳисобга олиниши лозим.

2)Қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг реал (ҳақиқий) қиймати камайса, у ҳаражат сифатида ҳисобга олинади. Ушбу сумма 30908 - «Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматини ошган суммаси» ҳисобварағидан олдинги қайта баҳолаш натижасида бевосита мазкур актив бўйича ҳосил бўлган ижобий суммадан айириб ташланиши лозим. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

а)қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейинги жамланган эскириш ўртасидаги фарқ суммасига:

Дебет - 165** Асосий воситаларнинг тегишли жамғарилган эскириш ҳисобварағи

Кредит - 30908 «Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматини ошган суммаси»

б) қайта баҳолаш натижасида аниқланган актив реал (ҳақиқий) қийматнинг камайиш суммасига:

Дебет - 30908 «Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси» (олдинги қайта баҳолаш натижасидаги ўсиш миқдорига)

Кредит - 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

в)30908-ҳисобварақда акс эттирилган олдинги қайта баҳолаш суммаси етарли бўлмаган ҳолда, камайиш ва олдинги қайта баҳолаш суммалари ўртасидаги фарқ суммаси ҳаражат сифатида ҳисобга олинади ва 55995 «Бошқа фоизсиз ҳаражатлар» ҳисобварағида акс эттирилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет - 55995 «Бошқа фоизсиз ҳаражатлар».

Кредит - 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи.

3)Қайта баҳолашнинг индекс усулида асосий воситаларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича ушбу активларнинг сотиб олиш давридан келиб чиққан ҳолда ҳар хил индекслар қўлланилади.

Индекс усули

Асосий воситаларни қайта баҳолашда индекс усулини қўллаш учун ҳар йили навбатдаги қайта баҳолаш бўйича тегишли индекслар ишлаб чиқилади ва оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

Мисол: 2019 йил 25 майда қиймати 480000 сўм бўлган компьютер сотиб олинди ва 16535-ҳисобварақка кирим қилинди. Йиллик эскириш меъёри 20%.

2019 йил 1 январ ҳолатига йиғилган эскириш суммаси =56.000 сўм

480.000 сўм[21]

---------- x 20% = 8.000 сўм x 7 ой = 56.000 сўм.

100% x 12

2019 йил 1 январ ҳолати бўйича йиғилган эскириш суммаси (8.000 x 19 ой) 152.000 сўмни ташкил этади.

2019 йил 1 январда компьютернинг бошланғич қиймати ва йиғилган эскириш суммаси оммавий ахборот воситаларида чиқарилган коэффициент (коэффициент-4)га кўпайтирилади.

480.000 x 4 = 1.920.000 сўм – қайта баҳолашдан кейинги қиймат

152.000 x 4 = 608.000 сўм – қайта баҳолашдан кейинги йиғилган эскириш суммаси.

Олинган натижалар компьютернинг бошланғич қиймати ва йиғилган эскириш суммаси билан таққосланади ва фарқи суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1.920.000 сўм - 480.000 сўм = 1.440.000 сўм

608.000 сўм - 152.000 сўм = 456.000 сўм

1) Дебет - 16535 "Мебел, мослама ва жиҳозлар" 1.440.000 сўм

Кредит - 30908 "Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси"

2) Дебет - 30908 "Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси"456.000 сўм

Кредит - 16539 "Мебел, мослама ва жиҳозларнинг эскириш суммаси(контр-актив)"

Бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилгандан кейинги ҳисобварақлар қолдиқлари: 16535 = 1.920.000 сўм, 16539 = 608.000 сўм ва 30908 = 984.000 сўм.

30908 - "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси"даги қайта баҳолаш бўйича акс эттирилган ижобий натижа ҳар ойда 31203 - "Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)" ҳисобварағига ўтказиб борилади. Бунда ҳар ойда ҳисобдан чиқариладиган қайта баҳолашнинг ижобий суммаси тегишли активни тикланиш ва бошланғич қийматларининг эскириш

[21] Тугатиш қиймати бу ҳолда нолга тенг.

суммалари ўртасидаги фарқ суммага тенг бўлади, (яъни компьютернинг 1.920.000 сўмлик қиймат асосидаги эскириши 32.000 сўм ва унинг бошланғич қийматига нисбатан ҳисобланган эскириши - 8.000 сўм. Фарқи = 24.000 сўм). Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет - 30908 "Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси" 24.000 сўм

Кредит - 31203 "Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)" 24.000 сўм

Тўғридан – тўғри қайта баҳолаш усули.

Асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати, алоҳида объектлар қийматини шунга ўхшаш янги объектларнинг қайта баҳолаш санасида шаклланган, тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бозор қиймати асосида тўғридан – тўғри қайта ҳисоблаш орқали аниқланади.

Тўғри чизиқли қайта баҳолаш усулини қўллашда объектларнинг тўлиқ тикланиш қийматини тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлаш учун банк хоҳишига қараб, қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- тайёрлов ташкилотларидан ва уларнинг махсус дилерларидан, товар-хом-ашё биржаларидан, кўчмас мулк биржаларидан ўхшаш активнинг нарх(баҳо)лари тўғрисида ёзма шаклда олинган маълумотлар;
- асосий фондларни сотиб олиш ва қайта баҳолаш кунларидаги Марказий банк курсига нисбатан ҳисоб-китоб коэффициенти аниқланадиган эркин айирбошланадиган валютада сотиб олинган асосий фондларнинг қиймати (тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар;
- тегишли давлат ташкилотларидаги нарх(баҳо)лар тўғрисида маълумотлар;
- қайта баҳолаш даврида оммавий ахборот воситаларида ва махсус адабиётда эълон қилинган нарх(баҳо)лар тўғрисидаги маълумотлар;
- баҳоловчининг асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

Тўғридан-тўғри усул билан асосий воситаларни қайта баҳолашда, бухгалтерия ҳисобида тегишли асосий восита бўйича ҳисобланган жамғарилган эскириш суммаси, шу активнинг қайта баҳолангандаги тикланиш қийматини қайта баҳолангунга қадар

бўлган баланс қийматига бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган коэффициентга кўпайтирилади.

Қайта баҳолашдан кейин активларнинг реал (ҳақиқий) қиймати уларнинг бошланғич (тикланиш) қиймати ва йиғилган эскириш суммаси билан таққосланади ва фарқ суммаларига бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

Бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилгандан кейин, активнинг қайта баҳоланган қиймати активнинг қолган ҳисоблаб чиқилган хизмат қилиш муддати давомида амортизацияланади.

30908 - «Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат» ҳисобварағидаги қайта баҳолаш бўйича акс эттирилган ижобий натижа ҳар ойда 31203 - «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига ўтказиб борилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет - 30908 «Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси

Кредит - 31203 «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)»

30908-ҳисобварақдаги қайта баҳолаш натижаси 31203-ҳисобварақка тегишли актив ҳисобдан чиқарилаётган вақтдагина, тўлиқ ўтказилади.

Омбордаги асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаси қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали ҳисобга олинади:

Тегишли активлар бўйича қайта баҳолашнинг ижобий натижаси:

Дебет - 16561 «Омбордаги асосий воситалар» - тегишли актив

Кредит - 30908 «Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси»

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг камайиш суммаси:

Дебет - 30908 «Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолаш қийматини ошган суммаси»

Дебет - 55995 «Бошқа фоизсиз ҳаражатлар»

Кредит - 16561 «Омбордаги асосий воситалар» - тегишли актив

Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули

а).Хорижий валютага сотиб олинган асосий воситалар бўйича:

хорижий валютага сотиб олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш учун қўлланиладиган коэффициентлар қуйидаги йўл билан аниқланади:

Мисол учун, 2018 йил 1 август куни банк қиймати 500 АҚШ долларига тенг бўлган компьютер сотиб олди ва Марказий банкнинг 2018 йил 1 августдаги курси (1$ =1500 сўм) бўйича 750.000 сўмни балансга қирим қилди. 2019 йил 1 январ кунига Марказий банкнинг курс қиймати 1$ = 2000 сўм ни ташкил қилган.

Хорижий валютада сотиб олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш учун қўлланиладиган коэффициент Марказий банкнинг 2019 йил 1 январ (қайта баҳолаш) ва асосий воситаларнинг сотиб олинган кунларидаги курсларига нисбатан аниқланади (коэффициент 2,3, га яъни 2000 : 1500 = 1,3 га тенг). Компьютер 1,3 коэффициент бўйича қайта баҳолагандан кейин унинг тикланиш қиймати 750.000 х 1,3 = 975,000 сўмга, йиғилган эскириш суммаси (2019 йил 1 январ куни ҳолатига йиғилган эскириш суммаси 520000 сўм) 350000 х 1,3 = 455000 сўмга тенг.

б) Миллий валютада сотиб олинган асосий воситалар бўйича:

индекс усули учун келтирилган мисолдан фойдаланимиз. Бунда 2019 йил 1 январ ҳолатига йиғилган суммаси 152000 сўмни (8000 х 19 ой) ташкил этади.

Тўғридан-тўғри усул билан асосий воситаларни қайта баҳолашда, бухгалтерия ҳисобида тегишли асосий восита бўйича ҳисобланган жамғарилган эскириш суммаси шу активнинг қайта баҳолангандаги тикланиш қийматини қайта баҳолангунга қадар бўлган баланс қийматига бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган коэффициентга кўпайтирилади.

Қайта баҳолашдан кейин активнинг бошланғич қиймати унинг баҳоланган ҳақиқий қиймати билан таққосланади. Айтайлик, ушбу компьютернинг бозор қиймати 800.000 сўм. Бу ҳолатда йиғилган эскириш суммасининг қайта ҳисоблаш коэффициенти қуйидагига тенг бўлади:

800.000 сўм/480.000 сўм = 1,66

1,66 коэффициент бўйича қайта ҳисоблангандан кейинги йиғилган эскириш суммаси – 252.320 (яъни 152*1,66) сўм.

Қайта баҳолаш натижаси бўйича бухгалтерия ўтказмалари:

1) Дебет - 16535 “Мебел, мослама ва жиҳозлар” 320.000 сўм

Кредит - 30908 “Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси”

2) Дебет - 30908 “Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси” 100.320 сўм

Кредит - 16539 "Мебел, мослама ва жиҳозларнинг эскириш суммаси (контр-актив)"

Бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилгандан кейин ҳисобварақлардаги қолдиқлар 16535 = 800.000 сўм, 16539 = 252.320 сўм ва 31501 = 219.680 сўм.

Мисол. Банк 2019 йил 1 январда 1000 сўмлик асосий воситани фойдаланишга топширди. Ушбу активга 20 фоиз меъёрда амортизация ҳисобланади, дейлик. 2015 йил 1 январда банк мазкур асосий воситани 0,8 коэффицентга қайта баҳолашда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширади.

Қайта баҳолашдан кейин ва олдинги жамланган эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммаси [(1000*20/100) - (1000*20/100)*0,8 = 40 сўм]га ҳамда қайта баҳолашдан олдинги ва кейинги тикланган суммалари ўртасидаги фарқ суммаси [(1000 – 1000*0,8) – 40 = 160 сўм]га:

Дебет - 165** Жамланган эскириш - Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобвараға 40 сўм

Дебет - 55995 «Бошқа фоизсиз ҳаражатлар» 160 сўм

Кредит 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобвараға 200 сўм

Шундан сўнг, ҳисобварақларда қолдиқ қуйидагича бўлади:

165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобвараға – 800 сўм;

165** Жамланган эскириш - Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобвараға – 160 сўм;

30908 «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» – 0 сўм;

55995 «Бошқа фоизсиз ҳаражатлар» – 160 сўм.

2. 2016 йил 1 январда банк мазкур асосий воситани 1,05 коэффицентга қайта баҳолашни амалга оширди, дейлик. У ҳолда қайта баҳолаш натижалари асосида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

Қайта баҳолашдан олдинги ва кейинги тикланган суммалари ўртасидаги фарқ суммаси (800*1,05 – 800 = 40 сўм)га ҳамда қайта баҳолашдан кейин ва олдинги жамланган эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммаси

(320*1,05 – 320 = 16 сўм)га

40 сўм

Дебет 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобвараға

Кредит 165** Жамланган эскириш - Асосий 16 сўм воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

Кредит 45994 «Бошқа фоизсиз даромадлар» 24 сўм

Шундан сўнг, ҳисобварақларда қолдиқ қуйидагича бўлади:

165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи – 840 сўм;

165** Жамланган эскириш - Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи – 336 сўм;

30908 «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» – 0 сўм;

45994 «Бошқа фоизсиз даромадлар» – 24 сўм.

Банкларда асосий воситалар балансдан қуйидаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилади:

- тўлиқ жисмоний ёки маънавий эскирганда;
- сотилганда;
- бепул берилганда;
- форс-мажор ҳолатларида;
- камомад ва йўқотиш аниқланганда;
- активдан фойдаланишни тўхатиш ҳақида қарор қабул қилинганда ва уни ҳисобдан чиқаришда ҳеч қандай иқтисодий фойда кутилмаганда.

Асосий восита объектларини ҳисобдан чиқаришда ёки сотишда юзага келадиган фойда ёки зарар активни ҳисобдан чиқариш ёки сотилишидаги соф тушум фарқи ва ҳақиқий баланс қиймати билан аниқланади. Ҳисобдан чиқариш ва сотишдан тушган фойда ёки зарар активни ҳисобдан чиқарилган даврдаги даромад ёки ҳаражат сифатида акс эттирилади.

Фойдаланиш тўхтатилган ва ҳисобдан чиқариш учун мўлжалланган асосий воситаларнинг ҳисоби активдан фойдаланиш тўхтатилган кундаги баланс қиймати бўйича юритилади.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришда уларнинг қолдиқ қиймати қуйидагича аниқланади:

1)эскириш суммасига:

Дебет - 165** Асосий воситаларнинг жамғарилган тегишли эскириш ҳисобварағи

Кредит - 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

2)30908-ҳисобварақдаги мазкур асосий восита объектига тегишли бўлган қолдиқ суммага:

Дебет - 30908 «Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолаш қийматини ошган суммаси»

Кредит - 31203 «Тақсимланмаган фойда» (актив-пассив)»

Ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситалар сотилиши, бепул берилиши ёки йўқ қилиниши мумкин.

Ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситаларни сотишда *қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:*

1) харидор томонидан асосий воситалар олингандан кейин, тўлов амалга оширилган ҳолда:

Дебет - 19909 «Товар -моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи»

Кредит - 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи

2) тўлов келиб тушгандан кейин амалга ошириладиган бухгалтерия ёзувлари:

а) активнинг сотилиш суммасига:

Дебет - Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки оливчининг ҳисобварағи

Кредит - 29802 «Товар-моддий қимматликлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»

б) агар асосий воситаларнинг сотилиш қиймати қолдиқ қийматидан ортиқ бўлса:

Дебет - 29802 «Товар-моддий қимматликлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»- соф тушум суммасига

Кредит - 19909 «Товар -моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи» – қолдиқ қиймат.

Кредит - 45909 «Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан фойда» - активнинг «соф тушуми» ва «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ сумма;

в) агар асосий воситаларнинг сотилиш қиймати қолдиқ қийматидан кам бўлса:

Дебет - 29802 «Товар-моддий қимматликлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби» - соф тушум суммасига;

Дебет - 55902 «Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар» - активнинг «соф тушуми» ва «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ сумма;

Кредит - 19909 «Товар -моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи- қолдиқ қиймат.

3) олдиндан тўланган ҳолда:

а) активнинг сотилиш суммасига:

Дебет - Банкнинг вакиллик ҳисобвараги ёки сотиб олувчининг ҳисобвараги

Кредит - 29802 «Товар-моддий қимматликлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби»

б) агар асосий воситаларнинг сотилиш қиймати қолдиқ қийматидан ортиқ бўлса:

Дебет 29802 «Товар-моддий қимматликлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби» - соф тушум суммасига;

Кредит - 45909 «Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан фойда» - активнинг «соф тушуми» ва «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ сумма:

Кредит - 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобвараги – қолдиқ қиймат

в) агар асосий воситаларнинг сотилиш қиймати қолдиқ қийматидан кам бўлса:

Дебет - 29802 «Товар-моддий қимматликлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби» -соф тушум суммасига;

Дебет - 55902 «Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар»- активнинг «соф гушуми» ва «қолдиқ қиймати» ўртасидаги фарқ суммага;

Кредит - 165** Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобвараги – қолдиқ қиймат.

Яроқсиз ҳолга келган асосий воситалар қиймати тўлиқ жисмоний ёки маънавий эскирганда камомад ёки йўқотиш аниқланганда (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), форс-мажор ҳолатларда, текинга берилганда ўрнатилган тартибда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳаражатга ўтказилади:

қолдиқ қиймати суммасига:

Дебет - 55902 «Асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар»;

Кредит - 165** Асосий воситанинг тегишли ҳисобвараги.

Асосий воситалар хизмат қилиш муддати тугашига қарамасдан фойдаланишга яроқли бўлса, банк улардан фойдаланишни давом эттириши мумкин. Бунда асосий воситалар балансдан ҳисобдан чиқарилмайди ва эскириш суммаси ҳисобланмайди.

Банк томонидан асосий воситалар корхонанинг устав капиталига қўйилма сифатида топширилганда, уларнинг қиймати

асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи ҳисобидан чиқарилади. Устав капиталига топшириладиган асосий воситанинг ҳақиқий қиймати эса 15800 - «Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар" бўлимидаги тегишли инвестициялар ҳисобварағига дебетланади.

Асосий воситалар сотилганда ҳисобдан чиқариш

1. Қолдиқ қиймати 50 000 сўм бўлган асосий восита 70.000 сўмга сотилди (ундан 4.000 сўми қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) сифатида тўланди).

1) активни харидорга жўнатиш (бир вақтнинг ўзида қолдиқ қиймат балансдан чиқарилади):

Дебет - 19909 "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар ҳисобварағи" 50 000 сўм

Кредит - 165** Тегишли асосий воситанинг ҳисобварағи 50 000 сўм

2) активнинг сотилган суммасига:

Дебет - Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки олувчининг ҳисобварағи 70 000 сўм

Кредит - 29802 "Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби" 70.000 сўм.

3) ҚҚС ҳисоблаш:

а) Дебет - 29802 "Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби" 4.000 сўм

Кредит - 22504 "Бошқа солиқлар ва лицензиялар бўйича ҳисобланган тўловлар" 4.000 сўм.

б) ҚҚС ни тўлаш:

Дебет - 22504 "Бошқа солиқлар ва лицензиялар бўйича ҳисобланган тўловлар" 4.000 сўм

Кредит - Бюджетнинг ҚҚС бўйича тегишли ҳисобварағи 4.000 сўм

4) ҚҚС тўлангандан кейин қолган суммага:

Дебет - 29802 " Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби" 66.000 сўм

Кредит - 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар" 50 000 сўм

Кредит - 45909 "Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда" 16.000 сўм

2. Қолдиқ қиймати 50 000 сўм бўлган асосий восита 45.000 сўмга сотилди.

1) активнинг сотилиш суммасига:

Дебет - Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки олувчининг ҳисобварағи (олдиндан тўланганда) 45 000 сўм

Кредит – 29802 "Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби" 45.000 сўм

ҳамда бир вақтнинг ўзида қуйидагилар амалга оширилади:

2) Дебет - 29802 "Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби" 45.000 сўм

Дебет - 55902 "Асосий воситани сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар" 5.000 сўм

Кредит - 165** "Асосий воситанинг тегишли ҳисобварағи" 50.000 сўм

6.3. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби

Банкларда ердан бошқа барча асосий воситалар фойдаланишнинг маълум бир муддатига эга бўладилар. Бу асосий воситаларнинг эскириш қиймати хизмати вақти чегараланган бўлганлиги учун, жами фойдали хизмат қилиш муддати даврида банкнинг ҳаражатларида эскириш ажратмалари турида тақсимланиши керак. Асосий воситанинг фойдали хизмат қилиш муддати 2 та асосий сабаб билан чегараланади: жисмоний эскириш (фойдаланиш натижаси, активдан фойдаланиш шунингдек табиий омилларнинг таъсири). Асосий восита бўйича эскириш ажратмалари уларнинг фойдаланишга топширилгандан кейинги ойидан бошлаб, то уни ҳисобдан чиқариш давригача давом этади. Эскириш ҳаражатлари фойдали хизмат қилиш даврида ҳар ой мунтазам равишда акс эттирилади.

Активнинг фойдали хизмат қилиш муддати бу активдан банк учун тахмин қилинган фойдани баҳолаш орқали аниқланади. Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг йиллик меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган.

- Бинолар, иморатлар ва иншоотлар –3 %
- Узатувчи қурилмалар – 8%
- Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар – 8%
- Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар – 15%

- Ҳаракатланувчан транспорт - 8-20%
- Компьютер, периферия қурилмалари - 20%
- Бошқа активлар 10-15%.

Активнинг фойдали хизмат қилиш муддати йилларда бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажмида, юриш кўрсатгичида (агар автомобиль назарда тутилган бўлса) ўлчаниши мумкин. Активнинг фойдали хизмат қилиш муддатини аниқлашда қуйидаги омилларнинг барчаси ҳисобга олиниши лозим:

1)банк томонидан активдан кутилаётган фойдаланиш ҳажми активнинг тахминий қуввати ёки жисмоний унумдорлиги бўйича баҳоланади;

2)тахмин қилинаётган жисмоний эскириш;

3)активнинг маънавий эскириши ушбу актив турини ишлаб чиқариш жараёнини ўзгариши ёки такомиллаштирилиши натижасида аниқланади;

4)активдан фойдаланишда юридик ёки шунга ўхшаш чеклашлар - бу активдан фойдаланиш ёки ижара муддатларини чеклашдир.

Асосий воситаларнинг фойдали хизмат кўрсатиш муддатини узайтиришга олиб келадиган ҳаражатларни, шунингдек, ушбу муддатни қисқартирадиган технологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, банклар томонидан фойдали хизмат қилиш муддати қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Банклар ҳеч бўлмаганда ҳар йилнинг охирида асосий воситаларнинг ликвидация қиймати ва фойдали хизмат қилиш муддатини кўриб чиқади.

Асосий воситанинг фойдали хизмат қилиш муддати, унинг дастлабки кўрсаткичларини яхшилайдиган кейинги ҳаражатлар натижасида (капитал таъмирлаш, такомиллаштириш ва бошқа ҳолларда) узайтирилиши мумкин. Ва аксинча, технологик ўзгаришлар ёки хизмат кўрсатиш бозоридаги ўзгаришлар активнинг фойдали хизмат қилиш муддатини қисқартириши мумкин. Бундай ҳолларда фойдали хизмат қилиш муддати ва шундан келиб чиқиб, амортизация меъёри жорий ва келгуси даврлар учун ҳисоб-китоб сиёсати ва бухгалтерия баҳоланишидаги ўзгаришлар бўйича МҲХС - 16 талабларига мувофиқ тўғриланади.

Аҳамиятга эга бўлган ликвидация қиймати активларни сотиб олиш санасига ёки олдинги ҳар қандай баҳолаш санасига аниқланади. Ликвидация қиймати активнинг фойдали хизмат

қилиш муддати охирида ликвидация бўйича кутилаётган ҳаражатларга камайиши керак.

Қуйидаги омиллар амортизация (эскириш)ни аниқлашга таъсир кўрсатади:

- бошланғич қиймат;
- ликвидация қиймати;
- тахмин қилинган фойдали хизмат муддати;
- амортизация (эскириш) ҳисоблаш усули.

Амортизация қуйидаги усулларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

1) бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули;

2) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш усули;

3) тезлаштирилган (жадаллаштирилган) усуллар:

а) йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул);

б) камаядиган қолдиқ усули.

Асосий воситаларнинг тегишли усуллар бўйича амортизация (эскириш) суммаларини ҳисоблашни мос мисоллар асосида тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Қўлланилаётган амортизация усули банкка активдан келаётган иқтисодий фойданинг олиниш жадвалини акс эттириши лозим. Ҳар хил турдаги активларга ҳар хил амортизация ҳисоблаш усулларини қўллаш мумкин. Бунда бир турдаги асосий воситаларга фақат битта тегишли усулни қўллаш лозим.

Эскиришни ҳисоблаш бўйича танланган усул ҳисоб сиёсатидан келиб чиқиб, белгиланиши ва кетма-кет тартибда бир ҳисобот давридан кейинги ҳисобот даврига қўлланилиши ҳамда танланган усул йил давомида ўзгармаслиги лозим. Амортизация усулини танлашда фойдаланилаётган объектнинг нимага мўлжалланганлигидан ва ушбу усулни мазкур объектга нисбатан қўллашнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиш лозим.

Бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули доимий эскириш (амортизация) суммасини асосий воситаларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда уларнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида тенг қисмга тақсимлашдан иборат. Бунда, қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\text{ЙЭС} = \frac{\text{АҚ}}{\text{ЭМ}} \times 100 \qquad \text{АХҚМ} = \frac{1}{\text{ЭМ}} \times 100 \qquad \text{ОЭС} = \frac{\text{АҚ}}{12 \times 100} \times \text{ЭМ}$$

Бу ерда: ЙЭС - йиллик эскириш суммаси

АҚ - активнинг амортизацияланадиган қиймати

АХҚМ - активнинг хизмат қилиш муддати

ЭМ - эскириш меъёри

ОЭС - ойлик эскириш суммаси.

Ушбу усул амортизация фақат фойдали хизмат қилиш муддатига боғлиқлиги тўғрисидаги тахминга асосланган.

Тенг миқдорда (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули бўйича ҳисоблаш

Банк томонидан ҳарид ыилинган автомобилнинг бошланғич қиймати 40000000 сўм, уни беш йил давомида фойдаланилгандан кейинги тахминий тугатиш қиймати (ТҚ) 4000000 сўм. Бу ҳолда йиллик амортизация суммаси амортизацияланадиган қийматнинг 10% ташкил этади. Бу ҳисоб-китоблар қуйидагича амалга оширилади:

$$\text{Йиллик эскириш} = \frac{40000000 - 4000000}{5} = 7200000$$

Беш йил давомида амортизация ҳисоблашни қуйидагича акс эттириш мумкин (сўмларда):

Йиллар	Бошланғич қиймат	Йиллик эскириш суммаси	Йиғилган эскириш	Қолдиқ қиймат
Ҳарид санаси	40000000	-	-	40000000
1-йилда	40000000	7200000	7200000	32800000
2-йилда	40000000	7200000	14400000	25600000
3-йилда	40000000	7200000	21600000	18400000
4-йилда	40000000	7200000	28800000	11200000
5-йилда	40000000	7200000	36000000	4000000

Бажарилган ишлар ҳажмига мутонасиб равишда эскиришни ҳисоблаш усули активдан тахминий фойдаланиш ёки тахминий унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда амортизация суммасини ҳисоблашдан иборат. Ушбу усул асосий воситанинг ҳар бир йилдаги маълум иш ҳажми ҳисобини юритишга асосланган. Ушбу усул бўйича йиллик эскириш миқдорини ҳисоблаш учун активнинг бутун фойдали хизмат қилиш муддати давомидаги ҳамда ўша аниқ йил давомидаги иш ҳажмини аниқлаш зарур бўлади. Иш ҳажми сифатида ишланган сАТлар миқдори, иш (маҳсулот) ҳажмини олиш

мумкин. Бунда амортизация қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$АС = \frac{АҚ}{ДБС} \times \frac{}{АБС}$$

АС - амортизация суммаси

АҚ - активнинг амортизацияланадиган қиймати

ДБС - ушбу давр учун бирликлар сони

АБС - активнинг бутун фойдали хизмат қилиш муддати учун мўлжалланган бирликлар сони

Бажарилган ишлар ҳажмига мутонасиб равишда эскиришни ҳисоблаш усули амортизация (эскириш) фақат фойдаланиш (ишлатиш) натижаси ҳисобланишига асосланган бўлиб, эскиришни ҳисоблаш жараёнида вақт оралиғи ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутонасиб равишда эскиришни ҳисоблаш усули билан амортизация суммасини ҳисоблаш

Автомобилнинг бошланғич қиймати 4.000.000 сўм, унинг юриш йўли узунлиги 200.000 км. Ликвидация қиймати – 100.000 сўм. Ҳар км (километраж)га амортизация ажратмаси(АА) суммаси қуйидагича аниқланади:

$$АА = \frac{4.000.000 \text{ сўм} - 100.000 \text{ сўм}}{200.000} = 19{,}5 \text{ сўм/км.}$$

Агар биринчи йил ишлатишда автомобил 40.000 км, иккинчи йил – 50.000 км, учинчи йил – 40.000 км, тўртинчи йил – 50.000 км ва бешинчи йил – 20.000 км масофа ўтган бўлса, унда амортизация ажратмаси жадвали қуйидаги кўринишда бўлади (сўмларда):

Йиллар	Бошланғич қиймат	Жами юрган йўллари, км	Ҳисобланган эскириш	Жамланган эскириш	Қолдиқ қиймат
Ҳарид санаси	4.000.000	-	-	-	4.000.000
1-йилда	4.000.000	40.000	780.000	780.000	3.220.000
2-йилда	4.000.000	50.000	975.000	1.755.000	2.245.000
3-йилда	4.000.000	40.000	780.000	2.535.000	1.465.000
4-йилда	4.000.000	50.000	975.000	3.510.000	490.000
5-йилда	4.000.000	20.000	390.000	3.900.000	100.000

Активлардан жадал равишда фойдаланилганда, шунингдек, илмий-техника тараққиётининг таъсири катта бўлганда активлар эскиришини тезлаштирилган эскириш усуллари асосида ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

1. Йиллар йиғиндиси усули объектнинг хизмат қилиш муддати, ҳисобланган йиллар йиғиндисидан иборат бўлиб, у ҳисоблаш коэффициентининг махражида бўлади. Ушбу коэффициентнинг суратида объектнинг хизмат қилиш муддати охиригача қоладиган йиллар сони (тескари тартибда) ҳисобланади. Йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул) билан эскириш суммасини ҳисоблаш. Автомобилнинг бошланғич қиймати (АБҚ) 4.000.000 сўм, уни беш йил давомида ишлатилгандан кейинги ликвидация қиймати(ЛҚ) 100.000 сўм. Автомобилнинг тахминий хизмат қилиш муддати 5 йил. Сонлар йиғиндиси, яъни автомобилдан фойдаланиш 15 йилни ташкил этади (кумулятив сон):1 + 2 + 3 + 4 + 5 = 15қуйида берилган касрларни 3.900.000 сўм(4.000.000-100.000) миқдордаги амортизацияланадиган қийматга бўлиш билан йиллик амортизация суммаси аниқланади:

5/15, 4/15, 3/15, 2/15, 1/15.

Йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул)

Йиллар	Бошланғич қиймат	Амортизацияни ҳисоблаш	Йиғилган эскириш	Қолдиқ қиймат
Ҳарид санаси	4.000.000	-	-	4.000.000
1-йил охирида	4.000.000	(5/15 x 3.900.000) = 1.300.000	1.300.000	2.700.000
2-йил охирида	4.000.000	(4/15 x 3.900.000) = 1.040.000	2.340.000	1.660.000
3-йил охирида	4.000.000	(3/15 x 3.900.000) = 780.000	3.120.000	880.000
4-йил охирида	4.000.000	(2/15 x 3.900.000) = 520.000	3.640.000	360.000
5-йил охирида	4.000.000	(1/15 x 3.900.000) = 260.000	3.900.000	100.000

Камаядиган қолдиқ усули активнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида ҳисобланаётган амортизация суммасини камайиб боришини назарда тутади. Бу усул ҳам йиллар йиғиндиси усулидаги каби тамойилларга асосланган. Мазкур усулда тўғри чизиқли усулдагига нисбатан икки баравар оширилган амортизация нормаси қўлланилади.

Камаядиган қолдиқ усули билан эскириш суммасини ҳисоблаш

Автомобилнинг бошланғич қиймати (АБҚ) 4.000.000 сўм. Унинг тахминий хизмат қилиш муддати 5 йил. Ўз навбатида, тўғри

чизиқли усулда йиллик амортизация меъёри 20%ни ташкил этади (100% : 5 йил). Икки бараварлик амортизация меъёри билан эскириш ҳисоблашга асосланган камаядиган қолдиқ усулида амортизация меъёри 40 % бўлади (2х20%). 40 фоиз деб белгиланган бу қатъий сумма ҳар йил охирида қолдиқ қийматга олиб борилади. Тахминий ликвидация қиймати амортизацияни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди. Лекин предметнинг қолдиқ қийматини унинг ликвидация қийматигача камайтириш билан боғлиқ бирор бир сумма доирасида чеклаш қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Камайиб борувчи қолдиқ усули

Йиллар	Бошланғич қиймат	Амортизацияни ҳисоблаш	Йиғилган эскириш	Қолдиқ қиймат
Ҳарид санаси	4.000.000	-	-	4.000.000
1-йилда	4.000.000	(40% x 4.000 000) = 1.600.000	1.600 000	2.400.000
2-йилда	4.000.000	(40% x 2.400 000) = 960.000	2.560.000	1.440.000
3-йилда	4.000.000	(40% x 1 440 000) = 576.000	3.136.000	864.000
4-йилда	4.000.000	(40% x 864 000) = 345.600	3.481.600	518.400
5-йилда	4.000.000	418.400	3.900.000	100.000

Асосий воситаларга қўлланиладиган амортизация усули даврий равишда қайта кўриб турилиши ва ушбу активлардан иқтисодий самара олиш тахминий жадвалида катта ўзгаришлар юз берган ҳолда, мазкур ўзгаришларни тўғри акс эттириш учун амортизация ҳисоблаш усулини ҳисоб-китоб сиёсати ва бухгалтерия баҳоланишидаги ўзгаришлар бўйича МҲХС (МСФО) талабларига мос келган ҳолда ўзгартириш керак ҳамда бу ҳисоблашдаги баҳолашнинг ўзгариши каби ҳисобга олиниши лозим. Бунда жорий ва келгуси даврлар учун амортизация ажратмалари тўғриланиши керак. Тегишли давр учун амортизация ажратмалари банкнинг ҳаражатларига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ўтказилади:

Дебет - 566** Тегишли гуруҳ асосий воситалари эскириш ҳаражатлари

Кредит - 165** Тегишли асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш ҳисобварағи

МҲХС расмий равишда турли усулларни тавсия қилишига карамасдан, улардан фақат биттасигина аниқ вазиятда активдан олинадиган бўлғуси хизматларни олиш тугатилганда тузиладиган ҳисобот учун энг оқилона бўлиб ҳисобланади. Ўз-ўзидан, бир

текисда эскиришни ҳисоблаш усули активдан ҳар даврда бир хил бўлган нафларни олинишини кўзда тутади, ҳолбуки камайиб борувчи қолдиқ усули каби тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усуллари актив хизмат муддати камайган сари эскириш ҳаражатларини камайишини кўзда тутади, ваҳоланки активни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш ҳаражатлари бу вақтларда борган сари кўпаяди ва бунинг натижасида активга сарфланган барча ҳаражатлар даражаси унинг хизмат муддати давомида тахминан бир хил бўлади. МҲХС 16 эскиришни ҳисоблаш усулларини вақти-вақти билан қайтадан кўриб чиқилишини талаб этади. Эскиришни ҳисоблашнинг у ёки бу усулини қўлланилиши ҳақида қарор қабул қилинган вақтидан кейин активдан фойдаланиш бўйича тахмин қилинган тизим ўзгарадиган бўлса, унда бошқа кўпроқ талабларга жавоб берадиган усул танланиши зарур. Ушбу ўзгариш ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш сифатида кўрилиши ва "Давр учун соф фойда ёки зарар, асосий (жиддий) хатолар ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар" 8-сонли БҲХСга мувофиқ фақат истиқбол асосида ҳисобга олиниши керак.

МҲХС 16 молиявий ҳисобот фойдаланувчиси унга фойдали бўлган маълумотни олиш учун, эскиришни ҳисоблаш усулларини молиявий ҳисоботнинг ёритилишида акс эттиришни талаб этади. Эскиришнинг қайси усули қўлланилишидан қатъи назар, фойдали хизмат кўрсатиш муддати мунтазам равишда қайта кўрилиб чиқилиши керак. Корхона учун активнинг тахмин қилинаётган фойдалилиги асосида активнинг фойдали хизмат муддати аниқланади, шунинг учун у активнинг иқтисодий ва жисмоний ҳаётидан кескин фарқ қилиши мумкин. Активнинг фойдали хизмат муддатига корхонанинг асосий воситаларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, технологик ўзгаришларнинг тезлиги, активларни фойдаланиш билан бирга ишлаб чиқарилган ва сотилган товарларга бўлган бозор талаби ва бошқа шу каби омиллар таъсир кўрсатади.

Агар активнинг фойдали хизмат кўрсатиш муддати аввал белгиланганидан кўпроқ ёки камроқ бўлиши аниқланган бўлса, бу ўзгариш асосий (жиддий) хатони тузатиш эмас, балки ҳисоб баҳосини ўзгариши сифати кўрилади. Тегишли равишда, молиявий ҳисоботда аввал тақдим этилган ҳисобланган эскириш қайтадан кўриб чиқилмайди, бундан ташқари, ўзгариш фақат истиқбол асосида ҳисобга олинади ва ўзгаришлар барча кейинги даврларда акс эттирилади. Мисол. Активнинг дастлабки қиймати 100000.

Активнинг дастлаб баҳоланган фойдали хизмат кўрсатиш муддати - 10 йил. Эскиришнинг бир текисда ҳисоблаш усули қўлланилади ва ҳеч қандай тугатиш қиймати тахмин қилинмаган. Икки йил фойдалангандан кейин, бухгалтер активнинг фойдали хизмат кўрсатиш муддатини қайта кўриб чиқди ва у 6 йилни ташкил этишини тахмин қилди. Активнинг қолган фойдали хизмат кўрсатиш муддати учун эскириш ҳаражатлари қуйидаги тартибда ҳисоб-китоб қилинади: фойдаланишнинг дастлабки икки йил учун эскириш ҳаражатлари 20000 (2/10 x 100,000)ни ташкил этди. Унда 3-йилга баланс қиймати 80000 (100000 - 20000) тенг. Активнинг қолган фойдали хизмат кўрсатиш муддати қайта кўриб чиқилгандан кейин 4 йилга тенг (6-2). Бинобарин, эскиришнинг янги йиллик ставкаси 20000 (80,000/4) ташкил этади.

VII БОБ. БАНКЛАРДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ (МҲХС 38)

7.1. Номоддий активлар стандартининг амал қилиш соҳаси ва мақсади

Стандартнинг мақсади бошқа стандарт қамраб олмаган номоддий активлар учун бухгалтерия ҳисобининг ёндашувини белгилашдан иборатдир. Ушбу стандарт тадбиркорлик субъектидан номоддий активни у фақатгина белгиланган мезонларга жавоб берганида тан олишни талаб этади. Ушбу Стандарт номоддий активларнинг баланс қийматини қандай баҳолашни белгилайди ва номоддий активлар тўғрисида муайян маълумотлар очиб берилишини талаб этади.

Стандарт номоддий активларни ҳисобга олишда қўлланиши лозим, бундан қуйидагилар мустасно:

бошқа Стандарт қўллаш доирасидаги номоддий активлар;

БҲХС 32 *"Молиявий инструментлар: тақдим этиш"* да таърифланган молиявий активлар;

активларнинг қидируви ва баҳоланишини тан олиш ва баҳолаш (МҲХС 6 *"Фойдали қазилмаларни қидириш ва захираларини баҳолаш"*); ва

фойдали қазилмалар, нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурсларни қайта ишлаш ва қазиб олиш ҳаражатлари.

Агарда бошқа Стандарт номоддий активнинг маълум тури учун бухгалтерия ҳисоби тартибини белгиласа, тадбиркорлик субъекти мазкур Стандарт ўрнига ўша Стандартни қўллайди. Масалан, мазкур Стандарт қуйидагилар учун қўлланилмайди:

оддий бизнес фаолиятида сотиш учун эгалик қилинаётган номоддий активлар (БҲХС 2 *"Товар-моддий захиралар"* ва БҲХС 11 *"Қурилиш шартномалари"*).

муддати узайтирилган солиқ активлари (БҲХС 12 «*Фойда солиқлари*»).

БҲХС 17 «*Ижара*» нинг қўллаш доирасидаги ижаралар.

Ходимларга ҳақ тўлашдан юзага келадиган активлар (БҲХС 19 «*Ходимларнинг даромадлари*»).

БҲХС 32 да таърифланган молиявий активлар. Баъзи молиявий активларнинг тан олиниши ва баҳоланиши МҲХС 10 "*Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар*", БҲХС 27 «*Алоҳида молиявий ҳисоботлар*" ва БҲХС 28 «*Қарам тадбиркорлик субъектларидаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар*" да қамраб олинган.

Бизнес бирлашувида сотиб олинган гудвилл (МҲХС 3 «*Бизнес бирлашувлари*»).

МҲХС 4 «*Суғурта шартномалари*» нинг қўллаш доирасидаги суғурта шартномалари асосидаги суғуртачининг шартномавий ҳуқуқларидан келиб чиқадиган муддати узайтирилган ҳарид ҳаражатлари ва номоддий активлар. МҲХС 4 ушбу номоддий активлар учун эмас, балки ушбу муддати узайтирилган ҳарид ҳаражатлари учун аниқ маълумотлар очиб берилиши талабларини белгилайди. Шу туфайли, мазкур Стандартдаги маълумотларни очиб бериш бўйича талаблар ушбу номоддий активлар учун қўлланилади.

МҲХС 5 «*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият*» га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган (ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига киритилган) узоқ муддатли номоддий активлар.

Баъзи номоддий активлар моддий кўринишда сақланиши мумкин, масалан, компакт диск (компьютер дастури мисолида), ҳуқуқий ҳужжатлар (лицензия ёки патент мисолида) ёки фильм. Номоддий ва моддий жиҳатларга эга активни БҲХС 16 "*Асосий воситалар*" бўйича ҳисобга олиниши ёки мазкур Стандарт бўйича номоддий активлар сифатида ҳисобга олинишини аниқлаш учун, тадбиркорлик субъекти қайси жиҳат аҳамиятлироқлигини баҳолашда ҳукм чиқаришдан фойдаланади. Масалан, аниқ бир компьютер дастурисиз фаолият кўрсатмайдиган компьютер-назорат-қиладиган ускуна учун компьютер дастури тегишли эҳтиёт қисмнинг ажралмас қисмидир ва у асосий восита сифатида ҳисобга олинади. Айнан шу ёндашув компьютернинг операцион тизимига нисбатан қўлланилади. Қачонки дастур тегишли эҳтиёт қисмнинг ажралмас қисми бўлмаса, компьютер дастури ноддий актив сифатида ҳисобга олинади.

Шу билан бирга, мазкур Стандарт реклама, тренинг, бизнесни бошлаш, тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш

фаолиятлари бўйича ҳаражатлар учун қўлланилади. Тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш фаолиятлари билимни ривожлантиришга йўналтирилгандир. Шу туфайли, ушбу фаолиятлар натижаси моддий кўринишдаги активга (масалан, намуна) олиб келишига қарамасдан, активнинг моддий жиҳати унинг номоддий қисмига иккиламчидир, яъни унда билимлар мавжуддир.

Молиявий ижара ҳолатида, асосдаги актив моддий ёки номоддий бўлиши мумкин. Дастлаб тан олингандан сўнг, ижарага олувчи молиявий ижара келишуви асосида эгалик қилинаётган номоддий активни мазкур Стандартга мувофиқ ҳисобга олади. Тасвирий фильмлар, видео тасмалари, ёзма асарлар, қўлёзмалар, патентлар ва авторлик ҳуқуқлари каби моддалар учун лицензиялаш келишувлари асосидаги ҳуқуқлар БҲХС 17 қўллаш доирасидан чиқарилгандир ва мазкур стандарт қўллаш доирасидадир.

Агарда фаолиятлар ёки операциялар шунчалик махсуслаштирилиб, бошқача ёндашув зарур бўладиган бухгалтерия ҳисобини қўллашга олиб келса, мазкур Стандартнинг қўллаш доирасидан истисно бўлиши мумкин. Бундай масалалар қазиб олиш соҳасида нефть, газ ва минерал депозитларни қидирув ёки қайта ишлаш ва қазиб чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олишда ҳамда суғурта шартномалари ҳолатларида юзага келади. Шу туфайли, мазкур Стандарт бундай фаолиятлардаги ҳаражатлар ва шартномалар учун қўлланилмайди. Бироқ, мазкур Стандарт қазиб олиш соҳаларида ёки суғуртачилар томонидан фойдаланилган бошқа номоддий активлар (масалан, компьютер дастури) ва сарфланган бошқа ҳаражатлар (масалан, бизнесни бошлаш ҳаражатлари) учун қўлланилади.

Стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Амортизация - бу номоддий активнинг эскириш ҳисобланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида систематик тарзда ҳаражатларга олиб боришдир.

Актив - ресурс бўлиб, у:

олдинги ҳодисалар натижасида тадбиркорлик субъекти томонидан назорат қилинади; ва

ундан тадбиркорлик суъекти томонидан келгусида иқтисодий наф олиниши кутилади.

Баланс қиймати - бу шундай қийматки, бунда актив ҳар қандай жамғарилган амортизация ва йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарларни чегирилгандан сўнг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинади.

Таннарх - бу активни унинг ҳариди ёки қурилиши пайтида сотиб олиш учун тўланган пул маблағи ёки пул маблағи эквивалентидаги қиймат ёки бошқа турдаги унинг эвазига берилган товоннинг ҳаққоний қиймати ёки, тегишли ҳолларда, бошқа БҲХСларнинг, масалан БҲХС 2 "*Акцияга асосланган тўлов*" нинг аниқ талабларига мувофиқ ушбу активнинг дастлабки тан олинишидаги қийматдир.

Эскириш ҳисобланадиган қиймат - бу активнинг тугатиш қиймати чегирилгандаги танннархи ёки таннарх ўрнига акс эттириладиган бошқа қийматидир.

Тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш - бу тижорат мақсадларида ишлаб чиқариш ёки фойдаланишни бошлашдан олдин, янги ёки сезиларли тарзда такомиллашган материаллар, ускуналар, товарлар, жараёнлар, тизимлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш режасига ёки дизайнига нисбатан тадқиқот топилмаларини ёки бошқа билимларни қўллашдир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиниши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир. (МҲХС 13 "*Ҳаққоний қийматни баҳолаш*")

Қадрсизланиш бўйича зарар - бу активнинг баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошадиган қисмидир.

Номоддий актив - бу моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган аниқланадиган номонетар актив.

Монетар активлар - бу эгаликдаги пул маблағлари ва қатъий белгиланган ёки аниқланадиган пул миқдорларида олинадиган активлардир.

Тадқиқот - бу янги илмий ёки техник билимга ва тушунчага эришиш истиқболини кўзлаб амалга оширилган асл ва режалаштирилган изланишдир.

Номоддий активнинг *тугатиш қиймати* - бу активнинг чиқиб кетиши бўйича баҳоланган ҳаражатлар чегирилган ҳолда, тадбиркорлик субъекти айни пайтда худди актив фойдали хизмат муддати охирида кутилган муддати ва ҳолатида бўлганидек активнинг чиқиб кетишидан оладиган баҳоланган қийматидир.

Фойдали хизмат муддати - бу:

а)активнинг тадбиркорлик субъекти томонидан фойдаланиши учун яроқли бўлиши кутилган давр; ёки

б)тадбиркорлик субъекти томонидан активдан олиниши кутилган ишлаб чиқариш ҳажми (миқдори) ёки шунга ўхшаш бирликлар сони.

Номоддий активлар

Банк ва шунга ўхшаш корхоналар номоддий активларни, масалан, илмий ёки техник билим, янги жараёнлар ёки тизимлар дезайни ва амалга оширилиши, лицензиялар, интеллектуал мулк, бозор билими ва савдо мулкларини (жумладан, бренд номлар ва чоп этиш номлари) сотиб олишда, такомиллаштиришда, сақлаш ёки яхшилашда тез-тез ресурсларни кенгайтирадилар ёки мажбуриятларни тан оладилар. Ушбу кенг кўламни қамраб оладиган оддий мисолларга компьютер дастури, патентлар, авторлик ҳуқуқлари, тасвирий фильмлар, мижозлар рўйхатлари, ипотекага хизмат кўрсатиш ҳуқуқлари, балиқ овлаш лицензиялари, импорт квоталари, франчайзинглар, мижоз ёки таъминотчи алоқалари, мижоз содиқлиги, бозор улуши ва маркетинг ҳуқуқларини келтириш мумкин.

Қайд қилинган моддаларнинг барчаси ҳам номоддий активнинг таърифига, масалан, аниқланган эканлигига, ресурс устидан назорат ва келгуси иқтисодий нафларнинг мавжудлигига тўғри келмайди. Агарда модда мазкур Стандартни қўллаш доирасида номоддий актив таърифини қаноатлантирмаса, уни сотиб олиш ёки ички яратиш ҳаражатлари улар сарфланган пайтда ҳаражатлар сифатида тан олинади. Бироқ, агарда модда бизнес бирлашувида сотиб олинган бўлса, у ҳарид санасида гудвиллнинг маълум қисмини ташкил этади.

Аниқланганлик

Номоддий актив таърифи уни гудвиллдан фарқлаш учун номоддий активни аниқланадиган бўлишини талаб этади. Бизнес бирлашувида тан олинган гудвилл бизнес бирлашувида сотиб олинган бошқа активлардан келадиган келгуси иқтисодий нафларни ифода этувчи актив бўлиб, у алоҳида аниқланмайди ва тан олинмайди. Келгуси иқтисодий нафлар сотиб олинганда аниқланадиган активлар ёки алоҳида олганда молиявий ҳисоботларда тан олинмайдиган активлардан биргаликда фойдаланишдан келиши мумкин.

Актив аниқланадиган ҳисобланади, агарда у ёки:

ажратиладиган бўлса, масалан, тадбиркорлик субъектидан ажратиш ва бўлиниш ёки алоҳида ёки тегишли шартнома, аниқланадиган актив ёки мажбурият билан бирга сотилиши, ўтказилиши, лицензия сифатида берилиши, ижарага берилиши ёки алмашиниши имконига эга бўлса, бунда тадбиркорлик субъекти буни амалга оширишни кўзлаганлигидан қатъий назар; ёки

шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлар натижасида юзага келса, бунда ушбу ҳуқуқлар ўтказиладиган ёки тадбиркорлик субъектидан ёки бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан ажратилишидан қатъий назар.

Назорат

Актив назорат қилинади, агарда субъекти асосий ресурсдан оқиб келадиган келгуси иқтисодий нафларни олиш ва бошқаларнинг ушбу манфаатларга эга бўлишини чеклаш имкониятига эга бўлса. Субъектининг номоддий активдан келадиган келгуси иқтисодий нафларни назорат қилиш имконияти одатда ҳуқуқий кучга эга юридик ҳуқуқлар негизида бўлади. Юридик ҳуқуқлар мавжуд бўлмаганда, назоратни намойиш этиш қийинроқдир. Бироқ, ҳуқуқнинг юридик кучга эгалиги назорат учун зарурий шарт эмас, чунки тадбиркорлик субъекти келгуси иқтисодий нафларни айрим бошқа усуллар билан назорат қилиши мумкин.

Бозор ва техник билим келгуси иқтисодий нафларни ўсишига олиб келиши мумкин. Субъект ушбу манфаатларни назорат қилади, агарда, масалан, билим юридик ҳуқуқ билан ҳимояланган, жумладан, авторлик ҳуқуқи, савдо келишуви чеклови (рухсат этилган жойда) ёки махфийликни сақлаш учун ходимларнинг юридик мажбурияти билан ҳимояланган бўлса.

Субъект малакали ходимлар гуруҳига эга бўлиши мумкин ва тренинг орқали келгуси иқтисодий нафларга олиб борадиган малакали ходимларни аниқлай олиши мумкин. Субъект шуни ҳам кўзда тутиши мумкинки, ходимлар тадбиркорлик субъекти фаолиятида ўз кўникмаларини намойиш этишда давом этиши мумкин. Бироқ, субъект одатда малакали ходимлар гуруҳидан ва тренингдан келадиган кутилган келгуси иқтисодий нафлар устидан етарли бўлмаган назоратга эга бўлиши мумкин ва натижада ушбу моддалар номоддий актив таърифини қаноатлантирмаслиги мумкин. Шу сабабли, муайян бошқарув ва техник қобилият

номоддий актив таърифини қаноатлантирмаслик эҳтимоли мавжуд, бунда у ундан фойдаланиш ва келгуси иқтисодий нафлар олиш бўйича юридик ҳуқуқ билан ҳимояланмагунча ва таърифнинг айрим қисмларини қаноатлантирмагунча.

Субъект мижозлар портфелига ёки бозор улушига эга бўлиши мумкин ва тадбиркорлик субъекти, мижоз билан алоқаларни ва уларнинг содиқлигини ҳосил қилиш ҳаракатлари туфайли, мижозлар тадбиркорлик субъекти билан савдо олиб боришни давом эттиришини кутиши мумкин. Бироқ, ҳимоя қилишнинг юридик ҳуқуқлари ёки назоратнинг бошқа йўллари, мижозлар билан алоқалар ёки тадбиркорлик субъектига мижозларнинг содиқлиги мавжуд бўлмаганда, тадбиркорлик субъекти номоддий актив таърифини қаноатлантирадиган даражада мижоз алоқаларидан ва содиқлигидан (масалан, мижозлар портфели, бозор улушлари, мижоз билан алоқалар ва содиқлик) келадиган кутилган иқтисодий нафлар устидан етарлича назоратга эга эмас. Мижоз алоқаларини ҳимоя қилишнинг юридик ҳуқуқлари мавжуд бўлмаганда, бир хил ёки ўхшаш ношартномавий мижоз алоқалари (бизнес бирлашуви қисмидан ташқари) бўйича айирбошлаш операциялари шуни тасдиқлайдики, тадбиркорлик субъекти бунга қарамасдан, мижоз билан алоқалардан оқиб келадиган кутилаётган келгуси иқтисодий нафларни назорат қила олади. Чунки бундай айирбошлаш операциялари яна шуни тасдиқлайдики, мижоз билан алоқалар ажраладиган, ҳамда ушбу мижоз билан алоқалар номоддий актив таърифини қаноатлантиради.

Келгуси иқтисодий нафлар

Номоддий активдан келиб тушадигн келгуси иқтисодий нафлар товарлар ёки хизматлар сотувидан, ҳаражат тежашларидан ёки тадбиркорлик субъекти томонидан активдан фойдаланишдан юзага келадиган бошқа даромадларни қамраб олиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал мулкдан фойдаланиш келгуси даромадларни кўпайтирмаган ҳолда келгуси ишлаб чиқариш ҳаражатларни камайтириши мумкин.

Моддани номоддий актив сифатида тан олиш субъектдан модда қуйидагиларни қаноатлантиришини намойиш этишини талаб этади:

номоддий актив таърифини;

тан олиш мезонларини.

Ушбу талаб номоддий активни сотиб олишда ёки ички яратишда сарфланган ҳамда қисмни қўшиш, алмаштириш ёки унга

хизмат кўрсатишда сарфланган ҳаражатларга нисбатан қўлланилади.

Алоҳида сотиб олинган номоддий активлар учун тан олиш мезонини қўллашни қамраб олади, бизнес бирикмасида сотиб олинган номоддий активлар учун уларнинг қўлланишини қамраб олади. давлат грантлари орқали сотиб олинган номоддий активларнинг дастлабки баҳоланишини қамраб олади, номоддий активларни айирбошлаш ва ички яратилган гудвиллни ҳисобга олишни қамраб олади. ички яратилган номоддий активларни дастлабки тан олиш ва баҳолашни қамраб олади.

Номоддий активларнинг хусусияти шундайки, кўп ҳолларда, уларга қўшимча қилинадиган актив ёки алмаштириладиган қисм бўлмайди. Демак, кейинги ҳаражатларнинг кўпчилиги ушбу Стандартдаги номоддий активнинг таърифини ва тан олиш мезонини қаноатлантириш ўрнига амалдаги номоддий активда мужассамланган кутилган келгуси иқтисодий нафларни сақлаши мумкин. Шу билан бирга, одатда кейинги ҳаражатларни бевосита бутун бизнесга нисбатан маълум номоддий активга тегишли эканлигини аниқлаш қийинроқдир. Шу туфайли, фақат камдан-кам ҳолларда кейинги ҳаражатлар – сотиб олинган номоддий активнинг дастлабки тан олингандан ёки ички яратилган номоддий актив тугагандан кейинги сарфланган ҳаражатлар – активнинг баланс қийматида тан олинади.

Номоддий актив қуйидаги ҳолатларда тан олинади:

номоддий актив билан боғлиқ келгуси иқтисодий наф олиниши эҳтимоли мавжуд бўлса;

активнинг таннархи ишончли баҳолана олса.

Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати давомида мавжуд бўладиган иқтисодий шароитлар мажмуи бўйича раҳбариятнинг энг яхши баҳолашини акс эттирадиган оқилона ва тасдиқловчи фаразлардан фойдаланган ҳолда, тадбиркорлик субъекти кутилган келгуси иқтисодий нафларнинг эҳтимолини баҳоланади.

7.2. Банкларда номоддий активларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари

Республика молия-банк тизими бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини Молиявий ҳисоботнинг халқаро

стандартлари (МҲХС)га тўлиқ мувофиқлаштириш борасида қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги 1438-сонли «2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарорида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларидан келиб чиқиб, тижорат банкларининг ҳисобварақлар режасини такомиллаштириш масаласи қўйилган эди. Ушбу белгиланган вазифалар тижорат банклари томонидан қандай амалга оширилаётганлигини банк активлари ҳисоби, жумладан, номоддий активлар мисолида кўриб чиқамиз.

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар асосий воситаларга ўхшаш таърифга эга, яъни улар хўжалик субъекти томонидан узоқ муддатли асосда фойдаланиш мақсадида сотиб олинади ва оддий фаолият жараёнида сотиш учун мўлжалланмаган бўлади. Амалдаги меъёрий хужжатларда, жумладан номоддий активларга тегишли Йўриқномада уларга қуйидагича таъриф берилади:

Номоддий активлар - бу номонетар, идентификация қилинадиган активлар бўлиб, моддий ва жисм шаклига эга бўлмаган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган ҳамда улардан банк хизматлари кўрсатишда ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлардир[22].

Амалиётда энг кенг тарқалган номоддий активларга патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, франшизалар, савдо русумлари, ташкилий ҳаражатлар ва гудвиллни киритиш мумкин. Юқоридаги 1199-сонли Йўриқноманинг 1-бандида эса, банк тизимидаги номоддий активлар: патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, гудвилл (goodwill), савдо маркалари, компьютер дастурий таъминотлари, лицензиялар ва шу кабиларда ўз ифодасини топган.

Тижорат банкларида номоддий активлар ҳисобини юритишнинг асосий қоидалари - бу уларнинг баланс қиймати ва шу активларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган амортизация усулларини аниқлаш, шунингдек, номоддий активлар баланс қиймати ўзгаришини аниқлаш ва ҳисобини юритиш, амортизацияни ҳисоблаш тартиби ҳамда уларни ҳисобдан (яъни

[22] «Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида» Йўриқнома (2010 йил 15 ноябр, рўйхат рақами 1199-1. 1-банд)

балансдан) чиқаришдан кўрилган молиявий натижалар ҳисобини юритиш тартибларидан иборатдир[23].

Тижорат банкларида номоддий активларни қабул қилиш ва дастлабки тан олиш тартибига тўхталадиган бўлсак, номоддий активлар банк балансига қуйидаги йўллар билан олинади:

- ишлов якунланганидан кейин яратилган объектнинг қабул қилиниши-топширилиши, яъни банк томонидан яратилган номоддий активлар;
- олди-сотди шартномаси бўйича объектнинг эгалланиши, яъни банк томонидан ҳарид қилинган объектлар;
- муассислар улуши тарзида устав капиталига киритилиши, яъни банк акциядорлари томонидан акция қийматини номоддий актив кўринишида тўланиши;
- текинга (ҳадя шартномаси бўйича) берилиши, банк бошқа банклардан ёки ҳамкорлардан қайтариб бермаслик шарти билан активларни олиши;
- давлат субсидиялари ҳисобига эгалланиши, номоддий активларнинг бир қисми субсидия эвазига қабул қилиниши;
- айирбошлаш, банк томонидан ўзига керакли бўлган номоддий активларни товар-моддий захиралар ёки асосий воситалар каби активларга алмаштирилиши;
- номоддий активларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектлари аниқланиши натижасида ҳисобга киритилади, асосан инвентаризация жараёнларида аниқланади.

Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабларига мувофиқ тижорат банклари балансига олинаётган номоддий актив объектлари унинг бошланғич қиймати бўйича тан олиши лозим[24]:

биринчидан, банкнинг келажакда ушбу номоддий активдан фойдаланишдан иқтисодий наф олишга етарлича ишончи бўлса;

иккинчидан, номоддий активнинг қийматини етарлича аниқ баҳолай олиш мумкин бўлса.

Агарда номоддий актив юқорида келтирилган тушунча ва кўрсаткичларнинг ҳеч бирига жавоб бермаса, қилинган барча сарфлар, юзага келиш даврига кўра ,ҳаражат сифатида тан олиниши лозим бўлади.

---

[23] "Номоддий активлар" Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. (7-сон БҲМС) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йил 25 мартдаги 35-сонли буйруги.

[24] "Номоддий активлар" Молиявий ҳисобот ҳалқаро стандарти (IFRS 38)

Тижорат банкларида номоддий активларнинг бошланғич қиймати қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ҳуқуқни ўтказиш (эгаллаш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгасига (сотувчига) тўланадиган суммалардан;

2. Рўйхатга олиш йиғимлари, давлат божлари, патент божларидан ва ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқлари ўтказилиши (эгалланиши) муносабати билан амалга оширилган бошқа шунга ўхшаш тўловлардан;

3. Божхона божи тўловлари ва йиғимларидан;

4. Номоддий активларнинг эгалланиши муносабати билан тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва тўловларнинг суммаларидан (агар улар қопланмаган бўлса);

5. Номоддий активларнинг эгалланиши билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланадиган суммалардан;

6. Номоддий активларни эгаллашда воситачилик қилган шахсларга тўланадиган ҳақдан;

7. Номоддий активларни етказиш (яратиш) таваккалларини суғурта қилиш билан боғлиқ ҳаражатлардан;

8. Активдан мўлжалланганлигига қараб фойдаланиш учун уни ишга яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа ҳаражатлардан.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига мувофиқ, тижорат банкларида номоддий активлар ҳисобини юритиш учун балансга нисбатан актив счётлар, шунингдек, фойда ва зарарларга тегишли бўлган транзит ҳисобварақлар тартиби белгиланган[25].

Банкларда номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар:

16600 - Номоддий активлар ҳисобварағи.

16601 - Номоддий активлар ҳисобварағи

16605 - Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив) ҳисобварағи

16609 - Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар ҳисобварағи

16617 - Гудвилл ҳисобварағи

[25]Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўхатдан ўтказилган (2004 йил 13 август, тартиб рақами 773-17). (Ўзгартиришлари билан ЎзАВ 17.01.2011 йил, 773-29-сон).

16699 - Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив) ҳисобварағи

56618 - Номоддий активларнинг эскириш суммаси ҳисобварағи

56832 - Номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш ҳисобварағи.

Биз номоддий активларни ҳарид қилиш, уларга амортизацияни ҳисоблаш, қайта баҳолаш ҳамда ҳисобдан чиқариш тартибини АТ "Туронбанк" нинг 2015 йил молиявий ҳисоботлари маълумотлари асосида кўриб чиқамиз.

Мазкур банкда номоддий активлар 2014 йил 31 декабр ҳолатига 94391 млн сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йил 31 декабрга бу 215891 млн сўмга тенг бўлиб, унда ўсиш тенденциясини кўришимиз мумкин (228,7 фоиз).

11-жадвал

Банкда номоддий активлар ҳақида маълумот

№	Баланс моддаси	2019 йил 31. 12	2020 йил 31.12	2019 йилда 2020 йилга нисбатан ўзгариши	
				фоизда	Суммада
1	Номоддий активлар	94391	21.891	+ 228.7	+ 12.500

Банк 5.000000 сўмга номоддий активни ҳарид қилиб олди ва уни ўрнатиш ва текшириб кўриш билан боғлиқ 200000 сўмлик ҳаражатни амалга оширди. Банкнинг "Ҳисоб сиёсати"га мувофиқ номоддий активнинг фойдаланиш муддатини 5 йил деб белгилади[26].

Банк бухгалтериясида қуйидаги таҳлилий ўтказмалар қилинади:

1) Дебет - 16601 Номоддий активлар – 5.200.000 сўм.

Кредит - 29802 Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар – 5.200.000 сўм.

2) Дебет - 29802 Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар – 5.200.000 сўм.

Кредит - Банкнинг вакиллик ҳисоб варағи ёки мижознинг депозит ҳисоб варағи -5.200.000 сўм.

Банкда номоддий активлар миқдорининг ортиши бир томондан қувонарли ҳолат бўлсада, лекин банкнинг жами активларига нисбатан олинганда эса, бироз таажубли ҳолатни кўришимиз мумкин.

[26] "Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 йил 3 сентябр, 1270-сон билан рўйхатга олинган.

12-жадвал

Банкнинг жами активларига нисбатан номодий активлар салмоғи, *(минг /сўм)*

№	Баланс моддаси	2019 йил		2020 йил		2015 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши	
		сумма	улуши	сумма	улуши	сумма	улуши
1	Номоддий актив	94391	0,02	215891	0,04	+121500	+0,02
2	Жами актив	396145141	100	455140382	100	+58995241	+ 1.14

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банк жами активларига нисбатан номоддий активлар салмоғи атиги бир йил ичида 0,02 фоиздан 0,04 фоизгача ўсган. Банк иш кунини компьютер (дастурий таъминот) ёки бошқа ҳисоблаш воситаларисиз тассавур қилиб бўлмайди. Демак, шундай аҳамиятга эга бўлган активлар атиги бир фоизни ҳам ташкил қилмайди. Лекин номоддий активларни миқдор жиҳатдан олиб қаралганда, анча ортганлигини кўриш мумкин (+121500 млн. сўм.)

Тижорат банкларида номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати қуйидагича аниқланади:

1) банк томонидан активдан қанчалик самарали фойдаланишдан келиб чиққан ҳолда кутилаётган фойдаланиш;

2) активнинг намунавий ҳаёт цикли ва фойдаланилаётган шунга ўхшаш активларнинг фойдали хизмат қилиш муддатини баҳоланганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларидан маълумот;

3) техник, технологик ва бошқа турдаги эскиришлар. Тез ўсиб бораётган техник тараққиётни инобатга олиб, компьютер дастурий таъминотлари ва шунга ўхшаш номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати қисқа бўлади;

4) актив устидан назорат қилиш даври ва юридик ёки активдан фойдаланишнинг бошқа чеклашлари, жумладан, ижара шартномалари муддатларининг тугаши ва шу кабилар;

5) активнинг фойдали хизмат қилиш муддати банкнинг бошқа активлари фойдали хизмат қилиш муддатларига боғлиқлиги.

Ҳарид қилиб олинган номоддий активлар бўйича ҳар ойда белгиланган тартибда амортизация ажратмалари ҳисобланади ва тегишли ҳаражат объектларига ўтказиб борилади. Банкда ушбу

активларга нисбатан амортизациянинг қандай усулларини татбиқ этиш, юқорида баён этилганидек ҳисоб сиёсатида белгилаб олинади.

Масалан, АТ "Туронбанк"да ҳар ой ҳисобланган амортизация суммасига тегишли бухгалтерия ўтказмалари бериб борилади. Банк ҳисоб сиёсатига асосан тўғри чизиқли амортизация ҳисоблаш усули танлаб олинган.

1) Дебет - 56618 Номоддий активларнинг эскириш суммаси – 200.000 сўм.

Кредит - 16605 Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив) - 200.000 сўм.

Ҳисобот даври охирига номоддий актив хисобварағларидаги қолдиқ – дебет (кредит)

2) 16601 - Номоддий активлар – 5.000.000 сўм.

16605 - Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив) - (2.400.000) сўм.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида номоддий активлар қиймати камайтириб борилиши амортизация деб номланиши билан бухгалтерия ўтказмаларида акс эттирилади. Демак, Президентимиз томонидан қўйилган талабга ҳам тижорат банклари ҳисобварақлар режасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва такомиллаштириб бориш кераклигини назарда тутган ҳолда, 16605 ҳисобварақ номини «Номоддий активларнинг йиғилган амортизацияси (контр-актив)" деб номлаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, молиявий натижани ифодаловчи 56618 ҳисобварақ номига ҳам ўзгартириш киритиш лозим. Масалан, 56618 - "Номоддий активларнинг амортизация суммаси".

Чунки, банк асосий воситалари учун эскириш тушунчаси тўғри қўлланилган, уларни қайта тиклаш ёки ўрнига худди шундай объектларни сотиб олиш ёки қуриб, битказиш мумкин бўлади. Аммо номоддий активларда бундай тартибни қўллаш нотўғридир. Масалан, дастурий таъминот, яъни компьютерлар учун дастурларнинг ўрнига худди шундай дастурнинг сотиб олиниши ҳеч қандай самара бермайди. Ёки айнан худди шундай патентни (лизенция) олиниши, келгусида субъект фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, бир сўз билан айтганда, модернизация тушунчасидан йироқ бўлиб қолади.

Банкларда номоддий активлар асосий воситалар каби вақти-вақти билан қайта баҳолаб борилади. Лекин номоддий активларни

қайта баҳолаш юзасидан меъёрий ҳужжатларда аниқ коэффициент ёки кўрсатмалар ишлаб чиқилмаган (афтидан, бу ҳар бир банкнинг ўз "ҳисоб сиёсати"га боғлиқ бўлса керак). Агар банкда номоддий қайта баҳоланиш ўтказиладиган бўлса, актив қийматининг ортиши баланснинг 3-бўлимида ифодаланади (ўз капиталида). Масалан, АТ "Туронбанк"да номоддий активлар қайта баҳоланди. Банк бухгалтери томонидан қуйидаги ўтказмалар берилади:

1) Бошланғич қийматига:

Дебет - 16601 Номоддий активлар ҳисобварағи – 700.000 сўм

Кредит - 30908 Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган миқдори -700.000 сўм.

2) Қолдиқ қийматига:

Дебет - 30908 Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган миқдори – 250.000 сўм

Кредит - 16605 Номоддий активларнинг йиғилган амортизацияси (контр-актив)– 250.000 сўм(таклиф этилаётган ҳисобварақ номи асосида).

Банкда бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган миқдори ҳар ойда тақсимланмаган фойда ҳисобварағига ўтказиб борилади:

Дебет - 30908 Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган миқдори – 450.000 сўм.

Кредит - 31203 Тақсимланмаган фойда (актив-пассив) – 450.000 сўм.

Шуни алохида таъкидлаб ўтиш керакки, банк ичида яратилган номоддий активлар балансда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилиши лозим. Сабаби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стардартига мувофиқ, банк ичида яратилган гудвилл актив сифатида тан олинмайди. Бунда банк ичида яратилган, назорат қилинадиган гудвилл таннархи бўйича ишончли баҳолана олмаслигидан келиб чиққан ҳолда индетификацияланадиган ресурс ҳисобланмайди.[27]

Одатда, иқтисодий адабиётларда ишчанлик қобилияти *(гудвилл)*га турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, халқаро амалиётда гудвилл *(goodwill)* – бу яхши ном, обрў-эътибор (репутация), "банкнинг баҳоси". Банкларни бирлаштириб юборишда ёки банкни сотиб олишда унинг соф активлари баҳосидан (бозор баҳоларидаги барча активлар ва барча

[27] "Номоддий активлар" Молиявий ҳисоботнинг халкаро стандарти (IFRS 38)

мажбуриятлари ўртасидаги фарқ) ортикроқ баҳода ҳаридор томонидан тўланган суммаси **гудвилл** деб юритилади. Бу ҳаридор томонидан банк сотиб олинаётганда, ушбу банкдаги йиллар мобайнида шаклланган мижозлар билан, қарз олувчилар ва депозиторлар билан ўзаро ўрнатилган муносабатлар ҳам сотиб олинганлигини англатади.

Гудвилл бўйича амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисобида унинг фойдали хизмат муддати мобайнида гудвилл бошланғич қийматини камайтириш йўли билан акс эттирилади. Яъни:

Дебет - 56618 Номоддий активларнинг амортизация суммаси – 2.000.000 сўм *(таклиф этилаётган янги ном билан).*

Кредит - 16617-Гудвилл – 2.000.000 сўм.

Гудвиллнинг пайдо бўлишига шартли мисол билан изоҳ берамиз. Масалан, А банк Б банкни 250.000.000 сўмга сотиб олди. Сотиб олиш санасига Б банк 230.000.000 сўмлик ҳаққоний қиймати бўйича соф активларга эга. У ҳолда А банкнинг баланси (16617-ҳисобварағи)да 20.000.000 сўмлик гудвилл номи билан актив пайдо бўлади. А банк ҳисоб сиёсатига мувофиқ, шаклланган гудвиллни банк 20 йил давоми *(МҲХС 38 бўйича 40 йилга тенг)*да амортизациялашга қарор қилди. Гудвилл бўйича ҳар йиллик амортизацияси ҳаражатлари 1.000.000 сўмга тенг бўлади.

Банкларда яратилаётган ёки сотиб олинаётган номоддий активларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- номоддий активни яратилишини тугаллашнинг техник имконияти мавжуд бўлиши ва ундан фойдаланиш ёки сотиш мумкин бўлиши;

- номоддий активни яратишни ниҳоясига етказиш ниятининг мавжудлиги, уни ишлатиш ёки сота олиш қобилиятига эга бўлиши;

- номоддий активнинг келажакда иқтисодий самара келтира олиш имконияти. Бундан ташқари, банк номоддий активнинг натижалари ёки унинг ўзи учун бозор мавжудлигини кўрсата олиши керак. Агарда уни банк ичида ишлатилиши кўзда тутилаётган бўлса, номоддий активнинг фойдалилигини баҳолаш зарур;

- активнинг яратилишини якунлаш ва ишлатиш ёки сотиш учун етарли техник, молиявий ҳамда бошқа ресурс (манба)ларнинг мавжудлиги;

- номоддий актив яратилиш жараёнида уни ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳаражатларни ишончли баҳолаш қобилияти.

Қуйидаги ҳаражатлар яратилган ички номоддий активларнинг таннархи қисмига киритилмайди:

1. Савдо, маъмурий ва бошқа умумий қўшимча ҳаражатлар (активни фойдаланишга тайёрлаш учун кетадиган ҳаражатлардан ташқари);

2. Активдан фойдаланадиган ходимларни тайёрлашга кетадиган ҳаражатлар.

Масалан, АТ "Туронбанк" қимматли қоғозларни бухгалтерия хисобини юритишни автоматлаштириш мақсадида янги дастурий таъминотни яратишни бошлади. Лойиҳанинг босқичлари – лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва техник хизмат кўрсатиш. Лойиҳа бошлангандан буён банк қуйидаги ҳаражатларни амалга оширган:

- банк дастурчини қимматли қоғозлар бўйича семинарга юборди ва ўқиш учун 50.000 ш.б. тўлади;

- маркетинг бўйича мутахассис маҳсулот – дастурий таъминотга бўлган бозор талабини ўрганиш мақсадида бозорда тадқиқот ўтказган. Мазкур тадқиқотга қилинган ҳаражатлар 40.000 ш.б. ташкил қилган;

- дастурий таъминотни бошланғич нархи 250.000 ш.б. га баҳоланган;

- дастурий таъминотни ишлаб чиқиш учун 6 ой керак бўлган. Мазкур дастурий таъминотни яратган мутахассиснинг ойлиги 100.000 ш.б. ,унинг ўринбосарининг ойлиги эса 80.000 ш.б. Жорий этиш жараёнида яна бир мутахассис жалб этилган ва унинг иш хақи 15.000 ш.б. бўлган. Жорий этиш босқичи1 ой;

- банк раҳбарияти дастурий таъминот яратилаётган давр учун давр ҳаражатларини умумий ҳаражатларнинг 35% фоизи миқдорида баҳолади.

Қуйида банкнинг қайси ҳаражатлари номоддий актив қийматига олиб борилади, қайсилари ҳаражатга олиб борилади?

1. Тадқиқотлар босқичи:

- Ўқиш учун тўлов 50.000 ш.б.
- Бозорни ўрганиш 40.000 ш.б.
- Ҳаражатга олиб борилади 90.000 ш.б.

2. Яратиш босқичи:

- Дастурий таъминотни яратиш бўйича мутахассис ва унинг ўринбосарининг иш ҳақи 180.000 ш.б. Жалб этилган мутахассиснинг иш ҳақи 15.000 ш.б.
- Яратиш давридаги давр ҳаражатлари 68.250 ш.б.
- Номоддий актив сифатида тан олинади 263.250 ш.б.

Тижорат банкларида номоддий активлар қуйидаги йўллар билан банк балансидан чиқарилади: тугатиш (тўлиқ амортизация ҳисобланиши); реализация қилиш (бошқа субъектларга сотиб юборилиши); айирбошлаш (бошқа активларга алмаштирилиши); текинга бериш (қайтариб бермаслик шарти билан филиалларга берилиши);устав капиталига муассис ҳиссаси тарзида кўшиш (бошқа субъектлар уставининг шакллантирилиши); иштирокчи иштирокчилар таркибидан чиққанида номоддий активлар билан ҳисоб-китоб қилиниши; камомад ҳолатларини аниқланиши ва бошқалар.

АТ "Туронбанк" янги номоддий актив объектларини ҳарид қилиш олиш мақсадида ҳали тўлиқ фойдаланилмаган бошқа бир номоддий активларини 3.500.000 сўмга сотди. Сотишни акс эттириш бўйича ўтказмалар:

1) Дебет - 16605 Номоддий активларнинг йиғилган аммортизацияси (контр-актив) – 2.400.000 сўм.

Кредит - 16601 Номоддий активлар – 2.400.000 сўм.

2) Дебет - Банкнинг вакиллик ҳисобварағи – 3.500.000 сўм

Кредит - 29802 Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар – 3.500.000 сўм.

3) Дебет - 29802 Товар – моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар – 3.500.000 сўм

Кредит - 16601 Номоддий активлар– 2.600.000 сўм

Кредит - 45909 Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан фойда– 900.000 сўм.

Бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар янги шаклланиб келаётган объектлардан бири ҳисобланади. Шундай экан, уларни киримга олиш, дастлабки ҳужжатларда қайд этиш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда ҳисобдан чиқариш тартибини халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талаблари асосида доимий равишда такомиллаштириб бориш тақазо этилади. Бу эса банк активлари шаффофлиги ошиши ҳамда банк мол-мулклари ҳақидаги гўлиқ ахборотлар олишни таъминлайди.

VIII БОБ. БАНКЛАРДА ЗАҲИРАЛАР ҲИСОБИ (МҲХС 2)

8.1. Захира номли стандартнинг мақсади ва амал қилиш соҳаси

Стандартнинг мақсади товар-моддий захираларни (ТМЗларни) ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборатдир. ТМЗларни ҳисобга олишда асосий масала бўлиб ТМЗларнинг таннархи қандай суммада актив сифатида тан олиниши ва улар билан боғлиқ бўлган даромадлар келгуси даврларда тан олингунча ҳисобга олиниши кераклиги ҳисобланади. Ушбу Стандарт таннарх ва унинг кейинчалик ҳаражат сифатида тан олиниши, шу жумладан унинг ҳар қандай соф сотиш қийматигача камайтирилиши бўйича кўрсатмаларни беради. У, шунингдек, товар-моддий захираларнинг таннархини аниқлашда қўлланиладиган таннархни ҳисоблаш формулалари бўйича кўрсатмаларни келтиради.

Ушбу стандарт, қуйидагилардан ташқари, барча товар-моддий захираларга нисбатан қўлланилади:

қурилиш шартномалари, шу жумладан улар билан бевосита боғлиқ бўлган хизмат шартномалари остида келиб чиқадиган тугалланмаган ишлаб чиқариш (БҲХС 11 *"Қурилиш Шартномалари"*);

молиявий инструментлар (БҲХС 32 *"Молиявий Инструментлар: Тақдим этиш"* ва МҲҲС 9 *"Молиявий Инструментлар"*);

қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активлар ва йиғим жараёнидаги қишлоқ хўжалиги ҳосиллари (БҲХС 41 *"Қишлоқ хўжалиги"*).

Стандарт қуйидагилар эгалигидаги товар-моддий захираларга нисбатан қўлланилмайди:

қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, йиғимдан сўнгги қишлоқ хўжалиги ҳосиллари, фойдали қазилмалар ва қазилма маҳсулотлари, агар улар шу соҳаларда ўрнатилган илғор амалиётларга мувофиқ соф сотиш қиймати бўйича баҳоланадиган бўлса. Агар бундай ТМЗлар соф сотиш қиймати бўйича баҳоланадиган бўлса, ушбу қийматдаги ўзгаришлар шу ўзгариш рўй берган даврдаги фойда ёки зарарида тан олинади.

ўз ТМЗларини сотиш ҳаражатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймат бўйича баҳолайдиган, товарларни сотувчи брокер-трейдерлари. Бундай ТМЗлар сотиш ҳаражатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинганида, сотиш ҳаражатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматдаги ўзгаришлар ўзгариш рўй берган даврдаги фойда ёки зарарда тан олинади.

Товар-моддий захиралар ишлаб чиқаришнинг маълум бир босқичларида соф сотиш қиймати бўйича ҳисобга олинади. Бу, масалан, қишлоқ хўжалигида дон маҳсулотлари йиғиб олингандан кейин, ёки фойдали қазилмалар қазиб олингандан кейин уларнинг сотилиши форвард шартномаси ёки давлат кафолати остида кафолатланганида, ёки улар бўйича фаол бозор мавжуд бўлганида ва сотилмаслик риски сезиларсиз даражада кам бўлганида юз беради. Бундай ТМЗларга нисбатан мазкур Стандартнинг фақатгина баҳолаш бўйича талаблари қўлланилмайди.

Брокер-трейдерлар – бу ўз ҳисобидан ёки бошқа томонлар номидан товарларни сотиб олувчи ёки сотувчи шахслардир. 3(б) бандда изоҳланган ТМЗлар, асосан, яқин келажакда сотиш ва нархлардаги ўзгаришлардан фойда олиш ёки брокер-трейдерларнинг маржаси ҳисобига фойда кўриш мақсадида сотиб олинади. Агар ушбу товар-моддий захиралар сотиш ҳаражатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланадиган бўлса, уларга нисбатан ушбу Стандартнинг фақат баҳолаш бўйича талаблари қўлланилмайди.

Ушбу Стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Товар-моддий захиралар – бу қуйидаги активлардир:

одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган ;

бундай сотув учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган; ёки

ишлаб чиқариш жараёнида ёки хизматлар кўрсатилишида фойдаланилиши кўзланган хом ашё ва материаллар кўринишидаги активлар.

Соф сотиш қиймати - бу одатдаги фаолият давомида ишлаб чиқаришни охирига етказиш бўйича ҳаражатлар ва сотишни амалга ошириш учун зарур бўлган ва тахминий баҳоланган ҳаражатлар чегириб ташланган сотиш баҳосидир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиниши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин

бўлган нархдир (МҲХС 13 *"Ҳаққоний қийматни баҳолаш"* га қаранг.)

Соф сотиш қиймати тушунчаси тадбиркорлик субъектининг одатдаги фаолияти давомида товар-моддий захирани сотишдан олиниши мўлжалланган соф суммани англатади. Ҳаққоний қиймат – баҳолаш санасида, ТМЗни худди шундай ТМЗ сотиладиган асосий бозорда (ёки энг катта манфаат келтирадиган бозорда) сотиш бўйича бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операция амалга оширилиши мумкин бўлган баҳони акс эттиради. Биринчиси - тадбиркорлик субъектига хос қиймат; иккинчиси эса йўқ. Товар-моддий захираларнинг соф сотиш қиймати уларнинг сотиш ҳаражатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматига тенг бўлмаслиги мумкин.

Товар-моддий захиралар сотиб олинган ва қайта сотиш учун мўлжалланган товарларни қамраб олади, масалан чакана савдо ташкилоти томонидан сотиб олинган ва қайта сотиш учун сақланадиган товарлар, ёки қайта сотиш учун мўлжалланган ер ва бошқа мулклар. Товар-моддий захиралар жумласига, шунингдек, тадбиркорлик субъекти томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, ёки тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиш учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар киради. Хизмат кўрсатиш ташкилотлари учун товар-моддий захираларига, 19 бандда изоҳланганидек, хизмат кўрсатиш бўйича ҳаражатлар ҳам, улар билан боғлиқ бўлган даромадлар ҳалигача тан олинмаган бўлсада, киради (БҲХС 18 *"Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад"*).

Товар-моддий захиралари таннархи ёки соф сотиш қийматидан қайси бири камроқ бўлса, ўша бўйича баҳоланиши лозим.

Товар-моддий захиралар таннархи

Товар-моддий захиралар таннархига ТМЗларни сотиб олиш, қайта ишлаш ва уларни ҳозирги пайтдаги жойлашиши ҳамда ҳолатига келтириш учун амалга оширилган бошқа жами ҳаражатлар киритилиши лозим.

Сотиб олиш ҳаражатлари

Товар-моддий захиранинг сотиб олиш ҳаражатларига ҳарид нархи, импорт божлари ва бошқа солиқлар (солиқ идоралари томонидан тадбиркорлик субъектига кейинчалик қайтариладиганлардан ташқари), ташиш, ортиш-тушириш ҳамда тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хизматларни сотиб олиш билан

бевосита боғлиқ бошқа жами ҳаражатлар киради. Савдо чегирмалари, қоплаб беришлар ва шу кабилар сотиб олиш ҳаражатларидан чегирилиб ташланиши лозим.

Қайта ишлаш ҳаражатлари

Товар-моддий захираларни қайта ишлаш ҳаражатларига маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ ҳаражатлар, масалан бевосита меҳнат ҳаражатлари, киради. Уларга, шунингдек, материалларни тайёр маҳсулотга айлантиришда амалга ошириладиган ва систематик тарзда тақсимланадиган доимий ва ўзгарувчан устама ҳаражатлар ҳам киради. Доимий ишлаб чиқариш устама ҳаражатлари - бу ишлаб чиқариш ҳажмидан қатъий назар нисбатан доимий бўлиб қоладиган билвосита ишлаб чиқариш ҳаражатларидир, масалан ишлаб чиқариш бинолари ва ускуналарининг эскириши ва уларни сақлаш ҳаражатлари ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш ҳаражатлари. Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама ҳаражатлари бу ишлаб чиқариш ҳажмига тўғридан-тўғри ёки деярли тўғридан-тўғри боғлиқликда ўзгарадиган билвосита ишлаб чиқариш ҳаражатларидир, масалан билвосита материаллар ва билвосита меҳнат ҳаражатлари.

Доимий ишлаб чиқариш устама ҳаражатларининг қайта ишлаш таннархига олиб борилиши ишлаб чиқариш объектларининг нормал қувватига қараб белгиланади. Нормал қувват - бу бир нечта давр ёки мавсумлар давомида нормал шароитда, режалаштирилган таъмирлаш натижасидаги ишлаб чиқариш ҳажмдаги йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда, ўртача эришилиши кутилган ишлаб чиқариш ҳажмидир. Нормал қувват сифатида ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмини олиш мумкин, агар у нормал қувватга тахминан тенг бўлса. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги таннархига киритиладиган доимий устама ҳаражатларнинг суммаси ишлаб чиқаришнинг пасайиши ёки тўхташи натижасида ошмайди. Таннархга киритилмаган устама ҳаражатлари улар келиб чиққан даврда ҳаражатлар сифатида тан олинади. Ишлаб чиқариш даражаси ҳаддан ташқари юқори бўлган даврларда, ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган доимий устама ҳаражатлар камаяди, ва, бунинг натижасида, товар-моддий захиралар таннархдан юқори баҳоланмайди.

Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама ҳаражатлари ишлаб чиқариш қувватларидан ҳақиқатда фойдаланишга қараб ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги таннархига олиб борилади.

Ишлаб чиқариш жараёни натижасида бир вақтнинг ўзида бирдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолат, масалан, биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёки асосий ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилишида юзага келиши мумкин. Агар ҳар бир маҳсулотнинг қайта ишлаш ҳаражатларини алоҳида аниқлаш имкони бўлмаса, бу ҳаражатлар маҳсулотлар ўртасида мутаносиб ва изчил равишда тақсимланади. Тақсимотни, масалан, ҳар бир маҳсулотнинг умумий сотиш қийматидаги улуши асосида, маҳсулотларни алоҳида ажратиш мумкин бўлган ишлаб чиқариш жараёни босқичида ёки ишлаб чиқариш тугалланганида амалга ошириш мумкин.

Кўпгина қўшимча маҳсулотлар, ўз хусусиятларига кўра, муҳим даражада бўлмайди. Бундай ҳолларда, улар кўпинча соф сотиш қиймати бўйича баҳоланади, ва бу қиймат асосий маҳсулот таннархидан чегирилиб ташланади. Бунинг натижасида, асосий маҳсулотнинг баланс қиймати унинг таннархидан сезиларли даражада фарқ қилмайди.

Бошқа ҳаражатлар

Бошқа ҳаражатлар ТМЗлар таннархига, фақатгина ТМЗларни ҳозирги пайтдаги жойлашиши ва ҳолатига келтириш учун сарфланган ҳаражатлар ҳажмидагина, киритилади. Масалан, ноишлаб чиқариш устама ҳаражатлари ёки махсус мижозлар учун маҳсулотларни ясаш ҳаражатларини товар-моддий захиралар таннархига киритиш ўринли бўлиши мумкин.

Товар-моддий захиралар таннархига киритилмайдиган ва улар келиб чиққан давр ҳаражатлари сифатида тан олинадиган ҳаражатлар мисолига қуйидагилар киради:

меъёридан ташқари сарфланган хом ашё, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш ҳаражатлари суммаси;

сақлаш ҳаражатлари, агар бу ҳаражатлар ишлаб чиқариш жараёнининг кейинги босқичлари учун талаб этилмаса;

товар-моддий захираларни хозирги пайтдаги жойлашиши ва ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлмаган маъмурий устама ҳаражатлар; ва

сотиш ҳаражатлари.

БҲХС 23 *"Қарзлар бўйича ҳаражатлар"* олинган қарзлар бўйича ҳаражатлар товар-моддий захиралар таннархига киритиладиган камдан-кам ҳолларини белгилайди.

Субъекти товар-моддий захираларни тўлов муддатини узайтириб тўлаш шартларида сотиб олиши мумкин. Агар бундай келишув амалда молиялаштириш элементини ўз ичига олса, бу элемент, масалан, одатдаги шартларда кредитга сотиб олиш нархи ва тўлов суммаси орасидаги фарқ, ушбу молиялаштириш даврида фоиз ҳаражатлари сифатида тан олиниши шарт.

8.2. Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби

Товар-моддий захиралар бу хўжалик юритувчи субъектларнинг қуйидаги шаклдаги активларидир:

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ишлатилиши кўзда тутилган хом ашё, материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, бошқа материаллар;

тугалланмаган ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш;

сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот ва товарлар.

Товар-моддий захиралар асосан, ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналарининг асосий айланма маблағларини ташкил этади.

Банклар фаолиятида эса товар-моддий захиралари банк активининг маълум бир қисмини ташкил этиб, унинг вазифалари ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналариникидан тубдан фарқ қилади. Банк фаолиятида товар-моддий захиралари ибораси билан эмас, балки юқорида таъкидланганидек, кўпроқ "кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар" ибораси ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида Йўриқнома (янги таҳрирда (Рўйхат рақами 1496, 2005 йил 15 июл)) талаблари асосида амалга оширилади. Ушбу Йўриқнома юқорида қайд этилган МҲХС 2 га мувофиқ ишлаб чиқилган ёки унинг қоидалари тўла халқаро стандартларга мос келади.

Нима учун тижорат банклари ўзлари мустақил равишда БҲХС 2 талабларидан фойдаланган ҳолда "Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар" (кейиги матнда КБТЭБ) ҳисобини юритиши мумкин эмас.Чунки Марказий банк томонидан уларга КБТЭБ ҳисобини юритиш учун алоҳида меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилган. Банклар

учун КБТЭБ бухгалтерия ҳисобининг ягона талаби уларнинг КБТЭБ тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириши ҳамда уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати устидан лозим даражада назоратни таъминлаши учун бир хил ҳисоб сиёсати юритиш мақсадида белгиланади.

Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар - бу банк фаолиятида фойдаланиладиган ва қуйидаги мезонлардан бирортасига жавоб бера оладиган моддий активлардир:

хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган;

хизмат муддатидан қатъий назар бир донаси (комплекти) нархи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган (сотиб олиш вақтидаги) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача қийматга эга бўлган буюмлардир.

Банк раҳбари буюмларнинг КБТЭБ таркибидаги ҳисобини олиб бориш учун ҳисобот йилига буюмлар қийматининг қуйи чегарасини ўрнатиши мумкин.

Хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъий назар КБТЭБ таркибига қуйидагилар киритилади:

махсус асбоблар ва мосламалар (айрим буюмларни туркум ва ялпи ишлаб чиқариш ёки якка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли асбоблар ва мосламалар);

махсус ва санитар кийимлар махсус пойафзаллар;

ётоқ жиҳозлари;

канцелярия жиҳозлари (калькуляторлар, стол жиҳозлари ва бошқалар);

ошхона ва овқатланиш хонаси инвентарлари, шунингдек овқатланиш хонаси чойшаблари;

қурилиш-таъмирлаш ишлари таннархига олиб бориладиган вақтинчалик қурилма ва мосламалар (титулсиз иншоотлар);

фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмашиш асбоб-ускуналари ва бошқа буюмлар.

Ҳақиқатдаги қиймат - КБТЭБ ни сотиб олиш, қайта ишлаш ва уни ҳозирги жойи ҳамда ҳолатига келтириш учун амалга оширилган бошқа жами ҳаражатлар суммасидир.

Ҳаққоний қиймат - ўзаро алоқадор бўлмаган ва умумий шартларда битимни амалга оширишни хоҳловчи бохабар томонлар ўртасида активни алмаштириш ёки мажбуриятни қоплаш учун келишилган сумма.

Соф сотиш қиймати - оддий иш фаолияти давомидаги битим тузиш ва сотишни амалга ошириш учун зарур бўлган ва ҳисобланган ҳаражатлар чегириб ташланган сотиш баҳоси. Соф сотиш қиймати банк томонидан оддий ҳолларда КБТЭБ ни сотишдан олиши кутилаётган соф суммани англатади. КБТЭБ нинг соф сотиш қиймати ҳаққоний қийматдан сотиш ҳаражатлари айириб ташланган қийматидан фарқ қилиши мумкин.

КБТЭБ қийматини олдиндан тўлаш билан сотиб олиш:

1) КБТЭБ ни олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дт - 19909 "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар".

Кт - Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи (агар мол етказиб берувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига шу банкда хизмат кўрсатилса).

2) КБТЭБ омборхонага сотиб олинганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида кирим қилиниб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дт - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"

Кт - 19909 "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар".

Агар тўлов КБТЭБ келиб тушгандан кейин амалга оширилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) КБТЭБ келиб тушганда;

Дт - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"

Кт - 29802 "Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"

2) КБТЭБ қиймати тўланганда:

Дт - 29802 "Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"

Кт - "Банк вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи" (агар мол етказиб берувчининг талаб қилиб олингунча бўлган депозит ҳисобварағига шу банкда хизмат кўрсатилса)

КБТЭБ Бош банк/филиалдан филиаллар/бош банкка берилганда шу кунги банк ҳужжатларига моддий жавобгар шахсга

тегишли филиал/бош банк томонидан (белгиланган тартибда) берилган талабнома ва ишончнома тикиб қўйилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - 16104 "Бош банк/филиаллардан олинадиган маблағлар - Товар моддий қимматликлар"

Кт - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"

КБТЭБ Бош банкдан филиалга қабул қилинганда бошланғич ҳужжатлар (юк хатлари) асосида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар."

Кт - 22205 "Бош банк /филиалларга тўланадиган маблағлар - Товар моддий қимматликлар".

Омборга қабул қилинган КБТЭБ да бирор бир номувофиқлик ёки нуқсон топилганда, юкни етказиб берган ташкилот вакиллари иштирокида далолатнома тузилади ва даъво билдирилади. Далолатноманинг учинчи нусхаси билдирилган даъво билан мол етказиб берувчига юборилади.

1) Банк даъвоси мол етказиб берувчи томонидан қабул қилинганда ёки суд томонидан тегишли қарор чиқарилганда омборга кирим қилинган КБТЭБ ни мол етказиб берувчига қайтариш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:

Дт - 19909 "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"

Кт - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"

2) Қайтарилган маблағларни қайта ёзув билан вакиллик ҳисобварағига ўтказиш:

Дт - Банкнинг вакиллик ҳисобвараги

Кт - 19909 "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"

Банкка келаётган моддий бойликлар уларнинг сақланишига жавобгар бўлган омборхона мудири (омборчи) ёки банк бошлиғининг буйруғига асосан тайинланган бошқа ходим томонидан қабул қилинади. Жавобгар шахс - омборчи ёки бошқа ходим томонидан банкка қабул қилинаётган барча КБТЭБ бўйича рақамланган, тикилган ва бошқарувчи ҳамда бош бухгалтернинг

имзоси ва банкнинг думалоқ мухри билан тасдиқланган журналда алоҳида, махсус тизимдан ташқари ҳисоб юритилади.

Банкларда КБТЭБ ҳақиқатдаги ёки соф сотиш қийматларидан энг кам миқдори билан баҳоланади. КБТЭБ нинг ҳақиқатдаги қиймати сотиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар ҳамда КБТЭБ ни жорий ҳолатига ва жойига келтириш мақсадида амалга оширилган бошқа ҳаражатлардан иборатдир.

КБТЭБ ни сотиб олиш ҳаражатлари ҳарид нархи, импорт божлари ва бошқа тўловлар (кейинчалик банкка қайтариладиганларидан ташқари). ташиш, қайта ишлаш ва сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ҳаражатлардан иборат бўлади. Савдо чегирмалари, қоплаб беришлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳаражатлар сотиб олиш ҳаражатларини аниқлаётганда чиқариб ташланади.(1-илова).

Бошқа ҳаражатлар КБТЭБ нинг ҳақиқатдаги қийматига уларнинг жорий ҳолат ва жойига келтириш билан боғлиқ бўлган қисмигина қўшилади. КБТЭБнинг қийматига қўшилмасдан, давр ҳаражатлари сифатида ҳаражат қилинган вақтда тан олинувчи ҳаражатларга қуйидагилар мисол бўлади:

а) сақлаш ҳаражатлари;

б) КБТЭБ ни жорий ҳолатига ва жойига келтириш билан боғлиқ бўлмаган маъмурий ҳаражатлар;

в) сотиш ҳаражатлари.

Агар КБТЭБ ни сотиб олиш бўйича шартномада молиялаштириш элементи ишлатилган бўлса, масалан, оддий ҳолдаги сотиб олиш шартларидаги тўланадиган баҳо билан тўланган баҳо ўртасидаги фарқ бутун ҳаридни молиялаштириш давомида фоизли ҳаражатлар сифатида тан олинади.

Бир хил бўлмаган ва махсус мақсадлар учун ажратилган (масалан, янги дастурий воситани жорий этиш учун олинган ускуналар) КБТЭБ нинг ҳақиқатдаги қиймати аниқ ҳаражатларнинг алоҳида қийматларини махсус аниқлаш орқали ўрнатилади.

Қийматларни махсус аниқлаш - бу маълум турдаги КБТЭБ қийматига аниқ ҳаражатларни олиб боришдир. Бу усул махсус мақсадлар учун алоҳида ажратилган моддаларга нисбатан талаб этилади. Агарда бир хил нархли КБТЭБ нинг катта миқдори мавжуд бўлса, махсус баҳолаш талаб этилмайди. Бундай ҳолларда олдиндан фойда ёки зарарга таъсирни аниқлаш учун КБТЭБ га

тегишли бўлган моддаларни ажратиб олиш усулидан фойдаланиш мумкин.

Банкларда КБТЭБ дан бошқаларининг ҳақиқатдаги қиймати "биринчи келиш - биринчи кетиш" принципи (ФИФО) ёки ўртача тортилган қиймат формуласи ёрдамида аниқланади. Банк бир хил тавсифга эга бўлган ва банк томонидан бир хил мақсадда ишлатиладиган КБТЭБ бўйича бир хил қиймат формуласидан фойдаланади. Банк бошқа хил тавсифга эга бўлган ва банк томонидан бошқа мақсадда ишлатиладиган КБТЭБ бўйича бошқа қийматни аниқлаш формуласидан фойдаланиши ҳам мумкин.

ФИФО усулида биринчи бўлиб сотиб олинган КБТЭБ биринчи бўлиб ишлатилади ва ўз навбатида давр охирида товар моддий захираларда қолган КБТЭБ қолдиғи кейинги ҳарид нархи билан ҳисобга олинади.(2-илова). Ўртача тортилган қиймат формуласидан фойдаланилганда ҳар бир объектнинг қиймати худди шундай объектларнинг давр бошидаги ва давр мобайнида сотиб олинган ўртача тортилган қийматига тенг. Ўртача қиймат банкдаги шароитдан келиб чиқиб, даврий равишда ёки ҳар бир қўшимча КБТЭБ лар сотиб олинганда, ҳисобланиши мумкин.

Банкларда КБТЭБ нинг ҳақиқатдаги қиймати, агар улар шикастланган ёки уларнинг сотиш нархи пасайганда, қопланмаслиги мумкин. Банклар бундай зарарлар миқдорини КБТЭБ ни соф сотиш қийматини баҳолаш орқали аниқлайди. Шунингдек, КБТЭБ нинг баҳоланган соф сотиш қиймати мазкур баҳолашни амалга ошириш давридаги энг ишончли фактларга ва сотилиши кутилаётган КБТЭБ ни тасдиқланган қийматига асосланган бўлади. Бу баҳолаш бевосита ҳисобот санасидан кейин рўй берган воқеалар билан боғлиқ нарх ўзгаришларини ҳисобот санасида мавжуд бўлган шартлар тасдиқланган даражада ҳисобга олади.

Банклар бухгалтерия ҳисобида ҳар қандай зарар ёки КБТЭБ ни қийматини соф сотиш қийматигача камайтириш бўйича ҳаражатларни зарар ёки қиймат камайиши рўй бераётган ҳар бир ҳисобот даврида акс эттиришлари шарт. Банклар ҳар бир КБТЭБ ни соф сотиш қийматигача ҳисобдан чиқариш бўйича тизимдан ташқари ҳисоб юритишлари шарт. Тизимдан ташқари ҳисоб юритишда соф сотиш қийматигача ҳисобдан чиқариш ҳар бир КБТЭБ бўйича алоҳида юритилади. Баъзи ҳолатларда агар ҳисобга олинаётган КБТЭБ оғирлиги ёки бошқа шу каби кўрсаткичлари

бўйича бир хил бўлса, уларнинг ҳисоби шу кўрсаткичлар бўйича гуруҳлаштириш орқали алоҳида карточкаларда юритилиши мумкин.

Ҳар бир кейинги даврда соф сотиш қийматини янгидан баҳолаш ва зарур бўлса, қўшимча ҳисобдан чиқаришлар амалга оширилади. Шундай қилиб, янги баланс қиймати ҳақиқатдаги қиймат ва қайта кўриб чиқилган соф сотиш қийматининг энг кичигига тенгдир. Банклар КБТЭБ соф сотиш қийматигача ҳисобдан чиқаришни қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширадилар:

Дебет - 56895 "Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш"

Кредит - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"

КБТЭБ омбордан ишлатиш учун берилганда шу сана учун ҳаражат сифатида тан олинади. Агар КБТЭБ чиқиб кетаётган бўлса, унга мос даромад тан олинган санада тегишли ҳаражат ҳам тан олинади. КБТЭБ ни соф сотиш қийматигача ҳисобдан чиқариш ва КБТЭБ бўйича кўрилган зарарлар ҳисобдан чиқариш амалга оширилган ёки зарар кўрилган даврда давр ҳаражати сифатида тан олинади.

Баъзи бир КБТЭБ, масалан, банк ҳисобидан қурилаётган асосий восита ҳисобига қўшиладиган КБТЭБ бошқа активлар ҳисобига ўтказилиши мумкин. Бошқа актив таркибига бундай йўл билан қўшилган КБТЭБ активнинг фойдали ишлатилиш даври мобайнида ҳаражат сифатида тан олиб борилади.

Банк омборидан КБТЭБ қуйидаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилади:

- фойдаланишга берилганда;
- сотилганда;
- бепул (текинга) берилганда;
- камомад аниқланганда ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлганда;
- форс-мажор ҳолатларда.

КБТЭБ ни фойдаланишга бериш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Дебет - 56406 "Девонхона, офис ва бошқа буюмлар ҳаражатлари".

Кредит - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар".

Бунда фойдаланиш (эксплуатация)даги ва омбордаги КБТЭБ нинг сақланиши устидан назорат ва уларнинг ҳисоби тизимдан ташқари журналларда (журналлар рақамланган, тикилган ва банкнинг раҳбари, бош бухгалтери имзоси ва думалоқ муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт) амалга оширилади. Тизимдан ташқари ҳисоб кунлик равишда олиб борилади ва КБТЭБ ни мос бандлари қолдиғини кўрсатган ҳолда ҳар бир ҳисобот санасига тузилади.

Банк ортиқча КБТЭБ ни сотганда (КБТЭБ шартномада келишилган нархларда сотилади) қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) КБТЭБ ни сотиш суммасига:

Дебет - Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки сотиб олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, агар сотиб олувчига шу банкда хизмат кўрсатилса.

Кредит - 29802 "Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"

2) КБТЭБ банк учун фойда ёки зарарсиз сотилганда:

Дебет - 29802 "Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар" *соф тушум суммасига**

Кредит - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"

3) КБТЭБ фойда билан сотилганда:

Дебет - 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар" - *соф тушум суммасига.*

Кредит - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар".

Кредит - 45913 "Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда" - "соф тушум" ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммасига.

4) КБТЭБ зарар билан сотилганда:

Дебет - 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар" - соф тушум суммасига.

Дебет - 55906 "Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар" - "соф тушум" ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ суммасига.

Кредит - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар".

Камомад чиққан, яроқсиз ҳолга келган (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), текинга берилган, шунингдек, форс-мажор ҳолатларда КБТЭБ нинг қиймати, банк томонидан белгиланган тартибда, зарарга чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

Дебет - 56795 "Бошқа операцион ҳаражатлари".

Кредит - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар".

Банкларда фойдаланилаётган ва омбордаги КБТЭБ бўйича уларнинг сақланиши ва ҳақиқатда мавжудлиги устидан назоратни таъминлаш учун йилда камида бир марта инвентаризация ўтказилади. Инвентаризация ўтказиш тартиби банк раҳбарияти томонидан белгиланади.

Моддий бойликлар камомади аниқланганда, уларнинг қиймати айбдор ва моддий-жавобгар шахслардан қонунчиликда ўрнатилган тартибда ундириб олинади. Етказилган зарарлар миқдорини банк ходимининг етказган зарари учун унинг моддий жавобгарлиги доираси ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

КБТЭБ нинг камомади, шунингдек, айбдор шахс айби билан яроқсиз ҳолга келган (айбдор шахс аниқланганда) КБТЭБ нинг қиймати инветаризация комиссиясининг бошлиғи ва аъзолари, моддий жавобгар шахс (омбор мудири) томонидан имзоланган акт билан расмийлаштирилади ва моддий-жавобгар шахслардан белгиланган тартибда ундириб олинади ҳамда қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали расмийлаштирилади:

Дебет - 19908 "Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олиниши лозим бўлган маблағлар".

Кредит - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар".

Қиймат айбдор ходимларнинг иш ҳақидан ундириб олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет - 29803 "Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар".

Кредит - 19908 "Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олиниши лозим бўлган маблағлар".

Белгиланган тартибда банк ходимидан касса орқали ундириб олинганда:

Дебет - 10101 "Амалиёт (операцион) кассадаги нақд пуллар".

Кредит - 19908 "Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олиниши лозим бўлган маблағлар".

Агар инвентаризация пайтида омборда ҳисобда бўлмаган буюмлар аниқланса, улар инвентаризация комиссияси томонидан бозор нархида баҳоланиб, белгиланган тартибда омборга кирим қилинади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет - 19921 "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар".

Кредит - 45994 "Бошқа фоизсиз даромадлар".

Омбор мудири (омборчи) ишдан бўшаши, бошқа ишга ўтказилиши, меҳнат таътилига кетиши ёки беморлиги туфайли алмаштирилган тақдирда, банк раҳбарининг буйруғи билан ходимлар таркибидаги ҳайъат томонидан топширувчи ва қабул қилувчи ходимлар иштирокида омборда тўлиқ инвентаризация ўтказилади ҳамда мажбурий равишда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади.

Банклар КБТЭБ ҳақида молиявий ҳисоботда қуйидагиларни ошкор этиши керак:

КБТЭБни баҳолаш учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати, жумладан, фойдаланилган қиймат формуласи;

КБТЭБнинг жами баланс қиймати;

давр мобайнида ҳаражат сифатида тан олинган КБТЭБ суммаси;

давр мобайнида ҳаражат сифатида тан олинган КБТЭБ ни ҳисобдан чиқариш суммаси;

мажбуриятлар таъминоти сифатида гаровга қўйилган КБТЭБ нинг баланс қиймати.

IX. БАНКЛАРДА ИЖАРА ҲИСОБИ (МҲХС №17)

9.1. Стандартнинг мақсади ва амал қилиш соҳаси.

Стандартнинг мақсади ижарачилар ва ижарага берувчилар учун ижарага нисбатан қўлланилиши керак бўлган тегишли ҳисоб сиёсатларини ва очиб бериладиган маълумотларни белгилашдан иборатдир.

Стандарт қуйидагилардан ташқари ҳамма ижара келишувларни ҳисобга олишда қўлланилиши керак:

фойдали қазилмалар, нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайтадан тикланмайдиган ресурсларни қидириш ёки фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижара келишувлари; ва кинофильм, видеоёзувлар, пьесалар, қўл ёзмалар, патентлар ва авторлик ҳуқуқлари каби моддалар бўйича лицензия шартномалари.

Стандарт қуйидагиларни баҳолаш асоси сифатида қўлланилмаслиги керак:

инвестицион мулк сифатида ҳисобга олинадиган ижарачилар томонидан сақланаётган мулк (БҲХС 40 "*Инвестицион мулк*");

ижарага берувчи томонидан оператив ижарага берилган инвестицион мулк (БҲХС 40);

ижарачи томонидан молиявий ижарага олинган биологик активлар (БҲХС 41 "*Қишлоқ хўжалиги*");

ижарага берувчи томонидан оператив ижарага берилган биологик активлар (БҲХС 41).

Ушбу Стандарт активлардан фойдаланиш ҳуқуқини ўтказадиган келишувларга нисбатан бундай активлардан фойдаланиш ёки сақлаш билан боғлиқ катта ҳажмдаги техник хизматлар ижарага берувчи томонидан кўрсатилиши мумкинлигидан қатъий назар қўлланилади. Ушбу Стандарт активлардан фойдаланиш ҳуқуқини шартноманинг бир томонидан бошқа томонига ўтказилишини кўзда тутмайдиган хизматларни кўрсатиш бўйича келишувларга нисбатан қўлланилмайди

Ижара - ижарага берувчи ижарачига бир ёки бир неча тўловлар эвазига келишилган муддат давомида активдан фойдаланиш ҳуқуқини беришини кўзда тутадиган келишувдир.

Молиявий ижара – активга эгалик қилиш билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни келишувнинг бир томонидан

бошқа томонига ўтказувчи ижара. Эгалик ҳуқуқи пировардида ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги мумкин.

Оператив ижара – молиявий ижарадан ташқари бошқа ҳамма ижара келишувлари.

Муддатидан олдин бекор қилинмайдиган ижара – бундай ижара фақат қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

қандайдир эҳтимоли кам шартли ҳодисанинг рўй бериши натижасида;

ижарага берувчи томонидан рухсат берилиши натижасида;

ижарачи айнан шу активни ёки эквивалент активни ижарага олиш бўйича янги келишувни айнан шу ижарага берувчи билан тузганида; ёки ижарачи томонидан шундай қўшимча тўлов амалга оширилганидаки, бунда ижара бошланиши пайтида ижара келишувининг давом қилиши етарли даражада аниқ бўлади.

Ижаранинг бошланиши – қуйидаги иккита санадан энг эртароқ бўлган сана: ижара келишуви тузилган сана билан ижаранинг асосий шартлари юзасидан томонлар мажбуриятларни олган сана. Ушбу санадан бошлаб:

ижара оператив ёки молиявий ижара сифатида таснифланади; ва молиявий ижара ҳолида, ижара муддатининг бошланишида тан олинадиган суммалар аниқланади.

Ижара муддатининг бошланиши – ижарачи ижарага олинган активдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаши мумкин бўлган сана. Бу ижарани дастлабки тан олиш (яъни мос равишда ижара натижасида пайдо бўладиган тегишли активлар, мажбуриятлар, даромад ёки ҳаражатларни тан олиш) санаси.

Ижара муддати – ижарачи активни ижарага олишга келишган, муддатидан олдин бекор қилинмайдиган давр билан ижарачи активнинг ижарасини қўшимча тўловни амалга ошириб ёки оширмасдан давом қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва ижаранинг бошланишида ижарачи ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши етарли даражада аниқ бўлган ҳар қандай қўшимча муддат.

Минимал ижара тўловлари – ижара муддати давомида ижарачи томонидан тўланадиган ёки тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган тўловлар билан қуйидаги суммалар, бундан шартли ижара ҳамда ижарага берувчи томонидан тўланадиган ва унга қоплаб бериладиган хизматлар ҳақи ва солиқлар мустасно:

ижарачи учун – ижарачи ёки у билан боғлиқ шахс томонидан кафолатланган ҳар қандай суммалар;

ижарага берувчи учун – қуйидагилар томонидан ижарага берувчига кафолатланган ҳар қандай тугатиш қиймати суммаси:

ижарачи;

ижарачи билан боғлиқ томон; ёки

ижарага берувчига боғлиқ бўлмаган ва кафолат бўйича мажбуриятларни молиявий жиҳатдан бажара оладиган учинчи томон.

Бироқ, агар ижарачи тегишли активни унинг ҳаққоний қийматидан шу қадар паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлсаки, бунинг натижасида ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши етарлича аниқ деб ижаранинг бошланишида ҳисоблаш мумкин бўлса, минимал ижара тўловлари ижара муддати давомида ушбу сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширилиши кутилаётган санагача тўланадиган минимал тўловларни ҳамда ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун талаб қилинадиган тўловни ўз ичига олади.

Ҳаққоний қиймат - бу яхши хабардор бўлган ва бундай операцияни амалга оширишни хоҳловчи мустақил томонлар ўртасида умумий шартлар асосида битимни амалга оширишдаги активни алмаштириш ёки мажбуриятни тўлаш мумкин бўлган сумма.

Иқтисодий фойдаланиш муддати – бу қуйидагилардан бириси:

бир ёки ундан ортиқ фойдаланувчилар томонидан активдан иқтисодий мақсадларда фойдаланиш кутилаётган давр; ёки бир ёки ундан ортиқ фойдаланувчилар томонидан активдан олиниши кутилаётган ишлаб чиқариш ёки шунга ўхшаш бирликларининг сони.

Фойдали хизмат муддати – ижара муддати бошланишидан кейин қолган, лекин ижара муддати билан чегараланмаган, баҳоланган давр бўлиб, бу давр мобайнида активда мужассамланган иқтисодий наф тадбиркорлик субъекти томонидан фойдаланиши кутилади.

Кафолатланган тугатиш қиймати – бу:

ижарачи учун – тугатиш қийматининг бир қисми бўлиб, у ижарачи ёки у билан боғлиқ шахс томонидан кафолатланади (бунда кафолатнинг суммаси – бу ҳар қандай ҳолда тўланадиган бўлиши мумкин бўлган максимал сумма); ва ижарага берувчи учун – тугатиш қийматининг бир қисми бўлиб, у ижарачи томонидан ёки

ижарага берувчига боғлиқ бўлмаган ва кафолат бўйича мажбуриятларни молиявий жиҳатдан бажара оладиган учинчи тараф томонидан кафолатланади.

Кафолатланмаган тугатиш қиймати – ижарага берилган актив тугатиш қийматининг бир қисми бўлиб, у ижарага берувчи томонидан амалга оширилиши кафолатланмайди ёки фақатгина ижарага берувчи билан боғлиқ тараф томонидан кафолатланади.

Дастлабки бевосита ҳаражатлар – ижара келишувини тайёрлаш ва тузиш билан бевосита боғлиқ бўлган қўшимча ҳаражатлар, бундан ишлаб чиқарувчи ёки дилерлар бўлган ижарага берувчилар томонидан амалга оширилган бу каби ҳаражатлар мустасно.

Ижарага ялпи инвестиция – қуйидагиларнинг умумий суммаси:

ижарага берувчи томонидан молиявий ижара бўйича олинадиган минимал ижара тўловлари, ва ижарага берувчи фойдасига ҳисобланадиган кафолатланмаган тугатиш қиймати.

Ижарага соф инвестиция – ижарада кўзда тутилган фоиз ставкаси бўйича дисконтланган ижарага ялпи инвестиция.

Ишлаб топилмаган (муддати узайтирилган) молиявий даромад – бу қуйидагилар орасидаги фарқ:

ижарага ялпи инвестиция, ва ижарага соф инвестиция.

Ижарада кўзда тутилган фоиз ставкаси - а) минимал ижара тўловларининг келтирилган (дисконтланган) қиймати билан б) кафолатланмаган тугатиш қийматининг келтирилган (дисконтланган) қиймати йиғиндиси i) ижарага олинган активнинг ҳаққоний қиймати билан ii) ижарага берувчининг дастлабки бевосита ҳаражатлари йиғиндисига ижара бошланиши пайтига тенг бўлишини таъминлайдиган дисконт ставкасидир.

Ижарачи учун қарз капиталнинг ўсиб борувчи фоиз ставкаси – худди шундай ижара келишуви бўйича ижарачи томонидан тўланиши талаб этилган бўлиши мумкин бўлган фоиз ставкаси. Ёки, бундай ставкани аниқлаш имкони бўлмаса, ижарачи активни сотиб олиш учун зарур бўлган маблағларни ижаранинг бошланишида худди шундай муддатга, худди шундай таъминотни тақдим қилиб қарзга олиш учун тўлаши мумкин бўлган фоиз ставкасидир.

Шартли ижара – бу ижара тўловларининг қатъий белгиланмаган қисми бўлиб, у вақт ўтиши билан эмас, балки бошқа

сабабларга кўра ўзгарадиган омилнинг келгуси суммасига боғлиқ бўлади (масалан, келгуси сотувларнинг фоизи, келгуси фойдаланиш суммаси, келгуси нархлар индекси, келгусидаги бозор фоиз ставкалари).

9.2. Ижаранинг тавсифланиши

Мазкур Стандартда қабул қилинган ижаранинг таснифланиши ижарага бериладиган активга эгалик қилиш билан боғлиқ рисклар ва мукофотлар қай тарзда ижарага берувчи ёки ижарачи ўртасида тақсимланишига асосланади. Рисклар тўхташлар ёки технологик эскириш ёки иқтисодий шароитлар ўзгариши туфайли даромадлиликнинг ўзгариб туришидан зарарлар кўрилиши эҳтимолларини ўз ичига олади. Мукофотлар активнинг иқтисодий фойдаланиш муддати давомида фойда келтирадиган фаолиятни амалга ошириш ва қиймат ошишидан ёки тугатиш қийматни сотишдан олинадиган даромадлар кутилиши билан боғлиқ.

Ижара молиявий ижара сифатида таснифланади, агар у бўйича активга эгалик қилиш билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотлар келишувнинг бир томонидан бошқа томонига ўтказилса. Ижара оператив ижара сифатида таснифланади, агар унинг натижасида активга эгалик қилиш билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотлар келишувнинг бир томонидан бошқа томонига ўтказилмаса.

Ижарага берувчи ва ижарачи ўртасидаги операция улар томонидан тузилган ижара шартномасига асосланган сабабли, келишилган таърифлардан изчил равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу таърифларнинг ижарага берувчи ва ижарачининг бир биридан фарқланадиган шароитларига қўллаш улар томонидан айнан бир ижара ҳар хил таснифланишига олиб келиши мумкин. Масалан, бундай ҳолат, агар ижарачи билан боғлиқ бўлмаган учинчи томон ижарага берувчи учун тугатиш қийматини кафолатлаган бўлса, юзага келади.

10 Ижара молиявий ёки оператив ижара бўлиши, шартноманинг шаклига эмас, балки операциянинг моҳиятига боғлиқ бўлади. Ижара молиявий ижара сифатида таснифланишига алоҳида ёки биргаликда олиб келадиган ҳолатларнинг мисоллари қуйида келтирилган:

ижара муддати тугагач, активга эгалик қилиш ҳуқуқи ижарачига ўтиши;

ижарачи активни унинг ҳаққоний қийматидан шу қадар паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бунинг натижасида ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши етарлича аниқ деб ижаранинг бошланишида ҳисоблаш мумкин бўлиши;

активга эгалик ҳуқуқи ўтказилиши ёки ўтказилмаслигидан қатъий назар, ижара муддати активнинг иқтисодий хизмат муддатининг асосий қисмини ташкил этиши;

ижаранинг бошланишида минимал ижара тўловларининг келтирилган (дисконтланган) қиймати ижарага берилган активнинг деярли бутун ҳаққоний қийматига тенг бўлиши; ва

ижарага берилган активлар шундай махсус хусусиятга эгаки, улардан фақат ижарачи йирик ўзгартиришлар киритмасдан фойдаланиши мумкин.

Ижаранинг молиявий ижара сифатида таснифланишига алоҳида ёки биргаликда олиб келиши мумкин бўлган омиллар:

ижарачи ижара келишувини бекор қилиши мумкин бўлса, ижарага берувчининг бундай бекор қилиш билан боғлиқ бўлган зарарлари ижарачининг ҳисобидан қопланиши;

тугатиш қийматининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлардан келиб чиқадиган фойда ва зарарлар ижарачининг ҳисобига олиб борилса (масалан, ижара муддати охирида сотишдан тушумларнинг энг кўп қисмига тенг бўладиган ижара ҳақидан чегирма шаклида); ва ижарачи ижарани иккинчи муддатга бозор нархидан анча паст бўлган ижара ҳақи эвазига давом қилиш ҳуқуқига эга бўлса.

Ушбу мисолларни ҳамма вақт ҳам ҳал қилувчи деб ҳисоблаб бўлмайди. Агар ижаранинг бошқа хусусиятлардан шу нарса аниқ бўлсаки, ижара келишуви бўйича активга эгалик қилиш билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотлар бир томондан бошқа томонга ўтказилмаса, бундай ижара оператив ижара деб таснифланиши керак. Бундай ҳолат, масалан, ижара муддати охирида активнинг ҳаққоний қийматига тенг бўлган ўзгарувчан тўлов эвазига активга эгалик қилиш ҳуқуқи ижарачига ўтганда, ёки шартли ижара натижасида деярли барча рисклар ва мукофотлар ижарачига ўтказилмаганда юзага келади.

Ижара келишуви ижаранинг бошланишида таснифланади. Агар исталган вақтда ижарачи ва ижарага берувчи ижара келишувининг шартларини, янгидан ижара шартномасини тузмасдан,

ўзгартиришга келишса, ва бу 7-12 бандларда келтирилган мезонлар асосида, ўзгартирилган шартлар худди ижаранинг бошланишида кучга киргандек, ижаранинг бошқача таснифланишига олиб келса, ўзгартирилган келишув унинг муддати давомида янги шартнома деб ҳисобланади. Бироқ, тахминларнинг ўзгариши (масалан, иқтисодий фойдаланиш муддати ёки ижарага олинган мулкнинг тугатиш қийматининг ҳисоблаб чиқилган баҳоларидаги ўзгаришлар), ёки шароитларнинг ўзгариши (масалан, ижарачи ўз мажбуриятларини бажармаслиги), ижарани бухгалтерия ҳисоби мақсадида янгидан таснифланишига олиб келмайди.

Ижара келишуви ер ва бинони иккаласини ҳам қамраб олса, тадбиркорлик субъекти уларнинг ҳар бири алоҳида молиявий ёки оператив ижара сифатида таснифланишини таҳлил қилади. Бундай келишувда ер ижараси бўлган қисми оператив ёки молиявий ижара сифатида таснифланиши кераклигини аниқлашда, ер, одатда, чегараланмаган иқтисодий фойдаланиш муддатига эга эканлигини ҳисобга олиш муҳим.

Ер ва биноларнинг ижарасини таснифлаш ва ҳисобга олиш талаб қилинганида, минимал ижара тўловлари (шу жумладан, бир марталик олдиндан тўловлар) ер ва бинолар ижараси ўртасида ер ижараси билан бинолар ижараси ҳуқуқларининг ижара бошланишидаги ҳаққоний қийматларига мутаносиб равишда тақсимланади. Агар ижара тўловлари ушбу иккита қисм орасида ишончли тарзда тақсимлана олмаса, бундай ижара келишуви бутунлигича молиявий ижара деб таснифланади, токи иккита қисм ҳам оператив ижара бўлиб ҳисобланмаса, бундай ҳолатда, бутун ижара келишуви оператив ижара деб таснифланади. Ер билан бинолар биргаликда ижарага олинганида, ернинг 20 бандга мувофиқ дастлабки тан олинадиган суммаси муҳим бўлмаса, унда ижарани таснифлаш мақсадида ер ва бинолар битта идара объекти сифатида ҳисобга олиниши молиявий ёки оператив ижара сифатида таснифланиши мумкин. Бундай ҳолатда, биноларнинг иқтисодий фойдаланиш муддати бутун ижарага олинган активнинг (ижара объектининг) иқтисодий фойдаланиш муддати бўлиб ҳисобланади.

Ижарачининг ер ва биноларни ижарага олиш ҳуқуқи БҲХС 40 мувофиқ инвестицион мулк сифатида таснифланганида ва ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделига асосан баҳоланганида, ер ва биноларнинг алоҳида баҳоланиши талаб этилмайди. Бундай баҳолаш учун батафсил ҳисоб-китоблар фақат ижаранинг бир ёки

иккала ҳам қисмининг таснифланишини бошқача қилиб аниқлаб бўлмаганда талаб этилади.

9.3. Молиявий ижара ва оператив ижара

Ижарага берувчилар молиявий ижара бўйича активларини молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олиши ва ижарага соф инвестициянинг суммасига тенг суммада дебиторлик қарзи сифатида акс эттириши керак.

Молиявий ижара бўйича ижара объектига юридик эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотлар ижарага берувчи томонидан ижарачига ўтказилади, ва, шунинг учун, олинадиган ижара тўловлари ижарага берувчи томонидан асосий қарзнинг сўндирилиши ва молиявий даромад сифатида ҳисобга олинади, бунда молиявий даромад ижарага берувчининг инвестицияси ва хизматларининг ҳақи ва улар учун мукофот ва қопланишини ифодалайди.

Дастлабки бевосита ҳаражатлар кўпинча ижарага берувчилар томонидан амалга оширилади ҳамда ижара келишувини тайёрлаш ва тузиш билан бевосита боғлиқ бўлган ва ўсиб борувчи воситачилик ҳақи, юристлар хизматларининг ҳақи ва ички ҳаражатларни ўз ичига олади. Улар сотиш ва маркетинг бўлимларига тегишли ҳаражатлар каби умумий устама ҳаражатларни чиқариб ташлайди. Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар иштирок этадиган молиявий ижара келишувларидан ташқари молиявий ижара келишувларида дастлабки бевосита ҳаражатлар молиявий ижара бўйича дебиторлик қарзининг дастлабки баҳоланишига қўшилади ва ижара муддати давомида тан олинадиган даромаднинг суммасини камайтиради. Ижарада кўзда тутилган фоиз ставкаси дастлабки бевосита ҳаражатларни молиявий ижара бўйича дебиторлик қарзининг суммасига автоматик тарзда киритиш орқали аниқланади; уларни алоҳида кўшишнинг ҳожати йўқ. Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар томонидан ижара келишувини тайёрлаш ва тузиш бўйича амалга оширилган ҳаражатлар дастлабки бевосита ҳаражатларнинг таърифидан чиқариб ташланган. Бунинг натижасида, улар ижарага бўлган соф инвестициянинг суммасига киритилмайди ва сотишдан фойда тан

олинганида, яъни молиявий ижара бўйича бу одатда ижара муддатининг бошланишида, ҳаражат сифатида акс эттирилади.

Кейинчалик баҳолаш

Молиявий даромад ижарага берувчининг молиявий ижарага соф инвестицияси бўйича доимий даврий даромадлилик ставкасини кўрсатадиган график асосида тан олиниши керак.

Ижарага берувчи молиявий даромадни ижара муддати давомида систематик ва рационал асосда тақсимлашга интилади. Даромадни бундай тақсимлаш ижарага берувчининг молиявий ижарага соф инвестицияси бўйича доимий даврий даромадлилик ставкасини акс эттирадиган графикка асосланади. Даврга тегишли бўлган ижара тўловлари, уларга хизматлар ҳақи киритилмаган ҳолда, ижарага ялпи инвестициялардан айирилади, бу эса асосий қарз билан ишлаб топилмаган (муддати узайтирилган) молиявий даромадни камайтиради.

Ижарага берувчининг ижарага ялпи инвестициясини ҳисоблашда фойдаланилган тахминий баҳоланган кафолатланмаган тугатиш қиймати мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиши керак. Агар тахминий баҳоланган кафолатланмаган тугатиш қиймати камайган бўлса, даромаднинг ижара муддати давомида тақсимланиши қайта кўриб чиқилади ва олдин ҳисобланган суммаларнинг ҳар қандай камайиши дарҳол тан олинади.

Молиявий ижарага берилган актив, сотиш учун мўлжалланган деб МҲХС 5 "*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият*" га мувофиқ таснифланса (ёки сотиш учун мўлжалланган деб таснифланган чиқиб кетаётган гуруҳга киритилса), у ўша МҲХСга кўра ҳисобга олиниши керак.

Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар сотишдан фойда ёки зарарни тадбиркорлик субъекти томонидан оддий сотишга нисбатан қўлланиладиган сиёсатга мувофиқ ҳисобот даврида тан олиши керак. Агар сунъий пасайтирилган фоиз ставкалари ўрнатилган бўлса, сотишдан фойда суммаси бозор фоиз ставкалари қўлланилгани каби ҳолда шаклланадиган суммадан ошмаслиги керак. Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар томонидан ижара келишувини тайёрлаш ва тузишга оид амалга оширилган ҳаражатлар сотишдан фойда тан олинганида ҳаражат сифатида акс эттирилиши керак.

Ишлаб чиқарувчилар ёки дилерлар ҳаридорларга кўпинча активни сотиб олиш ёки ижарага олишдан танлаш имкониятини

берадилар. Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар томонидан актив молиявий ижарага берилганида, иккита турдаги даромад юзага келади:

ижарага берилган активни одатдаги сотиш нархларида, тегишли савдо ёки ҳажм бўйича чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда оддий сотишдан олинадиган фойда ёки зарарга эквивалент фойда ёки зарар; ва ижара муддати давомида молиявий даромад.

Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар томонидан ижара муддати бошланишида тан олинадиган сотишдан тушум активнинг ҳаққоний қийматини ёки ундан пастроқ бўлса, ижарага берувчи фойдасига ҳисобланадиган минимал ижара тўловларининг бозор фоиз ставкаси бўйича келтирилган (дисконтланган) қийматини ифодалайди. Ижара муддатининг бошланишида тан олинган сотиш таннархи – бу кафолатланмаган тугатиш қийматининг келтирилган (дисконтланган) қийматини чегириб ташлагандаги ижарага берилган мулкнинг таннархи, ёки, агар фарқланса, баланс қиймати. Сотишдан тушум ва сотиш таннархи орасидаги фарқ – бу тадбиркорлик субъектининг оддий сотишларга нисбатан қўлланиладиган сиёсатга мувофиқ тан олинган сотишдан фойдадир.

Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар баъзан сунъий пасайтирилган фоиз ставкаларини ҳаридорларни жалб қилиш мақсадида ўрнатадилар. Бундай ставкадан фойдаланиш сотиш пайтида операциядан тушадиган жами даромаднинг ҳаддан ташқари катта қисми тан олинишига олиб келади. Агар сунъий пасайтирилган фоиз ставкалари ўрнатилса, сотишдан фойда бозор фоиз ставкалари ўрнатилгани каби ҳолда шаклланадиган фойда суммасидан ошмаслиги керак.

Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар томонидан молиявий ижара келишувини тайёрлаш ва тузиш учун сарфланган ҳаражатлар ижара муддатининг бошланишида ҳаражат сифатида тан олинади, чунки улар асосан ишлаб чиқарувчи ёки дилернинг сотишдан фойдаси билан боғлиқ бўлади.

Маълумотларни очиб бериш

Ижарага берувчилар, МҲХС 7 талабларига риоя қилиш билан бирга, молиявий ижара бўйича қуйидаги маълумотларни очиб беришлари лозим:

ҳисобот даврининг охирида ижарага ялпи инвестиция билан ҳисобот даври охирида олинадиган минимал ижара тўловларининг

келтирилган (дисконтланган) қиймати ўртасидаги солиштирма. Унга қўшимча равишда, тадбиркорлик субъекти ҳисобот даври охиридаги ижарага ялпи инвестицияни ва олинадиган минимал ижара тўловларининг келтирилган (дисконтланган) қийматини ҳар бир қуйидаги давр учун очиб бериши керак:

бир йилгача бўлган давр;

бир йилдан беш йилгача бўлган давр;

беш йилдан кўп бўлган давр;

ишлаб топилмаган (муддати узайтирилган) молиявий даромад;

ижарага берувчининг фойдасига ҳисобланадиган кафолатланмаган тугатиш қийматлар;

олинадиган минимал ижара тўловларнинг ундира олинмайдиган қисми бўйича жамғарилган резерв;

давр учун даромад сифатида тан олинган шартли ижара суммалари;

ижарага берувчининг муҳим ижара келишувларининг умумий тавсифи.

Ўсиш кўрсаткичи сифатида, давр мобайнида қўшилган янги бизнесга ишлаб топилмаган (муддати узайтирилган) молиявий даромад чегирилгандаги ялпи инвестиция суммасини бекор қилинган ижара келишувларининг тегишли суммаларини айириб ташлаган ҳолда очиб бериш ҳам мақсадга мувофиқ.

Оператив ижара

Ижарага берувчилар оператив ижарага берилган активларини молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида активнинг хусусиятига мувофиқ равишда акс эттириши лозим.

Оператив ижара бўйича ижара ҳақи даромад сифатида бир текис маромда ижара муддати давомида тан олиниши керак, агар бошқа систематик усул ижарага берилган активдан фойдаланишдан вақт ўтиши билан олинадиган наф камайишини тўғрироқ акс эттирмаса.

Ижара даромадини ишлаб топишда амалга оширилган ҳаражатлар, шу жумладан эскириш ҳаражатлари, ҳаражатлар сифатида тан олинади. Ижара даромади (бунга суғурта ва хизмат кўрсатиш бўйича олинадиган тушумлар киритилмайди) ижара муддати давомида бир текис маромда, ижара тушумлари бундай тарзда келиб тушмаса ҳам) тан олинади, агар бошқа систематик усул ижарага берилган активдан фойдаланишдан вақт ўтиши билан олинадиган наф камайишини тўғрироқ акс эттирмаса.

Ижарага берувчи томонидан оператив ижара келишувини тайёрлаш ва тузиш бўйича амалга оширилган дастлабки бевосита ҳаражатлар ижарага берилган активнинг баланс қийматига қўшилиши керак ва ижара муддати давомида ижара даромади қай тарзда тан олинса худди шу тарзда тан олиниши керак.

Ижарага берилган эскирадиган активлар бўйича эскиришни ҳисоблаш сиёсати ижарага берувчининг шунга ўхшаш активлари бўйича одатдаги эскиришни ҳисоблаш сиёсатига тўғри келиши керак, ва эскириш суммаси БҲХС 16 ва БҲХС 38 га мувофиқ ҳисобланиши керак.

Ижарага берилган актив қадрсизланганлигини аниқлаш учун, тадбиркорлик субъекти БҲХС 36 ни қўллаши керак.

Ишлаб чиқарувчи ёки дилер бўлган ижарага берувчилар оператив ижара келишувини тузганда ҳеч қандай сотишдан фойдани тан олмайдилар, чунки оператив ижара сотишга эквивалент эмас.

X БОБ. БАНКЛАРДА ДАРОМАД ВА ҲАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ (МҲХС 12, 18, 21)

10.1. Банкларда даромадлар ҳисобини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Бухгалтерия ҳисобида даромад тушунчаси "Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асоси" (МҲХС-1)да активларнинг келиб тушиши ёки кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши шаклида иқтисодий нафнинг ҳисобот даврида ўсиши ва ушбу ўсишнинг капитал эгаларининг капиталга қўйилмалари билан боғлиқ бўлмаган кўпайиши сифатида таърифланган. Даромад тушунчаси одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад ва бошқа даромадларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда банклар фаолиятида даромадларни шакллантириш ва уни ҳисобга олиш 18-сонли "Одатдаги фаолиятдан олинган даромадлар" стандартида белгиланган қоидаларга асосланилади. Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад (кейинчалик даромад деб юритилади) банкнинг одатдаги фаолияти доирасида ҳосил бўлади ва банк ҳизматларини кўрсатишдан тушум, йиғимлар, фоизлар, дивидендлар ва роялтилар каби турлича номланади.

"Одатдаги фаолиятдан олинган даромадлар" номли 18-сон стандартнинг мақсади, айрим турдаги операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳосил бўладиган даромадни ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборат бўлиб, даромадни ҳисобга олишдаги асосий масала, ушбу даромад қачон тан олиниши кераклигини аниқлаш ҳисобланади. Даромад банк томонидан келгуси иқтисодий наф олиниши эҳтимоли мавжуд бўлганда ва ушбу наф ишончли даражада баҳоланиши мумкин бўлганда, тан олинади. Мазкур стандарт ушбу мезонлар бажараладиган ва даромад тан олинадиган ҳолатларни белгилайди. Шунингдек, ушбу мезонларни қўллаш бўйича амалий кўрсатмаларни беради.

Юқоридаги стандартда кўрсатилишича, даромадлар қуйидаги операция ва ҳодисалар натижасида ҳосил бўлади:

товарларни сотиш;

хизматларни кўрсатиш;

бошқа томонлар субъектнинг фоизлар, роялти ва дивидендлар кўринишидаги даромадлар келтирадиган активларидан фойдаланиши.

Стандарт 1982 йилда тасдиқланган БҲХС 18 "Даромадларни тан олиш" ўрнига киритилгандир. Стандартда товарларга қуйидагича изоҳ берилади: тадбиркорлик субъекти томонидан сотиш мақсадида ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда қайта сотиш учун ҳарид қилинган товарлар, масалан, чакана савдо билан шуғулланадиган сотувчи томонидан ҳарид қилинган товарлар ёки қайта сотиш мақсадида сақланаётган ер ва бошқа мулклар.

Хизмат кўрсатиш, одатда тадбиркорлик субъекти шартномада белгилаб қўйилган топшириқни келишилган давр давомида бажаришини ўз ичига олади. Хизматлар бир ёки бир неча даврлар давомида кўрсатилиши мумкин. Хизмат кўрсатишга оид айрим шартномалар қурилиш шартномалари билан бевосита боғлиқ бўлади, масалан, архитекторлар ва лойиҳа бошқарувчилари хизматига оид шартномалар. Бундай шартномалар бўйича юзага келадиган даромадлар мазкур стандартга биноан эмас, балки БҲХС 11 "Қурилиш шартномалари" да қурилишга оид шартномалар бўйича белгиланган талабларга мувофиқ, ҳисобга олинади.

Банкнинг активларидан бошқа томонларнинг фойдаланиши натижасида қуйидаги кўринишдаги даромадлар юзага келади:

фоизлар - тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидан ёки тадбиркорлик субъектига тўланиши керак бўлган суммалардан фойдаланилгани учун олинадиган ҳақ;

роялти - тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган узоқ муддатли активлар, масалан патентлар, савдо белгилари, муаллифлик ҳуқуқлари ва дастурий таъминотлардан фойдаланилгани учун олинадиган ҳақ;

МҲХСҚнинг"Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асоси" БҲХСК томонидан 2001 йилда қабул қилинган. 2010 йил сентябрда БҲХСК "Концептуал асос"ни Молиявий ҳисобот учун концептуал асос билан алмаштирди;

дивидендлар - улушли инвестицияларнинг эгаларига фойданинг айрим турдаги капиталдаги улушига мутаносиб равишда тақсимланиши.

Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад (кейинги матнда даромад деб юритилади) - маълум давр мобайнида банкнинг одатдаги фаолияти натижасида олинадиган иқтисодий нафнинг ялпи тушуми бўлиб, ушбу тушум мулк эгаларининг капиталга қўйилмалари билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг кўпайишига олиб келади.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиниши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир. Бу тартиб 13- МҲХС "Ҳаққоний қийматни баҳолаш" да тўлиқ акс этган.

Даромад субъектнинг фақат ўзи учун олинган ёки олинадиган иқтисодий нафнинг ялпи тушумини қамраб олади. Учинчи томон номидан ундириб олинган суммалар, масалан сотишдан солиқлар, товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлар, қўшилган қиймат солиғи, банкка келиб тушадиган иқтисодий наф бўлиб хизмат қилмайди ва капиталнинг кўпайишига олиб келмайди. Шу боис, улар даромаддан чиқариб ташланади. Шунга ўхшаш,воситачилик муносабатларида, иқтисодий нафнинг ялпи тушуми буюртмачи номидан ундириладиган суммаларни қамраб олади, лекин тадбиркорлик субъектининг капитали ошишига олиб келмайди. Буюртмачи номидан ундирилган суммалар даромад бўлиб ҳисобланмайди, аксинча, даромад воситачилик ҳақи ҳисобланади.

Банкларнинг даромадлили моҳиятини чуқур англаб етиш ва маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ундан фойдаланиш масалаларини атрофлича таҳлил қилиш зарур.

Банклар бошқа тижорат корхоналари сингари асосий ва қўшимча фаолиятдан, шунингдек, бошқалар категориясига кирувчи тасодифий даромадлар олиши мумкин. Банкнинг асосий фаолияти, банк операцияларини амалга ошириш ва мижозларга банк хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Даромад келтирувчи бошқа фаолиятлар эса бошқа даромадлар ҳисобланади.

Банкларда даромад манбаларини барқарор ва нобарқарорга ажратиш мумкин. Мижозларга ҳар хил хизматлар кўрсатиш даромаднинг барқарор манбаси бўлиб ҳисобланади. Нобарқарор эса, молиявий бозордаги операцияларидан, шунингдек, банкнинг қўшимча фаолиятидан келадиган даромадлар ҳисобланади.

Банкнинг оладиган даромади, унинг ҳаражатларини қоплаши ва фойда яратиши керак. Банк даромадининг бир қисми потенциал рискларни қоплаш учун ташкил этиладиган захирага йўналтирилади. Банк ўз ҳаражатларини қоплаши учун даромад ҳажмининг етарлилигини эмас, балки тушумнинг бир хилдалигини таъминлаши керак. Бошқача айтганда, даромад оқими банкнинг ҳаражат қиладиган даврига мос ҳолда вақт жиҳатдан тақсимланган бўлиши керак. Бундай режалаштиришда даромад манбаларининг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Банкларда ҳисобот давридаги барча даромадлари ялпи даромад дейилади. Одатда, ялпи даромад таркибида қуйидаги даромад гуруҳлари ажратилади:[28]

1.Операцион даромадлар:

1.1.Фоизли даромадлар.

1.2.Комиссион даромадлар.

1.3.Молиявий бозордаги операциялардан даромадлар.

1.4.Бошқа операцион даромадлар.

2. Банкнинг қўшимча фаолиятидан даромадлар.

3. Бошқа даромадлар.

Банклар даромадлари таркибида катта улушга эга бўлган асосий фаолиятдан даромадларга, операцион даромадлар дейилади Операцион даромадлар фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинади.Банк даромадларини ҳисобга олиш амалиётини кўриб чиқишдан олдин даромадлар тушунчаларини таҳлил қилиш керак бўлади.

Д.МакНотон бу борада, "Банк даромади – жалб қилинган ресурслар ҳисобидан берилган кредитлардан олинган фоизлар билан жалб қилинган ресурслар бўйича тўланган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборатдир"[29] деб ёзади. Ушбу таърифда банк даромади деганда фақат кредитлар бўйича олинган фоизлар ва тўланган фоизлар ўртасидаги фарқни назарда тутган. Бу кўпроқ фойда тушунчасига мос келади. Шунингдек, у бошқа банк операцияларидан олинадиган даромадларни назардан четда қолдирган.

Б.Т. Бердияров ҳам «Тижорат банкининг даромади улар фойдасидан фарқли ўлароқ, мураккаб табиатга эгадир. Аслида эса тижорат банклари даромади банк ихтиёрига келган тушум билан моддий харажатлар ўртасидаги фарқдан иборатдир»[30] деб таъкидлайди. Бунда банк ихтиёрига келган тушумларни турли хил мақсадларда келишини биламиз, улар ҳаммаси ҳам даромадни шакллантирмайди, жумладан, депозитларнинг жалб қилиниши, мижозлар номига келиб тушаётган тушумлар ва бошқалар. Шунингдек, банк ихтиёрига келган тушумлар (даромад) ва харажатлар ўртасидаги фарқ кўпроқ фойда сифатида тушунилади.

"Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш" 1 МҲХСда «Даромадлар бу- ҳисобот даврида активларнинг оқиб келиши ёки ўсиш йўли орқали, ёхуд мажбуриятларнинг қисқариши орқали

---

[28]Шеремет А.Д. "Финансовый анализ коммерческого банка" М.: Финансы и статистика 2000 152 стр.


[29] Нотон Д.М.«Банковские учреждения в развиваюшихся старанах» – Всемирный банк, Вашингтон, 1994.

[30] Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операциялари даромадлиги. и.ф.н. диссертацияси –Т., 2002. – б. 33.

акциядорлик капитали иштирокчиларининг бадаллари билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг кўпайиши шаклида иқтисодий нафнинг ўсишидир» деб таърифланган. Ўз навбатида, «Ҳаражатлар бу- ҳисобот даврида активларнинг чиқиб кетиши ёки камайиши йўли орқали ёхуд мажбуриятларнинг қўпайиши орқали акциядорлик капитали иштирокчиларининг уни тақсимлаши билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг камайиши шаклидаги иқтисодий нафнинг камайишдир».


Ушбу фикрларни қўллаб - қувватлаган ҳолда банк даромадининг ўзига хос хусусиятларини қуйидаги расмда кўриш мумкин. Унда корхона ва банкнинг фаолият турлари, улардан олинадиган даромад ва шу даромадни олиш учун қилинган ҳаражатлар келтирилган.

Энг аввало ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхонасида даромад ва ҳаражатларни кўриб чиқиш мумкин.



5-расм. **Даромад ва ҳаражатларнинг келиб чиқиш жараёни**

Кўриниб турибдики, ҳаражатлар фаолият турига боғлиқ ҳолда ташкил қилинади, натижада фаолият турига қараб даромад олинади.



6-расм. **Банклар фаолиятидаги асосий даромадлари ва ҳаражатлар**

Ушбу расмлардан кўриниб турибдики, корхона ва банк фаолияти турли хил ва улар турли хил маблағлар эвазига фаолият

кўрсатади. Корхона кўпроқ ўзининг маблағи ҳисобига фаолият кўрсатса, банк эса кўпроқ жалб қилинган маблағлар ҳисобига фаолият олиб боради. Бу банкнинг даромади ва ҳаражатига таъсир кўрсатади.

Банк даромадлариларини бухгалтерия ҳисобида тан олишни тадқиқ қилишда уларнинг структурасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Банк даромадларини кўпчилик иқтисодчи олимлар турли хил белгиларга қараб таснифлайди. Биз уларни асосан иккита катта гуруҳга ажратдик. Биринчи гуруҳга кирувчи олимлар даромадларни олиниш тартиби бўйича фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлади. Даромадларни бундай таснифлашни К.Наврўзова, Б.Т.Бердияров, К.Г.Парфенов, А.К.Полищук, Ж.Синки, Д.М.Нотон, Д.Ж.Карлсон, К.Т.Дитд ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриш мумкин.

Иккинчи гуруҳ олимлар Г.Г.Коробова, Н.Ф.Каримов, Е.П.Козлова, Е.Н.Галагина ва бошқалар банк фаолиятини асосий ва ёрдамчи фаолиятга бўлиб, шунга мос равишда даромадларни таснифлайдилар. Яъни даромадлар операцион фаолият даромади, банк операциялари ҳисобланмаган операциялардан олинган даромад, бошқа даромадларга бўлинади.

Банк даромадларини бундай таснифлаш улар тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, назорат қилиш ва бошқарув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Агар банк фаолиятини асосий ва қўшимча фаолиятга бўладиган бўлсак, унда асосий фаолиятдан олинган даромад даромаднинг асосий қисмини ташкил қилишини кўришимиз мумкин. Бу даромадни операцион даромад деймиз. Операцион даромад ўз навбатида, фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлинади.

Фоизли даромадларга берилган кредитлар бўйича даромадлар, қўйилган депозитлар бўйича даромадлар, қарз мажбуриятлари бўйича даромадлар, шунингдек, ҳисоб, лизинг, факторинг, форфейтинг операцияларидан олинадиган даромадлар киради.

Фоизсиз даромадларга комиссион даромадлар, молиявий бозорлардаги операциялардан даромадлар, чет эл валютасидаги маблағларни қайта баҳолаш натижасидаги даромадлар киради.

Кредит ҳарактерига эга бўлмаган банк хизматларини кўрсатиш даромад олиш нуқтаи назаридан аҳамияти бўйича иккинчи ўринда туради. Бу даромад манбаи ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу даромадлар

одатда, комиссион даромадлар дейилади, чунки кўпчилик хизматлар учун хақ комиссион мукофот сифатида олинади. Комиссион мукофот миқдори одатда, амалга оширилган операция ёки битим суммасига нисбатан фоиз кўринишида олинади. Шунингдек, комиссион даромадларга кўрсатилган хизматлар учун қатъий сумма кўринишида ёки банк томонидан қилинган ҳаражатларни қоплаш кўринишида олинган даромад киради.

Комиссион даромад келтирувчи операцияларга қуйидагилар киради:

- юридик ва жисмоний шахсларга касса–ҳисоб–китоб хизматини кўрсатиш;
- пластик карточкалар билан операциялар;
- банк кафолатларини тақдим этиш;
- валюта контрактларига хизмат кўрсатиш;
- конверсион операциялар;
- қимматли қоғозлар бозоридаги брокерлик;
- депозитар операциялар ва бошқалар.

Ҳозирги кунда комиссион даромадларнинг салмоғи ошиши кузатилмоқда, чунки ушбу операциялардан олинаётган даромадлар барқарор даромад манбаига эга. Шунингдек, ушбу операцияларнинг рисклилик даражаси жуда паст (фақат кафолат беришдан ташқари).

Молиявий бозордаги операциялардан даромадларга: қимматли қоғозлар, чет эл валютаси, қимматбаҳо металлар, молиявий деривативлар (фьючерслар, опционлар, форвард битимлари) ва бошқалар олди–сотдиси бўйича даромадлар киради. Бу операциялар моҳияти жиҳатидан савдо операциялари ҳисобланади ва «ресурсларни арзонроқ олиб – қимматроқ сотиш» тамойилига асосланади. Ушбу операциялар спекулятив характерга эга бўлганлиги сабабли ва рисклилик даражаси юқори эканлигидан айрим давлатларда юқоридаги операцияларни амалга ошириш тақиқланган, масалан, қимматли қоғозлар олди–сотдиси.

Қўшимча фаолиятдан олинган даромадлар банк даромадининг жуда оз миқдорини ташкил этади. Унга: банк хизматлари характерига эга бўлмаган хизматлардан даромадлар, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш, машина, ускуналар, бинолар ва бошқа асосий воситаларни ижарага бериш ва уни сотиш, ўқув банк муассасалари даромадлари киради.

Банк фойдаси камайишида банклар ўз фаолиятини диверсификациялаш ҳаракат қилади ва шу билан янги даромад манбаларини яратади. Банклар ишлаб чиқариш, савдо–воситачилик ва суғурта фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги сабабли, улар бу соҳаларга шўъба корхоналар очиш ва уларни акциялар пакетини сотиб олиш орқали кириб келади. Бунда банклар корхоналар ва ташкилотлар капиталида иштирок этиш орқали кўпроқ даромад олиш имкониятига, улар фаолияти устидан бошқариш ҳуқуқини олиш йўли билан рискларни минималлаштиришга эришади.

Банклар асосий ва қўшимча фаолиятдан олган даромаддан ташқари бошқа даромадлар олишлари ҳам мумкин, бундай даромадларни бошқа даромадлар категориясига киритамиз. Бошқа даромадларга: мижозлардан ундирилган пеня, жарима, неустойка; кассадаги ортиқча маблағни кирим қилиш; захира суммасининг тикланиши; ҳисобот йилида аниқланган ёки келиб тушган ўтган йиллардаги операциялардан даромадлар; бюджетга тўланган солиқларнинг ортиқча қисмининг келиб тушиши; ижарага олган ташкилотлар томонидан қайтарилган бинони қўриқлаш ва комуникацион ҳаражатлар; ходимлар томонидан қайтарилган телефон ҳаражатлари ва бошқалар киради.

Бу даромадлар ўз характерига кўра тасодифий ҳисобланади ва банк томонидан «ишлаб топилмаган» дейилади.

Биринчи гуруҳ олимлар фикрига кўшилган ҳолда даромадларни фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлиб, уларга кўшимча равишда бошқа даромадларни ҳам киритиш лозимлигини таъкидлаб ўтиш зарур деб топдик. Даромадларни олиш тартиби бўйича таснифлаганда, улар таркибини аниқ белгилаб олиш лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон банк тизимида ҳам ушбу амалиётдан фойдаланилмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлари режаси»да ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари тўғрисида» ги 584 - Йўриқнома бўйича 0204IS - «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот шаклини тўлдириш тўғрисидаги услубий кўрсатмаларда банк даромадларини ва ҳаражатларини шу тартибда ҳисобга олишда фойдаланилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозимки, тижорат банкларининг фаолияти ниҳоятда кенг қамровли ва хилма-хилдир. Ягона бир холдинг компаниялари кўринишида тижорат банклари ва унинг жойлардаги филиаллари кўрсатадиган хизматларнинг хилма-хиллигига, мумкин қадар ўз мижозларига хизмат кўрсатишиинг қулай ҳамда арзон турли кўрсатмалар буйруқлар сонини бир қадар чекланган тартибда қўллаш имкониятлари ривожланмоқда.

Сўнгги вақтларда банк ишига киритилаётган муҳим янгиликлардан бири кредит карточкаларини қўллаш, ишбилармонлар, фирмаларга замонавий халқаро андозалар асосидаги бухгалтерия хизматларини кўрсатиш, факторинг операциялари, ижарани молиялаштириш, евродоллар бозоридаги операцияларда иштирок этиш фавқулодда ҳолатларда пул ҳужжатларини инкассациялаш учун абонент яшиклари тизимидан фойдаланиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жаҳон миқёсида тан олинаётган энг илғор ва замонавий банк технологияларини Ўзбекистон банк тизимида қўллаш, бу ўз-ўзидан банкларнинг даромадлари кўламини кенгайтириб бормоқда.

Тижорат банклари даромадининг моҳияти ва бошқа молиявий институтлардан фарқланиб турувчи хусусияти - банк пул ресурсларини ташкил этиш ва юқори даромадли банк портфелларини яратиш лаёқати билан хусусиятланади.

Тижорат банклари ресурсларини ташкил қилиш имкониятлари иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Улар мослашувчан кредит тизимини амалга оширмоқда, шу йўл билан иқтисодиётни барқарор ривожланишига зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Банк тизими ўз олдига қўйган вазифаларни ҳал этиши учун молиявий жиҳатдан барқарор бўлишлари лозим. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги улар амалга ошираётган операциялари ва олаётган молиявий натижаларига бевосита боғлиқдир.

Банк амалга оширган фаолият натижасини баҳолаш, унинг фаолияти самарадорлигини оширишда иқтисодий кўрсаткичлар тизимини яратиш, эришилган ютуқлар ва фойдаланилмаган имкониятларга баҳо бериш, банк фаолиятини юритишнинг энг қулай усулларини аниқлаш вазифасини бажаришда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг халқаро амалиётда қўлга киритган ютуқларидан кенг фойдаланиш талаб этилади. Банк фаолияти

натижасини баҳолаш жараёнида асосан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотлари, жумладан, баланс, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот шаклларидан фойдаланилади. Айрим давлатларда балансдан фойдаланилса, айримлари фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланишади. Бизнингча, амалиётни таҳлил қилиш натижалари бухгалтерия ҳисоби услубиёти тўлиқ ва етарлича маълумот билан таъминланмаётганини кўрсатмоқда.

Молиявий ҳисобот элементларидан бўлган даромад ва ҳаражатларни ҳисоботларда тўғри акс эттириш ёки уларни тан олиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир.

Банкларда даромадларни тан олишни тадқиқ қилишдан олдин халқаро амалиётдан келиб чиқиб, тан олишнинг моҳиятини ўрганиб чиқсак. «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306–сонли Низомда тан олиш – элемент таърифига жавоб берадиган ва тан олиш мезонларини қондирадиган муайян моддани пул суммаси кўринишида акс эттириш ва баланс ёки фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритиш жараёни деб таъриф берилган.

Банк даромадини тан олишдан мақсад, уларнинг молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилиши ва якуний молиявий натижани тўғри аниқлашдир.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобида даромадларни акс эттириш (тан олиш) ҳисоблаш усулида амалга оширилмоқда. Шунингдек, халқаро амалиётда даромадларни тан олишнинг касса усули ҳам мавжуд.

Тан олишнинг бу икки усулининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Ҳисобга олишнинг касса усулида даромадлар маблағ келиб тушганда, ҳаражатлар эса тўловлар тўланганда ҳисобга олинган. Бунинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида тузиладиган молиявий ҳисоботларда мавжуд бўлган маблағлар тўғрисида маълумотлар шакллантирган. Хўжалик юритувчи субъектга олинган даромад ҳисобидан солиқ тўлаш имконияти берилган, лекин иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун шароит яратиб берилмаган.

Ҳисоблаш усули эса даромад ва ҳаражатларни пул маблағларини олиш ёки тўлаш асосида эмас, балки келган даврда тушиши ёки пайдо бўлишига қараб бухгалтерия ҳисобида эътироф этади ва молиявий ҳисоботларда акс эттиради.

Ҳисоблаш усули молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларига ўтган даврда олинган ва тўланган маблағлар тўғрисида маълумот бериб қолмай, келажакда маблағларни тўлаш мажбуриятининг юзага келиши ёки маблағларнинг олиш имконияти юзага келиши тўғрисида ҳам маълумот беради. Шундай қилиб, у фойдаланувчиларни иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган ўтган операциялар ва воқеалар тўғрисидаги маълумот билан таъминлайди.

Даромад ва ҳаражатларни ҳисоблаш усули билан тан олиш қуйидаги афзаликларга эга:

1. банк даромад ва ҳаражатлари маълум бир вақтга эмас, ҳисобот даврига боғланади, чунки хўжалик жараёни узлуксиз жараён;

2. ҳар бир ҳаражат маълум бир миқдорда даромад олиш учун қилинади ва улар ўртасидаги боғлиқлик фақат ҳисоблаш усули билан кузатилиши мумкин;

3. ҳаражатларни вақт мобайнида тақсимлаш даромад олиш билан боғлиқ, сабаби, даромад ва ҳаражатлар боғлиқлиги ҳисобот даврида молиявий натижаларнинг тенг тақсимланишидадир;

4. даромад ва ҳаражатларни ҳисоблаш талаб ва мажбуриятларни юзага келиш вақтларини аниқлаш имконини беради.

Ҳисоблаш усулида активлар кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайиши билан боғлиқ бўлган келажакдаги иқтисодий нафнинг ошиши юзага келса, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда даромад тан олинади. Бунда у аниқ ўлчаш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу ҳақиқатда активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайишининг тан олиниши билан бир вақтда содир бўлади.

Шунингдек, ҳаражат ҳам ҳисоблаш усулида активлар камайиши ёки мажбуриятларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлган келажакдаги иқтисодий нафнинг камайиши юзага келса, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинади. Бунда ҳаражат ҳам аниқ ўлчаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ҳаражат фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда қилинган сарф ва олинган даромадни солиштириш орқали тан олинади. Масалан, банк кўрсатган ҳисоб–китоб хизмати бўйича қилинган ҳаражат олинадиган даромад тан олинган пайтда, ҳисобга олинади.

Банк даромадлари ва ҳаражатларини тан олишда асосий эътиборни операция амалга оширилган вақтни тўғри аниқлаш ва тан олиш мезонларига қатъий риоя қилишга қаратиш лозим.

Амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда даромад ва ҳаражатларни тан олиш мезонлари сифатида куйидагилар этироф этилган:

а) улар билан қўшилган ҳар қандай иқтисодий фойдани банк томонидан олиниши ёки сарфланиши эҳтимоли мавжуд бўлганда; ва

б) модда ишончли ўлчанадиган қиймат ёки баҳога эга бўлганда бухгалтерия балансида тан олиниши лозим.

Бу икки мезон бажарилса, банкнинг даромад ва ҳаражатлари тан олиниши керак. Ушбу мезонларнинг бухгалтерия ҳисобидаги аҳамияти шундаки, агар улардан бири бажарилмаса, даромад ёки ҳаражатни тан олиш ушбу мезонлар тўлиқ бажарилгунга қадар чўзилади. Шундан сўнг, даромад келиб тушган пул маблағлари қийматида, ҳаражат эса тўланган суммада ўлчанади.

«Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги Низомда банклар даромадлар ва ҳаражатларни ҳисобга олишда изчиллик, ишончлилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик бўйича талабларни ўз ичига оладиган ҳисоблаб, ёзиш усулини қўллаш бўйича тамойилларни қўллашлари керак эканлиги ва бу тамойиллар қўйилган талабларни бажариш ва қўллашнинг тегишли усуллари тўғрисидаги кўрсатмаларни ўз ичига олиши лозимлиги белгиланган.

Банк даромад ва ҳаражатларни тан олишда, шунингдек, «эҳтиёткорлик», «ҳисобот даврида даромадлар билан ҳаражатларнинг мувофиқлиги», «аҳамиятлилик», тамойилларидан ҳам фойдаланиш керак. Яъни, қарорлар қабул қилишда эҳтиёткорлик қоидасига риоя қилиш активлар ва даромад қайтадан баҳоланмаслиги, мажбуриятлар ёки ҳаражатлар эса етарлича баҳоланмаслигига йўл қўймаслик мақсадида ноаниқлик шароитида баҳо чиқариш учун зарурдир. Ҳисобот даврида олинган даромадлар билан қилинган ҳаражатларнинг мувофиқлиги шуни англатадики, мазкур даврда ушбу ҳисобот давридаги даромадларни олишга асос бўлган ҳаражатларгина акс эттирилади. Агар, даромад билан ҳаражатлар ўртасида бевосита боғлиқликни ўрнатиш қийин бўлса, ҳаражатлар бирон-бир тақсимлаш тизимига мувофиқ бир нечта ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланади. Масалан, бир неча йилга тақсимланадиган амортизация ҳаражатларига. Даромад ва

ҳаражатларни ҳисобга олишда аҳамиятлилик тамойили молиявий ахборотдан фойдаланувчиларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида уларнинг эҳтиёжларини қондириш ва уларга операцион, молиявий ва хўжалик фаолиятига баҳо беришда кўмаклашиш учун зарур бўлиши керак. Шунингдек, арзимаган ҳаражат элементини тўғри ҳисоблаш имконияти йўқлиги даромадни тан олмаслик сабаблари бўлмаслиги лозим.

Хозирги кунда банк даромадлари ва ҳаражатларини бухгалтерия ҳисобида тан олиш масаласи ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Банк даромадлари ва ҳаражатларини ҳисобга олишда тан олиш мезонларининг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисобининг изчиллик, ишончлилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик тамойиллари билан бирга «эҳтиёткорлик», «ҳисобот даврида даромадлар билан ҳаражатларнинг мувофиқлиги», «аҳамиятлилик» тамойилларидан фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобига оид илмий-назарий адабиётларда молиявий натижа деганда кўпинча хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якуни тушунилади. Молиявий натижага бундай қараш хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг якуний натижаси – фойда ёки зарарни ифодалашини кўриш мумкин.

Таниқли рус олими Я.В. Соколов ўзининг «Бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари» китобида молиявий натижани энг қийин категориялардан бири деб билади ва уни маълум бир ҳисобот даврида олинган фойда ёки зарар деб таърифлайди. Молиявий натижа ҳисобот даврида капитал қийматининг ўзгаришини кўрсатади. Агар у ўсса, фойда тўғрисида, камайса– зарар тўғрисида гап кетади.[31]

Я.В. Соколов фикрича, молиявий натижа, яъни фойда ёки зарарда капиталнинг ўзгаришини кўриш мумкин, лекин бу ўзгариш нима ҳисобига содир бўлганини билиб бўлмайди. Капитал турли хил манбалар ҳисобига ўзгариши мумкин, масалан, қўшимча муомалага акция чиқариш, текинга мулк олиш, молиявий ёрдам олиш, мажбуриятлардан воз кечилиши ва бошқалар.

Айрим иқтисодчи олимлар молиявий натижага даромадлар ва ҳаражатлар ўртасидаги фарқ сифатида қарайди. Бу фарқ мусбат бўлса, унга фойда сифатида, манфий бўлса зарар сифатида қаралади. Демак, зарарни манфий ишорали фойда кўринишида

[31] Соколов Я.В. «Основы теории бухгалтерского учёта» -М.: Финансы и статистика, 2000.-496с. 441с.

талқин қилиш мумкин. Бунда кенг тарқалган модел вужудга келади, унга асосан даромадлар-бу кириб келувчи маблағлар оқими, ҳаражатлар эса чиқиб кетувчи маблағлар оқими; фойда (зарар) – улар ўртасида вужудга келувчи фарқ ва у балансда акс этиб, уни ўзгартиради.

Кўриб чиқилган икки хил бухгалтерия ёндашувлари молиявий натижани активлар ўсиши ёки маблағлар кирими ва чиқими оқимлари ўртасидаги фарқ сифатида акс эттиради.

Банкнинг эришган молиявий натижаси унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар комплекси кўзгуси ҳисобланади. Ўз маблағларининг етарлилиги, ресурсларни жалб қилиш ва жойлаштириш, даромад келтирувчи ва келтирмайдиган активлар, банкнинг ҳаражатлари, зарарлари ва йўқотишлар даражаси, замонавий технологиялардан фойдаланиш, филиаллар ва шўъба банклар фаолиятининг даромадлилиги каби, банк фаолияти ва уни бошқариш сифати билан боғлиқ кўрсаткичлар молиявий натижаларга таъсир кўрсатувчи ички омиллар сифатида эътироф этилиши мумкин. Банкнинг бошқаруви ва персонали фаолияти натижаси умумлашган ҳолда банк фаолиятининг якуний молиявий натижаси - фойдада ўз аксини топади.

Тижорат банклари фаолияти натижасига таъсир этувчи омилларнинг кўп қирралилиги уларга кўп мақсадли ва функцияли иқтисодий тизим сифатида қарашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам банк фаолияти натижасини иқтисодий кўрсаткичлар тизими ёрдамида тавсифлаш лозим. Молиявий кўрсаткичлар тизими сифатида ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолият натижасини ҳар томонлама комплекс баҳо берувчи ва содир бўладиган иқтисодий жараёнларни ҳаққоний акс эттирувчи кўрсаткичларни тушуниш керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, молиявий натижага қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Молиявий натижа - бу маълум бир даврда банк операцияларининг даромадлилиги (даромадсизлиги) ҳисобига капиталнинг ўзгариш кўрсаткичи. Бунга асосан банк фаолиятининг якуний молиявий натижасини банк фойдаси ёки зарари сифатида кўриш мумкин.

Кўпчилик олимларнинг фикрларида молиявий натижага фойда сифатида қаралишини учратиш мумкин, лекин бу ундай эмас. Агар молиявий натижани фойда сифатида эътироф этадиган бўлсак, унда

молиявий натижа атамасини умуман олиб ташлашга тўғри келади. Молиявий натижа ижобий бўлган ҳолатдагина фойда тўғрисида гап юритиш мумкин, лекин ҳар доим ҳам у ижобий бўлавермайди, салбий ҳам бўлиши мумкин. Салбий бўлган ҳолатда, яъни даромадлар ҳаражатлардан кам бўлганда зарар бўлади. Банк фаолияти натижаси зарар билан чиқса, у ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошира олмайди. Шунинг учун ҳам молиявий натижани тўғри ҳисоб-китоб қилиш, зарарларни юзага келиш сабабларини аниқлаш, даромад манбаларини топиш жуда муҳим ҳисобланади. Якуний молиявий натижанинг ижобий бўлган ҳолатини, яъни фойда тўғрисидаги фикрларни кўриб чиқамиз.

Фойданинг бухгалтерлик ва иқтисодий талқини фарқланади. Иқтисодчи олимлар фойдани иқтисодий категория сифатида қўшимча маҳсулотнинг бир қисмини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисмини ташкил этувчи ва у янгидан яратилган қийматнинг бир қисми эканлигини кўрсатиб беради.

Шотландиялик иқтисодчи олим Адам Смит биринчилардан бўлиб, фойдага капиталга тегмасдан туриб, ишлатилиши мумкин бўлган сумма сифатида қараган. Нобел мукофоти совриндори, инглиз иқтисодчи олими Жон Хикс ушбу фикрни аниқлаштириб, фойда – бу шундай суммаки, уни инсон маълум бир вақт оралиғида ишлатиши мумкин ва ушбу давр охирида бошланғичдаги каби қолдиққа эга бўлади деб эътироф этган.[32]

Бироқ яна бир ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, у И. Фишернинг тадқиқот ишларида акс этган. Айнан у бухгалтер томонидан ҳисобланган анъанавий фойда иқтисодий маъзмунга эга эмаслигини кўрсатиб берган. У буни яхши бир мисол билан тушунтиришга ҳаракат қилган: бухгалтер нуқтаи назаридан капитални ифодаловчи боғнинг нархи, унга қанча ҳақ тўланганидан ёки уни қанчага сотиш мумкинлигидан келиб чиқади, бироқ аслида унинг қиймати у келтирадиган ёки келтириши мумкин бўлган даромадга боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, И. Фишер молиявий натижани (фойда) ҳисобот даврида активлар даромадлилиги ўзгариши ҳисобига қийматнинг ўсиши деб эътироф этган.[33]

Юқоридаги фирклардан келиб чиқиб, фойданинг ягона тушунчаси йўқлигини кўриш мумкин, чунки у манфаатдор

[32] Банковское дело: Учебник / под ред. д-ра экон. наук, проф. Коробовой. Г.Г. - М.: Экономист, 2005. - 751 с.
[33] Козлова Е.П., Голонина Е.Н. «Бухгалтерский учёт в коммерческих банках». М.: 1996 г.

шахсларнинг мақсадларига боғлиқ бўлади. Бу шахс, аввалambор, активлар таркибига нимани киритиш ва бухгалтерлик фойдаси қандай ҳисоб-китоб қилинишини ҳал қилиши керак.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, фойданинг бухгалтерлик талқини унинг иқтисодий катталигини белгилайди. Бундан ташқари активнинг иқтисодий баҳоси келажакка асосланган, лекин бухгалтерияда фойда, уни ҳисоб-китоб қилиш ўтган фаолият натижасига асосланган. Бизнингча, бухгалтерлик фойдаси ва иқтисодий фойдани бир-бирига тенглаштириш учун банкнинг ишлаб, топа олмаган маблағларини ва гудвилни бухгалтерлик фойдасига қўшиш керак.

Банкнинг ишлаб топа олмаган маблағлари бу банкнинг активларини жойлаштиришда, унинг муқобил вариантлари мавжуд бўла туриб, даромад ололмаслигидир.

Қўриб чиқилган молиявий натижалар тўғрисидаги қарашлардан кўринадики, бухгалтерлик ва иқтисодий фойдани бир-бирига мос эмаслиги ва уларни ҳисоблаш бўйича муаммолар ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Молиявий натижанинг салбий ҳолати, яъни фаолият натижаси зарар билан чиқишини кўриб чиқамиз. Зарар иборасини кўпчилик иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида учратиш мумкин, улар буни фақат йўқотиш сифатида кўради ёки оддий бир сўз сифатида ишлатади. Бизнингча, зарар бу фақат ҳаражатнинг даромаддан ошиши эмас, балки хўжалик юритиш натижасида ўз маблағларининг камайиши, даромад олмасдан, маблағлардан фойдаланиш ва ҳаражатларнинг қопланмаслигидир. Агар хўжалик юритувчи субъект фаолияти зарар билан якунланайверса, охир-оқибат у тўловга лаёқатсиз бўлиб, банкротга учрайди. Бундай салбий ҳолатларни олдини олиш учун зарарнинг юзага келиш сабабларини ўрганиб, ушбу сабабларни бартараф этиш йўлларини излаб топиш керак.

Рус олими А. Шереметнинг[34] фикрича, молиявий натижаларни ички бошқариш мақсадларидан келиб чиқиб, уларни шакллантиришда даромад ва ҳаражатларни шартли равишда қуйидаги йўналишлар бўйича аниқлаш мумкин:

- операцион фаолиятдан олинган даромад;
- бошқа фаолиятдан даромадлар;
- банк ишлаб топмаган маблағлар;

[34] Финансовый анализ в коммерческом банке. А. Шеремет М. Финансы и статистика 2000 г. 67 стр.

- операцион фаолият ҳаражатлари;
- банк фаолиятини таъминловчи ҳаражатлар;
- рискли операцияларни амалга ошириш ҳаражатлари.

Даромад ва ҳаражатларни шундай таснифлаш орқали молиявий натижани аниқлаш модели тугалланган кўринишга эга бўлсада, даромад ва ҳаражат моддаларини бундай деталлаштириш айрим масалаларни ҳал қилишда етарли эмас. Чет эл банклари ва мамлакатимиз банкларида молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантириш тартибини солиштириш орқали кўриб чиқсак. Америка Қўшма Штатларининг катта банкларида молиявий натижаларни шакллантириш модели қуйидаги кўринишга эга:

13-жадвал

АҚШ банкларида молиявий натижаларни шакллантириш модели[35]

№	Даромад	Ҳаражат	Молиявий натижа
1.	Жами фоизли даромад.		
2.		Жами фоизли тўловлар.	
3.			Соф фоизли даромад ёки фоизли маржа (1қат–2қат).
4.		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси.	
5.			Захиралар шакллантирилгандан сўнг фоизли маржа (3қат–4қат).
6.	Жами фоизсиз даромадлар.		
7.		Жами фоизсиз ҳаражатлар.	
8.			Соф фоизсиз даромад ёки фоизсиз маржа (6қат–7қат).
9.			Солиқ тўлангунга қадар даромад (зарар) (5қат+8қат)
10.		Даромад солиғини тўлаш.	
11.			Солиқ тўлангандан сўнг даромад (зарар) (9қат–10қат).

[35] Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. –с. 67.

Соф фоизли даромадга соф фоизсиз ҳаражатларни қўшиш билан солиқ тўлангунга қадар фойдани аниқлаш орқали молиявий натижаларни шакллантириш кетма кетлиги Америка банклари учун жуда кенг тарқалган.

Бунда фоизсиз ҳаражатларни соф фоизли ва операцион даромадлар суммасидан айирилса, янада асосланган бўлар эди, чунки фоизсиз ҳаражатлар банкнинг умумий ҳаражатлари ҳисобланади. Бундай моделда молиявий натижаларни шакллантириш жараёнини икки мустақил босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади: соф операцион даромадни шакллантириш босқичи ҳамда операцион бўлмаган даромад ва ҳаражатларни шакллантириш босқичи.

Россия тижорат банкларида молиявий натижаларни аниқлаш Россия Марказий банки томонидан 01.10.1997 йил 17-«Молиявий ҳисоботларни тузиш тўғрисида»ги Йўриқнома асосида олиб борилади. Бунга асосан молиявий натижаларни шакллантириш модели қуйидаги кўринишга эга:[36]

1. Фоизли даромад.
2. Фоизли ҳаражат.
3. Фоизли маржа (1қат-2қат).
4. Операцион даромад.
5. Ялпи операцион даромад (3қат+4қат)
6. Операцион ҳаражатлар.
7. Соф операцион даромад (зарар) (5қат-6қат)
8. Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳирасини шакллантириш ҳаражатлари.
9. Умидсиз қарзларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳаражатлар.
10. Кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича фойда (зарар).
11. Операцион бўлмаган даромадлар ва ҳаражатлар (8қат+9қат+-10қат)
12. Солиқ тўлангунга қадар соф даромад (зарар) (7қат+-11қат).
13. Даромад солиғи.
14. Соф даромад (зарар) (12қат-13қат).

Банк даромадлари ва ҳаражатларини бундай гуруҳлаштириш уларнинг асосий банк операцияларини ўтказишда бир-бирлари билан қай даражада боғлиқлигини, шунингдек, бошқа омилларнинг қай даражада таъсир қўрсатишини аниқлаш имконини беради.

---

[36]Жарковская Е.П. Банковское дело.–4–е изд., испр. и доп. – М.: Омега–Л, 2005.– с. 377.

А. Шереметнинг фикрича, резервларни шакллантириш соф фоизли даромадни аниқлангандан сўнг амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади, чунки захиралар ўз иқтисодий мазмунига кўра кўрилиши мумкин бўлган фоизли йўқотишлар сирасига киради.[37]

Айрим муаллифлар банк даромадлари фоизли ва фоизсиз кўринишда бўлишини маъқул кўрмайди, балки: асосий операциялардан олинадиган даромад (ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларни жойлаштириш билан боғлиқ) ва бошқа операциялардан даромадлар сифатида кўришни афзал билади.

Кўриб чиқилган моделлар якуний натижа, яъни банк соф фойдасини ўзгартирмайди. Соф фойдани шакллантириш моделлари фақат ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби билан фарқланади.

Ўзбекистонда тижорат банкларида молиявий натижалар кўрсаткичларини шакллантириш алгоритми Марказий банк томонидан белгиланган молиявий ҳисобот шакллари ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига асосланади. Жумладан, Марказий банк томонидан 2004 йил 6 ноябрда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк назорати бўйича тақдим этиладиган тижорат банклари ҳисоботларини тўлдириш тавсиялари» тўғрисидаги 584-Йўриқнома бўйича 0204IS-«Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот» шаклини тўлдириш тўғрисидаги услубий кўрсатмалар асос бўлиб ҳисобланади. Унга кўра, молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

- соф фоизли даромад;
- эҳтимолий зарарлар захираси чиқариб ташланғандан сўнг соф фоизли даромад;
- операция ҳаражатлари қилингунга қадар соф даромад;
- даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолда соф даромад;
- ҳисобот давридаги соф фойда (зарар).

Бундан кўриниб турибдики, молиявий натижалар бир-бири билан боғлиқ иқтисодий кўрсаткичлар тизимидир ва улар тижорат банкларида даромад ва ҳаражатларни бир-бирига солиштириш орқали аниқланади.[38]

---

[37] Финансовый анализ в коммерческом банке. А. Шеремет М. Финансы и статистика 2000 г. 65 стр.

[38] Умаров З.А. "Тижорат банкларининг молиявий натижалари моҳияти" "Иқтисодиёт ва таълим" журнали № 1, 2006 йил

14-жадвал

Тижорат банкида «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот шаклида молиявий натижаларнинг шаклланиши

млн. сўм

№	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил
1	Фоиз даромади	310 398	351 617
2	Фоизли ҳаражатлар	-154 398	-194133
3	Соф фоиз даромади	156 000	157 484
4	Кредитлар бўйича эҳтимолий зарарларни (баҳолаш) қайта тиклаш	-75884	-97740
5	Захирани баҳолаш-чегириб ташлагандан кейинги соф фоиз даромади	80 116	59 744
6	Фоизсиз даромад	313 727	406 246
7	Операцион ҳаражатлар	-309 529	-359 816
8	Даромад (фойда) солиғидан олдинги соф фойда (зарар)	84 314	106 174
9	Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	-16716	-9101
10	Соф фойда (зарар)	67 598	97 073

Маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки, мамлакатимизда тижорат банклари молиявий натижаларини шакллантиришда даромад, ҳаражат, фойда ва зарар кўринишидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади. Банк даромадлари фоизли ва фоизсизга, ҳаражатлар фоизли, фоизсиз ва операционга ажратилади.

Банкнинг фойдаси юқори бўлиши учун, энг аввало, уни тўғри ташкил қила билиш керак. Фойдани тўғри бошқаришнинг асосий мақсади, баланс ликвидлигини таъминлаган ҳолда, рисклилик даражаси юқори бўлмаганда максимал фойда олишдан иборатдир.

Банкни бошқаришнинг самарадорлигини ошириш унинг даромадлилик нуқтаи назаридан банк фаолиятини таҳлил қилишга ёрдам беради. Яъни, кредит ва фоиз сиёсатини тузиш, фойдалироқ операцияларни аниқламоқ ва даромадларни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Бу масалаларни молиявий менежментсиз ҳал этиб бўлмайди.

Тижорат банкларида молиявий менежмент биринчи навбатда банк стратегияси реализацияси ва режасини таъминловчи бошқарувнинг оқилона тизимини ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш мақсадининг молиявий фарлиятини тадқиқ қилиш билан ўзаро боғлиқ.

Тижорат банки фойдасининг катталигига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- банк даромади ва ҳаражатларининг ўзаро нисбати;
- кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ўртача даражаси;
- кредит ва депозит операциялари ҳажмининг ўзгариши;
- актив операцияларининг ўртача даромадлилиги;
- даромад ҳажми ва ундаги фойданинг улуши;
- банк капитали катталиги;
- кредит портфели тузилиши;
- омонатларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳаражатлар.

Биринчи 5та омил балансли фойда катталигига, 6-омил барқарорликка, 7 ва 8-омиллар банк операциялари фойдалилиги сифатининг ўсишига таъсир қилади.

Банк фойдасини бошқаришни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

- фойдани бошқариш жараёнида иштирок этувчи банк бўлимларини аниқлаш;
- банкнинг даромадлари, ҳаражатлари ва фойдасини режалаштириш;
- банк фойдалилиги даражасини баҳоловчи усулларни қўллаш;
- фойдани жорий тартибга солиш усулларини аниқлаш.

Банк фойдасини бошқаришда унинг турли хил бўлимлари қатнашади, жумладан, бошқарувчи органлар, департаментлар, бошқарма ва бўлимлар. Шунингдек, функционал бўлимлар, банкнинг актив ва пассив операцияларини амалга оширишда иштирок этувчи бўлимлар ва бошқармалар. Уларнинг фойдани бошқариш бўйича функциясига рентабелликни баҳолаш ва таҳлил қилиш, алоҳида шартномалар рентабеллигини назорат қилиш киради.

Иккинчидан, кредит ташкилотининг бошқа бўлимлари. Уларнинг функциясига даромадлар ва ҳаражатлар режасини тузиш, банк фойдаси даражасини таҳлил қилиш ва баҳолаш, фоиз маржаси катталигининг етарлилиги ҳақида таклифлар ишлаб чиқиш ва бошқалар киради.

Фойдани бошқаришда иштирок этувчи банкнинг учинчи бўлими бухгалтерия ҳисобланади.

Тўртинчи бўлим сифатида ички назорат хизматини айтишимиз мумкин.

Тижорат банки менежментининг асосий вазифаси - фойданинг барқарорлигини етарли даражада таъминлаган ҳолда, уни максималлаштириш. Бу вазифаларни ечиш йўллари қуйидагича: жалб қилинган ресурслар қиймати устидан қаттиқ назорат; лимитлар тизимини, ишлаб чиқиш ва амал қилиш; ресурсларни ставкалар бўйича жойлаштириш.

Тижорат банклари ресурсларини бошқариш самараси қуйидагиларни ўз ичига олади;

- активлар портфелини бошқариш;
- қарз капитали таркибини бошқариш;
- ишлаб чиқарувчи активлардан олинадиган даромадни максималлаштириш;
- сарфларни бошқариш;
- фоиз ставкасини бошқариш;
- юқори самарали банк фаолияти.

Банк фаолияти молиявий натижалари таҳлилининг методикаси қуйидаги баланс тенглиги асосида қурилиши керак:

Активлар = қарз капитали + ўз капитали

Бу тенглик молиявий натижаларни аниқроқ ифодалашга, унга таъсир этувчи омилларни ўрнатишга ва охир оқибатда, банк, ўз фаолиятидан максимал фойда олиши учун уларни самарали бошқаришига ёрдам беради.

Шу билан боғлиқ ҳолда, банк молиявий натижалари таҳлилининг объекти, унинг тижорат фаолияти, субъекти эса бевосита банкнинг ўзи ҳисобланади.

Тижорат банки оладиган фойда, унинг банк бозоридаги кейинги мавқеини аниқлаш ва функционаллаштириш учун моддий асос ҳисобланади. Банк менежментининг вазифаси — фойданинг тушиб кетмаслигига йўл қўймаслик, чунки бу капитал етарлилигига ва банкнинг рақобатчилик даражасига таъсир қилади. Дивиденд ва солиқлар тўлангандан кейин қоладиган даромад ҳажми банк капиталини сақлаб қолишга ва керакли захираларни ташкил этишга етарли бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, фойда банк фаолиятининг натижаси ва ривожланишининг асоси, капиталга тегмай туриб, банк фаолиятида ишлатилиши мумкин бўлган маблағдир. Молиявий натижа ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган, иқтисодий фаолият натижасига ҳар томонлама комплекс баҳо берувчи ва содир

бўладиган иқтисодий жараёнларни ҳаққоний акс эттирувчи кўрсаткичдир.

10.2. Фоизли, фоизсиз ва бошқа операцион даромадлар ҳисоби

Банкларнинг даромадларини ҳисобга олишни тадқиқ қилишдан олдин банк даромадларининг таркиби ва унинг шаклланишини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тижорат банкларининг даромадлари ва уларнинг манбаларини банк фаолиятига қараб, яъни тижорат банклари амалга оширадиган операциялар нуқтаи назаридан туркумлаш мумкин[39]. Тижорат банкларининг даромади банк фаолиятининг кредит бериш, дисконт фаолияти, траст (ишонч) хизмати кўрсатиш, банкларнинг кафолатлаш фаолияти, қимматли қоғозлар билан операциялар, депозитларни қабул қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлиқ фаолият, бошқа банклар билан вакиллик муносабатларига асосланган фаолият, ноанъанавий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолият ва бошқа фаолият турлари натижасида шаклланади. Ушбу фаолиятларнинг ҳар бир тури банк ушбу операцияларда қандай вазиятда қатнашишига қараб ажралиб туради. Юқоридаги фаолият турларининг баъзилари актив операцияларга кирса, баъзилари эса пассив операцияларга киради. Даромадлар ҳар бир фаолият туридан турлича келиши мумкин. Актив операциялардан келадиган даромад умумий даромадларнинг асосий салмоғини ташкил этади.

Кредитлаш операциялари воситасида даромадларнинг шаклланишини икки таркибий элементга бўлиш мумкин: мижозларга, яъни юридик ва жисмоний шахсларга кредит бериш; бўш захира маблағларини фоиз ҳисобига бошқа тижорат банкларига вақтинчалик фойдаланишга бериш. Кредит беришнинг иккинчи тури банклараро кредит ёки бошқа банкдаги муддатли депозит шаклида ҳам бўлиши мумкин. Кредит бериш фаолиятнинг ривожланиш шартлари бўлиб, кредит муассасалари орасида маълумот айирбошлашнинг яхши йўлга қўйилганлиги, воситаларнинг мавжудлиги, яъни банк бозорида ресурсларни қайта тақсимлаш билан шуғулланувчи воситачиларнинг борлиги ҳамда вакиллик ҳисобварақларини малакали бошқариш ҳисобланади.

---

[39] Камышанов П.И., Камышанов А.П. Бухгалтерская финансовая отчётность: составление и анализ. – 5-е издание. – М.: Омега-Л, 2006. – 96 с.

Ҳозирги кунда Республикамиз банк тизимида мижозларни ҳамда бошқа банкларни кредитлаш тижорат банклари даромадининг асосий қисмини ташкил этади. Кўпгина банклар қисқа ва узоқ муддатларга мавжуд маблағларини кредитга бериб, турлича фоиз ставкалар ўрнатган ҳолда даромад оладилар. Ҳар бир банк фоиз ставкаларини ўз кредит сиёсатига мос равишда белгилайди ва бу ставкалар бир-биридан фарқланиши мумкин. Бироқ орадаги фарқ унчалик катта эмас, чунки барча банклар ўз фоиз ставкаларини Марказий банк белгилаб берган мажбурий захира ставкасига мос ҳолда белгилайдилар.

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар банк тизимида кредитлашнинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, улар қай мақсадга йўналтирилганлигига қараб, гуруҳланади.

Хусусан, ипотека, ломбард, овердрафт, контокоррент, истеъмол ва бошқа кўпгина кредит турларини санаб ўтиш мумкин. Бироқ бизда кўп ҳолларда одатдаги қисқа ва узоқ муддатга кредитлаш қўлланилади. Кўпгина кредит турларининг амалиётда йўқлиги ҳали иқтисодий тизимнинг мукаммал ривожланмаганлигидан, капитал айланишининг сустлиги, кредитлаш билан боғлиқ кўпгина хатарлар мавжудлиги каби омиллар туфайлидир.

Дисконт - фаолиятнинг банк томонидан тўланмаган векселлар, чеклар ва талабномаларни маълум чегирма-дисконт эвазига ҳарид қилишдир.[40] Шунингдек, дисконт - фаолиятнинг асосий турларидан бири бўлиб, банкнинг факторинг операциялари ҳисобланади. Факторинг операциялари икки хил бўлади: регресс ҳуқуқи билан; регресс ҳуқуқисиз.

Биринчи ҳолатда банк тўловчи томонидан қопланмаган мажбуриятни мол етказиб берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Иккинчи ҳолатда эса банкда бу ҳуқуқ йўқ шу боис хатар юқори ва шунга яраша фоиз ҳам юқори қўйилади. Банк томонидан факторинг операцияси учун олинадиган фоизлар, яъни мукофот икки қисмдан ташкил топади, булар:

1) тўлов амалга оширилгунга қадар банк кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун фоизлар;

2) факторинг операциясининг турига мос равишда бўладиган хатарлар билан боғлиқ ўрнатиладиган комиссион мукофот.

Даромад манбаининг ушбу тури фоизли даромадлар гуруҳига киради. Траст (ишончлилик) ва вакиллик операциялари бўйича

40 Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб.пос. - М.: Ф и С, 2004. - 153 с.

банк фаолиятининг ушбу тури банкка даромадни мижоз мулкини бошқариш ёки ушбу мулкка доир айрим махсус топшириқларни бажариш орқали комиссион тўловлар шаклида келтиради. Траст шартномаларида банк келишувга мувофиқ тарзда мижозга мулкларни бошқариш эвазига маълум фоиз ваъда қилади. Вакиллик, яъни агентлик хизмат турида банк ва мижоз орасидаги операциянинг аниқ тури белгилаб берилган бўлади. Траст операцияларида ҳам ўзига яраша мураккаблик мавжуд.

Хусусан, жорий йилда мижоз мулкидан фойдаланиш эвазига келган даромад келишувга нисбатан паст бўлиши мумкин, бунда эса зарар банк томонидан қопланиши керак. Шу боис, траст хизматлари учун комиссион тўловлар ҳам юқорироқ бўлади. Юқоридаги хусусиятга кўра, траст хизмати учун комиссион тўлов ҳам қуйидаги элементлардан ташкил топган: мулкни бошқариш учун олинадиган ўзгарувчан тўлов; траст иши бўйича натижаларга мос равишда банк оладиган қайд этилувчи комиссион мукофот.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялари ҳам банкка маълум даромад келтиради. Фаолиятнинг ушбу тури икки қисмдан ташкил топади. Яъни, буларга: банкнинг ўзи томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши ва уларнинг бозорда сотилиши; бошқа эмитентлар қимматли қоғозлари билан боғлиқ иккиламчи бозордаги операциялар ҳамда корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш билан боғлиқ хизматлар киради. Банкнинг тижоратнинг ушбу туридан оладиган даромади ўзи чиқарган ва бошқа эмитентларнинг акциялари курсидаги фарқланиш ва хусусийлаштириш учун оладиган хизмат тўловларидан ташкил топади.

Чет эл банк тизимида қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар даромад манбалари орасида катта салмоққа эгадир. Бунга асосий сабаб, сармоя бозорларининг мукаммал ва тўлиқ фаолият юритиши ҳамда капитал айланиши механизмларининг пухта ишлаб чиқилганлиги деб қараш мумкин. Афсуски, ўзимизда иккиламчи бозор амалда қарийиб фаолият юритмайди. Эндигина ҚМДО ва баъзи қимматли қоғозларнинг турлари бўйича операциялар амалга оширила бошланди. Бироқ ҳали мукаммал фаолият кўрсатишга етишиш учун кўп вақт керак бўлади.

Қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар ёрдамида банклар инвестицион фаолиятни амалга оширишлари мумкин бўлади. Бу эса банклар учун даромадларнинг янги манбаларини

кашф этади. Ундан ташқари, маблағларнинг қимматли қоғозлар орқали молиявий инвестиция эвазига ишлаб чиқаришга йўналтирилиши иқтисодиёт ўсишининг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларнинг мамлакатимизда яхши ривожланмаганлигига банклар ихтиёридаги маблағларнинг етарлича бўлмаслиги ва оқибатда акция, облигациялар сотиб олишга йўналтирилмаслиги ҳам сабаб бўлади. Маблағ мавжуд бўлганда ҳам акциялардан келадиган даромад жуда пастлиги ва кўпгина эмитентлар хўжалик фаолиятининг ишончсизлиги ҳам бу соҳанинг етарли ишламаслигига олиб келади.

Банкнинг кафиллик фаолияти банкка пул шаклида даромад келтиради. Банк мижозларга кредитлар олиш учун ёки ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун турли хил кафиллик ва кафолатномалар беради ва эвазига пул шаклида комиссион мукофот олади. Баъзи ҳолларда мижоз учун кафиллик банк томонидан обрўни ошириш каби мақсадлар учун ҳам берилади.

Маблағларни депозитларга жалб қилиш ва уларнинг ҳисобини юритиш билан боғлик фаолият бўйича операциялар қуйидаги шаклларда даромад келтириш имконини беради:

1) комиссион тўловлар: ҳисобварақ очиш учун; ҳисобварақ юритиш учун;

2) маълум давр учун ўзгарувчан тўловлар;

3) айланма комиссион ҳақ (айланмадан % шаклида); ҳисобварақда бўлган операциялар ҳақида кўчирма; ҳисобварақни ёпиш; нақд пул бериш ёки ҳисоб-китоб бўйича операцияларни амалга ошириш. Банкларнинг даромадлари юқоридаги фаолият турларининг барчасидан ёки бир қисмидан ташкил топиши мумкин.

Республикамиз банк тизимида юридик ва жисмоний шахслар маблағларини банклар томонидан депозитларга жалб қилиш банк хизматлари орасида энг кўп тарқалган. Ҳозир барча юридик шахслар ҳисобварақлари банкларда талаб қилиб олингунча депозит шаклида бўлиб, банклар уларни юритиш билан даромад оладилар. Яъни ҳар бир операция эвазига банк қайд қилинган фоизларни ушлаб қолади ва шундан даромад кўради. Банкнинг ноанъанавий хизматларидан даромад лизинг операциялари, ахборот, маслаҳат хизматларини кўрсатиш орқали келади.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, банк даромадларини

шаклига кўра қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин: фоизли даромад; кўрсатилган хизматлар учун комиссион тўлов; бошқа даромадлар — валюта курсларидаги фарқлар, баланс ва бозор нархларининг фарқланиши ва бошқалар.

Тижорат банкларининг янги қабул қилинган бухгалтерия ҳисобварақлари режасини қараб чиқадиган бўлсак, бу ерда даромадлар қуйидагича таснифланади.



7-расм. **Тижорат банкларида даромадларнинг таркибланиши**

Тижорат банкининг фоизли даромадлари 2018 йилда 351617 млн. сўмни ташкил қилган. Унинг асосий қисмини, яъни 340212 млн. сўмни кредитлар бўйича фоиз даромади ташкил этади. Бу банк фоизли даромадининг 97 % ни ташкил қилади. Қолган фоизли даромадлар: ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоиз даромади 2 % ни, молиявий ижара бўйича фоиз даромади 1 %ни ташкил қилади. Банкнинг асосий фаолияти мижозларни кредитлашга йўналтирилганлигини кўриш мумкин. Лекин банкнинг молиявий бозордаги фаолияти анча сустлиги кўриниб турибди. Банк ушбу йўналишдаги фаолиятини ривожлантирса, мақсадга мувофиқ бўлади.

15-жадвал

Тижорат банкининг фоизли даромадлари таркиби

№	Кўрсаткичлар	2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2018 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши	
		млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%
1	Кредитлар бўйича фоизли даромад	164220	92	188114	94	297819	96	340212	97	175992	5
2	ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромад	9442	5	6464	3	7485	2	7272	2	-2170	-3
3	Молиявий ижара	5629	3	5969	3	5094	2	4133	1	-1496	-2

	бўйича фоизли даромад										
4	Олиш ва сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоиз даромади - савдо қоғозлари	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
5	Олиш ва сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар бўйича фоиз даромади - носавдо қоғозлари	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар бўйича фоиз даромади	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
7	Сўндирилгунча ушлаб туриладиган инвестициялар бўйича фоиз даромади	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
8	Тескари РЕПО битими бўйича фоиз даромади	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Бошқа фоиз даромадлари	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Жами фоизли даромад	179291	100	200547	100	310398	100	351617	100	172326	0

Бунинг асосий сабаби шундаки, банкда фоизли даромад келтирадиган бошқа операциялар ривожланмаган. Масалан, ривожланган давлатларнинг банк амалиётида тижорат банклари фоизли даромадларининг таркибида кредитлардан кейинги ўринни қимматли қоғозлардан олинадиган фоизлар эгаллайди. Уларнинг фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғи 20-25 фоизни эгаллайди. АҚШ ва Япониянинг йирик тижорат банкларида кредитлардан олинган фоизларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғи 60 фоиздан ошади.

Банклар томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар Франция тижорат банкларида 16,2 фоизни, Германияда-15,5 %, Италияда-23,8 %, Буюк Британияда-7,8 %, Испанияда-23,8 %, АҚШда-2,2 %, Белгияда-6,4 %, Японияда-10,2 фоизни ташкил қилади[41]. Демак, қимматли қоғозларга қилинган

[41] Под ред. Проф.О.И.Лаврушина. Банковское дело. –М.: ФиС, 2002 г. –с.94

инвестицияларнинг юқори салмоғи Испания ва Италияда кузатилади. Нисбатан жуда паст салмоқ Белгия, Буюк Британия тижорат банкларига хосдир.

Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган қўйилмаларнинг банк активлари умумий ҳажмидаги салмоғи Испания тижорат банкларида 10,2 фоизни, Франция тижорат банкларида 9,4 фоизни, Италия тижорат банкларида 5,3 фоизни, АҚШ тижорат банкларида эса, 18 фоизни ташкил этади. Векселлар билан боғлиқ операцияларнинг юқори салмоғи Испания (12,8%), Италия (5,8%) Белгия (4,7%), тижорат банкларида кузатилади. Ҳиссали иштирок шаклидаги инвестицияларнинг банк активлари ҳажмидаги юқори салмоғи Германия тижорат банкларида кузатилади (4,0%)[42].

Тижорат банкларида даромадларни ҳисобга олиш учун "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси"да келтирилган бир қанча ҳисобварақлардан фойдаланилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк операцияларини ҳисобга олиш бўйича чиқарилган меъёрий ҳужжатлар асосида иш олиб борилади.

Тижорат банклари юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз ишчи ҳисобварақлари режасини ишлаб чиқади ва шу асосида ўзларида амалга оширилаётган операциялар бўйича олинаётган ҳар бир даромад ва қилинаётган ҳаражат моддасига шахсий ҳисобварақлар очади, зарур бўлганда, қўшимча журнал ҳисоби ва реестрлар юритилиши мумкин.

Ҳисобварақлар режасидаги "Даромадлар" бўлимидаги ҳисобварақлар банк ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Шунинг учун тижорат банклари Марказий банк талаблари ва ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисобварақларда аналитик ҳисобни қандай юритишни ўзлари белгилайдилар.

Банк даромадларининг аналитик ҳисоби банк фаолиятини бошқариш ва солиққа тортиш тартибини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Барча хўжалик субъектлари қатори тижорат банкларида ҳам молиявий натижалар шаклланиш жараёнининг бошланғич бўғини даромаддир. Шу нуқтаи назардан даромаднинг таркиби ва шаклланиш тартиби уни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Даромаднинг таркиби ва

[42]M.Zantov. Kredit Policy.RBTC. Tashkent. 1998. –p.18.

шаклланиш тартиби тармоқ хусусиятига кўра турли хил хўжалик субъектлари, шу жумладан, тижорат банкларида ўзига хосдир.

Тижорат банкларида даромадларни ҳисобга олиш бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида бошланади. Бунда уларни ҳисобга олиш жараёни уларни тан олишдан бошланишини биз юқорида кўрдик. Даромадлар тан олингандан кейин улар ундирилади ёки ундирилмай қолади. Ундирилмай қолган даромад банкка икки марта зарар олиб келади, сабаби қилинган ҳаражат қопланмай қолинади ва олинмаган маблағга нисбатан солиқ тўланади. Шу сабабли ҳам банк даромадлари, ҳаражатлари ва фойдаси ҳисобини тўғри ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Банк даромадларини ҳисобга олишни ҳар бир банк операцияси бўйича алоҳида кўриб чиқсак.

Аввало, юқори даромад келтирувчи кредит ва инвестиция операцияларида даромадларни ҳисобга олиш тартибини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Кредитлар бўйича даромадлар асосан, фоиз ва комиссион ҳақ кўринишида бўлади. Кредит бўйича олинадиган даромадлар мижоз билан тузилган кредит шартномасига асосан белгиланган муддатларда олинади.

Кредит бўйича фоизлар одатда ҳар куни йиллик базавий давр - 365 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб, ёзилади. Шунингдек кредитларнинг муайян турлари бўйича 360 кун базавий давр қилиб белгиланган. Кредит бўйича фоизлар қуйидаги формулага биноан ҳисобланади:

$$\text{Фоиз суммаси} = \frac{\textit{Кредит қолдиғи х фоиз ставкаси х амалдаги кунлар сони}}{\textit{365x100\%}}$$

Шу ўринда, базавий давр барча кредитлар учун 365 кун қилиб белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Сабаби, фоизлар ҳар куни ҳисобланади, шу сабабли жалб қилинган маблағларга тўланаётган фоизлар ва ушбу маблағларни жойлаштириш бўйича олинадиган фоизлар суммаси ўртасида номутаносиблик юзага келиши мумкин.

Кредитлар бўйича фоизларни ҳисоб-китоб қилишда асосий эътиборни мижоз билан тузилган кредит шартномасига қаратиш лозим. Унга кўра, кредитнинг ҳақиқатда фойданилган кунлардаги қолдиқ суммаси бўйича фоизлар ҳисобланиши ва ундирилиши керак.

Банкда кредит бўйича ҳисобланган фоизлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

Дт-16309 "Кредитлар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар"-15.000.000;

Кт-41400-44700 "Кредитлар бўйича фоизли даромадлар – 15.000.000 ".

Кредит бўйича фоиз суммаси келиб тушганда, тўлов турига қараб қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс эттирилади:

Дт-10101 "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг ҳисобварағи – 15.000.000;

Кт-16309 "Кредитлар бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар"-15.000.000.

Ҳозирги кунда банк амалиётида кредит фоизи билан бирга кредит бериш бўйича комиссион ҳақлар ҳам фоизли даромадлар таркибига киритилмоқда. Яъни банк кредит бериш мажбуриятини олганда мижоз унга комиссион ҳақ тўлайди. Бу тўлов кредитнинг амал қилиш муддати давомида тақсимланади.

Кредит бериш юзасидан олинаётган комиссион ҳақ банкнинг куйидаги кўринишдаги ҳаражатларини қоплайди: мижознинг кредитга лаёқатлилиги ва инвестицион лойиҳалар қопланишининг баҳоланиши, гаров ва бошқа таъминотларни ташкил этиш ҳаражатлари, ҳужжатларни тайёрлаш ва қайта ишлаш ҳаражатлари ва бошқа кредит бериш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар. Бундай комиссион тўловлар кредит муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади, шунинг учун ҳам уларга муддати узайтирилган даромадлар сифатида қаралади ва ҳақиқий даромаднинг корректировкаси сифатида тан олинади. Банкда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет-Мижознинг депозит ҳисобварағи – 22.500.000

Кредит-22896 -Бошқа муддати узайтирилган даромадлар – 22.500.000

Ҳар ойда берилган кредит фоизи билан бирга комиссион ҳақ ҳам даромад ҳисобварағига ўтказилади, яъни:

Дебет-22896- Бошқа муддати узайтирилган даромадлар – 22.500.000

Кредит-41400-44600 - Кредитлар бўйича фоизли даромадлар – 22.500.000

Кредит бериш муддати яқинлашиб, кредит сўралмаса, олинган комиссион ҳақ муддати етиб келингандан сўнг тан олинади ва қуйидаги ўтказма бўйича расмийлаштирилади:

Дебет-22896 - Бошқа муддати узайтирилган даромадлар-22.500.000

Кредит-45237 - Кредит мажбуриятлари бўйича кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар -22.500.000

Агар кредит бўйича шартномада кўрсатилган фоиздан юқорироқ миқдорда ҳақ тўланадиган бўлса, у ҳолда бу комиссион ҳақ кредит муддати давомида тўланиши ва ҳақиқий даромад котировкаси сифатида тан олиши ва муддати узайтирилиши керак.

Тижорат банкларининг фоизли даромадлари ичида кредит операцияларидан кейинги ўринда турадиган операциялардан бири бу қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлардир. Қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларни фоиз, дисконт, курс ўртасидаги фарқ ва бошқа кўринишдаги даромадларга бўлиш мумкин.

Банк сотиб олган қимматли қоғозларини мақсадларига қараб олди-сотди қимматли қоғозларига, сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар,сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар ва инвестиция қимматли қоғозларига бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида улардан олинган даромадларни ҳисобга олиш учун бир қанча ҳисобварақлар очилади.

“Активлар” бўлимига тегишли бўлган ҳисобварақларда молиявий активлар бўйича даромадлар ҳисобланади ва “Даромадлар” бўлимига тегишли бўлган ҳисобварақларда улар тан олинади.

Молиявий активлар бўйича фоизлар ҳисобланганда ТИФ “Миллийбанки”да қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет-1хххх Олиш учун ҳисобланган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи – 10.000.000

Кредит-4 хххх Фоизли даромадларнинг тегишли ҳисобварағи-10.000.000

Ҳисобланган фоизлар олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет-10101 “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёхуд мижознинг депозит ҳисобварағи-10.000.000

Кредит-1хххх Олиш учун ҳисобланган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи-10.000.000

Дисконт реал фоиз ставкаси методини қўллаш орқали амортизацияланади, шартнома бўйича олиниши лозим бўлган фоизлар ҳар ойда ҳисоблаб борилади.

Қимматли қоғозлар бўйича дисконт олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет – 163хх - Қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар-5.000.000

Кредит – 1хххх - Қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив).-5.000.000.

Молиявий активлар бўйича дисконт белгиланган муддатларда амортизацияланади ва даромад таркибига ўтказилиб, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда ўз аксини топади ва ушбу операция бўйича бухгалтерия ўтказмаси қуйидагича амалга оширилади:

Дебет – 1хххх – Қимматли қоғозлар бўйича дисконт-500.000

Кредит – 4хххх - Қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар-500.000

Биз фақат банкнинг асосий фоизли даромадлари ҳисобланган кредит ва қимматли қоғозлар бўйича даромадларни ҳисобини кўриб чиқдик.

Хулоса қилиб айтганда, банк даромадлари таркиби банк томонидан амалга оширилаётган операцияларга боғлиқ бўлади. Банк фоизли даромадлари ичида кредит операцияларидан олинган даромадлар салмоғи кўп.

Тижорат банклари фоизсиз бўлган хизматлар кўрсатишдан олинган ёндош фаолият даромадлари, яъни ноанъанавий банк хизматларидан даромадлар манбаи чет эл валютасидаги операциялар, қимматли коғозлар билан операциялар, лизинг ва факторинг операциялари, банкларнинг кафолатлаш фаолияти, траст (ишонч) хизмати кўрсатиш, консалтинг хизматлари ва бошқа фаолият юритиш давомида амалга оширадиган операциялари ҳисобланади.

16-жадвал

Тижорат банкининг фоизсиз даромадлари таркиби

№	Кўрсаткичлар	2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2018 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши	
		млн. сўм	% да	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да	млн. сўм	% да
1	Соф воситачилик даромади.	85014	52	96247	45	120506	38	147443	36	62429	-16
2	Валюта операцияларидан тушган фойда (зарар)	44221	27	38423	18	64681	21	85055	21	40834	-6
3	савдо операцияларидан тушган фойда (зарар)	17753	11	11715	5	12473	4	15569	4	-2184	-7
4	Девидендлар тарзидаги даромад	1527	1	3178	1	4775	2	1142	0	-385	-1
5	Тобе хўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналардан фойда(зарар)	566	0	1075	0	1599	1	-155	0	-721	0
6	Бошқа операцион даромад	5740	4	54235	25	106033	34	125412	31	119672	27
7	Бошқа даромадлар	8902	5	10503	5	3660	1	31780	8	22878	2
8	Жами фоизсиз даромадлар	163723	100	215376	100	313727	100	406246	100	242523	0

Ушбу жадвалдан кўринадики, фоизсиз даромаднинг асосий қисмини воситачилик ва хизматлар учун ҳақ тўлашдан олинган даромад ташкил қилади. 2018 йилда у 147443 млн. сўмни, яъни фоизсиз даромадлар таркибида 36 %ни ташкил қилган. Қолган фоизсиз даромадларни валюта операцияларидан кўрилган фойда (21 %) ва бошқа операцион даромадлар (31 %) ташкил қилади. Воситачилик даромадлари 2017 йилда 2014 йилга нисбатан 62429 млн. сўмга кўпайган бўлсада, жами даромаддаги улуши 16 фоизга камайган, валюта операцияларидан тушган фойда ҳам 6 фоизга камайган. Лекин бошқа операцион даромадлар 27 фоизга кўпайган.

Фоизсиз даромадлар қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олиб борилади:

45200 – “Фоизсиз даромадлар”;

45400 – “Хорижий валюталардан фойда”;

45600 – “Тижорат операцияларидан олинган фойда”;

45700 – “Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан олинган фойда ва дивидендлар”;

45800 – “Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар”;

45900 – “Бошқа фоизсиз даромадлар”.

Банкнинг фоизсиз даромадларига юқорида кўрганимиздек, комиссион даромадлар, чет эл валютасидаги фойда, тижорат операцияларидан олинган фойда, инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар ҳамда бошқа фоизсиз даромадлар киради.

Тижорат банклари фоизсиз даромадлари таркибида энг кўп улушга эга бўлган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ҳисобга олишда улар аввало тан олинади ва шундан сўнг даромадлар ҳисобварағига ўтказилади. Масалан, банк мижознинг тўлов ҳужжатлари бўйича 1000000,00 сўмни ўтказиб берди, банк ҳисобварағи шартномасига асосан дебет айланмаси бўйича 0,5 фоиз миқдорида хизмат ҳақи келишган бўлса, унинг олган фоизсиз даромади 5000,00 сўмни ташкил этади. Ушбу тўлов шартнома шартларига асосан кейинги иш кунида ёки шартномада белгиланган муддатда мижоз ҳисобварағидан тўлаб берилади.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилиши лозим:

Дебет-16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар» - 5000,00 сўм;

Кредит-45249 – «Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар» - 5000,00 сўм.

Ҳисобланган даромад ундирилганда эса:

Дебет-Мижознинг ҳисобварағи-5000,00 сўм;

Кредит-16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар» - 5000,00 сўм.

Ҳозир кўпчилик тижорат банклари фоизсиз даромадларни ундиришда мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлса, тўғридан–тўғри даромад ҳисобварарағига кирим қилинаяпти, яъни:

Дебет-Мижознинг ҳисобварағи - 5000,00 сўм;

Кредит-45249 – «Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар» - 5000,00 сўм.

Агар мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлмаса, юқорида келтирилган бухгалтерия ўтказмаси орқали даромад ҳисобга олиниб, маблағ келиб тушиши билан ундириб олинаяпти.

Банклар қимматли қоғозлар бозорининг фаол иштирокчилари сифатида инвестицион, олди–сотди операцияларини ривожлантириб келмоқда. Бунинг натижасида ўз даромадлари таркибини кенгайтирмоқда.

Банк ихтиёрида бўлган қимматли қоғозлар бўйича эмитентлар томонидан эълон қилинган дивидендлар ҳисобга олинганда:

Дебет-19939 – «Олинадиган дивидендлар»-2000.000;

Кредит-45800 – «Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар».

Бухгалтерия ўтказмаси келтирилади-2000.000.

Эълон қилинган дивидендлар пул кўринишида олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет-банк вакиллик ҳисобварағи ёки эмитент ҳисобварағи-2000.000;

Кредит-19939 – «Олинадиган дивидендлар»-2000.000.

Банк молиявий активларини сотиш натижасида ёки ҳисобдан чиқаришда ижобий ёки салбий натижага эришиши мумкин. Агар ижобий натижа, яъни фойда олса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет-Кассадаги нақд пуллар, мижознинг ҳисобварағи ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи – 2000.000;

Кредит-4хххх Қимматли қоғозларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда-2000.000

10.3. Банк фойдаси ва уни ҳисобга олиш тартиби

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект шу жумладан, тижорат банклари ҳам ўз фаолиятини фойда олиш мақсадида олиб боради. Банклар ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти қонуниятларига амал қилиб, банклараро рақобатнинг кучайиб бориши шароитида ҳар бир мижоз учун кураш олиб борган ҳолда, янги банк хизматлари бозорида ютиб чиқишга ҳаракат қилади. Тижорат банклари банк хизматлари бозорида кредит, касса, ҳисоб–китоб, валюта, воситачилик, маслаҳатчилик, траст ва бошқа банк операцияларини амалга ошириб, улардан даромад олишга интилади. Олинган даромад ҳар доим ҳам қилинган ҳаражатларни қопламайди, бу фаолият натижаси зарар билан чиққанлигини англатади. Бу кўпчилик ҳолатларда банк фаолиятида маълум бир қийинчиликларни юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан тижорат банки фаолияти зарар билан чиқиш сабабларни ўрганиш, унинг аниқ суммаларини тўғри ҳисоб–китоб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Банк фаолиятини таҳлил қилиш, бошқариш ва режалаштиришда банк фаолиятининг молиявий натижасини ижобий бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинади. Шундай бўлсада банк фаолияти натижаси салбий бўлиши ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш, унинг оқибатларини тўғирлаш учун қандай чора–тадбирлар амалга оширилиши кераклиги аниқланиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, банк фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган фойда банк асосий фондларининг янгиланиши ва кўпайиши асоси, ўз капиталининг кўпайиши, банкнинг тўловга лаёқатлилиги ва ликвидлилигини таъминлаши, молиявий барқарорлиги, дивиденд тўлаш имконияти, банк хизматлари сифатини ошириш ва ривожлантиришга замин яратади. Шунинг учун ҳам, якуний молиявий натижалар ҳисобини тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида кўрганимиздек, банкларда молиявий натижалар ҳисоби унинг шаклланиши ва тақсимланиши жараёнини ҳисобга олиб боради. Молиявий натижаларнинг шаклланиши банк операцияларини амалга ошириш натижасида юзага келаётган даромад ва ҳаражатларни ҳисобга олишдан бошланади. Банк даромади ва ҳаражатларини ўзаро солиштириш орқали банкнинг қандай якуний натижага эришилгани кўринади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банкда якуний молиявий натижа ҳисобот йилининг оҳирида ўсиб бориш тартибида даромадлар ва ҳаражатлар ҳисобварақларини ёпиш орқали аниқланади.

Банкларда икки хил: тақсимланмаган фойда ва жорий йил соф фойдаси фарқланади. Буларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасининг «Капитал» бўлимида 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)», 31206 – «Соф фойда (зарар)» баланс ҳисобварақларидан фойдаланилади. Иккала ҳисобварақ ҳам мазмун жиҳатидан актив–пассив ҳисобварақдир, уларнинг дебетида ҳам, кредитида ҳам қолдиқ ҳосил бўлиши мумкин.

Ҳисобварақнинг дебетида қолдиқ ҳосил бўлганда банк фаолияти зарар билан якунланади, кредитда қолдиқ ҳосил бўлса, банк фойда кўрган бўлади.

Жорий йил соф фойдасини ҳисобга олиш учун 31206 – «Соф фойда (зарар)» баланс ҳисобварағидан фойдаланилади, унинг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда, нотўғри

эълон қилинган ва қайтарилган дивидендлар ҳамда «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағига ўтказиладиган зарарлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида эса, тўланадиган дивидендлар, захира капиталига ўтказиладиган сумма, ҳисобот йилида кўрилган зарар ҳамда «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағига ўтказиладиган фойда суммаси акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб соф фойда ва дивидендлар ҳисоби бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Масалан, «А» банк 2017 йил якунида 42100 млн. сўм даромад олди ва 38240 млн. сўм ҳаражат қилди. Банкнинг даромадлар ва ҳаражатлар ҳисобварақлари ҳисобот йили оҳирида ёпилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари бажарилади:

Дебет-40000 Даромадлар-42100 млн. сўм;

Кредит-31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив)»-42100 млн. сўм.

ҳамда

Дебет-31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив)»-38240 млн. сўм;

Кредит-50000 Ҳаражатлар-38240 млн. сўм.

Бундан кўриниб турибдики банкнинг жорий йил соф фойдаси 42100 – 38240 = 3860 млн. сўмни ташкил этди.

Банк фойдасини тақсимлаш меъёрий ҳужжатлар ҳамда банк таъсис ҳужжатларига асосан ўтказилади. Бунда банк фойдасидан турли хил захира фондлари, махсус фондлар яратилади, дивидендлар, солиқлар тўланади, шунингдек, банк таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган мақсадлар учун фойдаланилади.

Банк томонидан ҳисобот йилида олинган фойдасининг тақсимланмай қолган қисми ёки кўрган зарари 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив–пассив)» баланс ҳисобварағидан 31203 – «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (актив–пассив)» ҳисобварағига ўтказилади. Ушбу ҳисобварақда жорий ва ўтган йилларда тақсимланмай қолган фойда (зарар), ҳар хил фондлар учун ажратмалар, эълон қилинган дивидендлар суммаси ва банк фойдаси ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора–тадбирлар суммаси акс эттирилади. Юқорида кўриб ўтилган ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

Тижорат банклари фойдаси миқдорига ташқи ва ички омиллар каби кўп омиллар таъсир қилиши мумкин.

Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: чет эл валютаси курсиннг ўзгариши, Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг ўзгариши, мажбурий захиралар катталиги, солиқ қонунчиликлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлиликнинг ўзгариши, мамлакатдаги сиёсий аҳвол, банк хизматлари бозоридаги рақобат ва бошқалар. Тижорат банклари фойдаси миқдорига боғлиқ бўлган ички омилларга энг аввало, банкнинг актив ва пассивларини бошқара олишини кўришимиз мумкин.

Тижорат банкларининг даромадига таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида куйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Тижорат банкларининг очиқ валюта позициялари миқдорининг ўзгариши.

Тижорат банкларида, ҳозирги вактда АҚШ доллари ҳисобида бир томонлама узун ёки қисқа позиция юзага келмоқда.

Мамлакатимиз банк амалиётида муддатли валюта операцияларини ва «своп» операцияларини ривожланмаганлиги тижорат банкларининг валюта позицияларини асосан «спот» операциялари ҳисобидан шаклланишига сабаб бўлмоқда.

Тижорат банкларининг маълум бир валютада қисқа позицияга эга бўлиши, кейинги иш кунидан бошлаб ушбу валюта алмашув курсининг кўтарилиши ёки пасайиши, унинг балансида йирик миқдорда зарар суммаси юзага келишига сабаб бўлади. Бу эса, пировард натижада, банкнинг жорий йил фойдаси суммасини сезиларли даражада камайишига олиб келади.

2. Тижорат банклари хорижий валютадаги депозитларининг миқдори ва сифатининг ўзгариши. Тижорат банклари фойдасининг ҳажмига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири уларнинг хорижий валютадаги депозитлари таркиби ва динамикасининг ўзгаришидир.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг етакчи тижорат банклари ўзларининг хорижий валюталардаги бўш маблағларини халқаро молия бозорларида жойлашган нуфузли тижорат банкларининг муддатли депозит ҳисобварақларига жойлаштирмоқдалар. Улар валюта маблағларини кўпроқ Лондон кредит капиталлари бозоридаги банкларга амалдаги LIBOR ставкалари бўйича жойлаштирмоқдалар.

Айни вақтда, хорижий валютадаги жамғарма депозитларининг депозитлар умумий ҳажмида кичик салмоққа эга эканлиги ва улар

салмоғининг пасайиш тенденцияси кузатилаётганлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолат, аввало, банкнинг аҳолининг вақтинчалик бўш валюта маблағларини жалб қилиш борасидаги фаолияти сустлигидан далолат беради. Фикримизча, бунинг асосий сабабларидан бири, жамғарма депозитларига тўланаётган фоиз ставкаларининг пастлигидир. Масалан, ҳозирги вақтда жамғарма депозитларига тўланаётган депозитларнинг юқори ставкаси 12 фоизни ташкил этади. Ривожланган хорижий давлатлар амалиёти нуқтаи назаридан бу нормал ставка ҳисобланади. Лекин хорижий валюталарга талаб юқори бўлган иқтисодиёт шароитида бу ставка сезиларли даражада пастдир.

Банкнинг валюта — кредит муносабатларини ривожлантиришда «Ностро» вакиллик хисобварақлари қолдиқларининг барқарорлигини таъминлаш муҳим роль ўйнайди.

Таҳлил натижаларидан кўринадики, банкнинг миллий валютадаги вакиллик ҳисобварағининг қолдиғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур қолдиқнинг бундай юқори суръатларда ўсиши банк ресурсларини самарали жойлаштиришда сезиларли муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Банкнинг хорижий валюталардаги «Ностро» вакиллик ҳисобварақлари қолдиғининг кескин суръатларда пасайишини салбий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Чунки бу ҳолат, аввало, банк ва унинг мижозларини хорижий валютадаги операциялари ҳажмини сезиларли даражада қисқараётганлигидан далолат беради.

3. Тижорат банкларининг мижозларга кўрсатадиган хизматларидан олинадиган даромадлар ҳажмининг ўзгариши банкларнинг мижозларга кўрсатадиган хизматларидан оладиган комиссион даромад миқдори мижозлар сонининг ошишига, комиссион тўлов ставкаларининг ўзгаришига ва кўрсатиладиган хизматлар турининг ошишига боғлиқ.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётидан кўринишича тижорат банклари мижозларга ҳисоб — китоб хизмати кўрсатишдан юқори даромад оладилар. Бунда, айниқса, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар қўйиш, кафолатлар бериш, мижозлар билан форвард валюта операцияларини амалга ошириш каби хизматлардан даромад юқори бўлади.

Республикамизнинг йирик тижорат банкларида, ҳозирги вақтда, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар қўйиш, кафолатлар бериш ва форвард трансакцияларини амалга ошириш каби юқори

даромад келтирувчи хизмат турларидан фойдаланиш амалиёти ривожланмаган. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, республикамизда муддатли валюта операциялари ривожланмаганлиги сабабли банкларнинг форвард операциялари хажми жуда кичик. Иккинчидан, республикамиз банклари асосан таъминланган аккредитивлар қўйиш билан шуғулланмоқда.

Ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг асосий қисми республика-миз банклари орқали амалга оширилаётган импорт тўловлари билан боғлиқдир. Чунки тижорат банки учун экспорт бўйича ҳисоб — китобларни амалга ошириш сезиларли қийинчилик туғдирмайди, лекин импорт бўйича ҳисоб — китобларни амалга ошириш серташвиш ва юқори рискли фаолият тури ҳисобланади.

Кўпчилик ривожланаётган давлатларнинг тижорат банклари фаолиятида ҳужжатлаштирилган акредитивлардан юқори даромад олиш имконияти мавжуд эмас. Чунки бу мамлакатларнинг банклари аккредитив бўйича рискни ўз зиммасига ололмайди. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, улар томонидан қўйилган аккредитивлар хорижий банклар томонидан тан олинмайди. Натижада улар аккредитив суммасини хорижий банкларга олдиндан ўтказиб беришлари ёки алоҳида ҳисобварақда депонент қилишлари лозим;

иккинчидан, ушбу банклар таъминланмаган аккредитивлар очиш йўли билан юқори рискли активлар ҳажмини оширишни исташмайди. Шу сабабли, мазкур тижорат банклари аккредитив учун юқори ставкада комиссион тўлов ололмайдилар.

4. Тижорат банклари активларининг умумий таркибида даромад келтирмайдиган активлар салмоғининг ўзгариши

5. Республикамизнинг бир қатор йирик тижорат банкларида кассали активларни йирик миқдорда тўпланиб қолиш ҳоллари юз бермоқда.

Бизга маълумки, кассали активлар даромад келтирмайдиган ва паст даромадли банк активларидан иборатдир. Чунки уларнинг таркибига 4 актив тури киритилади:

- банкнинг айланма кассасидаги нақд пуллар;
- банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисобварағидаги пул маблағларининг қолдиғи;
- банкнинг бошқа тижорат банкларидаги «Ностро» вакиллик ҳисобварақларининг пул маблағлари қолдиғи;
- инкассация жараёнидаги пул маблағлари.

Кассали активларнинг дастлабки икки турини кўпчилик адабиётларда умуман даромад келтирмайдиган, учинчи ва тўртинчи тури эса жуда паст даромадли активлар ҳисоблананиши қайд этилади. Лекин ундай эмас. Ҳозирги кунда Ўзбекистон банк амалиётидан келиб чиқадиган бўлсак, тижорат банклари мижозларининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш учун банклар бошқа банклардан нақд пулларни маълум бир миқдордаги ҳақ тўлаш эвазига сотиб олишмоқда. Шунингдек, банкнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ҳам даромад келтиради. Сабаби, банклар ушбу маблағлардан мижозларга ҳисоб-китоб ҳизматини кўрсатишда фойдаланади.

Мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланиш боскичига кириб улгурмаган, банк тизимини ислоҳ қилиш тугалланмаган шароитда мижозларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўли билан банк тизимига бўлган ишончни таъминлаш Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай мамлакатларда Марказий банк тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини таъминлаш мақсадида директив ҳарактерга эга бўлган жорий ликвидлилик коэффициентини қўллайди.

Ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Австрия ва Японияда тижорат банкларига нисбатан бундай директив кўрсаткич қўлланилмайди. Шу сабабли, ушбу мамлакатлар банклари кассали активларни даромад келтирмайдиган активлар сифатида баҳолайдилар ва уларнинг қолдиқларини минималлаштирадилар.

Масалан, АҚШ тижорат банклари активларининг деярли 90 % даромад келтирадиган активлар ҳисобланади.

6. Тижорат банкларининг фоизли ва фоизсиз ҳаражатлари миқдорининг ўзгариши Тижорат банкларида фоизли ҳаражатлар ҳажмининг ошиши унинг молиявий аҳволига кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Бу ҳолат, аввало, соф фоизли даромад кўрсаткичини кескин пасайишида намоён бўлади.

Тижорат банклари депозит базасининг мустаҳкамланиши уларнинг кредит операциялари ҳажмининг ўсишига олиб келади.

Банкларараро бозорда рақобат муҳитининг ривожланиши тижорат банкларида фоиз маржасининг қисқаришига сабаб бўлади. Чунки бунда, банкка ресурсларни жалб қилиш юзасидан рақобат юзага келади.

Халқаро банк амалиётидан маълумки, банкларарo рақобат муҳитининг ривожланиши банкларнинг комиссион тўлов ставкаларининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун банклар барқарор даромад манбаи ҳисобланган фоизли даромадлар ҳажмини ошириш чораларини кўрадилар. Бунинг натижасида уларнинг кредитлаш ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялари ривожлантирилади.

Тижорат банкларининг даромадлари ҳажмига таъсир қиладиган омиллар кўп қиррали бўлиб, уларнинг таъсир механизмини чуқур таҳлил қилиш ва унинг салбий таъсирига барҳам бериш тадбирларини ишлаб чиқиш, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан, катта амалий аҳамият касб этади.

Тижорат банклари даромадларининг таркиби, уларни ҳисобга олиш тартиби: банк даромадини фоизли, фоизсиз даромадга бўлиб ўрганиш кераклиги таъкидланди.

10.4. Банкларда даромад ва ҳаражатлар ҳисобини МҲХС асосида такомиллаштириш

Тижорат банкларининг фоизли ва фоизсиз даромадларини таҳлил қилиш асосида уларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммоларнинг мавжудлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Республикамиз тижорат банкларининг тижорат қимматли қоғозлари билан амалга оширадиган операциялари ривожланмаганлиги.

Маълумотлар таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, республикамизда ривожланган хорижий давлатлар амалиётидан фарқли ўлароқ, фонд бозорларида кенг котировка қилинадиган бир қатор юқори ликвидли ва юқори даромадли қимматли қоғозлар мавжуд эмас. Бундай қимматли қоғозларга, хорижий валюталарда эмиссия қилинган ҳукуматнинг ўрта ва узоқ муддатга чиқарилган қимматли қоғозларини, ҳукумат томонидан тўлови кафолатланган корпоратив облигацияларни, тижорат банкларининг депозит сертификатларини, ҳосила воситаларини, субординациялашган қарз мажбуриятларини киритиш мумкин.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган операцияларини ривожлантириш йўлидаги муаммолардан яна бири республикамиз банк амалиётида хорижий валюталарда эмиссия қилинган тижорат векселлари билан боғлиқ фонд операцияларининг мавжуд эмаслигидир.

Халқаро банк амалиётида тижорат векселлари дебитор-кредитор қарздорликни қисқартириш, товарларнинг сотилиш жараёнини тезлаштириш, корхоналарнинг қўшимча пул маблағларига бўлган эхтиёжини кондириш ва тижорат банкларига юқори даромад келтиришнинг синалган ва муҳим воситаси ҳисобланади.

Афсуски, республикамизнинг хўжалик амалиётида тижорат векселларининг муомаласи мавжуд эмас. Бу эса, тижорат банкларига векселлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш имконини бермайди.

Ривожланган хорижий давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа давлатларининг банк амалиётида тижорат векселларидан тижорат банклари фаолиятида юқори даромад олиш ва банк ликвидлилигини таъминлаш воситаси сифатида фаол тарзда фойдаланилади. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, тижорат банкларининг балансидаги тижорат векселларининг маълум қисми Марказий банкда қайта ҳисобга олинади. Бундан ташқари, хорижий валюталарда ёзилган қимматли қоғозларнинг маълум қисми хорижий банкларда ҳисобга олинади ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг бир шакли ҳисобланади.

Ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларининг эмиссияси ҳажмининг нисбатан кичиклиги бу борадаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фақат қисқа муддатли облигациялари мавжуд бўлиб, уларнинг эмиссия ҳажми жуда кичик. Уларнинг тижорат банклари активлари ҳажмидаги салмоғи атиги 1 фоизни ташкил қилади.

Ҳукуматнинг хорижий валюталарда эмиссия қилинган қисқа муддатли облигацияларини сотиш хорижий валютадаги қисқа муддатли ресурсларни жалб қилиш имконини беради. Бу эса, хорижий валютадаги айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни кондириш имконини беради ва ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Ҳукумат қимматли қоғозларининг аукцион даромадлилик даражасини ва уларга қилинган қўйилмаларнинг реал қийматини пасайиш ҳоллари мавжудлиги ҳам тижорат банкларининг улар билан боғлиқ бўлган операциялари ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қисқа муддатли облигациялари 1996 йилнинг 26 мартида биринчи марта жойлаштирилганда, уларнинг аукцион даромадлилик даражаси 30 фоизни ташкил қилган эди. Ҳозирги вақтда эса аукцион даромадлилик даражаси 16-17 фоизни ташкил қилади.

Бундан ташқари, миллий валютанинг алмашув курси сезиларли даражада пасайиши қимматли қоғозларга қилинган қўйилмаларнинг ва улардан олинадиган даромадларнинг реал қиймати пасайишига олиб келади.

Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган қўйилмаларнинг реал қийматии пасайиши корхоналар, банклар ва фонд бозорининг бошқа иштирокчилари учун мазкур қимматли қоғозларнинг жозибадорлигини пасайтиради, бунинг натижасида Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг ҳажми кескин қисқаради. Бундан ташқари, республикамиз корхоналари ва тижорат банкларининг Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари билан амалга ошириладиган операцияларининг самарадорлик даражаси пасаяди.

Республикамизнинг йирик тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг ривожланмаганлиги уларнинг фоизли даромаларининг ҳажмини оширишга салбий таъсир қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг молиявий барқарорлигини талаб даражасида таъминлаш имконини бермайди.

Ҳолбуки, ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар шаклидаги активлари уларнинг жами активлари ҳажмида сезиларли даражада юқори салмоқни ташкил этади. Масалан, Франция тижорат банкларининг активлари таркибида қимматли қоғозлар шаклидаги активларнинг салмоғи 16,2 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимизнинг тижорат банкларида, шу жумладан, ЎзР. ТИФ Миллий банкида юқори даражада фоизли даромад келтирувчи лизинг, факторинг ва дисконт операцияларининг ривожланмаганлиги.

Ушбу операцияларнинг ривожлантириш тижорат банкларига барқарор фоизли даромад олиш имконини беради. Улар банкларни «Ностро» вакиллик ҳисобварақларида ортиқча пул маблағларини сақлаб туриш заруриятидан халос этади.

Мамлакатимиз тижорат банкларида форфейтинг операциялари ривожланмаганлиги.

Форфейтинг операциялари товарларнинг сотилишини тезлаштиради, банкларга юқори даромад келтиради.

Тижорат банкларининг кредит операцияларидан олинадиган фоизли даромадлар ҳажмини оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар, хусусан, мажбурий захира талабномаларининг юқорилиги, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллашмаганлиги каби омилларнинг мавжудлиги.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш тижорат банклари даромадларининг барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида уларнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш зарур. Бунинг учун, аввало, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинадиган инвестицияларининг ҳажмини кескин ошириш лозим. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар эмитентларининг молиявий ва мулкий ҳолатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинадиган даромадларнинг оқилона миқдори таъминлаш имконини беради. Банклар қимматли қоғозлари портфелининг сезиларли қисмини, айтайлик, камида 20-25 фоизини Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳисобидан шакллантириш лозим. Бу эса, қимматли қоғозлар билан боғлиқ банк операцияларининг риск даражасини камайтириш имконини беради.

Фоизли даромадлар ҳажмини оширишнинг иккинчи йўли банкларнинг лизинг ва факторинг операцияларини ривожлантириш ҳисобланади. Бунинг учун, аввало, лизинг бозори бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш талаб этилади. Унинг асосида тижорат банклари учун лизинг операцияларини ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш лозим.

Тижорат банкларининг лизинг операциялари уларга барқарор даромад келтиради. Чунки лизинг тўлови қатъий белгиланган фоиз шаклида бўлади.

2. Тижорат банкларининрг кредитлардан олинадиган фоиз шаклидаги даромадларини ошириш мақсадида:

- кредитларнининг банк активлари таркибидаги салмоғини ошириш лозим;

- банкларнинг пассивлари таркибида марказлашган ресурслар ва бошқа банклардан олинган кредитларнинг салмоғини кескин камайтириш ва уларнинг ўрнига ва муддатли ва жамғарма депозитларининг салмоғини ошириш зарур;

- кредитлашнинг турли шаклларидан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Ҳар бир кредитлаш шакли унга бўлган объектив эҳтиёж натижасида юзага келади ва уларнинг риск даражасига қараб, банкнинг фоиз ставкаси белгиланади;

- тижорат банкларида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш керак.

Банкларда шундай баҳолаш тизимини юзага келтириш лозимки, у мижозини реал пул оқимини аниқ белгилаш ва прогнозлаш имконини берсин. Бундан ташқари, баҳолаш тизимида мижознинг кредит йиғма жилдини юритишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Унда мижознинг кредит тарихи, хулқига оид маълумотлар ўзининг тўлиқ ифодасини топган бўлиши керак.

Форфейтинг операциялари халқаро банк амалиётида кенг тарқалган ва тижорат банкларига юқори даромад келтирувчи операция ҳисобланади. Форфейтинг французча «э форфэ» сўзидан олинган бўлиб, «улгуржи» маъносини англатади. Форфейтинг оперциясининг мазмунини қисқача қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин: форфейтинг-бу тижорат банки томонидан векселларнинг регресс ҳуқуқисиз ҳисобга олишдир.

Ҳозирги вақтда, республикамизда банкларнинг форфейтинг операцияларидан ташқари савдони молиялаштириш жараёнида ҳам кенг кўламда фойдаланиш мумкин. Бунда республикамиз тижорат банклари икки хил ҳолатда иштирок этади.

- хорижий валютада ёзилган векселларни ўзлари ҳисобга олувчи сифатида;

-хорижий валютада ёзилган векселларни акцептловчи сифатида.

Мамлакатимизда хорижий валюталалар тақчиллиги маълум даражада сезилаётган ҳозирги шароитда республикамиз тижорат банклари томонидан имзоланган векселларни акцептлаш йўли билан амалга оширадиган форфейтинг операциялари муҳим аҳамият касб этади.

Форфейтинг операцияларида экспортчининг банки дисконт шаклида даромад олади, импортчининг банки эса акцепт учун даромад олади. Форфейтинг операциялари бир томондан, товарлар сотилишини тезлаштиради, иккинчи томондан эса, импортчиларга тегишли валюта маблағларини маълум вақт уларнинг хўжалик айланмасидан чиқиб кетишининг олдини олади.

Банк тизими бозор иқтисодиётида ўз мазмун-моҳияти ва ташкилий даражасига кўра ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида энг илғор ва аҳамиятли бўғин бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ унга алоҳида эътибор берилмоқда. Банк тизимининг жамиятдаги мавқеи унинг самарадорлик натижалари билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун банкларнинг даромадлилик кўрсаткичлари ва ишончлилик даражаси юқори бўлиши муҳимдир.

Тижорат банкларининг даромадлари ҳисобини такомиллаштиришда юқори даромад келтирувчи факторинг операцияларидан дисконт кўринишдаги даромадни ҳисобга олишни такомиллаштириш лозим. Чунки
тижорат банкларининг факторинг операциялари банкка дисконт кўринишида даромад келтирувчи операция ҳисобланади.

Тижорат банкларининг факторинг операциялари деганда, одатда, қарзни ундириш ҳуқуқини сотиб олиш тушунилади. Бунда банк ўз мижозидан дебитор қарзларини сотиб олади. Тўловчи тўлов суммасини бевосита тижорат банкига тўлаб беради.

Тижорат банки факторинг операцияларида рискни тўлиқ ўз зиммасига олади. Шунинг учун ҳам банк товарлар ва хизматлар учун тўловни амалга ошириши лозим бўлган корхоналарнинг тўловга қобиллигини чуқур ўрганади. Дебиторлар тўловни бевосита банкка тўлаш тўғрисида кўрсатма оладилар.

Факторинг инглизча “factor” деган сўзидан олинган бўлиб, воситачи маъносини англатади.

Факторинг операциялари тижорат банклари томонидан XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб амалга оширила бошланди. Ушбу операциялар биринчи марта АҚШнинг «Бэнк оф Америка» ва

«Ферст Нэшнл бэнк оф Бостон» каби йирик тижорат банкларининг фаолиятида пайдо бўлди.

Халқаро амалиётда факторинг операцияларининг уч тури мавжуд:

1. Дебитор қарзларини маълум дисконт асосида сотиб олиш.

2. Банк томонидан корхонанинг сотиш ҳисоби бўйича барча операцияларининг юритилиши.

3. Товар суммасини тўловчининг тўловга қобиллигидан қатъий назар, тўлиқ тўлаб беришга кафолат бериш.

Факторинг операциялари ЎзР. АВ томонидан 03.08.2000 й. да 953-сон билан рўйхатга олинган, ЎзР. МБ томонидан 15.07.2000 й. да 476-сон билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, олиб борилади. Ушбу Низомга мувофиқ факторинг - хўжалик юритувчи субъектлар - етказиб берувчиларни молиялашга доир банк хизматларининг бир тури бўлиб, бунда улар банк - молиявий агентга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчилар томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни, регресс ҳуқуқисиз, олиш ҳуқуқини берадилар.

Факторинг бўйича дисконтни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасида 11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив) ва 45217 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар-Факторинг ҳисобварақларидан фойдаланилади. 11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив) ҳисобварағида сотиб олинган дебиторлик қарзларининг тўлиқ номинал қиймати билан сотиб олиш нархи ўртасидаги салбий фарқ, яъни дисконт ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида банкнинг дебиторлик қарзини унинг тўлиқ номинал қийматидан паст нархда сотиб олгандаги дисконт суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида дисконт амортизацияси, шунингдек, қарздор томонидан дебиторлик қарзларини қисман ёки тўлиқ қоплаш натижасида ёки бошқа шахслар ҳисобига кечиб юборилганда ҳисобдан чиқарилган дисконт суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади. 45217 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар- Факторинг ҳисобварағида

сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича банкнинг олган даромадлари ҳисоби олиб борилади. Ҳисобварақнинг кредитида қарздор томонидан сотиб олинган дебиторлик қарзини қоплашда ишлаб топилган даромад суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида нотўғри олинган даромадларнинг қайтарилиш суммаси, шунингдек, молиявий ҳисобот йилининг охирида банкнинг молиявий натижаси сифатида 31206-"Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" ҳисобварағига ўтказиладиган даромадлар суммаси акс эттирилади.

Ҳозирги кунда факторинг бўйича дисконт суммаси тижорат банклари томонидан факторинг суммаси тўланган вақтда даромад сифатида тан олинмоқда:

Дебет- 11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив).

Кредит - 45217 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар- Факторинг.

11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив) ҳисобварағининг таърифига эътибор берсак, унинг дебетида дисконт амортизацияси ҳисобга олиниши лозимлиги қайд этиб ўтилган. Шу сабабли дисконтни факторинг шартномаси амал қилиш муддати давомида амортизация қилиб бориш ҳисоблаш усулига мос келади ва ҳисобот даври даромадлари ва ҳаражатларининг мувофиқлиги тамойилининг бажарилиниши таъминлайди.

Фикримизча, факторинг бўйича дисконтни икки қисмга, яъни берилган қисқа муддатли кредит учун тўлов ва хизмат кўрсатганлиги учун ҳақга бўлиш керак. Сабаби, банк регресс ҳуқуқисиз тўлов талабномаларини сотиб олганда савдо ёки хизмат кўрсатувчи корхонани кредитлайди ва унга хизмат кўрсатади. Факторинг бўйича дисконтнинг 10-15 фоизини хизмат кўрсатганлиги учун ҳақ қолган 85-90 фоизини қисқа муддали кредит учун тўлов сифатида ҳисобга олиш керак. Бунда комиссион ҳақ факторинг хизмати кўрсатилганда фоизсиз даромад сифатида тан олиниши ва ҳисобга олиниши лозим.

Қисқа муддатли кредит бўйича тўлов эса фоизли даромад сифатида тан олиниши ва ҳисобга олиниши лозим. Бунинг учун тижорат банклари ҳисобварақлар режасига фоизли даромадлар таркибига янги 41300 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича фоизли даромадлар- Факторинг ҳисобварағини киритиш лозим.

Бунда қисқа муддатли кредит бўйича фоизли даромад суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси келтирилади:

Дебет- 11195 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - Факторинг - бўйича дисконт (контр-актив).

Кредит - 41300 - Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича фоизли даромадлар- Факторинг.

Факторинг бўйича фоизли даромад ҳисоблаш усули ва ҳисобот даври даромадлари ва ҳаражатларининг мувофиқлиги тамойилига мос ҳолда амалга оширилиши лозим.

Банк даромадлари ҳисобини такомиллаштиришда фоизсиз даромадлар ҳисобини юритишда ўз вақтида ундирилмаган воситачилик хақини ҳисобга олишда тижорат банклари фоизсиз даромадларни мижоз ҳисобварағида маблағ бўлишидан қатъий назар, аввал ҳисобга олиб, кейин ундириб олиши лозим.

Мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида банклар фоизсиз даромадларни ҳисоблаб қўйгандан сўнг мижозларнинг тўловга лаёқатсизлиги сабабли белгиланган муддатда уни ундириб олиш имкониятига эга бўлмай қоладилар. Ушбу ҳолат банкнинг ҳисобланган фоизсиз даромадлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини яратиш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг учун банк ҳар бир қарздор мижоз учун очилган 16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар», 16405 – «Ҳисобланган жарима ва пенялар», 16409 – «Операцион ижара бўйича ҳисобланган даромад», 16413 – «Ҳисобланган бошқа фоизсиз даромадлар» шахсий ҳисобварағидаги маблағларни ҳисоб–китоб қилиши керак.

16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобга олиш учун 16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар» ҳисобварағи киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳисобварақда олиш учун ҳисобланган, лекин шартномада белгиланган муддатда тўланмаган (активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича балансдан ташқари ҳисобварақларга ўтказилгунга қадар ҳисобланган муддати ўтган) фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилиши банк учун қанча ҳисобланган фоизсиз даромад ўз вақтида ундирилмаганлигини билиш имконини беради.

Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида тўланмаса, улар 16477 – «Олиш учун

ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар» ҳисобварағига ўтказилса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дебет-16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар»;

Кредит-16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар».

Муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар тўланганда эса:

Дебет-Мижознинг ҳисобварағи;

Кредит-16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар».

Бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Юқорида кўрганимиздек, фоизсиз даромадлар таркибида акциялардан олинаётган дивидендлар қиммали қоғозлар билан операциялар ривожланиши билан ортиб боради. Биз биламизки, акциялар оддий ва имтиёзли турларга бўлинади. Оддий акциялар бўйича дивидендлар акционерлик жамияти молия йилида фаолият натижасига боғлиқ бўлади. Дивидендни ҳисобга олиш амалиёти айнан шуни ҳисобга олишга мўлжалланган ва йил тугагандан сўнг акционерлар умумий йиғилиши қарор қабул қилингандан сўнг, ҳисобга олинади. Хозирги кунда шундай имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ҳам шу тарзда тўланиб келинмоқда.

Ушбу ҳолат имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлашга тўғри келмайди. Сабаби, имтиёзли акция бўйича дивиденд акционерлик жамияти фаолиятига боғлиқ бўлмайди ва молия йили бошланиши билан унда дивиденд тўлаш мажбурияти юзага келади ҳамда акционерлик жамияти уни ўзида ҳисобга олиши лозим. Бунда тижорат банки ҳам уни даромад сифатида тан олиши лозим бўлади. Тижорат банклари эса имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни фақат умумий йиғилиш бўлиб ўтгандан сўнг, ҳисобга олади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тижорат банклари ҳисоблаш тамойилини қўллаб, имтиёзли акция бўйича дивидендни ҳар куни тан олиб бориши ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини ҳисобга олиши лозим:

Дебет-19939 – «Олинадиган дивидендлар»;

Кредит-45800 – «Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар».

Эълон қилинган дивидендлар олинганда эса қуйидаги ўтказма амалга оширилади:

Дебет банк вакиллик ҳисобварағи ёки эмитент ҳисобварағи;

Кредит-19939 – «Олинадиган дивидендлар».

Имтиёзли акциялар бўйича дидидендлар шу тартибда ҳисобга олиниши ҳисобот даври даромадлари ва ҳаражатларининг мувофиқлиги тамойилига мос равишда амалга оширилади.

XI БОБ. БАНКЛАРДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (МҲХС 7)

11.1. Стандартнинг амал қилиш соҳаси

Пул оқимлари тўғрисидаги ахборот, молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун, тадбиркорлик субъектининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш қобилиятига ҳамда ушбу пул оқимларидан фойдаланиш эҳтиёжларига баҳо беришда асос сифатида фойдалидир. Фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорлар, тадбиркорлик субъектининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш қобилиятига ҳамда бунинг муддати ва аниқлигига баҳо беришни талаб этади.

Мазкур стандартнинг мақсади, субъектнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидаги содир бўлган ўзгаришлар ҳақидаги ахборотни, давр мобайнидаги пул оқимларини операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятларга таснифлайдиган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот кўринишида, тақдим этишни талаб қилишдан иборат.

Субъект пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни мазкур Стандартнинг талабларига мос равишда тайёрлаб, молиявий ҳисоботлар тақдим этиладиган ҳар бир даврда молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми сифатида тақдим этиши шарт. Ушбу стандарт 1977 йилнинг июлида тасдиқланган БҲХС 7 "*Молиявий ҳолатдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот*"ни ўрнини эгаллайди.

Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар тадбиркорлик субъекти пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини қандай қилиб келтириб чиқариши ва фойдаланишига қизиқиш билдиришади. Бундай қизиқиш, тадбиркорлик субъекти фаолиятининг хусусиятидан қатъий назар, ҳамда пул маблағлари тадбиркорлик субъекти фаолиятининг маҳсулоти бўлиб, масалан молиявий институтлар мисолида, хизмат қилишига қарамасдан мавжуд бўлади.

Субъектларнинг даромад келтирувчи фаолияти турлари қанчалик фарқли бўлмасин, уларнинг пул маблағларидаги эҳтиёжлари асосан бир хил сабаблардан келиб чиқади. Уларга пул

маблағлари фаолиятни амалга ошириш, ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни амалга ошириш, ҳамда ўз инвесторларига даромадларини тўлаш учун зарурдир. Шунинг учун, ушбу Стандарт барча субъектлар пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим қилишини талаб этади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот, бошқа молиявий ҳисоботлар билан биргаликда фойдаланилганда, фойдаланувчиларга тадбиркорлик субъектининг соф активларидаги ўзгаришларни, уларнинг молиявий структураси (ликвидлиги ва тўлов қобилияти)ни ва ўзгараётган имкониятлар ва шароитларга мослашиш мақсадида ўзининг пул оқимлари суммаси ва муддатларига таъсир кўрсата олиш қобилиятини баҳолаш учун маълумот билан таъминлайди. Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар тадбиркорлик субъектининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини келтириб чиқариш имкониятларини баҳолашда фойдалидир, ҳамда фойдаланувчиларга ҳар хил тадбиркорлик субъектларига тегишли келгуси пул оқимларининг келтирилган (дисконтланган) қийматини баҳолаш ва солиштириш моделларини ишлаб чиқиш имконини беради. У, шунингдек, турли хил тадбиркорлик субъектларининг операцион фаолияти кўрсаткичлари ҳақидаги ҳисоботларининг қиёсланувчанлигини оширади, чунки у бир хил операция ва ҳодисаларнинг турлича ҳисобга олиниши оқибатларини бартараф қилади.

Олдинги даврлардаги пул оқимлари тўғрисидаги ахборотдан кўпинча келгуси пул оқимларининг суммаси, муддати ва аниқлигининг кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. У, шунингдек, келгуси пул оқимлари бўйича олдинги баҳоларнинг тўғрилигини текширишда, ҳамда фойдалилик ва соф пул оқимлари орасидаги боғлиқликни ва ўзгарувчан нархларнинг таъсирини ўрганишда фойдалидир.

Стандартда қуйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Пул маблағлари - нақд пул ва талаб қилиб олгунча депозитларни ўз ичига олади.

Пул маблағларининг эквивалентлари - белгиланган суммадаги пул маблағларига осон айлантириладиган ва қийматининг ўзгариши жиҳатидан сезиларсиз даражадаги рискка эга бўлган, қисқа муддатли ва юқори ликвидли инвестициялардир.

Пул оқимлари - пул маблағлари ва пул эквивалентларининг кирими ва чиқими.

Операцион фаолият - субъектнинг асосий даромад келтирувчи фаолияти ҳамда инвестицион ва молиявий фаолият ҳисобланмаган бошқа фаолият турлари.

Инвестицион фаолият - узоқ муддатли активларнинг ҳамда пул эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг сотиб олиниши ва чиқиб кетиши.

Молиявий фаолият - субъектнинг қўйилган капитали ва қарз маблағларининг миқдори ва таркибидаги ўзгаришларни келтириб чиқарувчи фаолият.

Пул маблағларининг эквивалентлари инвестиция ёки бошқа мақсадлар учун эмас, балки қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошириш мақсадида ушлаб турилади. Инвестицияни пул эквиваленти деб ҳисоблаш учун, у белгиланган суммадаги пул маблағига осон айлантириладиган ва қийматидаги ўзгаришлар риски сезиларсиз даражада бўлиши лозим. Шу сабабли, инвестиция одатда унинг сўндириш муддати қисқа бўлсагина, яъни ҳарид қилинган пайтдан бошлаб тахминан уч ой ёки ундан кам муддат ичида тўланадиган бўлса, пул маблағларининг эквиваленти деб ҳисобланиши мумкин. Улушли инвестициялар пул эквивалентларига кирмайди, бундан улар, аслини олганда, пул маблағларининг эквивалентлари бўлган ҳолатлари истисно, масалан сўндирилишига қисқа муддат қолганда сотиб олинган ва сўндирилиш муддати аниқ белгиланган имтиёзли акциялар мисолида каби.

Банк кредитлари одатда молиявий фаолиятга тегишли деб ҳисобланади. Аммо, айрим давлатларда, талаб қилинганда тўланадиган банк овердрафтлари субъектнинг пул маблағларини бошқариш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу ҳолларда, банк овердрафтлари пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари таркибига киритилади. Бундай банк хизматларининг ҳусусияти банкдаги ҳисобварақ қолдиғининг овердрафтга тез-тез ўзгариб туришидир.

Пул оқимлари пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари ташкил топган моддалари ўртасидаги ўзгаришларни ўз ичига олмайди, чунки улар субъектнинг операцион, инвестицион ёки молиявий фаолиятига кирмайди, ва пул маблағларини бошқаришнинг бир қисми бўлиб хизмат қилади. Ошиқча пул

маблағларини уларнинг эквивалентларига инвестиция қилиш пул маблағларини бошқариш бўлиб ҳисобланади.

11.2. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот давр давомидаги пул оқимларини операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятлар бўйича таснифланган ҳолда кўрсатиши керак.

Субъекти ўзининг операцион, инвестицион ва молиявий фаолияти бўйича пул оқимларини ўзининг фаолиятига хос равишда кўрсатади. Фаолият тури бўйича таснифлаш фойдаланувчиларга ушбу фаолиятларнинг субъект молиявий ҳолатига таъсирини баҳолаш ва унинг пул маблағлари ва эквивалентларининг суммасини аниқлаш имконини берувчи ахборотни таъминлайди . Бу ахборотдан, шунингдек, ушбу фаолиятлар ўртасидаги ўзаро алоқани баҳолаш учун фойдаланиш мумкин.

Айнан бир операция бўйича ҳар хил таснифланадиган пул оқимлари юзага келиши мумкин. Масалан, қарз бўйича тўловлар асосий сумма ва фоизлардан ташкил топса, фоиз элементи операцион фаолият бўлиб, асосий сумма элементи эса молиявий фаолият бўлиб таснифланиши мумкин.

Операцион фаолият

Операцион фаолият натижасида келиб чиқадиган пул оқимларининг суммаси - субъект молиялаштиришнинг ташқи манбаларига мурожаат қилмасдан, ўз операцион фаолиятидан юзага келган қарзларини тўлаш, ўзининг операцион фаолиятини амалга ошириш қобилиятини сақлаш, дивидендларни тўлаш ва янги инвестициялар қилиш учун етарли бўлган пул оқимларини қай даражада ҳосил қилганлигини акс эттирувчи асосий кўрсаткичдир. Операцион фаолиятдан олдинги даврларда келиб чиққан пул оқимларининг алоҳида таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумот, бошқа маълумотлар билан биргаликда, операцион фаолият бўйича ҳосил бўладиган келгуси пул оқимларини прогноз қилишда фойдалидир.

Операцион фаолият бўйича пул оқимлари асосан тадбиркорлик субъектининг асосий даромад келтирувчи фаолиятидан келиб чиқади. Бинобарин, улар асосан фойда ёки зарарни аниқлашда иштирок этадиган операциялар ёки бошқа ҳодисалар натижасида

келиб чиқади. Операцион фаолиятдан пул оқимларига қуйидагилар мисол бўлади:

товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишдан келиб тушган пул маблағлари;

роялти, хизматлар ҳақи, комиссион тўловлар ва бошқа даромадлар кўринишида келиб тушган пул маблағлари;

мол етказиб берувчиларга товарлар ва хизматлар учун тўловлар;

ходимларга ва ходимлар номидан тўловлар;

суғурта ташкилотининг суғурта полислари бўйича мукофотлари ва талабларлари, аннуитетлар ва бошқа суғурта тўловлари бўйича пул тушумлари ва пул тўловлари;

фойда солиғи бўйича тўловлар ҳамда солиқларнинг қайтарилиши, агар улар молиявий ёки инвестицион фаолият билан аниқ боғлиқ бўлмаса; ва

воситачилик ёки олди-сотди мақсадларида тузилган шартномалар бўйича пул тушумлари ва тўловлари.

Асосий воситани сотиш каби айрим операциялар, тан олинадиган фойда ёки зарарга киритиладиган фойда ёки зарарга олиб келиши мумкин. Бундай операцияларга тааллуқли пул оқимлари инвестицион фаолиятдан пул оқимлари бўлиб ҳисобланади. Аммо, БҲХС 16 "*Асосий воситалар*" ни ижарага бериш ва кейинчалик сотиш учун мўлжалланган активларни ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш учун қилинадиган тўловлар операцион фаолиятдан пул оқимларидир. Бундай активларни ижарага бериш ва кейинчалик сотишдан олинадиган пул тушумлари ҳам операцион фаолиятга тегишли пул оқимларидир.

Субъект қимматли қоғозлар ва қарзларни воситачилик ёки олди-сотди мақсадида сотиб олиши мумкин, бундай ҳолда, улар айнан қайта сотиш учун сотиб олинадиган товар-моддий заҳираларга тенглаштирилиши мумкин. Шунинг учун, воситачилик ёки олди-сотди учун мўлжалланган қимматли қоғозларнинг олди-сотдисидан келиб чиқадиган пул оқимлари операцион фаолият сифатида таснифланади. Худди шу тариқа, молиявий институтлар томонидан бериладиган бўнаклар ва кредитлар, одатда, операцион фаолияти сифатида таснифланади, чунки улар бундай тадбиркорлик субъектининг асосий даромад келтирувчи фаолиятига тегишлидир.

Инвестицион фаолият

Инвестицион фаолият натижасидаги пул оқимларини алоҳида очиб бериш муҳимдир, чунки бундай пул оқимлари келажакдаги даромад ва пул оқимларини олиш учун мўлжалланган ресурслар учун қанча ҳаражатлар сарфланганини акс эттиради. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив тан олинишига олиб келадиган ҳаражатларгина инвестицион фаолият сифатида таснифланиши мумкин. Инвестицион фаолият натижасида келиб чиқадиган пул оқимларининг мисоллари қуйида келтирилган:

асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун қилинган тўловлар. Бу тўловларга, шунингдек, тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган ва капиталлаштириладиган ҳаражатлар ва ўз кучлари билан (хўжалик ҳисоби усулида) қурилган асосий воситалар бўйича тўловлар киради;

асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотишдан келган пул тушумлари;

бошқа субъектларнинг улушли ёки қарз инструментларини сотиб олиш ҳамда қўшма корхоналарда улушга эга бўлиш учун амалга оширилган тўловлар (пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган ёки воситачилик ва олди-сотди учун мўлжалланган инструментлар учун қилинган тўловлардан ташқари);

бошқа субъектларнинг улушли ёки қарз инструментларини ва қўшма корхоналардаги улушларни сотишдан келган пул тушумлари (пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган ёки воситачилик ва олди-сотди учун мўлжалланган инструментлар бўйича келган тушумлардан ташқари);

бошқа томонларга берилган бўнаклар ва қарзлар (молиявий институтлар томонидан берилган бўнаклар ва қарзлардан ташқари);

бошқа томонларга берилган бўнаклар ва қарзларнинг қайтарилиши натижасидаги пул тушумлари (молиявий институтлар томонилан берилган бўнаклар ва қарзлардан ташқари);

фючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул тўловлари, бундан бу шартномалар воситачилик ёки олди-сотди учун мўлжалланган ҳолатлар , ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар мустасно; ва

фючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул тушумлари,

бундан бу шартномалар воситачилик ёки олди-сотди учун мўлжалланган ҳолатлар, ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар мустасно.

Шартнома муайян позицияни хежлаш сифатида ҳисобга олинганида, шартнома бўйича пул оқимлари хежланувчи позиция бўйича пул оқимлари билан бир хил тарзда таснифланади.

Молиявий фаолият

Молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини алоҳида кўрсатиш муҳимдир, чунки бу субъектни капитал билан таъминловчилар томонидан келгуси пул оқимларига бўлган талабларни башорат қилиш учун фойдалидир. Молиявий фаолият натижасида келиб чиқадиган пул оқимларининг мисоллари қуйида келтирилган:

акциялар ёки бошқа улушли инструментларни чиқаришдан келадиган пул тушумлари; субъектнинг акцияларини сотиб олиш ёки муомаладан чиқариш учун мулк эгаларига тўловлар;

қарз мажбуриятларини чиқариш, қарзлар бериш, векселлар, облигациялар, ипотекалар ва бошқа қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз мажбуриятларини чиқаришдан олинган пул тушумлари;

қарзлар бўйича тўловлар; ижарага олувчи томонидан молиявий ижара бўйича асосий мажбуриятини камайтириш учун қилинадиган тўловлар

11.3. Банкларда пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ундан фойдаланувчиларга тижорат банкининг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни баҳолашга имкон беради, уларни ҳисобот даврида қанча пул тушгани ва қанча пул чиққани тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди.

Бошқа молиявий ҳисоботлар билан бирга фойдаланиш чогида Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ахборотлари молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун тижорат банкининг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини жалб этиш қобилиятини баҳолашга база бўлиб хизмат қилиши билан фойдалидир. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот пул тушумлари ва тўловларини учта асосий тоифага ажратади:


операция фаолияти, инвестиция фаолияти ва молиявий фаолият. Ҳар уч тоифанинг пул маблағига биргаликда таъсири ҳисобот даврида пул маблағининг соф ўзгаришини белгилаб беради. Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ахборот бўлажак пул оқимлари прогнози тўғрилигини текшириш чогида, фойда олиш ва пул оқимларининг соф ҳаракати ва нарх ўзгариши таъсири ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилиш чогида зарур бўлади.

Пул маблағлари - кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинадиган депозитлар, шунингдек банкнинг ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақларидаги маблағлар.

Пул эквивалентлари - маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли бироз хатари бўлган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар.

Пул маблағларининг ҳаракати - пул маблағлари ҳамда улар эквивалентларининг оқими (тушуми) ва чиқими (сарфланиши, чиқиши)дан иборат.

МҲХС 7 стандартга асосан пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот пул тушумлари ва тўловларини учта асосий тоифага ажратади: операция фаолияти, инвестиция фаолияти, молиявий фаолият.



8-расм. **Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот**

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот - ҳисобот даврида пул маблағи оқимларини батафсил кўрсатувчи кўрсаткичлар йигиндиси.

Операция фаолияти - тижорат банкининг даромад келтирувчи асосий фаолияти, шунингдек субъектнинг инвестиция ва молия фаолиятига оид бўлмаган ўзга хўжалик фаолияти.

Инвестиция фаолияти - пул эквивалентларига киритилмаган узоқ муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш ва сотиш.

Молия фаолият - тижорат банкининг фаолияти бўлиб, унинг натижасида ўз маблағи ва қарз маблағлари миқдори ва таркибида ўзгаришлар юз беради.

Пул маблағи эквивалентларидан асосан инвестициялар ва бошқа мақсадлар учун эмас, балки фақат қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловлар учун фойдаланилади. Инвестицияларни пул эквиваленти деб ҳисоблаш учун улар эркин равишда нақд пулга айлантириладиган бўлиши ва қийматининг ўзгаришида бироз хавф бўлиши лозим. Шу сабабли инвестиция қисқа муддатда тўланадиган бўлса яъни ҳарид қилинган пайтдан бошлаб тахминан уч ой ичида тўланадиган бўлса уни пул эквиваленти деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ҳисобот даври давомида операция, инвестиция ёки молиявий фаолият натижасида тижорат банки олган пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим бўлади[43].

Тижорат банкининг операция фаолияти натижасида вужудга келадиган пул оқими ҳажми тижорат банки амалга оширадиган операция фаолияти натижасида олинадиган пул оқимлари ҳаракати кредитларни тўлаш, тижорат банкининг ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб туриш, дивидендларни тўлаш ва молиялаштиришнинг ташқи манбаларига мурожаат қилинмай янги инвестициялар учун қанчалик етарли эканини акс эттирувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Операция фаолиятидан келадиган олдинги пул оқимининг айрим қисмлари тўғрисидаги ахборотдан операция фаолиятидан бўлажак пул оқимларини прогноз қилиш учун ахборотнинг бошқа турларидан қўшиб фойдаланиш мумкин бўлади. Операция фаолиятидан пул оқими тижорат банкининг асосий фаолиятидан келиб чиқади.

Тижорат банки инвестиция фаолиятидан келадиган пул оқими тўғрисидаги ахборотни алоҳида кўрсатиб беради. Инвестиция фаолиятидан пул оқими тўғрисидаги ахборот келажакда даромад ва пул оқими миқдорини белгилайдиган ресурслар бўйича қилинган ҳаражатлар даражасини кўрсатади. Инвестиция фаолиятидан олинган асосий пул оқимларига қуйидагилар киради:

Асосий воситаларни, номоддий ва ўзга узоқ муддатли активларни ҳарид қилишга пул тўловлари. Бу тўловлар тажриба -

[43] Рожнова О.В. Международные стандарты бухгалтерского учета и финансовой отчетности: Учеб. пос. -М.: ЭКЗАМЕН, 2003. - 107 с

конструкторлик ишларига ажратилган сармоялаштирилган ҳаражатлар, шунингдек хўжалик суди билан амалга оширилган қурилишлар билан боғлиқ бўлган тўловларни ўз ичига олади; Асосий воситаларни, номоддий ва ўзга узоқ муддатли активларни сотишдан олинган пул тушуми; Бошқа субъектларнинг акциялари ёки қарз мажбуриятларини ҳамда қўшма корхоналарда иштирок этиш ҳуқуқини сотиб олишга доир пул тўловлари, пул эквивалентлари ҳисобланган ёки дилерлик мақсадларига ёки савдо мақсадларига сақлаб қўйилган тўлов ҳужжатлари бўйича тўловлардан ташқари; Бошқа субъектларнинг акциялари ва қарз мажбуриятларини ҳамда қўшма корхоналарда иштирок этиш ҳуқуқини сотишдан келган пул тушумлари, пул эквиваленти ҳисобланган ёки дилерлик ёки савдо мақсадлари учун сақланаётган вексель каби тўлов ҳужжатлари бўйича тушумлар бунга кирмайди.

Тижорат банки молиявий фаолиятидан бўладиган пул оқимлари тўғрисидаги ахборотни алоҳида кўрсатади. Бу ахборот молиявий фаолиятдан бўлажак пул оқимларини тахмин қилиш учун зарур бўлади. Молиявий фаолиятдан келадиган асосий пул оқимларига қуйидагилар киради: акциялар ёки ўз маблағи билан боғлиқ бошқа воситаларни чиқаришдан келадиган пул тушумлари; субъектлар акцияларининг ҳақини тўлаш ёки сотиб олиш учун уларнинг эгаларига тўловлар; таъминланмаган облигациялар эмиссиясидан, молия корхоналари томонидан берилган кредитлардан, гаровга қўйилган ва бошқа қисқа ҳамда узоқ муддатли заёмлардан пул тушумлари; заёмларни тўлаш; молиявий лизинг бўйича мажбуриятларни қисқартириш учун ижарачиларнинг тўловлари ва бошқалар.

Хорижий валютадаги операциялардан пул оқимлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан операция амалга оширилган кун учун белгилаб қўйилган алмаштириш қийматидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси валютасида акс эттирилади. Хорижий шуъба жамиятининг пул оқими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган пул оқими келиб чиққан вақтдаги алмаштириш курси бўйича қайта ҳисобланиши керак. Хорижий валютанинг алмаштириш курси ўзгаришидан келиб чиқадиган амалга оширилмаган даромад ва зарар пул маблағи ҳаракати ҳисобланмайди[44]. Бироқ алмаштириш

[44] *Ўзбекистон Республикаси банк тизмида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.: Ўзбекистон, 2003. - 272 бет*

курси ставкалари ўзгаришнинг хорижий валютада сақланаётган ёки тўланиши лозим бўлган пул маблағига ёки уларнинг эквивалентларига таъсири пул маблағлари ҳаракатини ҳисобот даври бошланиши ва охирида бир-бирига мувофиқлаштириш учун пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бу миқдор операция, инвестиция ва молия фаолияти натижасида вужудга келадиган пул оқимидан алоҳида кўрсатилади ва агар пул маблағларининг бу ҳаракати ҳисобот даврининг охиридаги пул алмаштириш курсида акс этадиган бўлса, тафовутга қўшилади.

Фоизлар ва дивидендларни олиш ва тўлаш билан боғлиқ пул оқимини алоҳида кўрсатиш, бир ҳисобот давридан иккинчи ҳисобот даврига изчиллик билан операция, инвестиция ёки молия фаолиятидан пул оқими сифатида тасниф этиш лозим бўлади. Банк муассасалари учун тўланган ва олинган фоизлар ҳамда дивидендлар операция пул оқимлари сифатида тасниф этилади. Бошқа тижорат банкилар учун тўланган ва олинган фоизлар ҳамда дивидендлар операция фаолиятидан келадиган пул оқимлари сифатида тасниф қилиниши мумкин, чунки улар соф даромад ёки зарарни аниқлашга қўшилади. Тўланган дивидендлар молиявий пул оқими сифатида тасниф қилиниши мумкин, чунки улар молиявий ресурсларни олиш учун тўланган ҳақ ҳисобланади.

Даромад (фойда) солиги бўйича пул оқимлари алоҳида очиб берилиши лозим ва улар операция фаолиятларидан бўладиган пул оқимлари қаторига киради.

Пул маблағлари ёки пул эквивалентларидан фойдаланишни талаб қилмайдиган инвестицион ва молиявий операциялар пул оқими тўғрисидаги ҳисоботга киритилмаслиги керак. Бундай операциялар бошқа молиявий ҳисоботларда фаолиятнинг шу инвестицион молиявий турлари тўғрисидаги барча муҳим ахборотни кўрсатадиган тарзда очиб берилиши лозим.

Банк операцион фаолиятдан олинган пул маблағларини қуйидаги усуллардан фойдаланган ҳолда акс эттириши лозим:

а) бевосита – тўғри усул, бунда ялпи пул тушумлари ва ялпи пул тўловларининг асосий турлари ошкор қилинади (А-шакл),

б) билвосита – эгри усул, бунда соф фойда ва зарарларга ишончсиз тусдаги операциялар натижаларини, ҳар қандай муддат узайтиришлар ёки ўтган даврларда ҳисобланган маблағлар ёхуд келгусидаги операцион пул тушумлари ёки тўловларини, ҳамда пул маблағларининг инвестицион ёки молиявий оқимлари билан боғлиқ

даромадлар ва ҳаражатлар моддаларини ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритилади (Б-шакл).

Пул маблағларининг оқимларини акс эттиришда банклар учун бевосита - тўғри усул афзалроқдир. Ушбу усул келгусидаги пул маблағлари оқимларини баҳолаш учун зарур бўлган, лекин билвосита - эгри усулдан фойдаланиш чоғида мавжуд бўлмаган ахборотни беради. Бевосита усулдан фойдаланганда ялпи пул тушумларининг ва ялпи пул тўловларининг асосий турлари ҳақидаги ахборот қуйидагилар орқали олиниши мумкин:

банкнинг ҳисоб ёзувларидан;

фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда фоиз даромадлари ва шу каби даромадларга ҳамда фоизли ҳаражатлар ва шу каби ҳаражатларга ҳамда бошқа моддаларга тузатиш киритиш йўли билан, бунда қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

1)муайян давр мобайнида заҳираларда ҳамда операцион кредиторлик ва дебиторлик қарзларидаги ўзгаришлар;

2)бошқа ишончсиз моддалар;

3)инвестицион ёки молиявий пул оқимларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи бошқа моддалар.

Билвосита усулдан фойдаланганда операцион фаолиятга оид соф пул маблағлари оқими соф фойда ва зарарларга қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритиш йўли орқали аниқланади:

муайян давр мобайнида заҳираларда ҳамда операцион кредиторлик ва дебиторлик қарзларидаги ўзгаришлар;

эскириш, заҳиралар, муддати узайтирилган солиқлар, хорижий валютадаги операциялар бўйича амалга ошмаган фойда ва зарарлар, қарам хўжалик жамиятларининг тақсимланмаган фойдаси, ҳамда озчилик улуши каби ишончсиз моддалар;

инвестицион ёки молиявий пул оқимларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи бошқа барча моддалар.

Банк, шунингдек пул маблағлари ва пул эквивалентларининг айрим моддаларини кўрсатиши ҳамда пул оқими тўғрисидаги ҳисоботдаги пул миқдорини бухгалтерия балансидаги тегишли моддалари қиёсини тақдим этиш керак.

Банкда мавжуд бўлган, лекин гуруҳ фойдалана олмайдиган муҳим пул маблағлари ва пул эквивалентлари қолдиги миқдорини раҳбариятнинг тушунтириши билан бирга очиб бериши лозим. Тижорат банкининг пул оқими билан унинг бўгинлари ўртасидаги алоқаларни тушуниш учун пул оқимлари бўгинлар бўйича очиб

берилиши лозим. Хўжалик фаолиятининг мазкур турида умуман пул оқими ҳаракати билан унинг айрим таркибий қисмлари ўртасидаги алоқани аниқлаш учун пул оқимларининг бўгинлардаги ҳаракатларини очиб кўрсатиш зарур.

Банк молиявий ҳолатининг соғломлигини шарти бўлиб, пул маблағларининг кирими, банкнинг мажбуриятларини қоплай олишидир. Минимал миқдордаги пул маблағларининг етишмаслиги молиявий ҳолат танглигига сабаб бўлади. Ортиқча мабалағларга эга бўлиш инфляция натижасида пулни қадрсизланишига, ҳамда ортиқча маблағлардан самарали фойдаланишга йўналтирмаслик натижасида қўшимча даромад ололмаслиги мумкин. Шу боис пул маблағларини рационал бошқаришни доимо назорат қилиш - акциялар ва заёмлар, шунингдек бошқа тушумлар ва тўловлар.

Банкнинг молиявий ҳисоботига изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда: тижорат банкининг молиявий ҳисоботини тузишда ва унинг ҳисоб сиёсатида танлаб олинган ва қўлланилаётган асос тўғрисидаги ахборот бўлиши лозим; БҲМС талаб қилувчи, ҳеч бир жойда молиявий ҳисоботда кўрсатилмаган ахборотни очиб бериш; молиявий ҳисоботда келтирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва тўғри тасаввур этиш учун зарур бўлган қўшимча таҳлилий ахборотни келтириш лозим.

Молиявий ҳисоботларга тушунтиришлар мунтазам равишда тушунтириш хати тарзида бўлиши керак. Тушунтиришлардаги ахборот молиявий ҳисоботда келтирилган тегишли моддаларга боғлиқ равишда тақдим этилиши лозим[45].

Тушунтириш одатда шундай тузиладики, у фойдаланувчига молиявий ҳисоботларни яхшироқ англаб етишда ва уларни бошқа тижорат банкиларнинг молиявий ҳисоботи билан қуйидагича қиёслашига ёрдам беради: бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқлиги ҳақидаги ҳисобот; улчов асоси ва бухгалтерия ҳисобида қўлланилаётган сиёсат тўғрисидаги ҳисобот; молиявий ҳисоботда келтирилган моддалар учун ёрдамчи ахборот.

Қуйидагиларни ўз ичига олган бошқа ахборотлар: шартли мажбуриятлар, оддий мажбуриятлар ва бошқа молиявий ахборотлар; молия билан боғлиқ бўлмаган ахборотлар.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш асоси ва бухгалтерия ҳисоби бобидаги махсус сиёсат ҳақидаги ахборот молиявий

[45] Усатова Л.В., Серотошан М.С., Арская Е.В. Бух учёт в коммерческих банках. – 2-е изд-е. – М.: Изд-ко-торговая корпорация «Дашков и К°», 2006. – 144 с.

ҳисоботга изоҳлар олдида алоҳида ҳисобот тарзида келтирилиши керак. Тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган ҳисобот шаклларига қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

19997-"Бошқа активлар» ҳисобварағи, 29802 - "Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағи, 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварақларининг қолдиқлари бўйича қайдномаси маълумотномалари;

аниқланиши лозим бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича ўтказилган суммалар қайдномаси. Шунингдек, қайдномага 17301-«Транзит ҳисобварағи», 23202 - "Клиринг трансакциялари", 17305 ва 23206- "Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар" ҳисобварақлари бўйича қолдиқда турган ҳар бир сумма киритилади. Юқорида айтилган ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаса, бу ҳақда баланс ҳисоботига ёзиб қўйилади. Ушбу ҳисобот шакли ва қайдномалари банк раҳбари ҳамда бош бухгалтер томонидан имзоланади. Касса операциялари бўйича ҳисоботларга, улардан ташқари катта кассир ёки касса мудири имзо чекадилар.

Шундай килиб, пул маблағлари тугрисидаги хисоботда тижорат банклари фаолиятини амалга ошириш жараёнида содир бўлган пул маблағларининг ҳаракатини (кирим ва чиким) маълум санага акс эттиришдир.

Тижорат банкининг ресурсларини самарали бошқариш учун дастлаб ушбу самарадорликни тўғри ўлчаш имкониятига ега бўлиш керак. Энг муҳим ва умумеътироф етилган кўрсаткичлар капиталга нисбатан даромад, активлар нисбатан даромад. Бундай кўрсаткичларнинг туб аҳамияти мунозара қилиш қийин, аммо улар қандай аниқланганини, аниқроғи, қандай ҳисоблаб чиқилганлигини тушуниш лозим.

Ҳар қандай пул оқими алоҳида тўловлардан иборат бўлади. Ҳар бир тўлов бухгалтерия ёзуви сифатида қайд этилади. Пул оқимини таҳлил қилишда асосан активларнинг рентабеллиги ҳамда мажбуриятларнинг қиймат нормаси бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқ.

XII БОБ. МҲХС АСОСИДА БАНКЛАРДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

12.1. Банкларда молиявий ҳисоботларнинг моҳияти ва аҳамияти

Банк фаолияти ва унинг фаолияти натижалари ҳақида кенгроқ ва умумлашган маълумотлар ҳисоботларда акс эттирилади. Шу сабабли, банк ҳисоботларининг асосий моҳияти - банк фаолияти ҳақида тўғри, тўлиқ ва тезкор иқтисодий маълумотлар манбаси бўлиб ҳисобланишидир. Банк ҳисоботлари инвесторлар, кредиторларга ва бошқа банк мижозларига тушунарли бўлиши, уларга жалб қилинаётган ресурсларнинг таркиби, турлари ва жойлашиши, кутилаётган даромадларнинг суммаси ва вақти, кредитлар ва бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш заҳираларининг мавжудлиги, банк капитали таркиби ва бошқалар бошқалар тўғрисида тегишли маълумотларни бериши лозим.

Хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва шу асосда тузиладиган банкнинг молиявий ҳисоботлари, унинг маълумотлари Давлат тартибга солиш органлари учун тижорат банкларининг молиявий аҳволи, пул муомаласининг ҳолати, халқ хўжалигидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳолатини ўрганиш учун ўта мухимдир.

Марказий Банк алохида олинган худудлар ва бутун мамлакат миқёсида олинган шундай таҳлилларга асосланган ҳолда молия — кредит бозоридаги аҳволни ўрганиши, тижорат банклари учун ўрнатилган меъёрлар ва кўрсаткичларни қандай бажарилаётганини назорат этиши, олиб борилаётган пул —кредит сиёсатининг самарасини кўриб чиқиши ва зарур холларда унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин[46].

Банк эгалари учун, шу билан бирга унинг хиссадорлари учун бу маълумотлар банк маблағларининг қандай жалб қилинаётганлиги, улардан қай усулда фойдаланилаётганлиги, банк актив операциялардан қандай молиявий натижалар кутилаётганлигини билиш учун жуда мухимдир. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари банк раҳбарлари, унинг ходимлари, айни чоғда банк мижозлари учун ҳам қизиқарлидир.

[46] Наврўзова К. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма. –Т.: 2004, 24- бет.

Чунки банк раҳбарлари ва барча ходимлари банкнинг кунлик активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, даромадлари ва ҳаражатларининг структураси билан қизиқсалар, банк мижозлари эса банк ликвидлиги ва унинг барқарорлик даражасини билишни истайдилар. Банк молиявий аҳволи ёмонлашувини сезган мижозлар бошқа барқарор банкка ўз маблағларини ўтказиб унинг хизматидан фойдаланишни афзал кўрадилар (1-жадвал).

17-жадвал

Банк ҳисоботларидан фойдаланувчилар ва уларнинг манфаати учун зарур бўлган маълумотлар[47]

№	Фойдаланувчилар	Фойдаланувчиларнинг манфаати учун зарур бўлган маълумотлар.
1	Акционерлар	Банкнинг молиявий холати ва дивидентлар фоизи бўйича келгусидаги дивиденд сиёсати
2	Инвесторлар	Маблағларни сарфлашдан кўриладиган иқтисодий самарадорлик ва таваккалчилик даражаси
3	Кредиторлар ва депозиторлар	Банкнинг молиявий баркарорлиги, яъни кредиторлар ва депозиторларни ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлаш имконияти ва хоказо.
4	Чет эл банклари	Банк корреспондентнинг ишончлилиги
5	Марказий банк	Банкнинг самарали бошқарилаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар
6	Давлат солиқ қўмитаси	Активлар, даромад, ҳаражатлар ва солиқ тўланиши бўйича маълумотлар
7	Бошқа давлат органлари	Миллий даромадлар тўғрисидаги маълумотлар, ҳаражатлар ва бошқа статистик маълумотлар
8	Ишчи ва хизматчилар	Мехнат хақини тўлаш қобилияти.

Демак, банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари банк ҳақидаги аниқ маълумотларни олиш нуқтаи назаридан Марказий банк, Солиқ қўмитаси, барча тижорат банклари ва мижозлар учун жуда зарурдир. Бу маълумотлар асосида банкнинг ликвидлиги, йўл қўяётган хатари, резервлари, кредит портфели ҳолатини белгилаш имконияти яратилади.

Амалдаги қонунчилик[48] ва БҲМС[49]ларида молиявий ҳисоботларнинг турлари, алоҳида ҳар бир ҳисобот турларининг

[47] Муаллиф томонидан тузилди.
[48] Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. –Т.: 2016 й.
[49] «Узбекистон Республикасининг 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» БҲМС. –Т.: 26.07.1998й.

мазмуни ва уларнинг таркиби, ҳамда тузилиш тамойиллари тўлиқ ёритиб берилган. Лекин, тегишли меъёрий ҳужжатлар[50]да банк ҳисоботларининг умумий таърифи келтирилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (кейинги матнда Қонун) ва «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» 1 - сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) ида молиявий ҳисоботларнинг турлари, алоҳида ҳар бир ҳисобот турларининг мазмуни ва уларнинг таркиби, ҳамда тузилиш тамойиллари тўлиқ ёритиб берилган. МҲХСда эса бу мавзу 1-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида (кейинги матнда БҲХС 1) ўз аксини топган.

БҲХС 1 да белгиланган молиявий ҳисоботлар тўлиқ тўпламини тахлил қилар эканмиз республика миллий қонунчиликда белгиланган ҳисобот турлари ҳақида тўхталмаслик мумкин эмас. Ўрганиш осон бўлиши учун, юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ва МҲХСда белгиланган асосий ҳисобот шаклларини қуйидаги жадвалга туширдик.

18-жадвал

Молиявий ҳисобот турлари

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича	**"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун бўйича**	**1-сонли Миллий стандарт бўйича**
Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот	Бухгалтерия баланси	Бухгалтерия баланси (1-шакл)
Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)
Капиталдаги ўзгаришлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	Хусусий капитал тўғрисдаги ҳисобот	Ўз сармояси тўғрисдаги ҳисобот (5-шакл)
Пул оқимлари тўғрисдаги ҳисобот	Пул оқимлари тўғрисдаги ҳисобот	Пул оқимлари тўғрисдаги ҳисобот (4-шакл)
Ҳисоб сиёсатининг асосий қоидаларини қисқа баёнини қамраб олган ва бошқа тушунтириш маълумотлардан иборат изоҳлар	Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар	Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар
БҲХС 1 да белгиланган бошқа ахборотлар		

[50] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги 1419-низом. –Т.: 2004й

Маълумки, республикамизда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича муҳим ислоҳатлар бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони 9-бандида 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботларини чоп этиши ва уни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва Аудитнинг халқаро стандартлари асосида ташқи аудитдан ўтказиши белгиланган.

Мазкур ПФ-4720-сонли Фармон билан акциядорлик жамиятлари ижро этувчи органига чет эллик менежерларни тайинлаш ҳуқуқи берилган. Мазкур ҳолат, яъни чет эллик менежерларни ва бошқа инвесторларни жалб этилиши, мазкур Акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорлик қилаётган тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини ўрганиш ва танишиб чиқишга бўлган қизиқишини ортиради. Бу эса, тижорат банкларининг МҲҲС талаблари асосида тузилган йиллик молиявий ҳисоботларини ўз вақтида тузилишини тақозо этади.

Юқоридаги тартибга солувчи халқаро ва милий стандартларда молиявий ҳисоботлар моҳиятига турлича тариф берилган. Масалан МҲҲСга кўра молиявий ҳисоботлар - тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг тартибга солинган ифодасидир.

Қонунда молиявий ҳисоботга қуйидагича тариф берилган: "Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатдир."

Юқоридагилардан хулоса қилиб, банк ҳисоботларига қуйидагича умумий таъриф беришимиз мумкин: «Банк ҳисоботлари - бу ҳисобот даврига бўлган банкнинг молиявий ва мулкий ҳолатини уларнинг иқтисодий мазмунига қараб маълум тартибда гуруҳлаштирадиган ва ўзаро алоқадорлигини таъминлайдиган шаклларда акс эттирадигандан миқдорий характеристика ва кўрсаткичлар ягона тизимидир».

19-жадвал

Ҳисобот шаклларининг туркумланиши

Туркумлашиш белгилари	Ҳисобот шакллари
Турлари бўйича	Молиявий Бухгалтерия Статистика
Аҳамияти бўйича	Асосий Қўшимча
Қамраб олинадиган даври бўйича	Кунлик Ойлик Чораклик Ярим йиллик Йиллик
Доимий равишда тузилмайдиган ҳисоботлар	ЎзР Марказий банки сўрови бўйича
Қўлланилаётган акс эттириш усулларининг хусусиятлари бўйича	Миллий стандартлар бўйича ҳисоботлар МҲХС талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилган ҳисоботлар

Жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики замонавий банкларни бошқариш пул бирлигида акс эттирилган миқдорий маълумотлардан фойдаланишга асосланади. Шунингдек, банк ҳисоботларида, агар уларни таҳлил қилишда ёрдам берса, сифат кўрсаткичларидаги маълумотлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Шу боис, банк менеджерлари учун махсус тайёрланган ҳисоботлар бошқарув ҳисоби маълумотлари бўлиб ҳисобланади. Шуни билиш лозимки, бухгалтерия маълумотлари шартли туркумлаш, тахминий баҳолашдан ҳам фойдаланади.

Шу нуқтаи назардан, банк ҳисоботи маълумотлари тахминий ҳисобланади. Масалан, пассив ҳисобварақларда банкнинг заҳира капиталини акс эттирилиши уларнинг ликвид шаклда мавжудлигидан далолат бермайди.

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади. Қонун ва МҲХС ўртасидаги яна бир фарқ, бу ҳисобот даврини аниқлашда турлича ёндошувнинг қўлланишидир. Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, янги ташкил этилган хўжалик субъектларини истесно этганда, 1 январь - 31 декабрь календарь йили йиллик молиявий ҳисоботнинг ҳисобот давридир ёки унинг иккинчи қисмида кўрсатилганидек 1 январдан бошлаб даврий молиявий ҳисобот тузилаётган даврнинг ҳисобот санасини ҳам қамраб олган давр календарь йил мобайнида тузиладиган даврий

молиявий ҳисобот учун ҳисобот давридир. Демак, Қонунга кўра ҳисобот даври 1 январдан иборат бўлган 1 йиллик даврдир.

МҲХСда ҳам хўжалик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламини тақдим этилишига камида йиллик давр тавсия этилган. Лекин, ҳисобот даври аниқ ҳисобот санасига боғлаб қўйилмаган. Айрим хўжалик субъектлари, масалан фаолияти мавсумий бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари ўзига қулай бўлган санани ҳисобот санаси сифатида танлашлари мумкин. Шунингдек, бошқа корхоналар ҳам ўз ишлаб чиқариш циклига мос бўлган ҳисобт санасини қабул қилишларига рухсат берилади. Лекин, молиявий ҳисоботнинг даври изчил давом эттирилиши лозим.

Молиявий ҳисобот қуйидагилар учун ҳам ахборотни сақлайди:

- инвестиция қарорларини ва кредитлар беришга доир қарорларни қабул қилиш;
- банкнинг бўлғуси пул оқимига баҳо бериш;
- тижорат банкига ишониб топширилган ресурслар муносабати билан унинг ресурсларига, мажбуриятларига баҳо бериш;
- банк бошқаруви ишига баҳо бериш.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қабул қиладиган иқтисодий қарорлар тижорат банкининг пул маблағларини кўпайтириш, уларнинг кўпайиш вақтини ҳисоб - китоб қилиш ва натижага эришишга умид қилишдаги қобилиятини баҳолашни талаб қилади. Бундай қобилият пировард натижада масалан, тижорат банки ўз ходимлари ва маҳсулот етказиб берувчиларига ҳақ тўлай оладими, фоизларни тўлаб турадими, кредитларни уза оладими ва даромадни (фойдани) тақсимлай оладими ёки йўқми эканини аниқлайди.

Фойдаланувчилар пул маблағларини кўпайтириш қобилиятини яхшироқ баҳолайдилар, агар у банкнинг молиявий аҳволи фаолиятини ва молиявий аҳволидаги ўзгаришларни акс эттирадиган ахборот билан таъминланган бўлса.

Банк назорат қилиб турадиган иқтисодий ресурслар, унинг молиявий тузилмаси, ликвидлиги, тўловга қобилияти, ишлаётган муҳит ўзгаришларига муносабат билдира олиши унинг молиявий аҳволига таъсир ўтказади. Тижорат банки назорат қилиб турадиган иқтисодий ресурслар ҳақидаги ва унинг ана шу ресурсларни қайта ишлаш қобилияти тўғрисидаги ахборотлар унинг келгусида пул

маблағларини ва уларнинг эквивалентини кўпайтириш имкониятини прогнозлаш учун зарурдир. Молиявий аҳвол ҳақидаги ахборот келгусида кредитларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун, шунингдек келадиган даромадлар билан пул оқимларини банкнинг акцияларига эга бўлганлар ўртасида тақсимлашда зарурдир, шунингдек банк кейинчалик ўзининг молиявий аҳволини қанчалик муваффақият билан яхшилай олишини аниқлаш учун зарурдир. Ликвидлик ва тўловга қобилият ҳақидаги ахборот банкнинг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олишини аниқлаш учун зарурдир. Ликвидлик яқин келгусида ана шу давр ичидаги молиявий мажбуриятларни тўлаш учун пул маблағлари мавжудлигини англатади. Тўлов қобилияти молиявий мажбуриятларни ўз вақтида тўлаш учун пул маблағлари мавжудлигини англатади.

Банкнинг фаолият кўрсаткичлари, унинг рентабеллигининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги ахборот иқтисодий ресурслардаги потенциал ўзгаришларни баҳолаш учун талаб этилади. Бундай ахборот келгусида назоратни амалга оширишга имкон беради, шунингдек банкнинг фаолиятидаги ўзгаришлар ҳақидаги ахборот ҳам муҳимдир.

Фаолият ҳақидаги ахборот банкнинг мавжуд ресурслар базасидан пул маблағлари тўплай олишини прогнозлаш учун зарурдир, бу эса банк қўшимча ресурсларни жалб қилиши мумкин бўлган самарадорликка баҳо беришни шакллантиришда муҳимдир.

Пул оқимлари ҳақидаги ахборот тижорат банкнинг пул маблағларини жалб қилиш қобилиятига баҳо бериш учун зарурдир, бу эса фойдаланувчиларга ҳар хил банкнинг пул оқимларини баҳолаш ва таққослаш учун янги усуллар ишлаб чиқишга имкон беради.

Молиявий ҳисоботлар ўзаро бир - бири билан боғлангандир, чунки улар банк фаолиятига доир бир хил ҳолатларнинг ҳар хил жиҳатларини акс эттиради. Ҳар бир ҳисобот битта мақсадга хизмат қилмайдиган ва фойдаланувчиларнинг муайян эҳтиёжларини аниқлаш учун зарур бўлган бутун ахборотни бермайди. Масалан, молиявий - хўжалик фаолиятнинг натижалари тўғрисидаги ҳисобот, агар ундан бухгалтерлик баланси ва пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот билан уйғунликда фойдаланилмаса, фаолиятнинг бутун манзарасини акс эттирмайди.

Молиявий ҳисобот шунингдек қўшимча ахборотни - изоҳлар, ҳисоб - китоблар ва тушунтиришларни (тушунтириш хати тарзида) ўз ичига олади. Изоҳлар, ҳисоб - китоблар ва тушунтиришлар жадваллар шаклида ҳам, бошқача тарзда ҳам бўлиши мумкин.

Ҳозирда банкнинг ҳисоботлари ҳамкорлик қилиш мақсадида уларнинг молиявий кучи, хатарсизлиги ва барқарорлигини белгилаш учун керак бўлади. Бунинг устига молиявий ҳисоботлар бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мос келиши ва халқаро қоидаларга мувофиқ тан олинган аудиторлик фирмалар томонидан текширилиши лозим.

Тижорат банкларда ҳисоб юритиш усуллари ва қоидалари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун (2016 йил, 13 апрель, 404 - сон.) талабларига тўлиқ жавоб беради. Бунинг асосий афзаллиги шундаки, улар ҳисобот давридаги даромад ва харажатларни, шу даврда пул тушган вақтдан қатъий назар акс эттириш имконини беради. Илгари эса даромад келиб тушган вақтда, харажат эса тўланган вақтда тан олиниши кўзда тутилган эди.

12.2. Банкларда молиявий ҳисобот ахборотнинг сифат хусусиятлари

Жаҳондаги мамлакатлар бухгалтерия ҳисоби тизими ўз молиявий ҳисоботларини тузиш қоидаларига эга. Ушбу қоидалар молиявий ҳисобот ахборотларини шакллантириш ва тақдим қилиш асослари бўлиб хизмат қилади. Жумладан, республикамизда ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасида ҳамда 1-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"да бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари белгилаб қўйилган.

Ўз ўрнида, Молиявий ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари Кенгаши (кейинги матнда Кенгаш)томонидан молиявий ҳисоботларда тақдим қилинадиган молиявий ахборот мазмуни ва турига нисбатан талаблар ўрнатилган. Молиявий ҳисоботнинг Халкаро Стандартларининг Концептуал асосида (кейинги матнда Концептуал асос) ушбу талаблар молиявий ахборотнинг сифат хусусиятлари (кейинги матнда сифат хусусиятлар) деб аталади. Қуйида эса, молиявий ахборотнинг сифат хусусиятларини, яъни

фойдаланувчилар томонидан қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот турларини аниқлаш масаласини кўриб чиқамиз.

Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботнинг мақсади - фойдаланувчилар учун ресурслар ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишда фойдали бўлган молиявий ахборотни тақдим қилишдан иборат. Молиявий ҳисобот корхонанинг иқтисодий ресурслари, унга бўлган талаблар ҳамда улардаги ўзгаришларни келтириб чиқарадиган иқтисодий ҳодисаларнинг таъсири ҳақидаги ахборотни ўзида акс эттиради. Молиявий ҳисоботларда иқтисодий ҳодисалар сўз ва сонлар билан ифодаланади. Сўз ва сонлар билан ифодаланган иқтисодий ҳодисалар фойдаланувчиларга фойдали бўлиши учун, у албатта ишончли ҳамда фойдаланувчиларнинг талабини қондириш хусусиятига эга бўлмоғи лозим.


Сифат хусусиятлари фойдаланувчини қарор қабул қилиши учун қандай маълумотлар бўлиши шарт, қандай маълумотлар муҳим ёки муҳим эмас деган саволларга жавоб беради. Ёки қарор қабул қилишда фойдаланувчига асқотадиган, аниқроқ қилиб айтганда, эҳтимол энг фойдали бўлган маълумотларни саралайди ва уларнинг турларини аниқлайди. Айни пайтда, у маълумотларни аниқлашдан эришилган наф билан бунга сарфланган ҳаражатлари ўртасидаги вужудга келадиган номувофиқликларни ҳал қилиш бўйича ўрнатиладиган чеклашлар бўйича тавсиялар беради. Шу сабабли, кўпгина олимлар сифат хусусиятларини молиявий ҳисобот атрибути ёки унинг мазмунини ифодаловчи энг муҳим белгилар тизимидир, деб аташади.

Маълумки, молиявий ҳисоботлар корхона томонидан тузилади ва фойдаланувчига тақдим қилинади. Айни пайтда, фойдаланувчига тақдим қилинаётган ахборотлар корхона фаолиятига салбий таъсир этмасин, қолверса, ундан корхонани фаолиятини бошқаришда фойдаланилиши мумкин бўлсин. Бинобарин, тақдим қилинадиган молиявий ахборотнинг тури ва сифат кўрсаткичлари бўйича корхона ва фойдаланувчининг манфаатлари муштарак бўлиши лозим. Сифат хусусиятлари, молиявий ҳисобот мақсадини ифодаловчи турли манфаатлар ўртасидаги зурурий мувозанатни таъминлайди ёки корхона ва фойдаланувчи ўртасида кўприк вазифасини ўтайди.

Сифат хусусиятларининг турларлари. Кенгаш томонидан молиявий ахборотнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда сифат

хусусияти иккига, асосий (фундаментал) ва ёрдамчи сифат турларига бўлинган. Табиийки, молиявий ахборот фойдали бўлиши учун у аввало ўринли ва ишончли тақдим қилиниши лозим. Шу сабабли, молиявий ахборотнинг ўринли ва ишончли бўлиш талаби "асосий (фундаментал) сифат хусусияти", - деб белгиланган. Шунингдек, молиявий ахборот қиёсланувчан, текширилувчан, ўз вақтида тақдим этилган ва тушунарли бўлса, унинг фойдалилиги янада ошишини таъминлайди. Ўз ўрнида улар "ёрдамчи сифат хусусиятлар" ҳисобланади. Сифат хусусиятлари таркибини қуйидаги 6-расмда тасвирлаш мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, асосий сифат хусусиятлари ўринлилик ва ишончлиликдан иборат. Ўринли ахборот ишончли, ишончли ахборот эса айни пайтда, ўринли бўлиши лозим.



9-расм. **Молиявий ҳисоботларнинг сифат хусусиятилари**

Ўринлилик. Ўринли молиявий ахборот фойдаланувчиларга қарор қабул қилиш учун керак бўладиган маълумотлардир. Демак, ўринли молиявий ахборот корхона фаолиятига оид ахборот бўлиб, фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорлар қабул қилишига ўз таъсирини ўтказади. Масалан, бозорда пайдо бўлган янги сегментни мазкур банкнинг фаолиятига алоқаси борми? Ёки ушбу янги маълумот фойдаланувчиларга қарор қабул қилишда таъсир этадими? Айтайлик, банк мижозларининг фаолиятига бевосита

боғлиқ ҳодисалар рўй берганлиги тўғрисида маълумотлар пайдо бўлди. Бунда бухгалтер, ушбу янги ахборот асосида мижозга берилган кредитларнинг ҳолатига таъсир этиш омилларини излаб кўрса ва оқибатда, кредитлар бўйича яратилган захиралар суммасини қайта кўриб чиқиш зарур деган хулосага келса, бундай ахборотлар ўринли ҳисобланади.

Демак, ахборот ўринли бўлиши учун у, ўтиб кетган, ҳозирги пайтда амалга ошириладиган ва келажакда юзага келадиган ҳодисаларни баҳолаш учун ёрдам берадиган ёки уларни тасдиқлайдиган ёхуд аввалги баҳоларни тузатиш имкониятини яратадиган бўлиши лозим. Ҳатто баъзи фойдаланувчилар ундан фойдаланмасликка қарор қилган ёки ушбу ахборот уларга бошқа манбалардан маълум бўлган ҳолатларда ҳам, ахборот қарорларни ўзгартириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Ўринли ахборот ўз вазифасига кўра қуйидаги икки турга бўлинади. Молиявий ахборот, агар ундан фойдаланувчилар келгусидаги натижаларни белгилаш учун қўлланиладиган жараёнларда дастлабки маълумотлар сифатида ишлатилиши мумкин бўлса, у режалаштириш аҳамиятига эга бўлган ахборот дейилади. Молиявий ахборот, агар у олдинги қилинган баҳолашлар ҳақида маълумот берса (уларни тасдиқласа ёки ўзгартирса), у тасдиқлаш аҳамиятига эга бўлган ахборотдир. Хулоса қилиб айтганда, молиявий ахборот режалаштириш, тасдиқлаш ёки иккаласи учун ҳам аҳамиятга эга бўлса, демак, у қарорларни ўзгартириш қобилиятига эга бўлади.

Ўринли молиявий ахборотнинг бу икки тури бир-бирига боғлиқ. Режалаштириш аҳамиятига эга бўлган ахборот кўпинча тасдиқлаш аҳамиятига ҳам эга бўлади ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Масалан, жорий йилнинг даромадлари тўғрисидаги ахборот келгуси йиллардаги даромадларни олдиндан билиш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин, шунингдек, бу ахборотлар жорий йил даромади бўйича олдинги йилларда қилинган режаларда кўзда тутилган ахборотлар билан солиштирилиши мумкин. Бундай қиёслашларнинг натижалари фойдаланувчиларга олдинги режаларни белгилашда қўлланилган жараёнларни тўғрилаш ёки яхшилашга ёрдам беради.

Муҳимлик. Таъкидлаш жоизки, ахборотнинг ўринлилигига унинг тавсифи ва муҳимлиги жиддий таъсир кўрсатади. Баъзи ҳолатларда фақат ахборот тавсифи унинг ўринлилигини аниқлаш

учун етарли бўлмайди. Масалан, янги сегмент ҳақидаги маълумот ҳисобот даврида ушбу янги сегмент томонидан эришилган натижалар муҳимлигидан қатъий назар, таваккалчилик ва имкониятларни баҳолашга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Маълумот шундай ҳолатда муҳим бўладики, агарда шу маълумотнинг берилмаслиги ёки унинг нотўғри талқин қилиниши фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорларни қабул қилишга ўз таъсирини кўрсатса ёки мазкур қарорни ўзгартириш эҳтимолини вужудга келтирса. Муҳимлик, муайян шароитда баҳоланадиган маълумотни бермаслик ёки уни бузиб кўрсатилишига боғлиқ хато ёки модданинг миқдорига боғлиқдир. Шундай қилиб, муҳимлик маълумот фойдали бўлиши учун унинг асосий сифат тавсифи бўлмай, одатда ҳисоб бошланишнинг нуқтаси сифатида кўрилади. Албатта, миқдор баъзида тавсифдан муҳим бўлмаслиги мумкин. Айтайлик, жорий йил аудити натижасида банк мижознинг ҳисобварағидаги 10.000 сўм пулни бошқа мижозга нотўғри ўтказиб юборган. Бунда, сўзсиз миқдор катта аҳамият касб этади. Чунки, бу хатолик орқали банкнинг молиявий ҳолатига етадиган зарар суммаси хато ўтказилган суммага боғлиқ. Масалан, 10.000 сўм унча муҳим деб топилмади ва молиявий ҳисоботларга ҳеч қандай қўшимча ўзгартиришлар киритилмади. Бордию, ўша 10.000 сўм тўловларни амалга оширишдаги хатолик эмас, банк кассасидан топилган етишмовчилик бўлса, бунда албатта, рўй берган ҳодисанинг аҳамиятлигига эътибор берилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, муҳимлик алоҳида корхонанинг молиявий ҳисоботи доирасидаги ахборотга тегишли бўлган моддаларнинг тавсифи ва миқдори ёки иккаласига ҳам асосланган, корхонага хос бўлган ўринлиликнинг битта жиҳатидир. Шундай экан, Кенгаш муҳимликнинг ягона миқдорий меъёрини белгилаши ёки алоҳида вазиятда нима муҳим бўлиши мумкинлигини олдиндан аниқлаши мумкин эмас. Бироқ, ҳисобот тайёрловчи корхоналар ўзларининг молиявий ҳисоботидаги ахборотни муҳимлиги бўйича мустақил чегаралар ўрнатиши мумкин. Масалан, асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ҳаражатларни каптитал ёки жорий ҳаражатларга тавсифлашда миқдорий чегаралар ўрнатиш мумкин (уларнинг суммаси ҳаққоний қийматининг 5% дан ёки 1 млн.сўмдан ортиқ бўлса, капитал ҳаражатлар ҳисобланиши бўйича)

Ишончли тақдим этиш. Фойдаланувчининг қабул қилган қарори қанчалик тўғрилиги ва унга келажакда наф келтириши ахборотнинг ишончлигига боғлиқ. Маълумки, молиявий ҳисоботларда иқтисодий ҳодисалар сўз ва сонлар билан ифодаланади. Сўз ва сонлар билан ифодаланган иқтисодий ҳодисалар фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши учун, у албатта ишончли ёки белгиланган талабларга жавоб бермоғи лозим. Маълумот ўринли бўлиб туриб, ўз тавсифи ва тақдим этилиши бўйича ишончли бўлмаса, унинг тан олиниши кейинчалик хато қарорлар қабул қилинишига олиб келиши мумкин. Демак, ахборот фойдали бўлиши учун у ишончли бўлиши керак. Шу сабабдан, мутахассислар ишончлиликни сифат хусусиятларининг аҳамиятлилиги бўйича ўринлиликдан сўнг, баъзида эса у билан бир қаторга қўйишади.

Агар тақдим қилинган ахборотда жиддий хато ёки атайин бузиб кўрсатишлар бўлмаса ва фойдаланувчилар унинг ҳаққоний тақдим этилганлигига таяниши мумкин бўлса, шунингдек, уни бошиданоқ акс эттириш режалаштирилган ёки олдиндан билиш имконияти мавжуд бўлса, бундай ахборотлар ишончли деб ҳисобланади. Маълумотлар ишончли бўлиши учун, уларни ташкил этган манбалари билан тасдиқлаш имконияти мавжуд ва тахминлардан ҳоли бўлиши, шунингдек, уларни бир неча усуллар билан текшириб чиқилганда ҳам бир хил натижа бериши лозим.

Концептуал асосга кўра, ахборот мутлақо ишончли тақдим этилиши учун у учта хусусиятга эга бўлиши керак. Яъни у *тўлиқ, бетараф* ва *хатоликдан холи* бўлади. Ҳисоб-китобда мукаммаллик шарт! Кенгашнинг мақсади, ушбу хусусиятларга эришиш, мукаммалликни максималлаш- тиришдир.

Тўлиқлик. Ахборот ишончли бўлиши учун у албатта тўлиқ бўлиши зарур. Тўлиқ тавсиф, фойдаланувчи тавсифланаётган иқтисодий ҳодисани тушуниши учун зарур бўлган барча ахборотни, жумладан зарур таърифлар ва изоҳларни ўз ичига олади. Масалан, активлар гуруҳининг тўлиқ тавсифи, камида гуруҳдаги активлар тавсифини таърифи, шу гуруҳдаги барча активларнинг сондаги ифодасини ва мазкур сондаги ифода нимани (масалан, бошланғич қийматни, тузатилган қийматни ёки ҳаққоний қийматни) англатишини тушунтириши лозим. Баъзи моддалар бўйича тўлиқ тавсиф ушбу моддаларнинг тавсифи ҳамда аҳамиятли сифат тавсифини, ушбу сифат ва тавсифга таъсир этувчи омиллар

ва ҳолатлар, шунингдек, уларнинг сондаги ифодасини аниқлаш учун қўлланиладиган жараён тўғрисида тушунтиришларни ҳам тақозо этиши мумкин.

Бетарафлик. Молиявий ҳисобот маълумотлари ишончлилигини таъминлашда бетарафлик қоидасига риоя қилиш талаб этилади. Зеро, ғараз ният билан тайёрланган молиявий ҳисобот ишончли бўлмайди. Молиявий ахборотнинг танлаш ва тақдим этиш орқали фикрни шакллантириш ёки қарорларни қабул қилишда олдиндан белгиланган натижа ёки якунга эришиш мақсадига ўз таъсирини кўрсатган ҳаракат бетараф деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Концептуал асосда бетарафликка молиявий ахборотни танлаш ёки тақдим қилишдаги холислик деб таъриф берилган. Бетараф тавсиф ғаразли, бўрттирилган, урғу берилган, аҳамияти пасайтирилган ёки молиявий ахборотнинг фойдаланувчилар томонидан ижобий ёки салбий қабул қилиниши эҳтимолини ошириш учун бошқача йўсинда ҳийла ишлатишдан ҳоли бўлиши лозим. Лекин бу бутунлай бемақсад ёки қабул қилинадиган қарорга таъсир қилмайдиган маълумот дегани эмас. Аксинча, ўринли молиявий ахборот, ўз таърифига кўра фойдаланувчиларнинг қарорларида ўзгариш келтириб чиқариши мумкин бўлган ахборотдир.

Бехатолик. Биз юқорида молиявий ҳисобот ишончли бўлиши учун бетарафлик қоидасига риоя этилиши лозимлигини айтиб ўтдик. Шунингдек, бетарафликнинг асосий белгиси ғаразлиликдир. Айрим ҳолларда молиявий ҳисобот бетараф ёки беғараз ҳолда тақдим қилинганда ҳам унинг ишончлилиги таъминланмаслиги мумкин. Биз бунда молиявий ҳисобот тузиш билан боғлиқ ҳисоб-китобларда йўл қўйилиши мукин бўлган хатолар натижасида юзага келадиган ишончсизликни назарда тутмоқдамиз.

Кенгаш таъкидлайдики, ишончли тақдим этиш ахборот ҳамма тарафдан аниқ ёки тўғри дегани эмас. Хатоликдан холи дегани ҳодисани акс эттиришда хатоларга ёки тушириб қолдиришга йўл қўйилмаганлиги ва тақдим қилинадиган ахборотни тайёрлаш учун ишлатиладиган жараён бехато танлангани ва тўғри қўлланилганлигини билдиради. Бу жиҳатдан, бехатолик барча ҳолатларда мутлақо аниқликни англатмайди. Масалан, кузатиб бўлмайдиган нарх ёки қийматга нисбатан аниқ ёки ноаниқ мезонини татбиқ этиб бўлмайди. Аммо, агар кўрсатилган сумма баҳолаш маъносида деб аниқ ва равшан тавсифланган баҳолаш

усулининг моҳияти ва чекловлари тушунтирилган бўлса ҳамда баҳолаш учун тегишли усулни танлаш ва қўллашда хатоликка йўл қўйилмаган бўлса, ушбу баҳолашнинг тақдим қилиниши ишончли бўлиши мумкин.


Лекин, шуни унутмаслик керакки, ишончли тақдим этиш, ўз-ўзидан, ҳамма вақт ҳам фойдали ахборот берилишига эришилди дегани эмас. Масалан, ҳисобот берувчи корхона давлат грантлари ёрдамида асосий воситаларни олиши мумкин. Шубҳасиз, корхонага ушбу активлар текинга тушганини кўрсатиш, бу рўй берган ҳодисани ҳаққоний акс эттириш ва ушбу активлар қиймати ишончли тақдим этилганини билдирар эди, лекин бундай ахборот эҳтимол кутилган нафни бермаслиги мумкин. Чунки, бунда активнинг ҳаққоний қиймати билан боғлиқ айрим маълумотлар, хусусан унинг қадрсизланиши билан боғлиқ ҳодисалар ёритилмай қолади. Шу сабабли, дастлабки ахборот қўшимча равишда айрим маълумотлар билан тўлдирилиши ёки ойдинлаштирилиши лозим бўлади. Бунга, сал мураккаброқ мисол сифатида, активнинг қадрсизланишини акс эттириш мақсадида активнинг баланс қийматини тўғрилаш суммасининг баҳолаш аҳамиятини келтириш мумкин. Агар, ҳисобот берувчи корхона тегишли усулни тўғри қўллаган, баҳолашни тўғри тавсифлаган ва баҳолашга аҳамиятли таъсир кўрсатадиган ҳар қандай ноаниқликни тушунтириб берган бўлса, ушбу баҳолаш ахборотни ишончли тақдим қилиш ҳисобланади. Аммо, бундай баҳолашдаги ноаниқликнинг даражаси етарлича юқори бўлса, ушбу баҳолаш катта фойда бермайди. Бошқача айтганда, ишончли тақдим қилинадиган активнинг ўринлилигига шубҳа туғдиради. Агар ишончлироқ бўлган муқобил ахборот тақдим этиш имконияти бўлмаса, юқорида қайд этилган баҳолаш мавжуд бўлган энг ишончли ахборот бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Асосий сифат хусусиятларини қўллаш. Биз юқорида асосий сифат хусусиятлари таркибини аниқладик ҳамда уларнинг ҳар бирининг мазмунини очиб бердик. Бунда шунга амин бўлдикки, ўринли ахборот ишончли, ишончли ахборот эса айни пайтда ўринли бўлиши лозим. Ўринли бўлмаган ҳодисани ишончли тақдим этиш ҳам, ўринли ҳодисани ишончсиз тақдим этиш ҳам фойдаланувчилар томонидан тўғри қарорлар қабул қилинишига ёрдам бермайди.

Концептуал асосда асосий сифат хусусиятлари моҳиятини ёритиш билан бир қаторда, уларни амалда қўллаш услубларига ҳам жой ажратилган. Хусусан, унда асосий сифат хусусиятларини қўллаш учун энг самарали ва натижали усул бўлиб, қуйидаги босқичли жараён хизмат қилиши тавсия қилинган (ушбу мисолда ахборот фойдалилигини оширадиган хусусиятлар ва фойдали ахборотни олиш учун сарфланадиган ҳаражатлар билан боғлиқ бўлган чекловнинг таъсири ҳисобга олиниши эътиборга олинмаган):

- биринчи босқич: ҳисобот берувчи корхонанинг молиявий ахборотидан фойдаланувчилар учун фойдали бўлиш эҳтимолига эга бўлган иқтисодий ҳодиса аниқланади;
- иккинчи босқич: агар у тушунарли ва ишончли тақдим этилиши мумкин бўлса, ушбу ҳодиса тўғрисида энг ўринли бўладиган ахборот тури аниқланади.
- учинчи босқич: бундай ахборотни аниқлаш ва ишончли тақдим этилиши мумкинлиги белгиланади.

Агар юқоридаги услубни қўллаб, шундай ахборотга эга бўлинса ва уни ишончли тақдим этилиши мумкин бўлса, асосий сифат хусусиятлари талабларига риоя этиш жараёни шу босқичда тўхтайди. Акс ҳолда, ушбу жараён навбатдаги энг ўринли ахборотга эришгунга қадар такрорланади. Мазкур жараён қуйидаги расмда ифодаланган.



10-расм. **Ахборотларни аниқлаш ва ишончли тақдим этиш**

Ахборотнинг фойдалилигини оширадиган сифат хусусиятлари: Биз юқорида ахборотнинг асосий деб ҳисобланган ўринли ва *ишончли сифат* хусусиятларини кўриб чиқдик. Энди ўринли ва

ишончли тақдим этилган ахборотнинг фойдалилигини оширадиган *қиёсланувчанлик, текширувчанлик, ўз вақтида тақдим этиш ва тушунарлилик* сифат хусусиятларини ўрганамиз. Мазкур сифат хусусиятлари олдин айтиб ўтганимиздек "ёрдамчи сифат хусусиятлари" деб аталади. Савол туғилади, агар ахборот ўринли ва ишончли тақдим этилган бўлса, ёрдамчи сифат хусусиятларига қандай зарурият бор? Гап шундаки, ёрдамчи сифат хусусиятлари ҳодисани тавсифлаш учун иккита усулдан, агарда иккаласи ҳам тенг равишда ўринли ва ишончли тақдим этишни таъминлайдиган деб ҳисобланса, қайси бирини қўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлашда ёрдам беради.

Қиёсланувчанлик. Ахборотнинг иккаласи ҳам тенг равишда ўринли ва ишончли бўлган ҳолларда уларнинг қайси бири мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлайдиган ёрдамчи сифат хусусиятларидан энг фойдалиси бу "қиёсланувчанлик"дир. Зеро, файласуфлар ҳам нарсаларни солиштириш орқали ҳақиқатга эришиш мумкинлигини таъкидлашган. Худди шунингдек, фойдаланувчидан муқобил ёндашувлар натижасида инвестицияни сотиш ёки сақлаб туриш ёҳуд бу ёки бошқа ҳисобот берувчи корхонага инвестиция қилиш тўғрисидаги қарорлардан бирини танлаш тақозо этилади. Бундай танлаш, мазкур корхонага тегишли бўлган муайян даврдаги ахборотни бошқа давр ёки бошқа санага тегишли бўлган ўхшаш ахборот билан, шунингдек, ҳисобот берувчи корхона тўғрисидаги ахборотни бошқа корхоналар тўғрисидаги ўхшаш ахборот билан таққослаш ёки қиёслаш орқалигина ижобий ҳал қилиниши мумкин.

Шу билан бирга, қиёсланувчанлик нарсаларнинг ўхшашликлари ва фарқларини аниқлаш ва тушунишга ёрдам беради. Бошқа сифат хусусиятларидан фарқли ўлароқ, қиёсланувчанлик алоҳида бир нарсанинг (модданинг) тавсифи бўлмай, у албатта, камида иккита ўхшаш нарса (модда) бўлишини талаб этади.

Бунда шуни ёдда тутиш керакки, изчиллик қиёсланувчанлик билан боғлиқ бўлса-да, айнан шу маънони билдирмайди. Изчиллик бир ҳисобот берувчи корхона доирасида ҳар хил даврлардаги ёки бир давр ичида ҳар хил корхоналарга тегишли бўлган бир хил моддаларга нисбатан бир хил усуллар қўлланилишини англатади. Агар, қиёсланувчанлик мақсад бўладиган бўлса, изчиллик ушбу мақсадга эришишга ёрдам беради.

Айни пайтда, қиёсланувчанлик бир хиллик эмасдир. У ўхшаш, айни пайтда бир биридан фарқ қиладиган нарсаларга нисбатан қўлланилади. Ахборотнинг қиёсланувчанлигини ошириш мақсадида ўхшаш нарсаларни ҳар хил қилиб кўрсатиш ёки бир бирига ўхшамаган нарсаларни ўхшаш қилиб кўрсатиш орқали эришиб бўлмайди.

Албатта, қиёсланувчанликнинг маълум даражасига, асосий сифат хусусиятларига риоя қилиш орқали эришиш мумкин. Табиийки, ўринли иқтисодий ҳодисани ишончли тақдим қилиш бошқа ҳисобот берувчи корхонанинг ўринли иқтисодий ҳодисасини ишончли тақдим қилиш билан маълум даражада қиёсланувчан бўлиши керак.

Қиёсланувчанликни таҳлил қилар эканмиз, юқоридаги хулосаларга шуни қўшимча қилмоқчимизки, муайян ҳодиса турли усуллар ёрдамида ишончли тақдим этилиши мумкин бўлсада, айнан битта иқтисодий ҳодисага нисбатан ҳисобга олишнинг муқобил усулларидан фойдаланиш қиёсланувчанликни пасайтиради.

Текширувчанлик. Биз молиявий ҳисоботнинг сифат хусусиятларини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг аксарияти фойдаланувчи учун молиявий ахборотни фойдалилигини оширишга йўналтирилганини бир неча бор такрорладик. Аммо, юқоридаги сифат хусусиятлари бўйича талаблар асосан молиявий ҳисобот тайёрловчи ёки тақдим қилувчи субъектга нисбатан қўйилётганлигини сезиш қийин эмас. Шу билан бир бирга, Концептуал асосда молиявий ҳисобот маълумотлари асосида қарор қабул қилувчи ёки ўз пул маблағлари билан таваккал қилувчи фойдаланувчига таълуқли жиҳати кўпроқ бўлган сифат хусусиятлари ҳам мавжуд. Бизнинг фикримизча, ана шундай сифат хусусиятларидан бири, бу сўзсиз текширувчанликдир. Зеро, халқ донишмандчилигида "Олдин текшир, сўнгра ишон", деган ақида бор. Бинобарин, биз фойдаланувчини молиявий ҳисоботни тушуниш даражасидаги билим ва малакага эга ҳамда унинг ишончли тақдим қилинишидан энг манфаатдор бўлган шахс сифатида фараз қиламиз. Модомики, шундай экан, фойдаланувчига молиявий ҳисоботни текшириб, унга ишонч ҳосил қилиш имконияти ҳам яратилиши зарур деб ҳисоблаймиз

Демак, текширувчанлик фойдаланувчиларга ахборотда кўзланган иқтисодий ҳодиса ҳаққоний тақдим қилинганлигига ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради. Шу билан бирга, ушбу сифат

хусусиятини қўллаш, турли хабардор ва мустақил кузатувчилар муайян тавсиф ишончли тақдим қилинганлиги тўғрисида тўлиқ муросага эришмаган бўлса ҳам умумий бир фикрга келишиши мумкинлигини англатади. Текширилаётган миқдорий ахборот аниқ баҳоланган ягона кўрсаткичга эга бўлиши шарт эмас. Бунда, ушбу кўрсаткичнинг юқори ва қуйи чегаралари (диапазони) ва улар билан боғлиқ бўлган эҳтимолликларни ҳам текшириш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

Маълумки, текшириш бевосита ёки билвосита амалга оширилиши мумкин. Бевосита текширишда сумма ёки бошқа тақдим қилинган маълумот бевосита кузатув ёрдамида, масалан нақд пул тўғрилигини текшириш, уни санаш орқали тасдиқланади. Билвосита текширувда модел, формулага киритиладиган ёки бошқа усулда ишлатиладиган дастлабки маълумотларни текшириб, олинган натижалар билан яна худди шу усулларни қўллаган ҳолда қайта ҳисобланади. Мисол тариқасида, товар-моддий захиралар баланс қийматининг тўғрилигини тасдиқлаш учун дастлабки маълумотларни (миқдорлар ва қийматларни) текшириб (кўриб), уларнинг давр мобайнидаги ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда (масалан, ФИФО усулидан фойдаланган ҳолда) худди шу тарзда давр охирига бўлган товар-моддий захиралар қийматини қайта ҳисоблаш орқали тасдиқлашни келтириш мумкин.

Баъзи изоҳлар ва келгуси даврларда маълум бўладиган режага таълуқли бўлган айрим молиявий ахборотни келгуси давр келмагунча текшириб бўлмайди ёки бунинг мутлақо имконияти бўлмайди. Бундай ҳолларда, фойдаланувчилар ушбу ахборотдан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик тўғрисида қарор қабул қилишига ёрдамлашиш мақсадида, одатда унинг асосида ётган тахминларни, ахборотни йиғиш усулларини ва ушбу ахборотни тасдиқлайдиган бошқа омиллар ва жиҳатларни очиб бериш зарур бўлади.

Ўз вақтида тақдим этиш. Маълумки, фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш учун маълум муддат талаб қилинади. Зеро, молиявий ҳисобот тақдим қилиш учун давр талаби ўрнатилган. Бинобарин, фойдаланувчининг қарор қабул қилиши муддати шу ҳисобот даври билан боғлиқ равишда кечади. Демак, молиявий ҳисобот ўз вақтида тақдим қилиниши шарт.

Ўз вақтида тақдим этиш деганда, қабул қилинадиган қарорларга таъсир қилиши учун, ахборот фойдаланувчиларнинг қўлида ўз вақтида бўлишини англатади. Одатда, ахборот қанча

эскироқ бўлса, шунча аҳамиятсиз ҳисобланади. Аммо, баъзи маълумотлар ҳисобот даври тугагандан узоқ вақт ўтгандан кейин ҳам ўз вақтидалик аҳамиятини йўқотмаслиги мумкин, чунки улар баъзи фойдаланувчиларга, масалан тенденцияларни аниқлаш ва баҳолаш учун керак бўлиши мумкин.

Тушунарлилик. Кўпгина мутахассислар тушунарлиликни барча сифат хусусиятларининг бошида бўлиши керак деб ҳисоблайди. Албатта, молиявий ахборот фойдали бўлиш учун авалло, тушунарли бўлиши керак. Бу ҳамма учун маълум ва мақбул бўлган табиий ҳол сифатида қабул қилинган. Лекин, Кенгаш ушбу масаланинг моҳиятини аниқлашга алоҳида эътибор беради. Бунда албатта, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида қарор қабул қилувчи фойдаланувчилар иқтисодиёт, бизнес ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида етарли даражада билим ва малакага эга ҳамда молиявий ҳисоботни қунт билан ўрганишга мойил ва таҳлил қилиш салоҳияти бор шахслар сифатида тасаввур қилинади. Айрим ҳоллатда эса, молиявий ҳисоботдаги мураккаб ҳодисаларни аниқ тушуниш учун маслаҳатчи жалб қилиниши инкор этилмайди.

Концептуал асосга кўра, ахборотнинг аниқ ва лўнда гуруҳланиши, тавсифланиши ва тақдим қилиниши ушбу ахборотни тушунарли бўлишини таъминлайди.

Лекин айрим ҳодисаларга мураккаблик хос ва уларни тушунарли бўлган осон шаклда тақдим қилиш имконияти бўлмайди. Табиийки, бундай ҳодисалар тўғрисидаги ахборотни молиявий ҳисоботларга киритмаслик, ушбу молиявий ҳисоботлардаги ахборотни тушунишни осонлаштириши мумкин. Аммо, бунда ушбу ҳисоботлар "тўлиқлик" мезонига жавоб бермайди. Тўлиқ бўлмаган ҳисоботлар тўғри қарор қабул қилишда фойдаланувчиларни чалғитиши мумкин.

Фойдалиликни оширадиган сифат хусусиятларини қўллаш. Юқорида баён қилинган қоидалардан хулоса қилиш мумкинки, молиявий ҳисобот ахборот фойдалилигини таъминловчи асосий (ўринлилик ва ишончлилик) сифат хусусиятларига тўла эга бўлиши лозим. Акс ҳолда молиявий ҳисобот ўз олдига қўйган мақсадга эришмайди. Шунингдек, молиявий ҳисобот фойдалиликни оширадиган сифат хусусиятлари билан ҳам иложи борича максимал равишда таъминланиши керак. Лекин ахборот ўринли ёки ишончли тақдим этилмаса, фойдалиликни оширадиган сифат хусусиятлари

хоҳ алоҳида, хоҳ биргаликда бўлмасин ахборотни фойдали қила олмайди.

Фойдалиликни оширадиган сифат хусусиятларини қўллаш – бу олдиндан белгиланган тартиб эмас, такрор-такрор бажариладиган жараёндир. Баъзида, фойдалиликни оширадиган битта сифат хусусиятига максимал равишда эришиш учун бошқа сифат хусусияти камайтирилиши мумкин. Масалан, молиявий ҳисоботнинг янги стандартини келажакда қўллаш натижасида қиёсланувчанликни вақтинча камайтириш ҳисобига узоқ вақт давомида ўринлилик ва ишончлиликни оширишга эришиш эвазига қопланиши мумкин. Маълумотларни тегишли даражада очиб бериш қиёсланмаган маълумотлар ўрнини қисман тўлдириши мумкин.

Молиявий ахборотни тайёрлаш ва тақдим қилишга сарф-ҳаражатлар нуқтаи назаридан чекловлар. Сарф-ҳаражат молиявий ҳисобот доирасида ахборотни тақдим қилинишига нисбатан мавжуд чекловдир. Молиявий ҳисобот тайёрлаш ва тақдим қилиш маълум сарф-ҳаражат қилиш эвазига амалга оширилади. Табиийки, бу сарф-ҳаражатлар ушбу ахборотни тақдим қилиш натижасида ҳосил қилинган наф ҳисобидан қопланади. Бунда эътиборга олиш керак бўлган сарф-ҳаражатлар ва олинган нафнинг бир неча турлари мавжуд.

Албатта, молиявий ахборотни тақдим қилувчилар молиявий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, текшириш ва тарқатиш билан боғлиқ ишнинг бажаршга энг кўп куч сарф қилади. Лекин, пировардида ушбу сарфлар фойдаланувчиларнинг зиммасига тушади, чунки фойдаланувчиларнинг инвестициясидан олинадиган фойдаси (дивиденди) шу суммага мос равишда камаяди. Бундан ташқари, фойдаланувчилар тақдим қилинган ахборотни таҳлил қилиш ва талқин этиш билан боғлиқ ҳаражатларни ҳам амалга оширадилар. Агарда зарур ахборот тақдим қилинмаса, фойдаланувчилар ушбу ахборотни бошқа манбалардан олишга ёки тахминий баҳолашга қўшимча сарф-ҳаражатлар қилишлари керак бўлади.

Кўзланган нарсани ўринли ва ишончли тақдим қиладиган молиявий ахборот фойдаланувчиларга кўпроқ ишонч билан қарор қабул қилишга ёрдам беради. Бу эса қимматли қоғозлар бозорларининг самалироқ фаолият юргизиши ҳамда бутун иқтисодиёт учун капитал жалб қилиш қиймати арзонроқ тушишига

олиб келади. Алоҳида инвестор, кредитор ёки бошқа қарз берувчи ташкилот кўпроқ маълумотга асосланган қарорларни қабул қилиш орқали ҳам фойда олади. Аммо умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботлар ҳар бир фойдаланувчининг фикрича ўринли деб ҳисобланадиган барча ахборотни таъминлаб бера олмайди.

Шунга қарамасдан, Кенгаш, сарф-ҳаражатлар билан боғлиқ чекловни эътиборга олган ҳолда, маълум ахборотни ҳисоботларда тақдим этишдан келадиган фойда ушбу ахборотни тақдим этиш ва ишлатиш учун кетадиган сарф-ҳаражатларни қоплаши мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини баҳолайди. Бундан ташқари, Кенгаш янги МҲХС ишлаб чиққан пайтда сарф-ҳаражатлар бўйича чекловни қўллаш нуқтаи назаридан молиявий ахборотни тақдим қиладиган томонлар, шунингдек, фойдаланувчилар, аудиторлар, олимлар ва бошқалардан ушбу стандартни ишлаб чиқишда кўрилиши мумкин бўлган фойда ва сарф-ҳаражатларнинг моҳияти ва миқдори тўғрисида маълумот олишга ҳаракат қилади. Аксарият ҳолларда, буни баҳолаш миқдорий ва сифат маълумотларини биргаликда қўллаш асосида амалга оширилади.

Субъективлик хос бўлгани учун, ҳар хил шахслар томонидан молиявий ахборотнинг айрим моддаларини ҳисоботда тақдим этиш билан боғлиқ фойда ва сарф-ҳаражатларни баҳолаш натижалари, табиийки бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун, Кенгаш фойда ва сарф-ҳаражатларни фақат айрим ҳисобот берувчи корхоналарга нисбатан эмас, балки умуман молиявий ҳисоботга нисбатан кўриб чиқишга ҳаракат қилади. Аммо бу фойда ва сарф-ҳаражатларнинг ҳисобга олиниши ҳамма вақт ҳам барча корхоналарга нисбатан ҳисобот беришнинг бир хил талаблари ўрнатилишини оқлайди дегани эмас. Фарқлар корхоналар кўламининг ҳар хиллиги, капитални жалб қилиш йўлларининг ҳар хиллиги (жамият учун очиқ ёки хусусий йўл билан) ҳамда фойдаланувчилар талабларининг ҳар хиллиги ёки бошқа омиллар туфайли ўринли бўлиши мумкин.

Биз юқорида Кенгаш томонидан Концептуал асосда молиявий ҳисоботнинг (ахборотнинг) сифат тавсифлари бўйича ўрнатилган қоидаларни таҳлил қилдик. Шу ўринда, мазкур қоидаларни республика миллий қонунчилигида бухгалтерия ҳисобига татбиқ қилиш ҳолати бўйича ҳам қисқача фикр билдириб ўтиш жоиз. Бунда амалдаги қонун ҳужатлари деганда Ўзбекистон

Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси ва 1-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"да белгиланган асосий тамойиллар (қоида)лар назарда тутилмокда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республикада амалда бўлган ушбу қонун ҳужжатларида белгиланган бухгалтерия ҳисобининг асосий қоида (тамойил)лари ҳам номи, ҳам сони жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қилади. Мисол тариқасида олсак, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунда улар "қоидалар" деб номланган бўлса, 1-сонли Миллий стандартда "тамойиллар" деб қабул қилинган. Шунингдек, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасида 11 та қоида белгиланган бўлса, 1-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида уларнинг сони 20 тадан иборат. Афсуски, мазкур асосий тамойиллар (қоида)ларга фақат 1-сонли БҲМСда изоҳ берилган, бошқа қонун ҳужжатларида ва илмий адабиётларда эса, уларни санаб ўтиш билан чегараланган, холос.

Бундан ташқари, миллий қонунчилигимизда ушбу қоидалар бир бутун бухгалтерия ҳисоби жараёнини қамраб олади. Концептуал асосда эса сифат тавсифлари фақат молиявий ҳисобот ахборотига нисбатан қўлланилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги ПҚ-1438-сонли Қарорига мувофиқ, аудиторлик бўйича миллий стандартларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ҳамда банк-молия тизими бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тўлиқ МҲХСга мослаштирилиши ишлари амалга оширилмолқда. Ўйлаймизки, юқоридаги долзарб вазифаларни ҳал этиш борасида Концептуал асосда молиявий ҳисоботнинг (ахборотнинг) сифат тавсифлари бўйича ўрнатилган қоидалар ҳам назардан четда қолмайди.

12.3. Банкларда молиявий ҳисобот элементлари ва уларни тан олиш ҳамда концептуал асослари.

Молиявий ҳисоботлар молиявий натижаларни ва бошқа банк операцияларини акс эттиради, уларни молиявий ҳисоботларнинг

элементлари деб аталувчи иқтисодий тавсифларига мувофиқ алоҳида моддаларга гуруҳлайди.

Активлар, хусусий капитал ва мажбуриятлар бухгалтерия балансида банкнинг молиявий ҳолатини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементларидир.

Даромадлар ва харажатлар фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботда банкнинг молиявий натижалари кўрсаткичларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементларидир.



11-расм. **Банк молиявий ҳисоботи элементлари**[51]

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот фаолият натижалари ва бухгалтерия баланси элементларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботнинг элементларидир.

Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, резервлар, даромадлар ва харажатлар молиявий ҳолатни аниқлаш билан бевосита боғлиқ элементлардир. Улар қуйидаги тарзда аниқланади:

Активлар - субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир.

Мажбуриятлар - шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ишни амалга ошириш, масалан, мол - мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқа мажбуриятларидир ёхуд муайян хатти - ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир;

Хусусий капитал - субъектнинг мажбуриятларни чегириб ташлагандан кейинги активларидир;

[51] Муаллиф томонидан тайёрланди

Захиралар - келгусида муайян харажатларга сарфланиши мумкин бўлган хусусий капиталнинг бир қисмидир;

Даромадлар - ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир;

Харажатлар - ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайишидир;

Молиявий натижалар – тижорат банкининг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир.

Активлар – тижорат банкининг қиймат баҳосига эга бўлган моддий, шу жумладан, пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ва номоддий мулкидир.

Активларда акс эттирилган бўлғуси иқтисодий фойда, тижорат банкининг пул маблағлари оқимига потенциал, бевосита ва билвосита қўшиладиган улушдир. Бу улуш банк асосий фаолиятининг бир қисми сифатида юзага келиши мумкин.

Банкнинг активлари аввалги битимлар ва бошқа воқеаларнинг натижасидир. Банклар одатда активларни сотиб олиб ёки ҳосил қилиб унга эга бўладилар, бироқ, бошқа битимлар ва воқеалар активларни кўпайтиришга имкон беради. Масалан, тижорат банки томонидан мижозларга берилган кредитлар, лизинг, факторинг ва ҳоказолар. Келгусида кутиладиган битимлар ва бошқа воқеалар ўзидан ўзи активларнинг пайдо бўлишига олиб келмайди.


Банк ўз активларидан банк операцияларни амалга оширишда, хизмат кўрсатишда ва уларни бошқариш учун фойдаланади.

Активларда акс эттирилган бўлғуси иқтисодий фойда тижорат банки томонидан ҳар хил йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Масалан, активдан:

- банк операцияларини бажаришда ва хизматлар кўрсатишда алоҳида ёки бошқа активлар билан биргаликда фойдаланилиши;
- бошқа активларга алмаштирилиши;
- мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилиши;
- банкнинг эгалари ўртасида тақсимланиши мумкин.

Активлар пул, кредит, қимматли қоғозлар, бинолар, иншоотлар ва ускуналар сингари жисмоний шаклга эга. Бироқ, жисмоний шакл активнинг мавжуд бўлиши учун зарур эмас. Масалан, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари активлардир, агар банк келгусида улардан фойдаланишдан иқтисодий фойда олишни кутаётган бўлса.

Активлар, масалан, дебиторлик қарзлари ва мулк юридик ҳуқуқлар, шу жумладан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқдир. Актив мавжудлигини аниқлашда, эгалик ҳуқуқи асосий ҳисобланмайди. Масалан, ижарага олинадиган мулк актив ҳисобланади, агар банк ана шу мулкдан олиниши керак бўлган фойдани назорат қилса.



12-расм. **Банкларнинг жами активлари қолдиғининг динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)**[52]

Тижорат банкларининг жами активлари охирги 9 йил давомида хар йили ўртача 26,9 фоизга ўсиб, 6,7 бараварга кўпайган, 2017-2018 йилларда деярли 2,5 бараварга кўпайган, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 21,4 трлн. сўмни ташкил қилган (1.5-расм). Банк активлари юқори ўсиш тенденциясига эга.

Харажатларни амалга ошириш билан активларни ҳосил қилиш ўртасида узвий алоқа мавжуд, аммо бу жараёнлар ҳамма вақт ҳам вақти бўйича тўғри келмайди. Банк томонидан амалга оширилган харажатлар бўлғуси иқтисодий фойда изланганидан далолат беради, лекин активлар олинганини узил - кесил тасдиқламайди. Бинобарин, харажатларнинг мавжуд эмаслиги объектни актив деб ҳисоблаш учун асос бўлмайди. Масалан, банкка текинга берилган объектлар активларни таърифлашга мос келади. Банк бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдида жорий масъулиятли эканлиги мажбуриятнинг асосий тавсифидир.


[52] www.cbu.uz сайти маълумотлари

Мажбуриятлар уставнинг ёки шартноманинг талаблари оқибати сифатида кучга кириши мумкин. Масалан, олинган товар - моддий захиралар ва хизматлар учун тўланадиган суммалар. Мажбуриятлар олдин тадбиркорлик иши жараёнида, яхши муносабатларни сақлаб туриш ёки холисона тарзда иш кўришда ҳам юзага келади.

Ҳозирги мажбурият билан келгуси мажбурият ўртасида чегара бўлиши керак. Банк раҳбарининг келгусида активларни сотиб олиш ҳақида қабул қилган қарори мажбурият пайдо бўлишига сабаб бўлмайди. Мажбурият одатда актив олинганда ёки банк активни сотиб олиш тўғрисида битимга киришгандагина пайдо бўлади.

Тегишли мажбуриятни бажариш одатда бошқа тарафнинг эътирозларини қондириш учун иқтисодий фойдани ифодаловчи банк ресурсларини ўзига жалб этади. Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар хил усулларда (қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари) амалга оширилади: ҳақ тўлаш билан; бошқа активларни бериш билан; хизматларни кўрсатиш билан; ушбу мажбуриятни бошқаси билан алмаштириш орқали; мажбуриятларни акцияларга алмаштириш орқали.

Мажбурият, кредитор ўз ҳуқуқларидан бош тортган ҳолларда ёки кредитор ана шу ҳуқуқларидан маҳрум бўлганида, бажарилган деб ҳисобланиши мумкин.



13-расм. **Банклар мажбуриятларининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)**[53]

[53] www.cbu.uz сайти маълумотлари


Банк мажбуриятлари ҳам ўтган йилларга нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2019 йил 1 январь ҳолатига банк мажбуриятлари 188,0 трлн. сўмни ташкил қилган (1.6-расм). Бу тижорат банкларининг капиталлашув базасининг кенгайганлигидан далолат беради. Банк мажбуриятлари жами пассивларининг ўртача 88 фоизини ташкил қилган.

Хусусий капитал устав, қўшилган, захиралар капиталдан ва тақсимланмаган фойдадан иборатдир.

Зарур ҳолларда устав, қўшилган, захиралар капитали таҳлилий жиҳатдан ҳисобга олинади.

Бухгалтерия балансидаги хусусий капиталнинг миқдори активлар қийматини ва мажбуриятларни баҳолашга боғлиқдир.

Тижорат банкларининг умумий капитали 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2018 йилнинг 1 январига нисбатан 28,5 фоизга ошиб, қарийб 26,6 трлн. сўмни ташкил этган. Сўнгги 10 йил давомида ҳар йили ўртача 32 фоизга ўсган. Банк капитали ўсиш тенденциясига эга бўлган.



14-расм. **Банклар жами капиталининг ўсиш динамикаси (млрд. сўм ҳисобида)**[54]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида»ги

[54] www.cbu.uz сайти маълумотлари

ПҚ - 2454 - сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан банк устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган қисмини хорижий инвесторларга сотиш юзасидан ўтган давр мобайнида зарурий чора - тадбирлар амалга оширилган.

Тижорат банкни ва кредиторларни зарарларнинг оқибатларидан қўшимча тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш учун захираларни вужудга келтириш зарур. Захираларни ҳосил қилиш ва уларнинг миқдори ҳақидаги ахборот қарорлар қабул қилишда фойдаланувчилар учун аҳамиятлидир. Захираларни вужудга келтириш хўжалик юритувчи субъектга доир қонунчиликда ва уставда (солиқ қонунларини бузмаган ҳолда) кўзда тутилади.

Тижорат банкларининг даромади фоизли ва фоизсиз даромадини ўз ичига олади. Банк харажатлари ҳам фоизли, фоизсиз ва операцион харажатларни ўз ичига олади.

Зарарлар иқтисодий фойданинг камайганлигини билдиради ва ўз табиатига кўра бошқа харажатлардан фарқ қилмайди ва концептуал асоснинг алоҳида қисми деб ҳисобланмайди.

Зарарлар бошқа активларни сотишда ёки табиий офатлар натижасида юзага келиши мумкин. Бундай зарарлар молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботда кўрсатиладиган бўлса, улар ҳақидаги ахборот иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлиши мумкин ва шунинг учун ҳам улар алоҳида кўрсатилади.

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш мақсадида фаолият турларини чегаралаш йўли билан кўрсатилиши мумкин.

Тан олиш - бухгалтерия балансига кириш жараёни ёки жиҳатни аниқлаштиришга жавоб берувчи ва уларда акс эттирилиши лозим бўлган моддаларнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботдир.

Тан олиш жараёни модданинг баёнини ҳам, унинг пулдаги ифодасини ҳам ўз ичига олади, шунингдек у ушбу модданинг бухгалтерия балансига ёки молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга киритилишидир.

Модданинг мезонга мувофиқлигини аниқлаш учун ва уни малакали тарзда акс эттиришда аҳамиятлилик ва таққослаш қоидаларига эътиборни қаратиш керак.

Элементлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таъриф ва мезонларга жавоб берадиган модда алоҳида жиҳатни акс эттиришини

англатади. Масалан, активнинг акс эттирилиши ўз - ўзидан даромад ёки мажбуриятнинг бошқа элементини акс эттиришни талаб қилади.

Активдан фойдаланиш натижасида банкка бўлғуси иқтисодий фойда тушиш эҳтимоли мавжуд бўлганида ушбу актив бухгалтерия балансида акс эттирилади ва актив аниқ ифодаланадиган чиқимлар ёки қийматни ўз ичига олади.

Мажбуриятлар ўзида иқтисодий фойдани ифодаловчи ресурслар оқими эҳтимоли мавжуд бўлганида бухгалтерия балансида эътироф этилади, шунингдек улар мажбуриятларни қабул қилиш натижасидир.

Активларнинг кўпайиши ва мажбуриятларнинг камайиши билан боғлиқ бўлғуси иқтисодий фойданинг ўлчанган кўпайиши пайдо бўлганда, даромад молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бу эса даромадни акс эттириш активларнинг кўпайиши ва мажбуриятларнинг камайишини акс эттириш билан бир вақтда юзага келишини англатади.

Харажат активларнинг камайиши ва мажбуриятларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлғуси иқтисодий фонднинг ўлчанган камайиши пайдо бўлганда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади ва бу ишончли тарзда белгиланиши мумкин. Бу эса харажатларни акс эттириш мажбуриятлардаги кўпайиш ёки активларнинг камайишини акс эттириш билан бир вақтда юзага келишини англатади.

Баҳолаш - активлар ва мажбуриятлар эътироф этиладиган ва молиявий ҳисоботларда қайд этиладиган пул ўлчовининг усулидир.

Концепция (conceptio) лотинча сўз бўлиб, тўплаш, бирлаштириш, тизим ёки ибора маъносини англатади. Мазмунан эса бирор фан ёки тадиқиқот асослари бўйича умумқабул қилинган назарий қоидалар тўплами, шунингдек, бирор предмет ёки воқеани тушуниш, кўриб чиқиш усуллари ёки унга нисбатан ёндашувлар ва қарашлар тизими сифатида изоҳланади. Молиявий ҳисобот нуқтаи назаридан у молиявий ҳисобот тузишда қўлланилаётган амалдаги қоидаларни баҳолаш ва уларни ривожлантириш асосларидир.

Молиявий ҳисоботнинг концепутал асослари (кейинги матнда Концепутал асос) Молиявий ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари Кенгаши (кейинги матнда Кенгаш) томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган. У, 1989 йилда МҲХС қўмитаси томонидан нашр этилган "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш

асослари"нинг ўрнини эгаллаган. Ушбу Концептуал асос молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш асослари бўлиб хизмат қиладиган концепцияларни белгилайди. Демак, у ҳисобот тайёрловчи ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни ташқи фойдаланувчиларга тақдим қилиш бўйича риоя этилиши лозим бўлган қоидалар тизимидан иборат. Айни пайтда, Концептуал асос мазкур қоидаларни ҳисобот тайёрловчи ташкилот, фойдаланувчилар ҳамда бошқа манфаатдор томонларга тўғри тушунтириш учун ҳам хизмат қилади ва қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:

- молиявий ҳисоботнинг мақсади;
- фойдали молиявий ахборотнинг сифат хусусиятлари;
- молиявий ҳисоботлар таркибини ташкил этувчи элементларнинг таърифи, тан олиниши ва баҳоланиши;
- капитал ва капитални сақлаб туриш тамойиллари.

Биз, Молиявий ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (кейинги матнда МҲХС) ва унинг Концептуал асоси устида сўз юритар эканмиз, у бизни беихтиёр Бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси билан боғлиқ масалалар сари етаклайди. Зеро, бугунги кундаги МҲХСнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва мақомига қарамасдан, у назарий жиҳатдан Бухгалтерия ҳисоби фанининг ажралмас бир қисми сифатида қолаверади. Бинобарин, Концепутал асос Бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, ҳар қандай назариянинг вужудга келиши амалиётнинг у ёки бу талабига бўлган жавобдир. Зеро, пайдо бўлиш жиҳатидан амалиёт ва у орқали шаклланган тажриба назарияга нисбатан бирламчи. Бинобарин, назария аввало амалиётнинг эҳтиёжларини қондиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шубҳасиз, бухгалтерия ҳисоби назарияси ҳам тадбиркорлик (бизнес) нинг талабига жавоб сифатида юзага келган. Модомики шундай экан, бухгалтерия ҳисоби назарияси ҳақиқатдан ҳам шу соҳа амалиёти ва тажрибасининг натижаси десак, хато бўлмайди. Бухгалтерия ҳисоби фанининг асосчиси ҳисобланган Луко Пачоли ўзини шу хусусда танқид қилган мухолифларига: "Мен амалиётда бор нарсаларни адабиётда акс эттирдим, холос", - деб камтарона лутф қилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Шубҳасиз, назария объект ва ҳодисалар тараққиёт қонуниятини очиб беради. Айни пайтда, унинг қанчалик

ҳаётийлиги амалиётга жорий этишда намоён бўлади. Ёки бошқача айтганда, амалиёт ҳақиқат мезонидир. "Барча исботларнинг ичида энг яхшиси, бу тажрибадир", - деган эди инглиз мутафаккири Ф. Бэкон.

Лекин амалиёт ва тажрибанинг биз юқорида санаб ўтган хусусиятлари назарияни батамом инкор этиш ёки уни менсимаслик учун асос бўлмайди. Айрим мутахассислар бухгалтерия ҳисоби назарияси мутлақо амалиёт ва тажрибадан шаклланган деб ҳисоблашади. Шунинг учун ҳам улар, бухгалтерияни ўз ишининг устаси ва иқтидори олтинга тенг амалиётчи-ҳисобчидан ўрганиш афзал деб уқтиршади. Чунки улар, бухгалтерлик касбини ҳисоб ишларини техник томондан қойилмақом қилиб қўядиган "оддий ҳисобчилик" билан тенглаштиради.

Бугунги кунда бухгалтер нафақат ҳисоб юритишнинг техник кўникмаларига эга бўлиши, балки корхонанинг (хўжалик субъектининг) молиявий ҳолатини тўла таҳлил қилиш, уни бозор иқтисодиётининг мураккаб қонуниятлари билан боғлаб бошқариш, вазиятларни тўғри баҳолаш ва самарали хулоса чиқариш қобилятига эга бўлиши ҳам лозим. Табиийки, бухгалтер бўлиш орзусида бўлган ҳар қандай одам, аввало бухгалтерия ҳисоби назариясини, хусусан ундаги иборалар, тушунчалар ва қоидаларни ўрганишдан бошлайди. Демоқчимизки, бўлғуси бухгалтер олдин назарияни ўзлаштириб, сўнгра амалиётга қўл урмоғи лозим. "Бухгалтерияни фақат ёзма кўрсатмалар орқали машаққат билан ўрганиш мумкин", - деб ёзганди унинг асосчиларидан бири Бенеддетто Котрульи. Бухгалтерияни фақат амалиётчилардан ўрганиш лозим деб ҳисобловчи олимларга француз эссести Ф. Ларошфуконинг "Иш билган одам (амалиётчи), ўргатишни билмайди", - деган сўзларини эслатиб ўтсак ўринли бўлади.

Билиш жараёни назария ва амалиётнинг биргаликдаги ўзаро таъсирида рўй беради. Улар бир-бирини тўлдиради ва тасдиқлайди. Назария камон ўқи бўлса, амалиёт эса нишондир. Бу борадаги мулаҳазаларимизни, атоқли немис олими И. Кантнинг: "Амалиётсиз назария ўлик, назариясиз амалиёт кўрдир", - деган машҳур фалсафий фикрлари билан якунласак, ҳеч ким эътироз билдирмаса керак.

Фақат бунга қўшимча равишда яна шуни қайд этиш жоизки, назария нафақат амалиётда қарор топган мавжуд тартиботни ўрганиш, балки уни ўзгартириш ва ривожлантириш учун хизмат

қилади. У, амалиётнинг келажак тараққиёти ва тақдири тўғрисида фикрлар ва қарашлар тизимини шакллантиради ёки концепциялар яратади. Ижтимоий ҳаёт ривожланиб борар экан, унга мос равишда бухгалтерия ҳисоби ҳам тадрижий ривожланаверади. Қолаверса, фан-техника ютуқлари ҳам унинг юксак даражада такомиллашувига пойдевор яратиб бермоқда. Бугунги кунда, бухгалтерия ҳисобининг бир неча замонавий турлари шаклланган, уларнинг ҳар бири мустақил фан сифатида жаҳоннинг барча олий ўқув юртларида ўрганилмоқда. Шу билан бирга, бухгалтерия ҳисоби қанчалик такомиллашмасин ва турларга бўлинмасин, уларни тушуниш ва амалда қўллашда Бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси асос бўлиб хизмат қилаверади.

Масалан, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти ҳисобланган САА Рнинг яратилишида мамлакатнинг, нафақат бухгалтерия ҳисоби билан бевосита шуғулланувчи олимлари, балки барча иқтисодий йўналишда фаолият юритувчи машҳур олимлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишган. Бундан ташқари, мамлакатда бухгалтерия ҳисоби назариясини ривожлантириш учун мустақил илмий изланиш марказлари фаолият кўрсатган. Жумладан, Патон ва Литлтон томонидан амалга оширилган тадқиқотлар бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларининг умумий концепциясини яратишда ягона ёндашув қоидаларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, бухгалтерия ҳисоби ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб, у мавжуд ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғликдир. Ҳар бир мамлакатдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш тамойилларига ўз таъсирини ўтказади. Турли мамлакатларнинг миллий талаблари ўртасидаги зиддиятлар, уларнинг молиявий ҳисоботи ўртасида фарқларни ҳам вужудга келтиради. Бундай тафовутлар молиявий ҳисобот элементларининг, яъни активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харажатларнинг турлича таърифланишига олиб келади. Шунингдек, молиявий ҳисобот моддаларини тан олишда ҳар хил мезонлардан фойдаланиш ҳамда ушбу моддаларни баҳолаш учун ҳар хил асосларни маъқул деб ҳисоблашга сабаб бўлади. Бундай турлича ёндашувлар молиявий ҳисобот турлари, уларни қўллаш доираси ва очиб бериладиган маълумотлар хусусидаги масалаларга ҳам тааллуқлидир.

Бундан ташқари, молиявий ҳисоботнинг мақсадига фақат фойдаланувчилар манфаатлари нуқтаи назаридан қаралганда ҳам, уларнинг барчаси учун бир хил, ягона ёндашув қоидаларини қўллаб бўлмайди. Бугунги кунда, фойдаланувчилар инвестор, кредитор ва бошқа қарз берувчилар, мол етказиб берувчилар, Ҳукумат ва унинг органлари, корхона раҳбарияти ва унинг ишчи ходимлари ҳамда кенг жамАТчилик ҳисобланади. Табиийки, уларнинг ҳар бирининг молиявий ахборотга нисбатан эҳтиёжлари турличадир. Юқоридаги барча фойдаланувчиларнинг талабини қамраб оладиган маълумотларга эга молиявий ҳисобот тақдим қилиш имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун Кенгаш барча фойдаланувчилар эҳтиёжларини ўзида кўпроқ ифодалаган фойдаланувчи манфаатидан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисоботлар мақсадини белгилаган. Бундай фойдаланувчи сифатида корхонага капитал киритувчи инвестор қабул қилинган.

Маълумки, ҳар қандай ивестор ва кредитор ёки бошқа қарз берувчи бирор корхонага ресурслар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Фойдаланувчиларнинг қандай қарор қабул қилишлари қилинган инвестиялардан кутилаётган дивидендлар, асосий қарз суммаси, фоиз тўловлари ёки бозор нархларининг ошиши кўринишидаги даромадларга боғлиқ. Бинобарин, фойдаланувчиларнинг мақсади улушли ва қарз воситаларини ҳарид қилиш, сотиш ёки сақлаб туриш ҳамда кредитлар ва бошқа қарз турларини ажратиш ёки сўндириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилишдан иборат. Улар қарор қабул қилишдан олдин ўзлари инвестиция киритаётган тадбиркор тўғрисида молиявий ахборотга эга бўлиши лозим. Молиявий ахборот корхонанинг ўзи томонидан тайёрланади ва фойдаланувчиларга тақдим қилинади.

Бироқ, айрим фойдаланувчилар тақдим қилинган молиявий ахборотлардан қанАТланмасдан, корхонадан ўзларини қизиқтирган бошқа махсус маълумотларни (масалан, солиққа тортишга доир бўлган қимматли қоғозлар тўғрисидаги эмиссия проспектлари, Ҳукумат ва бошқа назорат органлари билан ёзишмалар, статистика органларига топшириладиган ҳисоб-китоблар, айрим аниқ операциялар тафсилотлари, ходимлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар) талаб қилишлари мумкин. Бундай фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган талаб ва мақсадлари турлича, улар бир-бирига зид бўлиш эҳтимолидан ҳам ҳоли эмас.

Натижада, ҳисобот берувчи корхона ва фойдаланувчилар ўртасида тақдим қилинадиган молиявий ахборотнинг мақсади, мазмуни ва шакли, уларнинг ҳажми ва таркиби ҳамда муддати тўғрисида "ҳал қилиниши" лозим бўлган масалалар юзага келади.

Шу сабабли, Кенгаш молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ бўлган қоидалар, бухгалтерия ҳисоби стандартлари ва тартибларини уйғунлаштириш орқали ушбу масалаларни ижобий ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунда албатта, Концептуал асос муҳим рол ўйнайди. Хусусан, Концептуал асосда барча фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотга бўлган талаблари бўйича юзага келган муаммо "озчилик кўпчиликка бўйсуниши лозим" қоидасини қўллаш орқали ўз ечимини топган. Яъни, корхона молиявий ахборотни ҳар бир фойдаланувчи талабидан эмас, кўпчилик сондаги (аксарият) фойдаланувчиларнинг умумий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисобот тайёрлайди. Шу билан бирга, умумий ахборот эҳтиёжларига кўпроқ урғу бериш ҳисобот берувчи корхона томонидан асосий фойдаланувчиларнинг маълум бир гуруҳи учун фойдали бўлган қўшимча маълумот берилишига тўсқинлик яратмайди

Юқорида кўрсатилган амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда МҲХС қўмитаси томонидан 1989 йилда нашр этилган "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича концептуал асос"да - "Асосий фойдаланувчилар" (кўпчилик сондаги - аксарият фойдаланувчилар) ҳамда улар учун тайёрланган молиявий ҳисобот "Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот" каби иккита муҳим тушунча киритилган. Мазкур тушунчалар Кенгаш томонидан 2010 йилнинг мартида чоп қилинган Концептуал асосда ҳам сақланиб қолди. Бу, молиявий ҳисобот тақдим этиш асосларини белгилашда ушбу тушунчаларнинг нақадар муҳимлигини тасдиқлайди.

Демак, умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботнинг мақсади - ҳисобот берувчи корхонага ресурсларни ажратиш бўйича қарорларни қабул қилишда мавжуд ва потенциал инвесторлар, кредиторлар ва бошқа қарз берувчи ташкилотлар учун фойдали бўлган ушбу корхона тўғрисидаги молиявий ахборотни тақдим қилишдан иборат. Шунинг учун ҳам умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботнинг мақсади Концептуал асоснинг ўзагини ташкил этади, унинг қолган бошқа масалалари,

жумладан, ҳисобот берувчи корхона концепцияси, фойдали молиявий ахборотнинг сифат хусусиятлари ва чекловлари, молиявий ҳисоботнинг элементлари, уларни тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш ва очиб бериш тамойиллари шу мақсаддан келиб чиқади.

Умуман айтганда, молиявий ҳисоботнинг мақсади фойдаланувчига иқтисодий қарор қабул қилиш учун зарур бўлган молиявий ахборот тақдим қилишдан иборат. 1 – МҲХС "*Молиявий ҳисоботни тақдим этиш*" умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботни тақдим этишга нисбатан умумий талабларни, уларнинг тузилишига оид кўрсатмаларни ҳамда уларнинг мазмунига доир минимал талабларни ўрнатган. Концептуал асос эса молиявий ҳисоботнинг мақсадини белгилайди.

Лекин умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботлар мавжуд ва потенциал инвесторлар, кредиторлар ва бошқа қарз берувчи ташкилотларни уларга керак бўлган барча маълумот билан таъминламайди ва таъминлаб бера олмайди. Ушбу фойдаланувчилар умумий иқтисодий шароитлар ва истиқболлар, сиёсий воқеалар ва сиёсий вазият, шунингдек, соҳа ва компаниянинг ривожланиш истиқболлари каби бошқа манбалардан олинадиган тегишли маълумотни ўрганиб чиқишлари керак.

Инвесторлар, кредиторлар ҳамда бошқа қарз берувчи ташкилотлари бўлмаган томонлар, масалан тартибга солувчи идоралар, жамият аъзолари ҳам, бу ҳисобот аслида улар учун мўлжалланмаган бўлсада, умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботдан фойдаланишлари мумкин.

Бундан ташқари, фойдаланувчилар ишониб топширилган ресурсларини ишлатишда ушбу корхона раҳбарияти ва бошқаруви ўз вазифаларини қанчалик оқилона ва самарали бажарганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлишдан ҳам манфаатдордирлар. Ҳисобот берувчи корхонанинг раҳбарияти ҳам корхона тўғрисидаги молиявий ахборотни олишдан манфаатдордир. Лекин раҳбарият фақат умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларга таяниши шарт эмас, чунки у ўзига зарур бўлган молиявий маълумотларни корхонанинг ички манбаларидан олиш имкониятига эга.

Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот ҳисобот берувчи корхонанинг қийматини аниқлаш учун мўлжалланмаган, аммо улар мавжуд ва потенциал инвесторлар,

кредиторлар ва бошқа қарз берувчи ташкилотларга ҳисобот берувчи корхонанинг қийматини баҳолаш учун ёрдам берадиган маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Табиийки, молиявий ҳисоботда мазкур маълумотлар ўз аксини топиши лозим.

Шу билан бир қаторда, тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот ва ундаги маълумотлар фақат фойдаланувчи манфаатига хизмат қилмасдан, ҳисобот топширувчи корхона манфаатини ҳам ифодалаши лозим. Ёки фойдаланувчига тақдим қилинадиган молиявий ҳиоботдаги ишончли маълумотлар корхонанинг манфаатларига зиён етказмаслиги керак. Акс ҳолда, корхонада ишончли маълумотлардан иборат молиявий ҳисоботни тайёрлашга қизиқиш йўқолади.

Биз юқорида Кенгаш корхона томонидан фойдаланувчиларга (асосий фойдаланувчиларга) умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот (ахборот) тақдим қилиши лозимлиги белгиланганлиги тўғрисида айтиб ўтдик. Айни пайтда Концептуал асос, мазкур молиявий ҳисобот ёки корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборот қандай ахборотларга эга бўлиши лозимлиги тўғрисидаги саволларга ҳам жавоб беради.

Кенгаш молиявий ҳисобот икки хил турдаги ахборотдан иборат бўлиши шартлиги тўғрисидаги қарорга келган. Булар:

- корхонанинг иқтисодий ресурслари ва унга бўлган талаблар тўғрисидаги;
- корхонанинг иқтисодий ресурслари ва унга бўлган талаблардаги ўзгаришларни келтириб чиқарадиган операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг таъсири тўғрисида ахборотлар.

Иккала турдаги ахборот ҳам фойдаланувчилар томонидан корхонага ресурслар ажратиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш учун фойдали бўлган маълумотлар сирасига киради. Ушбу ахборотлар қуйидаги 26-жадвалда келтирилган.

20-жадвал

Молиявий ҳисобот қуйидаги ахборотлардан иборат бўлиши шарт

Корхона иқтисодий ресурслари (активлари) тўғрисидаги	Корхонага бўлган талаблар (мажбуриятлар) тўғрисидаги ахборот	Корхонанинг иқтисодий ресурслари ва унга бўлган талаблардаги ўзгаришларни келтириб чиқарадиган операциялар ва бошқа

ахборот		ходисаларнинг таъсири тўғрисида ахборот
Концептуал асосда ушбу ахборотлар "иқтисодий ҳодисалар" (the economic phenomena) тўғрисидаги ахборот деб аталади		

Иқтисодий ресурслар ва унга бўлган талаблар. Ҳар қандай иқтисодий субъектнинг молиявий ҳолатини унинг ресурслари, унга бўлган талаблар ҳамда унинг соф пул оқимларининг мавжудлиги белгилаб беради. Бинобарин, ҳисобот берувчи корхонанинг иқтисодий ресурслари ва унга бўлган талабларнинг хусусияти ва кўлами тўғрисидаги ахборот фойдаланувчиларга ушбу ҳисобот берувчи корхонанинг молиявий жиҳатдан кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради.

Шу билан бирга, ушбу ахборот фойдаланувчиларга ҳисобот берувчи корхонанинг ликвидлилик ва тўлов қобилиятини, унинг қўшимча молиялаштиришга бўлган эҳтиёжлари ва ушбу молиялаштиришга эришиш эҳтимолини баҳолашга имкон яратади. Мавжуд талабларни тўлаш шартлари ва имтиёзлари тўғрисидаги ахборот фойдаланувчиларга талабларни қўйган томонлар ўртасида келгуси пул оқимлари қай тарзда тақсимланишини олдиндан билишга ёрдам беради. Гап "Молиявий ҳолат (баланс)" ҳисоботи тўғрисида кетаётир.

Иқтисодий ресурслар ва талаблардаги ўзгаришлар. Тўғри, ҳар қандай иқтисодий субъектнинг молиявий ҳолати унинг ресурслари, унга бўлган талаблар ҳамда унинг соф пул оқимларининг мавжудлигига боғлиқ. Лекин иқтисодий субъект узлуксиз фаолиятда бўлганлиги сабабли, ундаги мавжуд ресурслар ва унга бўлган талаблар ҳам доимий ҳаракатда ёки ўзгаришдадир. Бундай ўзгаришлар ушбу корхона эришган молиявий натижа ва қарз ёки улушли воситаларни чиқариш каби бошқа операциялар ва ҳодисалар таъсирида пайдо бўлади. Ҳисобот берувчи корхонанинг келгуси пул оқимларидан даромад олиш истиқболини тўғри баҳолаш учун фойдаланувчилар бу иккала турдаги ўзгаришларни фарқлай олиши керак.

Ҳисобот берувчи корхонанинг молиявий натижалари тўғрисидаги маълумот фойдаланувчиларга ушбу корхонанинг иқтисодий ресурслари қанча фойда келтирганини тушунишга ёрдам беради. Бу эса корхонанинг ресурсларини оқилона ва самарали ишлатишда раҳбарият ўз вазифаларини қанчалик даражада уддалаганлигидан далолат беради. Ушбу фойданинг

ўзгарувчанлиги ва таркибий қисмлари ҳақидаги ахборот келгусидаги пул оқимларининг ноаниқлигини баҳолашда ҳам айниқса, муҳимдир. Одатда, ҳисобот берувчи корхонанинг ўтган даврлардаги молиявий натижалари ҳамда унинг раҳбарияти ўз вазифаларини қай даражада бажарганлиги тўғрисидаги ахборот корхона иқтисодий ресурсларидан келгусида олинадиган самарадорлик даражасини аниқлашда фойдали ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳисобот берувчи корхонанинг иқтисодий ресурслари ва уларга бўлган талаблардаги, инвесторлар ва кредиторлардан қўшимча ресурсларни тўғридан-тўғри олишдан ташқари, ўзгаришларни акс эттирадиган бирор бир давр учун молиявий натижалар тўғрисидаги ахборот корхонанинг олдинги ва келгуси даврларда келиб тушадиган соф пул оқимларини ҳосил қилиш қобилиятини баҳолаш учун фойдалидир. Бундай ахборот корхона ўзининг бўш иқтисодий ресурсларини қай даражада кўпайтирганлигини кўрсатади ва шу тариқа, инвесторлар ва кредиторлардан қўшимча ресурсларни тўғридан-тўғри олиш орқали эмас, балки операцион фаолият юргизиш натижасида келиб тушадиган соф пул оқимларини кўпайтириш қобилиятини акс эттиради.


Ҳисобот берувчи корхонанинг бирор бир давр учун молиявий натижалари тўғрисидаги ахборот бозор нархлари ёки фоиз ставкаларидаги ўзгаришлар каби воқеалар корхонанинг иқтисодий ресурслари ва уларга бўлган талабларни қай даражада кўпайтирганлиги ёки камайтирганлигини ва шу тарзда корхонанинг келиб тушадиган соф пул оқимларини бошқариш қобилиятига таъсир қилишини ҳам кўрсатиши мумкин.

Ҳисобот берувчи корхонанинг муайян давр учун пул оқимлари тўғрисидаги ахборот ҳам фойдаланувчиларга корхонанинг келгусида келиб тушадиган соф пул оқимларини ҳосил қилиш қобилиятини баҳолашга ёрдам беради. Ушбу ахборот фойдаланувчиларга ҳисобот берувчи корхонанинг жорий фаолиятида амалга оширилган операцияларни тушунишга, молиявий ва инвестицион фаолиятига баҳо беришга, ликвидлилиги ёки тўлов қобилиятини баҳолашга ва молиявий натижалари тўғрисидаги бошқа маълумотларни таҳлил қилишга ёрдам беради.

Биз юқорида ҳисобот берувчи корхонанинг иқтисодий ресурслари ва уларга бўлган талабларига молиявий натижаларнинг таъсири оқибатларига шарх бердик. Бироқ, ҳисобот берувчи

корхонанинг иқтисодий ресурслари ва уларга бўлган талаблар молиявий натижаларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, масалан капиталда иштирок этиш учун қўшимча эгалик ҳуқуқини берувчи акцияларни чиқариш натижасида ҳам ўзгариши мумкин. Бундай турдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборот ҳисобот берувчи корхонанинг иқтисодий ресурслари ва унга бўлган талаблар нима сабабларга кўра ўзгарганлиги ва бундай ўзгаришларнинг келгуси молиявий натижаларга таъсирини фойдаланувчилар тўлиқ тушуниши учун зарур.

Молиявий ҳисоботда тақдим қилиниши лозим бўлган ахборот тизими қуйидаги расмда акс эттирилган.



15-расм. **Молиявий ҳисоботда тақдим қилинадиган ахборот тизими**

Молиявий ҳисобот аниқ тавсифларга эмас, аксарият ҳолларда тахминий баҳолашлар, мулоҳазалар ва моделларга асосланади. Концептуал асос ушбу тахминий баҳолашлар, мулоҳазалар ва моделлар учун асос бўладиган қоидаларни белгилайди. Мазкур қоидалар Кенгаш ва молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган корхоналар интиладиган мақсадларни ифодалайди. Кўпчилик мақсадлар каби Концептуал асос ҳам идеал даражадаги молиявий ҳисоботга тўлиқ эришиш эҳтимолидан узоқ, унга қисқа муддатда эришиб бўлмайди, чунки операциялар ва бошқа ҳодисаларни таҳлил қилишнинг янги усулларини тушуниш, қабул қилиш ва

қўллаш учун вақт талаб этилади. Шунга қарамасдан, молиявий ҳисоботнинг фойдалилигини ошириш томон ривожланишга бўлган интилишда зарур бўлган мақсадни белгилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Шуни қайд этиш жоизки, мазкур *Концептуал асос* – бу МҲХС ҳужжати эмас ва шунинг учун баҳолаш ёки маълумотни очиб беришга доир ҳар қандай масала бўйича стандартларни белгиламайди. Ушбу *Концептуал асосдаги* ҳеч бир қоида ҳар қандай алоҳида МҲХСда белгиланган қоидалардан устун бўла олмайди. Айрим ҳолларда *Концептуал асос* ва МҲХС ўртасида зиддият бўлиши мумкин. Бунда, МҲХС талаблари *Концептуал асосда* келтирилган талаблардан устун туради. Шу билан бирга, Концепутал асос расмий ҳужжат ҳисобланиши ва у ўзининг назарий ва амалий мақсадларига эга эканлигига эътибор қаратмоқчимиз. Хусусан, агар стандартларда аниқ қоидалар мавжуд бўлмаган ҳолларда 8-МҲХСда белгиланганидек, ундан корхона "Ҳисоб сиёсати"ни танлашда фойдаланиши мумкин.

Концепция молиявий ҳисобот тайёрлашнинг ҳозирги амалдаги тамойилларини баҳолаш ва уни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. У фойдаланувчиларга қарор қабул қилиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботда айнан қандай ҳодисалар ҳисобга олиниши, улар қандай баҳоланиши ва ахборот қандай тартибда тақдим қилинишини белгилайдиган назарий асосдир. Айнан Концептуал асос, молиявий ҳисобот тақдим қилишнинг назарий асосларини амалиётда қўллаш масалалари билан қиёсий таҳлил қилиш натижасида олинган ечимларнинг қанчалик самаралигини аниқлаш имконини яратади. Бугунги кунда, Кенгаш ва GAAP Америка молиявий ҳисоби стандартлари бўйича Кенгаш – FASB билан биргаликда ягона Концептуал асос лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунининг 41-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банкларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот қоидаларини ўрнатади. Марказий банк томонидан мазкур қонунга мувофиқ тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисобот тайёрлаш ва тақдим қилиш сиёсати ва тартиботларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш талабларини ўрнатиш мақсадида "Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи тўғрисида" Низом (1270, 2003 йил 3

сентябрь) ишлаб чиқилган. Ушбу Низомнинг 12-бандига мувофиқ барча банклар ўзларининг ҳисоб фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатларини ишлаб чиқишлари ва амалиётга жорий этишлари шарт. Мазкур 1270-сон Низом 2003 йилда ишлаб чиқилган ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган. Шу боис, банклар томонидан *Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган* Концепция асосида унга тегишли тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

12.4. Бухгалтерия баланси (молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот)

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот узоқ йиллар давомида "бухгалтерия баланси" ёки "баланс ҳисоботи" номлари билан машҳур бўлиб келган. Мазкур ҳисобот фойдаланувчилар учун корхонанинг молиявий ҳолати ва ликвидлилиги тўғрисидаги муҳим аҳборотларни ўзида мужассамлаштиради. Баланснинг аҳамияти банкнинг ёки бошқа бирор-бир хўжалик субъектининг молиявий аҳволини баҳоловчи энг яхши молиявий маълумотлар тизими эканлигидадир. Унинг фойдалилиги шундан иборатки, баланс кўпчилик молиявий коэффициентларни (ликвидлик, молиявий мослашувчанлик, рентабеллик ва бошқ.) ҳисоблаш ва унинг активларини баҳолаш учун асос яратади. Банклар учун эса баланс, уларнинг бўлғуси пул оқимларини ва банк хатарларини баҳолашда жуда қўл келади.

Бухгалтерия баланси яратилгандан бери унинг олдига тушадиган бошқа бирор ҳисобот шакли вужудга келган эмас. Лекин айрим йирик иқтисодчи олимлар томонидан мазкур ҳисоботнинг устунлик тарафларига соя соладиган, тўғрироғи, камситади фикрлар билдирилган. Хусусан, XX асрнинг биринчи ярмида айрим америкалик олимлар молиявий ҳолат тўғрисидаги (баланс) ҳисоботдан кўра молиявий натижалар (фойда ва заралар) тўғисидаги ҳисобот фойдали ва аҳамиятлироқ деган хулосага келган. Жумладан, Ирвинг Фишер (1867 – 1947) фирмани хўжаликнинг механизими, бухгалтерия ҳисобини эса унинг таркибий қисми сифатида баҳолаб, унинг вазифаси хўжалик жараёнларини кузатиш ва назорат қилишдан иборат деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, ҳисоботнинг асосий мақсади фойдани тўғри ҳисоблашдир, фойда билан боғлиқ объектларни аниқлаш орқали молиявий ҳолатга аниқ диагноз қўйиш мумкин. Чунки, хўжалик фаолияти объектив қонунлар таъсирида доимий

ҳаракатда бўлади ва ўзгариб туради. Бинобарин, хўжалик фаолиятининг ривожланишига капиталнинг ҳаракатсиз қолдиқ суммаси эмас, балки айнан ҳаракатдаги капитал оқимлари таъсир этади. Модамики шундай экан, бухгалтерия ҳисоби учун ҳисобварақлар қолдиқ суммалардан тузилган баланс ҳисоботи эмас, балки маблағлар ҳаракатини ўзида ифодалаган фойда ва зарарлар тўғисидаги ҳисобот аҳамиятлироқдир. Баланс мулк эгасининг дастлабки киритган сармояси ва унинг айланишидан ҳосил бўган фойдадан иборат. Агар капитал айланмас экан, у ўлик мулкдан бошқа нарса эмас.

Фойда ва заралар тўғисидаги ҳисоботни марказий ўринга ўтказар экан, Фишер шу билан боғлиқ яна бир муҳим таклифни илгари суради. Унинг фикрича солиқ мулк қолдиғига эмас, балки фойдага нисбатан солиниши лозим. Шунингдек, инфляция шароитида бўлғуси солиқ суммасини тўғри ҳисоблаш учун индекслардан фойдаланишни таклиф қилди. Олимнинг: "Инфляциядек касалнинг давоси, бу индекслардир", - деган фикри ҳозиргача мунозарали масалалар қаторидан чиқарилгани йўқ.

Ирвинг Фишер фикрлари қанчалик асосланган ва ўз тарафдорларига эга бўлмасин, унинг таклифлари қаттиқ танқид остига олинди. Унга қарши чиққанлардан бири ўша даврининг энг забардаст иқтисодчи олимларида бири Скот Др. (1887 – 1954) эди.

Скот авалло Фишернинг хўжалик субъектини механизм сифатида баҳолаган фикрларига қарши чиқиб, у хўжалик субъектига тирик организм сифатида қараш лозимлигини уқтирди. Унинг фикрича, бозор иқтисодиётини объектив қонунлар бошқармайди, шунинг учун хўжалик организми оқил кишилар томонидан бошқарилиши керак. Скотнинг "Фирма ҳаёти чангалзорликдир, жамоа эса кулча илондан бошқа нарса эмас" деган машхур сўзлари бугунги кунда ҳам олимлар томонидан бот-бот тилга олинади.

Хўжалик организмини оқилона бошқарилиш зарурияти тўғрисидаги фикрларини ривожлантир экан, Скот Фишерга қарши ўлароқ фирма фаолиятига ва унинг молиявий ҳолатига баҳо беришда баланс ҳисоботи устивор аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Фирма ҳаётида жами капитал, яъни фирмани ўзининг ва жалб қилинган капитал асосий рол ўйнайди, фойда ва зарарлар эса шу капиталнинг ҳосиласидир. "Капитал йўқ экан, фойда ҳам йўқдир. Баланс ҳисоботи амалдаги жами капитални ўзида акс эттиргани сабабли, у фойда ва зарарлар ҳисоботидаги ахборотнинг манбаи

ҳисобланади. Бинобарин балан ҳисоботи фойда ва зарарлар ҳисоботидан олдинда туриши, Солиқ ҳам капиталга нисбатан солиниши лозим" деб хулоса қилади олим.

Орадан йиллар ўтиб Скотнинг фикрларини тўғрилиги тасдиқланди, баланс ҳисоботи яна ўз таровати билан ҳаммани ром этишни давом эттирмоқда. Фишернинг ҳаракатлари ҳам зоя кетмади. Бухгалтерия ҳисобини халқаро ташкилотлари томонидан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳам баланс ҳисоботидан сўнг корхона томонидан тақдим қилиниши шарт бўлган ҳисоботлар ичида муқим иккинчи ўринни эгаллади.

Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи халқаро ташкилотлар томонидан эса молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни янада мукамаллаштириш ва айни пайтда уни соддалаштириш устида мунтазам равишда иш олиб борилади.

Маълумки, баланс сўзининг луғатий маъноси лотинча бўлиб, қуйидаги сўзлардан ташкил топган:

BIS - икки маротаба,

lanx - торозининг палласи.

Табиийки торозининг икки палласи бир-бирига тенг ёки баробар бўлиши лозим. Маълумки, бухгалтерия ҳисоби Луко Пачолли томонидан математика фани сифатида яратилган. Буюк олим бухгалтерия ҳисобига ҳам метематик услубда ёндошган. Зеро, математика масала ечимининг тўғрилигини тенглик чиқариш орқали исботлайди. Бухгалтерия ҳисоби операцияларининг тўғрилиги эса баланс чиқариш орқали тасдиқланади.

Бухгалтерия ҳисобида балансга чиқиш, ўз вақтида "инсон онгининг мўъжизаси" сифатида баҳоланган икки ёқлама ёзув услубини қўллаш ҳисобига эришилади. Иккиёқлама ёзув қоидасига мувофиқ бир операция икки марта қайд этилади.

Натижада уларнинг айланма суммалари ҳам ва улардан ҳосил бўлган қолдиқ суммалари ҳам бир-бирига тенг бўлиши таъминланади. Бухгалтер тили билан гапирганда дебет айланма кредит айланмага, актив ҳисобварақлар қолдиғи эса пассив ҳисобварақлар қолдиғига тенг бўлиши лозим. Қолдиқ суммалар тенглиги бухгалтерия баланси номини олган ва уни қуйидаги математик тенглик билан ифодалаш мумкин.

Активлар Пассивлар

Юқоридаги тенглик корхона ресурслари (активлар) билан корхона капитали (пассивлар) суммаларини ўзаро мослигини ифодалайди ва мулк эгасига ўз мулкининг бутлигини назорат қилиш имконини беради. Бинобарин, ўша вақтда бухгалтерия ҳисобининг назорат вазифаси унинг асосий мақсади сифатида майдонга чиқди. Социалистик жамиятда бухгалтерия ҳисобидан устивор равишда назорат мақсадида фойдаланилганлиги сабабли, совет иқтисодчи олимлари томонидан бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети хўжалик субъекти маблағларини уларнинг ташкил топиш манбаларига тенглигини таъминлашдан иборат деб талқин қилинган.

Лекин, балансдаги тенглик мезони бухгалтерия ҳисоби предметига қанчалик сингдирилган бўлмасин, у оддий ҳисобчилик тамойили эди холос. Кейинчалик иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва мураккаблашуви бухгалтерия ҳисоби предметига мақсадли ва мазмунан ёндошиш кучайиб борди. Тайинки, мулкни назорат қилиш мулк эгасининг манфаатига хизмат қилади. Мол етказиб берувчилар, қарз берувчи банк ва бошқа молиявий ташкилотлар, мазкур корхона билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун унинг молиявий ҳолатини билишга қизиқишади. Айниқса, корпоратив мулк эгалигининг маҳсули ҳисобланган инвесторларнинг (акциядорлар) манфаатлари пул тикаётган корхонанинг молиявий ҳолати билан чамбарчас боғликдир.

Маълумки, ҳар қандай корхонанинг молиявий ҳолати авалло унинг хусусий капиталининг ҳажмига боғликдир. Демак, бухгалтерия ҳисоби корхонанинг молиявий ҳолатини аниқлаш учун бухгалтерия балансида корхонага тегишли бўлган хусусий капитал суммасини аниқ ҳисоблаш лозим. Агар пассивлар ёки жами капитал корхонанинг ўз капитали (хусусий капитал) ва жалб қилинган капиталдан (мажбурият) иборат эканлиги инобатга олинса, бухгалтерия балансини ифодалавчи юқоридаги тенгамани қуйидагича ўзгартириш мумкин.

Активлар = Мажбуриятлар + Хусусий капитал

Юқоридаги тенгламага асосан бухгалтерия баланси корхонанинг ресурслари (активлар), ресурсларга бўлган талаблар (мажбуриятлар) ва мулк эгасига тегишли улуш (хусусий капитал) тўғрисида иқтисодий ахборотларни ўзида мужассамлаштиради. Фойдаланувчи мазкур ахборотларга асосланган ҳолда корхонанинг молиявий

ҳолатига баҳо беради. Юқорида таъкидлангандек, корхона молиявий ҳолатини ифода қилувчи ахборот, бу унинг хусусий капиталидир. Шу нуқтаи назардан, тенгламани математика қоидаларига асосан қуйидагича ўзгартирамиз.

Хусусий капитал = Активлар-Мажбуриятлар

Бугунги кунда, инвестор, кредитор, мол етказиб берувчи, Хукумат органлари ва бошқа фойдаланувилар томонидан бухгалтерия балансига фақат услубий жиҳатдан тенгликни таъминловчи восита сифатида эмас, балки унга бухгалтерия ҳисобининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда мазмунан ёндошилмокда. Бинобарин, бу ҳисобот корхонанинг молиявий ҳолатини ифодалувчи ахборотлар тизими эканлигига асосий эътибор қаратилган. Шу сабабли бўлса керак, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Кенгаши томонидан ўтказилган ислоҳатлар натижасида 2006 йилда бухгалтерия баланси номи молиявий ҳисобот мақсадидан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботга ўзгартирилди, лекин мазкур ҳисоотни бошқача номлашга ҳам рухсат этилди.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- корхонанинг соф активларининг ҳолати;
- мос даврга нисбатан корхона фойдасининг ҳажми;
- кечиктирилган солиқ мажбурияти;
- безнес ҳолати ва унинг келажаги.

Маълумки, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг таркиби ва мазмунига бўлган талаблар Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 1 (БҲХС 1) да баён этиган. Лекин, шуни ёдда тутиш керакки, мазкур Стандартнинг 57-бандида таъкидланганидек БҲХС 1 корхона томонидан моддаларни акс эттириш тартибини ёки шаклини белгиламайди, балки унинг 54-бандига мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот минимум даражада суммалари сатрларда кўрсатиладиган қуйидаги моддаларини ўз ичига олади:

асосий воситалар;
инвестицион мулк;
номоддий активлар;
молиявий активлар;

улуш бўйича ҳисобга олиш усулида ҳисобга олинган инвестициялар;

биологик активлар;

товар-моддий захиралар;

савдо бўйича ва бошқа дебиторлик қарзлари;

нақд пуллар ва нақд пул эквивалентлари;

сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган активлар ва МҲХС 5 «Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият» га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган моддаларнинг гуруҳларига киритилган активларнинг жами суммаси;

савдо бўйича ва бошқа кредиторлик қарзлари;

резервлар;

молиявий мажбуриятлар;

БҲХС 12 «Фойда солиғи» да таърифланганидек, жорий солиқ бўйича мажбуриятлар ва активлар;

БҲХС 12 да таърифланганидек, муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари ва муддати узайтирилган солиқ активлари;

МҲХС 5 га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган моддаларнинг гуруҳларига киритилган мажбуриятлар;

капитал таркибидаги назорат кучига эга бўлмаган улушлар; ва

бош ташкилотнинг мулк эгаларига тегишли бўлган, чиқарилган капитал ва капиталдаги резервлар.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тақдим этилиши ўринли бўлган моҳияти ёки вазифаси жиҳатидан етарлича фарқланадиган минимум даражада моддаларнинг рўйхати келтирилган. Шу билан бирга, мазкур стандартда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботга қўшимча моддаларни киритиш бўйича корхонага мустақиллик берилган. Жумладан, БҲХС 1 нинг бандида, агар корхона молиявий ҳолатини тушуниш учун зарур деб топилса, корхона молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг сатрларида қўшимча моддаларини, сарлавҳаларни ва жамланган оралиқ суммаларни тақдим этиш лозимлиги белгиланган. Шунингдек, - бандига мувофиқ корхона қуйидагиларни баҳолаш асосида қўшимча моддаларни алоҳида тақдим этиш тўғрисида мушоҳада қилишга ҳақлидир:

активларнинг хусусияти ва ликвидлилиги;

корхона доирасида активларнинг вазифаси;

мажбуриятларнинг суммаси, хусусияти ва қоплаш муддати.

Шу билан бирга:

агар, модданинг ёки ўхшаш моддалар гуруҳининг ҳажми, хусусияти ёки вазифаси корхона молиявий ҳолатини тушуниш учун ушбу моддаларнинг алоҳида тақдим этилишини талаб этса, моддалар ҳисоботнинг алоҳида сатрларида кўрсатилади;

корхона молиявий ҳолатини тушунишда ўринли бўлган маълумотларни таъминлаш учун, фойдаланилган тавсифлар ва моддаларнинг ёки ўхшаш моддалар гуруҳининг тартиби корхона ва унинг операцияларининг моҳиятидан келиб чиқиб ўзгартирилиши мумкин. Масалан, молия ташкилотининг фаолиятини тушуниш учун ўринли бўлган маълумотларни таъминлаш мақсадида молия ташкилоти юқоридаги тавсифларни ўзгартириши мумкин.

Стандартда активларнинг турли гуруҳлари учун турли баҳолаш асосларини қўллаш шуни кўзда тутадики, улар хусусияти ёки вазифаси бўйича фарқланади ва шу туфайли, корхона уларни алоҳида сатрларда кўрсатиладиган моддалар сифатида акс эттиради. Масалан, асосий воситаларнинг турли гуруҳлари БҲХС 16 га мувофиқ таннарх ёки қайта баҳоланган қиймат бўйича ҳисобга олиниши мумкин.

Мазкур стандартнинг фойдалувчиларни ишончли ва ўринлироқ бўлган маълумотлар билан таъминлаш мақсадида берилган энг амалий кўрсатмаларидан бири, бу унинг 66-76 бандларидаги актив ва мажбуриятларни қисқа муддатли (айланма) ва узоқ муддатлига (айланма бўлмаган) ажратишдир. Фойдаланувчилар диққтини корхонанинг соф активлари бўлган қисқа муддатли айланма маблағлари ва айланма бўлмаган узоқ муддатли моддий ва номоддий активлар ҳолати тўғрисидаги ахборот ўзига торитиши табиийдир. Зеро, БҲХС 1 да таъкидланганидек активлар ва мажбуриятлар ўзлаштирилишининг кутилган саналари тўғрисидаги маълумотлар корхона ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилигини баҳолаш учун фойдали ахборотдир. Айни пайтда, стандартда узоқ муддатли моддий активларни асосий воситалар деб номлашга рухсат берилган.

Стандарт таъкидлайдики, активлар ва мажбуриятлар ўзлаштирилишининг кутилган саналари тўғрисидаги маълумотлар корхона ликвидлилигини ва тўловга лаёқатлилигини баҳолашда фойдалидир. Чунончи, МҲХС 7 "Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш" молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг сўндириш саналарини очиб беришни талаб этади. Молиявий активлар савдо бўйича ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз

ичига олади ва молиявий мажбуриятлар савдо бўйича ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади. Бунда актив ва мажбуриятлар қисқа ёки узоқ муддатли сифатида таснифланишидан қатъий назар, товар-моддий ва бошқа захиралар каби номонетар актив ва мажбуриятларнинг қоплаш ва сўндиришнинг кутилган санаси тўғрисидаги маълумотлар ҳам фойдалидир. Масалан, корхона ҳисобот давридан сўнг ун икки ойдан ортиқ бўлган даврда қопланиши кутилган товар-моддий захиралар суммасини очиб беради.

Актив ва мажбуриятларни қисқа ва узоқ муддатлига ажратишда мезон бўлиб корхона фаолиятининг операцион цикли ҳамда актив ва мажбуриятларни ўзлаштириш муддати ўн икки ойга нисбатан оз ёки кўп бўлишлигидир. Корхона фаолиятининг операцион цикли активларни қайта ишлаш учун сотиб олган вақтдан, то уларни пул маблағларига ёки уларнинг эквивалентларига айлантиришгача бўлган вақт ўртасидаги муддатдир. Бордию, одатий операцион циклини аниқ белгилаб бўлмаса, у ўн икки ойга тенг деб ҳисобланади.

Тақдим этишнинг қайси усули қабул қилинишидан қатъий назар, корхона қопланиши ёки сўндирилиши кутиладиган ҳар бир актив ва мажбуриятнинг суммаларни бирлаштирган ҳолда қуйидагича очиб бериши лозим:

ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган;

ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлган.

Корхона аниқ фаолият цикли мобайнида товарлар ёки хизматларни етказиб берганида, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив ва мажбуриятларни алоҳида қисқа ва узоқ муддатли бўлиб кўрсатиш фойдали маълумот билан таъминлайди, чунки айланма капитал сифатида узлуксиз тарзда айланаётган соф активларни узоқ муддатли фаолиятида фойдаланиладиган активлардан фарқлаш имконини беради. Шунингдек, бу жорий операцион давр ичида ўзлаштирилиши кутилган активларни ва айнан шу давр ичида сўндирилиши лозим бўлган мажбуриятларни ҳам ажратиб кўрсатишга ёрдам беради.

Корхона активни қуйидаги ҳолларда қисқа муддатли актив сифатида таснифлаши лозим, агарда:

ўзининг одатий операцион цикли давомида активни пулга айлантиришни мўлжаллаган бўлса, ёки уни сотишни ёки истеъмол қилишни режалаштирса;

асосан савдо учун активни ўзида сақласа;

активни ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида пулга айлантиришни мўлжаллаган бўлса;

актив (БҲХС 7 да таърифланганидек) пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти бўлса, бунда ҳисобот давридан сўнг камида ўн икки ой мобайнида актив алмаштирилиши ёки мажбуриятни сўндириш учун фойдаланилиши тақиқланмаган бўлса.

Корхона мажбуриятни қуйидаги ҳолларда қисқа муддатли мажбурият сифатида таснифлаши лозим, агарда:

ўзининг одатий операцион цикли давомида мажбуриятни сўндиришни мўлжаллаган бўлса;

асосан савдо учун мажбуриятни ўзида сақласа;

мажбурият ҳисобот давридан сўнг ўн икки ой ичида сўндирилиши лозим бўлса;

мажбуриятнинг сўндирилишини ҳисобот давридан сўнг камида ўн икки ой муддатга шартсиз узайтириш бўйича ҳуқуққа эга бўлмаса. Мажбуриятнинг, контрагентнинг ҳоҳиши бўйича, уни улушли инструментлар чиқариш орқали сўндирилишига олиб келиши мумкин бўлган шартлари, унинг таснифланишига таъсир этмайди.

Актив ва мажбуриятларни БҲХС 1 талабларига кўра қисқа ва узоқ муддатларга ажратиш мезонлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

21-жадвал

Актив ва мажбуриятларни молиявий ҳисобот халқаро стандартлари талабларига кўра қисқа ва узоқ муддатларга ажратиш мезонлари

Қисқа муддатли активлар	Қисқа муддатли мажбуриятлар
Одатий операцион цикли давомида активн пулга айлантиришни мўлжаллаган бўлса, ёк уни сотишни ёки истеъмол қилиш режалаштирса.	Одатий операцион цикли давоми мажбуриятни сўндиришни мўлжаллаган бўлса
Асосан савдо учун активни ўзида сақласа;	Асосан савдо учун мажбуриятни ўзида сақлас
Активни ҳисобот давридан сўнг ўн икки о ичида пулга айлантиришни мўлжаллага бўлса;	Мажбурият ҳисобот давридан сўнг ўн икки о ичида сўндирилиши лозим бўлса.
Актив (БҲХС 7 да таърифланганидек) пу маблағлари ёки уларнинг эквиваленти бўлс бунда ҳисобот давридан сўнг камида ўн икк ой мобайнида актив алмаштирилиши ёк мажбуриятни сўндириш учун чекловл бўлмаса.	Мажбуриятнинг сўндирилишини ҳисоб давридан сўнг камида ўн икки ой муддат шартсиз узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаса.
Банк бошқа барча активларни узоқ муддатл сифатида таснифлаши лозим.	Банк бошқа барча мажбуриятларни уз муддатли сифатида таснифлаши лозим.

Қисқа муддатли мажбуриятлар сифатида таснифланган кредитларга нисбатан, агарда қуйидаги ҳодисалар ҳисобот даври охири билан молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш санаси орасида содир бўлса, ушбу ҳодисалар БҲХС 10 "Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар" га мувофиқ тузатишлар киритилишини талаб этмайдиган ҳодисалар сифатида очиб беради:

узоқ муддат асосида қайта молиялаштириш;

узоқ муддатли кредит келишувининг бузилган шартларининг тузатилиши;

узоқ муддатли кредит келишувининг бузилган шартларини тузатиш учун кредитор томонидан ҳисобот давридан сўнг камида ўн икки ой муддатга тенг имтиёзли даврни тақдим этилиши (76-банд).

Бундан ташқари, БҲХС 1 нинг 77-80А бандларида Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда акс эттирилиши лозим бўлган батафсил маълумотларга нисбатан ўрнатилган талаблар келтирилган. Хусусан, унинг 77-бандида корхона ё Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ё изоҳларда, унинг фаолиятига мос равишда таснифланган ва акс эттирилган, сатрларда кўрсатиладиган моддаларининг батафсилроқ қилиб таснифланган моддаларини очиб бериши тартиби баён этилган.

Мазкур стандартнинг 78-бандига мувофиқ батафсил таснифлашда тақдим этиладиган тафсилот даражаси МҲХСларнинг талабларига ва қамраб олинган моддаларнинг катталиги, хусусияти ва вазифасига боғлиқ бўлади. Корхона иккиламчи таснифлашнинг асосини аниқлашда 58-бандда белгиланган омиллардан ҳам фойдаланади. Очиб бериладиган маълумотлар ҳар бир модда учун фарқланади, масалан:

асосий воситалар БҲХС 16 га мувофиқ туркумларга ажратилади;

дебиторлик қарзлари ҳаридорлар ва буюртмачиларнинг қарздорлиги, ўзаро боғлиқ томонларнинг дебиторлик қарздорлиги, олдиндан тўловларга ва бошқа тўлов суммаларига ажратилади;

товар-моддий захиралар БҲХС 2 "Товар-моддий захиралар" га мувофиқ товарлар, ишлаб чиқариш захиралари, хом-ашёлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар каби туркумларга ажратилади;

резервлар ходимларнинг даромадлари бўйича мажбуриятлар ва бошқа моддаларга ажратилади; ва

акциядорлик капитали ва капиталдаги резервлар тўланган капитал, қўшилган капитал ва капитал резервлар каби ҳар хил туркумларга ажратилади.

Бундан ташқари, ушбу стандартнинг 79-бандига асосан корхона ёки молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда, қуйидагиларни очиб бериши лозим:

акциядорлик капиталининг ҳар бир туркуми бўйича:

- чиқаришга рухсат этилган акцияларнинг сони;
- чиқарилган ва тўлиқ тўланган акцияларнинг сони ҳамда чиқарилган, лекин тўлиқ тўланмаган акцияларнинг сони;
- ҳар бир акциянинг номинал қиймати, ёки акциялар номинал қийматга эга эмаслигига ишора;
- муомаладаги акциялар сонининг давр бошига ва охирига солиштирмаси;
- ушбу туркумга бириктириладиган ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чекловлар, жумладан дивидендларни тақсимлаш ва капитални қайтариш бўйича чекловлар,
- корхона ёки унинг шуъба ёки қарам тадбиркорлик субъектлари эгалик қилаётган бошқа корхонадаги улушлари;
- опционлар ва акцияларни сотиш шартномалари бўйича чиқариш учун сақланаётган акциялар, шу жумладан уларнинг шартлари ва суммалари;

капиталдаги ҳар бир резервнинг хусусияти ва мақсадининг тавсифи.

Акциядорлик капиталига эга бўлмаган корхоналар учун ошкор қилиш талаби стандарнинг 80-бандида белгиланган. Акциядор бўлмаган, масалан ширкат ёки траст капиталдаги улушининг ҳар бир тоифасидаги давр мобайнидаги ўзгаришларни ва капиталдаги улушининг ҳар бир тоифасига бириктириладиган ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чекловларни акс эттирган ҳолда 79(а)-бандда талаб этилган ахборотга эквивалент бўлган маълумотларни очиб бериши лозим.

Шунингдек, 80 А - бандига мувофиқ, агарда корхона (а) улушли инструмент сифатида таснифланган қайта сотиладиган молиявий инструментни ёки (б) корхона соф активларидаги пропорционал улушни бошқа томонларга бериш мажбуриятини ушбу субъектга фақат ликвидация жараёнида юклайдиган ва улушли инструмент сифатида таснифланадиган инструментни қайта таснифлаганда

молиявий мажбуриятлар ва капитал бўйича бир тоифадан бошқа тоифага қайта таснифланган суммани (молиявий мажбуриятлардан капиталга ёки капиталдан молиявий мажбуриятларга) ҳамда ушбу қайта таснифлашнинг муддатини ва сабабини очиб бериши лозим.

Энди БҲХС 1 нинг Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида банклар фаолиятига таалуқли бўлган кўрсатмалари хусусида фикр юритамиз. Маълумки, банклар аниқ операцион цикл мобайнида товарлар ёки хизматларни етказиб беришни амалга оширмайди. Шу сабабли, банк ва бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботига қўйилган талаблар бошқа субъектларга нисбатан ўрнатилган кўрсатмалардан фарқ қилади. Чунончи, мазкур стандартдартнинг 57-бандининг б кичик бандига мувофиқ, истисно тариқасида молиявий ҳисобот тайёрловчи субъект барча активларни ва мажбуриятларни уларнинг ликвидлилиги бўйича тақдим этишга рухсат этилади. Унинг бандида эса молия ташкилотлари (банклар) учун актив ва мажбуриятларни ликвидлиликнинг ўсувчи ёки камаювчи тартибида тақдим этиш қисқа/узоқ муддатли туркумларга ажратиб тақдим этишга нисбатан ишончли ва ўринлироқ бўлган маълумотларни таъминлайди,.

Мустақилликнинг дастлабки 15 йиллик даврида банк тизими бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш борасида ўтказган ислоҳатлар натижасида, бугунги кунда республика тижорат банкларининг йиллик молиявий ҳисоботлари МҲХСга мувофиқ тайёрланиб ва халқаро аудит текширувидан ўтказиб матбуотда чоп этилмоқда. Бугунги кунда тижорат банкларнинг йиллик молиявий ҳисоботларининг ҳуқуқий асоси бўлиб "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги низом (рўйхат рақами 1419, 2004 йил 25 октябрь) хизмат қилиб турибди. Ушбу Низомда активлар - ликвидлик даражасининг пасайиб бориши тартибида; мажбуриятлар тўлов муддатининг камайиб бориши тартибида ва хусусий капитал таркибий қисмининг муҳимлиги жиҳатидан гурухланган.

Биз қуйида, мазкур Низомнинг 1-ловасида келтирилган банкнинг баланс ҳисоботи шаклини келтирамиз.

Маълумки, банк ва бошқа молиявий ташкилотлар молиявий ҳисоботларни тайёрлашда 1994 йилда қабул қилинган “Банк ва муқобил молиявий интитутлар молиявий ҳисоботларининг маълумотларини ошкор этиш” БҲХС 30 да берилган кўрсатмалар ва

тавсиялардан фойдаланилган. Ушбу стандартда банкларнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги (баланс) ҳисоботида кўрсатилиши шарт бўлган моддалар белгиланган эди. Бинобарин, 1419-сон Низом ҳам ўзида МҲХС 30 да белгиланган талабларини мужассамлаштирган. Лекин, МҲХС Кенгаши томонидан БҲХС 30 бекор қилингач, банклар ҳам БҲХС 1 да белгиланган талаблар асосида молиявий ҳисоботларини тайёрлашга мажбур. Лекин, БҲХС 1 да молия ташкилотлари (банклар) учун актив ва мажбуриятларни ликвидлиликнинг ўсувчи ёки камаювчи тартибида тақдим этишдан бўлак бирорта аниқ кўрсатма берилмаган. Албатта, банк ва бошқа молиявий ташкилотларнинг фаолият хусусиятларини инобатга олган ҳолда БҲХС 1 нинг юқоридаги қайд этилган қоидаларни инкор этиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча БҲХС 1 га банк ва бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан БҲХС 30 да белгиланган талаблар киритилса фойдадан ҳоли бўлмайди деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда банкларга бўлган ишончни ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш кабилардан иборат. Бунинг учун эса банклар молиявий ҳисоботларига бўлган талабларнинг кучайтирилиши ва уларга бўлган сифат тавсифларининг обьектив акс эттирилишини таъминлаш лозим бўлади. Умуман олганда МҲХС банклар фаолиятига тадбиқ қилиниши банкларнинг рақобат кураши учун замин ҳозирлайди, ҳамда хизмат кўрсатиш савиясини оширишга хизмат қилади, банк мутахассисларининг ўз устида мутассил изланишлар олиб боришга ундайди. Бундан ташқари МҲХСга ўтиш банклар учун қулай ва чет эллик инвесторларни жалб қилиш йўналишларидан ҳисобланади. МҲХСга ўтишда аудит ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳисобини юритиш билан шуғулланувчи мутахассисларни қайта тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни ўз ичига олади.

Банк ҳисоботининг асосий моҳияти банк фаолияти тўғрисидаги ишончли, тўлиқ ва оператив тарзда банк операциялари тўғрисидаги маълумотларни ички ва ташқи фойдаланувчиларга етказиб беришдир. Банк ҳисоботи инвесторлар ва кредиторларга банк фаолияти тўғрисида, яъни банкнинг қанча пул маблағлари борлиги, кутилаётган даромадлари ҳажми, кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга заҳиралар нақдлиги тўғрисида аниқ маълумот бера олиш керак. Ҳозирги замон банкларини бошқаришда уларни бутун

банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлари пул ўлчов бирлигида акс эттирилади.

Ҳисобот асосан бошқарув учун ахборот беради. Бу эса бевосита банкларнинг келгусидаги фаолиятини режалаштириш учун қўл келади. Бундан ташқари ҳисоботларда акс эттирилаётган маълумотлар банк фаолиятига баҳо беришда ҳам қўлланилади, яъни баланс ҳисоботи моддаларини таққослаш орқали молиявий коэффицентлар ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам ҳисоботни аниқлиги бошқарув қарорларини аниқ қабул қилишни таъминлайди. Банкларда ҳисоботни услубий жиҳатдан ташкил қилишни Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки назорат килади.

Мазкур ҳисоботларнинг ҳар қайсиси муддатига кўра алоҳида-алоҳида тарзда кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларга гуруҳланади. Молиявий ҳисоботлар баланс ҳисоботи, фойда ва зарарлар ҳисоботи, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот, хусусий капитал ўзгаришлари тўғрисидаги ҳисобот, молиявий ҳисоботга изоҳлар, тушунтиришлар ва иловалардан ташкил топади.

Қолаверса, молиявий ҳисобот фойдаланувчилар ахборотга бўлган талабини қондириш учун тузилади ва ўз вақтида тақдим этилади. Молиявий ҳисоботнинг мақсади бу тижорат банкининг молиявий аҳволи, фаолияти, ва ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш, ва иқтисодий қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектнинг бўлғуси пул оқимига баҳо бериш, ишониб топширилган ресурсларга, мажбуриятларига баҳо бериш, раҳбар органларнинг ишига баҳо бериш кабиларни амалга ошириш учун хизмат қилади.

Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлар асосида қўйидаги тамойиллар асосида тайёрланиши лозим: ҳисоблаш, икки ёқлама ёзув усулида ҳисоб китобни юритиш, узлуксизлик, хўжалик операцияларини, активлар ва пассивларни пул билан баҳолаш, ишончлилик, эҳтиёткорлик, мазмуннинг шаклдан устунлиги, кўрсаткичларнинг қиёсийлиги, молиявий ҳисоботдаги бетарафлик, ҳисобот даврида даромадлар билан ҳаражатларнинг мувофиқлиги, активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси, тушунарлилик, аҳамиятлилик, жиддийлик, ҳаққоний ва холис тақдим, тугалланганлик, изчиллик, ўз вақтида тақдим этиш кабилар шулар жумласидандир.

Банкларда ҳар куни қонун ва меъёрий хужжатдарда белгиланган тартибда бир қанча операциялар бажарилади. Бажарилган операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши тўғрисида ҳисобот тузишлари ва уларни тегишли жойларга тақдим этишлари лозим.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида кундалик баланс ҳисоботи тузлади. Бундай ҳисобот шакли ва ҳажми Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгилаб қўйилган. Тижорат банкларининг филиаллари ҳар куни ҳисобварақларнинг кун охиридаги қолдиқлари бўйича иккинчи тартиб ҳисобварақларида баланс ҳисоботи тузиб, тижорат банкининг вилоят бўлимига алоҳида файл билан модем орқали жўнатадилар.

Банкларнинг вилоят бошқармалари олинган балансларни текшириб, ўз тизимлари бўйича вилоят йиғма балансини тузадилар, уни Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларига тақдим этадилар. Марказий банк ҳудудий бош бошқармалари бутун вилоят бўйича балансни ҳамда Марказий банк бўйича йиғма балансни умумлаштирадилар ва уни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ишлаб чиққан махсус дастур ёрдамида модем орқали жўнатадилар. Марказий банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаментида тижорат банклари бўйича алоҳида ва Марказий банк бўйича алоҳида баланслар тузилади ҳамда бутун Ўзбекистон Республикаси бўйича йиғма баланс тарзида умумлаштирилади. Марказий банк балансини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти, тижорат банкларининг балансини эса тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментлари таҳлил қиладилар. Ушбу ҳисоботнинг таҳлил натижалари бўйича камчиликлар тегишли банкларга маълум қилинади.

Тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган ҳисобот шаклларига қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

19997-"Бошқа активлар» ҳисобварағи, 29802 - "Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварағи, 16505-"Тугалланмаган қурилиш" ҳисобварақларининг қолдиқлари бўйича қайдномаси маълумотномалари;

аниқланиши лозим бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича ўтказилган суммалар қайдномаси. Шунингдек, қайдномага 17301-«Транзит ҳисобварағи», 23202 - "Клиринг трансакциялари", 17305

ва 23206-"Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар" ҳисобварақлари бўйича қолдиқда турган ҳар бир сумма киритилади. Юқорида айтилган ҳисобварақларда қолдиқ бўлмаса, бу ҳақда баланс ҳисоботига ёзиб қўйилади. Ушбу ҳисобот шакли ва қайдномалари банк раҳбари ҳамда бош бухгалтер томонидан имзоланади. Касса операциялари бўйича ҳисоботларга, улардан ташқари катта кассир ёки касса мудири имзо чекадилар.

Банкларга келиб тушган бухгалтерия ҳисоботлари текширилади, таҳлил қилинади ва унинг асосида зарур бошқарув қарорлари қабул қилинади. Ҳисобот маълумотларида номувофиқлиқлиги аниқланса, бунинг сабаблари қисқа муддатда аниқланиши ва тартибга солинади. Банкларнинг вилоятлардаги раҳбарлари (ҳар куни), республикалардаги раҳбарлари (ҳар ойда) балансларни кўриб чиқишлари ҳамда бош бухгалтернинг уларга қарашли бўлган банкларда бухгалтерия иши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг аҳволи, шунингдек, бу ишда аниқланган камчиликларнинг қандай бартараф этилаётгани тўғрисидаги ахборотини тинглаб турилади. Бундай ишларининг бажарилиши тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишда ва ҳисоботларини тузиш жараёнида қўйилан камчиликларни бартараф этишга яқиндан ёрдам беради. Шунингдек, тижорат банкларида йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузилишининг таркиби, маъзмуни ва уни тақдим этиш тартиби юқоридаги белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

Бухгалтерия баланси - банкнинг молиявий маблағларини ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини тегишли гуруҳлар бўйича пул ифодасида маълум бир санага (кун, ой, чорак ва йиллик) ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиришдир.

Банклар томонидан тузилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари, аввало, ички ва ташқи (банк бошқаруви ва ходимлари, банк таъсисчилар, солиқ инспекцияси, кредиторлар, инвесторлар) фойдаланувчиларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини қондириши, шунингдек, банкнинг молиявий ҳолатига холисона баҳо бериш мақсадида тузиладиган маълумотлар мажмуаси ҳисобланади. Шу боисдан, банкларда тузиладиган баланс ҳисоботлари муддатига кўра, корхоналарникидан фарқли ўлароқ, кунлик баланс, ойлик баланс, чораклик баланс ва йиллик баланс шаклида тузилади. Тижорат банкларида бухгалтерия хизматининг асоси баланс тузишдан иборат. Кириш балансидан тортиб тугатиш

балансига қадар бўлган давр мураккаб бухгалтерия жараёнини қамраб олади.

Кунлик балансда банкларнинг ўзлик ва жалб қилинган маблағларнинг ҳолати, шунингдек, уларни кредит ва бошқа даромадли операцияларга жойлаштрилиши акс эттирилади. Баланс маълумотларига кўра, пул маблағларининг шаклланиши ва жойланиши, кредит, ҳисоб-китоб, касса ва бошқа операцияларининг ҳолати ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилиши назорат қилинади.

Кунлик балансда банкларнинг ўзлик ва жалб қилинган маблағларининг ҳолати ва шунингдек, уларни кредит ва бошқа операцияларга жойлаштрилиши акс эттирилади. Маскур баланс маълумотларига кўра пул маблағларининг шаклланиши ва жойланиши, кредит, ҳисоб-китоб, касса ва бошқа операцияларининг ҳолати ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилиши назорат қилинади.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳужжатлар айланишини ташқил қилиш бевосита корхоналар бухгалтерия ҳисобини юритишга таъсир қилади. Банклар ҳар куни мижозларниг аналитик ҳисоби ҳисоблаган шахсий ҳисобварақларини тузадилар ва мижозга кўчирма тақдим қилишади. Мазкур кўчирмалар корхоналар бухгалтериясида барча банк операцияларини акс эттириш асос бўлади. Демак, корхоналар баланси пассивида акс эттирилаётган маълумотлар ўз навбатида банк балансининг активида акс эттирилади ва аксинча. Масалан, корхоналарнинг банклардаги ҳисоб-китоб, жорий ва бошқа ҳисоб варақларидаги пул маблағлари корхоналар балансининг активида акс эттирилса, банк балансининг пассивида акс эттирилади.

Банкларда баланслар тузилишига кўра:

- кирим баланси;
- жорий баланс;
- йиғма баланс (консолидированний);
- қайта тиклаш баланси;
- бирлаштириш баланси;
- тугатиш балансларига бўлинади.

Баланс тузишда маълумотлар асосан айланма қайдномалардан (оборот ведомостлар) кўчириб ёзилади. Бухгалтерия ҳисоботининг иккинчи шакли сифатида «фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисобот тузилади. Бунда банкнинг даромадлари ва ҳаражатларининг

ҳисобини юритишда тайинланган асосий ҳисобварақлардаги маълумотлар корректировка қилиниб, банкнинг кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик ҳаражатлари ҳамда даромадларининг ҳолати бўйича маълумотлар акс эттирилади. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан мақсад банкнинг даромалари ва ҳаражатларини таҳлил қилиш, уларни ҳисоблашдаги ҳато ҳамда камчиликларини аниқлаб, олинган натижаларга асосланган ҳолда банкнинг истиқболдаги фаолиятини режалаштиришдир.

Бухгалтерия ҳисоботининг 3-чи шакли балансга илова ҳисобланиб, бунда ҳисоботнинг биринчи қисмида бюджет даромадларига ажратмалар ва тўловлар акс эттириб борилади. Иккинчи қимида эса, марказлаштирилган суғурта фондларига, заҳира фондларига бошқа маҳсус фондларга ажратмалар акс эттирилади.

Банк балансдаги маълумотлар ҳар бир операциянинг рўй бериши натижасида активлар ва пассивларни ҳолати бўйича тўлиқ маълумотлар олиш имкониятини беради. Бу ҳолат хисоб-китоб-пул ҳужжатларининг дастлабки ҳисобини тегишли ҳисоб регистрларида расмийлаштирилиб, сўнгра бухгалтерия бўлимида аналитик ва синтетик ҳисоб бўйича умумлаштирилади ҳамда ва бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақларида икки ёқламаёзув орқали акс эттирилади. Банк иш куни якунида ҳар бир ҳисобварақлар бўйича қолдиқ суммалар аниқланади. Ҳисобварқлардаги охирги қолдиқ суммалар бош ва ёрдамчи китобга кўчирилади ҳамда балансда ўрнатилган тартибда акс эттирилади.

Бухгалтерия баланси икки қисмдан, актив ва пассивдан иборат бўлиб, уларнинг ўзаро тенглиги балансснинг тўғри тузилганлиги – банкнинг иш куни тўлиқ якунланганлигини ифодалайди. Банк баланси ўрнатилган тартибда кунлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботи шаклларини тузиш кўрсатмасига асосан, андозадаги бланкаларга тузилади. Ундаги кўрсаткичлар умумий бир ўлчов бирлигида, яъни, миллий валютада (қиймат кўрсаткичида) акс эттирилади. Бу андозадаги баланс бланкасидаги сатрлар бир нечта бўлиб, моддалари ҳам турличадир. Балансснинг иккала қисми, яъни, активлар ва пассивларнинг жами суммалари бир-бирига тенг бўлиши билан изоҳланади.

Балансининг актив томонида нақд пул маблағлари, хорижий валютадаги пул маблағлар, Маркизий банкдаги вакиллик ҳисобварағи, мажбурий заҳиралари, қимматбаҳо қоғозларга

қўйилмалар, кредитлар, сармоялар, асосий воситалар ва номоддий активлар ҳамда бошқа активлардан ташкил топади.

Пассив томони эса, депозитлар, бошқа банклардан олинган кредитлар, банк томонидан чиқарилган қарз мажбуриятлар, акционерлик капитали каби ҳисобварақлардан иборатдир.

Банкнинг активлари таркибидаги нақд пуллар- банк маблағлари тоифаси бўлиб, банкнинг тўлов фаолиятининг аҳволини белгилайди ва мижозларнинг нақд пул маблағларига бўлган талабини қондириш учун бинк мижозлари олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятини белгилайди.

Хорижий валютадаги пул маблағлари эса, тижорат банкларининг валюта бозоридаги операцияларининг ҳажмини ифодалайди. Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақлари –баланс ҳисобварақлари бўлиб, унда айни пайтда банкда маблағларнинг мавжудлигини англатади. Ҳар бир тижорат банкларининг ҳисобварағи Марказий банкда очилади. Маблағлар ўтказиш ва маблағларнинг тузилиши бўйича банк амалдаги ҳамма операциялар вакиллик ҳисобварағида акс эттирилади.

Мажбурий заҳиралар фонди - Марказий банкдаги алоҳида ҳисобварағида мавжуд банк маблағлари бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳамма тижорат банклари томонидан мажбурий тартибда заҳираланади, бу эса, уларнинг ликвидлилигини сақлаб туришига маълум даражада кафолатлайди. Мажбурий заҳиралар фондига ажратмалар фоиз ставкаларини белгилаш Марказий банк томонидан ўтказиладиган тижорат банклари ликвидлигини сақлаб туришнинг энг таъсирчан механизми ҳисобланади.

Қимматли қоғозларга қўйилмалар тижорат банкнинг фонд бозоридаги операцияларини акс эттириб, баланс активининг бошқа кўрсаткичлари билан таққосланганда, қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларида банкнинг амалий фаоллигини ифодалайди. Улар эмитетлар мақомига қараб, икки тоифага бўлинади; ҳукумат ёки марказий банк чиқарган қимматли қоғозлар ва хўжалик юритувчи субъектлар чиқарган қимматли қоғозлардан ташкил топади.

Ҳукумат ёки марказий банк чиқарган қимматли қоғозлар юқори даражада ликвидлилиги билан ажралиб туради, аммо бу қоғозларнинг даромадлилиги бошқа эмитетлар чиқарган қимматли қоғозларникидан бир мунча паст бўлади.

Кредитлар - тижорат банкининг кредитга оид операциялари бўлиб, банкнинг фойда олишини белгиловчи моддаси ҳисобланади. Балансда кредит муддатлари (қисқа ва узоқ) бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шаклига қараб таснифланади.

Сармоя - банкнинг бошқа юридик шахслар фаолиятидаги улушини ифодалайди. Банк сармоялари хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш йўли билан қўшимча фойда, дивиденд сифатида, бошқа турдаги даромадлар олиш мақсадида турли лойиҳаларга йўналтирилган маблағлар ҳажмини изоҳлайди.

Асосий воситалар ва номоддий активлар – банк активларининг асосий моддаларидан бири бўлиб, банк ўз фаолиятини ташкил этишда моддий базасини шакллантиришга ва банк операцияларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш учун йўналтирилган маблағларидир. Улар жумласига: банк бинолари, иншоотлари, капитал қурилиш учун қилиган ҳаражатлари, офис ва иш мебеллари, жиҳозлари, компьютер ва бошқа ҳисоблаш техникаси, алоқа воситаларидан иборатдир. Марказий банк томонидан белгиланган меъёрлар тижорат банкларининг капитал ҳаражатлари миқдори банк активларининг 10 фоиз миқдорида чегараланган.

Банк пассивида акс эттириладиган моддалари қуйидагиларни ўз ичига олади: депозитлари – банкнинг бошқа субъектларда ҳарид қилган манбаларини ифодалайди. Улар талаб қилиб олинадиган, жамғарма, муддатли депозитларга бўлинади. Талаб қилиб олинадиган депозитларидан ташқари барча депозитлар кредит ресурсларининг энг барқарор манбаларидан ҳисобланади. Жалб қилинган манбаларда муддатли депозитлар улушининг ошиши қўйилмаларни узоқ муддатга, шу билан бирга юқорироқ фоиз билан амалга ошириш имконини беради, бу эса банкнинг омонатлар (депозитлар) бўйича фоиз ҳаражатларини кўпайтиради.

Бошқа банклардан олинган кредитлар – тижорат банкининг бўш маблағларига бўлган эҳтиёжи ва мижозларига пуллик хизматлар ҳажмини ошириш мақсадида бошқа молия институтлари билан ўзаро муносабатларини ифодалайди. Бироқ, банкларараро кредитлар биринчидан, бошқа маблағларга нисбатан олиш имкониятининг юқорилиги ва иккинчидан, энг қиммат кредит манбаси ҳисобланади.

Тижорат банкларида жалб қилинган малағлар улушида банкларараро кредитларнинг салмоғи юқорилиги уларда депозит сиёсати яхши ишлаб чиқилмаганлигини изоҳлайди.

Банк чиқарган қарз мажбуриятлар моддаси – тижорат банклари томонидан чиқарилган қарз мажбуриятларининг улушини ифодалайди. Қарз мажбуриятларини чиқариш банкка узоқ муддатли манбааларни шакллантириш имконини беради. Бундан ташқари, бундай катта ҳажмдаги қарз маблағлари банк учун қулайдир, чунки унинг пулини тўлаш ва қайтариб бериш олдиндан маълум бўлади, бу эса, банкнинг тўлай олмаслик хавфини камайтиради.

Акциядорлик капитали - банкнинг ўз маблағлари ҳажмини англатади. Марказий банк томонидан тижорат банкларининг капиталининг шаклланишини назорат қилади ва тартибга солиб туради. Бу эса, банк операциялари даромадлилигини ошириши ва уларнинг фаолиятини самарали бошқаришни таъминлайди.

Банк тизимига ишончни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг молиявий фаолиятининг сифатини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириб бормоқда. Бунда Ўзбекитон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, банкларнинг эълон қилинадиган молиявий ҳисоботларига доир Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талаблари тўғрисида низоми ишлаб чиқилган. Ушб низомнинг ишлаб чиқилиши тижорат банклари йиллик ҳисоботларининг очиқ матбуотда эълон қилиниши дунёда муайян даражада ошкоралиги билан ажралиб турадиган банк тизимини яратиш учун дастлабки қадамдир. Ушбу низомга кўра, барча банклар ўз йиллик ҳисоботларини, жумладан, баланс ҳисоботини матбуотда эълон қилишлари лозим. Қуйида тижорат банклари томонидан тузиладиган йиллик баланс ҳисоботнинг намунавий шаклини келтирамиз (1-жадвалга қаранг).

Балансдаги моддалар бўйича кўрсаткичлар ҳисобот йили бошига ва ҳисобот даври охирига (кунлик, ойлик, чораклик) кўрсатилади. Бундай тартибда тузилишига сабаб, активлар ва пассивларнинг ҳолатини ўрганиш ҳамда келгусида уларнинг даромадлилиги ошириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилишдир.

22-жадвал

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ баланси таркиби, млрд. сўмда

№	АКТИВЛАР	01.01.2019	01.07.2019
1	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	243,50	272,49
2	Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар	562,56	346,07
3	Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар, соф	641,71	1 098,35
3.1.	Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар, ялпи	641,71	1 098,35
3.2.	Минус: Эҳтимолий йўқотишлар учун заҳиралар	0,00	0,00
4	Сотиш учун мўлжалланган воситалар ҳисобварақлари, соф	0,00	0,00
4.1.	Сотиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар, ялпи	0,00	0,00
4.2.	Минус: Эҳтимолий йўқотишлар учун заҳиралар	0,00	0,00
5	Қимматбаҳо металлар, тангалар, тошлар, соф	0,00	0,00
5.1.	Қимматбаҳо металлар, тангалар, тошлар, ялпи	0,00	0,00
5.2.	Минус: эҳтимолий йўқотишлар учун заҳиралар	0,00	0,00
6	Инвестициялар, соф	2,43	130,42
6.1.	Инвестициялар, ялпи	26,16	153,38
6.2.	Минус: эҳтимолий йўқотишлар учун заҳиралар	23,73	22,96
7	РЕПО битимлари бўйича олинган қимматли қоғозлар, соф	0,00	0,00
7.1.	РЕПО битимлари бўйича олинган қимматли қоғозлар, ялпи	0,00	0,00
7.2.	эҳтимолий йўқотишлар учун заҳиралар	0,00	0,00
8	Кредитлар ва лизинг операциялари, соф	14 095,03	15 947,18
8.1.	Ялпи кредитлар ва лизинг операциялари, ялпи	14 571,98	16 554,08
8.2.	Минус: эҳтимолий йўқотишлар учун заҳиралар	476,95	606,91
9	Ҳарид қилинган векселлар, соф	0,00	0,00
9.1.	Ҳарид қилинган векселлар, ялпи	0,00	0,00
9.2.	Минус: эҳтимолий йўқотишлар учун заҳиралар	0,00	0,00
10	Мижозларнинг молиявий воситалар бўйича мажбуриятлари, соф	0,00	0,00
10.1.	Мижозларнинг молиявий воситалар бўйича мажбуриятлари, ялпи	0,00	0,00
10.2.	Минус: эҳтимолий йўқотишлар учун заҳиралар	0,00	0,00
11	Асосий воситалар, соф	101,10	176,42
12	Ҳисобланган фоизлар ва фоизсиз даромадлар, соф	557,77	443,64
12.1.	Ҳисобланган фоизлар, ялпи	553,86	440,96
12.2.	Ҳисобланган фоизсиз даромад, ялпи	3,92	3,27
12.2.1.	Минус: эҳтимолий йўқотишлар учун заҳиралар	0,01	0,60
13	Банкнинг бошқа хусусий мулки, соф	11,06	13,44
13.1.	Кредит ва лизинг бўйича ундирилган мулк, ялпи	0,68	8,14
13.2.	Банкнинг бошқа мулклари, ялпи	13,12	12,46
13.3.	Минус:Йиғилган амортизация ва йўқотишларга	2,75	7,15

	қарши заҳира		
14	Бошқа активлар, соф	69,43	228,87
14.1.	Бошқа активлар, ялпи	70,65	235,55
14.2.	Минус: эҳтимолий йўқотишлар учун заҳиралар	1,22	6,68
14.3.	Валюта ва валюта позицияси савдолари	0,00	0,00
15.	**Жами активлар**	16 284,59	18 656,88
	МАЖБУРИЯТЛАР	01.01.2019	01.07.2019
16.	Талаб қилиб олингунча депозитлар	1 858,11	1 710,87
17.	Муддатли депозитлар	722,17	1 636,32
18.	МБга тўланиши лозим	0,00	0,00
19.	Бошқа банкларга тўланиши лозим	361,29	484,16
20.	РЕПО битимларида сотилган қимматли қоғозлар	0,00	0,00
21.	Кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тўловлар	11 142,72	12 373,33
22.	Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар	5,34	0,00
23.	Субординацияланган қарз мажбуриятлари	16,58	175,50
24.	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	434,16	343,70
25.	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	18,09	3,37
26.	Клиринг трансакциялари	13,29	9,68
27.	Бошқа мажбуриятлар	192,03	138,63
28.	Мажбуриятлар, жами	14 763,78	16 875,57
	ХУСУСИЙ КАПИТАЛ		
29.	Устав капитали		
29.1.	Оддий акциялар	998,22	1 152,52
29.2.	Имтиёзли акциялар	3,75	3,75
30.	Қўшилган капитал	0,37	0,37
31.	Заҳира капитали		
31.1.	Умумий заҳира фонди	335,44	334,91
31.2.	Стандарт активлар учун яратилган заҳиралар	25,35	25,31
31.3.	Девалвация заҳираси	0,00	0,00
31.4.	Бошқа заҳиралар ва фондлар	26,92	30,71
32.	Тақсимланмаган фойда	130,75	203,91
32.1.	шундан жорий йилнинг соф фойдаси (зарари)	126,47	72,21
33.	**Жами хусусий капитал**	1 520,81	1 751,48
34.	**Жами мажбуриятлар ва хусусий капитал**	16 284,59	18 627,05

Тижорат банклари томонидан тузилаётган баланс ҳисоботлари консодациялашган баланс шаклида тузилиб, ундаги маълумотлар банк филиалларининг бир бутун молиявий аҳволини ўзида мужассамлаштиради. Банкнинг баланс ҳисоботлари ҳисобот ойининг охирги куни ҳолатига тузилишини талаб қилади. Баланс ҳисоботлари даромад ва ҳаражатларни тан олишнинг ҳисоблаш

усули асосида тузилади ва Марказий банка ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10 - санасигача (Тошкент шаҳри учун 5-санага) топширилади.

Тижорат банклари томонидан тузилаётган ушбу баланс ҳисоботларининг бўш қолган сатрларида ёзув бўлмаган ҳолда, бўш қолган сатрларга ноль ёки чизиқча тортиб қўйилади. Айрим ҳолатларда тузилаётган баланс ҳисоботларидаги маълумотлар ижобий ёки салбий бўлса, албатта, улар салбий бўлса, қавс (-) ичида кўрсатилган бўлиши лозим. Ойлик баланс ҳисоботларини тузишда ҳисоботнинг жами суммаси жадвалда сўм ҳисобида деган ёзув билан ёзиб қўйилади. Чунки ушбу ёзувларни (ўқишда) бутун шаклда (округлении) ёзишда хатоликларга йўл қўйилмасликнинг олдини олади.

Тижорат банки бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботларнинг 1–шакли бўлиб, у банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларининг ҳолатини, ҳамда ушбу маблағларни банкнинг кредит ва бошқа актив операцияларига жойланишини ифодалайди. Бундан ташқари, бухгалтерия баланси банк томонидан бажариладиган операцияларни характерлайди. Шу боис баланс банк молиявий фаолияти натижаларини кўрсатувчи бухгалтерия ҳисоботининг асосий шакли бўлиб, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Баланс маълумотлари банк раҳбарларига банк ишини ривожлантиришда аниқ чора ва тадбирлар ишлаб чиқишга шароит яратади, ҳамда у асосида банк капитали ва фондлари, кассадаги нақд пуллар қолдиғи, мижозларнинг ҳисоб-китоб ва кредит ҳисоб варақларидаги қолдиқлар, ҳамда бошқа жалб қилинган маблағлар ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Банкларнинг бухгалтерия баланси Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонун ва халқаро андозалар талабларига мос келувчан янги ҳисобварақалар режаси асосида белгиланган шаклда тузилади. Янги ҳисобварақалар режасида иқтисодиётда бўлиб ўтган барча ўзгаришлар натижасида банклар томонидан бажарилаётган янги операциялар ҳам кўзда тутилган. Янги режа бош бухгалтерия китобидаги ҳисобварақалар тизимини акс эттириб, улар молиявий операцияларни гуруҳлаштириш, икки ёқлама ёзувни амалга ошириш, ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилиш учун ишлатилади.

Республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклар баланси асосан 3 бўлимдан иборат бўлиб, улар қўйидагича бўлади: актив, мажбурият ва капиталдан иборат.

Ҳар бир давлатда банклар асосан қонунчилик асосида иш юритишади. Банкларни назорат қилиш Марказий банклар томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар ва талаблар асосида амалга оширилади. Худди шунингдек банк бухгалтерия баланси ҳар бир давлат қонунчилигига асосан Марказий банклари томонидан ишлаб чиқилади ва тақдим қилинган счётлар режаси асосида тузилади. Амалиётда банклар кунлик, ойлик, чораклик ва йиллик баланс тузишади.

Молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб, бошқарув қарорларни қабул қилувчи шахсларга ёрдам бериш мақсадида, баланс моддалари умумий тавсифлар бўйича гуруҳланади. Активлар – ликвидлик даражасининг пасайиб бориши тартибида, мажбуриятлар тўлов муддатининг қисқариб бориш тартибида ва хусусий капитал жамланишнинг камайиб бориши тартибида гуруҳланади.

Баланс тузишининг фойдалилиги шундан иборатки, баланс кўпчилик молиявий коэффициентларни (ликвидлик, молиявий мослашувчанлик, рентабеллик ва бошқалар) ҳисоблаш учун асос яратади. Шунингдек баланс банк хизматларини ва унинг янги банк хизматларини ўзлаштиришдаги сиёсатини, унинг активларини баҳолашга имкон яратади. Балансда тан олинган барча қийматликлар жорий деб тан олинмайди. Пул маблағларининг қиймати жорий ҳисобланади, бироқ бино ва ускуналар каби моддалар қиймати узоқ муддатли қиймат ҳисобланади.

Бундан ташқари баланс кўп сонли ҳисобланган суммаларни ўз ичига киритади (шубҳали дебиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган зарарлар, жамғарилган эскириш). Айрим мажбуриятлар ҳам ҳисобланган бўлади, яъни даромад солиғи, кафолат мажбуриятлар бўйича ҳаражатлар, нафақа мажбуриятлари ва бошқалар. Баланснинг баъзи моддаларининг қиймати аниқ бўлмаслиги мумкин. Бунга мисол тариқасида номоддий активларни ва солиқ тўловлари бўйича муддати узайтирилган мажбуриятларни келтириш мумкин.

Баланс бўлимларининг қисқача тавсифи.

I бўлим "АКТИВЛАР".

"Актив"лар бўлими ўз ичига бир қатор асосий ҳисобварақларни бирлаштиради. Банк активлари нақд пуллардан бошлаб ҳисобга олинади. Нақд пулларни ҳисобга олиш учун 10100 ҳисобрақами ажратилган. Бу ҳисобварақ номи "Нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари" бўлиб, ўз ичига "Кассадаги нақд пуллар", "Йўлдаги нақд пуллар", "Валюта алмаштириш шахобчалари кассасидаги нақд пуллар", "Банкоматлардаги нақд пуллар каби бир қатор суб - ҳисобрақамларни бирлаштиради".

Бундан ташқари ушбу бўлимда 10300-"Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкидаги ҳисоб - рақамлари", 10500-"Банкнинг бошқа банклардаги ҳисоб - рақамлари" номли асосий ҳисобварақлар ва уларга тегишли бўлган бир қатор суб - ҳисоб - рақамлари очилган. Республикадаги мавжуд қонун қоидаларга асосан барча тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкида ўз вакиллик ҳисобварақларини очадилар. Маблағ ўтказиш ёки маблағларни тушириш бўйича амалга ошириладиган банкларараро операциялар тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга оширилади. Мажбурий заҳиралар фонди ҳам Марказий Банкдаги алоҳида ҳисобварағида турадиган банк маблағи бўлиб, Ўзбекистоннинг барча тижорат банклари томонидан мажбурий тартибда захираланади, бу эса тижорат банкининг ликвидлилигини сақлаб туришга маьлум даражада кафолат бўлади. Мажбурий заҳиралар фондига ажратмаларнинг фоиз ставкаларини белгилаш Марказий Банк томонидан ўтказиладиган тижорат банклари ликвидлигини сақлаб турувчи энг таъсирчан механизм бўлиб ҳисобланади.

Олди - сотди учун мўлжалланган қимматли коғозлар бўйича операциялар ҳисобини юритиш учун 10700 ҳисобрақам ажратилган. 10900 ҳисобрақами эса олди - сотди учун мўлжалланган қимматбаҳо металларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бу иккала асосий ҳисобрақамлар ҳам бир неча суб - ҳисобрақамларни ўзига бирлаштиради. Қимматли қоғозларга қўйилмалар тижорат банкининг фонд бозоридаги операцияларини акс эттиради ва баланс активининг бошқа кўрсаткичлари билан таққосланганда қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларида банкнинг амалий фаоллигини ифодалайди. 11300-"Сотиб олинган векселлар" ҳисобрақамида банк томонидан векселларни сотиб олиш билан боғлиқ операциялар ҳисобга олиб

борилади. Банкнинг сотиб олинган векселлари 11301 - 11399 рақамли баланс ҳисобрақамларида ҳисобга олинади. Векселларни сотиб олиш - бу муомаладаги инструментлар воситасида молиялаштиришнинг бир шаклидир. Мижозлардан экспорт билан боғлиқ ва маҳаллий ҳужжатли ҳамда ҳужжатсиз векселларни сотиб олиш асосан ушбу векселларни ўз вақтида тўланиши бўйича шартни ўз ичига олади. Баъзи ҳолларда векселни сотиб олиш ёки банк томонидан қайта сотиш шартларини ўз ичига олиши мумкин.

Банк томонидан берилган қисқа муддатли кредитлар қўйидаги асосий ҳисобрақамларда ҳисобга олиб борилади: 11900-"Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига берилган қисқа муддатли кредитлар", 12100-"Бошқа банкларга берилган қисқа муддатли кредитлар, 12300-"Ҳукуматга берилган қиска муддатли кредитлар, 12500-"Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар", 12700-"Давлат корхоналарига берилган қисқа муддатли кредитлар", 12900-"Қўшма корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар", 13000-"Жамоат ташкилотларга берилган қисқа муддатли кредитлар", 13100-"Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган қисқа муддатли кредитлар", 13200-"Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган қисқа муддатли кредитлар", 13300-"Бошқа банкларга берилган ўрта муддатли кредитлар, 13500-"Хукуматга берилган ўрта муддатли кредитлар", 13700-"Жисмоний шахсларга берилган ўрта муддатли кредитлар", 13800-"Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган ўрта муддатли кредитлар" ҳисоб рақамларида олиб борилади. 14000-"Жамоат ташкилотларига берилган ўрта муддатли кредитлар", 14100-"Қўшма корхоналарга берилган ўрта муддатли кредитлар", 14300-"Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган ўрта муддатли кредитлар, 14400-"Банк бўлмаган молиявий муассасаларга берилган ўрта муддатли кредитлар", 14500-"Бошқа банкларга берилган узоқ муддатли кредитлар, 14700-"Ҳукуматга берилган узоқ муддатли кредитлар, 14900-"Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар ҳисобрақамларида ҳисобга олиб борилади. Умуман, кредитлар тижорат банкларининг кредитга доир операцияларидан банк фойда олишининг белгиловчи моддаси ҳисобланади. 15000-"Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли кредитлар, 15100-"Давлат корхона ва ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар, 15200-"ЖамАТ ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар, 15300-"Қўшма

корхоналарга берилган узоқ муддатли кредитлар", 15500-"Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган узоқ муддатли кредитлар, 15700-"Суд жараёнидаги кредитлар, 15900-"Инвестициялар" каби ҳисоб варақалар балансда кредит муддатлари ва халқ хўжалигидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг қайси мулкчилик шаклига қараб классификация қилинади. Ҳисобрақамда суд муҳокамасига ўтказилган кредитларнинг ҳисоби улар тўлиқ ундириб олинмагунча, қарздорларнинг мажбурияти қайта кўриб чиқилмагунча, гаровдаги мол-мулки олиб қўйилмагунча ёки суд жараёнини тўхтатадиган бошқа ўзгаришлар бўлмагунча шу ҳисобрақамда юритилади.

Банк инвестициялари 15900 асосий ҳисобрақамда ҳисобга олинади ва икки категорияга бўлинади. Ҳукумат облигацияларига инвестиция қилинган маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг облигацияларига ҳамда хусусий облигацияларга инвестиция қилинган маблағлар.

Бош банк агентликларидаги маблағларни ҳисобга олиб бориш учун 16100 ҳисоб - рақам ажратилган. Бу ҳисобрақамда Республикада жойлашган бош банк ва бўлимлар ёки бўлимлараро бўладиган миллий ва хорижий валюталардаги операцияларнинг ҳисоби олиб борилади. 16300-"Ҳисобрақам активлар бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисобга олишга" мўлжалланган. Бу ҳисобрақам ва унга тегишли бўлган суб-ҳисобрақамларда тегишли баланс ҳисобрақамларда ҳисоби юритиладиган активлар бўйича ёки кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисобланган ва олиниши лозим бўлган, яъни ҳали келиб тушмаган фоизлар ҳисобланади. Баланс ҳисоботи даврида ушбу фоизлар тегишли фоизлар ҳисобрақами (16301 - 16397)га дебетланади ва унга мос келган фоизли даромадлар ҳисобрақамига кредитланади. 16401-"Олиш мўлжалланган фоизсиз даромадлар" ҳисобвараги ҳисобланади.

Банкнинг асосий воситалари 16500, номоддий активлар 16600 ва бошқа ўз мулклари 16700 ҳисобрақамларида ҳисобга олиб борилади, ҳамда бу ҳисоб варақалар банк активларининг асосий моддаларидан бири бўлиб ҳисобланади, чунки банк ўз фаолиятини ташкил қилиш учун моддий базага, операцияларни бажариш учун шарт-шароитга эга бўлиши лозим. Банкнинг асосий воситаларига бино-иншоотлар, капитал қурилиш учун банк томонидан қилинган харажатлар, офис ва иш мебели, жиҳозлар, компьютер ва бошқа ҳисоблаш техникаси, алоқа воситалари кабилар киради. Марказий

Банк белгиланган меъёрлар тижорат банкининг капитал ҳаражатлари миқдорини банк активининг 10 фоиз миқдорида чеклайди. Клиринг ҳисоб - варақлари ва бошқа активлар 17300 ва 19900 ҳисоб-рақамларда ҳисобга олиб борилади.

II бўлим "МАЖБУРИЯТЛАР".

Банк балансининг мажбуриятлар қисми депозитлардан бошланади. Депозитлар банкнинг бошқа субъектлардан жалб қилинган манбаларини ифодалайди. Бухгалтерия ҳисобининг кўп валюталик тизимида депозит кайси валютада қўйилса, у ўша валютада рўйхатга олинади ва уларнинг ҳисоби ҳар бир валюта учун алоҳида очилган бош китобларда олиб борилади. Бундан ташқари депозит мажбуриятлари муддати ва уни қўйган мижознинг мулкчилик шаклига тааллуқлигича таснифланади.

Барча депозитлар талаб қилиб олингунча сақланадиган, жамғарма ва муддатсиз депозит турларига бўлинади. Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар 20200 асосий ҳисобрақамда ҳисобга олиб борилади. У ўз ичига 20202 - 20296 суб-ҳисобрақамларни олади. Бу суб-ҳисобрақамлар турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган мижозларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлари бўйича алоҳида таснифланади. Жамғармали ва муддатли депозитлар ҳам худди шундай таснифланиб, улар бўйича ҳисоб 20400 ва 20600 ҳисобрақамларда юритилади.

Мажбуриятлар бўлимида яна 20800-"Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг ҳисобрақамларидаги қолдиқ" деб номланган асосий ҳисобрақамлари бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар эса 21000 асосий ҳисобрақамида юритилади. Бошқа банклардан ва мижозлардан олинган кредитлар муддатлари ва кредиторларнинг типлари бўйича таснифланган, яъни "Банк томонидан олинган қисқа муддатли кредитлар" 21600 асосий ҳисобрақамда, "Банк томонидан олинган ўрта муддатли кредитлар" 21800 асосий ҳисобрақамда, "Банк томонидан олинган узоқ муддатли кредитлар" 22000 асосий ҳисобрақамда ҳисобга олиб борилади. Бу асосий ҳисобрақамларнинг ҳар бири кредиторларнинг типига кўра ҳисобга олиб бориш учун мўлжалланган суб-ҳисобрақамларни бирлаштиради.

Мажбуриятлар бўйича ҳисобланган фоизларни ҳисобга олиш учун 22400 ҳисобрақам ажратилган. Банк ўзининг ҳар хил мажбуриятлари бўйича тўлаши учун ҳисобланган фоизлари 22402 -

22496 баланс ҳисобрақамларида ҳисобга олиб борилади. Бунга банкнинг депозит мажбуриятлари бўйича ҳисобланган, лекин ҳали тўланмаган фоизли ҳаражатлар киради. Ушбу ҳисобрақамлар бўйича тўловлар улар амалга оширилган давр учун ҳисобланади, яъни тўловлар қайси ҳисобот даврига тегишли бўлса ўша ҳисобот даври учун акс эттирилади.

Мижозларнинг бошқа депозитлари, жумладан, аккредитивлар бўйича мажбуриятлари, вексел билан кафолатланган тратталар бўйича мажбуриятлар ҳисоби 22600 асосий ҳисоб - рақамда юритилади.

Ҳукуматга тегишли даромад ва бошқа тушумларни ҳисобга олиш учун 23400-"Ҳукуматга тегишли даромад ва бошқа тушумлар" асосий ҳисоб рақамида акс эттирилади. Шу ҳисоб рақамларига тегишли бўлган 23402 - 23432 баланс ҳисоб рақамларида ҳукуматнинг "Давлат бюджети тўғрисида"ги қонунда кўзда тутилган даромадлар бўйича тушумлари ва шу даромадлар ҳисоб рақамларидаги қолдиқлар доирасида ушбу қонунда кўзда тутилган тегишли бюджетлардан молиялаштириладиган йиллик ҳаражатларни қоплаши мўлжалланган бюджет маблағларининг ҳисоби юритилади. Бошқа барча пассивлар 29800 асосий ҳисоб - рақам орқали ифодаланади.

III бўлим "КАПИТАЛ".

Ушбу бўлим ўз ичига 30300-"Акционерлик капитали", 30600-"Қўшилган капитал" ва 30900-"Захира капитали" деб номланган асосий ҳисобрақамларини олади. Тижорат банкининг акциядорлик капитали банкнинг ўз маблағлари хажмини ифодалайди. Марказий Банк тижорат банкларининг капитал ҳосил қилиш даражасини ва тузилмасини тартибга солиб туради, бу эса банк даромадларини яхшилайди.

Капитал бўлимида юқоридаги ҳисобрақамлардан ташқари 31200 ҳисоб - рақам "Тақсимланган фойда"ни ҳисобга олиб бориш учун, 31500 ҳисобрақам эса бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳоланган қўшимча қийматни ҳисобга олиб бориш учун очилган. Ушбу ҳисобрақамда инфляция натижасида банк асосий воситалари қиймати кайта баҳоланганда уларнинг бошланғич ва бозор қийматлари ўртасидаги ижобий фарқ, яъни бошланғич баҳосига нисбатан қўшимча қийматининг суммаси акс эттирилади.

IV бўлим "ДАРОМАДЛАР".

"Даромадлар" бўлими ўз ичига банкнинг ҳисобот давридаги барча даромадларини олади. Барча фоизли даромадлар 40200 - 44900 ҳисобрақамларда акс эттирилади. Банкнинг активлари бўйича амалга оширилган операциялари натижасида олган фоизли даромадлари 40201 - 44901 ҳисобрақамларда ҳисобга олиб борилади. Агар фоизли даромадлар тўлов ҳужжатлари кўринишида олинса, ўз навбатида, банкнинг вакиллик ҳисоб - рақами, мижознинг ҳисобрақами ёки касса ҳисобрақамлари дебетланади. Баланс ҳисоботи даврида ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган даромадлар суммасига 16300-"Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар" ҳисобварағидаги тегишли баланс ҳисобрақамлари дебетланади ва унга мос келган даромадлар баланс ҳисобрақами кредитланади.

Воситачилик ва бошқа хизматлар бўйича даромадлар 45200 асосий ҳисобрақамда, хорижий валютадаги фойда эса 45400 ҳисобрақамда ҳисобга олиб борилади. "Хорижий валютадаги фойда" ҳисобрақами банкнинг спот, форвард, фьючерс шартлари асосида тузган валюта битимлари бўйича олинган ҳамда ҳисобот даврида амалга ошириш муддати келмаган валюта битимлари ревальвация натижасида қайта баҳоланганда, ушбу битимлар бўйича амалга ошмаган фойдаларнинг ҳисобини юритиш учун мўлжалланган.

Тижорат операциялари бўйича олинган фойда 45600асосий ҳисобрақамларида ҳисобга олинади. Ушбу асосий ҳисобрақамга тегишли бўлган, барча ҳисобрақамлар банкнинг қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металлар воситасида амалга оширган тижорат операциялари натижасида олинган фойдасининг ҳисобини юритиш учун мўлжалланган.

45800 асосий ҳисобрақамда инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар ҳисобга олиб борилади. Инвестицияларни сотиш қиймати ушбу активларни сотиб олингандаги қиймати ёки балансга кирим қилинган қийматга нисбатан юқори бўлганда фойда олиниши мумкин.

Бошқа фоизсиз даромадлар 45900 асосий ҳисобрақамда ҳисобга олиб борилади. Бу ҳисобрақам банкнинг иморатлари, жиҳозлари, кўчмас мулки ва бошқа хусусий мулклари каби активлари ижарасидан олинган даромадларнинг ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. Бир йил ва ундан ортиқроқ муддатга ижарага берилган активлар учун банк ижара ҳақини ўзаро тузилган

шартномага асосан олдинроқ ундириб олиши мумкин. Бу ҳолда олдиндан ундириб олинган даромадлар 22896-"Бошқа муддати сурилган даромадлар" баланс ҳисобрақаминиng кредитида акс эттирилади ва муддат ўтиши билан ишлаб олинган даромад тегишли даромадлар ҳисобрақамларига ўтказиб берилади.

V бўлим "ҲАРАЖАТЛАР".

Бу бўлимда ҳисобот даврида банкнинг барча ҳаражатлари акс эттириладиган ҳисоб - рақамлар очилган. Банкнинг депозит мажбуриятлари бўйича фоизли ҳаражатларининг ҳисоби 50101-54902 баланс ҳисобрақамларида юритилади. Фоизли ҳаражатлар-бу банкнинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги ҳар хил депозитлар, бошқа банкларнинг маблағлари, банкнинг кредит мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятлари бўйича амалда тўланган ёки ҳисобланган ҳаражатларидир. Барча ҳаражатлар мажбуриятларнинг турлари бўйича таснифланган.

Банкнинг воситачилик ҳаражатлари ва турли хизматлар бўйича ҳаражатлар 55100баланс ҳисобрақамида ҳисобга олинади. Хорижий валюталарда кўрилган зарар эса 55300 баланс ҳисобрақамида акс эттирилади. Бу ҳисобрақам банкларнинг спот, форвард, опцион ва фьючерс шартлари асосида тузган валюта битимлари бўйича кўрган зарарларининг ҳисобини юритишга мўлжалланган. Агар банк қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси бўйича зарар кўраётган бўлса, бу зарар 55800 баланс ҳисобрақамида ҳисобга олиб борилади.

Банк бино-иншоотларини, жиҳозларини, кўчмас мулкни сотишдан кўрилган зарарлар ҳамда юқорида кўрсатилган ҳисобрақамларда, ҳисобга олинган зарарларнинг ҳеч бирига тегишли бўлмаган бошқа фоизсиз ҳаражатлар 55900-"Бошқа фоизсиз ҳаражатлар" асосий ҳисобварақда акс эттирилади. Банкнинг операцион ҳаражатларини ҳисобга олиб бориш учун 56100-"Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа ҳаражатлар", 56200-"Ижара ва таъминот ҳаражатлари", 56300-"Хизмат сафари ва йўл ҳаражатлари", 56400-"Маъмурий ҳаражатлар", 56500-"Репрезентация ҳаражатлари", 56700-"Суғурта, солиқ ва бошқа ҳаражатлар", каби ҳисобрақамлар очилган. Банкнинг кўрилиши мумкин бўлган зарарлари 56800 асосий ҳисобрақамда, банкнинг даромад солиғининг баҳоланиши эса 56900 ҳисобрақамда ҳисобга олиб борилади.

VI бўлим "КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБРАҚАМЛАР".

Янги ҳисобварақлар режасида кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича балансдан ташқари ҳисобрақамлар ҳам худди баланс ичидаги ҳисобрақамлар каби икки ёқлама ёзув асосида олиб борилади. Илгари балансдан ташқари жойлашган ҳисобрақамлар оддий ёзув, кирим ёки чиқим кўринишида олиб борилар эди. Ҳисобварақлар режасидаги ҳар бир балансдан ташқарида жойлашган ҳисобрақам учун контр - ҳисобрақам бириктириб қўйилган бўлиб, улар бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш мақсадида ишлатилади. Баланс ҳисоботида эса фақат асосий ҳисобрақам қолдиқлари кўрсатилади. Контр-ҳисоб рақамлар ёрдамида икки ёқлама ёзув олиб бориш балансдан ташқарида жойлашган ҳисобрақамлар бўйича операцияларнинг тўлиқ ўтказилиш ёки ўз вақтида ҳисобдан чиқарилиши, бирор сумманинг ўтказилмай қолиб кетиш устидан назорат олиб бориш нуқтаи назаридан самарали бўлиб ҳисобланади.

"Савдони молиялаштириш" 90900 асосий ҳисобрақамларга тегишли барча ҳисобрақамларга контр-ҳисобрақам ажратилган. Масалан, "Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" номли 90962 ҳисобрақам учун 96319 контр – ҳисобрақам ажратилган. "Ўз вақтида тўланмаган ҳисоб - китоб ҳужжатлари" номли 90963 ҳисобрақамга 96321 контр–ҳисобрақам ажратилган. Банкнинг берган ва олган кредитлари бўйича "Кредит мажбуриятлари" - 91800 асосий ҳисобрақамига эса тегишли 96351 - "Берилган кредитлар бўйича мажбуриятлар" ва 96356 - "Олинган кредитлар бўйича мажбуриятлар" контр ҳисобрақамлари бириктириб қўйилган. Худди шу каби бошқа балансдан ташқари ҳисобрақамлар бўйича ҳам тегишли контр – ҳисобрақамлар ажратилган. Барча контр-ҳисобрақамлар икки ёқлама ёзув ўтказиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва тижорат банкларининг баланс намунаси ва уларнинг таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумотни қуйидагижадвалларда кўриш мумкин. Банкнинг кундалик бухгалтерия баланси барча банк муассасалари томонидан биринчи тартибдаги баланс ҳисоб рақамлари тартибида йиғма карточкалар маълумотларига асосан қўйидаги шаклда тузилади:

Баланс 2018 йил, "_____"_____

Баланс ҳисобрақамлари	АКТИВ	ПАССИВ

ЖАМИ

Имзолар: Бошлиқ _____

Бош бухгалтер_____

Ҳар кунлик тузиладиган балансда ҳисоб рақамларидаги қолдиқ суммаларининг пастига ёки алоҳида қоғозга, балансга илова қилиб, йиғма карточкалар асосида балансдан ташқари ҳисоб рақамлардаги қолдиқ суммаси киритилади.

Ҳар ойнинг биринчи санасига баланс 2 нусхада иккинчи тартибдаги ҳисоб рақамлари бўйича тузилади.

Кундалик операциялар компьютерларда ҳисобга олинган ҳолда кундалик баланс сифатида баланс ҳисоб рақамлари бўйича қолдиқларваоборотлар ҳақида маълумотлардан фойдаланилади.

23-жадвал

Тижорат банки балансининг таркиби

Актив	Пассивлар
Кассадаги мавжуд пул	Пул эмиссияси
Бошқа банклардаги "ностро"	Жамғарма омонатлари
Давлат қимматбаҳо қоғозлари	Муддатли депозитлар
Кредитлар	Банклараро кредитлар
Сармоялар	Бошқа пассивлар
Асосий пул маблағлари	Ҳиссадорлик
Бошқа активлар	Капитал қолдиғи
	Захиралар
	Тақсимланмаган фойда
Жами:	**Жами:**

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари баланси таркиби юқорида кўриб турганингиздек активлар ва пассивлар бўлимларидан иборат. Умуман олганда, тижорат банклари баланси хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб тайёрланади.

24- жадвал

АҚШ тижорат банки баланси таркиби

Актив	Сумма	Пассив	Сумма
Нақд пул ва "ностро" ҳисоблари	22200	Талаб қилиниб олинадиган депозитлар	58800
Давлат қимматбаҳо	30000	Жамғарма омонатлари	47000
Штатларнинг қимматбаҳо	28700	Муддатли депозитлар	68600

Давлат муассасаларининг бошқа қимматбаҳо	4100	Жами депозитлар	174400
Сотилган федерал фондлар	600	Сотиб олинган федерал фондлар	2000
Кредитлар	110140	Заём (қарз) маблағлари	4000
"гумон" кредитларни қоплаш учун	3240	Субординация векселлари ва дебентуралар	3100
Нетто кредитлари	106900	Жами пассивлар	183500
Асосий воситалар	8940	Ҳиссадорлик	2000
Асосий воситаларнинг эскириши	4740	Капитал қолдиғи	8400
Нетто - асосий маблағлари	4200	Тақсимланмаган фойда	5200
Тўпланган фоиз	1400	Эҳтиётқорлик	200
Бошқа активлар	1200	Жами ўз сармояси	15800
Жами активлар	199300	Пассивлар ва сармоянинг жами	199300

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, АҚШ тижорат банки баланси ҳам ўзига хос таркиби ва сифати билан фарқ қилади. АҚШ тижорат банки баланси хизмат кўрсатишнинг миқдори кўп бўлганлиги сабабли баланс сатрлари кўпроқ ва ҳисоб варақлар режаси номерланмаган. Фақатгина банк операциялари тегишли актив ва пассивлар бўлиб чиққанлиги билан ажралиб туради. Бизнингча, бу таҳлил қилишда ноқулайликлар туғдириши мумкин. Бундан ташқари, ривожланган давлатларда фойдаланувчилар брутто балансга кўпроқ қизиқишади.

Банклар баланс ҳисоботи бошқарув қарорларни қабул қилишда мақсадида тайёрланади, ҳамда унинг таркиби активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромад, ҳаражат ва балансдан ташкари ҳисоб рақамлардан ташкил топади. МҲХСни қўллаш эса янада ишончли, таққосланувчан, шаффоф ва реал иқтисодий вазиятни аниқ ифода этадиган ҳисобот тузиш имкониятини беради.

12.5. Банкларда фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот тартиби

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот тижорат банкининг ҳисобот давридаги молиявий фаолиятини кўрсатади ва бу фаолиятнинг турли жиҳатларини тушунишга имкон берадиган усулдан иборат бўлади.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни кўпинча молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот деб аталади. У қарорларни қабул қилувчилар учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот жорий фойданинг олинганлиги (ёки мавжуд эмаслиги) ҳақида маълумот олиш манбаидир. Инвестор ва кредиторлар, инвестициялар соҳасидаги бухгалтер-таҳлилчилар ва бошқа мутахассислар ушбу маълумотдан фойда ва пул маблағларини силжишини истиқболлаштиришда фойдаланадилар.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот фойдаланувчиларга молиявий хўжалик операциялари (даромадлар ва ҳаражатлар) келтириб чиқарган молиявий-хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни тушунтириб беради. Фойдаланувчилар ундаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда инвестиция қилинган ҳар бир сўмни келажакда қанча фойда келтириши мумкинлигини режалаштиришлари мумкин. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот берилган ҳисобот даврининг бошига ва охирига бўлган баланслар ўртасидаги боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Бу ушбу ҳисоботнинг нақадар инвесторлар учун фойдали эканлигини кўрсатиб беради.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тузишда аввалambор унинг асосий элементлари ҳисобланган даромад ва ҳаражатни тан олиш масаласи туради. Қайд этиб ўтиш керакки, банк даромади ва ҳаражатларини тан олишдан мақсад уларнинг молиявий ҳисоботда тўғри акс эттирилиши ва якуний молиявий натижани тўғри аниқлашдир.

Тижорат банкларининг ўз фаолиятларини олиб боришдан асосий мақсади юқори даромад олишга қаратилган. Бу даромадларни кўпайтириш йўлларини тижорат банклари ўзлари мустақил равишда белгилайдилар[55].

Даромад – бу ҳисобот даврида пул маблағларининг оқиб келиши ёки активларнинг кўпайиши сифатида, ёки капитал эгаларининг бадали билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, капиталнинг кўпайишига олиб келадиган мажбуриятларнинг камайиши сифатида иқтисодий нафнинг ўсишидир. Тижорат банклари ўз мижозлари – юридик ва жисмоний шахсларнинг топшириғига асосан ҳисоб-китоб, касса, кредит бериш ва бошқа операцияларни бажаради. Банклар ўз фаолияти давомида ушбу операцияларни бажаришда турли хил ҳаражатлар қилади.

---

[55] Бабаев Ю.А. Теория бухгалтерского учета: Учебник. для вузов. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 126 с.

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда, харажатларни камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий харажатларни камайтиришга имкон беради.

Харажат – бу ҳисобот даврида пул маблағларининг ёки бошқа активларнинг камайиши сифатида, ёки капитал эгаларининг бадалларини қайтариб тўлаб берилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, капиталнинг камайишига олиб келадиган мажбуриятларнинг кўпайиши сифатида иқтисодий нафнинг камайишидир.

Тижорат банкларининг янги қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига қараб чиқадиган бўлсак, бу ерда даромадлар шартли равишда қуйидагича таснифланади: фоизли ва фоизсиз даромадлар.

Фоизли даромадларга берилган кредитлар бўйича даромадлар, қўйилган депозитлар бўйича даромадлар, қарз мажбуриятлари бўйича даромадлар, шунингдек ҳисоб, лизинг, факторинг, форфейтинг операциялардан олинадиган даромадлар киради.

Фоизсиз даромадларга комиссион даромадлар, молиявий бозорлардаги операциялардан даромадлар, чет эл валютасидаги маблағларни қайта баҳолаш натижасидаги даромадлар киради.

Банк даромадларини фоизли ва фоизсиз даромадларга бўлиб ўрганишда банк тизимида уларнинг жами даромаддаги салмоғини ҳамда уларнинг ўзгариш динамикасини қуйидаги жадвал маълумотларида кўриш мумкин.

Банк харажатлари шартли равишда: фоизли харажатлар, фоизсиз харажалар ва операцион харажатлар қуйидагича таснифланади[56].

1. Фоизли харажатлар ўз навбатида қуйидаги қисмларга бўлинади: талаб қилиб олгунча сақланадиган депозитлар бўйича фоизли харажатлар; жамғарма депозитлар бўйича фоизли харажатлар; муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар; Марказий банк олдидаги тўловлар бўйича фоизли харажатлар; бошқа банклар олдидаги тўловлар бўйича фоизли харажатлар; банкнинг ёпилмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлар; кисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар; узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар; чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар; бошқа фоизли харажатлар;

---

[56] Наврўзова К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операцион техника. Ўқув қўлланма.- Т.: ТМИ, 2003. - 170 б

2. Фоизсиз ҳаражатлар эса ўз ичига қуйидагиларни олади: барча комиссион ҳаражатлар; чет эл валютасидаги зарар; тижорат операциялари бўйича ҳаражатлар; инвестициялар бўйича зарарлар; бошқа фоизсиз ҳаражатлар.

3. Операцион ҳаражатлар эса ўз ичига қуйидагиларни олади: иш ҳақи ва ходимлар учун бошқа ҳаражатлар; ижара ва таъминот ҳаражатлари; хизмат сафари ва транспорт ҳаражатлари; маъмурий ҳаражатлар; репрезентация ва хайрия ҳаражатлари, эскириш ҳаражатлари; суғурта, солиқ ва бошқа ҳаражатлар; кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш; даромад солиғи.

Шу сабабли, Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда юқорида кўрсатилган мажбурий унсурлар бўлиши лозим.

Банк молиявий фаолияти натижасида олинган фойда (зарар) 31200 – «Тақсимланмаган фойда» баланс ҳисобварағи доирасида қуйидаги иккинчи тартибли ҳисобварақларда акс эттирилади: 31203 – «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)»; 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)».

Олдинги молиявий йиллар давомида банк фаолияти натижасида олинган тақсимланмаган фойда (зарар) лар ҳисоби 31203 – «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» баланс ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақнинг кредитида 31206 - «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» баланс ҳисобварағидан ўтказилган банкнинг соф фойдаси суммаси, ҳамда заҳира капитали ҳисобварағидан тақсимланмаган фойдага ўтказилган суммалар акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида 31206 - баланс ҳисобварағидан ўтказилган зарарлар, эълон қилинган дивидендлар, ҳар хил фонд (жамғарма)ларга ажратма суммалари акс эттирилади. Аналитик ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

Ҳисобот йилида банкнинг молиявий фаолиятидан олинган соф фойда, ҳамда ушбу давр давомида элон қилинган дивидендлар ҳисоби 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» баланс ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақнинг кредитида ҳисобот йилида банк томонидан олинган фойда суммаси, 31203 - «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» баланс ҳисобварағига ўтказилган зарарлар суммаси, ҳамда нотўғри эълон қилинган дивидендларнинг қайтарилиши акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида ҳисобот йилида банк томонидан олинган зарарлар, 31203 - «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» баланс ҳисобварағига ўтказилган фойда, эълон қилинган дивидендлар, ҳамда заҳира

капиталига ўтказилган суммалар акс эттирилади. Аналитик ҳисоб соф фойда ва дивидендлар бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади. Жорий йилнинг соф фойдаси қуйидагича аниқланади:

а) Ҳисобот даврининг якунида даромад ҳисобварақлари ёпилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади: Дт 4хххх – тегишли даромад ҳисобварақлари, Кт 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)».

б) Ҳисобот даврининг якунида ҳаражат ҳисобварақлари ёпилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади: Дт 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)», Кт 5хххх – тегишли ҳаражатлар ҳисобварақлари.

Ҳисобот йилиниг якунида (31 декабр) «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобварағи қолдиғи қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан ёпилади: Дт 31206 – «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)», Кт 31203 – «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)».

Шу даврдаги соф фойда ёки зарар, қўшимча сатрлар, сарлавҳалар ва якунлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда БҲМС[57]га мувофиқ равишда кўрсатилади.

25-жадвал

Банкнинг "Фойда ва зарарлар тўғрисида"ги ҳисоботи

(млн. сўмда)

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2017 йил
1	Фоизли даромадлар	172 262 877	128 099 740
2	Фоизли ҳаражатлар	-73 387 808	-52 150 082
3	Соф фоизли даромадлар	98 875 069	75949658
4	Кредит портфелининг қадрсизланиши буйича захира	-5 086 581	-1 471 972
5	Кредит портфелининг қадрсизланиши буйича захира ташкил этилгандан кейинги соф фоизли даромадлар	93 788 488	74 477 686
6	Воситачилик даромадлари	125 258 803	98 909 514
7	Воситачилик ҳаражатлари	-18 729 075	-14 129 691
8	Даромадлар, хорижий валюта билан операциялар бўйича ҳаражатларни чегириб ташлаганда	4 179 148	10 339 012
9	Даромадлар, хорижий валюталарни қайта баҳолаш бўйича ҳаражатларни чегириб ташлаганда	9 985 266	10 923 553
10	Шўъба компаниясининг чиқариб ташланишидан кўрилган зарар	0	-1 509 121
11	Дивидендлар тарзидаги даромадлар	1 182 741	2 366 847
12	Бошқа операцион даромадлар	4 101 334	3 378 264
13	Маъмурий ва бошқа операцион ҳаражатлар	-175 251 008	-144 091 262
14	Солиқдан олдинги фойда	44 515 697	40 664 802
15	Фойда солиғи бўйича ҳаражатлар	-5 164 312	-5126389

[57] Ўзбекистон Республикаси банк тизмида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.: Ўзбекистон, 2003. - 272 бет

16	Йиллик фойда	39 351 385	35 538 413
17	Бошқа умумий даромад/(зарар)		
18	Сотувда мавжуд инвестициялар:		
19	- Йиллик даромадлар / (харажатлар)	-19 474	14350
20	- Бошқа умумий даромад таркибий қисмга тегишли фойда солиғи бўйича тўлов / (даромад)	4 245	-2 153
21	Йиллик бошқа умумий даромад / (зарар)	-15 229	12 197
22	Жами йиллик умумий даромад	39 336 165	35 550 610

"Фойда ва зарарлар тўғрисида"ги ёки "Умумий даромад тўғрисида"ги ҳисобот моддалари тегишли банк даромад ва ҳаражат ҳисобварақларидаги қолдиқлар бўйича тўлдирилади.

Тижорат банклари молиявий ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда даромадлар ва ҳаражатлар турлари ёки фаолият турлари бўйича тасниф қилиш йўли билан даромадлар ва ҳаражатларни таҳлил қилиб бериши керак.

Ҳаражатларни фаолият турлари бўйича тасниф қиладиган тижорат банклари ҳаражатларнинг турлари бўйича қўшимча ахборотни, жумладан эскириш (амортизация) ҳаражатларини, ходимларни сақлаш билан боғлиқ ҳаражатларни, хом ашё ва халқ истеъмоли молларидан фойдаланиш ҳаражатлари бўйича қўшимча ахборотларни очиб беришга мажбурдир.

26-жадвал

"Туронбанк" АТБ нинг даромадлар тақсимоти.

(минг сўмда)

№	Кўрсаткичлар	Сумма	Улуши	Жами даромаддаги улуши
1.	**Жами фоизли даромадлар**	**309 286 613**	**100 %**	**79.96 %**
1.1	Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобваракларидаги фоизли даромадлар	26 565 027	8.5 %	6.86 %
1.2	Кредит ва лизинг амалиётлари бўйича фоиз ва дисконтлар	233 335 793	75.6 %	60.34 %
1.3	Бошқа фоизли даромадлар	49 385 793	15.9 %	12.76 %
2	**Фоизсиз даромадлар**	**77 470 606**	**100 %**	**20.04 %**
2.1	Хизматлар учун тўлов ва комиссиядан олинган даромад	53 425 789	68.9 %	13.84 %
2.2	Хорижий валютадаги фойда	15 508 559	20.0 %	4.00 %
2.3	Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар	975 075	1.25 %	0.25 %
2.4	Бошқа фоизсиз даромадлар	7 561 183	9.8 %	1.95 %
3	**Жами даромад (1+2)**	**386 757 219.00**		**100 %**

Юқоридаги жадвалдан келиб чиқиб шуни хулоса қилишимиз мумкинки, жами даромадлар таркибида фоизсиз даромадлар 20.04

фоизни ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич қониқарсиз деб тавсифланади. Чунки, ривожланган мамлакатлар банкларининг даромадлар таркибида фоизсиз даромадлар салмоғи 60 % фоиз ва ундан юори кўрсаткични беради. Бунинг учун хизмат кўрсатиш сифатини ва сонини ошириш даркор. Хизматлар бўйича янги махсулотлар яратиш лозим.

01.10.2019 йил холатига молиявий натижалар бўйича банкнинг жами ҳаражатлари 386 757 219.00 минг сўмни ташкил қилмоқда. Таркибига назар ташлайдиган бўлсак, жами даромаднинг 79.96 фоизи фоизли даромадни ва 20.04 фоизи фоизсиз даромадни ташкил қилмоқда. Бунинг хисобини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин.

12.6. Банк хусусий капитали тўғрисидаги ҳисобот ва уни тузиш

Тижорат банклари капитали банк бошқарувида муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг зарурлиги - банк амалга ошираётган актив фаолиятда ҳамда операциялар миқдорида билинади. Банк капитали актив операциялар орқали иқтисодиётга жойлаштирилган миқдоридан даромад шаклланади. Чунончи, банк капитали қанча кўп бўлса, даромади ҳам кўпаяди.

Банкларда капитал ҳисобини ташкил этиш асослари халқ хўжалиги турли тармоқларига қарашли корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби асослари билан деярли ўхшаш.

Банкларда капитал ҳисобини ташкил қилишда бухгалтерия ҳисобида умумқабул қилинган тамойиллардан фойдаланилади: бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усули юритиш; узлуксизлик; хўжалик операциялари, активлар ва пассивларни пулда баҳоланиши; аниқлик; ҳисоблаш; олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик); мазмуннинг шаклдан устунлиги; кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги; молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги; ҳисобот даври даромадлари ва ҳаражатларининг мувофиқлиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Хусусий капитал устав, қўшилган, захиралар капиталдан ва тақсимланмаган фойдадан иборатдир.

Зарур ҳолларда устав, қўшилган, захиралар капитали таҳлилий жиҳатдан ҳисобга олинади.

Бухгалтерия балансидаги хусусий капиталнинг миқдори активлар қийматини ва мажбуриятларни баҳолашга боғликдир.

Молиявий ҳисоботда банк капитали қийматини аниқлашда бир қатор турлича усуллардан фойдаланилади. Бу усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Тарихий (Бошланғич) қиймат. Активлар, уларни сотиб олиш вақтида тўланган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, ёхуд уларга таклиф этилган ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Тиклаш қиймати. Активлар, уларни сотиб олиш вақтида ҳозирги пайтда ҳудди шунга ўхшаш актив сотиб олингандаги тўланиши керак бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари бўйича акс эттирилади.

Сотиш (қоплаш) қиймати. Активлар, уларни одатий шароитда сотиб олишда тўланиши зарур бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари бўйича акс эттирилади.

Дисконтланган қиймат. Активлар, ишларни одатий тартибда юритилганини тахмин қилган тақдирда, ушбу актив томонидан яратилиши мумкин бўлган пул маблағларининг бўлғуси соф келиб тушишини дисконтланган суммаларида акс эттирилади. Молиявий ҳисоботнинг тайёрлашда баҳолаш асоси сифатида банклар томонидан қабул қилинган энг кўп фойдаланиладиган баҳо - бу тарихий ёки бошланғич қиймат ҳисобланади. Одатда, у бошқа баҳолаш асослари билан биргаликда ишлатилади. Масалан, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, одатда таннарх ёки соф сотиш баҳосидан энг паст баҳода ҳисобга олинади, бозорда айланиладиган қимматли қоғозлар уларнинг бозор нархида, нафақа мажбуриятлари эса уларнинг дисконтланган қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Тижорат банкларида капитални ҳисобга олиш учун пассив ва актив-пассив ҳисобварақлардан фойдаланилади.

Тижорат банкларида капитални ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 август 773–17–сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги № 578 қарори билан тасдиқланган ва 1–30–сон ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»да келтирилган ҳисобварақлардан фойдаланилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий

банки томонидан банк операцияларини ҳисобга олиш бўйича чиқарилган меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Тижорат банклари юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ўз ишчи ҳисобварақлар режасини ишлаб чиқади ва шу асосида ўзларида амалга оширилаётган операциялар бўйича актив моддасига шахсий ҳисобварақлар очади, зарур бўлганда қўшимча журнал ҳисоби ва реестрлар юритилиши мумкин.

Ҳисобварақлар режасидаги 30000 – «Устав капитал» бўлимидаги ҳисобварақлар банк ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Шунинг учун, тижорат банклари Марказий банк талаблари ва ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисобварақларда аналитик ҳисобни қандай юритишни ўзлари белгилайдилар. Банк капиталининг аналитик ҳисоби банк фаолиятини бошқариш ва солиққа тортиш тартибини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

30300 Устав капитали

30303 - Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)

30306 - Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)

30309 - Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли

30312 - Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий

30315 - Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли

30318 - Чиқарилган устав капитали - Оддий

30321 - Акциядорлардан қайта сотиб олинган акциялар - Имтиёзли (контр-пассив)

30324 - Акциядорлардан қайта сотиб олинган акциялар - Оддий (контр-пассив)

30600 Қўшимча капитал

30603 - Қўшимча капитал

30900 Заҳира капитали

30903 - Умумий заҳира фонди

30904 - Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш заҳира фонди

30905 - Текинга олинган мулклар

30906 - Девальвация учун заҳира

30907 - Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)

30908 - Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси

30909 - Пул оқимларини хеджирлаш натижасида ҳосил бўлган фойда ёки зарарлар

30910 - Республика корхоналарига берилган инвестицион кредитлардан олинган фойда ҳисобидан ҳусусий капитални оширишга мўлжалланган захира фонди

31200 Тақсимланмаган фойда

31203 - Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)

31206 - Соф фойда (зарар) (актив-пассив)

Ушбу пассив ҳисобварақларнинг дебет томонида қолдиқ ва кўпайиш, кредит томонида эса камайиш акс эттиради.

Молиявий ҳисобот элементларидан ҳисобланган банк капитални ҳисоботларда тўғри акс эттириш ёки уларни тан олиш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Банк ресурслари-бу, банклар иҳтиёрида бўлган ва улар томонидан кредитлаш ҳамда бошқа актив операцияларни амалга оширишга мўлжалланган маблағлар йиғиндисидир. Ўз навбатида, банк ресурслари ўз маблағи ва жалб қилинган маблағларга бўлинади. Тижорат банкларининг ўз ресурслари сифатида биринчи навбатда, акциядорлик ва заҳира капитали ҳамда уставларига мувофиқ, фойдадан ажратмалар шаклида ташкил этиладиган махсус фондлар майдонга чиқади.

Тижорат банкларининг ўз маблағларига, унинг фаолиятидаги молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳосил қилинадиган турли фондлар ҳамда ўтган ва жорий йил фаолиятидан олинган, тақсимланмаган фойда киради.

27-жадвал

Банк капиталининг таркиби

№	Кўрсаткичлар	2017 йил		2018 йил		Ўзгариши (+/-)	
		млн.сўм	%да	млн.сўм	%да	млн.сўм	%да
1	Оддий акциялар	1999520	64,7	2453140	64,8	453620,0	0,1
2	Имтиёзли акциялар	23952	0,8	22248	0,6	-1704,0	-0,2
3	Қўшимча капитал	15433	0,5	21840	0,6	6407,0	0,1
4	Девальвация учун заҳира	136142	4,4	780046	20,6	643904,0	16,2
5	Тақсимланмаган фойда	836609	27,1	510301	13,5	-326308,0	-13,6
6	Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолашнинг ошган қисми	79886	2,6	0	0,0	-79886,0	-2,6
7	Жами акционерлик капитали	3091542	100,0	3787575	100,0	696033,0	0,0

Жадвал маълумотлариданк кўриниб турибдики тижорат банклари акционерлик капитали ўтган йилга нисбатан 696033 млн. сўмга кўпайиб, 2018 йилда 3,8 трлн. сўмни ташкил этган. Капитал таркибида имтиёзли акцияларнинг улуши 2018 йилда 64,8 фоизн ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 0,1 фоизга ошган. Девальвация учун заҳира ўтган йилга нисбатан кўпайган, тақсимланмаган фойда эса камайган.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари таркибида банк капитали катта аҳамият касб этади. Банк ўз маблағларининг хусусиятли томони шундаки, банк ресурсларида уларнинг салмоғи кичик бўлишига қарамасдан, қуйидаги зарур функцияларни бажарадилар:

-биринчидан, банкни банкрот бўлишдан ҳимоялайди, яъни банк бошқарувчилари юзага келган муаммоларни ҳал қилгунларига қадар жорий ҳаражатларни қолплаш манбаи бўлиб ҳизмат қилади;

-иккинчидан, депозитларни етарли миқдорда жалб қилгунга қадар банкни ташкил қилиш ва фаолиятини бошлаш учун зарур маблағ билан таъминлайди;

-учинчидан, банкнинг ўз маблағлари мижозларни банкка бўлган ишончини оширади;

-тўртинчидан, банкнинг ўз маблағлари банк ривожланиши ва янги банк ҳизматларини жорий қилиш учун дастурлар таъминоти ҳамда зарур маблағлар билан таъминлайди;

-бешинчидан, банкнинг ўз маблағлари банк ривожланишининг молиявий асоси бўлиб ҳизмат қилади, яъни тижорат банкларини назорат қилувчи муассасалар банкнинг ўз маблағлари салмоғини улар томонидан жалб қилинаётган депозитлар ва тармоқларга ажратилаётган кредитлар ҳажмига мос равишда ўзгаришини талабқилишади. Ушбу талабдан келиб чиқиб, ҳар бир тижорат банкининг фаолияти кенгайиб боргани сари, жами сармоялардаги унинг ўз маблағлари салмоғи ҳам ошиб бориши лозим. Банкда ўз маблағлари ҳолатини тартибга солиш орқали, фаолияти мобайнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш имконияти туғилади.

Банкларда устав капиталини ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар режасида қўйидаги ҳисобварақлардан фойдаланилади:

30300 Устав капитали

30303 - Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)

30306 - Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)

30309 - Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли

30312 - Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий

30315 - Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли

30318 - Чиқарилган устав капитали - Оддий

30321 - Акциядорлардан қайта сотиб олинган акциялар - Имтиёзли (контр-пассив)

30324 - Акциядорлардан қайта сотиб олинган акциялар - Оддий (контр-пассив)

Тахлилий ҳисобда хиссадорлар бўйича алоҳида шахсий счетлар юритилади.

Юқорида кўрсатилган счетлар куйидаги счетлар билан корреспондентлашади:

10101 «Айланма кассадаги нақд пуллар» — акциялар учун нақд пул тўланганда;

10301 «ЎЗРМБ корреспондентлик счетидан олишга- Ностро» ёки 10501 «Бошқа банклар корреспондентлик счетларидан олишга — Ностро» — бошқа банклардан акциялар учун пул маблағлари келиб тушганда;

29830 - "Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар"

Мазкур банк хизмат кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектлар - банк хиссадорларининг йўқлаб олинадиган депозит счетлари.

Акциялар ҳужжатсиз шаклда депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар электрон тарзида чиқарилади. Қимматли қоғозлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳамда чиқарилган акциялар Марказий депозитарийда ҳисобга олингандан сўнг, депозитарийнинг ҳисоботига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари";

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ".

Обуна қилинганда ва акция олди-сотди шартномаси тузилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) имтиёзли акциялар бўйича:

Дт 30303 - "Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)";

Кт 30309 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Имтиёзли";

б) оддий акциялар бўйича:

Дт 30306 - "Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)";

Кт 30312 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Оддий".

Акция учун тўлов тўлиқ ёки қисман олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи;

Кт 30303 - "Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)" ёки 30306 - "Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)".

Тўлов тўлиқ олингандан сўнг битим амалга оширилганда, акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) имтиёзли акциянинг номинал қийматига:

Дт 30309 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Имтиёзли";

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли";

б) оддий акциянинг номинал қийматига:

Дт 30312 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Оддий";

Кт 30318 - "Чиқарилган устав капитали – Оддий";

в) обуна баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги ижобий фарқ суммасига:

Дт 30309 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Имтиёзли" ёки 30312 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Оддий";

Кт 30603 - "Қўшилган капитал";

г) бир вақтнинг ўзида акция бўйича эгалик ҳуқуқи акциядорларга ўтказилганда, депозитарийнинг акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоботига асосан:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ";

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари".

Акцияларни чиқарилиши билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар 56795 - "Бошқа операцион ҳаражатлар" ҳисобварағининг "Акцияларни чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар" алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Агар акциялар чиқарилишидан аввал акциянинг қиймати потенциал акциядорлар томонидан тўлиқ ёки қисман тўланганда,

акциялар бўйича олдиндан тўловлар, акциялар чиқарилишига қадар мажбуриятларда акс эттирилади. Шунингдек, банкнинг янги акцияларига обунада иштирок этиш кафолати учун потенциал акциядорлар томонидан омонат (депозит) қўйилиши мумкин.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) олдиндан тўлов амалга оширилганда:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи;

Кт 29830 - "Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар";

б) акциялар сотилганда, акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботига асосан:

Дт 29830 - "Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар" – тўлов суммасига;

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли" ёки 30318 - "Чиқарилган устав капитали – Оддий" – акциянинг номинал қийматига;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" – тўлов суммаси билан номинал қиймати ўртасидаги ижобий фарқ суммасига.

в) бир вақтнинг ўзида акция бўйича эгалик ҳуқуқи акциядорларга ўтказилганда, депозитарийнинг акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоботига асосан:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ";

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари".

Банк устав капитали акциялар номинал қийматини пасайтириш ёки акциялар умумий сонини қисқартириш, жумладан кейинчалик уларни тўлаш шарти билан сотиб олиш орқали камайтирилиши мумкин.

Агарда банк уставида кўзда тутилган бўлса, акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва уларни тўлаш йўли билан банк устав капиталининг камайтиришга рухсат этилади.

Агар устав капитали камайтирилиши натижасида унинг ҳажми банк уставидаги тегишли ўзгаришларни қайд қилиш санасида аниқланадиган, Марказий банк томонидан белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса, банк устав капитали миқдорини камайтиришга рухсат берилмайди.

Устав капиталини камайтириш ҳамда банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади (давлат ягона муассиси ҳисобланган банкда қарор Ҳукумат томонидан қабул қилинади). Бунда, қарорда устав капиталининг камайтирилиши сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгиланди.

Жойлаштирилган акцияларни сотиб олиш йўли билан устав капиталини камайтиришда акциядорлар умумий йиғилишининг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорида сотиб олинадиган акциялар турлари, банк томонидан сотиб олинадиган ҳар бир турдаги акциялар сони, сотиб олиш нархи, тўлов шакли ва муддати, шунингдек, акцияларни ҳарид қилиш муддати белгиланиши лозим.

Акциялар номинал қийматини пасайтириш йўли билан устав капиталини камайтиришда акциядорлар умумий йиғилишининг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорида акциянинг, янги номинал қиймати, акция нархи ҳамда акциялар янги номинал қиймати ўртасидаги фарқни акциядорларга қайтариш шакли ва муддати, шунингдек, ушбу фарқни қайтариш муддати белгиланиши зарур.

Акцияларни сотиб олиш (акция нархи ва янги номинал қиймати ўртасидаги фарқни қайтариш) 30 кундан кам бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Банк томонидан оддий акцияларни сотиб олиш (акция нархи ва янги номинал қиймати ўртасидаги фарқни қайтариш) бозор нархига мувофиқ равишда, имтиёзли акциялар эса - жамият уставида кўзда тутилган нархда амалга оширилади.

Устав капиталини камайтириш учун Лицензиялаш департаментига қуйидагилар топширилади:

- банк устав капиталини камайтириш учун розилик бериш тўғрисида илтимоснома;

- банк акциядорлари умумий йиғилишининг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарори (давлат ягона муассиси ҳисобланган банк учун Ҳукумат қарори)

Тақдим этилган ҳужжатлар Лицензиялаш департаменти томонидан кўриб чиқилади, улар қонунчилик талабларига мос келган ҳолларда Банкларни рўйхатга олиш комиссиясига устав капиталини камайтиришга розилик бериш тўғрисидаги масала кўриб чиқиш учун киритилади.

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва розилик бериш бир ой муддат ичида амалга оширилади.

Банк устав капиталининг камайтирилишига розилик берилмаслик учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

- устав капиталининг камайтирилиши натижасида Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий меъёрлар ҳамда банк устав капитали энг кам миқдорига қўйиладиган талабларнинг бузилиши эҳтимоли ёки ҳар қандай акциядор иштироки улуши устав капиталининг қонунчилик томонидан белгиланган чекланган миқдордан ошган ҳолда;

- тақдим этилган ҳужжатларнинг қонунчилик ва Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги;

- устав капиталининг камайтирилиши омонатчилар манфаатларига ва банк молиявий аҳволига аниқ хавф солиши мумкинлиги.

Марказий банкнинг устав капиталини камайтиришга розилик бермаслиги асосланган бўлиши ва охирги зарур ҳужжат олинганидан кейин бир ой муддат ичида ёзма равишда банкка юборилиши лозим.

Акциялар номинал қийматини пасайтириш йўли билан устав капиталини камайтиришда банк қуйидагиларни бажариши зарур:

Банкнинг барча акцияларини уларни номинал қиймати камайтирилган акциялар билан алмаштиш учун йиғиб олиши;

Акциядорларга акция нархи ва акциялар янги номинал қиймати ўртасидаги фарқни тўлаши;

Акцияларни рўйхатга олувчи орган талабларини бажариши.

Агар банк ўз акцияларини уларни қайта сотиш ёки бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда банкнинг ўз капитали акцияни сотиб олиш қийматига камаяди. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Имтиёзли (контр-пассив)" ёки

30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Оддий (контр-пассив)";

Кт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи.

Агар банк ўз акцияларини бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли

қоғозлари" ҳисобварағига 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари";

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ".

Агар банк ўз акцияларини кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари" ҳисобварағига номинал қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари";

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ".

Сотиб олинган банкнинг ўз акциялари кейинчалик иккиламчи бозорда қайта сотилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) сотиб олиш баҳосига нисбатан қиммат баҳода сотилганда:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобвараги ёки мижоз ҳисобвараги – акцияни сотиш қийматига;

Кт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Имтиёзли (контр-пассив)" ёки 30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Оддий (контр-пассив)" – акцияни сотиб олиш қийматига;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" баланс ҳисобварағининг "Қайта сотиб олинган ўз акциялари бўйича қўшилган капитал" шахсий ҳисобвараги – қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги ижобий фарқ суммасига;

б) сотиб олиш баҳосига нисбатан арзон баҳода сотилганда:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобвараги ёки мижоз ҳисобвараги – акцияни сотиш қийматига;

Дт 30603 - "Қўшилган капитал" – акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ суммасига, кредит қолдиғи доирасида;

Кт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)" ёки 30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)" – акцияни сотиб олиш қийматига.

30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағининг "Ўз акцияларини сотиб олишдан олинган қўшилган капитал" алоҳида шахсий ҳисобварағининг қолдиғи нолга тенг бўлса, акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ 31206 - "Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" баланс ҳисобварағига ўтказилади.

в) бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ";

Кт 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари".

Акциялар бекор қилинганда ёки банкнинг акциядорлик капитали камайтирилганда (устав ҳужжатларига киритиладиган тегишли ўзгартиришлар Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг), қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30315 - "Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли" ёки 30318 - "Чиқарилган устав капитали – Оддий" – акциянинг номинал қийматига;

Кт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Имтиёзли (контр-пассив)" ёки 30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Оддий (контр-пассив)" – акцияни сотиб олиш қийматига.

Ўз акцияларини сотиб олиш билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги ижобий ёки салбий фарқ 30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағининг мос равишда дебети ёки кредитига олинади. Ҳисобварақнинг кредит қолдиғи етарли бўлмаганда, етмаган салбий фарқ 31206 - "Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" ҳисобварағига олинади.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ";

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари".

Тижорат банкларида хусусий капитал таркибида қуйидаги фондлар ва заҳиралар ташкил этилади:

- қўшимча капитал;
- умумий заҳира фонди;
- кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш заҳира фонди;
- текинга олинган мулклар;

• девальвация учун заҳира;

• сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив);

• бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси;

• пул оқимларини хеджирлаш натижасида ҳосил бўлган фойда ёки зарарлар;

• республика корхоналарига берилган инвестицион кредитлардан олинган фойда ҳисобидан ҳусусий капитални оширишга мўлжалланган захира фонди.

Қўшимча капитал - ўз акцияларини биринчи жойлаштиришда номинал қийматига нисбатан ортиқроқ қийматда сотишдан олинган эмиссион даромадлари, шунингдек банкнинг ўз акцияларини сотиб олишдаги нарх билан уларни кейинги қайта сотишдаги нархлар ўртасидаги фарқлар ҳисобига шаклланади.

Умумий заҳира фонди - ўрнатилган тартибга мувофиқ умумий мақсадлар учун банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ажратилган маблағлар.

Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш заҳира фонди - банкнинг тақсимланмаган фойдасидан кичик корхоналарни кредитлашга ажратилган маблағлар.

Текинга олинган мулклар - акциядорлардан банк мулкига текинга олинган мулклар қиймати олиб борилади.

Девальвация учун заҳира - сезиларли даражада миллий валютанинг қадрсизланишида (девальвация) банкнинг ўз мажбуриятларини қоплаш учун тақсимланмаган фойда ҳисобидан ажратилган маблағлар.

Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив) - сотишга мўлжалланган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициянинг ҳақиқий қийматининг ўзгариши натижасида вужудга келадиган фойда ёки зарарлар.

Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси - банкнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бозор қийматининг сезиларали ўсиши натижасида бошланғич қийматига нисбатан қийматининг ошган миқдори.

Пул оқимларини хеджирлаш натижасида ҳосил бўлган фойда ёки зарарлар - пул оқимларини хеджирлаш учун мўлжалланган ҳосилавий инструментлар (масалан: қатъий мажбуриятларни хеджирлайдиган хорижий валютадаги сўндирилмаган контрактлар)ни қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган фойда ёки зарарлар.

Республика корхоналарига берилган инвестицион кредитлардан олинган фойда ҳисобидан хусусий капитални оширишга мўлжалланган заҳира фонди - республика корхоналарига 3 йилдан ортиқ муддатга берилган инвестиция кредитларидан олинган, банкларни даромад солиғидан озод қилиниши муносабати билан банкнинг хусусий капиталини оширишга йўналтирилган маблағлар.

Уларнининг ҳисобини олиб бориш учун банкларда қуйидаги ҳисобварақлар юритилади:

30603 - Қўшимча капитал. Ушбу ҳисобварақнинг кредитида ўз акцияларини биринчи жойлаштиришда банк акцияларининг номинал қиймати ва сотилган пайтдаги қиймати ўртасидаги ижобий фарқлар, ҳамда банкнинг ўз акцияларини сотиб олишдаги нарх билан уларни кейинги қайта сотишдаги нархлар ўртасидаги ижобий фарқлар ҳисоби акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида банкнинг устав капиталини кўпайтиришга ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тартибда бошқа мақсадларга йўналтирилган маблағлар суммаси, ҳамда ўз акцияларини сотиб олишдаги нарх билан уларни қайта сотишдаги нархлар ўртасидаги салбий фарқлар ҳисоби акс эттирилади (ушбу ҳисобварақдаги кредит қолдиқ доирасида). Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

30903 - Умумий заҳира фонди. Ҳисобварақнинг кредитида умумий заҳира фондига ўтказилган маблағларнинг суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида умумий заҳира фондидан маълум мақсадлар учун ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир мақсад учун алоҳида шахсий ҳисобварақлар юритилади.

30904 - Кичик бизнес корхоналарини имтиёзли кредитлаш заҳира фонди. Ҳисобварақнинг кредитида имтиёзли кредитлаш заҳира фондига келиб тушган маблағлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида имтиёзли кредитлаш заҳира фондидан

ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

30905 - Текинга олинган мулклар. Ҳисобварақнинг кредитида акциядорлардан текинга олинган мулклар қиймати акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида ўрнатилган тартибга мувофиқ тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда олиб борилади.

30906 - Девальвация учун заҳира. Ҳисобварақнинг кредитида тақсимланмаган фойда ҳисобидан ўтказилган маблағлар суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида заҳира фондидан ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб битта шахсий ҳисобварақда юритилади.

30907 - Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив). Ҳисобварақнинг кредитида инвестицияларнинг ҳақиқий қийматини ўсган суммаси, шунингдек улар ҳисобдан чиқарилганда, қайта таснифланганда ва/ёки қадрсизланганда ушбу ҳисобварақнинг дебетида олдин акс эттирилган зарарларни ҳисобдан чиқариш суммаси акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида инвестицияларнинг ҳақиқий қийматини камайган суммаси, шунингдек улар ҳисобдан чиқарилганда, қайта таснифланганда ва/ёки қадрсизланганда ушбу ҳисобварақнинг кредитида олдин акс эттирилган фойдани ҳисобдан чиқариш суммаси акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб қимматли қоғозлар тури ва муддатлари ҳамда эмитентлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

30908 - Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси. Ҳисобварақнинг кредитида банкнинг асосий воситалари ва номоддий активлари қийматининг баланс қийматига нисбатан ошган миқдори акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида баҳоланаётган асосий восита ва номоддий актив сотилганда ёки бошқа йўл билан ҳисобдан чиқарилганда, улар қийматининг ошган миқдори, шунингдек, банкнинг асосий воситаси ва номоддий активи қийматининг баланс қийматига нисбатан пасайиб кетиши ва ўрнатилган тартибга мувофиқ, тақсимланмаган фойда ҳисобига ўтказилган суммалар ҳисобдан чиқарилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар

бир баҳоланган асосий восита ва номоддий актив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

30909 - Пул оқимларини хеджирлаш натижасида ҳосил бўлган фойда ёки зарарлар. Ҳисобварақнинг кредитида хеджирлаш самара берадиган даражагача пул оқимларини хеджирлаш учун мўлжалланган ҳосилавий инструментлар буйича ўзлаштирилмаган фойда суммаси акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақнинг кредити бўйича, қатъий мажбурият ёки режалаштирилган операция актив ёки мажбурият сифатида акс эттириладиган ҳолатларда (кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағлари бундан мустасно) олдинги дебет қолдиғи ҳам ҳисобдан чиқарилади. Ҳисобварақнинг дебетида хеджирлаш самара берадиган даражагача пул оқимларини хеджирлаш учун мўлжалланган ҳосилавий инструментлар буйича ўзлаштирилмаган зарар суммаси акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақнинг дебети бўйича, қатъий мажбурият ёки режалаштирилган операция актив ёки мажбурият сифатида акс эттириладиган ҳолатларда (кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағлари бундан мустасно) олдинги кредит қолдиғи ҳам ҳисобдан чиқарилади. Таҳлилий ҳисоб ҳар бир контракт бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

30910 - Республика корхоналарига берилган инвестицион кредитлардан олинган фойда ҳисобидан ҳусусий капитални оширишга мўлжалланган захира фонди. Ҳисобварақнинг кредитида банкнинг хусусий капиталини оширишга мўлжалланган заҳира фондига маблағларнинг келиб тушиши акс эттирилади. Ҳисобварақнинг дебетида банкнинг хусусий капиталини оширишга мўлжалланган заҳира фондидан маблағларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Таҳлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади».

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот банк акциядорлик капиталининг ҳолатини ва ҳаракати тўғрисида йиғма маълумотларни акс эттиради. Акциядорлик капиталидаги ўзгаришлар тижорат банкларининг акциядорлари билан амалга оширилган операциялари натижасида ўзгариб туради. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботда тижорат банкининг устав капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар яъни қўшимча эмиссия қилган бўлса ёки банк акциядорлари умумий йиғилиш қарорига асосан ва ЎР МБ рухсати билан қайтиб сотиб олган бўлса, ушбу маълумотлар тўлиқ акс эттирилади.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан мақсад, хусусий капиталнинг ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган ҳолати ва ҳисобот даври мобайнида унинг таркибидаги ўзгартиришлар ҳақидаги ахборотни очиб бериш ҳисобланади.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг манзиллар қисмида ҳисобот санаси, тижорат банкининг номи, мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва тўлиқ юридик манзили, унинг тасарруфида мазкур хўжалик юритувчи субъект бўлган органнинг номи, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг тайёрланиши чоғида фойдаланилган ўлчов бирлиги кўрсатилиши керак.

Ҳисоботда хусусий капитал ва унинг таркибий қисмлари тўғрисидаги, устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) сотиб олинган ўз акциялари ва бошқа хусусий капитал элементлари ҳақидаги ахборот очиб берилиши керак.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган тегишли ахборотни очиб бериши керак.

Ҳисоботда ҳисобот давридаги хусусий капитал таркибида бўлган ўзгаришлар ҳақидаги ахборот очиб берилган бўлиши керак. Бунинг учун қуйидагилар: қимматли қоғозлар эмиссияси, узоқ муддатли активларнинг қайта баҳоланиши, устав капиталини шакллантириш чоғида валюта курсидаги фарқлар, резерв капиталга ажратмалар, жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари), текинга олинган мол-мулк, пул дивидендлари ва акциялар кўринишида тўланадиган дивидендлар, шунингдек, хусусий капитални шакллантиришнинг бошқа манбалари тўғрисидаги ахборот очиб берилиши лозим.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар: чиқарилган акциялар сони, акцияларнинг номинал қиймати, муомаладаги акциялар сони тўғрисидаги ахборот ҳам очиб берилиши керак.

Хусусий капитал таркибида икки ҳисобот даври ўртасидаги ўзгаришлар молиявий ҳисоботларда қабул қилинган ва очиб бериладиган баҳолашнинг аниқ тамойилидан келиб чиққан ҳолда ҳисобот даври давомидаги соф активларнинг кўпайиши ёки камайишини акс эттиради.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботга бўлган тушунтиришда тижорат банки хусусий капиталининг қатнашчининг чиқиб кетиши,

акциядорлик жамияти томонидан акцияларнинг сотиб олиниши ёки сотиб олинган акцияларни бекор қилиниши, акциялар номинал қийматининг пасайиши ёки бошқа сабабларга кўра камайиб кетганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Акциядорлик жамиятлари хусусий капитал тўғрисидаги тушунтиришда қуйидагилар ҳақидаги ахборотни келтирадилар:

обуна амалга оширилиши назарда тутиладиган акцияларнинг умумий сони ва номинал қиймати;

назарда тутилган миқдорлар билан таққослаганда обуна амалга оширилган акцияларнинг умумий миқдори ва номинал қиймати;

акцияларга обунанинг бориши чоғида олинган маблағлар умумий суммаси;

айрим турлар ва тоифалар бўйича устав капитали таркибидаги акциялар;

имтиёзли акциялар бўйича тўланмаган жамланган дивидендлар суммаси;

акциялар кўринишида тўланадиган дивидендлар, хусусан, тўланадиган акцияларнинг сони ва қиймати, шунингдек, уларнинг турлари ёки тоифалари тўғрисида;

ҳисобот даврида юз берган майдалаш ёки қўшиб юборишлар ва акцияларнинг майдаланиши ёки қўшиб юборилишигача ва ундан кейинги акцияларнинг номинал қиймати тўғрисидаги.

Акцияларга обунанинг бориши чоғида олинган маблағлар умумий суммаси тушунтиришда қуйидагилар бўйича келтирилади:

акциялар учун ҳақ сифатида кирим қилинган барча пул маблағлари, акциялар сони кўрсатилган ҳолда;

акциялар учун тўлов сифатида кирим қилинган мол-мулкнинг қиймат баҳоси, акциялар сони кўрсатилган ҳолда;

акциялар учун ҳақ сифатида кирим қилинган чет эл валютасининг умумий суммаси, акциялар сони ва ҳисобда валюта кирим қилинган курси кўрсатилган ҳолда.

Устав капитали таркибидаги акциялар ҳақидаги ахборот тушунтиришда айрим турлар ва тоифалар бўйича келтирилади:

чиқарилган акциялар сони, устав капиталининг тўланмаган қисми кўрсатилган ҳолда;

акциянинг номинал қиймати;

муомалада бўлган акциялар сонида ҳисобот даври мобайнидаги ўзгартиришлар;

акциялар билан боғлиқ ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чеклашлар, шу жумладан дивидендларнинг тақсимланиши ва капиталнинг қайтариб берилиши бўйича чеклашлар;

жамиятнинг ўзига, унинг шуъба ва уюшган корхоналарига тегишли акциялар;

улар эгалик қилаётган муассислар рўйхати ва акциялар сони;

ижроия органи аъзоларининг мулки бўлган акциялар сони;

опционлар ва бошқа контрактларга биноан чиқариш учун захиралаштирилган акциялар, уларнинг муддатлари ва суммалари кўрсатилган ҳолда;

конвертацияланадиган (акциялар ёки облигацияларга) акцияларнинг сони ва номинал қиймати ҳамда ушбу акцияларнинг қарзга оид қимматли қоғозларга конвертация қилиниши ҳолларида юзага келиши мумкин бўлган мажбуриятлар.

Тижорат банклари молиявий ҳисоботларга оид изоҳларда қуйидагилар тўғрисидаги ахборотни келтирадилар:

эгалик қилувчилар ўртасида устав капитали улушининг тақсимланиши;

ушбу улушларга тегишли ҳуқуқлар, имтиёзлар ёки чеклашлар;

устав капитали таркибида эгалик қилувчилар улуши таркибидаги ўзгартиришлар.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги кўринишда бўлади:

29-жадвал

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот

№		Устав сармояси	Қўшилтан сармоя	Сотиб олинган акциялар	Жами акционерлик сармояси	Захиралар	Тақсимланмаган фойда	Жами ўз сармояси	Камчилик улуши	Жами ўз сармояси
010	**Ўтган йил 1 январь ҳолатига қолдиқ - қайта ҳисоблашдан олдин**									
020	Ҳисобга олишдаги ўзгаришлар самараси, солиқлар чиқариб ташланганида									
021	Хатоларни тўғирланган сўнг ўзгаришлар самараси, солиқлар чиқариб ташланганида									
030	қайта ҳисобга олгандан кейин									
040	Даврда пайдо бўлган:									
041	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - адолатли баҳо бўйича соф фойда (зарар), солиқлар чегириб ташланганидан кейин									
042	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захира									
050	Суммаларни кўчириш									
051	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - фойда (зарар)га кўчириш, солиқлар чегириб ташланганидан кейин									
052	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захирадан кўчириш									
060	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда / (зарар)									

070	Соф фойда									
080	Тан олинган соф фойда / (зарар)									
090	Оддий акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йилдаги дивидендлар									
100	Имтиёзли акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йилдаги дивидендлар									
110	Конвертацияланадиган облигациялар - улуш компоненти									
120	Узининг сотиб олинган акцияларини харид килиш/сотиш									
130	Акциялар чикариш									
140	Жами: жорий йил 1 январига қолдиқ									
150	Даврда пайдо бўлган									
151	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - адолатли баҳо бўйича соф фойда (зарар), солиқлар чегириб ташланганидан кейин									
152	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захира									
160	Суммаларни кўчириш									
161	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - адолатли баҳо бўйича соф фойда (зарар)га кўчирма, солиқлар чегириб ташланганидан кейин									
162	Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захирадан кўчирма									
170	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда / (зарар)									
180	Соф фойда									
190	Тан олинган соф фойда / (зарар)									
200	Ўтган йил учун оддий акциялар бўйича ўтган йилдаги дивидендлар									
210	Ўтган йил учун имтиёзли акциялар бўйича ўтган йилдаги дивидендлар									
220	Конвертацияланадиган облигациялар - улуш компоненти									
230	Узининг сотиб олинган акцияларини харид килиш/сотиш									
240	Акциялар чикариш									
250	Бошқа банкларга берилган филиаллар									
260	Жорий йилнинг 31 декабридаги қолдиқ									

"Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот" моддалари қуйидаги тартибда тўлдирилади.

010 "Ўтган йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мавжуд қолдиқ – қайта саналгунга қадар" қаторида ўтган йилнинг 1 январь ҳолатига кўра тақсимланмаган фойда қолдиғи "Тақсимланмаган фойда" устунида, акциядорлик капитали қолдиғи "Устав капитали" устунида, қўшимча капитал қолдиғи "Қўшимча капитал" устунида, қайта сотиб олинган ўз акциялари қолдиғи " Қайта сотиб олинган ўз акциялари" устунида, заҳиралар қолдиғи "Заҳиралар" устунида кўрсатилади.

020 "Ҳисобдаги ўзгаришлар таъсири (солиқлардан ташқари)" қаторида ҳисобдаги ўзгаришлар таъсирида юз берган ўзгаришлар суммаси "Тақсимланмаган фойда" устунида солиқларни чиқариб ташлаган ҳолда кўрсатилади.

021 "Хатоларни тузатиш таъсири, солиқлардан ташқари" қатори. Ушбу қатор стандарт шаклга киритилмайди, бироқ зарур ҳолларда киритилиши мумкин. Мазкур сумма ўтган даврлар

мобайнида вужудга келган хатоларни тузатишнинг кумулятив таъсиридан иборатдир.

041 "Сотишга мўлжалланган инвестициялар - ҳақиқий қиймат бўйича соф фойда (зарар), солиқлардан ташқари" қаторида ҳисобот даврида сотишга мўлжалланган инвестицияларни ҳақиқий қиймати бўйича қайта баҳолаш бўйича "Заҳиралар" устунида вужудга келган олинмаган фойда (зарарлар) суммаси кўрсатилади.

042 "Асосий воситаларни қайта баҳолашга оид заҳиралар" қаторида ҳисобот даврида "Заҳиралар" устунида вужудга келган асосий воситалар ва номоддий активларни қайта баҳолаш суммаси кўрсатилади.

051 "Сотишга мўлжалланган инвестициялар – соф даромадга ўтказиш (солиқлардан ташқари)" қаторида "Заҳиралар" устунида сотишга мўлжалланган инвестицияларни соф фойданинг ҳақиқий қиймати бўйича қайта баҳолашдан олинган фойда (зарар)ни кўчириш суммаси кўрсатилади.

052 "Асосий воситаларни қайта баҳолашга оид заҳирадан кўчириш" қаторида "Заҳиралар" ва "Тақсимланмаган фойда" устунларида асосий воситалар ва номоддий активларни қайта баҳолаш бўйича олинган заҳираларни кўчириш суммаси кўрсатилади.

060 "Фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда/(зарар)" қаторида 041, 042, 051, 052-қаторларнинг тегишли устунлар бўйича йиғиндиси кўрсатилади.

080 "Тан олинган соф фойда/ (зарар)" қаторида 060 ва 070-қаторларнинг тегишли устунлар бўйича суммалари кўрсатилади.

090 "Оддий акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йил учун дивидендлар" қаторида оддий акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йил учун дивидендлар суммаси "Тақсимланмаган фойда" устунидаги камайиш сифатида кўрсатилади.

100 "Имтиёзли акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йил учун дивидендлар" қаторида қаторида имтиёзли акциялар бўйича ўтган йилдан олдинги йил учун дивидендлар суммаси "Тақсимланмаган фойда" устунидаги камайиш сифатида кўрсатилади.

110 "Айирбошланадиган облигациялар – улушли компонент" қаторида айирбошланадиган облигацияларнинг "Устав капитали" ва "Қўшимча капитал" устунларидаги улушли компоненти суммаси кўрсатилади.

120 “Қайта сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш/сотиш” қаторида қайта сотиб олинган ўз акцияларининг “Қайта сотиб олинган ўз акциялари” ва “Қўшимча капитал” устунларидаги сотиш/ сотиб олиш суммаси кўрсатилади.

130 “Акциялар чиқариш” қаторида “Устав капитали” ва “Қўшимча капитал” устунларидаги чиқарилган акциялар суммаси кўрсатилади.

140 “Жами: жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра мавжуд қолдиқ” қаторида тегишли устунлар бўйича қолдиқлар кўрсатилади.

Жорий йил учун 150-250 қаторлар юқорида баён қилинган 040-140 қаторлар каби тўлдирилади.

Озчилик улуши

Агарда банкнинг унга 100 фоиздан кам миқдорда тегишли бўлган шўъба хўжалик жамияти мавжуд бўлса, бу ҳолда акциядорлик капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги йиғма ҳисоботга қуйидаги тарзда иккита қўшимча қатор қўшилиши лозим:

Тижорат банкларининг ўз капиталига устав, резерв капитали, ташкил этилган жамғармаларга ажратмалар ҳамда тақсимланган фойда киради.

30-жадвал

«Асака» банкнинг ўз маблағлари таркиби

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2019 йил 2-чорак		2019 йил 3-чорак		Фарқи (+,-)	
		Суммаси	Салмоғи, %да	Суммаси	Салмоғи, %да	Суммаси	Салмоғи, %да
1	**Устав капитали**	**2 990 149 306**	**91,45**	**5 683 032 515**	**94,13**	**2 692 883 209**	**2,69**
1.1.	Оддий акциялар	2 990 149 306	100,00	5 683 032 515	100,00	2 692 883 209	0,00
1.2.	Имтиёзли акциялар	0	0,00	0	0,00	0	0,00
2	**Қўшилган капитал**	**3 741 145**	**0,11**	**3 741 145**	**0,06**	**0**	**-0,05**
3	**Заҳира капитали**	**174 748 734**	**5,34**	**231 591 955**	**3,84**	**56 843 221**	**-1,51**
3.1.	Умумий заҳира фонди	54 607 305	31,25	60 798 308	26,25	6 191 003	-5,00
3.2.	Стандарт активлар бўйича шакллантирилган заҳиралар	19 066 800	10,91	70 890 492	30,61	51 823 692	19,70
3.3.	Девальвация учун заҳира	0	0,00	0	0,00	0	0,00
3.4.	Бошқа заҳира ва фондлар	101 074 629	57,84	99 903 155	43,14	-1 171 474	-14,70
4	**Тақсимланмаган фойда**	**101 120 903**	**3,09**	**118 807 774**	**1,97**	**17 686 871**	**-1,12**
4.1.	Шундан, жорий йилнинг соф фойдаси (зарари)	-60 726 938	-60,05	76 488 204	64,38	137 215 142	124,43
	Жами ўз маблағлари	**3 269 760 088**	**100,00**	**6 037 173 389**	**100,00**	**2 767 413 301**	**0,00**

Маълумотлардан кўриниб турибдики, устав капитали 2019 йил 3-чоракда 5683 трлн. сўмга етказилган. Бунинг натижасида,

банкнинг жами маблағлари 6037 трлн. сўмга етиб, айрим кўрсаткичлар жамига нисбатан 2-чоракка қараганда фоиз ҳисобида камайиш кузатилган. Бироқ, сумма кўрсаткичлари таққосланганда, заҳира капитали 56843 млрд. сўмга, тақсимланмаган фойда эса 17686 млрд. сўмга кўпайган. Заҳира капитали таркибида стандарт активларга шакллантирилган заҳиралар 2-чоракка нисбатан 51823 млрд. сўмга ёки 30,61 фоизага кўпайган. Умуман олганда, банкнинг жами капитали 2-чоракка нисбатан сезиларли даражада кўпайганлиги банкнинг мустақиллилигини таъминлайди ва молиявий барқарорлигини кафотлайди ҳамда банк банк рискларининг салбий оқибатларини енгиллаштиради.

31-жадвал

«Асака» банк капитали таркиби

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Натижалар
I.	**I даражали капитал**	**5 327 471 084**
1.1	I даражали асосий капитал	5 323 729 939
1.2	I даражали қўшимча капитал	3 741 145
II	**II даражали капитал**	**418 235 641**
III	**жами регулятив капитал**	**5 745 706 725**
IV	**рискни ҳисобга олган ҳолда активларнинг умумий суммаси**	**29 405 757 454**
а	Рискни ҳисобга олган ҳолда, баланс ва балансдан ташқари активларнинг суммаси	28 309 032 823
б	Операцион риск	1 029 667 063
в	Бозор риски	67 057 568
V	**I даражали асосий капитал монандлиги коэффициенти (1.1/v)**	**18,10%**
VI	**I даражали капитал монандлиги коэффициенти (i/v)**	**18,12%**
VII	**Банк капитали монандлиги коэффициенти (iv/v)**	**19,54%**
VII	**Левераж ҳисоблаш учун активлар**	**55 921 862 074**
IX	**Левераж коэффиценти**	**9,53%**

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг капитал монандлигига қўйилган талабларига «Асака» банк томонидан етарли даражада риоя қилинган. Банкда I даражали капитал ҳисобот даврига 5 327 трлн. сўмни, II даражали капитал эса 418 млрд. сўмни ташқил этиб, жами регулятив капитал миқдори 5 745 трлню сўмга етган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 06 июлда 2693-сон билан рўйхатга олинган «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига мувофиқ, I даражали капитал регулятив капиталнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги белгиланган. Шунингдек, мазкур бандда II даражали капитал миқдори I даражали капитал миқдорининг учдан бир қисмидан ошиб кетса, ошган сумма регулятив капитал таркибига киритилмаслиги кўрсатилган. Шулардан келиб чиқиб, қуйидаги жадвалда I ва II даражали капиталларнинг регулятив капиталдаги улушларини кўриб чиқамиз:

32-жадвал

«Асака» банк регулятив капитали таркиби

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Натижалар	Салмоғи, %да
I.	**I ДАРАЖАЛИ КАПИТАЛ**	**5 327 471 084**	**92,72%**
1.1	I даражали асосий капитал	5 323 729 939	99,93%
1.2	I даражали қўшимча капитал	3 741 145	0,07%
II	**II ДАРАЖАЛИ КАПИТАЛ**	**418 235 641**	**7,28%**
IV	**ЖАМИ РЕГУЛЯТИВ КАПИТАЛ**	**5 745 706 725**	**100,00%**

Демак, Марказий банк талабиги кўра, «Асака» банкда I даражали капитал миқдори регуляив капиталнинг 92,72% улушини ташкил қилмоқда. Бу эса банк МБнинг талабини ортиғи билан бажарганини кўрсатади.

XIII. БОБ. БАНКЛАРДА МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ

13.1. Банкларда депозит операцияларининг меъёрий асослари ҳамда уларни амалга ошириш тартиби

Банк ресурслари таркибида депозитлар операциялари муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг зарурлиги - банк амалга ошираётган актив фаолиятда ҳамда операциялар миқдорида билинади. Банк ресурслари актив операциялар орқали иқтисодиётга жойлаштирилган миқдоридан даромад шаклланади. Чунончи, банк ресурслари қанча кўп бўлса, даромади ҳам кўпаяди.

Одатда, банк ходимлари банкларга жалб қилинган операцияларни пассивлар деб аташади. Бу ибора банк ресурсларининг асосан банк балансининг пассив қисмида жойлашганлигидан келиб чиққан. Яъни, банк пассивлари унинг ресурс маблағларининг вужудга келиш манбалари ва уларнинг қайси гуруҳга тааллуқлилигини белгилаб беради.

Тижорат банклари актив фаолиятини ўзларида мавжуд бўлган ва жалб қилинган пул маблағлари доирасида юрита оладилар. Айнан пассив операциялар актив операцияларни олиб бориш учун асос яратади ҳамда даромадли операцияларнинг ҳажмини ва салмоғини аниқлаб беради. Шундан келиб чиқиб, тижорат банкларнинг депозит операциялари деганда актив операцияларига асос яратувчи ва уларни амалга ошириш учун ишлатилувчи, уларнинг ҳажми ва салмоғини аниқлаб берувчи маблағлар тушунилади.

Тижорат банкларининг депозит операциялари шаклланиш жиҳатидан таснифланиши банкирлар ва иқтисодчи-олимлар томонидан турлича ўрганилади. Бу борадаги илмий тадқиқотлардан асосий уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.

Депозитлар банклар томонидан амалга ошириладиган депозит сиёсатининг асосий ўзагини ташкил этади. Хорижий ва маҳаллий иқтисодий адабиётларда маълум бўлишича, иқтисодчи олимлар банк депозитининг иқтисодий моҳиятига турлича ёндашадилар.

Россиянинг иқтисодиёт билан боғлиқ адабиётларида депозитларга банк мижозларининг пул маблағлари, яъни юридик ёки жисмоний шахслар номига очилган ҳисобварағидаги, жорий ёки бошқа ҳисобрақамлардаги пуллар киритилади.

Хусусан, Америкалик иқтисодчи олим Э. М. Родэ "депозит – банк мижозларининг жамғармадан ташқари барча муддатли ва муддатсиз қўйилмаларидир" деган талқинни илгари суради[58]. Э.М.Родэнинг депозитга берган иқтисодий таърифи Л.С.Падалкинанинг таърифига нисбатан аниқроқ, лекин муаллиф банк депозитининг айнан қиймат кўринишида намоён бўлишини эътиборга олмаган.

Россиялик иқтисодчи М. Н. Березина "депозит – бу мижозга унинг барча турдаги пул маблағларини сақлаш учун очиладиган ҳисобварақдир" деган янаям соддароқ, агар таъбир жоиз бўлса депозитнинг иқтисодий маъносига жудаям яқин бўлмаган фикрни илгари суради.

Юқоридаги назариялардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, Россия олимларининг: «вақтинча бўш пул маблағлари» - деган фикрини депозит таърифидан олиб ташлаш керак. Чунки, агарда депозит фоизидан келадиган даромад, хўжалик субъектининг «ишчи маблағлари»дан келадиган даромадга нисбатан юқорироқ бўлса, бу субъект барча маблағларини депозит ҳисоб рақамига жойлаштиради ва унинг фоизини олади. Демак, депозитга қўйиладиган маблағлар бўш бўлиши шарт эмас.

Депозитлар банкларда маълум вақт қолиб, кредит олувчи мижозга, шу билан бирга банкга хам даромад келтиради. Банкларнинг даромади қарз олувчининг фоиз сўммасидан кредиторга тўловчи фоиз суммаси фарқи орқали келиб чиқади.

Халқаро банк амалиётида, қўйилмаларга маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ операцияларни депозит операциялари дейилади. Депозит операцияларига, маълум бир муддатга ёки талаб қилиб олингунча депозитга жалб қилиш билан боғлиқ операциялари киради. Депозит операцияларининг субъектлари: банк - қарз олувчи бўлиб, пул эгалари – депозит эгаси ҳисобланади. Яъни, субъект сифатида давлатнинг корхона ва ташкилотлари, муассасалари, кооперативлар, акционерлик жамиятлари, қўшма корхоналар, жамият ташкилотлари ва фондлари, молиявий ва суғурта компаниялари, инвестицион ва траст компаниялар ва фондлар, жисмоний шахслар, банк ва бошка кредит ташкилотлари иштирок этиши мумкин. Объект эса банкга берилган пул маблағлари ҳисобланади.

---

[58]Роде Э.М.Банки, биржи, валюты современного капитализма. М.: «Дело ЛТД», 1995. -420, стр 148.

Юқорида келтирилган таърифлар ва манбалардан кўриниб турибдики, банк амалиётида қўлланилаётган депозитлар ва умуман, депозитлар ҳақида иқтисодий адабиётларда ягона ёндашув мавжуд эмас.

Мамлакатимиз қонунчилигида депозит тушунчасига қуйидагича таъриф берилган, яъни Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунига кўра депозитлар омонат тарзида талқин этилиб, "Омонат (депозит) - талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси" маъносида таъриф берилади.


Тадқиқотлар ва амалга оширилган ўрганишлар натижасида тижорат банклари депозит операцияси уларнинг пассив операциялари сиёсатининг асосий таркибини ташкил этиши маълум бўлмоқда. Шу боис, банкларнинг депозит операцияси моҳиятини ёритишда уларнинг шаклланиш хусусиятини ташкил этадиган пассив операцияларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

Халқаро банк амалиётида пассив операциялар банклар фойдасидан фондларни шакллантириш ва уларни кўпайтиришга ажратмалар, депозит операциялари, юридик шахслардан олинган кредит ресурслар, муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар, пул банкноталари ва тангаларни чиқариш тарзида тўртта гуруҳга ажратилади.

Депозит операциялари – банкларнинг омонатчилар билан тузган шартномалари асосида депозит мақсадларига кўра маблағларни муайян муддатга жалб этиш ҳамда сақлашга доир операциялардир.

Демак, мижозлардан ва бошка кредиторлардан маблағ жалб қилиш банкларнинг пассив операцияларининг асосий кўриниши ҳисобланади. Бу маблағлар жалб қилиниши турига қараб депозит ҳисобрақамлари хам турли хил бўлади. Уларни депозитни ташкил қилиш манбаи бўйича, мақсадлилиги, фоиз даражаси ва ҳакозо мезонлар бўйича таснифлаш мумкин. Аммо, негиз сифатида мижознинг категорияси ва депозитнинг олиниши бўйича таснифлаш амалиётда кенг қўлланилади. Бу категориялар бўйича таснифланиши турли мамлакатларда турличадир. Масалан, АҚШда депозитларни асосий икки гурухга, яъни трансакцион ва но-

трансакцион депозитларга бўлиб ўрганилади. Бизнинг Республикамизда, депозитларнинг иқтисодий моҳияти ва ишлатиш муддатига қараб уч гуруҳга бўлиб ўрганилади. Булар талаб қилингунча (аник муддат белгиланмайдиган), муддатли (маълум бир муддатга қўйиладиган) ва жамғарма (жамғариш учун қўйиладиган) депозитлардир. Тижорат банклари жалб қиладиган маблағлар таркиби турличадир. Булар: мижозларнинг ҳисобрақамларидаги маблағлари; бошқа банкларни шу банкдаги корреспондентлик ҳисоб варақларидаги маблағлари; аҳоли депозитлари; аҳолига қимматли қоғозлар сотишдан тушадиган маблағлар; лизинг операциялари учун сотиб олинган ва тўпланган товар моддий бойликлар;



	Талаб қилиб олгунча	Муддатли депозит	Жамғарма депозит	Депозит сертификат	ЖАМИ
2014 й	17039	4732	8311	0	30082
2015 й	23313	6632	6790	0	36735
2016 й	27199	8158	1350	0	36707
2017 й	32135	10905	1318	0	44358
2018 й	39335	14668	1639	0	55642

16-расм. **Банк депозитлари таркиби**

Юқоридаги маълумотларидан банкнинг депозит базасида талаб қилиб олгунча депозитлар улуши юқори эканлигини кўришимиз мумкин, яъни у қарийиб 60 % ни ташкил этмоқда. Бу эса банкнинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатишга олиб келиш эҳтимолини оширади.

Талаб қилиб олгунча депозитларнинг моҳияти, бу ҳисобрақамдаги қолдиқни мижозлар хоҳлаган пайтда, ҳеч қандай олдиндан огоҳлантирмай қисман ёки ҳаммасини олиши, шунингдек, тўлов учун ўтказишлари мумкин, яъни талаб қилинган пайтда мижозга маблағини банк дарҳол тўлаб беради, демакдир. Шунингдек, бу депозит жорий ҳисобрақам ёки ҳисоб-китоб ҳисобрақами деб ҳам айтилади.

Депозит ҳисобрақамларининг иккинчи гуруҳи ҳисобланувчи но-трансакцион ҳисобрақамларнинг турлари кўп, аммо улар учун ягона ном йўқ. Шунинг учун бу ҳисобрақамларни инвестицион ҳисобрақамлар деб аталади. Уларни баъзи иқтисодчилар «муддатли депозитлар», баъзилари «инвестицион депозитлар» дейди яна бошкалари эса «но-трансакцион депозитлар» деб атайдилар.

Муддатли депозитлар маълум муддатда банкда сақланадиган пул маблағларидир. Буларга, вексель, сертификат, аҳолининг муддатли ва мақсадли қўйиламалари, сақлаш муддати тахминан белгиланмаган, аммо осон аниқланадиган ҳисобрақамлар киради.

Муддатли депозитлар йирик депозиторлар учун мўлжалланган. Бу ҳисобрақам бўйича юқори фоиз тўланади, аммо талаб қилиниши билан дарҳол тўланмайди.

Муддатли депозитлар банк томонидан маълум бир муддатга жалб қилинадиган депозитлардир. Муддатли депозитларга қабул қилинган маблағлар шартномада келтирилган муддатга банкка фойдаланишга топширилади, бу муддат тугаши билан унинг эгаси маблағни қайтариб олиши мумкин. Муддатли депозитларнинг турларидан бири депозит сертификатлари ҳисобланади. Уларни биринчи маротаба 1961 йил «FERS NATIONAL CITY BANK» муомалага киритган.

Жамғарма депозитлар одатда, кичик депозитлар учун ишлатилади. Бу ҳисобрақамлар бўйича фоиз кам тўланади ва депозит сўраб олиниши мумкин. Жамғарма депозитлар сақланиш турига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- муддатли;
- ютуқли депозитлар;
- жорий рақамга қўйиладиган маблағлар;
- пластик карточкалар;
- депозит сертификатлари (CD).

Жамғарма депозитлар банк учун мақбул ҳисобланади. Чунки бу турдаги депозитлар асосан, узоқ муддатли бўлади ва банк бу маблағларни узоқ муддатли актив сифатида ишлатиши мумкин. Жамғарма депозит бўйича мижозларга тўланадиган фоиз ставкаси кам бўлади.

Жамғарма депозитларнинг камчилиги шундаки, бу ҳисобрақамда турган маблағлар камайишига ҳар хил омиллар таъсир кўрсатади. Масалан, сиёсий, иктисодий ва психологик омиллар банкдан пулнинг чиқиб кетишига таъсир қилади. Шахсий

ҳисобрақамлар ичига кирадиган жамғарма депозитлари жалб қилинган маблағлар қаторида катта роль ўйнайди.

Жамғарма депозитлар:

- аниқ муддатга қўйилмайди;
- бу ҳисобрақамдан пул олиш учун банкка хабар бериш шарт эмас;
- бу ҳисобрақамга пул қўйиш ёки олишда жамғарма китобчасини кўрсатиш керак. Бу китобчада ўзгартиришлар акс эттирилади.

Жамғарма депозитларини қабул қилиш деярли хамма тижорат банклари хизматига киради.

Жамғарма депозитлар кўп банклар учун мижозларини молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади. Тушум ва рентабеллик маъносида ҳам жамғарма депозитлар энг самарали ҳисобланади.

Жамғарма ҳисобрақамлари эгасига даромад келтирадиган маблағлар ҳисобланади ва учинчи шахсга ҳисоб-китоб қилиш учун ишлатилмайди. Жамғарма ҳисобрақамларининг хусусияти шундаки, булар қатъий белгиланган муддатга эга эмас. Бундан ташқари, жамғарма депозитлар - бу пул депозитларидир, шу сабабли булар банк капиталини жалб қилинган турига киради. Умуман, улар ихтиёрий суммаларда қабул қилинади. Жамғарма депозитлар бир қўйишда шаклланмайди, улар ҳар хил муддатларда, турли суммаларда ўз муддати давомида қўйилиб ёки олиниб турилиши мумкин.

Мижоз муддатли депозитларни ҳар доим ҳам эркин талаб қила олмайди. У маблағларни тўлиқ ёки бир қисмини талаб қилса ҳам, бу маблағлар муддатли мажбуриятларга боғлиқ.

Жамғарма депозитлар жамғариш ёки капитални йиғиш учун хизмат қилиши керак. Шундай қилиб, жамғарма ҳисобрақамларидан қуйидагиларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ эмас:

- тижорат фаолияти учун ёки тўлов айланмаси учун, яъни чеклар, ўтказмалар ёрдамида бошқариладиган пул суммалари.

Жамғарма депозитлари аввалдан огоҳлантирилиб олиниши мумкин. Улар талаб қилиб олинадиган ёки муддатли депозитлар каби расмийлаштирилиши керак эмас. Аммо, бу уларни мақсадлилик ва муддатлилик сифати йўқ дегани эмас. Бу ҳолда мижоз огоҳлантирилиши ва муддатида келишиши лозим.

Республикамиз тижорат банклари депозит операцияларини қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 36-моддасида банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Шунингдек бу операциялар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолият тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг "Марказий банки тўғрисида"ги қонуни ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар ҳамда Йўриқномалар орқали тартибга солинмоқда.

Тижорат банклари депозит операцияларининг амалга ошириш бўйича депозитларни, аниқроғи аҳоли томонидан қабул қилинадиган омонатларни қабул қилиш, уларга фоизлар тўлаш, омонат дафтарчасини юритиш каби масалалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган 2205-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномада ўз аксини топган. Ушбу Йўриқномада жисмоний шахсларга депозит ҳисобрақамлар очиш, уларни юритиш, маблағларни бериш, амалиёт кунини якунлаш ҳамда кунлик ҳисоботларни тузиш тартиблари аниқ кўрсатилган.

Масалан, Омонат дафтарчаси варақлари ёзувлар билан тўлганда ёки яроқсиз ҳолга келганда ёки йўқолганда омонатчига янги Омонат дафтарчаси расмийлаштирилиши жараёнида Омонатчи тўлган омонат дафтарчасининг биринчи бетига «қолдиғи _____ сўм ___ тийин бўлган, тўлган омонат дафтарчаси ўрнига янги _____ серия ва _____ ҳисобрақамли омонат дафтарчасини олдим» деган ёзувни киритиб, сана ва имзосини қўяди. Тўлган омонат дафтарчасининг охирги варағига назоратчи янги омонат дафтарчаси серияси ва ҳисобрақамини ёзиб, сана ва имзосини қўяди. Янги омонат дафтарчасининг биринчи бетига «Эскирган ўрнига» ёзуви ёзилади ва назоратчи томонидан эскирган омонат дафтарчасидаги зарур маълумотлар янги омонат дафтарчасига кўчирилади. Омонат қолдиғи янги дафтарчанинг биринчи сатрида ҳисобрақам ва сўз билан (тийинлардан ташқари) ёзилади ва «Тўлган омонат дафтарчадан кўчирилган» деган ёзув киритилади. Янги омонат дафтарчасига кўчирилган омонат қолдиғи ва бошқа ёзувларнинг тўғрилиги назоратчи ҳамда кассирнинг имзолари билан тасдиқланади. Банклар депозит операцияларини

ривожлантириш ва унинг самарадорлигини таъминлаш маълум тамойилларни ишлаб чиқиш ва уларга амал қилишни талаб этади.

Инновацион ривожланишда банклар депозит операциялари самарадорлигини таъминлашда қўлланиладиган тамойиллар молиявий маблағларни жалб қилишга қаратилади. Банклар депозит операцияларини амалга оширишда умум қабул қилинган тамойилларга амал қилиши тегишли самарага эришиш имкониятини беради. Мавжуд иқтисодий муҳитнинг ўзига хослиги ҳам тижорат банклари депозит операциялари тамойилларини ушбу муҳит асосида амал қилиш заруриятини келтириб чиқаради.



17-расм. **Банк депозит операцияларининг асосий тамойиллари**

Банклар депозит операциялари тамойилларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, банк фаолиятида депозит операцияларининг самарадорлигини таъминлашда уларнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга эгалигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Хусусан, депозит операцияларининг илмий асосланган тамойилида ҳар бир банкнинг депозит операцияларини амалга ошириш учун уларнинг депозит сиёсати ишлаб чиқарилади ва ушбу сиёсатни ишлаб чиқишда ва амалиётга жорий этишда бевосита унга илмий жиҳатдан ёндашув зарурлигини англатади.

Масалан, банклар депозит сиёсатини ишлаб чиқишда ушбу тамойил доирасида мамлакат иқтисодий сиёсати, Марказий банкнинг пул-кредит инструментлари йўналишлари, хўжалик

субъектлари ва аҳолининг турли хилдаги иқтисодий жамғармалари, шунингдек, банк фаолияти иқтисодий ўзгариши каби ҳолатларни инобатга олиш зарур.

Депозит операциясининг комплекс ёндашув тамойилининг асосий вазифаси банкнинг ўзаро алоқаларини ва банк томонидан амалга ошириладиган депозит операцияларини банкнинг стратегик ва тактик усуллари билан ҳамоханглиги ва банк фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни инобатга олиш ҳисобланади. Шу билан бирга, тижорат банклари депозит сиёсати давлатнинг иқтисодий сиёсати, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва банк сиёсатининг бошқа элементлари билан комплекс ёндашуви тарзида амалга оширилиши лозим.

Тижорат банклари депозит операциялари элементларининг ягоналиги тамойилида асосий эътибор банкка жалб қилинган маблағлар бўйича тўланадиган фоиз тўловлари, муддати, маблағларни актив операцияларига жойлаштириш муддатларининг мослиги каби ҳолатларга қаратилади. Хусусан, ушбу тамойил маблағларни актив операцияларга жойлаштириш муддатлилиги элементи депозитга жойлаштирилган маблағлар муддати билан мос келмаслиги банк фаолиятида мажбуриятларни бажариш нуқтаи назаридан турли зиддиятларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис, банкнинг муддатли ва рискка тортилган активлари ўртасида умумий боғлиқлик таъминланиши мақсадга мувофиқ.

Банклар депозит операцияларини амалга оширишда жалб қилинаётган маблағларнинг самарадорлик тамойилига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу тамойилнинг бажарилмаслиги ёки унга амал қилинмаслиги банкда молиявий жиҳатдан муаммолар юзага келиб чиқишига олиб келади. Чунки тижорат банкларида молиявий маблағларни ташкил топиши нуқтаи назаридан қимматли ёки арзон маблағлар гуруҳига ажратиш мумкинлигига аввалроқ тўхталган эдик. Тижорат банклар жалб қилинган барқарор маблағлар бўйича тегишли ҳаражатларни амалга оширади.

Ҳаражатлар миқдори депозит тури, муддати ва ҳажмига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Депозит операциялари орқали жалб қилинган маблағларни тегишли актив операцияларига жойлаштиришда ушбу депозит бўйича қилинган ҳаражатларни инобатга олинмаслиги банк учун иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиши мумкин. Чунки, депозит операцияларининг самардорлик тамойили муҳим иқтисодий омиллардандир.

Тижорат банклари депозит операцияларининг асосий вазифаларидан бири банкни зарур даражадаги молиявий ресурслар билан таъминлаш эканлигини инобатга олсак, депозит операцияларининг барқарор ресурслар базасини таъминланганлик тамойили унинг бошқа тамойиллари ичида алоҳида аҳамиятга эгалигини кўрамиз. Чунки молиявий жиҳатдан барқарор маблағлар тижорат банкларини асосий фойда манбасини ташкил этиш билан бирга, уларни кутилмаганда пайдо бўладиган зарарлардан ҳимоя қилиш имконини ҳам беради.

Ушбу маблағларга банклар устав капитали, жорий йил ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси, жорий йилнинг соф фойдаси ҳамда муддатли ва жамғарма депозитларини ҳам киритиш мумкин. Муддатли ва жамғарма депозитлар, агар уларнинг сақлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлса, банклар учун муддати жиҳатидан барқарор молиявий манба ҳисобланади. Тижорат банклари бу маблағларни ликвидсизлик ҳолатига тушиб қолиш муаммосини ўйламасдан, маълум муддатга кредит ресурслари сифатида ишлатиш имкониятига эга бўлади.

Марказий банк тижорат банклари ливидлилигини таъминлашга ўрнатган талабларида маълум бир миқдорни белгилаб қўйган, бунда асосий эътибор тижорат банклари жалб қилинган маблағлари ва уларни актив операцияларига жойлаштириш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таъминлашга қаратилади. Ушбу боғлиқлик ликвид активлар ва қайтариш муддати 30 кунгача бўлган активларни талаб қилиб олингунча сақланадиган ва қайтариш муддати 30 кунгача бўлган депозитларга нисбатининг коэффиценти 1 га тенг бўлиши лозимлиги белгиланган бўлиб (ушбу кўрсаткич 2015 йилнинг 1 январ кунидан 100% этиб белгиланган), ушбу меъёрий кўрсаткич жорий ликвидлилик коффициенти сифатида юритилади.

Банклар ресурслари муддати жиҳатидан беқарор маблағлари қаторига талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлардаги маблағларни ҳам киритиш мумкин. Банклар мазкур гуруҳга кирувчи маблағлардан кредит ресурси сифатида фойдаланганда уларнинг ликвидсизлик ҳолатига тушиб қолиш эҳтимоли юқори бўлади. Чунки мижоз ушбу ҳисобварақалардаги маблағларни банк кутмаган пайтда қисман ёки тўлиғича кўчириш ёки нақд пул шаклида беришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Шу жиҳатдан, ушбу ҳисобварақларда сақланадиган маблағлар муддати жиҳатидан нисбатан беқарор ресурслар ҳисобланди.

Банклар депозит операцияларини амалга оширишнинг хавфсизлик тамойили асосан, банкда турли манбалар ҳисобидан шакллантрилаётган молиявий маблағларнинг мамлакат қонун ва меъёрий ҳужжатлари доирасида вужудга келтирилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, жисмоний ёки юридик шахслар томонидан тижорат банкларига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида жойлаштирилган маблағлар шулар жумласидандир. Банк бу каби шубҳали маблағларни муддатли депозитларга қабул қилганда белгиланган тартибда тегишли органларга хабар бериши зарур бўлади.

Жумладан, ушбу қоидага асосан қуйидаги ҳолатларда депозит операциялари хавфли деб таснифланиши ва банк тегишли чора-табдирлар кўриши лозимлиги белгилаб қўйилган:

- операция бажарувчи томонлардан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

- жисмоний шахслар томонидан, шу жумладан, пул ўтказмалари тизимлари орқали бир вақтда ёки 3 ойдан ошмаган муддат давомида кўп маротаба энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасида пул маблағлари олиниши ёки жўнатилиши;

- жисмоний шахслар томонидан бир вақтда ёки 3 ойдан ошмаган муддат давомида кўп маротаба энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига тенг ёки ундан ошадиган умумий суммада чет эл валютасидаги пул маблағлари сотилиши ёки сотиб олиниши;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига номи кўрсатилмаган ҳолда (аноним) шахсга очилган ҳисобвараққа пул маблағлари кўчирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасига номи кўрсатилмаган ҳолда (аноним) шахсга очилган ҳисобварақдан пул маблағларининг тушиши;

- тижорат банки томонидан хабар қилиниши лозим бўлган операциялар тоифасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган гумонли операциялар шулар жумласидандир.

Тижорат банклари депозит операцияларини амалга оширишда юқорида зикр этилган тамойилларга амал қилиши, улардан илмий

ва амалий жиҳатдан фойдаланиишида банкларнинг тўлов қобилияти ошади ва ликвидлилик даражаси ортади, иқтисодий самарадорлиги таъминланади ва молиявий барқарорлиги мустаҳкамланади.

13.2. Банкларда депозит жалб қилишнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишва юритиш

Банк пластик карталаридаги маблағлар талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар ҳисобланиб, уларнинг ҳаракати алоҳида қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади. Тижорат банкларида банк билан юридик шахс, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркор ҳамда деҳқон хўжаликларининг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат ҳисобварағи бўйича вужудга келадиган муносабатлар банк ҳисобварағи шартномаси билан тартибга солинади.

Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлари бўйича, банк омонатчининг биринчи талабига кўра (агар банк омонати шартномаси тузилган ва унда бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса) омонатчининг тегишли кўрсатмаси банкка келиб тушган куннинг эртасидан кечикмаган ҳолда унинг тўловлар бўйича топшириғини бажариши шарт. Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлари бўйича тузилган банк омонати шартномасида омонатчи томонидан омонатни биринчи талаби билан қайтариш ва белгиланган фоизлар тўлаш шартлари бўлиши лозим.

Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар ҳисоби "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси"га (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда) мувофиқ, "20200 – Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар" ҳисобварақларида юритилади.

Банк омонат шартномасида белгиланган муайян мақсадга йўналтириладиган ёки бошқа шартлар асосида жалб қилинган омонатлар жамғарма омонатлар ҳисобланади. Жамғарма омонатлар бўйича банк билан омонатчи ўртасида банк омонати шартномаси тузилиши ва омонатчи шартнома тузгандан сўнг, банк омонати шартномасида кўрсатилган омонат суммасини қўйиши шарт.

Жамғарма омонатлар бўйича банк омонати шартномасига мувофиқ қўшимча маблағлар киритилиши мумкин. Қўшимча маблағлар киритиш тартиби банк омонати шартномасида аниқ белгиланиши лозим.

Жамғарма омонатлар мақсадли, ютуқли ва бошқа шартлар белгиланган кўринишларда бўлиши мумкин. Маълум мақсад учун жамғариладиган ва қатъий равишда шу мақсадга йўналтириладиган омонатлар мақсадли жамғарма омонатлар ҳисобланади. Омонатчига фоизлар ютуқ кўринишида тўланадиган омонатлар ютуқли жамғарма омонатлар ҳисобланади. Ютуқлар пул маблағлари, омонатга қўшимча фоизлар ҳисоблаб ёзиш, буюм ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин. Омонат қўйишда банк омонати шартномасида кўрсатилган шартларнинг бажарилиши билан омонатдан фойдаланиш мумкин бўлган учинчи шахс номига қўйилган омонатлар шартли жамғарма омонатлар ҳисобланади. Масалан, "Омонатчи ўқув юртини тугатгандан сўнг, омонат берилади" ёки "Вояга етгач, берилади" каби шартлар белгиланган бўлиши мумкин. Омонатчининг хоҳишига кўра, шартнинг бажарилиш муддати банк омонати шартномасида кўрсатилиши мумкин. Масалан, "20___ йилда омонатчи ўқув юртини тугатгандан сўнг, омонат берилади".

Банк омонати шартномасида банк томонидан омонат ҳисобварағи бўйича бажарилган барча операциялар ҳақида хабардор қилиши белгиланган бўлса, банк шартномада кўрсатилган муддатларда жамғарма омонат ҳисобварақларидан кўчирмани омонатчига тақдим қилади. Жамғарма омонат ҳисобварағидан олинган кўчирмалар ва омонат дафтарчасидаги барча ўзгаришларни омонатчи ўрганиб чиқиши ҳамда ҳар қандай номувофиқлик тўғрисида банкка хабар қилиши керак. Банк хабар қилинган номувофиқликни сабабларини ўрганиб, уларни бирламчи ҳужжатлар асосида бартараф қилиши ва амалга оширилган ўзгаришлар тўғрисида омонатчига хабар бериши лозим.

Жамғарма омонатлар ҳисоби "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси"га (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) мувофиқ "20400 – Жамғарма депозитлар" ҳисобварақларида юритилади.

Муддатли омонатлар бўйича банк билан омонатчи ўртасида муддатли банк омонати шартномаси тузилиши ва омонатчи шартнома тузилганидан сўнг, муддатли банк омонати

шартномасида кўрсатилган омонат суммасини қўйиши шарт. Қўшимча маблағлар киритиш тартиби муддатли банк омонати шартномасида белгиланиши лозим. Агар омонатчи муддатли омонатни муддати тугагунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камида бир ой олдин хабардор қилиши лозим. Муддатли омонатлар қуйидаги муддатлар бўйича таснифланади:

- муддати 30 кунгача бўлган омонатлар;
- муддати 90 кунгача бўлган омонатлар;
- муддати 180 кунгача бўлган омонатлар;
- муддати 365 кунгача бўлган омонатлар;
- муддати 365 кундан ортиқ бўлган омонатлар.

Омонатчи муддатли омонат суммасини муддати тугаганидан, муддатли банк омонати шартномасида назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганидан кейин қайтариб беришни талаб қилмаган ҳолларда, агар муддатли банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома омонатни талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар шартлари асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

Банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат сақловчининг) омонат суммасини ҳамда сертификатда шартлашилган фоизларни сертификатни берган банкдан ёки шу банкнинг исталган филиалидан белгиланган муддат тугаганидан кейин олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз омонат сертификати ҳисобланади. Омонат сертификатлари бланкалар тарзида, ҳужжат шаклида чиқарилади. Омонат сертификатларини чиқариш ҳамда муомалада бўлиши "Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги Низом"да (рўйхат рақами 1859, 2008 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 39-сон, 400-модда) белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк томонидан омонатлар бўйича фоизлар ҳисоблаш "Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида Низом" (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 4-сон, 51-модда) асосида амалга оширилади. Омонатларга тўланадиган фоиз ставкалари банклар томонидан қонун ҳужжатлари талаблари

доирасида белгиланади. Банк омонати шартномасида тўланадиган фоизлар миқдори ҳақида шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлаши шарт. Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Банк фоизлар миқдорини камайтирган тақдирда, фоизларнинг янги миқдори фоизлар камайтирилганлиги ҳақида омонатчиларга хабар берилганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан қўлланади. Агар банк омонати шартномасида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу хабарга қадар қўйилган омонатларга нисбатан камайтирилган фоизлар миқдори тегишли хабар берилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин қўлланилади.

Жамғарма ва муддатли омонатлар бўйича банк омонати шартномасида белгиланган фоизлар миқдорини, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банк томонидан бир томонлама камайтирилиши мумкин эмас. Ушбу омонатлар бўйича маблағлар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат бўйича фоизлар тўланмайди. Банк омонати суммасига фоизлар омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилади. Омонатчининг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида банк ушбу ҳисобварақдаги маблағлардан фойдалана олмаган давр учун фоизлар ёзилмайди.

Банкларда жисмоний шахслар омонатларининг ҳисобини юритувчи шахсий ҳисобварақларни очиш ва ёпиш "Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида"ги Йўриқнома (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 18-сон, 229-модда) асосида амалга оширилади. Жисмоний шахслар омонатлари ҳисобини юритиш учун "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси"да (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) белгиланган ҳисобварақларда 20 та белгили шахсий ҳисобварақлар очилади.

Жисмоний шахсларга шахсий ҳисобварақлар омонат қабул қилингандан сўнг, банкнинг омонат кассасида назоратчи

томонидан очилади. Шахсий ҳисобварақлар ҳар бир омонатга алоҳида очилади. Икки ёки ундан ортиқ шахсларга битта шахсий ҳисобварақ очилишига йўл қўйилмайди.

Омонатчидан бошланғич маблағни қабул қилишдан олдин, назоратчи омонатчини омонат шартлари билан таништириши шарт. Омонатчи омонат шартларига рози бўлган тақдирда, банк омонати шартномасини имзолаб, Кирим ордери ва Сўнгги назоратга хабарномани тўлдиради ва назоратчига тақдим қилади. Назоратчи Кирим ордери ва Сўнгги назоратга хабарнома тўғри тўлдирилганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, омонатчидан омонатни қабул қилиш учун Кирим ордерини кассирга беради. Кассир омонат суммасини санаб олади ва Кирим ордерида кўрсатилган сумма билан солиштиради ҳамда суммалар мос келганда Кирим ордерини имзолаб назоратчига қайтаради. Назоратчи Кирим ордери асосида омонат бўйича компьютер дастурига бошланғич қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини киритади. Назоратчи омонатчига шахсий ҳисобварақ очади ва Шахсий ҳисобварақ варақчасига омонатчининг шахсий ҳисобварақ рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ва унинг манзили ёзади. Омонатчи Шахсий ҳисобварақ варақчасининг "омонатчи" сатрига ўз имзосини қўяди. Ушбу имзо омонатчининг имзо намунаси бўлиб ҳисобланади. Назоратчи омонатчининг имзо намунасини омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги имзо билан солиштириши шарт. Назоратчи омонат суммаси қўйилганлигини тасдиқловчи банк омонати шартномасини ва омонат дафтарчасини расмийлаштиради. Банк омонати шартномаси назоратчи томонидан икки нусхада бир хил рақамланади ва унда омонатчига бериладиган омонат дафтарчаси рақами кўрсатилади.

Банк омонати шартномасига омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўз қўли билан ёзилиши ва имзоланиши лозим. Назоратчи омонат суммаси кирим қилинганлигини тасдиқловчи Тасдиқномани компьютер дастурида шакллантириб, қоғозга чиқаради. Тасдиқнома ва омонат дафтарчасини имзолаш учун Кирим ордери билан бирга кассирга беради.

Омонат кассаларда амалиёт куни тугагандан кейин нақд пуллар, қимматликлар, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ва бошқа ҳужжатлар саналади, операциялар бўйича Операцион кундалик ва Операцион кундаликка илова тузилади, ҳисоб маълумотларини

ҳақиқатдаги мавжуд нақд пуллар, қимматликлар ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалар миқдори (суммаси) билан мувофиқлиги аниқланади.

Операцион кундалик кун давомида ўсиб бориш тартибида бир нусхада тузилади. Операцион кундаликда омонатлар бўйича операцияларни киритишда, операциялар бажарилган шахсий ҳисобварақнинг рақами, омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, шунингдек мос равишда "Нақд пул-Кирим" ёки "Нақд пул-Чиқим" устунига омонатчининг шахсий ҳисобварағи бўйича нақд пулда қабул қилинган ёки берилган омонат суммаси кўрсатилади. Омонат бўйича нақд пулсиз ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича операцияларда омонат суммалари Операцион кундаликнинг "Мемориал айланмалар-Кирим қилинган" ва "Мемориал айланмалар-Чиқим қилинган" устунларида кўрсатилади.

Ҳаракатсиз омонатлар бўйича ҳар бир мемориал ордернинг суммаси Операцион кундаликнинг "Мемориал айланмалар" устунида ва Операцион кундаликка илованинг "Чиқиб кетган" устунида акс эттирилади. Йўқолган омонат дафтарчалари бўйича омонатни янги шахсий ҳисобвараққа ўтказиш операцияси Операцион кундаликда алоҳида сатрларда акс эттирилиб, омонат суммаси Операцион кундаликнинг "Мемориал айланмалар" устунида кўрсатилади. Операцион кундаликнинг тўлган варағидаги барча устунларининг охирги сатридаги якуний сумма янги варақнинг мос устунларининг биринчи сатрига ўтказилади.

Банклар ресурсларининг асосий қисмини жалб қилинган маблағлар ташкил этади. Ҳар бир тижорат банки фаолиятида жалб қилинган маблағлар муҳим аҳамият касб этади, чунки тижорат банкларининг ўз маблағлари асосан банкни ташкил қилиш ва шакллантириш билан боғлиқ вазифани амалга оширса, жалб қилинган маблағлар эса, банкнинг барқарор даромад олиш имкониятини таъминлаб туради. Шу боисдан ҳам, банк тизимининг асосий хусусиятларидан бири, ўз маблағлари ҳисобига ўзининг фаолиятини амалга оширишдир. Шунинг учун ҳам, ҳар бир тижорат банкининг жалб қилинган маблағларини доимий таҳлил қилиб бориш банкнинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

33-жадвал

Банкнинг депозит маблағлари(млн.сўмда)

№	Кўрсаткичлар	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
	Мажбуриятлар жами:	30 082,1	36 735,0	39 707,0	44 358,0	55 642,2
1	Талаб қилиб олингунча депозитлар	17 039,1	23 313,0	27 199,8	32 135,0	39 335,8
2	Муддатли депозитлар	4 732,0	6 632,0	8 157,2	10 905,7	14 667,2
3	Жамғарма депозитлар	8 311,0	6 790,0	1 350,0	1 318,3	1 639,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банкнинг мажбуриятлари, яъни жалб қилинган маблағлари йил сайин ошиб борган. Бу кўрсаткич 2014 йилда 30 082,1,9 млн.сўмни, 2015 йилда 36 735,0 млн.сўмни, 2018 йилда эса 55 642,2 млн.сўмни ташкил этган. Ушбу депозитлар таркибидаги асосий салмоғни мижозларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари ташкил этган. Талаб қилиб олгунча депозитлар жами ресурсларнинг 2014 йилда 56,6 фоизини, 2015 йилда 63,5 фоизини, 2016 йилда 68,5 фоизини, 2017 йилда 72,4 фоизини, 2018 йилда эса 71,0 фоизини ташкил этган. Муддатли депозитлар 2014 йилда 15,7 фоизни, 2015 йилда 18,5 фоизни, 2016 йилда 20,5 фоизни, 2017 йилда 25,2 фоизни, 2018 йилда эса 26,4 фоизни ташкил этган. Жамғарма депозитларининг ҳам йилдан йилга камайиши кузатилган, яъни 2014 йилда 27,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб эса 3,2 фоизни ташкил этган.

34-жадвал

Банкнинг талаб қилиб олингунча бўлган депозитлари (млн. сўмда).

№	Категориялар	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
	Жами талаб қилиб олингунча депозитлар	17039,0	23 313,0	27 199,0	32 135,0	39 335,0
1.	Жисмоний шахслар	3 847,3	5 975,1	6 532,8	6 949,3	8 269,5
2.	Давлат корхоналари	4 226,9	3 854,9	5 261,9	6 182,5	8 972,6
3.	Қўшма корхоналар	1 962,8	4 474,0	6 107,0	7 336,5	7 679,1
4.	Корпорациялар	3 688,2	5 129,2	5 001,4	6 802,8	5 817,1
5.	Бошка талаб қилиб олингунча депозитлар	3 313,8	3 879,8	4 295,9	4 863,9	8 596,7

Жадвал маълумотларига кўра, банкнинг жами талаб қилиб олингунча депозитлари 2014 йил ҳолатига 17 039,0 млн. сўмни, 2015 йил ҳолатига 23 313,0 млн. сўмни, 2017 йил ҳолати 27 199,0

млн. сўмни, 2018 йил ҳолатига эса 39 335,0 млн. сўмни ташкил этган. Жами депозитлар таркибида давлат корхоналари, жисмоний шахслар ҳамда қўшма корхоналарнинг талаб қилиб олингунча депозитлари катта миқдорни ташкил этган. Шу билан бир қаторда, корпорацияларнинг ҳамда бошқа талаб қилиб олингунча депозитларда ҳам ижобий ўзгаришлар бўлган.

Банкнинг жалб қилинган маблағлари таркибида муддатли депозитлар ва жамғарма депозитлар жуда кичик салмоғни ташкил этган. Банкнинг жалб қилинган маблағлари таркибида бу маблағларнинг улушининг кичиклигидан келиб чиқадиган бўлсак, банк ўзининг актив операцияларини асосан банкларараро кредитлар ва талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар ҳисобига амалга оширганлигидан далолат беради.

Умуман олганда, банк фаолиятини янада ривожлантириш учун банкнинг талаб қилиб олингунча депозитлари қулай ресурс бўлмасада, бироқ ушбу ресурслар орқали қисқа муддатли ресурсларга бўлган талабни қондириш мумкин.

Ҳар бир банк учун муддатли депозитлар мухим ахамият касб этади. Жадвал таҳлилидан кўринадики, банкнинг муддатли депозитларидаги ижобий ўзгаришлари у ўзининг фаолиятини кенгайтириш учун олдинги йилларга нисбатан анча кўп микдорда муддатли депозитларни жалб қилган. Банкнинг муддатли депозитлари таркибида давлат корхоналари ва жисмоний шахслардан жалб қилинган маблағлар юқори салмоғни ташкил этган. Шунингдек, банк томонидан олиб борилган депозит сиёсати натижасида, қўшма корхоналар ва бошқа мижозлардан хам муддатли депозитга пул маблағлари жалб қилинганини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, муддатли депозитлар таркибидаги ижобий ўзгаришлар банк активларининг сифатига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

35-жадвал

Банкнинг муддатли депозитлари
(млн.сўмда)

№	Категориялар	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
	Жами муддатли депозитлар	4 732,0	6 632,0	8 158,0	10 905,0	14 668,0
1.	Хукумат	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
2.	Жисмоний шахслар	1 971,9	2 300,8	2 945,2	3 647,0	6 214,0
3.	Давлат корхоналари	2 379,2	4 015,2	4 152,3	4 325,0	4 941,3
4.	Қўшма корхоналар	10,0	65,0	66,0	170,0	565,7
5.	Корпорациялар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
6.	Бошка муддатли депозитлар	370,9	251,0	994,5	2 763,0	2 947,0

Банкнинг депозит маблағлари таркибида бир йилдан юқори муддатга жалб қилинган 18 фоизга яқин бўлган улушни ташкил қилаётганини кўришимиз мумкин. Банк томонидан муддатли ва жамғарма депозитлар асосан бир йилгача бўлган муддатга жалб қилинган. Аммо банк депозитларининг 70 % асосан, муддатсиз жалб қилинган.

Банк томонидан депозитларни жалб қилиш борасида бирмунча ижобий натижаларга эришилганлигини келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибди. Банк жалб қилаётган депозитларини шу тарзда олиб борадиган бўлса, бу банк учун депозитлардан унумли фойдаланиш имконини беради, шунингдек, банкнинг юқори даромад келтирувчи барқарор активларини кўпроқ шакллантириш учун замин яратади.

Жисмоний ҳамда юридик шахслар омонатларини ҳисобини юритиш учун «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси»да (№773-17, 2004 йил 13 август) белгиланган ҳисобварақларда 20 та белгили шахсий ҳисобварақлар очилади. Жисмоний шахсларга очилган ҳисобварақлар белгиланган тартибда банк депозиторлари миллий ахборот базасида рўйхатга олинади.

Жисмоний шахсларга шахсий ҳисобварақлар омонат қабул қилингандан сўнг, банкнинг омонат кассасида назоратчи томонидан очилади. Шахсий ҳисобварақлар ҳар бир омонатга алоҳида очилади. Икки ёки ундан ортиқ шахсларга битта шахсий ҳисобварақ очилишига йўл қўйилмайди.

Шахсий ҳисобварақлар ҳар бир омонат бўйича қатъий кетма-кетликда изчил равишда рақамланади. Бир хил рақамлашга йўл қўйилмайди. Агар битта рақам билан иккита шахсий ҳисобварақ очилган бўлса, улардан бири омонатчи омонат кассага келганда ёпилиши лозим.

Шахсий ҳисобварақлар омонат ва унга ҳисобланган фоизлар тўлиқ тўлангандан ёки омонатчининг келмаганлиги сабабли омонат бошқа ҳисобварақка (ҳаракатсиз ҳисобварақка) ўтказилгандан кейин ёпилади. Ёпилган шахсий ҳисобварақлар рақамлари қайта тикланмайди ва бошқа шахсий ҳисобварақларни рақамлашда фойдаланилмайди.

Шахсий ҳисобварақ омонатчиларга бир марталик операция учун омонат дафтарчаси берилмаган ҳолда очилиши мумкин. Бунда банк омонати шартномасида ва омонатчи томонидан шахсий

ҳисобварақ очиш учун ёзилган аризада «омонат дафтарчаси расмийлаштирилмаган ҳолда» деб кўрсатилиши лозим.

Пул маблағлари қонун ҳужжатларига мувофиқ нақд пулсиз шаклда омонатчининг шахсий ҳисобварағига келиб тушган ҳолларда, пул маблағлари аризада кўрсатилган ҳисобварақка омонат дафтарчаси расмийлаштирилмаган ҳолда ўтказилади ёки нақд пулда тўлаб берилади. Шахсий ҳисобварақ варақчалари аввал омонат турлари («талаб қилиб олингунча сақланадиган», «муддатли», «жамғарма») бўйича, сўнгра ҳар бир омонат тури ва унга ўрнатилган тартиб рақами асосида ўсиб бориш тартибида картотекага жойлаштирилади. Шахсий ҳисобварақ варақчаси тўлганда, янги қўшимча шахсий ҳисобварақ варақчаси тузилади ва тўлган шахсий ҳисобварақ варақчасидаги зарур маълумотлар, омонат қолдиғи ва фоизлари янги қўшимча шахсий ҳисобварақ варақчасига ўтказилади. Тўлган шахсий ҳисобварақ варақчасида назоратчи янги варақчанинг тартиб рақамини кўрсатади ва имзо қўяди.

Янги шахсий ҳисобварақ варақчасида омонатчининг имзо намунаси учун жой чизиб қўйилади. Назоратчи очилган янги қўшимча шахсий ҳисобварақ варақчасини имзолайди.Шахсий ҳисобварақлар бўйича барча очилган янги қўшимча шахсий ҳисобварақ варақчаларининг юқори ўнг бурчагига шахсий ҳисобварақ варақчасининг тартиб рақами қўйилади.

Шахсий ҳисобварақ бўйича бир неча шахсий ҳисобварақ варақчаси тўлган бўлса, амалдаги картотекада фақат жорий йил учун шахсий ҳисобварақ варақчаси ва биринчи шахсий ҳисобварақ варақчаси сақланади.

Биринчи шахсий ҳисобварақ варақчасидан ташқари бошқа тўлган шахсий ҳисобварақ варақчалари шахсий ҳисобварақ ёпилгунга қадар омонат бўлинмасида жорий йилда ёпилган шахсий ҳисобварақ варақчаларидан алоҳида картотекада сақланади.

Йил якунланиб, йиллик ҳисоботлар тузилгандан сўнг ёпилган шахсий ҳисобварақ варақчалари бўйича тартиб рақами, шахсий ҳисобварақ рақами, омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган рўйхат тузилиб, унга барча ёпилган шахсий ҳисобварақ варақчаларини илова қилган ҳолда омонат бўлинмасига топширилади.

Омонат бўлинмаси томонидан барча омонат кассалар бўйича ёпилган шахсий ҳисобварақ варақчалари бўйича уч нусхада

умумлаштирилган рўйхат тузилади ва банк филиали раҳбари, бош бухгалтер ва омонат бўлинмаси бошлиғи томонидан имзоланади.

Рўйхатнинг биринчи нусхаси омонат бўлинмасида қолади, иккинчи нусхаси омонат кассасига қайтарилади, учинчи нусхаси эса ёпилган Шахсий ҳисобварақ варақчалари билан сақлаш учун банк филиали архивига берилади. Омонат кассаси Бош банк раҳбарининг буйруғига асосан ёпилганда, мазкур омонат кассаси омонатчиларнинг шахсий ҳисобварақ варақчалари буйруқда кўрсатилган бошқа омонат кассасига ўтказилади.

Омонат бўлинмаси ҳаракатсиз омонатларнинг ҳар бир омонат кассаси ва ҳар бир омонат тури бўйича умумий суммасига мемориал ордерини тузади ва уни рўйхатга бириктиради. Ҳаракатсиз омонатлар бўйича шахсий ҳисобварақлардаги қолдиқ суммалар 842 - тартиб рақами билан очилган «20206 - Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» ҳисобварағида очилган мос шахсий ҳисобварақка ўтказилади.

Ҳаракатсиз омонатлар бўйича шахсий ҳисобварақ варақчалари банк филиали ёки унинг қошидаги марказий омонат кассасида алоҳида картотекада сақланади. Дастурий таъминотга эга бўлган банкларда ҳаракатсиз омонатлар бўйича шахсий ҳисобварақ варақчалари ҳар бир омонат кассасининг ўзида алоҳида картотекада сақланади ва ушбу ҳисобварақлар бўйича операциялар бажарилмаслиги учун омонат бўлинмаси томонидан омонатчи келгунга қадар дастурда тақиқ қўйилади.

Омонат бўлинмасида ҳаракатсиз омонатларнинг ҳар бир турига алоҳида шахсий ҳисобварақ варақчаси расмийлаштирилади. Шахсий ҳисобварақ варақчасида омонат кассаси рақами, сана, ҳаракатсиз омонат номи, шахсий ҳисобварақ рақами ва ҳаракатсиз омонатни расмийлаштирган назоратчи ҳамда омонат бўлинмасининг масъул ходими имзоси кўрсатилади.

Омонат бўлинмасида ҳаракатсиз омонатларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида йиғмажилд юритилади. Йиғмажилд ичига омонат кассаларидан берилган ҳаракатсиз омонатлар рўйхати, омонат кассаларининг рақами ўсиб бориш тартибида тикилади.

Ҳаракатсиз омонатлар 842 - тартиб рақами билан очилган «20206 - Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» ҳисобварағида омонатчи келгунга қадар сақланади. Ҳаракатсиз шахсий ҳисобварақлар бўйича фоизлар (улар бўйича ўзгаришларни ҳисобга олиб), омонатчи

келган пайтда ҳаракатсиз омонатнинг шахсий ҳисобварақда сақланган муддати учун ҳисобланади.

Жисмоний шахслардан маблағларни омонатга қабул қилиш.

Омонатчидан бошланғич маблағни қабул қилишдан олдин, назоратчи омонатчини омонат шартлари билан таништириши шарт.

Омонатчи шартнома шартларига рози бўлган тақдирда, унга омонат ҳисобварағи очилади ва шахсий ҳисобварақ варақчаси расмийлаштирилади. Омонатчи томонидан кирим ордери, сўнгги назоратга хабарнома ва шахсий ҳисобварақ варақчаси имзоланади ва назоратчига тақдим этилади.

Назоратчи кирим ордери ва сўнгги назоратга хабарнома тўғри тўлдирилганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, омонатчидан омонатни қабул қилиш учун кирим ордерини кассирга беради.

Кассир омонат суммасини санаб олади ва кирим ордерида кўрсатилган сумма билан солиштиради ҳамда суммалар мос келганда кирим ордерини имзолаб назоратчига қайтаради.

Назоратчи кирим ордери асосида компьютер дастурига бошланғич омонат суммасини киритади ва шахсий ҳисобварақ варақчасига омонатчининг шахсий ҳисобварағи рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили ва жойи ҳамда манзили ҳақидаги маълумотларни ёзиб қўяди. Омонатчи шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига ўз имзосини қўяди. Ушбу имзо омонатчининг имзо намунаси бўлиб ҳисобланади. Назоратчи омонатчининг имзо намунасини омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги имзо билан солиштириши шарт.

Омонат дафтарчаси очилганда ва ёпилганда кассир, назоратчи, бош бухгалтер ва филиал раҳбари томонидан имзоланади. Омонат дафтарчасида қайд этиладиган бошқа кирим ва чиқим операциялари назоратчи ва кассир томонидан имзоланади. Агар омонатчи вояга етмаган бўлса, шахсий ҳисобварақ варақчасининг «туғилган йили» сатрида омонатчининг туғилган йили, куни ва ойи тўлиқ кўрсатилади. Ушбу маълумотлар сўнгги назоратга хабарномага ҳам ёзилади.

Бошланғич маблағ омонатчининг вакилидан қабул қилинган ҳолларда, шахсий ҳисобварақ варақчасининг биринчи (бўш) устунида ва кирим ордерида (чап томонида) «омонатни қўйган шахс имзоси» сатри олдида ва сўнгги назоратга хабарномага «Омонатни киритди» деб ёзилади ва вакилнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади.

Бошланғич маблағ омонатчининг вакилидан қабул қилинган ҳолларда, омонатчи омонат кассасига келганда сўнгги назоратга хабарномани тўлдиради ва шахсий ҳисобварақ варақчасига имзосини қўяди.

Назоратчи сўнгги назоратга хабарномадаги омонатчининг имзосини омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидаги имзо билан солиштиради, санани қўяди ва имзолайди.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс номига қўйилган омонат бўйича шахсий ҳисобварақ варақчаси ва сўнгги назоратга хабарномага назоратчи «Омонатни ота-она рухсати билан бошқариш», «Омонатни фарзандликка олувчилар рухсати билан бошқариш» ёки «Омонатни васий рухсати билан бошқариш» деган ёзувни киритади ва имзолайди. Бунда, шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига ва сўнгги назоратга хабарномага омонатчи фақат ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин имзо қўяди.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахс номига қўйилган омонат бўйича омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийси сўнгги назоратга хабарномага ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг туғилган йили, ойи ва куни, омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини ёзиб, имзолайди ҳамда шахсий ҳисобварақ варақчасининг «омонатчи» сатрига имзо қўяди.

Назоратчи томонидан ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийсининг имзоси уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги имзо билан таққосланади ҳамда тақдим этилган ҳужжатларга асосан ҳақиқатдан ҳам омонатчининг ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки васийси эканлиги текширилади.

Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилишда омонатчи назоратчига омонат дафтарчасини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиши шарт. Омонатга омонатчидан қўшимча маблағлар қабул қилиш Сўнгги назоратга хабарномани тўлдирилмасдан, у 2205-сонли Йўриқномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

Назоратчи картотекадаги шахсий ҳисобварақ варақчасидаги омонатчининг фамилияси, исми, отасининг исмини, имзосини ва омонат қолдиғини омонат дафтарчасидаги маълумотлар билан

солиштиради ҳамда кирим ордери асосида компьютер дастури ва омонат дафтарчасига қўшимча маблағ суммасини киритади.

Омонат дафтарчаси ва шахсий ҳисобварақ варақчасидаги омонат қолдиғи бўйича фарқ бўлган ҳолларда (нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича омонат кирим қилинган суммадаги фарқдан ташқари) бу ҳақда назоратчи омонат бўлинмаси бошлиғига хабар беради.

Омонат бўйича навбатдаги операция фарқ сабаблари аниқланиб, бартараф этилгандан кейин амалга оширилади.

Ушбу вазифалар амалга оширилганда эса қуйидагича бухгалтерия амаллари амалга оширилади:

Аҳоли омонатлари қабул қилишдаги бухгалтерия ўтказмалари:

Дебет - 10101- кассадаги пул маблағлари.

Кредит - 20206 – Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

Юридик шахслар томонидан маблағларни депозитга қўйишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет- 10101 Кассадаги пул маблағлари

Кредит- 20208 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

Жисмоний шахсларга омонатни бериш.

Омонатчи ўз омонатини тўлиқ ёки қисман қайтариб олиш учун чиқим ордерини тўлдириб, омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно) ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга назоратчига тақдим қилади.

Назоратчи омонатни беришда қуйидагиларни амалга оширади:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида омонатчининг шахси ва омонат дафтарчаси унга тегишли эканлигини аниқлайди;
- шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва омонат дафтарчасидаги маълумотларни ва шахсий ҳисобварақ варақчасидаги маълумотлар билан солиштиради;
- чиқим ордери тўғри тўлдирилганлигини текширади ва ундаги имзони шахсий ҳисобварақ варақчасидаги имзо намунаси билан солиштиради;
- шахсий ҳисобварақ варақчасига ва чиқим ордерига операция санаси, берилган сумма, операциядан кейин омонат қолдиғи, ҳисобланган фоизлар суммаси ва операциядан кейин фоизлар қолдиғини киритади ва имзолайди;

- омонат дафтарчасига операция бўйича амалга оширилган санани кўрсатади, берилган суммани рақам билан, омонат қолдиғини рақам ва сўз билан ёзади;

- омонат дафтарчаси, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва чиқим ордерини кассирга беради;

- кассир омонатни беришда қуйидагиларни амалга оширади:

- назоратчидан қабул қилинган ҳужжатлар бўйича бериладиган суммани тайёрлайди;

- чиқим ордерининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва омонат дафтарчасига киритилган операция бўйича ёзувлар тўғрилигини текширади ва уларни имзолайди;

- омонатчини таклиф этади ва пул, омонат дафтарчаси (омонат қисман олинганда) ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатни қайтариб беради.

Омонат суммаси шахсий ҳисобварақка нақд пулсиз келиб тушганда ва омонатчи омонатни тўлиқ оладиган бўлса, омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақидаги маълумотларни чиқим ордерининг орқа томонига ёзади ва имзолайди. Назоратчи зарур ҳолларда омонат суммасини олувчидан чиқим ордерининг орқа томонига такроран имзо қўйишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Омонат кассаларида омонатчиларнинг омонатларини ўз вақтида берилишини таъминлаш мақсадида «Аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағларини берилишида омонатчиларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтари» юритилади.

Омонатчи омонатини ишончли вакили орқали олиш мумкин. Бунда омонатчи вакилига белгиланган тартибда ишончнома расмийлаштириши шарт. Ишончнома уч йил муддатгача берилади. Агар ишончномада амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда ишончнома берилган кундан бошлаб бир йил давомида ўз кучини сақлайди. Ишончнома бўйича омонатни беришда назоратчи ишончнома тўғри расмийлаштирилганлигини, амал қилиш муддати тугамаганлигини ва омонатчининг ишончномадаги имзосини шахсий ҳисобварақ варақчасидаги имзо намунаси билан солиштиради.

Назоратчи ишончли вакилдан шахсини тасдиқловчи ҳужжатини талаб этади ва чиқим ордеридаги имзо намунасини тақдим этилган шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги имзоси билан солиштиради.

солиштиради ҳамда кирим ордери асосида компьютер дастури ва омонат дафтарчасига қўшимча маблағ суммасини киритади.

Омонат дафтарчаси ва шахсий ҳисобварақ варақчасидаги омонат қолдиғи бўйича фарқ бўлган ҳолларда (нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича омонат кирим қилинган суммадаги фарқдан ташқари) бу ҳақда назоратчи омонат бўлинмаси бошлиғига хабар беради.

Омонат бўйича навбатдаги операция фарқ сабаблари аниқланиб, бартараф этилгандан кейин амалга оширилади.

Ушбу вазифалар амалга оширилганда эса қуйидагича бухгалтерия амаллари амалга оширилади:

Аҳоли омонатлари қабул қилишдаги бухгалтерия ўтказмалари:

Дебет - 10101- кассадаги пул маблағлари.

Кредит - 20206 – Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

Юридик шахслар томонидан маблағларни депозитга қўйишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет- 10101 Кассадаги пул маблағлари

Кредит- 20208 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

Жисмоний шахсларга омонатни бериш.

Омонатчи ўз омонатини тўлиқ ёки қисман қайтариб олиш учун чиқим ордерини тўлдириб, омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно) ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга назоратчига тақдим қилади.

Назоратчи омонатни беришда қуйидагиларни амалга оширади:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида омонатчининг шахси ва омонат дафтарчаси унга тегишли эканлигини аниқлайди;

- шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва омонат дафтарчасидаги маълумотларни ва шахсий ҳисобварақ варақчасидаги маълумотлар билан солиштиради;

- чиқим ордери тўғри тўлдирилганлигини текширади ва ундаги имзони шахсий ҳисобварақ варақчасидаги имзо намунаси билан солиштиради;

- шахсий ҳисобварақ варақчасига ва чиқим ордерига операция санаси, берилган сумма, операциядан кейин омонат қолдиғи, ҳисобланган фоизлар суммаси ва операциядан кейин фоизлар қолдиғини киритади ва имзолайди;

- омонат дафтарчасига операция бўйича амалга оширилган санани кўрсатади, берилган суммани рақам билан, омонат қолдиғини рақам ва сўз билан ёзади;

- омонат дафтарчаси, шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва чиқим ордерини кассирга беради;

- кассир омонатни беришда қуйидагиларни амалга оширади:

- назоратчидан қабул қилинган ҳужжатлар бўйича бериладиган суммани тайёрлайди;

- чиқим ордерининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва омонат дафтарчасига киритилган операция бўйича ёзувлар тўғрилигини текширади ва уларни имзолайди;

- омонатчини таклиф этади ва пул, омонат дафтарчаси (омонат қисман олинганда) ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатни қайтариб беради.

Омонат суммаси шахсий ҳисобварақка нақд пулсиз келиб тушганда ва омонатчи омонатни тўлиқ оладиган бўлса, омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳақидаги маълумотларни чиқим ордерининг орқа томонига ёзади ва имзолайди. Назоратчи зарур ҳолларда омонат суммасини олувчидан чиқим ордерининг орқа томонига такроран имзо қўйишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Омонат кассаларида омонатчиларнинг омонатларини ўз вақтида берилишини таъминлаш мақсадида «Аҳоли омонатлари бўйича нақд пул маблағларини берилишида омонатчиларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтари» юритилади.

Омонатчи омонатини ишончли вакили орқали олиш мумкин. Бунда омонатчи вакилига белгиланган тартибда ишончнома расмийлаштириши шарт. Ишончнома уч йил муддатгача берилади. Агар ишончномада амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда ишончнома берилган кундан бошлаб бир йил давомида ўз кучини сақлайди. Ишончнома бўйича омонатни беришда назоратчи ишончнома тўғри расмийлаштирилганлигини, амал қилиш муддати тугамаганлигини ва омонатчининг ишончномадаги имзосини шахсий ҳисобварақ варақчасидаги имзо намунаси билан солиштиради.

Назоратчи ишончли вакилдан шахсини тасдиқловчи ҳужжатини талаб этади ва чиқим ордеридаги имзо намунасини тақдим этилган шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги имзоси билан солиштиради.

Ишончли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари чиқим ордерининг орқа томонига ва сўнгги назоратга хабарномага ёзилади. Омонат кассасига ишончноманинг асл нусхаси тақдим этилади ва назоратчи томонидан ишончномадан икки (ишончнома бир марталик омонат операцияси бўйича берилганда бир нусха) нусха олинади. Ишончноманинг биринчи нусхаси (ишончнома бир марталик омонат операцияси бўйича берилганда асл нусхаси) кунлик ҳисобот таркибида сўнгги назорат учун омонат бўлинмасига берилади ва картотекада сақланади. Ишончноманинг иккинчи нусхаси ишончнома берган омонатчининг шахсий ҳисобварақ варақчасига тикилади ва омонат кассасида қолади.

Ишончноманинг амал қилиш муддати тугагач (ишончнома бекор қилингач), омонат кассасида сақланаётган ишончноманинг нусхаси картотекадан олиниб, белгиланган тартибда архивга топшириш учун омонат бўлинмасига берилади.

Омонатчи ишончномани исталган вақтда бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ишончнома бекор бўлганлиги ҳақида омонатчи (унинг ҳуқуқий ворислари) омонатдан фойдаланиш учун ишончнома берилган омонат бўйича шахсий ҳисобварақ очилган банк ёки унинг филиалига ёзма равишда маълум қилиши шарт. Ишончнома бекор бўлган ва бу ҳақда омонатчи (унинг ҳуқуқий ворислари) томонидан ўз вақтида банкка ёки унинг филиалига ёзма равишда хабар берилмаган ҳолларда, ишончнома бўйича берилган омонат учун банк жавобгар ҳисобланмайди.

Омонатчи «ҳаракатсиз омонат» мақоми берилган омонатни олиш учун омонат кассасига омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно), шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ариза тақдим этади ҳамда аризага банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери рухсат имзоларини қўйгандан сўнг, 842 — тартиб рақами билан очилган «20206 - жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» ҳисобварағидан маблағлар берилади.

Омонатчи «ҳаракатсиз омонат» мақоми берилган омонатнинг бир қисмини олганда, белгиланган тартибда янги шахсий ҳисобварақ очилади ва ҳаракатсиз омонат қолдиғи барча тегишли фоизлари билан янги очилган шахсий ҳисобварақка ўтказилади ва омонатнинг бир қисми янги шахсий ҳисобварақдан берилади.

Назоратчи «ҳаракатсиз омонат» мақоми берилган омонатни янги шахсий ҳисобварақка ўтказиш учун тузилганда нақд пулсиз чиқим ордерининг орқасига омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини ёзиб, уларни имзоси билан тасдиқлайди ва омонатчига нақд пулсиз чиқим ордерига имзо қўйдиради ҳамда янги омонат дафтарчасини расмийлаштиради.

Ўн олти ёшга тўлмаган омонатчининг шахсини тасдиқлаш учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномага қўшимча равишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан ушбу вояга етмаган шахснинг расми елимлаб ёпиштирилган маълумотнома талаб этилади. Ушбу маълумотномадаги расм ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати муҳри билан тасдиқланади.

Омонат меросхўрга омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно), меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхасини ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилинганда, берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида омонатдаги пул суммаси номига ўтган шахс томонидан вафот этган омонатчининг омонат дафтарчаси тақдим қилинмаганда, омонат бўлинмаси сўнгги назоратчи маълумотлари бўйича омонатчининг омонат маблағлари қолдиқлари текширилгандан сўнг, омонат берилади.Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида меросхўрларга омонатнинг тегишли қисми берилганда, омонатчининг шахсий ҳисобварақ варақчасида омонатнинг тегишли қисмини олган шахс маълумотлари ёзиб қўйилади. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида омонат берилаётганда назоратчи меросхўрнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини гувоҳнома билан солиштиради ҳамда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхасини олиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 157-моддасига мувофиқ вафот этган омонатчининг қонун бўйича ҳам васиятнома бўйича ҳам меросхўрлари бўлмаса ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос омонати эгасиз деб ҳисобланади. Мерос омонати мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти

органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтгандан сўнг, суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Эгасиз омонат у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган омонатдан воз кечган тақдирда, давлат фойдасига ўтади. Дастлабки омонатни қабул қилган банк филиали қаерда жойлашганлигидан қатъий назар, шу банкнинг барча филиаллари томонидан омонатчининг биринчи талабига кўра нақд пул маблағлари чекланмаган тарзда берилади. Бунда омонатчи тегишли филиал раҳбари номига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилади. Аризада омонат қайси банк филиалига қўйилганлиги, унинг суммаси, омонат тури, муддати ва фоизлари кўрсатилади ҳамда олинадиган омонат суммасининг миқдори қайд этилади.

Ариза филиал раҳбари томонидан дарҳол кўриб чиқилиб, аризага ўз резолюциясини қўйган ҳолда ижро учун омонат бўлинмасига берилади. Банк филиали назоратчиси омонатчини аризасига мувофиқ чақириб, ундан шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва омонат дафтарчасини олади. Назоратчи омонат дафтарчасининг ички томони биринчи бетида қайд қилинган маълумотларнинг мавжудлигини текширади.

Омонатчи чиқим ордерини тўлдириб, омонат бўлинмаси масъул ходимига беради. Омонат бўлинмаси масъул ходими омонат дафтарчасида қайд қилинган маълумотларни омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан солиштиради ва уларни ўзаро мос эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, компьютер дастурига киритади. Киритилган маълумотларни мазкур банкнинг ягона ахборот базаси билан мос келишини солиштиради ҳамда омонатчининг шахсий ҳисобварағида маблағ борлиги тасдиқлангандан сўнг чиқим ордерини имзолаб, кассирга беради. Кассир чиқим ордери ва аризада кўрсатилган суммани таққослаб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг тегишли маблағни омонатчига беради. Омонатчига омонат маблағини берган банк филиали чиқим ордерини дарҳол электрон почта манзили орқали шахсий ҳисобварақ варақчаси очилган банк филиалига юборади.

Банк филиали электрон чиқим ордерини бир нусхада қоғозга чиқариб, уни омонатчининг шахсий ҳисобварақ варақчасига қайд қилади ва чиқим амалиётини амалга оширади. Омонат суммаси ва унга ҳисобланган фоизлар тўлиғича омонатчига берилган ҳолларда,

омонат дафтарчаси омонат маблағини берган банк филиалида қолиши лозим. Аҳоли ёки юридик шахслар томонидан депозитларни қайтариб олиш чоғида юқоридаги бухгалтерия амаллари тескари тарзда амалга оширилади. Яъни аҳоли омонатларини қайтариб бериш:

Дебет - 10101- кассадаги пул маблағлари ёки Д-т 10301 – банкнинг вакиллик ҳисобварағи.

Кредит - 20206 – Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

Омонатчи жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақлари бўйича омонатларни нақд пулсиз шаклда кирим ва чиқим қилиш операциялари.

Шахсий ҳисобварақларига нақд пулсиз шаклда омонат кирим қилинишига истак билдирган жисмоний шахслар омонат кассасига шахсан келиб, белгиланган тартибда ариза беришлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақларига нақд пулсиз шаклда маблағларни кирим қилиш тўғрисида тузилган шартномалар омонат бўлинмасидаги «Нақд пулсиз шаклда қабул қилинадиган омонатлар бўйича тузиладиган шартномаларни рўйхатга олиш дафтари»да қайд этилади.

Юридик шахс ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини банк филиали билан тузилган шартнома асосида уларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказиши мумкин. Бунинг учун юридик шахс банк филиалига ходимларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари ҳамда яшаш манзиллари қайд этилган омонатчилар рўйхатини тақдим қилади.

Юридик шахс томонидан ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар суммаси тўлов топшириқномаси асосида ўтказилади ва ушбу тўлов топшириқномаси нусхаси омонатчилар рўйхати билан бирга омонат бўлинмасига тақдим қилинади. Тўлов топшириқномасининг «тўловлар мақсади» сатрида банк филиали билан юридик шахс ўртасида тузилган шартнома рақами ва санаси кўрсатилиши шарт.

Омонатчилар рўйхатининг ҳар бир варағида жами сумма ва охирги варақда жами ўтказилган сумма кўрсатилиши ҳамда юридик шахснинг банкдаги ҳисобварағини тасарруф этиш ҳуқуқига эга шахслар томонидан имзоланиши ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларига қўйиладиган муҳр билан тасдиқланиши лозим.

Омонат бўлинмаси томонидан нақд пулсиз шаклда келиб тушган суммаларни омонатчиларнинг тегишли шахсий ҳисобварақларига кирим қилиниши учун умумий суммага мемориал ордер тузилиб, банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади.

Мемориал ордернинг орқа томонида юридик шахснинг номи ва ўтказилган пул суммаси, омонатчилар рўйхатида эса, мемориал ордернинг санаси ва рақами кўрсатилиши ва мемориал ордерни тузувчи шахс томонидан имзоланиши шарт.

Омонатчиларнинг шахсий ҳисобварақларига нақд пулсиз шаклда келиб тушган суммаларни кирим қилиш омонатчилар рўйхати ва тўлов топшириқномаси олинган кундан кейинги иш кунидан кечикмасдан амалга оширилади.

Омонатчилар рўйхати билан мемориал ордер омонат кассасига келиб тушганда, назоратчи қуйидагиларни амалга оширади:

- мемориал ордерда банк филиали раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоси мавжудлигини текширади;
- шахсий ҳисобварақ маълумотлари билан омонатчилар рўйхатида кўрсатилган маълумотларнинг мос келишини текширади;
- омонатчиларнинг шахсий ҳисобварағига пул суммасини кирим қилиш учун ҳар бир шахсий ҳисобварақ бўйича алоҳида нақд пулсиз кирим ордерини тузади, ордерда омонат тури ва операция вақтини кўрсатади;
- нақд пулсиз кирим ордерлари бўйича умумий суммани мемориал ордер ҳамда омонатчилар рўйхатидаги сумма билан солиштиради;
- омонат бўйича шахсий ҳисобварақ варақчасининг биринчи (бўш) устунида мемориал ордер рақамини кўрсатиб, шахсий ҳисобварақ варақчасига келиб тушган пул суммасини ёзади;
- омонатчилар рўйхатида «омонатчиларнинг шахсий ҳисобварақларига мазкур рўйхат бўйича пул суммалари кирим қилинди» деган ёзувни киритади, санани қўяди ва имзолайди.

Шахсий ҳисобварақ варақчасидаги маълумотлар билан омонатчилар рўйхатидаги маълумотлар мос келмаганда, унинг сабаблари аниқлангунга қадар, операция бажарилиши тўхтатилади.

Омонатчининг шахсий ҳисобварағига нақд пулсиз шаклда кирим қилинган омонат, омонатчининг ёзма розилигисиз уни ўтказган юридик шахсга қайтарилиши мумкин эмас.

Жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобварақларига нақд пулсиз шаклда келиб тушган омонатлар бўйича омонат дафтарчаси, тасдиқнома ва сўнгги назоратга хабарнома омонатчилар омонат кассасига келганда расмийлаштирилади.

Аҳоли омонатларини қабул қилишда:

Дебет - 10301 – банкнинг вакиллик ҳисоб варағи.

Кредит- 20206 – Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

Юридик шахслар томонидан маблағларини депозитга қўйишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет- 20208 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

Кредит - 20206 – Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

Омонатни "Миллийбанк"нинг шу филиалида омонатчиларга очилган бошқа шахсий ҳисобварақларга ўтказиш омонат дафтарчаси ва омонатчи томонидан тўлдирилган ва имзоланган нақд пулсиз чиқим ордери ва сўнгги назоратга хабарнома асосида амалга оширилади.

Назоратчи нақд пулсиз чиқим ордеридаги маълумотларни шахсий ҳисобварақ варақчаси ва омонат дафтарчасидаги маълумотлар билан солиштириб, омонат дафтарчасига ва шахсий ҳисобварақ варақчасининг биринчи (бўш) устунига «_____га (фамилияси, исми ва отасининг исми) №____ ҳисобварағига ўтказилди» деган ёзувни киритиб, чиқим операциясини ёзади.

Омонатчиларнинг шахсий ҳисобварақларидаги омонатларини бошқа ҳисобварақларга (банкнинг шу филиалида омонатчиларга очилган шахсий ҳисобварақлар бундан мустасно) ўтказиш, уларнинг ёзма топшириғи асосида тўлдирилган мемориал ордерлар орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон,169-модда) 5-моддасига мувофиқ, ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатлари асосида омонатчининг шахсий ҳисобварағидан маблағларни

ҳисобдан чиқариш банк филиали раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ва банк филиали муҳри туширилган мемориал ордер асосида амалга оширилади. Мемориал ордерга ижро ҳужжатлари илова қилиниши ва унинг «тўлов мақсади» сатрида ижро ҳужжатларининг сана ва рақамлари кўрсатилиши шарт.

Мемориал ордернинг асл нусхаси кунлик бухгалтерия ҳужжатларига, унинг нусхаси ва ижро ҳужжатлари нусхалари омонатлар бўйича кунлик ҳисоботга тикилади ва бу маълумотлар омонатчининг шахсий ҳисобварағи варақчасининг «Белгилар учун» сатрида қайд қилинади.

Юридик шахс фойдасига васият қилинган омонат маблағ юридик шахснинг ҳисобварағига нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан ўтказиб берилади. Бунда, юридик шахснинг вакили омонат дафтарчаси (омонат дафтарчаси берилмаган ёки омонат дафтарчаси йўқолган ҳоллар бундан мустасно), меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхасини ва юридик шахс раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган васият қилинган омонатни ўтказиш тўғрисида ва тегишли маълумотлар кўрсатилган (юридик шахснинг ҳисобварағи, банк филиали номи ва коди, омонат очилган банк филиали) хатни тақдим қилиши шарт.

Омонатга фоизлар тўлаш тартиби.

Тадқиқот объектига "Миллийбанк" томонидан омонатлар бўйича фоизлар ҳисоблаш «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида Низом» (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январ) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 4-сон, 51-модда) асосида амалга оширилади.

Банк омонати шартномасида тўланадиган фоизлар миқдори ҳақида маълумот шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлаши шарт.

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Банк фоизлар миқдорини камайтирган тақдирда, фоизларнинг янги миқдори фоизлар камайтирилганлиги ҳақида омонатчиларга хабар берилганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан

қўлланади. Агар банк омонати шартномасида бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу хабарга қадар қўйилган омонатларга нисбатан камайтирилган фоизлар миқдори тегишли хабар берилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин қўлланади.

Банк омонат фоизлари миқдорини камайтирганлиги ҳақида ҳар бир омонатчини расмий равишда хабардор қилиши лозим.

Жамғарма ва муддатли омонатлар бўйича банк омонати шартномасида белгиланган фоизлар миқдорини, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банк томонидан бир томонлама камайтирилиши мумкин эмас. Ушбу омонатлар бўйича маблағлар омонатчининг талаби билан унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат бўйича фоизлар тўланмайди.

Банк омонати суммасига фоизлар омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилади. Омонатчининг ҳисобварағи хатланганлиги оқибатида банк ушбу ҳисобварақдаги маблағлардан фойдалана олмаган давр учун фоизлар ёзилмайди.

Агар банк омонати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк омонати суммасига фоизлар ҳар бир ой ўтганидан кейин омонатчининг талаби билан омонат суммасидан алоҳида тўланади, бу муддатда талаб қилиб олинмаган фоизлар эса фоизлар ёзиладиган омонат суммасига қўшилиб борилади.

Омонатга топширилган маблағ қўйилган куннинг ўзида тўлиқ ёки қисман қайтадан берилса, фоизларни ҳисоблашда омонат берилган кун ҳисобга олинмайди.

Қўшимча маблағлар қабул қилинганда, фоизлар ҳисоблаш учун операция амалга оширилган кундан кейинги кундан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилади.

Банклар омонатчилар билан келишилган ҳолда омонат бўйича фоизларни олдиндан тўлаб бериши мумкин. Агар омонатчи омонат суммасини муддатдан олдин олиш нияти бўлса ва омонатнинг ҳақиқатда сақланган муддатига ҳисобланган фоизлар суммаси бўнак тариқасида олдиндан бериб юборилган суммадан кам бўлса, ўртадаги фарқ омонат суммасидан чегириб қолинади.

Талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат омонатчининг талаби билан, шунингдек, муддатли ва жамғарма омонатлар

муддати тугаши билан қайтарилганда, шу пайтгача ёзилган ҳамма фоизлар тўланади.

Омонатчи жисмоний шахслар томонидан бир неча йиллар учун ҳисобланган фоизлар ёзилмаган омонат дафтарчаси тақдим қилинганда, бу фоизлар суммаси омонат дафтарчасида ҳар бир йил учун алоҳида ёзилади, омонат қолдиғи эса, охирги йил учун ҳисобланган фоизлар ёзувидан кейин, фоизлар суммасини қўшган ҳолда, сўз билан ёзилади.

Муддатли депозитларга фоиз тўлашда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Аҳоли омонатлари бўйича: Дастлаб фоизлар ҳисобланади:

Дебет - 51106 - Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли ҳаражатлар.

Кредит- 22405 – Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар.

Сўнгра ҳисобланган фоизлар тўланади:

Дебет- 22405 – Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар.

Кредит- 20206 – Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

Юридик шахслар бўйича:

демак, биринчидан банклар томонидан муддатли депозитларга фоизлар ҳисобланади. Яъни, қуйидагича:

Дебет-51108 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг муддатли депозитлари бўйича фоизли ҳаражатлар.

Кредит- 22405 – Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар.

Ҳисобланган фоизлар эса мижозларга тўланади:

Дебет- 22405 – Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар.

Кредит-20208 – Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари.

13.3. Депозит операциялари ҳисобини МҲХСга мувофиқлаштириш

Ривожланган мамлакатлар банк амалиётида депозитларни жалб этиш ҳолатини таққослама тарзда ўрганиш республикамиз тижорат банклари депозитларини самарали бошқариш юзасидан

чора–тадбирлар ва тегишли сиёсатни ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади. Эътироф этиш лозимки, ривожланган мамлакатлар банк амалиётида банк депозитларини бошқариш юзасидан маълум даражада тегишли тажриба ва андозалар мавжудки, уларнинг ижобий жиҳатларини мамлакатимиз тижорат банкларига татбиқ этиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Хорижий мамлакатларда тижорат банклари депозитлари билан боғлиқ масалалар иқтисодиётда амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасидан келиб чиқаётган долзарб вазифалар билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда, аниқроқ қилиб таъкидлаганда, тижорат банклари депозитларини бошқариш қисқа муддатга мўлжалланган стратегияси тарзида ташкил этилмоқда. Ваҳоланки, тижорат банклари депозитларини самарали бошқариш масаласи узоқ муддатга мўлжалланган маълум стратегия ва сиёсат асосида амалга оширишни талаб этади.

Ривожланган давлатларнинг депозитлари таркибини кўрадиган бўлсак, масалан, АҚШ давлатининг банкларида 2-5 фоиз, Германия банкларида 9-15 фоиз ва Япония банкларида 18-35 фоизини муддатсиз депозитлар ташкил этмоқда. Муддатли депозитлар салмоғи эса АҚШ давлатининг банкларида 60 - 66 фоиз, Германия банкларида 30-38 фоиз ва Япония банкларида 45-72 фоизини ташкил этмоқда[59].

Ушбу давлатларда муддатли депозитларни салмоғи юқорилиги сабабларидан бири банклар томонидан аҳоли ва юридик шахсларга қулай шартлар асосида депозит турларини таклиф этиш ҳисобланади.

Хорижий давлатларда ҳам депозит маблағларини олиш бўйича қуйидаги турлар қабул қилинган: талаб қилиб олинадиган, муддатли (аниқ муддати кўрсатилган мажбуриятлар) ва шартли ёки жамғарма (аввал келишилган шартлар асосида олинадиган маблағлар).

Хорижий давлатларда асосан, муддатли депозитларни турли шартлар асосида таклиф этилмоқда. Яъни, шулардан бири тезкор депозитлар бу – шартли депозит ҳисобланиб, банклар томонидан маълум муддатга жалб қилинувчи депозитлардир. Маълумки шахсий тезкор депозит билан тезкор депозит фарқланади. Шахсий тезкор депозитлар шартноманинг шартларига ва муддатига асосланиб, банкларга маблағлар етказиб беришни назарда тутади,

[59]International Financial Statistics IMF. 2012 йил.32.-стр 5.

ушбу муддатнинг тугаши натижасида ҳисобрақам эгаси ўз депозитини хоҳлаган вақтда олиши мумкин. Мижозларга ушбу депозит учун тўланаётган фоизларнинг юқори бўлиши уларнинг шартнома шартларини бажаришлари ва муддатларнинг узоқлигидан келиб чиқади, яъни депозитларни узоқ муддатга қўйиш ёки қўйилаётган депозитнинг кўп бўлиши рағбатлантиришга олиб келади. Ҳозирги амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, тезкор депозитлар (1,3,6,9,12) ойгача ёки бундан ҳам узоқ муддатларга расмийлаштирилиши мумкин. Баъзи банклар эса 10, 14, 45 ва ундан юқори кунларга депозитларни таклиф этишмоқда.

Бундай жараённинг узоқ вақт давом этиши депозит эгаларига ўз маблағларини тўғри ташкил этиш ҳамда банклар учун ҳам ўз ликвидлиликларини бошқариб боришга шароит яратмоқда. Мижоз шартномада аниқ кўрсатилган муддатлар бўйича ўз депозитини олмоқчи бўлса, у банкни олдиндан хабардор қилиши керак. Ушбу муддатни маълум қилиш депозитга бўлган фоизни аниқлайди. Тезкор депозитлар катта суммада ташкил топиши ва шартнома ҳаракатининг тўлиқ муддат давомида ўзгаришсиз бўлиши керак. Тезкор депозитлардан жорий тўловларни тузиш мумкин эмас. Агар депозит эгаси ўзининг депозитини ўзгартиришни хоҳласа, яъни камайтириш ёки ўстиришни, у ҳаракатдаги шартномани бекор қилиб, янги шартлар асосида ўз депозитини кайтадан расмийлаштиради.

Шунингдек, депозитлар муддатидан олдин олинса, мижоз шартномада кўрсатилган фоизлардан қисман ёки тўлиқ маҳрум бўлиши мумкин. Қоидага асосан, бу жараёнда фоизлар талаб қилиб олинадиган депозитлардаги фоизлар депозитигача пасайтирилади. Тезкор депозитлар шартнома асосида мижоз билан банк ва унинг бошқарувчиси томонидан расмийлаштирилади. Банклар ҳар қандай депозитларнинг турлари ва тавсиф бўйича алоҳида депозит шартномаларини тузиб чиқадилар. Шартнома икки нусхада ташкил топиб бири депозит эгасида сақланади, иккинчиси банкнинг кредит ёки депозит бўлимларида (ушбу иш билан қайси бўлим шуғулланса) сақланади. Шартномада қуйидагилар акс этади: депозитнинг суммаси, унинг муддати, фоизлар (шартнома вақти тугагандан сўнг мижоз бўладиган), ҳисобрақам эгасининг хуқуқ ва мажбуриятлари, шартномаларга риоя қилишдаги жавобгарликлар ва томонларнинг тортишув тартиблари (шартнома бузилганда).

Шунингдек, муддатли ва шартли депозит шартномаларида мижозга тўланиши лозим бўлган фоизлар (устама ҳақилар), яъни мижоз даромади аниқ кўрсатилади.

Юқоридаги депозитлар ҳисоби турли давлатларда турлича усулларда ҳисобланади. Қуйида Белоруссия давлатининг депозитлар қабул қилиш ва уларга фоизларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибларини кўриб чиқамиз[60].

Белоруссия банклари томонидан юридик шахсларнинг депозитлари ҳисоби қуйидаги ҳисобрақамларда яъни, 3401-3405; 3604; 3623; 3704; 3713; 3733 ҳисоб ҳисобрақамларда акс эттирилади. Бухгалтерия амаллари эса қуйидагича бажарилади.

Юридик шахслар жорий талаб қилиб олгунча ҳисобрақамлардан ўтказма амалга оширилганда:

Дебет – 3401 "Юридик шахснинг жорий талаб қилиб олгунча ҳисобрақами" 1 000 000.

Кредит – 3604 "Юридик шахснинг жорий талаб қилиб олгунча ҳисобрақами" 1 000 000

Депозитни муддати келганда тўлаш тартиби эса:

Дебет –3604 "Юридик шахснинг жорий талаб қилиб олгунча ҳисобрақами" 1 000 000.

Кредит – 3401 "Юридик шахснинг жорий талаб қилиб олгунча ҳисобрақами" 1 000 000.

Депозитга фоиз ҳисоблаш тартиби

Дебет – 9024 "Фоизли ҳаражат" хос ҳисоб ҳисобрақам 15 000.

Кредит – 3470 "Ҳисобланган фоизли ҳаражат" хос ҳисоб ҳисобрақами 15 000.

Депозитга фоиз тўлаш тартиби

Дебет – 3470 "Ҳисобланган фоизли ҳаражат" хос ҳисоб ҳисобрақами 15 000.

Кредит – 3401 "Юридик шахснинг жорий талаб қилиб олгунча ҳисоб ҳисобрақами" 15 000.

Жисмоний шахслардан маблағлар талаб қилиб олгунча депозитларга қабул қилиш тартиби

Дебет – 1010 "Кассадаги пул маблағлари" 1 000 000.

Кредит – 3404 "Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олгунча омонатлари" 1 000 000.

---

[60] Савонь В."Депозитные операции коммерческих банков, их оформление и учет". Авторефарат.– Минск 2009. -13 , 36

Агар жисмоний шахслар пул маблағларини қайтариб олишни истаса, унда юқоридаги бухгалтерия амаллари аксинча, яъни тескари тарзда амалга оширилади.

Юқоридаги ҳолат бўйича жисмоний шахсларга фоизлар тўлаш учун 9043 "Жисмоний шахс омонатлари учун фоизли харажатлар" ҳисоб ҳисобрақами орқали тўланади.

Шунингдек, жисмоний шахслардан муддатли депозитлар қабул қилишда "Тижорат банкларида ҳисобрақамлар режаси" га мувофиқ 3414- "Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари" ҳисоб ҳисобрақами ҳамда 3424 - "Жисмоний шахсларнинг шартли омонатлари" ҳисоб ҳисобрақамларидан фойдаланилади.

Тижорат банклари хўжалик юритувчи шахслар субъектларидан депозит жалб қилиши жамиятда юз бераётган ички ва ташқи сиёсат, мамлакатдаги иқтисодий муносабатлар билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Яъни жамиятда иқтисодий муносабатлар тижорат банклари депозитларни жалб қилиш ва депозит базаларини мустаҳкамлаш юзасидан ишлаб чиқилган дастур ва сиёсатларни амалга оширишда бевосита ва билвосита таъсир қилади.

Хорижий мамлакатлар банк тизими тажрибаларига кўра мижоз ва банк ўртасидаги депозит шартномалари икки томонлама манфаатли тузилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, хорижий банкларда, хусусан, Англия, Италия банк тизимидаги шартнома шартларида депозитлар муддати аниқ кўрсатилади. Шу билан бирга агар мижоз депозитнинг муддатида банкга мурожат қилмаса, бу муддат узайтирилган ҳисобланади ва ушбу депозитга автоматик равишда, яъни бухгалтер ёки масъул ходим томонидан эмас , балки дастурий равишда бухгалтерия ўтказмалари ўтказилади. Бу эса бухгалтерия ишини енгиллаштиришга олиб келади. Масалан, мамлакатимиз тижорат банклари бундай ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширади:

1)Дебет - 20606 - Муддатли депозитлар ҳисобварағи.

Кредит – 20206 - Тталаб қилиб олингунча депозитлар ҳисобварағи.

2)Дебет - 20206 - Талаб қилиб олингунча депозитлар ҳисобварағи.

Кредит – 20606 - Янги муддатли депозит ҳисобрақамига олиб ўтилади.

XIV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

14.1. Банкларда ҳисоб маълумотларини умумлаштириш

Икки ёки ундан ортиқ корхоналар фаолият кўрсаткичларини маълум бир қоидалар асосида умумлаштиришнинг мавжуд методлари, корхонанинг барча ёки алоҳида баланс моддаларини турли даражада жамлайди.

Умумлаштириш методларининг уч гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин: тўлиқ консолидациялаш методи, пропорционал консолидациялаш методи, қатнашиш методи.

1) Тўлиқ консолидациялаш методи қўлланилганда, гуруҳ корхоналарининг барча активлари ва мажбуриятлари, молиявий ҳисоботга худдики ягона корхонанинг ҳисоботи тузилгандек, асосий ҳисоб тамойиллари ва фаразларига мувофиқ жамланади. Яъни, актив ва мажбуриятлар ҳисобининг айни моддалари қаторма қатор жамланади, ва бунда гуруҳ ичидаги операциялар натижалари бўйича қолдиқлар истисно қилинади.

Тўлиқ консолидациялаш методларига сотиб олиш методи, манфаатларни бирлаштириш методи «бошланғич баланс методи» киради. Баъзи адабиётларда манфаатлар бирлашиши методининг модификациялаштирилган тури сифатида каралувчи, ҳамда комбинациялашган молиявий ҳисобот дея номлаган метод ҳам тўлиқ консолидациялаш методига таълукди деб ҳисобланади.

2) Пропорционал консолидация методи қўлланилган тақдирда, корхона балансининг барча моддалари кийматининг маълум бир пропорциядаги (нисбатдаги) қисми молиявий ҳисоботга кўшилади.

Одатда, пропорционал консолидация методи, қўшма фаолиятни ҳисобга олиш ва ҳисоботда акс эттиришда кўлланилади. Бунда у, умумлаштириш методи сифатида эмас, балки кўшма фаолият иштирокчиси ҳисобланмиш корхонанинг алоҳида молиявий ҳисоботида назорат қилинадиган актив ва мажбуриятларни ҳисобга олиш методи сифатида қаралиши лозим.

Баъзи бир ҳисоб тшимларида пропорционал консолидация методи гуруҳ ҳисоботларини тузиш методи бўлиб ҳам ҳисобланиб, кўп даражали гуруҳлар учун, икки ва ундан кўпроқ корхоналар

томонидан назорат амалга оширилганда ушбу метод қўлланилиши мумкин.

3) Қатнашиш методида корхона актив ва мажбуриятлари бирлаштирилмайди. Бунда молиявий инвестициянинг баланс қиймати, амалга оширилган ҳақиқий харажатлар суммасига тенг бўлади. Сўнгра, ўз навбатида у, инвестиция объектининг (корхонанинг) молиявий натижаларидаги инвесторнинг улушига тенг суммага кўпайиб ёки камайиб боради. Натижада молиявий ҳисобот, инвестиция амалга оширилган корхона капиталидаги инвестор улушини акс эттиради.

МҲХС ва АҚШ БҲУТ тизимларида инвестицияларни ҳисобга олишнинг қатнашиш методи корхона алоҳида молиявий ҳисоботида қўлланилиши мумкин, аниқроғи у ассоциациялашган корхоналарга қилинган инвестицияларни ҳисобга олиш методи сифатида қаралади.

Шу билан бирга қатнашиш методини гуруҳ ҳисоботини тузиш методи сифатида караш мумкин.

Консолидациялаш методлари ҳисоб маълумотларини умумлаштиришнинг ўзига хос методларидан иборатдир.

Шўъба корхона Бош корхонага тўласинча тегишли бўлмаган ва бошқа акциядорларга тегишли бўлган соф активларни ташкил қилувчи «озчилик улуши» деб номланувчи ҳолатнинг юзага келиши ушбу методларнинг асосий хусусиятини белгилаб беради.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида «озчилик улуши»га қуйидагича таъриф берилган:

«Озчилик улуши»-бу, Бош корхона томонидан бевосита ёки шўъба корхоналар оркали билвосита тарзда тасарруф қилинмайдиган улушга тўғри келадиган шўъба корхонасининг операциялари ва соф активларининг бир кисмидир».[61]

Корхона соф активларнинг «озчилик улуши»га тўғри келадиган қисмини аниқлаш, уларни тан олиш ва гуруҳ ҳисоботида акс эттириш ва талкин қилиш жиҳатидан умумлаштиришнинг мавжуд методлари бир биридан фарқланади. Шу билан бирга, «кўпчилик» ва «озчилик» ўртасидаги нисбатнинг гуруҳ ҳисоботида ёритиб берилишини, консолидациялашган ҳдсобот методларини умумлаштиришнинг бошқа методларидан фарқловчи асосий хусусият сифатида таърифлаш мумкин.

---

[61] Международные стандарты финансовой отчетности 2005: издание на русском языке.-М.: Аскери, 2005 - 1064 с.

Пропорционал консолидациялаш методида капитал, актив ва мажбуриятларнинг «озчилик»ка тўғри келадиган қисми гуруҳ ҳисоботида акс эттирилмайди. Қатнашиш методида корхона актив ва мажбуриятлари умуман бирлаштирилмайди, соф активлардаги «озчилик улуши» ҳам гуруҳ ҳисоботида ўз аксини топмайди. Шу аснода ушбу тадқиқот ишида эътибор тўлиқ консолидациялаш методига каратилган бўлиб, пропорционал консолидациялаш ва қатнашиш методлари қараб чиқилмайди.

Тўлиқ консолидациялаш методида гуруҳ корхоналарининг активлари, мажбуриятлари ва ўз маблағларининг барча суммалари гуруҳ ҳисоботида тан олинади. Аммо, шу билан бирга «озчилик улуши» - ҳисоботнинг махсус элементи сифатида, баланс моддаларининг оддий бирлаштирилишидан фарқли ўларок, счетларни умумлаштиришнинг ўзига хос қоидалари асосида юзага келади. Ушбу қоидалар сотиб олиш методи, манфаатларни бирлаштириш методи ва «бошланғич баланс методи»да ўз аксини топган. Шу билан бирга, «бошланғич баланс методи»нинг консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш мақсадида кўлланилиши холатлари маълум эмас. Одатда, умумлаштиришнинг ушбу методи, кайта ташкил қилиш натижасида юзага келган янги юридик шахснинг хлсоботини шакллантиришда қўлланилади.

Шунга мувофиқ тадқиқот ишида, сотиб олиш методи ва манфаатларни бирлаштириш методи консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг методлари сифатида қараб чиқилади.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг методларини танлаш турли ҳисоб концепциялари ва тамойилларига таянади. Натижада, корхонанинг алоҳида ҳисоботидаги сингари, консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг асосида турли баланс назариялари, ҳамда ҳисоб тамойилларининг бирисининг бошқасидан устиворлиги ётади.

Бугунги кунда «озчилик улуши»ни аниқлашга ва гуруҳ ичидаги операциялар натижаларини ўзаро бартараф қилишга муҳим таъсир килувчи иккита концепция консолидациялашган молиявий ҳисобот методларида қараб чиқилмоқда.

Булар - бирлик концепцияси ва манфаатлар концепциясидир. Ушбу концепциялар турли ҳисоб тизимларида ўз вариантларига эга бўлишлари мумкин.

Манфаатлар концепциясининг вариантларидан бири сифатида «Бош компания концепцияси» кенг тарқалган бўлиб у АҚШ ҳисоб тизимида куйидагича таърифланган:

Бош компания концепцияси- Бош корхона ва унга кўпчилик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган шўъба корхоналарнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботини тузиш методи бўлиб, у шўъба корхона соф активларининг қайта гуруҳланишини, ҳамда уларни сотиб олиш санасига ҳаққоний қийматда фақатгина «кўпчилик» манфаатига нисбатан акс эттирилишини кўзда тутади.

Бирлик концепцияси гуруҳ корхоналарига ягона иқтисодий объект сифатида ёндошади. Гуруҳ томонидан назорат қилинаётган ресурслар, уларга нисбатан эгалик ҳуқуқидан қатъий назар, яхлит тарзда қаралади, шунинг учун бир хил умумлаштириш методи, конхонанинг барча актив ва мажбуриятларига нисбатан кўлланилади. Бошқача қилиб айтганда «кўпчилик» ва «озчилик»га тегишли бўлган активлар ва мажбуриятларни ҳисоботда акс эттириш тартиби бўйича фарқ юзага келмайди.

Ҳозирда амалда бўлган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бирлик концепциясини ҳисобга олишнинг ягона ва асосий тартиби сифатида тан олади, ҳамда манфаатлар концепциясини алтернатив метод сифатида қўлланилишига рухсат этмайди. Шунинг билан бирга, МҲХС озчилик улушики ҳаққоний киймат асосида аниқлар экан, уни айрибошлаш ёки сотиб олиш операцияларининг таркибий кисми сифатида қарайди. Мос ҳолда, озчилик улуши консолидациялашган молиявий ҳисоботда гуруҳ корхоналарининг ўз маблағлари ва мажбуриятлар қисмидан алоҳида тарзда кўрсатилади.

Мавжуд концепциялар доирасида, гуруҳ ичидаги битимлар бўйича фойда ва зарарлар кандай нисбатларда ва улушларда ўзаро баробарлаштирилиши лозим ва улар «озчилик улуши»га нисбатан умуман ўзаро баробарлаштирилиши лозимми деган саволларга нисбатан турли карашлар мавжуд. Манфаатлар назариясининг бир вариантига кўра, гуруҳ ичидаги операциялар бўйича олинган фойда (зарар)ларнинг озчилик улушига тўғри келадиган қисми, фойда ва зарарларнинг баланс счетларига қўшилиши лозим. Бошқа вариантларга мувофиқ, гуруҳ ичидаги операциялар натижалари, гуруҳ ва «озчилик улуши»нинг молиявий натижаларидан тегишли нисбатларда чегирилиб ташланади. Ушбу ёндошув МҲХСда ўз аксини топган.

Консолидация методлари ҳисоб маълумотларини умумлаштиришнинг ўзига хос методлари ҳисобланиб, у шўъба корхона Бош корхонага тўлиқ тегишли бўлмаган ва натижада гуруҳнинг бошқа акциядорлари (таъсисчилари)га тегишли бўлган соф активларни ташкил килувчи озчилик улушининг юзага келиши билан боғлиқдир.

Ушбу метод доирасида олинган маълумот, жумладан, гуруҳга кирган ҳар бир корхона молиявий натижалари ва мол-мулкининг соф кийматида Бош корхона ва умуман гуруҳга тегишли бўлган улушини аниклаш ва келгусида уни прогнозлаш, ҳамда Бош корхона мулкдорлари томонидан қўйилган сармоянинг ўсишини баҳолашга тўликрок имкон беради.

Турли ҳисоб тизимларида у ёки бу умумлаштириш методларини кўллаш натижаларини белгилашга ўзига хос ёндошувлар мавжуддир. Натижада, турли давлатларда, ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини умумлаштиришнинг турли методлари консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш методлари сифатида тан олинмокда. Шу нуқтаи назардан, турли ҳисоб тизимларини қараб чиқишда молиявий ҳисобот номланишига эмас, балки олинган информациянинг сифат ҳарактеристикаларига эътибор бериш лозим.

14.2. Банкларида молиявий ҳисоботларни консолидациялаш

Консолидациялашган молиявий ҳисобот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни гуруҳнинг молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш мақсадида тузилади ва тақдим этилади.

Банклар шуъба хўжалик уюшмалари, боғлиқ хўжалик уюшмалари ва қўшма корхоналар, шунингдек филиаллари ва ваколатхоналаридаги ўз инвестицияларини консолидациялашган молиявий ҳисоботда акс эттиришлари лозим. Консолидациялашган ҳисоботга бош банк, унинг шуъба хўжалик жамиятлари ва ваколатхоналарининг молиявий ҳисоботлари илова қилинади.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот назорат остидаги барча шуъба ва боғлиқ хўжалик уюшмалари, филиаллар ва ваколатхоналар, шунингдек, сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активлар ҳамда тугалланадиган фаолият сифатида

ҳисобга олинадиган инвестициялардан ташқари қўшма корхоналардаги ннвестицияларни ўз ичига олиши лозим.

Шуъба хўжалик уюшмаси устидан назоратнинг мавжудлигини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Агар бош банк бевосита ёки шуъба хўжалик уюшмалари орқали бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг ярмидан кўпига эгалик қилганда назорат мавжуд деб тахмин қилинади, бундай эгалик қилишнинг назоратни таъминланмаслиги яққол кўриниши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Шундай қилиб, назоратни аниқлаш бош банк бевосита эгалик қилувчи шуъба хўжалик уюшмалари каби билвосита эгалик қилувчи шуъба хўжалик уюшмаларига дахлдордир.

Масалан, А Банк В Банкнинг 60% акцияларига эгалик қилса, А Банк бош банк ҳисобланади, В Банк эса бевосита бош банкка тегишли шуъба хўжалик уюшмаси ҳисобланадн. Агар, бундан ташқари, В Банк С хўжалик юритувчи субъектнинг 100% акцияларига эга бўлса, у ҳолда мазкур хўжалик юритувчи субъект В Банкка бевосита тегишли бўлган шуъба хўжалик уюшмаси ҳамда А Банк учун билвосита шуъба хўжалик уюшмаси ҳисобланади.

Жамлашда шуъба хўжалик уюшмаси ўзининг хўжалик фаолияти бу гуруҳдаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан фарқ қилганлиги сабабли чиқарилмайди. Бунда муҳим маълумотлар билан таъминлаш мақсадида шуъба хўжалик уюшмасининг хўжалик фаолиятидаги фарқлар тўғрисидаги қўшимча маълумотларни ёритиш зарур.

Банклар боғлик хўжалик уюшмалари ва қўшма корхоналардаги инвестнцияларни ҳисобга олишда бўйлама иштирок этиш бўйича ҳисобга олиш услубидан фойдаланишлари лозим. Бўйлама иштирок этиш бўйича ҳисобга олиш услубига мувофиқ қўлланиладиган кўпгина чора-тадбирлар жамлаш чора-тадбирларига ўхшашдир.

Бироқ, бўйлама иштирок этиш бўйича ҳисобга олиш услубига кўра инвестор банк (иштирокчи) ҳар бир компонентдаги ўз улушини ўзининг молиявий ҳисоботига киритиш ўрнига боғлиқ хўжалик уюшмаси ёки қўшма корхонанинг сор фойдаси (зарарлари)даги ўз улушини алоҳида сатрда ўзининг фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботига киритиши лозим.

Тижорат банкларида консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш ЎзР АВ томонидан 18.01.2005 й.да 1445-сон билан рўйхатга олинган МБ бошқарувининг 31.12.2004 й.даги 28/12-сон Қарори

билан тасдиқланган "Тижорат банклари томонидан жамланма молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби тўғрисида" низом асосида олиб борилади.

Жамланма молиявий ҳисобот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни гуруҳнинг молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш мақсадида тузилади ва тақдим этилади.

Банклар шуъба хўжалик уюшмалари, боғлиқ хўжалик уюшмалари ва қўшма корхоналар, шунингдек филиаллари ва ваколатхоналаридаги ўз инвестицияларини жамланма молиявий ҳисоботда акс эттиришлари лозим. Жамланма ҳисоботга бош банк, унинг шуъба хўжалик жамиятлари ва ваколатхоналарининг молиявий ҳисоботлари илова қилинади.

Жамланма молиявий ҳисобот назорат остидаги барча шуъба ва боғлиқ хўжалик уюшмалари, филиаллар ва ваколатхоналар, шунингдек, сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ҳамда тугалланадиган фаолият сифатида ҳисобга олннадиган инвестициялардан ташқари қўшма корхоналардаги инвестицияларни ўз ичига олиши лозим.

Жамлашда шуъба хўжалик уюшмаси ўзининг хўжалик фаолияти бу гуруҳдаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан фарқ қилганлиги сабабли чиқарилмайди. Бунда муҳим маълумотлар билан таъминлаш мақсадида шуъба хўжалик уюшмасининг хўжалик фаолиятидаги фарқлар тўғрисидаги қўшимча маълумотларни ёритиш зарур.

Банклар боғлик хўжалик уюшмалари ва қўшма корхоналардаги инвестнцияларни ҳисобга олишда бўйлама иштирок этиш бўйича ҳисобга олиш услубидан фойдаланишлари лозим. Бўйлама иштирок этиш бўйича ҳисобга олиш услубига мувофиқ қўлланиладиган кўпгина чора-тадбирлар жамлаш чора-тадбирларига ўхшашдир.

Бироқ, бўйлама иштирок этиш бўйича ҳисобга олиш услубига кўра инвестор банк (иштирокчи) ҳар бир компонентдаги ўз улушини ўзининг молиявий ҳисоботига киритиш ўрнига боғлиқ хўжалик уюшмаси ёки қўшма корхонанинг сор фойдаси (зарарлари)даги ўз улушини алоҳида сатрда ўзининг фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботига киритиши лозим.

Жамланма молиявий ҳисоботни тузишда фойдаланиладиган бош банк ва унинг шуъба хўжалик уюшмаларининг молиявий ҳисоботи битта ҳисобот санасида тузилиши лозим. Бош банк ва

унинг шуъба хўжалик уюшмасининг ҳисобот саналари мос тушмаганда бош банк молиявий ҳисоботларни жамлаш мақсадида улардан молиявий ҳисоботларни бош банкнинг молиявий ҳисоботининг санасига тайёрлаб беришларини талаб этиши лозим, буни бажариб бўлмаслик ҳолатлари бундан мустасно.

Жамланма молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиладиган бош банк ва унинг шуъба ҳамда боғлик хўжалик уюшмаси, қўшма корхонанинг молиявий ҳисоботи турли ҳисобот саналарига тўғри келса, у ҳолда уларнинг молиявий ҳисоботи уларнинг ҳисобот санаси ҳамда бош банк (инвестор, иштирокчи)нинг молиявий ҳисоботини тузиш санасидаги вақт давомида содир бўлган муҳим операциялар ёки ҳодисаларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда тўғриланиши лозим. Исталган ҳолда шуъба хўжалик уюшмаси, боғлик хўжалик уюшмаси, қўшма корхонанинг ҳисобот санаси ҳамда бош банкнинг ҳисобот санаси орасидаги фарқ 3 ойдан ошмаслиги лозим. Ҳисобот даврларининг давомийлиги ҳамда ҳисобот саналари орасидаги ҳар қандай фарқ муддатдан муддатгача бир хил бўлиши лозим.

Жамланма молиявий ҳисобот ўхшаш операциялар ҳамда ўхшаш ҳолатлардаги бошқа ҳодисаларга нисбатан ягона ҳисоб сиёсатини қўллаш билан тузилиши лозим.

Агар гуруҳ аъзоси жамланма молиявий ҳисоботда ўхшаш операциялар ҳамда ўхшаш ҳолатлардаги ҳодисаларга нисбатан келтирилган сиёсатдан фарқ қилувчи ҳисоб сиёсатидан фойдаланаётган бўлса, у ҳолда у жамланма молиявий ҳисоботни тузиш учун ўз молиявий ҳисоботида тегишли тузатишларни амалга ошириши лозим.

Шуъба хўжалик уюшмасининг даромадлари ва ҳаражатлари мазкур шуъба хўжалик уюшмасининг юзага келган санасидан бошлаб жамланма молиявий ҳисоботга киритилади. Шуъба хўжалик уюшмасининг даромад ва ҳаражатлари жамланма молиявий ҳисоботга бош банк хўжалик уюшмасини назорат қилишни тўхтатган санага қадар киритиши лозим. Бош банк шуъба хўжалик уюшмасининг фаолиятидан фойда олиш мақсадида унинг молиявий ва хўжалик сиёсатини бошқариш бўйича ваколатлардан маҳрум бўлганда назоратни йўқотган ҳисобланади. Назоратни йўқотиш эга бўлишнинг мутлақ ёки нисбий даражаларида ўзгаришлар билан ёки ўзгаришларсиз содир бўлиши мумкин. Бу, масалан, шуъба хўжалик уюшмаси устидан назорат қилиш давлат,

суд ёки тартибга солувчи органларга ўтганда содир бўлиши мумкин. Назоратнинг йўқолиши шартнома битими натижасида ҳам содир бўлиши мумкин.

Шуъба хўжалик уюшмасини тугатишда тугатиш санасида шуъба хўжалик уюшмасини тугатишдан келган тушум ҳамда унинг баланс қиймати орасидаги фарқ фойда ва зарарлар тўғрисидаги жамланма ҳисоботда акс этади.

14.3. Банкларда консолидациялаш молиявий ҳисоботларни тузиш

Жамланма молиявий ҳисоботни тузишда ўзининг молиявий ҳисоботи ҳамда шуъба хўжалик уюшмаларининг молиявий ҳисоботини активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва ҳаражатларнинг ўхшаш моддаларини йиғиш йўли билан сатрма-сатр бирлаштиради.

Жамланма молиявий ҳисобот гуруҳ тўғрисида унинг ягона хўжалик юритувчи субъект сифатидаги молиявий маълумотини акс эттириши учун қуйидагилар амалга оширилади:

1) ҳар бир шуъба хўжалик уюшмасидаги бош банк инвестицияларининг баланс қиймати ҳамда ҳар бир шуъба хўжалик уюшмасининг капиталида бош банкининг улуши истисно қилинади;

2) ҳисобот даврида жамланма хўжалик уюшмаларининг фойда ва зарарларида озчилик улуши аниқланадн;

3) жамланма шуъба хўжалик уюшмаларининг соф активларидаги озчилик улуши улардаги бош банкнинг улушидан алоҳида равишда аниқланади. Соф активлардаги озчилик улуши қуйидагилардан ташкил топади:

а) дастлабки бирлаштириш санасида хўжалик юритувчи субъектларни бирлаштириш бўйича МҲХС талабларига мувофиқ ҳисобланган озчилик улушининг суммаси;

б) бирлаштириш санасидан бошлаб шуъба хўжалик уюшмаси капиталининг ўзгаришларидаги озчилик улуши.

Мазкур амаллар қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади.

Биринчи ҳаракат - инвестициялар ҳамда бош банкнинг капиталидаги улушини чиқариш. Навбатдаги мисол бош банк ва унинг шуъба хўжалик уюшмасининг инвестициялари ва капитал ҳисобварақларини кўрсатади, бунда шуъба хўжалик уюшмасининг

барча 100 фоиз акциялари бош банкка тегишлидир. Жамланма молиявий ҳисоботни тузишда бош банкнинг мазкур инвестицияларининг баланс қиймати, шунингдек, бош банкнинг шуъба хўжалик уюшмалари капиталидаги улуши чиқарилиши лозим.

Чиқариш бўйича ёзувларнинг на бошқа банкнинг, на унинг шуъба хўжалик уюшмасининг бухгалтерия ёзувларида қайд этилганлигига эътибор беринг. Жамланма ҳисоботни тузиш мақсадида қоида бўйича қуйида келтирилган форматга биноан ишчи жадвалдан фойдаланилади. Ишчи жадвал чиқариш ва якуний жамланма суммалар бўйича ёзувлар учун мўлжалланган устунлар билан биргаликда бош банк ва шуъба хўжалик уюшмаларининг ҳисобварақларидаги дастлабки қолдиқларни ўз ичига олади.

Қуйида келтирилган ҳисобот молиявий ҳисоботларни жамлашда фойдаланиладиган ишчи жадвалнинг соддалаштирилган намунасидан иборат.

36-жадвал

Молиявий ҳисоботларни жамлашда фойдаланиладиган ишчи жадвалнинг соддалаштирилган намунаси

	Бош банк	Шуъба хўжалик уюшмаси	Чиқариш бўйича ўтказмалар *	Жамланган қолдиқлар
Шуъба хўжалик уюшмасидаги инвестиция	150.000		150.000	
Капитал				
Акциядорлик капитали	300.000	25.000	25.000	300.000
Тақсимланмаган фойда	1.400.000	125.000	125.000	1.400.000

*) Чиқариш бўйича ўтказмалар

Дт - Акциядорлик капитали (шуъба уюшмасининг) 25.000

Дт - Тақсимланмаган фойда (шуъба уюшмасининг) 125.000

Кт - Шуъба хўжалик уюшмасидаги инвестиция 150.000

Иккинчи ҳаракат гуруҳ ичидаги қолдиқларни чиқариш. Навбатдаги мисол жамланма молиявий ҳисоботни тузишда гурух ичидаги операциялар ва қолдиқларни чиқариш тартибини кўрсатади. Қуйида бош банк ҳамда барча 100 фоиз акциялари бош банкка тегишли бўлган шуъба хўжалик уюшмасининг муайян ҳисобварақларигина келтирилган.

Мазкур мисолда фараз қиламизки, 2012 йилнинг 31 декабрь (ҳисобот йили) ҳолати бўйича бош банк 85.000 сўмлик баланс қийматига эга асосий воситаларни шуъба хўжалик уюшмасига 100.000 сўмга сотди ҳамда активларни сотишдан олинган 15.000 сўм миқдоридаги фойдани акс эттирди.

Қуйида келтирилган маълумот бош банк ҳамда 100 фоиз акциялари унга тегишли бўлган шуъба хўжалик уюшмасининг муайян ҳисобварақларидаги, шу жумладан гуруҳ ичидаги фаолият жараёнида ҳаракатлантирилган ҳисобварақлардан иборат.

37-жадвал

Жамланма молиявий ҳисоботга бош банк ва унинг хўжалик уюшмаси ўртасидаги операцияларнинг таъсири

	Бош банк	Шуъба хўжалик уюшмаси	Чиқариш бўйича ўтказмалар	Жамланган қолдиқлар
Шуъба хўжалик уюшмасига тақдим этилган кредит	100.000		1) 100.000	0
Асосий воситалар		100.000	2) 15.000	85.000
Бош банкка тўланадиган кредит		100.000	1) 100.000	0
Асосий воситаларни сотишдан олинган фойда	15.000		2) 15.000	0

Жамланма молиявий ҳисобот ташқи томонга сотишдаги фойданигина акс эттирар экан, у ҳолда бош банк ва унинг хўжалик уюшмаси ўртасидаги мазкур операцияларнинг таъсири чиқарилиши лозим. Акс ҳолда, баланс ҳисоботининг активлари ва соф фойда оширилади.

Чиқарши бўйича ўтказмалар:

Тўлашга ва олишга бўлган гуруҳ ичидаги ҳисобварақларни чиқариш учун:

1) Дт - Бош банкка тўланадиган кредит 100.000

Кт - Шуъба хўжалик уюшмасига тақдим этилган кредит 100.000

Сотиш бўйича гуруҳ ичидаги операциядан олинган фойдани чиқариш учун:

2) Дт - Асосий воситаларнинг сотилишидан олинган фойда 15.000

Кт Асосий восита 15.000

Чиқариш бўйича ўтказмалар на бош банк, на шуъба хўжалик уюшмасининг бухгалтерия ёзувларида кайд этилмайди. Улар жамланма молиявий ҳисоботни тузишда фойдаланиладиган ишчи жадвалга киритилади. 2) чиқариш бўйича ўтказмалар қилинганидан сўнг асосий воситаларнинг ҳисобварағидаги жамланма қолдиқ гуруҳ ичидаги операция содир бўлмагандаги қолдиқ билан бир хил эканлигига эътибор қаратинг. Мазкур мисолда даромад (фойда) солиғи ҳисобга олинмайди. Шунингдек, мазкур оддий мисолдаги сотиш бўйича операцияларнинг 31 декабрда содир бўлгани ва натижада шуъба хўжалик уюшмасининг мазкур актив бўйича ҳеч қандай эскиришни акс эттирмаганлигига эътибор қаратинг.

Агар шуъба хўжалик уюшмаси бош банк томонидан ҳарид қилинган асосий восита бўйича қандайдир эскиришни ҳисоблаб чиққан бўлса, у ҳолда жамланаётган гуруҳ ичида ҳарид қилинган ва сотилган актив билан боғлиқ эскириш суммасини тўғрилаш лозим бўлар эди.

Актив бўйича ҳисобланган эскиришни чиқариш бўйича ўтказма. Мазкур мисолда қуйидагиларни фараз қиламиз:

а) 2012 йилнинг 31 декабрь ҳолати бўйича бош банк 85.000 сўмлик баланс қийматига эга асосий воситаларни ўзининг шуъба хўжалик уюшмасига 100.000 сўмга сотди ҳамда активларни сотишдан олинган 15.000 сўм миқдоридаги фойдани акс эттирди;

б) бошқа танлов ҳисобварақларидаги қолдиқлар билан бир қаторда бош банк ва шуъба хўжалик уюшмасининг тақсимланмаган фойдаси юқорида 2013 йилнинг 31 декабрь ҳолатида кўрсатилган;

в) 2012 йилнинг 31 декабрида содир бўлган активларнинг сотилишига қадар бўлган муддат давомида бош банк мазкур активга нисбатан амортизациянинг тўғри чизиқли услубидан фойдаланди, йил давомидаги эскириш 12.000 сўмни ташкил этди;

г) шуъба хўжалик уюшмаси томонидан ҳисоблаб чиқилган активлар бўйича эскириш 2013 йил учун 20.000 сўмни ташкил этди;

д) 2013 йилда гуруҳ ичида ҳеч қандай операциялар амалга оширилмади, 31/12/04 бўйича гуруҳ ичида тўлов ёки олиш ҳисобварақларида ҳеч бир қолдиқлар мавжуд эмас.

38-жадвал

Жамланма молиявий ҳисоботда бош банк ва унинг хўжалик уюшмаси ўртасидаги ҳарид қилинган асосий восита бўйича эскириш ҳисоб-китоби

	Бош банк	Шуъба хўжалик уюшмаси	Чиқариш бўйича ўтказмалар	Жамланган қолдиқлар
Асосий воситалар		100.000	1) 15.000	85.000
Жамланган эскириш		(20 000)	2) 8.000	12.000
Тақсимланмаган фойда	200 000	80 000	1)15.000	265.000
Эскириш ҳаражатлари		20.000	2) 8.000	12.000

Чиқариш бўйича ўтказмалар:

а) асосий воситалар ҳисобварағидаги қолдиқни тўғрилиги ва 2000 йилда акс эттирилган тақсимланмаган фойда ҳисобварағидан фойда суммасини чиқариш. Мазкур мисол даромад (фойда) солиғининг таъсирини ҳисобга олмайди.

Дт - Тақсимланмаган фойда 15.000

Кт Асосий воситалар 15.000

б) активларнинг гуруҳ ичидаги сотилишининг таъсирини бартараф этиш мақсадида йиғилган эскириш ва эскириш ҳаражатларини тўғрилаш.

Дт Жамланган эскириш 8.000

Кт - Эскириш ҳаражатлари 8.000

Чиқариш бўйича проводкалар на бош банк, на шуъба хўжалик уюшмасининг бухгалтерия ёзувларида қайд этилмайди. Улар жамланма молиявий ҳисоботни тузиш жараёнида фойдаланиладиган ишчи жадвалга киритилган. Чиқариш бўйича проводкаларни амалга оширилганидан сўнг 2013 йил учун асосий воситалар ҳисобварақларидаги жамланма қолдиқлар, жамланган эскириш, тақсимланмаган фойда ва зарарлар гуруҳ ичида содир бўлмагандагилар билан бир эканлигига эътибор қаратинг.

39-жадвал

Бош банкнинг баланс ҳисоботи

Пул маблағлари	1.500.000		Депозитлар	12.100.000
Олинадиган соф кредитлар	12.200.000		Жорий мажбуриятлар	900.000
Шуъба банкидан олинадиган ҳисобварақлар	200.000		Узоқ муддатли мажбуриятлар	5.100.000
Шуъба банкига инвестиция	1.400.000			
Асосий воситалар	7.000.000			
ЖАМИ: Активлар	22.300.000		ЖАМИ: Мажбуриятлар	18.100.000

			Оддий акциялар	1.500.000
			Тақсимланмаган фойда	2.700.000
			Жами: Капитал	4.200.000
			ЖАМИ: Мажбуриятлар ва капитал	22.300.000

Бош банкка бутунлай тегишли бўлган шуъба хўжалик уюшмасини жамлаш. Бош банк шуъба банкига тўлиқ эгалик қилади.

40-жадвал

Шуъба банкининг баланс ҳисоботи

Пул маблағлари	600.000		Депозитлар	2.000.000
Олинадиган соф кредитлар	3.000.000		Бош банкка тўланадиган ҳисобварақлар	200.000
Асосий воситалар	700.000		Жорий мажбуриятлар	250.000
			Узоқ муддатли мажбуриятлар	450.000
ЖАМИ: Активлар	4.300.000		ЖАМИ: Мажбуриятлар	2.900.000
			Оддий акциялар	1.000.000
			Тақсимланмаган фойда	400.000
			Жами: Капитал	1.400.000
			ЖАМИ: Мажбуриятлар ва капитал	4.300.000

41-жадвал

Жамланма баланс ҳисоботи ва чиқариш бўйича ўтказмаларни жамлаш бўйича ишчи жадвал

	Бош банк	Шуъба банки	Чиқариш бўйича ўтказмалар	Жамланган қолдиқлар
Пул маблағлари	1.500.000	600.000		2.100.000
Олинадиган соф кредитлар	12.200.000	3.000.000		15.200.000
Шуъба банкидан олинадиган ҳисобварақлар	200.000		2) 200.000	
Шуъба банкига инвестиция	1.400.000		1) 1.400.000	
Асосий воситалар	7.000.000	700.000		7.700.000
ЖАМИ: Активлар	22.300.000	4.300.000		25.000.000
Депозитлар	12.100.000	2.000.000		14.100.000
Бош банкка тўланадиган ҳисобварақлар		200.000	2) 200.000	
Жорий мажбуриятлар	900.000	250.000		1.150.000
Узоқ муддатли мажбуриятлар	5.100.000	450.000		5.550.000
Жами: Мажбуриятлар	18.100.000	2.900.000		20.800.000
Оддий акциялар	1.500.000	1.000.000	1) 1.000.000	1.500.000
Тақсимланмаган фойда	2.700.000	400.000	1) 400.000	2.700.000
Жами: Капитал	4.200.000	1.400.000		4.200.000

ЖАМИ капитал	Мажбуриятлар ва	22 300 000	4.300.000		25.000.000

Чиқариш бўйича ўтказмалар:

а) шуъба банкига инвестициялар ҳисобварағидаги қолдиқлар чиқарилади

Дт - Оддий акциялар	1.000.000	
Дт - Тақсимланмаган фойда	400.000	
Кт - Шуъба банкига инвестициялар		1.140.000

б) тўланадиган ва олинадиган гуруҳ ичидаги ҳисобварақлар чиқарилади

Дт - Бош банкка тўланадиган ҳисобварақлар	200.000	
Кт - Шуъба банкидан олинадиган ҳисобварақлар		200.000

Бош банк ва озчилик улушига тегишли бўлган фойда ёки зарарлар ҳамда капитал ўзгаришларидаги мутаносиб улушларни аниқлашда салоҳиятли овоз ҳуқуқидан иборат бўлган воситаларнинг эҳтимолли ижроси ёки конвертирланиши эътиборга олинмайди, балки эгалик қилишдаги ҳозирги улушлардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Гуруҳ ичидаги қолдиқлар ва бош банк ҳамда шуъба хўжалик уюшмаси ўртасидаги ёки шуъба хўжаликлари ўртасидаги операциялар, шу жумладан, даромадлар, ҳаражатлар ва дивидендлар бутунлай чиқарилиши лозим. Шунингдек, товар-моддий захиралари ва асосий воситалар каби активлар билан боғлиқ гуруҳ ичидаги операциялардан келиб чиқадиган фойда ёки зарарлар ҳам бутунлай чиқарилади. Гуруҳ ичидаги зарарлар жамланма ҳисоботда акс этиши талаб қилинган эҳтимолли қадрсизланишини кўрсатиш мумкин.

Инвесторлар (ёки унинг жамланма шуъба хўжалик уюшмалари) ва боғлиқ хўжалик уюшмаси (ёки қўшма корхона) ўртасидаги "пастдан юқорига" ва "юқоридан пастга" операциялари натижасида юзага келган фойда ва зарар инвесторларнинг молиявий ҳисоботида мазкур боғлиқ хўжалик уюшмаси (қўшма корхона)нинг боғлиқ бўлмаган инвесторларига тегишли улуши доирасида акс этади. Масалан, "пастдан юқорига" операцияси активларнинг боғлиқ хўжалик уюшмаси (ёки қўшма корхона) томонидан инвесторга сотилишини ифодалайди. Масалан, "юқоридан пастга" операцияси активларнинг инвестор томонидан боғлиқ хўжалик уюшмасига сотилишини ифодалайди. Бундай

операциялар натижасида юзага келадиган боғлиқ хўжалик уюшмаси (ёки қўшма корхона)нинг фойда ва зарарларидаги инвесторнинг улуши чиқарилади.

Озчилик улуши жамланма баланс ҳисоботининг капитал бўлимида бош банкнинг акциядорлик капиталидан алоҳида равишда тақдим этилиши, шунингдек, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида ёритилиши лозим.

Озчилик улуши шуъба хўжалик уюшмасининг 100%дан камига эгалик қилувчи бош банк томонидан ҳисоботларни тузишда фақат жамланма молиявий ҳисоботда акс эттирилади. Соф фойда (зарар) бош банк акциядорларининг улуши ва озчилик улушига тақсимланади.

Жамланаётган шуъба хўжалик уюшмасидаги озчилнк улушига тегишли зарарлар мутлақ ифодасида шуъба хўжалик уюшмасининг капиталидаги озчилик улушидан ошиши мумкин. Озчиликка тегишли ошиш ҳамда ҳар қандай кейинги зарарлар суммаси озчиликнинг мазкур зарарларни қоплаш мақсадида қўшимча инвесторларни киритиш мажбурияти ва имкониятига эгалиги доирасидан мустасно ҳолда кўпчиликнинг улушига тақсимланади. Агар шуъба хўжалик уюшмаси натижасида фойдани акс эттираётган бўлса, олдинроқ уларга тегишли бўлган озчилик зарарларининг улуши қопланмас экан, бундай фойда кўпчилик улушига тақсимланади.

Агар шуъба хўжалик уюшмаси муомалада озчилик улушига тегишли ҳамда капитал сифатида таснифланган кумулятив имтиёзли акцияларга эга бўлса, у ҳолда бош банк дивидендларнинг эълон қилинганлиги ёки эълон қилинмаганлигидан қатъи назар, бундай акциялар бўйича дивидендлар суммасига тузатишлар киритилганидан сўнг ўзининг фойда ва зарарлардаги улушини ҳисоблайди.

Қуйидаги ёритишлар жамланма молиявий ҳисоботда амалга оширилиши лозим:

1) бош банк бевосита ёки билвосита ўзининг шуъба хўжалик уюшмалари орқали овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг ярмидан кўпига эгалик қилмагандаги бош банк ҳамда шуъба хўжалик уюшмаси ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характери;

2) салоҳиятли овоз ҳуқуқидан иборат воситалар ёки овоз ҳуқуқига эга акцияларнинг ярмидан кўпига бевосита ёки ўзининг шуъба хўжалик уюшмаси орқали билвосита эгалик қилиши, нима

учун инвестициялар объекти устидан назорат қилишга олиб келмаслигининг сабаблари;

3) жамланма молиявий ҳисоботни тузиш учун шуъба хўжалик уюшмаси молиявий ҳисоботидан фондаланилганда, мазкур молиявий ҳисоботнинг ҳисобот санаси ҳамда ушбу молиявий ҳисобот бош банкнинг ҳисобот санасидан фарқ қилувчи сана ёки даврда тузилганлиги ва бошқа ҳисобот санаси ёки давридан фойдаланишнинг сабаблари.

4) шуъба хўжалик уюшмаларининг маблағлари бош банкка пул дивидендлари кўринишида ёки кредитлар ёки бўнакларни тўлаш учун ўтказиш имкониятига нисбатан ҳар қандай муҳим чекловлар (масалан, қарз келишувлари натижасида юзага келадиган ёки тартибга солувчи талаблар)нинг характери ва миқдори.

Турли ҳисоб тизимларида у ёки бу умумлаштириш методларини қўллаш натижаларини белгилашга ўзига хос ёндошувлар мавжуддир. Натижада, турли давлатларда, ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини умумлаштиришнинг турли методлари консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш методлари сифатида тан олинмокда. Шу нуқтаи назардан, турли ҳисоб тизимларини қараб чиқишда молиявий ҳисобот номланишига эмас, балки олинган информациянинг сифат характеристикаларига эътибор бериш лозим.

XV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

15.1. Банкларни солиққа тортишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Республикамизда солиқлар ва йиғимларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатлар солиқ кодекси асосида тартибга солинади. Солиқлар ва йиғимлар солиқ кодекси билан белгиланади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Солиқ солиш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар солиқ кодекси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Солиқ солиш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат айрим ҳолларда солиқ Кодексига мувофиқ эмас деб топилади, жумладан қуйидаги ҳолатларда:

солиқ кодексига мувофиқ ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса;

солиқ муносабатлари субъектларининг солиқ кодексида назарда тутилган ҳуқуқларини бекор қилса ёки чекласа;

солиқ муносабатлари субъектлари ҳаракатларининг ушбу Кодексда белгиланган асосларини, шартларини, кетма-кетлигини ёки тартибини ўзгартирса;

солиқ кодексида тақиқланган ҳаракатларга рухсат берса ёки йўл қўйса;

солиқ кодексининг нормаларига ёки қоидаларининг мазмунига бошқача тарзда зид бўлса.

Солиқ кодексига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органлари мазкур ҳужжатни бекор қилишга ёки унга зарур ўзгартишлар киритишга ҳақли. Бу органлар солиқ кодексига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилишни ёки унга зарур ўзгартишлар киритишни рад этган тақдирда, бу ҳужжат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Солиқ қонунчилига кўра солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Айрим истисно ҳоллардан ташқари ҳолатларда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади. Яъни, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга ҳисобланади.

Солиқлар ва йиғимларни бекор қилишни, солиқлар ва йиғимлар ставкаларини камайтиришни, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бекор қилишни ёки уларнинг аҳволини бошқача тарзда енгиллаштиришни назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар бу солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Янги солиқлар ва йиғимлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан камида уч ой ўтгач, амалга киритилади. Солиқлар ва йиғимларнинг ставкалари ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий эълон қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга киритилади.

Тижорат банклари солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахслар ҳисобланиб, ўз фаолияти бўйича солиқ тўловчи ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида зиммасига солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилганлиги боис, солиқ агентлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

қўшилган қиймат солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

мол-мулк солиғи;
ер солиғи;
давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар:
ижтимоий солиқ.

Тижорат банклари томонидан ҳар бир тўланадиган солиқ турлари бўйича солиқ ҳисоботи топширилади. Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжати бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади. Солиқ ҳисоботи қоғозда ва (ёки) электрон ҳужжатга доир талабларга риоя этилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида тузилади.

Тижорат банклари учун фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган база «Фойда ва зарарлар тўғрисида»ги ҳисоботга мувофиқ жами даромадлар билан ҳаражатлар ўртасидаги фарқ сифатида, Солиқ кодексида белгиланган чегирилмайдиган ҳаражатларни қайта қўшган ҳолда, Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлрида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар ҳамда Солиқ Кодексига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши суммалари инобатга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади. Солиқ солиш мақсадида асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда илгари қайта баҳоланган асосий воситаларнинг ҳамда бошқа мол-мулкнинг нархини ошириш суммасининг ушбу асосий воситаларни ва бошқа мол-мулкни олдинги нархни пасайтириш суммасидан ортиқ суммалари асосий воситалар ҳамда бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

Тижорат банклари томонидан тўлайдиган фойда солиғи, солиқ солинадиган базага нисбатан Солиқ кодексининг 337-моддасида белгиланган ставкада амалга оширилади. Банклар томонидан фойда солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан

кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади. Банклар фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун жорий ҳисобот даври (йилнинг чораги) биринчи ойининг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Фойда солиғи базасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган ҳаражатлар жумласига қуйидагилар киради:

қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан белгиланган моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан, улар мавжуд бўлмаганда эса, солиқ тўловчи томонидан белгиланган нормалардан ортиқча товарлар йўқолиши;

умумий овқатланиш корхоналарига ёки бошқа ташкилотларга жойларни текин бериш ҳаражатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматларнинг қийматини тўлаш;

солиқ тўловчининг солиқ кодексининг 376-моддасида назарда тутилган, жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланган ҳаражатлари;

дала (сафар) таъминоти, ходимнинг шахсий автотранспортидан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўловлар;

пенсияларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

солиқ кодекси 377-моддаси биринчи қисми 10-бандининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган моддий ёрдам;

хайрия ёрдами тарзида берилган маблағлар, бундан меценатлик кўмагини кўрсатиш учун йўналтирилган маблағлар мустасно;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалардан ортиқча тарзда атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндилар жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари;

лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этишга доир ҳаражатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш)

ҳаражатлари ҳамда ушбу ҳаражатларнинг ўрнини камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан қоплаш имкони бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш ҳаражатлар;

айбдорлари аниқланмаган талон-тарож қилишлар ва камомадлардан ёки айбдор тараф ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш имкони бўлмаган тақдирда кўрилган зарарлар;

бошқа шахслар учун тўланган солиқлар;

солиқ текширувлари натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар;

солиқ тўловчининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга (соғлиқни сақлашга оид, спорт ва маданий тадбирлар, дам олишни ташкил этиш ҳамда бошқа шунга ўхшаш тадбирларга) доир ҳаражатлари, бундан тадбирларни ўтказишга доир мажбуриятлар қонун ҳужжатлари билан солиқ тўловчининг зиммасига юклатилган ҳоллар мустасно;

касаба уюшмалари қўмиталарига ёрдам кўрсатиш;

маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган хизматлар (шаҳарларни ва шаҳарчаларни ободонлаштириш бўйича хизматлар, қишлоқ хўжалигига ёрдамлашиш ва хизматларнинг бошқа турлари) кўрсатганлик учун қилинган ҳаражатлар;

ҳақиқатда хизматлар кўрсатмасдан, товарларни жўнатмасдан туриб амалга оширилган операциялар бўйича ҳаражатлар, агар бундай факт суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган ва унда ушбу ҳаражатларни амалга оширган солиқ тўловчининг номи кўрсатилган бўлса;

даромад олишга қаратилган фаолият билан боғлиқ бўлмаган ҳаражатлар, агар қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ҳаражатларни амалга ошириш мажбурияти солиқ тўловчининг зиммасига юклатилмаган бўлса;

бюджет тизимига киритилиши лозим бўлган (киритилган) пенялар, жарималар ва бошқа санкциялар;

сотиб олишга, ишлаб чиқаришга, қурилишга, монтаж қилишга, ўрнатишга доир ва амортизация қилинадиган активларнинг қийматига қўшиладиган бошқа ҳаражатлар, шу жумладан қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш

ҳолларида амалга оширилади, амортизация чегирмалари воситасидаги ҳаражатлар жумласига киритиладиган ҳаражатлар;

солиқ тўловчининг амортизация қилинмайдиган мол-мулкнинг бошланғич қийматига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритиладиган ҳаражатлари;

солиқ кодексида чегирмалар жумласига киритиш нормалари белгиланган ҳаражатларнинг мазкур нормалар қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган чегирманинг энг юқори суммасидан ортиқ бўлган сумма;

қонун ҳужжатлари талабларида назарда тутилмаган захираларга, захира фондлари ва бошқа фондларга ажратмалар, бундан солиқ кодексида келтирилган, захира фондларини шакллантириш ҳаражатлари (315-модда), Кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш юзасидан келгуси ҳаражатлар учун захирани шакллантириш ҳаражатлари(316-модда) ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларида қимматли қоғозларнинг қадрсизланиш захираларини шакллантириш ҳаражатлари (326-модда) ларида назарда тутилган нормалар доирасидаги ҳаражатлар мустасно;

солиқ тўловчи томонидан ҳисобланган дивидендлар суммалари;

солиқ тўловчи томонидан бошқа шахсларнинг фойдасига тўланадиган ихтиёрий суғурта бадаллари;

солиқ тўловчи томонидан солиқ кодексига мувофиқ солиқ солиш мақсадларида ҳаражатлар деб эътироф этиладиган ҳаражатларнинг суммасидан ортиқча ҳисобланган фоизлар ва айрим чиқимлар;

текин берилган мол-мулкнинг (хизматларнинг) қиймати ва бундай бериш билан боғлиқ бўлган (шу жумладан қўшилган қиймат солиғи суммаси киритилган) ҳаражатлар, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра мол-мулкни ўтказиш, шунингдек телекоммуникация тармоқларидаги тезкор-қидирув тизимининг техник воситаларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш мустасно;

ишончли бошқарув муассисининг ишончли бошқарув шартномасини бажариш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлари, агар

ишончли бошқарув шартномасига кўра муассис наф олувчи бўлмаса;

нотижорат ташкилотларига ва халқаро ташкилотларга тўланадиган бадаллар, йиғимлар ва бошқа тўловлар, бундан бундай бадалларни, йиғимларни ва бошқа тўловларни тўлаш қонун ҳужжатларида (шу жумладан чет давлатларнинг қонун ҳужжатларида) назарда тутилган ва (ёки) ушбу бадалларни, йиғимларни ва бошқа тўловларни тўлаган солиқ тўловчилар томонидан фаолиятни амалга оширишнинг шарти ёхуд мазкур ташкилотлар томонидан солиқ тўловчилар ўз фаолиятини юритиши учун зарур хизматлар тақдим этишнинг шарти бўлган ҳоллар мустасно;

солиқ тўловчи томонидан ташкил этилган захира маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳаражатлар, агар бундай захираларни ташкил этишга доир ҳаражатлар солиқ кодексида ёки бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чегирмалар жумласига киритилган бўлса;

мол-мулк нархининг пасайиш (қадрсизланиш) суммалари;

оддий ширкат шартномаси доирасида шериклар (иштирокчилар) томонидан шартнома шерикларининг (иштирокчиларининг) умумий мулкдаги улушни қайтариш ёки бундай мол-мулкни бўлиш чоғида кўрилган зарарлар;

солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи иштирокчиси томонидан ушбу гуруҳнинг масъул иштирокчисига солиқни (бўнак тўловларини, жорий тўловларни, пеняларни, жарималарни) солиқ кодексида солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи учун белгиланган тартибда тўлаш учун берилган пул маблағлари, шунингдек солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчиси томонидан шу гуруҳнинг иштирокчисига ушбу солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳи бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ (бўнак тўловлари, жорий тўловлар, пенялар, жарималар) суммаси аниқлаштирилиши муносабати билан берилган пул маблағлари;

товар-моддий қимматликларни яроқсизлиги сабабли (сақлаш муддати ўтганлиги, жисмоний ва (ёки) маънавий эскирганлиги, шунга ўхшаш бошқа сабабларга кўра) ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, бундан фавқулодда ҳолатлар (табиий офат, ёнғин, авария, йўл-транспорт ҳодисаси ва ҳоказолар) оқибатида кўрилган зарарлар мустасно);

муддати ўтган ва кечиктирилган кредитлар (қарзлар) бўйича муддатли қарз учун кредит шартномасида назарда тутилган ставкалардан ортиқча фоизлар;

хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пенялар ва санкцияларнинг бошқа турлари.

15.2. Тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқлар ҳисоби

Тижорат банклари фойда солиғи ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органларига қонунчиликда белгиланган шакл бўйича тақдим этадилар. Ҳисоб-китобга 02041S-сон шаклдаги "Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот" илова қилиниши лозим.

Фойда солиғи ҳар ойда ҳаражатларга ўтказилади. Фойда солиғини ҳисоблашда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 56902 "Даромад солиғини баҳолаш";

Кредит 22502 "Ҳисобланган фойда солиғи - тўланадиган".

Ҳисобот чораги тугагандан кейин, 22502-ҳисобварақдаги фойда солиғининг ҳақиқий суммаси ҳисобидан ҳисобот чораги мобайнида 19931-ҳисобварақдан тўлаб келинган фойда солиғи тахминий суммаси қопланиб, ўртадаги ижобий фарқ (фойда солиғи ҳақиқий суммаси тахмин қилингандан ортиқча бўлганда) бюджетга тўлаб берилади, салбий фарқ (фойда солиғи ҳақиқий суммаси тахмин қилингандан кам бўлганда) эса, 19931-ҳисобварақда фойда солиғи бўйича ортиқча тўлов суммаси сифатида қолади. Ушбу ортиқча тўлов суммасини кейинги чоракларда фойда солиғи ва бошқа солиқлар бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ суммалари ҳисобига ҳисобга олиш ёки қайтариш бўйича чоралар кўрилиши лозим.

Фойда солиғининг ҳақиқий суммаси ҳисобидан ҳисобот чораги мобайнида тўлаб келинган фойда солиғи тахминий суммаси қопланганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 22502 "Ҳисобланган фойда солиғи - тўланадиган";

Кредит 19931 "Муддати узайтирилган солиқлар".

Фойда солиғининг ҳақиқий суммаси билан тахмин қилинган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ суммаси бюджетга тўланганда:

Дебет 22502 "Ҳисобланган фойда солиғи - тўланадиган";

Кредит 23402-"Республика бюджетининг маблағлари – ягона газна ҳисобвараги".

Тижорат банкларида қўшилган қиймат солиғи учун солиқ солиш объекти булиб, қонунчиликка мувофиқ, қўшилган қиймат солиғи солинадиган айланмалар ҳисобланади.Товарлар, хизматлар(ишлар)ни сотиш бўйича солиқ солиш объектининг миқдори сотилган товарлар, кўрсатилган хизматлар(ишлар) қиймати асосида, шартномада акс эттирилган қўлланилган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан белгиланади.

Қўшилган киймат солиғидан озод килинадиган молиявий хизматлар жумласига қуйидагилар киради:

1) банк операциялари, хусусан:

юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини омонатларга жалб этиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг жалб этилган пул маблағларини банклар номидан ҳамда уларнинг ҳисобидан жойлаштириш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банк карталари бўйича ҳисоб-китоблар учун хизмат қилувчи банк ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш, шунингдек банк карталарига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг топшириғига кўра уларнинг банк ҳисобварақлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

юридик ва жисмоний шахсларга касса хизматларини банк кассалари ёки махсус асбоб-ускуналар (банкомат, автоматик депозит машиналар ва ҳоказо) орқали кўрсатиш;

чет эл валютасининг нақд пулдаги ва нақд пулсиз олди-сотдиси

(шу жумладан чет эл валютасининг олди-сотди операцияларига доир воситачилик хизматлари кўрсатиш);

банк кафолатларини бажариш (банк кафолатини бериш ва бекор қилиш, бундай кафолат шартларини тасдиқлаш ва ўзгартириш, банк кафолати бўйича тўлов, бундай кафолатга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ва текшириш);

мажбуриятларнинг пул шаклида бажарилишини назарда тутувчи учинчи шахслар учун кафиллик бериш;

аккредитивларни очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

тўлов тизимлари, дастурларидан ва ускуналардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш;

2) ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ахборот ва технологик ҳамкорликни, шу жумладан ҳисоб-китоблар иштирокчиларига банк карталари билан амалга ошириладиган операциялар бўйича ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш ва уни тақдим этиш юзасидан хизматлар кўрсатилишини таъминловчи ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган операциялар;

3) юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини, кооперативларнинг пай фондларидаги ва инвестиция пай жамғармаларидаги пайларни, қимматли қоғозларни ҳамда ҳосила молиявий воситаларни реализация қилиш, бундан солиқ солиниши лозим бўлган ҳосила молиявий воситаларнинг асос активини реализация қилиш мустасно. Ушбу бўлим мақсадларида ҳосила молиявий воситани реализация қилиш деганда унинг асос активини реализация қилиш, шунингдек контракт бўйича мукофотлар суммаларини, вариацияга онд маржа суммаларини тўлаш, ҳосила молиявий воситалар шартларига мувофиқ асос актив тўлови бўлмаган ҳосила молиявий восита тарафларининг бошқа даврий ёки бир марталик тўловлари тушунилади;

4) реализация қилиниши солиқ кодексига биноан солиқ солишдан озод этиладиган ҳосила молиявий воситалар асосида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқлардан (талаблардан) бошқа шахс фойдасига воз кечиш (уларни бошқаларга бериш);

5) форфейтинг ва факторинг операциялари;

6) заёмларни пул шаклида беришга доир шартномалардан ва (ёки) кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юзасидан кредиторнинг ҳуқуқларидан (талабларидан) бошқа шахс фойдасига воз кечиш (уларни бошқаларга бериш, олиш) бўйича, шунингдек бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси асосида дастлабки шартнома юзасидан қарз олувчининг ҳар бир янги кредитор олдидаги мажбуриятларининг бажарилишга доир операциялар;

7) кредитларни, заёмларни пул шаклида ва қимматли қоғозлар билан бериш, шу жумладан улар бўйича фоизлар билан бирга бериш, шунингдек РЕПО операциялари, шу жумладан РЕПО операциялари бўйича қимматли қоғозлар берилганлиги учун тўланиши лозим бўлган пул суммалари;

8) мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) беришга доир хизматларнинг ушбу хизматлар бўйича фоизли даромадлар олишга тааллуқли қисми бўйича;

9) қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда уларнинг реестрини юритиш, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар киради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

10) транзакцияларни бир вақтнинг ўзида тўлов иштирокчилари ўртасида воситачилик ҳақларини тақсимлаган ҳолда амалга ошириш билан боғлиқ тўлов тизимларининг молия хизматлари.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби 22504-"Ҳисобланган бошқа солиқлар" баланс ҳисобварағида ("Қўшилган қиймат солиғи") алоҳида шахсий ҳисобваракда юритилади.

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш ҳар ойда кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Тижорат банкларида мол-мулк солиғини ҳисоблашда солиқ солиш объекти бўлиб кўчмас мулк, тугалланмаган қурилиш объектлари, белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар ҳисобланади. Тижорат банкларида мол-мулк солиғи солинадиган база қуйидагилардир:

кўчмас мулк объектлари бўйича – ўртача йиллик қолдиқ қиймати.

Кўчмас мулкнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация миқдори ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Бунда тўлиқ амортизация қилинган бино бўйича унинг уч йилда камида бир марта аниқланадиган қайта баҳоланган (бозор) қиймати солиқ базасидир;

2) қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича – тугалланмаган қурилишнинг ўртача йиллик қиймати;

Ўртача йиллик қолдиқ қийматни ҳисоблашда шунга эътибор бериш лозимки, солиқ солиш объектига 16509-ҳисобварақ ва 16700-ҳисобварақдаги банкнинг ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бошқа кўчмас мулклари қолдиқлари, шунингдек, меъёрий (белгиланган) муддатларда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қиймати (16561-ҳисобварақ) ва белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти қиймати (16505-ҳисобварақ) киради.

Мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра мол-мулкнинг қолдиқ қийматларини қўшишдан олинган суммани 12 ойга бўлиш йўли билан аниқланиб, сўнгра олинган натижа мол-мулк солиғининг белгиланган ставкасига кўпайтирилади.

Мол-мулк солиғи ҳисобот давридаги ойма-ой ҳар ойда амалиёт ҳаражатларда ҳисобга олинади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 56714 "Солиқлар (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар";

Кредит 22504 "Ҳисобланган бошқа солиқлар - мол-мулк солиғи".

Солиқ даври мобайнида филиаллар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктирмай тахмин қилинаётган йиллик солиқ суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида жорий тўловлар тўлайдилар. Жорий тўловларни тўлашда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 19931 "Муддати узайтирилган солиқлар - мол-мулк солиғи";

Кредит 23402-"Республика бюджетининг маблағлари – ягона ғазна ҳисобварағи".

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун филиаллар жорий солиқ давринининг 10 январигача, янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай, давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача

йиллик қолдиқ қийматидан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даврида юзага келган филиаллар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай тақдим этадилар.

Бўнак тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун тижорат банклари жорий солиқ даврининг 10 январигача, янги ташкил қилинганлари эса, давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай солиқ органларига мўлжалланаётган солиқ базасидан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматидан) ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади. Солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даври мобайнида юзага келган тижорат банклари солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этади.

Мол-мулкга солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Агар кўчмас мулк солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида жойлашмаган бўлса, ҳисоб-китоб кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

Тижорат банклари мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдилар. Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида филиалларда бўлган ер участкалари солиқ солиш объектидир. Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони

камайтирилган тақдирда, солиқ, солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Филиалларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади). Ер участкаларини банкнинг эгалигига ўтиши ер кадастрини юритаётган органларда рўйхатга олиш билан тасдиқланади, бу ерда рўйхатга олиш билан бирга бино ва иншоотларни жойлашиши режаси билан унинг ўлчами (майдони) кўрсатилган ер участкасига ер кадастри берилади. Бинонинг ҳужжати (Паспорти) ва Ерга эгалик ҳужжати (Кадастр) 1 сўм баҳода балансдан ташқари 93609-ҳисобварақда (контр ҳисобварағи 96379) ҳисобга олинади ва ҳар йили инвентаризациядан ўтказилади. Эгалланган ер участкаси чегаралари ўзгарганда ёки янги бино қурилганда тегишли органларда қайта рўйхатдан ўтказилади.

Филиаллар томонидан ер солиғи ҳар бир солиқ даври (календарь йили)нинг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 10 январига қадар тақдим этилади. Солиқ солинадиган базада (ҳисобланган солиқ суммасида) солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда филиаллар бир ойлик муддат ичида давлат солиқ хизмати органига ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этиши шарт. Ер солиғини тўлаш, филиаллар томонидан ер солиғи йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида, ҳар ойнинг 10-санасигача амалга оширилади. Солиқ даври мобайнида ер солиғи тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади. Ер солиғи солиқ тўловчининг жойлашган жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади. Ер солиғи давлат бюджети параметрларига мувофиқ ҳар йил бошига тасдиқланадиган ставкадан келиб чиқиб тўланади. Ер солиғини ҳар ойда ҳисоблашда ва тўлашда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 56714 "Солиқлар (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар";

Кредит 22504 "Ҳисобланган бошқа солиқлар - тўланадиган".

Дебет 22504 "Ҳисобланган бошқа солиқлар - тўланадиган";

Кредит 23402-"Республика бюджетининг маблағлари – ягона газна ҳисобвараги".

Тижорат банклари филиаллари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар ҳисобланади. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади. Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан ёки маълумотларнинг туғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқданади. Филиаллар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритади. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади.

Давлат солиқ хизмати органларидан, филиаллар томонидан ҳар йили 20 январга қадар фойдаланиладиган ер ости ва ер усти манбаларидан олинадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумот олинади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ давлат бюджети параметрларига мувофиқ ҳар йил бошига тасдиқланадиган ставкадан келиб чиқиб тўланади.

Банк филиаллари жорий йил учун 25 январгача жойидаги давлат солиқ хизмати органларига сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли бўйича мулжалланаётган солиқ солинадиган базадан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий йилда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишлари лозим. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига кейинги йилнинг 15

февралидан кечиктирмай тақдим этилади. Солиқ бўйича ҳисоблаб чикарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади:

Сув ресурсларидан фойдаланганлик йил давомида тўланган жорий тўловлар йиғиндиси тақдим этилган солиқнинг ҳисоб-китоби бўйича ҳақиқий солиқ суммасидан кам бўлса, қўшимча тўланадиган солиқ суммаси кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай тўланиши лозим.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловлар 19931-ҳисобрақам орқали ҳар чорак учун амалга оширилади ҳамда ҳар ойда тегишли Сув таъминоти корхоналарига тақдим этилган ҳисоботлардаги кўрсатилган ҳисоблагич кўрсатгичларига мувофиқ равишда, ҳаражатга олиб борилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Тижорат банклари ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлари ижтимоий солиқнинг солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ижтимоий солиқни тўлаш ҳар ойда, ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади. Ижтимоий солиқнинг ҳаражат ҳисобварағи баланснинг 56114-«Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар» ҳисобварағида ва бюджет ташқари жамғарма билан ҳисоб-китоблар бўйича 22510-«Нафақа (пенсия) фонди билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида алоҳида субҳисобварақ очган ҳолда юритилади.

Дебет 56114 "Ижтимоий суғурта бўйича бадаллар";

Кредит 22510 "Нафақа (пенсия) фонди билан ҳисоб-китоблар".

Амалда тўланганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

Дебет 22510 "Нафақа (пенсия) фонди билан ҳисоб-китоблар";

Кредит 23402 «Республика бюджетининг маблағлари – ягона ғазна ҳисобварағи» солиқнинг тегишли ҳисобварағи.

Тижорат банклари ҳам бошқа юридик шахслар каби жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбуриятини олади.

Жисмоний шахсларнинг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидаги даромадлар киради:

1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

2) мулкий даромадлар;

3) моддий наф тарзидаги даромадлар;

4) бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга Солиқ кодексининг 371-моддасига асосан иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар киритилади, шу жумладан:

- банкнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги ички тартибига мувофиқ мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда бажарилган иш учун ходимларга ҳисобланган иш ҳақи, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация тўловлари, қонун ҳужжатларига асосан ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;
- илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар;
- предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўланган тўловлар;
- банк кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тўловлар.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига Солиқ кодексининг 375-моддасига мувофиқ қуйидагилар киради:

фоизлар;

дивидендлар;

мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

солиқ тўловчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар. Мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади. Мазкур қийматни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкни реализация қилиш қиймати, кўчмас мулк бўйича эса – кадастр қиймати ҳамда реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқ даромад деб эътироф этилади;

саноат мулки объектларига, селекция ютуғига оид патент (лицензия) эгаси бўлган солиқ тўловчининг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромади;

роялти;

ишончли бошқарувга берилган мол-мулк бўйича ишончли бошқарувчидан олинган даромад;

РЕПО операциялари бўйича даромад;

қимматли қоғозлар ва (ёки) муддатли битимларнинг ҳосила молиявий воситалари билан операциялар бўйича даромад;

чет эл компаниясининг фойда тарзидаги даромади;

оддий ширкат шартномасига (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага) мувофиқ иштирок этишдан олинган даромадлар;

мулкий хусусиятга эга бошқа даромадлар.

Меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахсга моддий наф тарзида даромад тўловчи солиқ агенти бўлмиш банк (ёки банк филиали), жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушлаб қолмасликка ҳақлидир. Бунда жисмоний шахс моддий наф тарзидаги даромад бўйича Солиқ кодексининг 189-моддасига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаши шарт.

Солиқ солинадиган база жисмоний шахсларнинг жами даромадидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахснинг даромадларига (бундан дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадлар мустасно) 12 фоизли ставка бўйича солиқ солинади. Ўзбекистон Республикасининг резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромадларга 5 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлмиш жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган даромадларига Солиқ кодексининг 182-моддасига асосан тўлов манбаида чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

- дивидендлар ва фоизларга - 10 фоиз;

- халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинадиган даромадларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) - 6 фоиз;

- меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича олинган даромадларга (юқорида кўрсатилмаган бошқа даромадларга) - 20 фоиз.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадлари шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда, лекин Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 26.12.2018 й.даги ПҚ-4086-сонли Қарори 24-иловасига мувофиқ белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Ушбу даромадларга тўлов манбаида 12% ставкада солиқ солинади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши учун жавобгарлик даромад тўлаётган солиқ агенти бўлмиш банк (банк филиаллари)нинг зиммасида бўлади. Мазкур солиқ суммасини ушлаб қолмаган банк (банк филиаллари) ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ пеняни бюджетга тўлаши лозим бўлади.

Солиқнинг ҳисобланган суммасини солиқ тўловчидан ушлаб қолиш, солиқ агенти солиқ тўловчига тўлаётган ҳар қандай пул маблағлари ҳисобидан, бу пул маблағлари солиқ тўловчига ёки унинг топшириғига биноан учинчи шахсларга тўланаётганда амалга оширилади.

Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш ушбу бўлимда белгиланган солиқ базаси ҳамда солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда, даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан эътиборан ҳар ойда ортиб борувчи якун билан солиқ тўловчининг иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа солиқ агентларидан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахсларнинг солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс йиллик жами даромади тўғрисида декларация топширганда солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги солиқ агентига дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, солиқ солиқ кодексила назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда ушлаб қолинади. Маълумотнома ва солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилган тақдирда, солиқ суммаси илгари асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инобатга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида солиқни ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан эътиборан илгариги ва янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилингандан кейин ходимга илгариги иш жойидан тўлов амалга оширилганда, бундай тўловлар солиқ кодексида назарда тутилган солиқ имтиёзлари қўлланилмаган ҳолда солиққа тортилади.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан солиқнинг якуний суммаси жами йиллик даромад тўғрисида тақдим этилган декларациянинг маълумотлари бўйича солиқ органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга банк томонидан жисмоний шасхларнинг пластик карталарига ёки омонат ҳисобварақларига даромад суммасини ўтказиш билан бир вақтда, бироқ ҳисоб-китобларни тақдим этиш муддатларидан кечиктирмай тўланади. Иш ҳақи бўйича ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) берилганда солиқни тўлаш амалга оширилмайди.

Солиқ органларига солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоблари банк филиаллари томонидан норматив ҳужжатларда белгиланган шаклларда топширилади.

Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча (кам) ҳисобланган суммаларга тузатиш киритиш тартиби.

Банк томонидан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча (кам) ҳисобланган суммалар фойда солиғи суммасининг ҳамда тегишли давр учун банк молиявий натижасининг ўзгаришига таъсир кўрсатади. I, II, III чораклар учун солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча (кам) ҳисобланган суммаларга банк томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тегишли ҳаражат ҳисобварағига (56114, 56714, 56902) тўғриловчи ўтказмалар бериш орқали тузатиш киритилади, шунингдек ушбу тузатишлар тегишли давр учун "Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот"нинг 560-сатри "Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда", 570-сатри "Фойда солиғи" ҳамда "Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)" суммаларининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Ҳисобот йили тугагундан сўнг IV чорак учун солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча (кам) ҳисобланган суммаларга банк томонидан 31206 "Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)" ҳисобварағига тўғриловчи ўтказмалар бериш

орқали тузатиш киритилади, шунингдек ушбу тузатишлар йиллик "Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот"нинг 560-сатри "Фойда солиғи тўлангунга қадар фойда", 570-сатри "Фойда солиғи" ҳамда "Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)" суммаларининг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Мисол учун банк "А" филиалининг 2018 йил учун йиллик молиявий кўрсаткичлари қуйидача бўлган:

- жами фоизли даромадлар – 16 000 000,0 минг сўм.
- жами фоизсиз даромадлар – 4 000 000,0 минг сўм.

жами даромадлар суммаси – 20 000 000,0 минг сўм

- жами фоизли ҳаражатлар – 10 000 000,0 минг сўм.
- жами фоизсиз ҳаражатлар – 1 200 000,0 минг сўм.
- операцион ҳаражатлар – 5 000 000,0 минг сўм.
- кўрилиши мумкин бўлган зарараларни баҳолаш суммаси – 500 000,0 минг сўм.

фойда солиғи тўлангунга қадар фойда суммаси – 3 300 000,0 минг сўм.

- чегирилмайдиган ҳаражатлар суммаси – 500 000,0 минг сўм.

фойда солиғи солинадиган база – 3 800 000,0 минг сўм.

- фойда солиғи суммаси – 836 000,0 минг сўм (3 800 000 х 22%).

ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) – 2 464 000,0 минг сўм.

2019 йил январь ойида банк томонидан тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлар қайта ҳисоб-китоб қилинганда, қуйидаги солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча (кам) ҳисобланган суммалар аниқланди:

42-жадвал

Банк томонидан тўланадиган солиқлар ва мажбурий тўловлари

Солиқлар ва мажбурий тўловлар	Сумма (минг сўм)		Ортиқча, кам ҳисоб-ланган сумма	Молия вий натижани кўпайтиришга	Молия вий натижани камайтиришга
	Баланс бўйича ҳақиқатда	Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланиши			
56714...001 – Мол-	20 500	20 800	-300	-	-300
56714...003 – Сув	300	250	+50	+50	
56714...004 – Ер	2 200	2 200	0	-	-
56714...110 –	560 000	558 850	+1150	+1150	-
56714...111 – Атроф	300	300	0	-	
56114...001 –	590 000	590 200	-200	0	-200
56905...001 – Фойда	836 000	836 154*	-154	-	-154
Жами	**1 173 300**	**1 172 600**		**+1200**	**-654**

**) Фойда солиғи суммаси ортиқча (кам) ҳисобланган солиқ суммаларига нисбатан ҳисоблаб чиқарилади (3800000+50+1150-300-200)х22% = 836154 минг сўм.*

Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча (кам) ҳисобланган суммаларга тузатиш киритиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

а) ортиқча ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловлар суммаларига:

Дебет: 22504 "Ҳисобланган бошқа солиқлар – сув солиғи" – 50 м.с.

Дебет: 22504 "Ҳисобланган бошқа солиқлар –ДМЖга мажбурий ажратма" – 1150 м.с.

Кредит: 31206 "Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)" – 1200 м.с.

Агарда 22504 "Ҳисобланган бошқа солиқлар" ҳисобварағида пул солиққа тўлаб юборилган бўлса, ортиқча тўланган солиқлар суммаси 19931"Муддати узайтирилган солиқлар" ҳисобвараққа ўтказилиб, сўнгра юқоридаги ўтказмалар амалга оширилади:

Дебет: 19931 " Муддати узайтирилган солиқлар – сув солиғи" – 50 м.с.

Кредит: 22504 "Ҳисобланган бошқа солиқлар – сув солиғи" – 50 м.с.

Дебет:19931"Муддати узайтирилган солиқлар –ДМЖга мажбурий ажратма" - 1150 м.с.

Кредит:22504"Муддати узайтирилган солиқлар-ДМЖга мажбурий ажратма" - 1150 м.с.

б) кам ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловлар суммаларига:

Дебет: 31206 "Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)" – 654 м.с.

Кредит: 22504 "Ҳисобланган бошқа солиқлар – мол-мулк солиғи" – 300 м.с.

Кредит: 22510 "Нафақа (пенсия) фонди билан ҳисоб-китоблар - ЯИТ" – 200 м.с.

Кредит: 22502 "Ҳисобланган фойда солиғи - тўланадиган" – 154 м.с.

в) кам ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўловлар суммаси бюджетган ўтказилганда:

Дебет: 22504 "Ҳисобланган бошқа солиқлар – мол-мулк солиғи" – 300 м.с.

Кредит 23402-"Республика бюджетининг маблағлари – мол-мулк солиғи"-300м.с.

Дебет: 22510 "Нафақа (пенсия) фонди билан ҳисоб-китоблар - ЯИТ" – 200 м.с.

Кредит 23402-"Республика бюджетининг маблағлари – ЯИТ" – 200 м.с.

Дебет: 22502 "Ҳисобланган фойда солиғи - тўланадиган" – 154 м.с.

Кредит 23402-"Республика бюджетининг маблағлари – фойда солиғи" – 154 м.с.

Юқоридаги солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча (кам) ҳисобланган суммаларга тузатиш киритиш натижасида филиалнинг соф фойдасини 546,0 минг сўмга (1200-654) кўпайтирилиши ҳамда "Фойда ва зарарлар тўғрисида"ги ҳисобот мазкур тузатишлар киритилган ҳолда тақдим этилиши лозим.

Фойда солиғининг ҳисоби. Банкларда фойда солиғи ставкаси 20% қилиб белгиланган[62]. Ушбу солиқни тўлашда банклар келгуси чоракнинг бошида чорак давомида олинадиган фойда миқдорини ойлар кесимида башорат қилиб, давлат солиқ инспекцияларига маълумот тақдим этилади. Башорат қилинган солиқ суммаси ойнинг бошида давлат бюджетининг тегишли ҳисобварағига ўтказилади. Бунга қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 19931 – "Муддати узайтирилган солиқлар"

Кредит 23402 –"Республика бюджетининг маблағлари"

Чоракнинг ойлари давомида тўланган фойда солиқ суммаси ҳар чоракнинг охирида банкнинг тегишли ҳаражатлар ҳисобварағига олиб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

а). Агар чорак учун башорат қилинган фойда солиқ суммаси ҳақиқатга тўғри келса:

Дебет 56902 –"Даромад солиғини баҳолаш"

Кредит –19931-"Муддати узайтирилган солиқлар"

б) Агар чораклик учун олдиндан тўланган фойда солиғи суммаси банкнинг ҳақиқатдаги фойда солиғи суммасидан кам бўлса, кам тўланган қисми банкнинг 22502 –"Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари" ҳисобварағига ўтказилади ва ушбу ҳисобдан давлат бюджетига ўтказиб берилади, бундай ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Кам тўланган суммага:

---

[62] 2019 йил 26 декабрда"Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози

Дебет 56902 – "Даромад солиғини баҳолаш"

Кредит 22502 – "Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари"

Кам тўланган сумма давлат бюджети ҳисобварағига ўтказилганда:

Дебет 22502 – "Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари"

Кредит 23402 – "Республика бюджетининг маблағлари"

Агар олдиндан тўланган фойда солиғи суммаси ҳақиқатда аниқланган фойда солиқ суммасида кўп бўлса, ушбу фарқ кейинги ойларда ўзаро ҳисоб-китоб қилиш асосида тартибга солинади.

Чорак бошида башорат қилинган фойда солиғи суммаси ҳақиқатда кам ёки кўп тўланганлиги чоракнинг охирида солиққа тортиладиган базага нисбатан 20% миқдорида ҳисоблаб аниқланади. Банкларда фойда солиғи солиқ базаси банкнинг ҳисобварақлар режасининг 4 бўлимидаги даромадлар ҳисобварақларидаги қолдиқлар асосида аниқланади. Солиқ базасини ҳисоблашда 4 бўлимдаги ҳисобварақлардаги даромад суммасида Солиқ кодексида белгиланган имтиёзлари мавжуд бўлган даромад турлари ва бошқа чегирмалар айириб ташланади.

43-жадвал

"Агробанк" АТБда фойда солиғи тўловлари

млн сўмда.

Солиқ тури	31.12.2018 йил холатига жами даромад	01.10.2019 йил холатига жами даромад	31.12.2018 йил холатига жами харажат	01.10.2019 йил холатига жами харажат	31.12.2018 йил холатига фойда солиги суммаси	01.10.2019 йил холатига фойда солиги суммаси
Фойда солиги	1 399 069	2 575 136	1 394 757	2 548 741	28 393	32 873

"Агробанк" АТБда Фойда солиғи тўловлари 2018 йил охирига 28 393 млн. Сўмни ташкил қилган бўлиб, 2019 йил 3-чорак якунлари бўйича 32 873 млн сўмга ошганлигини бу жадвал маьлумотларидан кўришимиз мумкин. Бунга эса 2018 йилда олинган даромадларимиз 2019йилда олинган даромадларимиздан 1 176 067 сўмга камлигини кўришимиз мумкин.

Мол-мулк солиғи ҳисоби. Банкларда мол-мулк солиғи учун солиққа тортиладиган базани аниқлашда 16509+16535+

+16529+16541 ва 16549 ҳисобварақларида мавжуд қолдиқ суммалари олинади, (16549 ҳисобварақда ҳисобга олинган ижрадаги терминаллар учун солиқдан имтиёз мавжуд ва улар солиқ базасидан чегирилади). 16601 ҳисобварақда акс эттирилган номоддий қимматликлар бўйича ҳам имтиёз мавжуд ва улар ҳам солиқ базасига киритилмайди.

Банклар йилнинг барча чораклари учун аванс ҳисоботини солиқ органларига тақдим этади. Банк томонидан ойлик тўланадиган мол-мулк солиғи ҳисобланиб 22504-"Ҳисобланган бошқа солиқлар" ҳисобварағида жамланиб борилади ва қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 56714–"Солиқ (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар"

Кредит 22504 –"Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)"

Ҳисобот даври тугагач, ҳақиқатда ҳисобланган бир йиллик мол-мулк солиғи тўлаб берилади ва январь ойининг 25-санасигача тўланган солиқ суммаси бўйича ҳисобот топширилади. Мол-мулк солиғи тўланганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 22504 –"Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)"

Кредит 23402 –"Республика бюджетининг маблағлари"

Мол-мулк солиғи тўлангандан сўнг январь ойининг 25-санасигача тўланган солиқ суммаси бўйича ҳисобот топширилади.

44-жадвал

"Агробанк" АТБда мол-мулк солиғи тўловлари

млн.сўм

Солиқ тури	31.12.2018 йил холатига жами мулк	01.10.2019 йил холатига жами мулк	Фарқи	31.12.2018 йил холатига мол мулк солиғи суммаси	01.10.2019 йил холатига мол мулк солиғи суммаси	Фарқи
Мол мулк солиғи	380 712	591 828	211 116	3.9	2.9	0.97

Бу жадвалда "Агробанк" АТБда 2018йил 4 чорак якуни хамда 2019йил 3 чорак якунлари бўйича тўланган мол мулк солиғи маьлумотлари келтирилган. Банк томонидан 2019йила 2018йилга нисбатан 970 млн сўм мол мулк солиғи тўланганини кўришимиз

мумкин. Бунга асосий сабаб банк бино иншоотлари 2019 йил давомида тўлиқ реконцтрукциядан утказилиб банк активлари қиймати кўтарилганидадир.

Ер солиғи ҳисоби. Ҳисобланган ер солиғи бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзув берилади.

Дебет 56714–"Солиқ (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар"

Кредит 22504 –"Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)"

Ер солиғи тўланганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади. *Дебет 22504 –"Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)"*

Кредит 23402 –"Республика бюджетининг маблағлари"

Солиқ солинадиган базада солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда банклар бир ойлик муддат ичида давлат солиқ хизмати органига ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этади.

45-жадвал

"Агробанк" АТБда ер солиғи тўловлари

минг сўм.

Солиқ тури	31.12.2018 йил холатига жами ер(га)	01.10.2019 йил холатига жами ер(га)	Фарқи	31.12.2018 йил холатига ер солиғи суммаси	01.10.2019 йил холатига ер солиғи суммаси	Фарқи
Ер солиғи	63.5	67.2	3.7	910 015	1 092 018	182 003

Бу жадвалимизда "Агробанк" АТБ томонидан 2018-2019йилларда ер солиғи учун тўланган солиқ тўловлари кўрсатилган. Банк томонидан ер солиғи учун утказилган солиқ тўловлари 2018 йилга нисбатан 182 003 минг сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин. Бунга ер майдонларининг 3.7 га га ошганлиги ҳамда ер солиғи суммалари ошганлигини кўришимиз мумкин.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларнинг ҳисоби. Ҳисобланган аванс суммаси олдиндан тўланади ва унга қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 19931–"Муддати узайтирилган солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)"

Кредит 23402 –"Республика бюджетининг маблағлари"

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоби. Ушбу солиқ тури 20 фоиздан иборат. Тижорат банклари "Бошқа даромадлар" ҳисобварақларида

акс эттирилган даромадлар ҳисобидан, хусусан "Paynet" хизмати бўйича олинган даромадлар, асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар ва қонунчиликда белгиланган бошқа даромадлардан тўлайди.

ҚҚС ҳисобланганда бухгалтерия ёзувлари амалга оширилиши:

а) Мижоз юк машинасидан фойдалангани учун ижара тўловини банкка ўтказди:

Дебет 20208-"Мижознинг муддатли депозит ҳисобварағи"
Кредит 29802 –"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар" 500 000,0

б). ҚҚС суммаси (83 333,33=500 000,0/120х20) ҳисобланди:

Дебет 29802–"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар" 83 333,33
Кредит 22504 –"Ҳисобланган бошқа солиқлар"

в) Ҳисобланган сумма бюджет ҳисобига ўтказилди:

Дебет 22504 –"Ҳисобланган бошқа солиқлар" 83 333,33
Кредит 23402 –"Республика бюджетининг маблағлари"

г) Мижоз юк машинасидан фойдалангани учун ижара тўловидан ҚҚС суммаси (83 333,33=500 000,0/120х20) чиқариб ташлангандан сўнг, банк қолган сумма банк даромадига олинади:

Дебет 29802–"Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар" 416 666,67
Кредит 45901 –"Банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромадлар"

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Бухгалтерия ҳисоби халкаро стандартлари Қўмитасига (МҲХСҚ) қайси давлатлар томонидан асос солинган?

a. Австралия, Канда, Франция, Нидерландия, Буюк Британия, АҚШ, Япония.

b. Англия, Япония, Канада, МДҲ, Миср.

c. АҚШ, Голландия, Германия, Италия, Руминия.

d. Франция, Испания, Польша, Россия, Хитой, Япония.

2. Бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартларини такомиллаштириш бўйича нечта ҳалқаро миқёсдаги ташкилотлар шуғулланмоқда?

a. 10 дан ортиқ

b. 15 дан ортиқ

c. 20 дан ортиқ

d. 25 дан ортиқ

3. Молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш (МҲХС 1) аудиторларга кўрсатадиган ёрдами нимадан иборат?

a. МҲХС дан фойдаланишда.

b. МҲХС молиявий ҳисоботига мос келадиган хулосаларни тайёрлашда.

c. МҲХСни ривожлантириш ва уларни қайта кўриб чиқишда ҳамда молиявий ҳисоботдаги маълумотларни таҳлил қилишда.

d. Барча жавоблар тўғри.

4. Молиявий ҳисоботларни тақдим қилишнинг таркибига кирувчи элементларни аниқланг (МҲХС 1)?

a. активлар, мажбуриятлар ва капитал.

b. Активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва ҳаражатлар.

c. Активлар, мажбуриятлар, даромадлар, ҳаражатлар, пул маблағлари.

d. Активлар, мажбуриятлар, капитал, пул маблағлари, даромадлар ва зарарлар, кадрлар сиёсати.

5. Молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартлари Қўмитаси томонидан биринчи марта қайси МҲХС ишлаб чиқилган?

a. Ҳисоб сиёсатининг ёритилиши.

b. Товар-моддий захиралар

c. Асосий воситалар.

d. Номоддий активлар.

6. МҲҲС Қўмитаси томонидан белгиланган молиявий ҳисоботларнинг таркибини аниқланг?

a. Бухгалтерия баланси, фойда вазарарлар тўғрисидаги ҳисобот.

b. Бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, капитал ўзгариши ҳақидаги ҳисобот, пул маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ва раҳбарият ҳисоботи.

c. Бухгалтерия баланси, фойда/зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, капитал ўзгариши ҳақидаги ҳисобот, пул маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ва тушунтириш хатлари.

d. Бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, капитал ўзгариши ҳақидаги ҳисобот ва раҳбарият ҳисоботи.

7. Ҳозирда бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандарти сифатида қайси эталонлар тан олинган?

a. IFRS ва USGAAP

b. IFRS ва IAS

c. USGAAP ва UKGAAP

d. UKGAAP ва IFRS

8. Қуйидагилардан қайси бири активлар таркибига киритилмайди (МҲҲС)?

a. Бинолар ва ноу-хау

b. Дебиторлик қарзлари ва пул маблағлари

c. Иш ҳақи ва банк кредитлари.

d. Тайёр маҳсулот ва инвестициялар.

9. МҲҲС Қўмитанинг янги номи нима деб номланади?

a. БҲҲС Фонди

b. БҲҲС Кенгаши

c. БҲҲС Идораси

d. БҲҲС Ташкилоти.

10. Баҳолаш нуқтаи назардан молиявий ҳисоботларни тузишга қўйилган асосий талаблар Европа иттифоқи (ЕИ)нинг қайси кўрсатмасида (директива) ифодаланган?

a. 2 Директива

b. 3 Директива

c. 4 Директива

d. 5 Директива

11. Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича йўриқнома рақамини аниқланг?

a. 1834-сон

b. 1845-сон

c. 1438-сон

d. 2344-сон

12. Банк амалиёти куни деганданда нимани тушинасиз?

a. банк иш кунининг бир қисми бўлиб, банкка келиб тушган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун ажратилган вақт;

b. пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш, банк операцияларини ички назоратдан ўтказиш ҳамда уларни ҳисоб регистрларида қайд этиш билан шуғулланувчи ходимлар гуруҳи;

c. қонун ҳужжатлари билан белгиланган кун ичида ўрнатилган иш вақти;

d. банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан кунлик банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қонунчиликка мослиги, самарадорлиги, юқори малакада бажарилиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш тизими;

13. Банк бухгалтерия аппарати деганда нимани тушинасиз?

a. банк иш кунининг бир қисми бўлиб, банкка келиб тушган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун ажратилган вақт;

b. пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш, банк операцияларини ички назоратдан ўтказиш ҳамда уларни ҳисоб регистрларида қайд этиш билан шуғулланувчи ходимлар гуруҳи;

c. қонун ҳужжатлари билан белгиланган кун ичида ўрнатилган иш вақти;

d. банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан кунлик банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қонунчиликка мослиги, самарадорлиги, юқори малакада бажарилиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш тизими;

14. Банк операциялари ички назорати деганда нимани тушинсиз?

a. банк иш кунининг бир қисми бўлиб, банкка келиб тушган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун ажратилган вақт;

b. пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш, банк операцияларини ички назоратдан ўтказиш ҳамда уларни ҳисоб регистрларида қайд этиш билан шуғулланувчи ходимлар гуруҳи;

c. қонун ҳужжатлари билан белгиланган кун ичида ўрнатилган иш вақти;

d. банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан кунлик банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қонунчиликка мослиги, самарадорлиги, юқори малакада бажарилиши таъминлаш тизими.

15. Банк операциялари ички назорати деганда нимани тушинсиз?

a. банк иш кунининг бир қисми бўлиб, банкка келиб тушган барча пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун ажратилган вақт;

b. пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш, банк операцияларини ички назоратдан ўтказиш ҳамда уларни ҳисоб регистрларида қайд этиш билан шуғулланувчи ходимлар гуруҳи;

c. қонун ҳужжатлари билан белгиланган кун ичида ўрнатилган иш вақти;

d. банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан кунлик банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қонунчиликка мослиги, самарадорлиги, юқори малакада бажарилиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш тизими.

16. Дастлабки назорат деганда нимани тушинасиз?

a. Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган назорат;

b. Бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журналлар;

c. Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер маъқуллаган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослигини аниқлаш мақсадида қайтадан амалга ошириладиган назорат.

d. Мижозларнинг пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилганлиги ва банк операцияларининг қонунийлигини

дастлабки назоратдан ўтказиб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга тайёрловчи бухгалтер;

17. Банкларда ёрдамчи китоб деганда нимани тушинасиз?

a. Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган назорат;

b. Бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журналлар;

c. Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер маъқуллаган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослигини аниқлаш мақсадида қайтадан амалга ошириладиган назорат.

d. Мижозларнинг пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилганлиги ва банк операцияларининг қонунийлигини дастлабки назоратдан ўтказиб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга тайёрловчи бухгалтер;

18. Жорий назорат нима?

a. Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган назорат;

b. Бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журналлар;

c. Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер маъқуллаган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослигини аниқлаш мақсадида қайтадан амалга ошириладиган назорат.

d. Мижозларнинг пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилганлиги ва банк операцияларининг қонунийлигини дастлабки назоратдан ўтказиб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга тайёрловчи бухгалтер

19. Банкларда масъул ижрочи бухгалтер бу.....

a. Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган назорат;

b. бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий

ҳисобварақлар, шунингдек алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журналлар;

c. Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер маъқуллаган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослигини аниқлаш мақсадида қайтадан амалга ошириладиган назорат. Жорий назорат пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларининг бир-бирига мослигини текширишни ҳам ўз ичига олади;

d. мижозларнинг пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилганлиги ва банк операцияларининг қонунийлигини дастлабки назоратдан ўтказиб, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга тайёрловчи бухгалтер;

20. Банкларда якуний назорат деганда нимани тушинасиз?

a. банк филиали биносидан ташқарида, лекин ўзи жойлашган вилоят-шаҳар ҳудудида жойлашган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритувчи банк филиалининг таркибий тузилмаси;

b. масъул ижрочи бухгалтер томонидан дастлабки назоратдан ўтказилган барча банк операцияларини жорий назоратдан ўтказиб амалга оширувчи бухгалтер;

c. банкнинг таркибий қисми бўлиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган банк операцияларини амалга оширишда банк мижозлари билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда уларга барча банк хизматлари кўрсатувчи ходимлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Фронт-офис бошлиғи раҳбарлик қилади.

d. амалиёт кун тугагандан сўнг, кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда Фронт-офис ёки масъул ижрочи бухгалтер ва Бэк-офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан бажарилган барча банк операцияларининг қонунчиликка мослиги ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида амалга ошириладиган назорат;

21. Муддати ўтган факторинг суммаси қандай ҳисобга олинади?

a. Д-т 11103 К-т 11101

b. Д-т 11105 К-т 11101

c. Д-т 11103 К-т 11105

d. Д-т 11101 К-т 11103

22. Давлат корхонасига берилган узоқ муддатли кредитнинг

муддати ўтганда қандай бухгалтерия проводкаси келтирилади?

a. Д-т 12705 К-т 15101
b. Д-т 12709 К-т 15101
c. Д-т 15105 К-т 15101
d. Д-т 15199 К-т 15101

23. Хусусий корхоналарга берилган кредит муддати ўзгарганда қандай бухгалтерия проводкалари келтирилади?

a. Д-т 13101 К-т 13105
b. Д-т 13109 К-т 13101
c. Д-т 13105 К-т 13109
d. Д-т 13109 К-т 13105

24. Хамкорбанк «Коинот» хусусий фирмасига 1200000 сўм миқдорида бир йил муддатга кредит берди. Фоиз ставкаси йиллик 20 фоиз. Шартномага асосан фоиз суммаси ҳар ойда тўланади.

Кредит бўйича ойлик фоиз суммаси қанча бўлади?

a. 240000 сўм
b. 120000 сўм
c. 40000 сўм
d. 20000 сўм

25. Муддати ўтган факторинг суммаси қандай ҳисобга олинади?

a. Д-т 11103 К-т 11101
b. Д-т 11105 К-т 11101
c. Д-т 11103 К-т 11105
d. Д-т 11101 К-т 11103

26. Кредит линияси - ?

a. берилаётган кредит суммаси;
b. кредит шартномасида келишилган фоиз ва қарздорлик суммаси;
c. кредит шартномасида назарда тутилган қарздорлик суммаси доирасида қарзлар
d. туркумини бериш; бир марта берилаётган қарз суммаси.

27. Лизинг бўйича фоизли даромад ҳисобланганда қандай бухгалтерия проводкаси келтирилади?

a. Д-т 16309 К-т 45100
b. Д-т 16323 К-т 45100
c. Д-т 16323 К-т 45000
d. Д-т 16309 К-т 45200

28. Муддати ўтган факторинг суммаси қандай ҳисобга олинади?

a. Д-т 11103 К-т 11101

b. Д-т 11105 К-т 11101

c. Д-т 11103 К-т 11105

d. Д-т 11101 К-т 11103

29. Банк кредитлари мақоми бўйича қандай таснифланади?

a. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар;

b. Банк кредити, давлат кредити, истеъмол кредити, тижорат кредити, ҳалқаро кредит;

c. Берилган кредитлар, шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар, муддати ўтган кредитлар;

d. Шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар, муддати ўтган кредитлар.

30. Лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб бериб лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса

a. Д-т 19909 К-т 20200

b. Д-т 16500 К-т 19909

c. Д-т 15600 К-т 16500

d. Д-т 16500 К-т 19909

31. Ҳисоб юритиш сиёсати деганда нима тушунилади (МҲХС-1)?

a. Банкнинг бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган усуллар мажмуи.

b. Банк раҳбарининг молиявий ҳисоботни тамойил ва асосларига мос равишда юритиш усуллар мажмуи.

c. Банк раҳбарининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тамойил ва асосларига мос равишда юритиш ва тузиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи.

d. Банк раҳбарининг бухгалтерия ҳисобини тамойил мажмуи.

32. Ҳисоб сиёсатида ёритилиши лозим бўлган молиявий ҳисоботларни тузишга қўйилган асосий талаблар Европа иттифоки (ЕИ)нинг қайси кўрсатмасида (директива) ифодаланган?

a. 2 Директива

b. 3 Директива

c. 4 Директива

d. 5 Директива

33. Ҳисоб сиёсати ва ундаги хатоликлар деб номланган стандартнинг тартиб рақамини топинг?

a. МҲХС-8

b. МҲХС-12

c. МҲХС-16

d. МҲХС-18

34. Ҳисоб сиёсатида йиллик молиявий ҳисоботлар оммавий ахборот воситаларида чоп этилганидан сўнг .....давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига чоп этилган ҳисобот нусхаси тақдим этилади.

a. 2 кун

b. 3 кун

c. 4 кун

d. 1 кун

35. Ҳисоб сиёсатига мувофиқ (32-сон МҲХС) баҳолашнинг қайси усулда биринчи кирим қилинган хом-ашё, материаллар ва товарлар биринчи ҳаражатларга чиқарилади?

a. ФИФО усулида

b. ЛИФО усулида

c. AVECO усулида

d. НИФО усулида

36. Ҳисоб сиёсатида ялпи даромадлар ҳақидаги ҳисоботни қайси шаклга тегишли деб кўрсатилади.

a. Баланс

b. Молиявий натижалар

c. Пул оқимлари

d. Хусусий капитал

37. Ҳисоб сиёсатининг услубий бўлимида нималар акс эттирилади?

a. Амортизация ҳисоблаш усуллари ва ТМЗ баҳолаш шакллари.

b. Дастлабки хужжатларни расмийлаштириш тартиблари

c. Молиявий ҳисоботларни тўлдириш тартиби

d. Счётлар ва бухгалтерия ҳисоби шакллари

38. Ҳисоб сиёсатининг услубий бўлимида банк 3000000 сўм бўлган ускуналар сотиб олинди. Фойдаланиш муддати 5 йил. Тугатиш қиймати-300000 сўм. Агар МҲХС 16 асосан амортизациянинг бир текис ҳисобдан чиқариш усули қўлланилган бўлса, амортизация ҳаражатларини аниқланг?

a. 300000
b. 600000
c. 540000
d. 330000.

39. Ҳисоб сиёсатиниий жиҳатидан асосий воситаларнинг ўрнини қоплаш қиймати деб нимага айтилади?

a. Активни ҳарид қилишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки уни барпо этишда амалга оширилган ҳақиқий ҳаражатлардир

b. Чиқиб кетишга доир кутилаётган ҳаражатларни чиқариб ташлаган ҳолда активнинг фойдали хизмати натижасида уни тугатиш пайтида пайдо бўладиган активларнинг тахмин қилинаётган қийматидир

c. Асосий воситаларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган суммадир

d. Корхона активдан кейинчалик фойдаланиш ҳисобига қоплашни мўлжаллаётган сумма, шу жумладан тугатилиш қиймати

40. Ҳисоб сиёсатида банк сотиб олинган товар-моддий захираларни балансда қандай акс эттирилади (МҲХС-2,8)?

a. Бозор нархида
b. Хақиқий таннарх ёки сотишнинг соф қийматида
c. Режа бахоси ва таннархида
d. Шартнома ёки режа бахосида

41. Молиявий активларга нималар киритилади?

a. Пул маблағлари, молиявий инструментлар, шартномалар
b. Инвестициялар ва пул маблағлари
c. Пул маблағлари ва шартномалар
d. Шартномалар ва молиявий инструментлар

42. Молиявий активлар дастлаб қайси баҳода ҳисобга олинади?

a. бозор
b. сотиб олиш
c. қайта бахолаш
d. жорий

43. МҲМСга асосан молиявий актив бўйича инвестор ахамиятли таъсирига эга бўлган улушни аниқланг?

a. 20%гача улуш
b. 20-50%гача улуш
c. 50% юқори улуш
d. 60-80% гача улуш

44. Молиявий қўйилмалар (инвестициялар)ни баҳолаш

бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ амалга оширилиши Қонуннинг қайси моддасида кўрсатиб берилган?

a. 10

b. 11

c. 12

d. 13.

45. Молиявий инструментлар таркибини аниқланг (МҲХС-32)

a. Дивиденд, фоиз, фойда ва зарар

b. Фоизлар ва фойда

c. Дивидендлар ва зарарлар

d. Фойда ва зараралар

46. Молиявий активларга оид қимматли қоғозлар қандай тақдим этилади.

a. қарздорлик ва улушли

b. қарздорлик, улушли ва савдо сотиқ

c. савдо-сотиқ ва улушли

d. қарздорлик ва савдо-сотиққа оид.

47. Банк молиявий активлар бўйича олинган фоизларниларни акс эттириш учун журнал проводкаси пул маблағлари ҳисоб-китоб счёти дебети ва қуйидаги счётнинг кредитини ўз ичига олиши керак.

a. Мажбуриятлар

b. Дебитор қарздорлик

c. Кредиторлик қарздорлик

d. Молиявий активлар.

48. Молиявий мажбуриятларни аниқланг (МҲХС-32).

a. Савдо бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлар.

b. Олиниши ва тўланиши лозим бўлган векселлар.

c. Олиниши ва тўланиши лозим бўлган кредит ва қарзлар

d. Хаммаси тўғри.

49. «Сарфланган (қимматли қоғозларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар». Бу «Ҳаражатлар таркиби тўғрисидаги Низом» (Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар)нинг қайси бандида ифодаланган?

a. 2.3-бандида

b. 3.2-бандида

c. 1.3-бандида

d. 3.6-бандида

50. Сотиб олинган молиявий активларнинг номинал қиймати

билан ҳарид қиймати ўртасидаги фарқ (молиявий даромад) "Ҳаражатлар таркиби тўғрисидаги" Низомнинг қайси бандида ўз ифодасини топган

a. 2.3-бандида

b. 3.2-бандида

c. 1.3-бандида

d. 3.6-бандида

51. Банкларда моддий активлар ҳисоби қайси МҲХС билан тартибга солинади.

a. МҲХС-16

b. МҲХС-38

c. МҲХС-2

d. Барча жавоблар тўғри.

52. Моддий активлар ва номоддий активларни ҳисобга олувчи стандартларни қандай стандартлар гуруҳига киритилади.

a. Тармоқ стандартлари.

b. Банк стандартлари.

c. Кириш стандартлари.

d. Хусусий стандартлар.

53. Асосий воситалар қайта баҳоланганда унинг ортган қиймати нима жеб номланади.

a. Даромадлар.

b. Ҳаражатлар.

c. Фойда.

d. Резервлар.

54. Асосий воситалар қайта баҳолаш тартиби бўйича нечта гуруҳларга ажратилади.

a. 2 гурухга.

b. 4 гуруҳга.

c. 6 гуруҳга.

d. 8 гуруҳга.

55. Асосий воситлар балансга қандай кирим қилинади.

a. Сотиб олиш, қайта баҳолаш ва текинга олиш.

b. Ўзида яратиш йўли билан.

c. Инвентаризациядан ортиқча чиқилиши билан

d. Бошқа активларга алмаштириш билан.

56. Асосий воситалар қайси баҳода балансга олинади.

a. Бошланғич қийматда.

b. Жорий қийматда.

c. Тугатилиш қийматида.

d. Қолдиқ қийматида.

57. Банкда асосий воситларининг қувватини ва бажариладиган операциялар тезлигини ошириш учун ва улардан фойдаланиш бўйича қуйидаги ҳаражатларни амалга оширди:

a. Жорий тамирлаш 100 000

b. Техник қаров 200 000

c. Капитал таъмирлаш 200 000

d. Реконструкцияга 500 000

Қайси суммага «Асосий воситалар» счети дебетланади:

a. 100 000

b. 300 000

c. 320 000

d. 500 000

58. Асосий воситаларни киримга олишда балансниг қайси бўлимига ёзувлар қилинади.

a. Активлар

b. Хусусий капитал

c. Даромадлар

d. Мажбуриятлар

59. Асосий воситларни кримга олишда қайси бухгалтерия регистрдан фойдаланилади?

a. Счёт фактуралар

b. Далолатномалар.

c. Қайдномалар.

d. Кирим ордерлар.

60. Банк 10500000 сўмга автомобил сотиб олди. Автомобилни олиб келиш-500000 сўм. Расмийлаштириш - 50000 сўм. Экспедиторнинг хизмати- 100000 сўм. Банкдан 1000000 сўм узоқ муддатли кредит олган. Кредит йиллик 10 % ставкасида белгиланган. Ишчи ҳолат ҳаражатлари 400000 сўм. «Автомобиль» счёти қайси суммага дебетланади?

a. 11.150.000

b. 11.500.000

c. 11.000.000

d. 11.550.000

61. Асосий воситалар банк томонидан яратилган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин бўлган ҳолларда бу объектлар қайси баҳода акс эттирилади?

a. Ҳақиқий таннарх бўйича
b. Тарихий қиймат бўйича
c. Бозор қиймати бўйича
d. Эгри таннарх бўйича

62. Номоддий активларни ҳисобга олувчи МҲХСнинг тартиб рақамини топинг?

a. МҲХС-5
b. МҲХС-38
c. МҲХС-16
d. МҲХС-27

63. Тижорат банкларида номоддий активлар баланснинг қайси моддасида ифодаланади?

a. Мажбуриятлар моддасида
b. Ўз сармояси моддасида.
c. Активлар бўлимида .
d. Даромадлар бўлимида

64. Номоддий активлар қайси қийматда балансга қабул қилинади.

a. Бошланғич қийматида
b. Якуний қийматида
c. Жорий қийматида
d. Қайта баҳолаш қийматида

65. Номоддий активлар қайси баҳода ҳисобга олинади?

a. бошланғич
b. эскириш
c. қолдиқ
d. тугатиш

66. Номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг неча ҳил усули мавжуд?

a. 2 ҳил
b. 4 ҳил
c. 5 ҳил
d. 7 ҳил

67. Тижорат банки қиймати 3.000.000 сўм бўлган номоддий активларни сотиб олинди. Фойдаланиш муддати 5 йил. Тугатиш қиймати-300.000 сўм. Агар амортизациянинг бир текис ҳисобдан чиқариш усули қўлланилган бўлса, амортизация ҳаражатларини аниқланг?

a. 300000
b. 600000
c. 540000
d. 330000

68. Номоддий активларни балансдан чиқаришда қайси модда молиявий натижаларни аниқлаб беради.

a. активлар.
b. даромадлар
c. ҳаражатлар.
d. фойда.

Номоддий активларни тезроқ ҳисобдан чиқариш учун қайси амортизация усулини танлаш мумкин?

a. Тўғри чизиқли усул
b. Ишлаб чиқариш усули
c. Қолдиқни камайиши усули
d. Сонлар усули

69. Номоддий активларга амортизация ҳисоблашда тўғри чизиқли усулининг моҳияти нимадан иборат?

a. Номоддий активни фойдали ишлатишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб ёзишдан иборат

b. Мунтазам ҳисоблаб ёзилаётган суммалар фойдали ишлатиш муддати давомида камаяди

c. Амортизация миқдори фақат номоддий актив қанча марта ишлатилишига ёки қанча маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиши кутилаётганига боғлиқ бўлади

d. Амортизация суммаси ҳисоблаш коэффициентининг махражи бўлган объектнинг хизмат муддати йиғиндиси билан аниқланади

70. Номоддий активлар таркибида энг тушинарсиз моддаси ниадан иборат?

a. Патентлар.
b. Гудвилл
c. Товар белгиси.
d. Ноу-хау

71. Банкларда товар-моддий захиралар ҳисоби ҳалқаро стандартларда.....юритилади.

a. МҲХС 2
b. МҲХС 4
c. МҲХС 7

d. МҲХС 10

72. Захиралар ҳисобини тўғри ташкил қилиш учун... ишлаб чиқилади

a. қайднома тузилади.
b. нарх-номенклатура
c. далолатнома
d. юк-хати

73. Захираларни бахолашда ..... усуллардан фойдаланилади.

a. шартнома, улгуржи ва бозор бахоси.
b. бозор ва номенклатура ҳисоб бахоси
c. бозор, номенклатура, ҳақиқий таннарх,улгуржи ва режа бахоси.
d. режа ва бозор бахоси

74. Қайси БХМС ва МХХСда қоидалари асосида захиралар ҳисоби юритилади.

a. 2-БХМС ва 4-МХХС.
b. 3-БХМС ва 5-МХХС
c. 4-БХМС ва 2-МХХС.
d. 5-БХМС ва 3-МХХС

75. МҲХСга асосан захиралар инфляция шароитида қандай бахоланади.

a. Авеко ва фифо.
b. Авеко ва лифо
c. Авеко ва нифо.
d. барчаси тўғри

76. Бахолашнинг қайси усулида биринчи ҳарид қилинган материаллар биринчи ҳаражатга чиқарилади.

a. Авеко.
b. лифо
c. нифо
d. фифо

77. Нархлар стабиллашганда бахолашнинг энг мақбул усулини танланг.

a. фифо.
b. лифо
c. нифо.
d. Авеко

78. Материаллар ҳисобининг асосий вазифаларини нималардан иборат

a. уларни сақлаш ва назорат қилиш.

b. муомалаларни ўз вақтида ҳужжатлаштириш

c. ортиқча материалларни аниқлаш ва сотиш.

d. барчаси тўғри

79. Омборда материалларни сақлаш жойига қайси ҳужжат осиб қўйилади.

a. қайднома.

b. юк хати

c. ёрлиқ.

d. счёт-фактура

80. Материаллардан фойдаланиш усули ва ишлаб чиқариш жараёнида тайинлашига қараб улар ... тавсифланади.

a. хом-ашё, асосий материаллар, ярим тайёр махсулотлар, ёрдамчи материаллар, чиқиндилар, идишлар, эҳтиёт қисмлар, хўжалик инвентарлари ва ҳ.к.

b. асосий материаллар, ярим тайёр махсулотлар, ёрдамчи материаллар, чиқиндилар, идишлар, эҳтиёт қисмлар, хўжалик инвентарлари ва ҳ.к.

c. ёрдамчи материаллар, чиқиндилар, идишлар, эҳтиёт қисмлар, хўжалик инвентарлари ва ҳ.к.

d. хом-ашё, асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, чиқиндилар, идишлар, эҳтиёт қисмлар, хўжалик инвентарлари.

81. Стандартнинг мақсади ижарачилар ва ижарага берувчилар учун ижарага нисбатан қўлланилиши керак бўлган тегишли ..... белгилашдан иборатдир.

a. ҳисоб сиёсатларини

b. молиявий ҳисоботларни

c. ҳисобварақларни

d. бухгалтерия хужжатларини

82. Ижара-бу.....

a. Ижарага берувчи ижарачига бир ёки бир неча тўловлар эвазига келишилган муддат давомида активдан фойдаланиш ҳуқуқини беришини кўзда тутадиган келишувдир.

b. Активга эгалик қилиш билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни келишувнинг бир томонидан бошқа томонига ўтказувчи ижара. Эгалик ҳуқуқи пировардида ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги мумкин.

c. Молиявий ижарадан ташқари бошқа ҳамма ижара келишувлари.

d. Эҳтимоли кам шартли ҳодисанинг рўй бериши натижасидаги ижара.

83. Молиявий ижара-бу.....

a. Ижарага берувчи ижарачига бир ёки бир неча тўловлар эвазига келишилган муддат давомида активдан фойдаланиш ҳуқуқини беришини кўзда тутадиган келишувдир.

b. Активга эгалик қилиш билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни келишувнинг бир томонидан бошқа томонига ўтказувчи ижара. Эгалик ҳуқуқи пировардида ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги мумкин.

c. Молиявий ижарадан ташқари бошқа ҳамма ижара келишувлари.

d. Эҳтимоли кам шартли ҳодисанинг рўй бериши натижасидаги ижара

84. Оператив ижара-бу.....

a. Ижарага берувчи ижарачига бир ёки бир неча тўловлар эвазига келишилган муддат давомида активдан фойдаланиш ҳуқуқини беришини кўзда тутадиган келишувдир.

b. Активга эгалик қилиш билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни келишувнинг бир томонидан бошқа томонига ўтказувчи ижара. Эгалик ҳуқуқи пировардида ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги мумкин.

c. Молиявий ижарадан ташқари бошқа ҳамма ижара келишувлари.

d. Эҳтимоли кам шартли ҳодисанинг рўй бериши натижасидаги ижара.

85. Бекор қилинмайдиган ижара-бу.....

a. Ижарага берувчи ижарачига бир ёки бир неча тўловлар эвазига келишилган муддат давомида активдан фойдаланиш ҳуқуқини беришини кўзда тутадиган келишувдир.

b. Активга эгалик қилиш билан боғлиқ деярли барча рисклар ва мукофотларни келишувнинг бир томонидан бошқа томонига ўтказувчи ижара. Эгалик ҳуқуқи пировардида ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги мумкин.

c. Молиявий ижарадан ташқари бошқа ҳамма ижара келишувлари.

d. Эҳтимоли кам шартли ҳодисанинг рўй бериши натижасидаги ижара.

86. Ижара муддатининг бошланиши.....

a. Ижарачи ижарага олинган активдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаши мумкин бўлган сана. Бу ижарани дастлабки тан олиш санаси.

b. Ижарачи активни ижарага олишга келишган, муддатидан олдин бекор қилинмайдиган давр билан ижарачи активнинг ижарасини қўшимча тўловни амалга ошириб ёки оширмасдан давом қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва ижаранинг бошланишида ижарачи ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши етарли даражада аниқ бўлган ҳар қандай қўшимча муддат.

c. Ижара муддати давомида ижарачи томонидан тўланадиган ёки тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган тўловлар билан қуйидаги суммалар

d. Бу яхши хабардор бўлган ва бундай операцияни амалга оширишни хоҳловчи мустақил томонлар ўртасида умумий шартлар асосида битимни амалга оширишдаги активни алмаштириш ёки мажбуриятни тўлаш мумкин бўлган сумма.

87. Ижара муддати.....

a. Ижарачи ижарага олинган активдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаши мумкин бўлган сана. Бу ижарани дастлабки тан олиш(яъни мос равишда ижара натижасида пайдо бўладиган тегишли активлар, мажбуриятлар, даромад ёки харажатларни тан олиш) санаси.

b. Ижарачи активни ижарага олишга келишган, муддатидан олдин бекор қилинмайдиган давр билан ижарачи активнинг ижарасини қўшимча тўловни амалга ошириб ёки оширмасдан давом қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва ижаранинг бошланишида ижарачи ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши етарли даражада аниқ бўлган ҳар қандай қўшимча муддат.

c. Ижара муддати давомида ижарачи томонидан тўланадиган ёки тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган тўловлар билан қуйидаги суммалар

d. Бу яхши хабардор бўлган ва бундай операцияни амалга оширишни хоҳловчи мустақил томонлар ўртасида умумий шартлар асосида битимни амалга оширишдаги активни алмаштириш ёки мажбуриятни тўлаш мумкин бўлган сумма.

88. Минимал ижара тўловлари.....

a. Ижарачи ижарага олинган активдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаши мумкин бўлган сана. Бу ижарани дастлабки тан олиш(яъни мос равишда ижара натижасида пайдо

бўладиган тегишли активлар, мажбуриятлар, даромад ёки ҳаражатларни тан олиш) санаси.

b. Ижарачи активни ижарага олишга келишган, муддатидан олдин бекор қилинмайдиган давр билан ижарачи активнинг ижарасини қўшимча тўловни амалга ошириб ёки оширмасдан давом қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва ижаранинг бошланишида ижарачи ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши етарли даражада аниқ бўлган ҳар қандай қўшимча муддат.

c. Ижара муддати давомида ижарачи томонидан тўланадиган ёки тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган тўловлар билан қуйидаги суммалар

d. Бу яхши хабардор бўлган ва бундай операцияни амалга оширишни хоҳловчи мустақил томонлар ўртасида умумий шартлар асосида битимни амалга оширишдаги активни алмаштириш ёки мажбуриятни тўлаш мумкин бўлган сумма.

89. Ҳаққоний қиймат.....

a. Ижарачи ижарага олинган активдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни бошлаши мумкин бўлган сана. Бу ижарани дастлабки тан олиш(яъни мос равишда ижара натижасида пайдо бўладиган тегишли активлар, мажбуриятлар, даромад ёки ҳаражатларни тан олиш) санаси.

b. Ижарачи активни ижарага олишга келишган, муддатидан олдин бекор қилинмайдиган давр билан ижарачи активнинг ижарасини қўшимча тўловни амалга ошириш давом қилиш ҳуқуқига эга бўлган ва ижаранинг бошланишида ижарачи ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши етарли даражада аниқ бўлган ҳар қандай қўшимча муддат.

c. Ижара муддати давомида ижарачи томонидан тўланадиган ёки тўланиши талаб этилиши мумкин бўлган тўловлар билан қуйидаги суммалар

d. Бу яхши хабардор бўлган ва бундай операцияни амалга оширишни хоҳловчи мустақил томонлар ўртасида умумий шартлар асосида битимни амалга оширишдаги активни алмаштириш ёки мажбуриятни тўлаш мумкин бўлган сумма.

90. Ижарага олинган асосий врситаларга қайси усуллар билан амортизация ҳисобланади?

a. тўғри чизиқли, бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда, тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш усуллари

b. тўғри чизиқли амортизация ҳисоблаш усули

c. тўғри чизиқли, тезлаштирилган амортизация ҳисоблаш усуллари

d. бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш усуллари.

91. Банкларда даромадлар қандай туркумланади.

a. Фоизли, фоизсиз ва операцион.

b. Операцион ва фоизли.

c. Фоизсиз ва бошқа даромадлар

d. Бошқа даромадлар ва фоизли

92. Банкларда ҳаражатлар қандай гуруҳланади.

a. Фоизли, фоизсиз ва бошқа операцион ҳаражатлар

b. Фоизли ва фоизсиз ҳаражатлар

c. Операцион ва давр ҳаражатлари

d. Фоизли ва ўзгарувчан ҳаражатлар.

93. Банкларда даромадлар қайси манбалар ҳисобига шаклантирилади

a. Кредитлар, валюта, қимматли қоғозлаор ва бошқа операциялардан

b. Валюта ва кредитлардан

c. Қиммали қоғозлар ва кредит операцияларидан.

d. Валюта ва қимматли қоғозлардан.

94. Даромадлар қайси тартибли ҳисобварақларда акс эттирилади.

a. 50000

b. 40000

c. 10000

d. 20000

95. Банкларда даромадлар олиш муддати бўйича қандай гуруҳланади.

a. қисқа, ўрта ва узоқ муддатли

b. ўрта ва ва узоқ муддатли

c. узоқ ва қисқа муддатли

d. қисқа ва ўрта муддатли

96. Ҳаражатлар бухгалтерия ҳисобида қайси тартибли банк ҳисобварақларида кўрсатилади.

a. 10000

b. 20000

c. 30000

d. 50000

97. Даромадларни тан олишнинг касса усулига берилган тушинчани аниқланг.

a. маблағлар келиб тушганда, ҳаражатлар тўловлар амалга оширилганда.

b. маблағлар йўлдаги пул маблағлари кўринишида бўлганда.

c. маблағлар кейинги даврларда тушишига қараб.

d. тўловларнинг олиш имконияти юзага келганда.

98. Банкларда молиявий натижалар деганда нима тушинилади.

a. Банкларнинг фойда ёки зарар кўрилган фаолияти

b. Банклар томонидан олинадиган даромадлари

c. Банклар томонидан кўриладиган зараралар суммаси.

d. Банк активларининг ошиши тушинилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунинга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2019 йил 11 ноябрь ЎРҚ-582. http://lex.uz/docs/4590452

2. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Янги таҳрир). 2019 йил 5 ноябрь ЎРҚ-580. http://lex.uz/docs/4581969

3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Янги таҳрир). 2016 йил 13 апрел. ЎРҚ-404. http://lex.uz/acts/2931253

4. «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2019 йил 22 октябр. ЎРҚ-573. http://lex.uz/docs/4562834

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 ноябрдаги "Инфлацион таргетлаш режмига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида"ги 5877-сонли Фармони. http://lex.uz/pdfs/4600824

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 5837-сонли Фармони. http://lex.uz/ru/docs/4529995

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5177-сонли Фармони

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773–17–сон 2004 йил 13 август.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834–сон йўриқнома, 2008 йил 11 июль.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306–сонли Низом, 2004 йил 30 январь.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида"ги 1648-сонли низом, 2006 йил 27 декабрь.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида"ги 1199-сон йўриқнома, 2003 йил 14 январь

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги 2693 – сонли низом, 2015 йил 6 июль.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги 1419-сон низом, 2004 йил 25 октябрь

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида"ги 3030-сонли Низом 2018 йил 2 июль.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги 1419 - сонли низом, 2004 йил 25 октябрь.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги 2696 - сонли Низом, 2015 йил 14 июль

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларидаги хатоларни тузатиш тартиби тўғрисида"ги 1301 - сонли Низом 2004 йил 21 январь

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Ҳисобот санасидан кейин юз берган воқеаларни банклар томонидан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тўғрисида"ги 1426 - сонли Низом 2004 йил 3 декабрь

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Банкларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи тўғрисида"ги 1270 - сонли Низом 2003 йил 3 сентябрь

22. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 488 б.

23. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 104 б.

24. Benjamin Young «Bank Cost Control» Business & Economics, UK. 2008, –306 p.

25. Donald Resseguie, James M. Koltveit Accounting for Banks, LexisNexis United States, 2017

26. Fundamentals of business Accounting. Wan Madznah Wan Ibrahim and Mohd Rizal Palil 2014. . Стр.14

27. Generally Accepted Accounting Practice under IFRS. M.Bonham and others, Ernst Yong, part 1, 1056 p.

28. Mabel Lage E.E. «Accounting–Bank Reconciliation» Henderson, USA. 2008, –241.

29. Navro'zova K.N., Karimov N.G'., Ortiqov U.D. Banklarda buxgalteriya hisobi T.: Davr nashriyoti, 2012.

30. Navruzova K., Otamurodov X., Qurbonov R.. Banklarda buxgalteriya hisobining milliy va xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma.-T.: "Fan va texnalogiya", 2015, 168 bet.

31. Omonov A., Qoraliev T. Banklarda buxgalteriya hisobi T.: Iqtisod–moliya, 2014 y. 241 b.

32. Steven M. Bragg «Accounting Best Practices» John Wiley & Sons, New Jersey, USA. 2010, –542 p.

33. Umarov Z.A. Tijorat banklarida moliyaviy natijalar hisobi va tahlilining nazariy-uslubiy masalalari. Monografiya/O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi; T.: Iqtisod-Moliya, 2015. 128 b.

34. Абдувахидов Ф.Т ва бошқ. Банкларда бухгалтерия ҳисоби.Т.:, ТДИУ, 2010, 224

35. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.

36. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2003. –305 б.

37.Бабаев Ю.А. Теория бухгалтерского учета: Учебник. для вузов. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 126 с.

38. Балабанова И.Т. «Основы финансового менеджмента». Учебное пособие -3-е издание, доп. переработ. М.: Финансы и статистика, 2000 г.

39. Банк В.Р. Организация и бухгалтерский учет банковских операций: Учеб. пос. - М.: Ф и С, 2004. - 153 с.

40. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник / Г.Н. Белоглазова, Л.П. Кроливецкая, –М.: Высшее образование, 2009. –422 с.

41. Банковское дело: Учебник / под ред. В.И. Колесникова, П.П. Кроливедской. 4–е издание – М.: Финансы и статистика, 1998. – 464с.

42. Банковское дело: Учебник / под ред. д-ра экон. наук, проф. Коробовой. Г.Г. - М.: Экономист, 2005. - 751 с.

43. Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.

44. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операциялари даромадлиги. и.ф.н. диссертацияси –Т., 2002.

45.Вахрушина М.А. МСФО: методики трансформации РО. М.: Омега, 2007. -565 с.

46. Генералова Н.В. Международные стандарты финансовой отчетности. М.:Проспект-2008. 325 с.

47. Ғуломова Ф.Ғ."Учетная политика предприятия" -Т.: 2004

48. Жарковская Е.П. Банковское дело. –4 –е изд., испр. и доп. – М.: Омега–Л, 2005.–452 с.

49. Жўраев Н."Корхонанинг ҳисоб сиёсати" - Т.: 1998

50. Ибрагимов А.К ва бошқ. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси. Монография . 2011. -188 б.

51. Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. -272 б.

52. Камышанов П.И., Камышанов А.П. Бухгалтерская финансовая отчётность: составление и анализ. – 5-е издание. – М.: Омега-Л, 2006.

53. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит. Тошкент.: "ФАН".2006. -262

54. Козлова Е.П., Галанина Е.Н. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках. –М.: Финансы и статистика, 2000. –640 с.

55. Курсов В.Н., Яковлев Г.А. Бухгалтерский учёт в комерческом банке: новые типовые бухгалтерские прводки операций банка Учеб. пос. -М.: ИНФРА-М, 2004.

56. Қурбонбоев Ж. "Корхоналарда ҳисоб снёсатини шакллантириш, юритиш ва ривожлантириш истиқболлари" - Т., 2005

57. Международные стандарты финансовой отчётности. -М.: «Аскери», 2007.

58. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими – Т.: Ўзбекистон, 2001. –224 б.

59. Наврўзова К.Н., Ортиқов О.А. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2005

60. Нотон Д.М.«Банковские учреждения в развиваюшихся старанах» – Всемирный банк, Вашингтон, 1994.

61. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра–М, 2004. – 472 с.

62. Пардаев А.Х "Бошқарув ҳисоби". - Т.: 2002- 18 бет.

63. Полищук А.Ш. Банковский учёт и отчетность: Учебно–практическое пособие. –М.: ИМПЭ, 1998. –205 с.

64. Практический курс бухгалтерского учёта в современном банке / ред. Бор М.З. –М.: ДИС. 1996. –384 с.

65. Рожнова О.В. Международные стандарты бухгалтерского учета и финансовой отчетности: Учеб. пос. - М.: ЭКЗАМЕН, 2003. - 127 с.

66. Роде Э.М.Банки, биржи, валюты современного капитализма. М.: «Дело ЛТД», 1995. -420

67. Савонь В."Депозитные операции коммерческих банков, их оформление и учет". Авторефарат,– Минск 2009

68. Смирнова Л.Р. «Банковский учёт» - М.: 2000

69. Соколов Я.В. «Основы теории бухгалтерского учёта» -М.: Финансы и статистика, 2000.-496с.

70. Ўзбекистон Республикаси банк тизмида бухгалтерия ҳисобини юритишга оид қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Т.: Ўзбекистон, 2003.

71. Усатова Л.В., Сероситан М.С., Арская Е.В. Бухгалтерский учёт в коммерческих банках: Учебное пособие. 3–е изд. перераб. и

доп. –М.: Издательско–торговая корпорация Дашков и К°, 2007. – 404 с.

72. Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. –256 с.

73. Ҳошимов Б."Бухгалтерия ҳисоби назарияси" - Т.: 2004- 277 бет.

74. www.cbu.uz - (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)

75. www.gov.uz - (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали)

76. www.stat.uz - (Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси)

77. www.lex.uz - (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)

78. www.bis.org – (Базель қўмитаси сайти)

79. www.ifrs.org (Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қўмитаси сайти).

ИЛОВАЛАР

1-илова

Марказий банк томонидан тижорат банкларини МҲХСга мувофиқлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар

Т/р	Ўтказилган тадбирлар номи
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Жаҳон банки ўртасида тузилган "Банк тизимида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш лойиҳаси" 2012 йилнинг 30 августида ўз ишини бошлади.
2.	2013 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Жаҳон банки ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари Фонди ўртасида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ўзбек тилига расмий таржима қилиш бўйича муаллифлик ҳуқуқи беришга шартнома имзоланди. 2013 йил давомида Жаҳон банки мутахассислари томонидан "Банк соҳасида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш" мавзусида Марказий банк ходимлари, барча тижорат банклари бош бухгалтерлари, Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси ходимлари учун тўрт марта ўқув семинарлари (23-24 январь, 27-28 февраль, 20-25 апрель ҳамда 12-16 ноябрь кунлари) ўтказилди.
3.	Юқорида кўрсатилган ПҚ-1438-сонли Қарор ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Жаҳон банки билан тузилган "Банк тизимида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш лойиҳаси"да белгиланган вазифалар доирасида, 2013 йилнинг 12-16 ноябрь кунлари Жаҳон банки мутахассислари томонидан Марказий банк ходимлари, барча тижорат банклари бош бухгалтерлари, Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси банк-молия академиясида "Банк соҳасида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш" мавзусида семинар ўтказилди.
4.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Жаҳон банки билан тузилган "Банк тизимида молиявий ҳисоботлар ва аудитни такомиллаштириш лойиҳаси"да белгиланган вазифалар доирасида Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида молиявий ҳисоботни такомиллаштириш: Мамлакат стратегияси ва чора-тадбирлар режаси" (кейинги ўринларда "Стратегия" деб юритилади) 2013 йил 23 октябрда 0382/13-сонли хат орқали Республика Марказий банкига ва тегишли вазирликларга тақдим этилган.
5.	Марказий банкнинг 2013 йил 11 февралда 164 ва 165-сонли фармойишларига асосан тузилган ишчи гуруҳи аъзолари билан 2013 йил 21 ноябрь куни тақдим этилган Стратегия лойиҳасининг муҳокамаси бўйича Жаҳон банки мутахассислари (А.Бусуйок, Ш.Дайоуман) иштирокида учрашув ўтказилди. Учрашувда Стратегия лойиҳаси ва МҲҲСни жорий этиш масаласи кенг ва атрофлича муҳокама қилинди ва Стратегия лойиҳаси юзасидан Марказий банк таклифлари Жаҳон банк вакилларига тақдим этилган.
6.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, ЎзБАМА ҳамда МҲХС Фонди ўртасидаги тузилган шартномага асосан ЎзБАМА томонидан амалга оширилган МҲХСнинг давлат тилидаги таржима лойиҳаси Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси (ЎзБАМА)нинг 2013 йил 24

	декабрдаги 220-сонли хати билан Марказий банкка кўриб чиқиш ва хулоса бериш учун тақдим этилди. МҲХСнинг давлат тилидаги таржимаси лойиҳаси юзасидан 2014 йил 24 январда 15-18/100-сонли хат орқали Марказий банкнинг таклиф ва эътирозлари Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлар Миллий Ассоциациясига юборилган.
7.	Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг 2014 йил 10 февралда 33-сонли хатига Марказий банк томонидан жорий йилнинг 21 февраль куни 15-18/264-сонли хат орқали жавоб юборилди. Ушбу жавоб хатида МҲХСни ўзбек тилидаги таржимаси Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг 2013 йил 6 мартдаги 14/а ва 15/А-сонли буйруклари билан ташкил этилган Қўмитанинг расмий карори билан тасдикланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли хулосаси олингандан сўнг, Марказий банк томонидан мазкур МҲХСнинг ўзбек тилидаги таржимаси меъёрий хужжат сифатида тасдикланиши ва амалиётга жорий этилиш бўйича чоралар кўрилиши лозимлиги билдирилган.
8.	Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг 2014 йил 18 мартдаги 53-сонли хат билан тақдим этилган МҲХСнинг давлат тилидаги таржимаси амалиётга татбиқ этиш юзасидан тегишли Департамент ва мустақил бошқармаларга юборилди. Шунингдек, Ўзбекистон Банклари уюшмасида шу йилнинг 8 сентябрида "Делойт ва Туш" аудиторлик ташкилоти томонидан "Ўзбекистон Республикаси банклари ва молия институтларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш масалалари" мавзусида семинар ўтказилди. Ушбу семинарда МҲХС талаблари асосида молиявий ҳисобот тайёрлаш, банк тизимида солиққа тортиш, кредит таваккалчилиги ва кредит амалиётларини автоматлаштириш жараёни, корпоратив бошқарувни жорий қилиш ва такомиллаштириш ҳамда корпоратив мижозларга қўшимча молиявий хизматларни кўрсатиш каби долзарб масалалар кўриб чиқилган.

2-илова

АТ «Алоқабанк» жами активлари таркиби

№	АКТИВЛАР	2019 йил 2-чорак		2019 йил 3-чорак		2-чоракка нисбатан ўзгариш	
		Суммаси	Улуши, %да	Суммаси	Улуши, %да	Суммаси	Улуши, %да
1	Кассадаги накд пуллар ва бошқа тўлов хужжатлари	148 200 326	0,73	162 598 906	1,35	14 398 580	9,72
2	Банкнинг Марказий банкдаги хисобваракларн	438 043 459	2,88	491 204 884	2,67	53 161 425	12,14
3	Банкнинг бошка банклардаги хисобваракларн	364 014 142	5,03	369 331 539	7,07	5 317 397	1,46
4	Қимматли қоғозларга инвестициялар	56 496 580	0,36	61 297 707	0,57	4 801 127	8,50
5	Қимматбаҳо металлар, тангалар, тошлар	885	0,00	885	0,00	0	0,00
6	Инвестициялар	30 572 044	0,92	31 872 312	0,76	1 300 268	4,25
6.1.	Инвестициялар,	405 481 986		422 798 614		17 316 628	

	брутто						
6 2	Минус эҳтимолий йуқотишларга заҳиралар	75 909 942		108 926 302		33 016 360	
7	Кредит и лизинг операциялари	5 676 673 252	80,69	5 801 178 859	80,39	124 505 607	2,19
7 1	Кредит и лизинг операциялари, брутто	29 403 450 778		33 472 186 817		4 068 736 039	
7 2	Минус эҳтимолий йуқотишларга заҳиралар	586 777 526		470 007 958		-116 769 568	
8	Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	1 281 808 108	5,25	1 283 508 336	3,13	1 700 228	0,13
8 1.	Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари, брутто	1 875 886 026		1 441 202 815		-434 683 211	
8 2.	Минус: эҳтимолий йуқотишларга заҳиралар	2 077 918		157 694 479		155 616 561	
9	Асосий воситалар	127 179 880	0,49	135 886 171	0,45	8 706 291	6,85
10	Жами ҳисобланган фоизлар ва фоизсиз даромадлар	696 877 444	1,95	712 302 357	1,88	15 424 913	2,21
10 1.	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар, брутто	688 094 190		763 325 938		75 231 748	
10.2.	Олиниши лозим бўлган фоизсиз даромадлар, брутто	8 790 750		8 989 970		199 220	
10.2.1.	Минус: эҳтимолий йуқотишларга заҳиралар	7 496		13 551		6 055	
11	Банкнинг бошқа мол-мулклари	61 699 084	0,17	84 599 849	0,21	22 900 765	37,12
11.1.	Кредит ва лизинглар асосида туплакгак бошка мол-мулклар,брутто	1 100 479		8 512 200		7 411 721	
11.2.	Банкнинг бошқа мол-мулклари, брутто	89 058 496		96 949 605		7 891 109	
11.3.	Минус: йиғилиб қолган амортизация ва эҳтимолий	28 459 891		20 861 956		-7 597 935	

	йуқотишларга заҳиралар						
12	Бошқа активлар	373 343 744	1,52	626 750 841	1,53	253 407 097	67,88
12.1.	Бошқа активлар, брутто	603 221 411		688 300 336		85 078 925	
12.2.	Минус: эҳтимолий йуқотишларга заҳиралар	58 877 667		61 549 495		2 671 828	
ЖАМИ АКТИВЛАР		**9 254 908 948**	**100,00**	**9 760 532 646**	**100,00**	**505 623 698**	**0,00**

3-илова

АТ «Алоқабанк»нинг даромад келтирадиган ва келтирмайдиган активлари *(минг сўмда)*

№	АКТИВЛАР	2019 йил 2-чорак		2019 йил 3-чорак		2-чоракка нисбатан ўзгариш	
		Суммаси	Улуши %да	Суммаси	Улуши %да	Суммаси	Улуши %да
1	Банкнинг бошқа банклардаги ҳисобвараклари	296 014 142	4,16	364 331 539	5,06	68 317 397	23,08
2	Қимматли қоғозларга инвестициялар	122 496 580	1,72	232 297 707	3,23	109 801 127	89,64
3	Инвестициялар	321 572 044	4,52	30 572 312	0,42	-290 999 732	-90,49
4	Кредит и лизинг операциялари	5 676 673 252	79,80	5 800 178 859	80,56	123 505 607	2,18
5	Жами ҳисобланган фоизлар ва фоизсиз даромадлар	696 877 444	9,80	772 302 357	10,73	75 424 913	10,82
	Жами даромад келтирадиган активлар	**7 113 633 462**	**88,59**	**7 199 682 774**	**89,05**	86 049 312	**1,21**
1	Банкнинг бошқа мол-мулклари	61 699 084	1,96	84 599 849	2,37	22 900 765	37,12
2	Бошқа активлар	356 343 744	11,34	373 750 841	10,45	17 407 097	4,88
3	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	262 200 326	8,35	552 598 906	15,45	290 398 580	110,75
4	Қимматбаҳо металлар, тангалар, тошлар	885	0,00003	885	0,00002	0	0,00
5	Банкнинг Марказий банкдаги ҳисобвараклари	1 029 043 459	32,76	1 096 204 884	30,65	67 161 425	6,53
6	Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	1 256 808 108	40,01	1 283 508 336	35,89	26 700 228	2,12
7	Асосий воситалар	175 179 880	5,58	185 886 171	5,20	10 706 291	6,11
	Жами даромад келтирадиган	**3 141 275 486**	**39,12**	**3 576 549 872**	**44,24**	**435 274 386**	**13,86**

активлар						
ЖАМИ АКТИВЛАР	8 029 908 755	127,71	8 084 640 479	133,29	54 731 724	0,68

4-илова

АТ «Алоқабанк» балансининг пассив қисми таркиби

№	МАЖБУРИЯТЛАР ВА ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ	2019- йил 2-чорак		2019 йил 3-чорак		Ўзгариши (+,-)	
		Сумма	Улуши, %да	Сумма	Улуши, %да	Суммаси	Улуши, %да
1	Талаб қилиб олгунча депозитлар	3 971 232 437	12,24	5 291 699 700	15,11	1 320 467 263	33,25
2	Муддатли депозитлар	4 813 923 943	14,84	5 540 410 500	15,82	726 486 557	15,09
3	Бошқа банкларга тўлаб берилиши лозим бўлган маблағлар	946 847 293	2,92	1 035 951 824	2,96	89 104 531	9,41
4	Тўлаб берилиши лозим бўлган кредит ва лизинг операциялари	21 671 245 553	66,80	22 091 897 069	63,09	420 651 516	1,94
5	Субординациялашган карз мажбуриятлари	300 170 000	0,93	313 670 000	0,90	13 500 000	4,50
6	Тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	524 685 621	1,62	482 752 966	1,38	-41 932 655	-7,99
7	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган соликлар	950 691	0,0029	565 344	0,0016	-385 347	-40,53
8	Клиринг трансакциялар	489 233	0,0015	1 965 846	0,0056	1 476 613	301,82
9	Бошқа мажбуриятлар	213 604 089	0,66	256 446 008	0,73	42 841 919	20,06
	Жами мажбуриятлар	**32 443 148 860**	**90,84**	**35 015 359 257**	**85,29**	**2 572 210 397**	**7,93**
1	Устав капитали	2 990 149 306	91,45	5 683 032 515	94,13	2 692 883 209	90,06
2	Қўшилган капитал	3 741 145	0,11	3 741 145	0,06	0	0,00
3	Захира капитали	174 748 734	5,34	231 591 955	3,84	56 843 221	32,53
4	Тақсимланмаган фойда	101 120 903	3,09	118 807 774	1,97	17 686 871	17,49
4.1	Шундан, жорий йилнинг соф фойдаси (зарари)	-60 726 938	X	76 488 204	X	137 215 142	-225,95
	Жами ўз маблағлари	**3 269 760 088**	**9,16**	**6 037 173 389**	**14,71**	**2 767 413 301**	**84,64**
БАНК ПАССИВИ БЎЙИЧА		**35 712 908 948**	**100,00**	**41 052 532 646**	**100,00**	**5 339 623 698**	**14,95**

5-илова

Банк ликвидлигини аниқлаш бўйича коэффицентлар

Коэффицентлар	Кўрсаткичлар	Ўрнатилган оптимал мезон	Изоҳ
К11 (тўла ликвидлилик)	Ликвид активлар/жами активлар	К11 ≥ 0,20	Коэффицент жами активларда ликвид активлар салмоғини ва жами пассивларни қанча фоизини ликвид активлар қоплай олишлигини кўрсатади.
К12 (жорий ликвидлилик)	Юқори ликвид активлар/талаб қилиб олингунча ва муддатли депозитлар	К12 ≥ 0,30	Ликвид активлар орқали мажбуриятларни қоалишини кўрсатади.
К13 (лаҳзалик ликвидлилик	Кассадаги накд пул маблағлари/талаб қилиб олингунча мажбуриятлар	К13 ≥ 0,25	Кассадаги накд пул маблағлари орқали талаб қилиб олингунча мажбуриятларни зудлик қопланишини ифодалайди.

Коэффицентлар	Кўрсаткичлар	Ўрнатилган оптимал мезон	2019 йил 2-чорак	2019 йил 3-чорак
1	2	3	4	5
К11 (тўла ликвидлилик)	Ликвид активлар/жами активлар	К11 ≥ 0,20	0,816	0,804
К12 (жорий ликвидлилик)	Юқори ликвид активлар/талаб қилиб олингунча ва муддатли депозитлар	К12 ≥ 0,30	0,366	0,442
К13 (лаҳзалик ликвидлилик	Кассадаги нақд пул маблағлари/талаб қилиб олингунча мажбуриятлар	К13 ≥ 0,25	0,066	0,104

6-илова

АТ «Алоқабанк» даромадлари таркиби

минг сўмда

№	Категория	2019 йил 2-чорак		2019 йил 3-чорак		Фарқи (+;-)	
		Суммаси	Салмоғи %да	Суммаси	Салмоғи %да	Суммада	Салмоғи %да
1	Бошқа банклардаги ҳисобвараклар бўйича фоизли даромадлар	11 719 396	1,11	18 913 780	1,11	7 194 384	0,01
2	Қимматли қоғозлар олди-сотди ҳисобваракларн бўйича фоизли даромадлар	4 492 653	0,42	10 703 967	0,63	6 211 314	0,21
3	Мижозлар мажбуриятлари бўйича фоизли даромадлар	53 966 356	5,09	82 820 035	4,87	28 853 679	-0,22
4	Банкнинг тўланмаган акцептлари юзасидан мижозлар мажбуриятлари бўйича фоизли даромадлар	5 263 336	0,81	8 844 113	0,83	3 580 777	0,02
5	Фоизлар, дисконт ва кредит (лизинг) операциялари бўйича бадалларам	649 577 586	61,28	1 065 371 477	62,70	415 793 891	1,43
6	Бошқа фоизли даромадлар	335 063 828	31,61	512 456 521	30,16	177 392 693	-1,45
7	**Жами фоизли даромадлар**	**1 060 083 155**	**74,42**	**1 699 109 893**	**71,54**	**639 026 738**	**-2,88**
8	Комиссия ва тўлов хизматлариан даромадлар	114 601 575	31,45	146 888 207	21,73	32 286 632	-9,72
9	Хорижий валютадан фойда	50 601 743	13,89	106 110 137	15,70	55 508 394	1,81
10	Инвестициялардан дивидендлар ва фойда	7 045 528	1,93	8 275 917	1,22	1 230 389	-0,71
11	Бошқа фоизсиз даромадлар	192 180 049	52,73	414 756 121	61,35	222 576 072	8,62
12	**Жами фоизсиз даромадлар**	**364 428 895**	**25,58**	**676 030 382**	**28,46**	**311 601 487**	**2,88**
	Жами даромадлар	**1 424 512 050**	**100,00**	**2 375 140 275**	**100,00**	**950 628 225**	**0,00**

АТ «Алоқабанк» харажатлари таркиби

минг сўмда

№	Категория	2019 йил 2-чорак		2019 йил 3-чорак		Фарқи (+;-)	
		Суммаси	Салмоғи %да	Суммаси	Салмоғи %да	Суммада	Салмоғи %да
I	ЖАМИ	209 797 974	51,15	213 258 325	48,38	3 460 351	-2,76

	ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР						
1	**Депозитлар бўйича жами фоизли харажат**	**133 402 835**	**63,59**	**152 645 298**	**71,58**	**19 242 463**	**7,99**
1.1	Талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича фоизли харажат	494 460	0,37	410 073	0,27	-84 387	-0,10
1.2	Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар	200 363 160	150,19	306 682 975	200,91	106 319 815	50,72
1.3	Бошқа банкларга тўлаб берилиши лозим бўлган фоизли харажатлар	32 545 215	24,40	45 552 250	29,84	13 007 035	5,45
2	**Заём ва қарзлар бўйича жами фоизли харажатлар**	**130 395 139**	**62,15**	**160 613 027**	**75,31**	**30 217 888**	**13,16**
2.1	Тўланиши лозим бўлган кредитлар фоизли харажатлар	247 738 819	189,99	391 464 226	243,73	143 725 407	53,74
2.2	Бошқа фоизли харажатлар	332 656 320	255,11	472 148 801	293,97	139 492 481	38,85
II	**ЖАМИ ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР**	**45 880 948**	**11,19**	**47 839 420**	**10,85**	**1 958 472**	**-0,33**
1	Комиссион ва кўрсатилган хизматлар	29 187 661	63,62	78 241 739	163,55	49 054 078	99,93
2	Хорижий валютадан зарарлар	38 205 848	83,27	65 183 080	136,25	26 977 232	52,98
5	Бошқа фоизсиз харажатлар	587 439	1,28	514 601	1,08	-72 838	-0,20
III	**ЖАМИ ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР**	**154 507 188**	**37,67**	**179 678 490**	**40,76**	**25 171 302**	**3,10**
1	Ходимларнинг иш ҳақи бўйича харажат	98 162 772	63,53	152 049 988	84,62	53 887 216	21,09
2	Ижара ва таъминот бўйича харажатлар	12 520 752	8,10	16 757 685	9,33	4 236 933	1,22
3	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	2 099 938	1,36	4 099 999	2,28	2 000 061	0,92
4	Маъмурий харажатлар	5 211 057	3,37	11 697 348	6,51	6 486 291	3,14
5	Вакиллик ва ҳайриялар бўйича	3 777 387	2,44	9 924 787	5,52	6 147 400	3,08

	тўловлар						
6	Амортизация харажатлари	9 304 273	6,02	13 103 639	7,29	3 799 366	1,27
7	Сугурта, солик ва бошка харажатлар	20 431 009	13,22	24 045 044	13,38	3 614 035	0,16
БАНК БЎЙИЧА ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР		**410 186 110**	**100,00**	**440 776 235**	**100,00**	**30 590 125**	**0,00**

7-илова

АТ «Алоқабанк» фойдаси

минг сўмда

№	Категория	2019 йил 2-чорак	2019 йил 3-чорак	2-чоракка нисбатан ўзгариши	
				Суммаси	Ўлуши, %да
1	Жами фоизли даромадлар	821 083 155	843 109 893	22 026 738	2,68
2	Жами фоизли харажатлар	449 797 974	559 258 325	109 460 351	24,34
3	**Кредит ва лизинглар бўйича эҳтимолий йўқотишларни баҳолашгача бўлган фоизли даромадлар (1-2)**	**246 285 181**	**482 851 568**	**236 566 387**	**96,05**
4	Минус: Кредит ва лизинглар бўйича эҳтимолий йўқотишларни баҳолаш	364 810 325	438 099 689	73 289 364	20,09
5	Кредит ва лизинглар бўйича эҳтимолий йўқотишлардан кейинги фоизли даромад (3-4)	**-118 525 144**	**44 751 879**	**163 277 023**	**-137,76**
6	Жами фоизсиз даромадлар	364 428 895	676 030 382	311 601 487	85,50
7	Жами фоизсиз харажатлар	67 980 948	143 939 420	75 958 472	111,73
8	**Операцион харажатларгача соф даромад (6-7)**	**177 922 803**	**576 842 841**	**398 920 038**	**224,21**
9	Жами операцион харажатлар	151 507 188	231 678 490	80 171 302	52,92
10	**Кредит бўлмаган эҳтимолий йўқотишларни баҳолаш**	**44 382 360**	**196 770 678**	**152 388 318**	**343,35**
11	Даромад солиги тўлангунга ва бошқа тузатишлар киритилгунга кадар соф фойда (зарар) (8-9-10)	**156 966 745**	**178 393 673**	**21 426 928**	**13,65**
12	Даромад (фойда) солиги	42 760 193	56 659 788	13 899 595	32,51
16	**СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (11-12)**	**135 726 938**	**146 333 885**	**10 606 947**	**7,81**

8-илова

АТ «Алоқабанк»нинг ўз маблағлари таркиби

минг сўмда

АТ "АЛОҚАБАНК"нинг ўз маблағлари таркиби ва динамикаси таҳлили							
№	Кўрсаткичлар	2019 йил 2- чорак		2019 йил 3-чорак		Фарқи (+;-)	
		Суммаси	Салм ғи, %да	Суммаси	Салм ғи, %да	Суммаси	Салм ғи, %да
1	**Устав капитали**	**884 032 515**	**70,39**	**884 032 515**	**69,48**	**0**	**-0,92**
1.1	Оддий акциялар	884 032 515	100,00	884 032 515	100,00	0	0,00
1.2	Имтиёзли акциялар	0	0,00	0	0,00	0	0,00
2	**Қўшилган капитал**	**3 921 131**	**0,31**	**2 741 145**	**0,22**	**-1 179 986**	**-0,10**
3	**Заҳира капитали**	**158 748 734**	**12,64**	**168 791 955**	**13,27**	**10 043 221**	**0,62**
3.1	Заҳира фонди	14 607 305	9,20	14 998 308	8,89	391 003	-0,32
3.2	Стандарт активлар бўйичазаҳиралар	9 066 800	5,71	11 890 492	7,04	2 823 692	1,33
3.4	Бошқа заҳира ва фондлар	135 074 629	85,09	141 903 155	84,07	6 828 526	-1,02
4	**Тақсимланмаган фойда**	**209 120 903**	**16,65**	**216 807 774**	**17,04**	**7 686 871**	**0,39**
4.1	Шундан, жорий йилнинг соф фойдаси (зарари)	-21 562 938	-10,31	36 488 204	16,83	58 051 142	27,14
	Жами ўз маблағлари	**1 255 823 283**	**100,00**	**1 272 373 389**	**100,00**	**16 550 106**	**0,00**

МУНДАРИЖА

	Сўз боши	3
I БОБ.	**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**	5
1.1.	Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ҳақида умумий тушунча	5
1.2.	БҲХС Қўмитаси-халқаро ташкилот сифатида ва унинг вазифалари	7
1.3.	Ўзбекистон банк тизимида бухгалтерия ҳисобини МҲХСга мослаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари	16
II БОБ.	**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**	35
2.1.	Бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделлари ва уларнинг зарурияти	35
2.2.	АҚШ ва Буюк Британия бухгалтерия ҳисоби тизими	43
2.3.	Европа ва Осиё давлатларида бухгалтерия ҳисоби тизими	45
III БОБ.	**БАНКЛАРДА КРЕДИТ, ЛИЗИНГ ВА ФАКТОРИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ**	51
3.1.	Кредит операцияларини ташкил қилиш ва уларнинг турлари	51
3.2.	Тижорат банклари томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби	68
3.3.	Факторинг опрерациялари ҳисобини ташкил қилиш	88
IV БОБ.	**БАНКЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ (МҲХС 8)**	119
4.1.	Банкларда ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва унинг моҳияти	119
4.2.	Банкларда ҳисоб сиёсатини шакллантириш тамойиллари	126
4.3.	Ҳисоб сиёсатининг таркибий қисмлари	130
V БОБ.	**БАНКЛАРДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ (МҲХС 32, 36, 39)**	150
5.1.	Банкларда молиявий активлар тушунчаси, уларни туркумлаш ва баҳолаш тартиби	150
5.2.	Банкларда молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш	160
5.3.	Банкларда молиявий активлар амортизацияси ва қадрсизланиши ҳисоби	175
IV БОБ.	**БАНКЛАРДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ (МҲХС 16)**	181
6.1.	Асосий воситалар стандартининг мақсади ва амал қилиш соҳаси	181
6.2.	Банкларда асосий воситаларни баҳолаш ва ҳисобга олиш	191
6.3.	Асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби	212
VII БОБ.	**БАНКЛАРДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ (МҲХС № 38)**	221
7.1.	Номоддий активлар стандартининг амал қилиш сохаси ва мақсади	221
7.2.	Банкларда номоддий активларни ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари	228
VIII БОБ.	**БАНКЛАРДА ЗАҲИРАЛАР ҲИСОБИ (МҲХС № 2)**	239
8.1.	Заҳира стандартнинг амал қилиш соҳаси ва мақсади	239
8.5.	Банкларда кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби	244

IX БОБ. БАНКЛАРДА ИЖАРА ҲИСОБИ (МҲҲС 17) **254**

9.1. Стандартнинг мақсади ва амал қилиш соҳаси 254

9.2. Ижаранинг тавсифланиши 258

9.3. Молиявий ижара ва оператив ижара 261

X БОБ. БАНКЛАРДА ДАРОМАД ВА ҲАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ (МҲҲС 12, 18, 21) **266**

10.1. Банкларда даромадлар ҳисобини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари 266

10.2. Фоизли, фоизсиз ва бошқа операцион даромадлар ҳисоби 288

10.3. Банк фойдаси ва уни ҳисобга олиш тартиби 301

10.4. Банкларда даромад ва харажатлар ҳисобини МҲҲС асосида такомиллаштириш 308

XI БОБ. БАНКЛАРДА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (МҲҲС 7) **319**

11.1. Стандартнинг амал қилиш соҳаси 319

11.2. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш 322

11.3. Банкларда пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот 325

XII БОБ. МҲҲС АСОСИДА БАНКЛАРДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ **333**

12.1. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботларнинг моҳияти ва аҳамияти 333

12.2. Тижорат банкларида молиявий ҳисобот ахборотининг сифат хусусиятлари 340

12.3. Банкларда молиявий ҳисобот элементлари ва уларни тан олиш ҳамда концептуал асослари 355

12.4. Бухгалтерия баланси (молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот) 374

12.5. Банкларда фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот мазмуни ва тузиш тартиби 408

12.6. Банк хусусий капитали тўғрисидаги ҳисобот ва уни тузиш 414

XIII БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ **438**

13.1. Банкларда депозит операцияларининг меъёрий асослари ҳамда уларни амалга ошириш тартиби 438

13.2. Банкларда депозит жалб қилишнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш 449

13.3. Депозит операциялар ҳисобини МҲҲСга мувофиқлаштириш 472

XIV БОБ. БАНКЛАРДА КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ **477**

14.1. Банкларда ҳисоб маълумотларини умумлаштириш 477

14.2. Банкларда молиявий ҳисоботларни консолидациялаш 481

14.3. Тижорат банкларида консолидациялаш молиявий ҳисоботларни тузиш 485

XV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ **494**

15.1. Банкларни солиққа тортишнинг меъёрий асослари 494

15.2. Банклар томонидан тўланадиган солиқларнинг ҳисоби 501

ЎЗ ЎЗИНИ ТЕКШИРИШ УЧУН ТЕСТЛАР **521**

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР **543**

ИЛОВАЛАР **549**

Ибрагимов Абдугапур Каримович
Умаров Зафар Абсаматович
Ҳотамов Комил Раббимович
Ризаев Нурбек Кадирович

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

Дарслик

Муҳаррирлар: **Ф.И.Исаев,**
Ш.Базарова
Саҳифаловчи-дизайнер **К.Бойхўжаев**

Нашр лиц. AI¹ 305. Босишга рухсат этилди 26.05.2020.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Шартли-босма табоғи 35.
Ҳисоб-нашр табоғи 35,9. Адади 10.
25-буюртма.

«IQTISOD-MOLIYA» нашриётида тайёрланди.
100000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 60а.

«DAVR MATBUOT SAVDO» МЧЖ
босмахонасида офсет усулида чоп этилди.
100198, Тошкент, Қўйлиқ, 4-мавзе, 46.